Игорь БУНИЧ

ПАРТИЯНИНГ ОЛТИНЛАРИ

94(47+57)

Б 95 | 2018/10-831
Бунит Ўзбек
Парфюмерия
сўзлари
Т 2018 - 384 б

2018/10-621

ИГОРЬ БУНИЧ

ПАРТИЯНИНГ ОЛТИНЛАРИ

*Русчадан **Озод Шарафиддинов** таржимаси*

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2016

94(47+57) Тарих

УУК: ~~329~~
КБК: 66.61(2)
Б 95

Кулингиздаги китоб якин утмишдан, айтиш мумкинки, тарихнинг энг кир, кора кунлари булмиш кейинги шуро замонларидан ҳикоя қилади. Унда бийрон тилларида халқ ғамини еган, унинг манфаатлари ҳимоячиси булган, амалда эса айни халқнинг сунгги бурда нонигача сурбетларча тортиб олиб узлаштирган коммунистик фирка «доҳийлари»нинг мисли курилмаган кирдикорлари тарихий далиллар билан очиб ташланади. Бу китобни укиб, дунё ишларига теранрок назар ташлашга, гоя билан амални фарклашга, кимнинг ким эканини билишга узимизда рағбат сезамиз.

Китоб кенг укувчилар оммасига – уйгок фикрли инсонларга анчамунча маънавий ва илмий озук беради, деб уйлаймиз.

Масъул муҳаррир: **Раҳмон Қучқоров**

Бунич, Игорь.
Б 95 Партиянинг олтинлари [Матн] / И. Бунич; тарж.: О. Шарафиддинов, Р. Қучқоров. –Тошкент: «Маънавият», 2016 – 384-б.

ISBN 978-9943-04-302-2

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
2018/IC
624

ISBN 978-9943-04-302-2

© «Маънавият», 1999
© «Маънавият», 2005
© «Маънавият», 2016

АСРНИ ҲОРИТГАН ҲОДИСА

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» номли китобида собик шўро даврида кўплаб халқлар, жумладан, бизнинг миллатимиз бошига тушган чексиз бахтсизликлар, адолатсизликлар тўғрисида эслатиб: «Илгари ҳам, ҳозир ҳам собик мустабид тузумни ёқлаб чиқаётганларнинг бирорта гапига ишониб бўлмайди. Биз бир пайтлар кукларга кутариб, мук тушиб сигинган Ленин бобо, Сталин бобо ва бошка «бобо»ларимиз ҳақиқатда ҳаммаси қаллоб ва жаллод бўлиб чиқди», дея алоҳида таъкидлайди. 70 йилдан ортиқрок давом этган мана шу қаллоблик ва жаллодлик кирдикорларини оммага руйи рост очиб бериш, айниқса, истиқлол йиллари туғилиб вояга етаётган, яқин утмиш ҳодисаларини ўз кўзи билан кўрмаган фарзандларимизнинг тарихий билими ва дунёқарашини тўғри шакллантириш, дарҳақиқат, бугунги кунинг муҳим вазифасидир. Бу ишда бизга тарихий ҳодисаларга холис ва ҳалол назар ташлаб ёзилган китоблар беминнат ёрдамга келади.

Албатта, мозий қатларига сингган йигирманчи юз йилликнинг энг машҳур, жамики одамзодни лол қолдирган воқеаларини руйхатини ҳар ким ҳар хил тартибда тузиши мумкин. Бирок бу руйхатларнинг ҳаммасига айни асрда иккита жаҳон урушининг бўлиб утгани, ядро куроли кашф этилиб, инсоннинг узига карши ишлатилгани, одамнинг коинотга парвоз қилгани, «Титаник» ва Чернобил ҳалокати юз бергани, ОИТС касаллигининг пайдо бўлгани сингари ҳодисалар беистисно киритилиши тайин. Ва яна шу нарса шубҳасизки, барча руйхатларнинг бошида бу асрнинг энг асосий ходисаси сифатида бир мудҳиш воқелик битилади. Бу – аср тонготарида дунёга келиб, унинг сунггида уз-узини маҳв этган «социализм» деб аталмиш улатнинг инсоният бошига солган ҳисобсиз кулфатларидир. Бошқа аксарият оламшумул ишларнинг руй беришида ҳам унинг қандайдир алоқаси борлиги туфайли ҳам бу ходисани биринчи қилиб ёзишга тўғри келади.

Шуро даври тарихи ҳақида туғилаётган мураккаб саволларнинг чеки-чегараси йуқ. Уларга жавоб излаш мақсадида мозий сари йўлга отланган сайёҳларнинг ҳам. Бироқ уларнинг купчилиги бундай «саёҳат»да илк бор юргани туфайлими ёхуд буни шунчаки саёҳат деб уйлаб, йўл давомида учраши мумкин булган дахшатларга руҳан тайёр эмасликлари боисми, ута тез таъсирчанликлари, ҳайратларининг тоши енгиллиги панд бериб, юзаки таассуротларга, нотўғри ҳукм-хулосаларга йул куйдилар ва бу кусур ҳамон учраб турибди.

Масаланинг яна бир мураккаб жиҳати бор. Гап шундаки, ҳамма нарса ҳақидаги, хусусан, тарих туғрисидаги одамзоднинг – олимнинг, публицистнинг, файласуфнинг мулоҳазалари, беистисно, нисбий кимматга эга булади. Ҳар бир одам узи айтаётган мулоҳазасини, чиқараётган хулосаларини узича ҳақли равишда туғри, деб уйлайди ва бу табиий ҳам. Агар бунинг акси булса эди, бу одамдан шубҳаланиш мумкин эди. Лекин куплаб фактлар асосига қурилган, узоқ ва ҳар томонлама текширувдан утган манбаларга суянган булмасин, барибир, бизга энг туғри булиб кўринган хулосалар ҳам нисбийдир. Зотан дунёнинг узида хулоса йуқ. Чунки олам ва одам ҳақида инсоннинг ожиз мулоҳазага киришуви, то у яралибдики, узлуксиз давом этаяпти. Унинг охирига етдим, сунгги ҳақиқатни айтдим, деганнинг заволи тайин. Шу ерда, ўрни экан, Кайковуснинг «Қобуснома»сида баёнини топган, подшоҳ Хисрав Парвезнинг доно вазири Абузуржмеҳрнинг ушбу сузларини эслатамиз: «Ҳамма нарсани ҳамма билур, аммо ҳамма нарса ҳануз онадин туғилмамишдур...»

Демак, одамга қоладигани шуки, биз олам ва одам ҳакида, гарчи нисбий булсин, иложи борича купроқ ҳақиқат битилган асарларни излаймиз, шуларга ишонамиз (булардан-да тўғрироқ ҳақиқатлар топилгунга қадар!), улардан илмий ва маърифий озиқ топамиз. Хусусан, ХХ аср улати булмиш социалистик тузум ҳақида, унинг «доҳийлари» қилган хунрезликлар туғрисида нисбатан батафсил, реал манбаларга бой, энг муҳими – туғри нуктаи назардан туриб битилган асарлар ичида Игорь Буничнинг «Партиянинг олтинлари» китоби алоҳида диккатга лойиқдир.

Китоб муаллифи фикрича, ғояларининг асосига хусусий мулкка қаршилик мақсадини куйган большевик раҳбарларнинг узлари бутун мамлакат ва халқ мулкини шахсий

ихтиёрларига олишдан заррача истиҳола қилмаганлар. Ленин-дан бошлаб то ГКЧПчиларга қадар – компартиянинг аксарият раҳбар ва раҳбарчаларининг бутун фикру ёди қандай қилиб бўлмасин, қачон бўлмасин, кимники бўлмасин, мамлакат бойлигидан кўпрок улуш юлиб қолиш бўлганини муаллиф қул остидаги фактлар билан исботлаб курсатади. Аслида, бу тузум, бу ғоя эгалари таназзулининг бош сабаби ҳам шунда эди – сиёсий мунофиклик, сўзда бир хил, амалда мутлақо бошка хил киёфада намоён бўлиш уларнинг хаёт тарзи, шармандали улимига қадар ҳукмронлик қилиш усули бўлиб қолаверди.

Катта авлод вакиллари яхши эслашса керак: ўз даврининг машҳур пьесаси – «Милтиқли киши» асаридаги бир эпизодни ҳўп хотирамизга михлашганди. Гуё, Смольнийда боши билан пролетар ишига шунғиган, кун буйи туз тотмай утирган Ленинга оддий аскар ўз ризқи – иссиқ чой ва оқ қандни таклиф килганида, бу фидойи, болаларни жони дилидан яхши кўрадиган (аслида эса улар ва уларнинг миллионлаб ота-оналарини очликка мубтало килиб, бўйсунмаганларни «итдек отиб ташлаш»га кетма-кет курсатма бериб турган!) бу «дохий» беғубор кулимсираб шундай дейди: «Чойингиз учун рахмат-у, лекин қандингизни болаларга беринг!»

Мана, халк ғамида яшаш, келажак насларни уйлаш, ана жонкуярлигу мана камтарлик!..

Энди булса, Буничдан укиймиз: «Ҳар куни Марказий Қумита ошхонасининг талабномалари ва Кремлдаги хизмат курсатувчи ҳар хил соҳаларнинг қоғозларини имзолар экан, Ленин уларга берилаётган озик-овкатларнинг хилларини диккат билан кузатиб турган. Бу овкатларнинг хилларига, албатта, увулдирикнинг уч нави, гуштнинг хилма-хил навлари, колбаса, пишлоқ, тансиқ балиқлар, Ленин ўзи жуда яхши кўрадиган шўр бодринглар, қузикоринлар, уч хил кофе кирган...»

Албатта, айтишимиз мумкин: Лениннинг кичкинагина корни қанчаям нарсани сиғдирарди, еса ебди-да, деб. Афсуски, Ленин ва ленинчилар курсокларининг туби тешик, унинг поёни йўқ экан. Бу курсоқлар шу кадар урчиганки, сал булмаса, дунёнинг олтидан бир қисмини еб битирай деди.

Жиддий тилда айтадиган булсак, коммунистлар етмиш йилдан кўпрок ҳокимият тепасида утириб, қул остидаги халқларни эксплуатация қилишнинг бошка бирорта тузумда

кузатилмаган вахший усулларини уйлаб топишган, бу усулларни ҳеч сесканмай миллионлаб одамларнинг устида, уларнинг жони ва моли эвазига синашган. Улар учун одам улкан машинанинг «винтчаси ва парраги»дан бошқа нарса эмас, унинг умри булса, бу машина утхонасига қаланадиган бепул утин эди.

Шуро тарихида бирон йил булмаганки, халқнинг бирор катламини қатли ом қилиш учун недир қонли тадбир уйлаб топилмаган булсин. Фукаролар (туғрироғи – биродаркушлик) уруши, коллективлаштириш, «халқ душманлари»ни тугатиш, космополитизмга қарши кураш, атеизм, партия сафларини тозалаш сингари унлаб йилларга чузилган кампанияларда булса, миллионлаб бегунох кишиларнинг азиз умри қурбон килинди. «Халқ ҳокимияти» номини узига тақиб олган бу раҳбарият айни халқни хоҳлаган куйга бошлар, унинг вакилларини бир-бирларига қайраб солиб, хар икки томон жасади устида кузғундай совук рохат туярди.

Большевизм юзлаб миллатлар бошига солган қургуликлар тафсилоти билан китобнинг узидан танишиш имконияти булгани туфайли биз бошқа бир мулоҳазага урғу бериш билан чекланамиз: хуш, бу сингари тарихий-публицистик асарларнинг бугунги укувчи учун кандай аҳамияти бор?

Биринчидан, тарих, унинг саҳифалари кандай ранг билан буялган булмасин, албатта, укилиши ва укилиши керак. Қолаверса, бу – бизнинг ҳам оталаримиз тарихи, уларнинг аччиқ қисматлари баёни.

Иккинчидан, тарих холис ва ҳалол урганилмоғи, унинг бағрида кечган ҳодисалар туғри – инсонпарварлик нуктаи назаридан баҳоланмоғи талаб этиладики, қулингиздаги китоб бу жиддий талабга ҳам жавоб беради.

Учинчидан, тарих фақат шу фан соҳаси кишилари билиб-текшириб қуядиган илм тури булмай, уни, айни ҳодисалар тақдирига дахлдор булган миллатларнинг барча онгли вакиллари билиши лозим булган мухим маънавият мулки ҳисобланади. Бу билим бизни бугунги кун қадрига етишга ургатади, эртанги кун сарҳадларига туғри қадам босишимизга таянч булади.

Энг асосийси эса, ҳаётга кириб келаётган авлодларнинг «коммунизм» деган чупчакка, «коммунистик» аталмиш ғояга алданмасликлари, бу каби чиройли атамаларнинг асл моҳияти нимада эканини англаб хушёр тортишлари учун ҳам «Партиянинг олтинлари» сингари китоблар мутолааси зарурдир.

Қолаверса, сиёсий ва иктисодий таназзул холатини бошидан кечираётган айрим узоқ-яқин мамлакатларда коммунистик ва ҳатто, «сталинчи» партияларнинг бош кутараётгани, янги империяпараст гуруҳларнинг фаоллашиб, ҳокимиятни қўлга олиш учун жиддий уринаётгани тараққийпарвар ҳар бир инсонни ташвишга солмаслиги мумкин эмас. И. Бунич китобида уз аксини топган тарихий ҳақиқат эса, бу талвасаларнинг етакчилари қиёфаси ва мақсадларини очиб ташлашга ёрдам беради.

«Партиянинг олтинлари» китоби тўғрисидаги қиска мулоҳазаларни шу билан тугатиш мумкиндек, гуё. Бироқ бу асарнинг узбек ўқувчисига етиб келишида, виждонан айтиш лозимки, қаҳрамонона меҳнат қилган устоз адабиётшунос, моҳир таржимон Озод Шарафиддиновга таҳсин айтмасликнинг иложи йўқ. Гап И. Бунич китобининг улкан ҳажмида ҳам, муаллиф ҳикоя услубининг мураккаблигию уни тушуниб узбекчалаштирмоқ учун мутаржимдан талаб қилинган билим ва тажриба салмоғи устида ҳам эмас. Гап шундаки, айни асар таржимасини бошлаган кезлари Озод ака оғир хасталикни бошидан утказаётган эдилар. Бир ҳафта уйда бўлсалар, бир ой беморхонада, фақат ётган ҳолда даволанишига тўғри келарди. Энди уйланг: унча-мунча одамнинг кунглига шундай таҳликали пайтда тарихий, ҳажман йирик китобни ўқишгина эмас, уни ҳатто, таржима қилиш орзуси, бу орзуни амалга оширмоқ жаҳди сиғадими?..

Озод Шарафиддиновда мана шу кенг кунгил, туганмас эзгу ният, чексиз ижодий матонат – ҳамма-ҳаммаси бор экан! Шу маънода, биз бу улуғ устоздан қандай яшашни, қандай ишлашни, умрни қандай эъзозлашни ургансак арзийди. Шу билан бирга, китоб таржимасини ўқиб, унинг накадар узбекча лисонда «сузлаётгани»ни ҳис қилиб, Озод домланинг узбек маданияти ривожига жуда катта улуш қўшганига яна бир бор тан берамиз.

Энди эса ХХ асрнинг не-не одамлари ақлини, руҳини, умрини ва орзусини поймол қилган манфур коммунистик партиянинг олтин қўйида тушган талвасаси ҳақида ҳикоя қилувчи ғоятда қизиқарли тарихни ўқишга марҳамат қилинг!

Рахмон ҚУЧҚОРОВ,
филология фанлари номзоди

БИРИНЧИ ҚИСМ

БОСҚИН

Владимир Ильич Ленин жаҳон инқилоби ҳақидаги ардоқли орзуларига берилар экан, уларни амалга ошириш учун биронбир давлатнинг бутун бойликлари, иқтисодий захиралари ва табиийки, хазинадаги олтинларини қуролли куч ёрдамида қулга киритиш зарурлигини яхши биларди. Шуниси борки, буларни уйлаганда у ҳеч қачон Россияни назарда тутган эмас. Сабаби, Россиянинг иқтисодий ахволи хамиша ночор, бошқа давлатлардан карзи катта, хазинаси куп-курук булган. Ленин Швейцарияни зимдан кўз остига олиб юрган. У дунёга эгалик килиш борасидаги режаларини руёбга чиқариш учун муъжазгина бу мамлакатни жуда қулай, деб ҳисоблаган. Оврупонинг марказида жойлашган, аҳолиси ҳар хил миллатлардан таркиб топган (тайёр Байналмилал!), халқаро банклар тизими орқали олтин чангаллари билан бутун дунёни бўғзидан тутган. Дохийнинг режаларига кура, айни шу Швейцариядан инкилоб бутун Оврупо буйлаб ғолибона юришини бошламоғи керак. Инкилоб Швейцариядаги минглаб тонна олтиннинг кучи билан ўзига йул очиши мумкин эди. Мутахассисларнинг чамасига кура, Лениннинг хамёни кок-курук булган, шу сабабдан унинг кунглида Швейцария ҳақидаги хомхаёллар туғилган. Онаси вафот этгандан кейин унга Россиядан пул келмай колган, дохийнинг узи эса тирикчилигини утказиш учун ишлаб пул топишга ожизлик килган. Шунинг учун ширин-ширин орзулар унинг васвасага учраган онгида Швейцария банкининг зирҳли сандиқлари тарзида намоён булган. Аммо, минг афсуски, пролетариат дохийсининг чангалига Швейцария эмас, Россия тушиб қолди ва жуда уддабуронлик билан зумда уни жаҳон инқилоби учун бир майдонга айлантирдилар.

Ҳамма дохиёна ишлар каби Лениннинг сиёсати ҳам анчайин жун эди. Бу сиёсатга асос қилиб К. Маркс томонидан «Коммунистик манифест»ида эълон қилинган социализмнинг асосий ғояси олинган эди. Бу гояга кўра, «ишчиларнинг ватани

йуқ», шунинг учун социалистлар ҳеч қачон ва ҳеч кандай шароитда давлат манфаатларини химоя қилмасликлари керак. Ильич буни сон-саноқсиз нуткларн, мақолалари, маърузалари, тезислари, қайдларида такрор-такрор таъкидлашдан эринмас эди. Масаланинг бу тарзда қуйилиши бир зумдаёқ яхши самаралар берди. Бугун биз бемаъни мафкуравий назарияларнинг қобикларини бир чеккага суриб қуйиб, ходисаларга етмиш беш йиллик масофадан назар ташлаб, эҳтимолки биринчи марта – Россияда 1917 йилнинг октябрида нима воқеа руй берганини ҳамма англайдиган содда тилда тушунтириб беришга уриниб кўрамиз. Шунда чорак кам бир аср ўтгандан сунг – 1991 йилнинг августида содир булган воқеаларни тушуниш анча осон кучади...

Ушанда куйидаги воқеалар руй берган эди. Россияда монархия ағдариб ташланганданн кейин демократик бошбошдоклик бошланди. Бундан фойдаланган халқаро террорчилар ташкилоти мамлакатда ҳокимиятни босиб олди. Молиявий жиҳатдан бу ташкилотни узининг тинчлигини уйлаган Германия таъминлаб турарди. Инсоният тарихида ҳали бунакаси курилмаган эди. Бу жаҳон учун мутлақо кутилмаган бир воқеа булди. Очиғини айтганда, воқеа иштирокчиларининг узи ҳам, яъни талвасага тушган раҳнамолари тевараги-га жипслашган бир туда қаланғи-қасанғи муттаҳамлар ҳам омад бунчалик кулиб боқишини кутишмаган эди. Улар енгиб чикишларига сира ишонишган эмас, шу туфайли – феъ-лу атворлари ва қилғиликлари ҳам шунга яраша булган. Большевиклар киссаларига хорижий паспортни солиб олиб, кандай қилиб кутилмаганда Россияда пайдо булган булсалар, худди шундай қуккисдан жуфтакни ростлашга тайёр эдилар. Шунинг учун улар мамлакатнинг миллий бойлигини талон-торож қилишга киришдилар, уни тўрт томонга торткилаб, хорижга жўната бошладилар.

Аввалига бу иш шошма-шошарлик билан ва укувсиз тарзда қилинди. Бу талон-торож эртага давом этадими-йуқми – ҳеч ким билмас эди. Шунинг учун имкони борича бугун юлиб қолиш керак. Шу билан бирга жиноятчи унсурларнинг ракобатидан халос булмоқ зарур. Бу унсурлар янги ҳокимиятнинг «Таланганни тала!» деган шиорини бажону дил кабул қилдилар-у, лекин улжаларини ҳукумат билан бу-лишишни хаёлларига ҳам келтирмадилар. Ҳолбуки, бу шиор

уларга аталган эмас эди. Бунга куп утмай амин булишди, чунки хеч кандай суду терговсиз – кулга тушган жойларида шафкатсизлик билан отиб ташлана бошладилар.

Янги ҳокимият жиноятчи унсурларга караганда яхширок уюшган ва куролланган эди. Улар узларининг хаттиҳаракатларини ҳукукий жиҳатдан асослаш учун ғанимат вактларини сарфлаб утиришни истамас эдилар. Шунга карамай мафкуравий асос керак эди. Бу асос дохийнинг акл бовар килмайдиган каттакон миясидан чикди ва ашаддий хомхаёллиги билан энг якин шерикларни ҳам дахшатга солди. Чоризм ва золимлар томонидан халкдан талаб олинган бойликларнинг ҳаммасини большевиклар тортиб олади. Бундан кузатилган ягона мақсад бор – бу бойликлар кейинчалик ҳамма меҳнаткашларга баравар тақсимлаб берилади. «Ё Парвардигор! – дея хитоб қилган эди курқок ва анойи – гул Бухарин. – Нахотки бунга ишониб булса?!» «Ишонишади! Ишонмай иложлари қанча?» – деган эди уни тинчлантирган Дзержинский «пролетариат диктатураси» учун мусодара килинган бриллиантлардек мастона сузук кузларини чақнатиб.

Чинданам ишонишди! Иван тентак ҳақидаги эртакка анойи, лақма ва ҳамиша алданиб келган халк чукур ишонганини эсланг. Бу эртакка кура, Иван тентак подшо булганидан кейин мамлакат хазинасини ҳам, қатл қилинган боёнларнинг хазинасини ҳам халққа булиб берган ва бу вокеа шарафига уч ҳафта базми жамшид уюштирган. Бу «эртак»ка ишонмаганларни эса отишган, сувга чуктиришган, черковларда ёндиришган, ертулаларда судсиз-терговсиз газ билан заҳарлашган. «Урнак буладиган даражада шафкатсиз булинг!» – деб таълим беради Ильич. – «Ҳеч кимдан сураб утирмай, ахмокона дахмазаларга йул куймай, отиб ташлансин!» Большевиклар жаҳонда биринчи булиб уз халкини янгича усулда оммавий кирғинга дучор килди. Бу эса, албатта, бир туда харомиларга ҳокимиятни сақлаб қолиш имконини берди. Жаҳоннинг казо-казолари овсарлик билан қонли тузумнинг мукаррар ҳалокатга учрашини башорат килишган эди, аммо бу башорат амалга ошмаганини куриб ларзага тушдилар. Жаҳон большевикларнинг янги усулларидан бехабар эди. Мабодо хабардор булганда ҳам, бундай усулларни XX аср амалиётида якиндагина узини Оврупога мансуб деб юрган бир мамлакатда куллаш мумкинлигига сира-сира ишонмас эди.

Аммо чекистларнинг уқларидан кура большевиклар таркатган одамларнинг ялпи тенглиги ҳақидаги заҳарли ғоя куркинчлироқ булиб чиқди. Айни шу ғоя халқаро террорчиларнинг байроклари остига Россиядаги миллион-миллион оммани жам килди. Айни шу ялпи тенглик ғоясини дастак килиб, бехисоб талашлар, мусодаралар, тортиб олишлар амалга оширилди, айни шу ғоя йулида сон-саноқсиз курбонлар берилди; айни шу ғоя большевикларга ҳокимият тепасида қолишга имкон туғдирди ва айни шу ғоя важидан уларнинг бутун мамлакатни коплаган оммавий телбаликни мантиқ ва ақл кучи билан тухтатишга уринган ракиблари маглубиятга учради. Большевизм васвасаси – бутун мамлакатнинг кутуришига ухшаган бир хасталикдир. Минг афсуски, ижтимоиётчилар бу ташхисни жуда кечикиб қуйдилар ва бундан буёғига психиатрлар иш олиб бормоғи керак, деб ҳисобладилар. «Социализм – ҳасад мафкурасидир», – деб хулоса чикарган эди Бердяев 1918 йилдаёк, лекин афсуски, унинг гапига ҳеч ким кулоқ солгани йуқ. Акс ҳолда уни турган жойидаёк маҳв этардилар. Бу – кутуриш микроблари ёки ҳасад мафкурасими ёки униси ҳам, буниси ҳам эдими? Қуйинг, майли, буни келажак олимлари аниқласин – қон ва талов асосида жаннатмонанд салтанат барпо этиш мумкин деб ишонган улкан мамлакат халкларини кандай килиб шу қадар бемаъни гап билан лақиллатиш мумкин? Қонига беланган, кон билан тер туккан халқ янги чиққан дохийлари мусодара қилинган бойликларни качон тақсимлаб бера бошлашини, нарком билан оқсоч хотин качон узларининг тенг улушларини олишларини кутиб утирар экан, вокеалар тамом бошкача йулдан кета бошлади.

1917 йилнинг октябрида Ленин томонидан тузилган жаҳондаги ишчи ва деҳқонларнинг биринчи социалистик давлати аслида, уз моҳиятига кура, Германияга қарам булган ва Германия кунпаякун булгунча, яъни 1918 йилнинг ноябрига қадар карамлигича қолган эди. Бугун буни камдан-кам одам билади. Шарқий фронтни вайрон килиб бергани, кейинчалик эса Россия империясини тугатгани учун Лениндан миннатдор булган немислар бу янги туғилган тузумдан моддий ва маънавий ёрдамни аямадилар. Немислар большевикларнинг Россиядаги ёш ва ҳали ҳар жиҳатдан ғур демократияга карши фитнасига кумак тарзида немис Бош қароргоҳининг миллион-миллион пулини сарфладилар ва бу билан ҳам чекланмай,

Октябрь тунтаришида бевосита иштирок этдилар. Уларнинг иштироки шунда куриндики, немис «ҳарбий асирлари»дан ташкил топган отрядлар Петроградни генерал Краснов казакларидан сақлаб қолди ва Москва Кремлига бомба ёғдириб, уни ишғол этишга рахбарлик қилди.

Ленин уз валламатларига миннатдорлигини Бресть сулҳи билан ифодалади. Бу сулҳга кура, собиқ Россия империяси ғарбий ҳудудларининг салкам ярми немисларга берилди. Бунинг эвазига Ленин уз каллакесарлари назоратида бўлган ерларда истаган номаъкулчилигини қилиш имкониятига эга бўлди. Аммо у бу ҳудудда қанча вакт давру даврон суражаги ҳакида заррача тасаввурга эга эмас эди. Немислар Россияда қанака безориларни хокимият тепасига чиқаришганини секин-аста тушуна бошладилар, большевиклар уз тасарруфларига туғри келган халқни қандай усуллар билан мажбурлаб «бахтиёр» қилаётганликларини куриб даҳшатга тушдилар ва бу қонли режимни бошқа бирон дурустрок тузум билан алмаштириш ҳакида уйлай бошладилар. Сирасини айтганда, буни жуда осон уддаласа бўларди – Петроград билан Москвани босиб олиш учун немис қушинига 48 соатдан 72 соатгача вақт кифоя эди. Аммо немислар Бресть сулҳи мисолида мислсиз совға олдилар. Бунака совға уларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмаган эди. Шунинг учун немислар аввалги турли сиёсий гуруҳларнинг вакиллари, император хонадонининг омон қолган аъзолари ҳамда Мувақкат ҳукумат ва Бош штаб вакиллари билан музокара олиб борар эканлар, большевикларни ағдариб ташлашда уларга ёрдам беришни ваъда килдилар ва бунинг эвазига фақат битта нарсани – Бресть сулҳи моддаларини тасдиқлашни талаб қилдилар. Музокарада Россия томонидан қатнашаётганларнинг ҳаммаси бу таклифни ижирғаниб рад этишди, немислар эса ҳеч нарсада ён беришмади. Немислар очофатлиги, руслар ҳалоллиги учун курадиганларини кўрдилар.

Ленин немисларнинг найрангларидан хабардор эди. У ҳар куни немис қушинлари хуружидан хавотирланарди – ахир, немис найзалари уни умумроссия тахтига нечоғли осон чиқариб қўйган бўлса, яна шундай тушириб ҳам қуя оларди. Вазият кутиб утиришга йул қуймасди. Ленинга тан бериш керак – унинг асаблари темирдан экан – у уғрибоши «паханлар»га ухшаб қаттиккуллик билан иш юритди ва вахимага тушиб

титраб-қақшаётган, қуркувдан юраги ёрилаёзган яқин шерикларининг тумтарақай булиб кетишига йул қуймади.

Кейинчалик самимий ёзилган хусусий мактубларидан бирида Николай Бухарин буни завқ-шавқ билан хотирлайди: «Бошқа биров эмас, айни Ленининг узи аввал эсэрларни, кейин меньшевикларни чув тушириб, ҳаммасининг калласига урди, кейин қулига тўқмоқ олди. У, ҳатто, биз билан ҳам ҳамма нарсани узил-кесил ечиб булгандан кейингина гаплашарди. Биз индамасдик, буйсунардик ва назария билан дастуримизга хилоф уларок, ҳамма ишларимиз унгидан келарди. Деникин Тулага яқинлашиб қолганди, биз чамадонларимизни жойлаб тахт қилиб қуйгандик, киссаларимизда сохта паспортлар. Мен, биласан, қуш жиннисиман, Аргентинага жунаб, тўтиқуш овлаш билан жиддий шуғулланишни кунглимга тугиб олгандим. Шунда бошқа биров эмас, айни Ленин мутлақо хотиржам эди. У: «Бундан баттар булмайди. Аммо ҳамиша омадимиз юришиб келган. Бундан кейин ҳам шундай булади!» – деб башорат қилди».

Хуш, большевиклар хорижга жунашни кунгилларига тугиб, ҳатто, Аргентинага борадиган йулни ҳам белгилаб қуйган эканлар, узлари билан нимани олиб кетмокчи эдилар?

Ҳали немис «байналмилалчилари» Пулково адирларидаги ҳандақларда ётган, «Озодлик тонги» линкори эса (собиқ «Император Александр II») ун икки дюймли туплари билан Петербургни жанубдан қуриқлаб турган пайтда, тўнтаришдан кейин Петроградда мустаҳкамланиб олишга улгуриб-улгурмай, бунинг устига ишлар қандай кетиши ҳали номаълум булса-да, Ленин узига хос андишасизлик билан «қизил гвардиянинг капиталга қарши ҳужуми»ни эълон қилди. Қасрлар, шу жумладан, Қишки сарой ҳам талон-торож этилган, банклар, заргарлик дуконлари, йирик савдо корхоналарининг кассалари, хусусий узаро ёрдам кассалари, банкларнинг заводлардаги тармоқлари босиб олинган эди.

Аввалига ишлар кунгилдагидек силлиқ бормади. Қайлардадир қуролли соқчилар қаттиқ отишдилар, қайдадир айрим кишилар қаршилик кўрсатишди, қайдадир олтин ва кимматбаҳо тошлар сақланадиган хазиналар ёки темир сандиқларнинг калитлари ҳадеганда топила қолмади, қайдадир банкларнинг куролсиз ходимлари ва молия вазирлигининг амалдорлари оқибатини уйлаб утирмай буйсунишдан

бош тортдилар – уларнинг аксарияти кексайиб қолган одамлар эди, чунки ҳамма ёшларни уруш гумдон қилганди. Аммо аҳвол дастлабки кезлардагина шундай эди.

Большевиклар нафасларини ростлаб, теварак-атрофга қараб, ҳеч ким уларга ҳалақит бермаслигини ва жиддий қаршилик курсатмаслигини англагач, анча ишонч билан ҳаракат қила бошладилар. 1917 йилнинг 3 ноябрида Ленин куйидаги буйрукни беради: «Ишчи-деҳқонлар Ҳукумати – Халқ Комиссарлари Советини тан олишдан бош тортган ва банк буйича ишларни топширишни истамаган Давлат банки ходимлари қамоқка олиниши керак. Имзо чекканлар: Халқ Комиссарлари Советининг Раиси: В. Ульянов (Ленин); Халқ Комиссарлари Советининг Котиби: Н. Горбунов».

Можаронинг моҳияти икки масалада эди. Биринчидан, банк уз тиллалари сақланадиган жойни айтиб беришни истамаган; иккинчидан эса, Лениннинг курсатмасини бажармаганди. Бу курсатмага кура, банк зудлик билан Ленин учун жорий ҳисоб рақами очиши ва унга активидан беш миллион тилла сум утказиши, кейинчалик ҳам ҳеч қандай қаршилик курсатмасдан бу ҳисобга талаб қилинган миқдордаги пулни утказиб туриши шарт эди. Бу ҳисобдаги пулларни фақат Лениннинг узи ёхуд Горбуновгина олиши мумкин экан. Давлат банкининг ходимлари билан бирга пойтахтдаги ҳамма тижорат ва хусусий банкларнинг хизматчилари ҳам қулга олинди. Оддий рус молия ходимларининг матонатига тан бериш керак – уларнинг номлари деярли номаълумлигича қолиб кетган. Улар қамоқда утириб, турли қийноқлар ва таҳқирларни бошларидан кечирар эканлар, унлаб йиллар мобайнида барпо этилган рус молия тизимини сақлаб қолиш учун мардона курашганлар. Бироқ дунёдаги биронта молиячи давлатнинг узи уюштирган юксак даражадаги куролли боскинчиликка шахсан қаршилик курсатолмайди.

Ҳеч қандай жавобгарликнинг йуқлиги ва уччига чиққан масъулиятсизлик боскинчилик куламини кенгайтиришга имкон берди. Декабрда Россия Давлат банкини «миллийлаштириш» тўғрисида декрет чиқди, шунингдек, жамики хусусий ва тижорат банклари мусодара қилинди. 1917 йил 23 декабрдаги қушимча фармон билан хусусий корхоналарнинг акциялари ва ҳиссалари буйича дивидендлар тулаш, шунингдек, кимматбаҳо коғозлар билан олиб бориладиган ҳамма ишлар

тухтатилади. Барча Россия банклари тугатилади, банк иши «Халқ банки» деб аталган ягона банк сиймосида партия монополияси деб эълон килинди. Большевиклар назорати остидаги ижроия ҳокимияти вакилларига «ишлаб чикариш, тақсимот ва давлат томонидан молиявий маблағ ажратиш соҳасида мусодара этиш, реквизиция килиш, секвестрлаш, саноат ва савдонинг турли соҳаларида ва бошқа тадбирларида мажбурий синдикатлаштириш ҳуқуқи берилади».

1917 йил ноябридан саноат корхоналарини «халқ фойдаси»га мусодара қилиш бошланади. Бу иш Ликин мануфактурасини мусодара қилишдан бошланади. 1917 йил 9 декабрда Халқ Комиссарлари Советининг Ленин раислигида утган мажлисида Тоғ конлари ҳиссадорлик жамияти мулкини мусодара этиш ҳақида карор қабул килинади. 27 декабрда Сергинск-Уфалей ва Каштин тоғлик вилоятидаги ҳиссадорлик жамияти мулкларини, Антардаги аэроплан заводи мулкларини мусодара қилиш, Путилов заводини «халқ мулки»га айлантириш ҳакида фармон чиқади. Мамлакатнинг миллий бойлигини талон-торож этиш иши тез суръатларда борди. Унинг самарадорлиги ортгандан орта борди ва дунёга донғи кетган йирик банклар ҳамда ҳиссадорлик жамиятлари даражасидагина чекланиб қолгани йук. Ҳатто, майда-чуйда улжасини ҳам қулдан чикаришни истамаган овчи каби жазавага тушган Ленин Дзержинскийга курсатма бериб, қай бир даражада оилавий бойликлар ва жамғарма тўплаши мумкин бўлган ҳамма шахсларни зудлик билан рўйхатга олишни буюради.

Бундайларга кимлар кирган?

1. Бадавлат синфларга мансуб, яъни ойига 500 сум ва ундан ортиқ даромади булган шахслар, шаҳарларда кўчмас мулкка, 1000 сумдан ортиқ миқдордаги пул ва акцияларга эга булган одамлар, шунингдек, банк хизматчилари, ҳиссадорлик корхоналари, давлат муассасалари ҳамда жамоатчилик ташкилотлари ходимлари 24 соат мобайнида (кўпроқ муддат беришга Лениннинг сабри чидамаган, ҳолбуки, янги ташкил қилинган сиёсий полициянинг сардори муддатни уч кун деб белгилашга мажбур бўлган) уй қумиталарига уч нусхада ўзлари имзо чеккан аризалар бериб, унда уз манзилларини, даромадларини, хизматларини ва машғулотларини кўрсатишга мажбурдирлар.

2. Уй қумиталари бу аризаларни имзо билан тасдиқлайдилар, унинг бир нусхасини ўзларида сақлаб қоладилар, қолган

икки нусхасини эса Шаҳар бошқармасига ва Ички ишлар Халқ Комиссарлигига (НКВД) топширадилар.

3. Мазкур қонунни бажармасликда (ариза бермасликда ёхуд ёлғон маълумотлар беришда) айбдор шахсларнинг ҳар бири буйин товлагани учун 5000 сумгача[1] пул жаримаси билан, айбининг даражасига қараб бир йилгача қамоқ жазоси билан жазоланади ёхуд фронтга жўнатилади.

4. Биринчи моддада курсатилган шахслар юқорида зикр этилган аризаларнинг нусхасини доимий равишда ёнларида олиб юришга мажбурдирлар. Аризалар уй қўмиталари, шунингдек, бошқа бошлиқлар ёхуд сайлаб қўйилган муассасалар томонидан берилган гувоҳномалар билан тасдиқланган булиши керак.

5. Бу шахслар мазкур қонун нашр этилгандан сунг бир ҳафта мухлат давомида ҳар ҳафталик даромад ва буромадларини ёзиб бериш учун ва уларни қумиталар ҳамда муассасалар берган гувоҳномаларга ёзиб қуйиш учун истеъмолчи ишчи карточкалари тутишга мажбурдирлар (карточка нусхаси илова қилинади)[2].

Ленинга мансуб ҳамма ҳужжатлар каби буниси ҳам уз вазифасига тўла мос келадиган тарзда ёзилган. Ойига 500 сум ва ундан ортиқ олинадиган даромад урта ҳол савдогарларни ва зиёлиларни, айниқса, адвокатлар, журналистлар, ноширлар каби ижодий зиёлиларни абгор қилади. 1000 сумлик кучмас мулк эса бирйула барча майда-чуйда увоккина дукончалар, Охтадаги полизлар, Виборг томонидаги уйларнинг эгаларини қамраб олади. Бу ҳужжат уз руҳига ва мазмунига кура немис оккупацион ҳукумати яҳудийларни руйхатдан утказиш ҳақида чиқарган буйруғини эслатади ва мамлакатни беҳаё ҳамда шафқатсиз боскинчилар босиб олганини яққол исбот қилади. Аммо Лениннинг иштаҳаси шу билан каноатлангани йуқ. Хуш, даромади камроқ булган, кучмас мулки 1000 сумлик эмас, айтайлик, 25 сумлик одамларни нима қилиш керак? Дохий урток Дзержинскийга ёзган доврукли мактубини

---

[1] Бу ракам учирилиб, 10000 қилиб тузатилган. Илҳом ижод вақтида келади-да...

[2] Гитлернинг бундай ишларни амалга оширадиган ходимлари бор эди. Унинг ўзи бунақа ҳужжатларнинг биронтасида бармоғи изини қолдирган эмас. Жаҳон пролетариатининг доҳийси эса бундай қоғозларни ўзи ёзган.

машҳур 7-модда билан тугатади-да, уз афсонавий даҳосини яна бир бор ёркин намоён этади:

«7. Биринчи моддадаги шартларга туғри келмайдиган шахслар узларининг даромадлари ва хизмат жойлари ҳақида уй қумиталарига бир нусхада ариза берадилар. Бу ариза уй кумитаси томонидан тасдиқланган булиши керак».

Текшириб аниқлаб утиришнинг нима ҳожати бор? Талайдиган булгандан кейин ҳаммани бирваракайига талайверади-да! Ярим кечаси муз билан қопланган Фин культиғи оркали ёхуд жануб томонга кочиб қолганларни айтмаса, лақмалик қилиб руйхатдан утганларнинг уйига уша захотиёк бостириб кириб тинтув утказишган. Бу тинтувлар баъзан ойлаб давом этган. Масалан, заргар Николаев ёхуд муҳандис Куравскийнинг уйи шунақа узоқ текширилган. Деворлар бузиб курилган, поллар купорилган, мебелнинг авра-астари ағдарилган, уй эгаларини қалтаклашган, қийнашган, уларнинг кузи олдида кизларини, хотинларини зурлашган, болаларини хурлашган. Бундай тинтувлар оқибатида мабодо бир нарса топиб олишса, масалан, гимназияни аъло битиргани учун берилган олтин медаль ҳам кифоя – оила бошлиғини турмага олиб кетишар (купинча у ердан қайтмас эдилар), оилани эса кучага ҳайдардилар.

Россияда ҳам бошқа ҳамма мамлакатлардаги каби юз минглаб одамлар жамғармаларини банкларда сақлашга одатланиб қолишган эди. Бунинг учун улар хусусий сейфлардан ёки уша вақтнинг тили билан айтганда, пулат қутилардан фойдаланар эдилар. Турли қалам ҳақлари, акциялардан келадиган фойдалар, сармоядан олинадиган фоизлар шу кутига утказиларди. Жамғармаларни сир тутиш банк тизимининг асосидир. Шунинг учун пулат кутиларнинг эгалари ким эканидан купинча банк ходимларининг хабари булмас эди. Улар шифру калитнинг номерини билишарди, холос. Банкларни босиб олишганда большевиклар бу кутиларнинг ҳаммасини синдириб, ичидагини қоқлаб олишлари мумкин эди, албатта. Аммо бу жуда ибтидоий иш буларди. Хусусий сейф эгаларини кулга олиш узгача гашт берарди. Негаки, уларнинг бойликлари фақат шу кутидагилар билан чекланмайди деб тахмин қилинарди. Натижада 1917 йилнинг 14 декабрида Ленин Бутун Россия Ижроия Қумитасининг «Пулат кутиларни тафтиш қилиш туғрисида»ги қарорини тасдиклади. Унда қуйидаги гаплар бор эди:

Мойлет Хамид номидаги Ўзбекистон МК

«1. Банкларнинг пулат кутиларида сакланувчи ҳамма пуллар мижозларнинг Давлат банкидаги жорий ҳисобига утказилмоғи керак.

Изоҳ: Тилла тангалар ва қуйма олтин мусодара қилиниб, умумдавлат олтин жамғармасига топширилади.

2. Пулат кутиларнинг ҳамма эгалари пулат кутилар тафтишида иштирок этиш учун чақирилганда калит билан банкка келишга мажбур.

3. Уч кун давомида келмаганлар тафтишдан қасддан буйин товлаган деб ҳисобланадилар.

4. Тафтишдан қасддан буйин товлаган шахсларга қарашли кутилар Давлат банки комиссарлари белгилаган тафтишчи комиссия томонидан очилади ва унинг ичидаги ҳамма мулк Давлат банки томонидан халқ мулки тарзида мусодара қилинади».

Тафтишда катнашиш учун келганлар эса дарҳол қамоққа олинарди ва улардан бошқа бойликлари ҳақидаги маълумотлар, ҳар қандай йул билан бўлса-да, суғуриб олинарди.

Мамлакатни талаш билан бир қаторда бу жараёнга ҳеч ким ҳалақит бермаслиги ҳам пухта уйланган. Уз-ўзидан аёнки, большевиклар, айникса, офицерлардан хавотир олишган. Уша кезларда Петроградда 50 мингга якин офицер бор эди. Армия вайрон булиб, уни таркатиб юбориш ҳақидаги фармон чиккандан сунг офицерлар уй-уйларига қайтиб кетишганди. Уларнинг куплари фаол қаршилик курсатишни хаёлларига ҳам келтирмай, нима қилиб бўлса-да, бу даҳшатли кунлардан утиб олишга умид боғлашарди. Турт йиллик жаҳон урушида уларнинг суроби туғриланиб колганди. Аммо омон колишнинг иложи бўлмади. Ҳамма офицерлар хизмат жойларига келиб руйхатдан утиши зарурлиги туғрисида фармон чиқди. Келмаганлар отилар эди. Руйхатдан утгани келганларни эса баржаларга жойлаб, Фин қултиғига олиб бориб, чуктириб юборишди. Уша кезларда «аксилинқилоб гидраси» деган машҳур атама юзага келди. «Гидра» деганини куйидагича ясар эдилар: учта ё туртта офицерни бир-бирларига орқама-орка қилиб боғлашарди-да, сувга улоктиришарди. Аммо фавқулодда ҳолларда – чекистлар кунгил очишни истаб колганларидагина шундай қилинарди. Одатда эса уларни синфий жиҳатдан алоҳида хавфли унсурлар сифатида жунгина сувга чуктиришар ёки отиб ташлашар эди. Айни чокда

уларнинг диккат-эътиборлари асосий вазифадан – Россияни талаш вазифасидан бир дақика ҳам чалғимас эди.

Россиянинг шимолий ва марказий губерналаридаги куркиб кетган мингларча аҳоли жануб томонга – Украинага коча бошлади. Унинг мустақиллиги Бресть шартномаси билан кафолатланган ва немис қушинлари томонидан ҳимояланган эди. Немислар РСФСР чегаралари буйлаб Украинадан то Болтиқбуйигача жойлашган эдилар. Улар бир томондан большевикларни ташқи хуружлардан ҳимоя қилар ва айни чоқда уз худудларини кенгайтиришларига ҳам йул қуйишмасди. Қушинлар қочоқларни орқага қайтаришар, қай бир йул билан утиб кетганларини ушлаб, большевикларга топширардилар. Аллақачон «ноконуний тарзда чегарадан утганлар» тугрисидаги Ленин декрети амалга кирганди. Бу декретда чегарани бузганларни отиб ташлаш кузда тутилганди. Большевиклар томонидан босиб олинган ҳудудда қолган купгина одамларнинг кариндошлари ва дустлари Украина ҳукуматини илтимосномаларга кумиб ташлашди. Бу илтимосномаларда қариндошларининг тақдирига аралашиш ва уларни коммунистик «жаннатдан» халос булишларига кумаклашиш суралган эди.

Украина ҳукумати ёрдам сураб немисларга мурожаат қилди. Улар Москвадаги элчилари Мирбах орқали большевикларнинг кунглига қул солиб курдилар. Немисларни ҳайрон қолдириб, Ленин бу таклифни бажонидил қабул қилди. Гетман ҳукумати «текинхур синфлар» ҳақида шунчалик ғамхурлик қилар экан, совет ҳукумати истаганча одамни Украинага жунатишга мутлақо қарши эмас, фақат... бу иш бепул битмайди. Майли, Киевда одамларнинг фамилиялари ва манзилларини курсатиб руйхатлар тузишсин-да, уни Москвага жунатишсин. Ҳар бир қочоқ учун 2000 фунт-стерлинг ёхуд тилла сум тулаш керак булади. Лекин, майли, жин урсин сизларни, пул булмаса, буғдой бера қолинглар. Фақат шошилинглар. Фурсат утиб боряпти. Дохийнинг сунгги сузларида ошкора шама бор эди. Орадан куп утмай Украинадан шимолга ғалла ортилган эшелонлар йул олди. Булар уша пайтда бутун Россияда «гетман эшелонлари» деб танилган эди. Улар куплаб маҳкумларга озодлик ва ҳаёт элтдилар. Жануб томонга Украинада қариндошлари ва дустлари бор қочоқлар тулиб-тошган поездлар йулга чиқди. Чегарадаги бекатларда кочокларни

тинтиб, бор-будларини шилиб олишарди. Поездлар суткалаб туриб коларди. Ҳеч канақа кафолат йуқ эди. Истаган одамни тусатдан қамаб қуйишлари ва ҳатто, перроннинг ўзида отиб ташлашлари ҳам ҳеч гап эмас.

Аммо буларнинг бари ҳали ҳолва эди. Россияда жуда бадавлат одамлар унчалик куп эмасди ва уларнинг ҳаммаси отнинг қашқасидай маълум эди. Ленин Дзержинскийга мактубида оғзидан бол томиб тилга олган уртаҳол одамлар кўпроқ эди, аммо улар ҳам аҳолининг умумий саноғида жуда кам фоизни ташкил қиларди. Шунинг учун уларни талаш ва маҳв этиш осон эди. Бунинг устига, тан олиш керак, уларни жамоатчилик деярли қуллаб-кувватламасди, чунки ҳасад мафкураси ўз ишини қилиб булганди.

Аммо ун миллионлаб майда мулкдорлар: меҳнаткаш саррожлар, мўйнадўз, кунчи, этикдўз, мумчи, дурадгор, шишасоз, тунукасоз, печкачи, муковасоз, зардўз, сураткаш ва бошқа касбдагилар бор эди. Мамлакат аҳолисининг катта қисмини ташкил қилувчи бу косиблар ўз ҳунари билан тирикчилигини ўтказардилар. Улар ҳаддан ташқари меҳнатсевар эдилар, ўз ишларига беиҳоя мохир эдилар; улар шафқатсиз рақобат шароитида узоқ йиллар давомида уч-турт танга жамғаришга муваффак булишганди. Уларнинг ҳаммаси комил ишонч билан ўзларини меҳнаткаш деб ҳисоблар ва большевиклар бизнинг номимиздан ҳам иш юритишяпти деб ўйлашарди. Завод ишчилари белгиланган вактлардагина ишлар эдилар. Косиблар эса, улардан фарқ қилароқ, эртаю кеч тиним билмасдан меҳнат қилишар ва фақат байрам кунларидагина ҳордиқ олишга ўзларига изн беришарди. Ахир, шулар булмаса, ким меҳнаткаш аталади? Улар ҳам шундай деб ҳисоблашган. Аммо кўп ўтмай маълум булдики, беҳуда умидланган эканлар. Уларни ипидан-игнасигача шилиб олмай туриб, большевикларнинг кунгли жойига тушмасди. Россияда бунака меҳнаткаш деганнинг саноғи йуқ – уларнинг ҳаммаси биргаликда партия ғазнасини анча тулдириши турган гап. Уларнинг ҳиссаси ҳеч булмаганда йирик буржуазиядан ва зиёлилардан талаб олинган маблағнинг ярмига тенг булиши мумкин эди.

Ғалати жойи шундаки, Ленин айни ана шу меҳнаткаш майда мулкдорларни йирик капиталистлардан кура кўпроқ ёмон курган. Бунинг боиси шундаки, «жаҳон пролетариатининг доҳийси» узининг жамики ҳамтовоқларидан муғомбирроқ

ва ақллирок булгани учун теварагидагиларга караганда анча узокни кура олган. Улар узларига топширилган вазифани, яъни Россияни ипидан-игнасигача талаш вазифасини бажаришган ва узларининг акл бовар килмайдиган улжалари билан бирга бир зумда жуфтакни ростлашга тайёр туришган. Улар бутун ғайратларини ва «инкилобий шижоатлари»ни айни шу максадга каратишган. Ленин эса мамлакатдаги ва дунёдаги ахволни синчиклаб кузатиб боргани учун хокимиятни кулида тутиб колиш имконини кура бошлаганди. Кушма Штатлар урушга кушилгандан кейин кайзер Германиясининг ахволи кун сайин оғирлашиб бормокда эди. Шаркий фронт йук эканига карамай, Германия иктисодий ва харбий халокатга, бинобарин, таслим булишга махкум этилганди. Бу эса уз навбатида Бресть шартномаси бекор булишини англатарди. «Советлар Республикаси» немисларга карамликдан халос булиб, мутлако мустакил ва такдири номаълум бир улкага айланиши мумкин эди. Бу кунни тегишли тайёрлик билан кутиб олмок керак. Бунинг учун факат буржуазия билан зиёлиларни тугатишнинг узи кифоя килмайди. Бу осон ва кулай. Эндиги вазифа мураккаброк булади. Лекин маълумки, большевиклар уддасидан чикмайдиган вазифа йук.

«Социализмнинг бош душмани, – дейди Ленин, – майда буржуазия дунёсидир». Сунг у давом этади: «Майда буржуйлар бир неча минглаб пулларни яшириб куйганлар. Улар бу пулларни хар хил «туғри» ва айникса, «кинғир» йуллар билан топишган... Пул жамият бойлигини олишга имкон берадиган хужжатдир. Шунинг учун кун миллионли майда мулкдорлар катлами бу хужжатни жуда эхтиёт килиб саклайди, хеч канака коммунизму социализмга ишонмагани учун пулини давлатдан яширади. Мингларча сумини авайлаб-асровчи майда буржуа... душмандир. У мингларча сумини, албатта, узига сарфлашни истайди». Йук, узгаларнинг чунтагидаги пуллар Ленинга тинчлик бермайди. Албатта, бу пулларни биринчи навбатда тортиб олиш зарур. Лекин гап факат пулдагина эмас. Ахир майда мулкдорлар (уларга дехконлар хам киради) – улкан бир мамлакатнинг узича фаолият курсатадиган ахолисидир. Узича фаолият курсатади дегани мустакил дегани хамдир. «Жахон пролетариати доҳийси»нинг олисни кузлаб белгилаган вазифасига кура эса, уларни талашнинг узи кифоя эмас, балки мустакилликдан махрум хам килиш

керак. Шунда улар Ленининнинг хоҳишларини сузсиз бажарувчи муте кулларга айланади. Ленин заррача хижолат тортмай, уз хамтовокларига бу улуғвор вазифани кандай бажариш кераклиги ҳақида таълим беради:

«Ғалла монополияси, нон карточкаси, ялпи меҳнат мажбурияти пролетар давлатининг кулида, тула ҳукукли советлар кулида ҳисоб-китоб ва назоратнинг жуда кудратли куролидир... Меҳнатга мажбур қилиш ва назоратнинг бу воситаси конвентнинг қонунларию гильотинасидан зуррокдир. Гильотина факат куркитарди, фаол қаршиликни синдирарди, холос. БУ БИЗГА КИФОЯ ҚИЛМАЙДИ. Биз капиталистларни куркитиб куймоғимиз керак, токи улар пролетар давлатининг кудратини билиб қуйишсин ва унга фаол қаршилик курсатишни хаёлларига хам келтиришмасин. Шу билан бирга, биз уларнинг пассив каршиликларини ҳам синдирмоғимиз лозим, негаки бу янада хавфлирок ва зарарлидир. Биз нафақат хар қандай каршиликларни синдирамиз, биз уларни янги ташкилий давлат муассасаларида ишлашга мажбур киламиз. Бунинг учун кулимизда воситамиз бор... Бу воситa – ғалла монополияси, нон карточкаси, ялпи меҳнат мажбуриятидир».

Бундан очиқроқ айтиб булмайди. Агар ҳокимиятни кулда тутиб колишга муваффақ булинса (ва ҳокимиятни кулда тутиб колиш учун хам), мамлакатнинг ҳамма бойлигини кулга олиш керак (аллакачон кулга олиняпти ҳам), ҳамма ғаллани, ҳамма озик-овкат маҳсулотини, ҳамма турар жойларни, хуллас, одамларнинг гириклиги нимага боғлик булса, шуларнинг барини кулга олиш керак. Сунгра уларни шундай таксимлаш керакки, силласи куриган ва очликдан куп хурликлар курган одам бор-йуғи нон карточкаси учун бажонидил меҳнат киладиган ва умуман, буюрилган ҳар қандай ишни бажарадиган булсин. Жуда оддий ва дохиёна! Туғри, хали баъзи жиҳатлари сал коронғирок – масалан, бу ажойиб акида кимга татбик қилинади? Капиталист, буржуй, кулок деган тушунчалар бироз мужмалрок. Ҳатто, Ленининнинг узи хам ҳаммага ёрлиқ осавериб чалкашиб кетди, энди эса бу тушунчаларнинг чегарасини даромад, маош, умумий ахволга нисбатан аник белгилай олмай қолди. Энди эса «бой синфлар» тушунчаси чегарасини ойига 100 сумгача даромад киладиганлар билан белгилаб утирибди. Шундай булса ҳам, биринчи навбатда кимни тунаш ва кимга зурлик ишлатиш масаласида ҳеч

кимда хеч қандай шубҳа уйғонмаслиги учун Ленин сира иккиланмай шундай изоҳ беради:

«Бадавлат одамларга қулланадиган мажбурий меҳнат принципидан ҳокимият аста-секин бу принципни кўпчилик ишчи-деҳқон меҳнаткашларига нисбатан қуллашга утмоғи керак, тўғрироғи, муайян принципларни (нон карточкаси, мажбурий меҳнат ва мажбур қилиш) маълум тартибда қулламоғи зарур. Совет раҳбарларининг, сайлаб қуйилган ёхуд тайинланган, диктаторлик ваколатларига эга булган диктаторларнинг фармойишларига сузсиз буйсунишларига эришмок керак».

Марказкўм аъзолари қуркувдан ранглари бузарди. Бу энди синфий кураш эмас, бутун халққа қарши эълон қилинган уруш эди. Биринчидан, бу жуда хатарли, иккинчидан эса... «Ахир, Россиядан нима қолади? – деб дахшат ичида минғирлайди садокатли Бонч-Бруевич. – Бунинг окибатида минг йилдан бери яшаб келган Россия бутунлай махв булади-ку?!..»

Ленин кескин ҳаракат билан катта бармокларини нимчаси ичига тиқиб, кузларини қисади-да, Халқ Комиссарлари Советининг Иш бошқарувчисига ёмон тикилади. Қолганларнинг дами ичида.

«Эсингизда булсин, азизим, – дейди Ленин Бонч-Бруевичга мурожаат қилиб, лекин ҳамма эшитадиган баланд оҳангда. – Эсингизда булсин, Россияга тупураман. Чунки мен – большевикман!» Лениннинг бу севимли ибораси унинг шериклари учун шиор булиб қолди. Улар бу иборани урни булса-булмаса такрорлашни яхши куришарди. Ниҳоят, вақти-соати келиб, Иосиф Виссарионович уларнинг овозини учирди, чунки Лениннинг бу дахшатли ибораси «бир мамлакатда социализм куриш» мумкинлиги ҳақидаги Сталиннинг «куфрона» назариясига тўғри келмас эди. Шундай қилиб, уруш эълон қилинди. Унлаб йиллар давомида изга тушган ҳамма нарса бир зумда вайрон булди – шаҳарлар инфраструктураси бузилди, савдонинг ҳамма турлари улди, хизмат курсатиш сохалари дабдала қилинди. Қочишга улгуролмаган уй эгалари ва меҳмонхоналарнинг хужайинлари ё уллирилди, ё қамокка олинди, ёки омади чопганлари кучага улоқтирилди. Бир замонлар бутун Оврупога машхур булган магазинлар ва ресторанлар, биринчи даражали меҳмонхоналар, клубларнинг витриналари синдирилди, ё фанер билан копланди. Нафақат улар, кичик дукончалар, йул

буйларидаги ётоқхоналар, карвонсаройлар, устахоналар, емакхоналар, ижарага қуйиладиган хоналар ҳам ёпилиб қолди. Табиийки, бир лаҳзанинг ичида сотувда ҳамма нарса ғойиб бўлди, биринчи навбатда, нон йўқ бўлди.

«Буржуазияни бостириш нима дегани? – деб тушунтирди Ленин. – Помешчикни бостириш ва махв этиш учун уни ердан маҳрум қилиб, ерини деҳконларга берсанг кифоя. Аммо йирик сармояни тугатиш билан буржуазияни бостириш ва йўқ қилиш мумкинми? Марксизмдан салгина хабардор ҳар кандай одам биладики, бундай йўл билан буржуазияни бостириб бўлмайди, чунки буржуазия товар ишлаб чикаришдан туғилади; товар ишлаб чиқариш шароитидаги деҳқонни олиб курайлик – унинг юз пуд ортиқча ғалласи бўлса, у бу ғаллани давлатга топширмай, чайковда сотса – ким бўлади у? Буржуазия дегани шу эмасми?.. Ана шуниси дахшатли! Социал инқилоб учун энг хатарли жойи ана шунда». Ва албаттаки, мамлакатдаги бутун савдо тизимини махв этган большевиклар ҳар кандай озиқ-овкат маҳсулотлари сотишни чайковчилик деб эълон қилдилар. (Хуб ажойиб сўз топилган эди-да! Бу сўз 74 йил мобайнида коммунизм сари музаффарона одим отиб келди, мана, эндиликда у тўзум ўлиб кетди, аммо бу сўз яшамокда, афтидан, чайковчилик бизнинг мамлакатимизда мангулик касб этган кўринади.)

1917 йилнинг 10 декабридаёқ чайковчилар халқ душманлари деб эълон қилинадилар, уч ой ўтгандан кейин эса Ленин имзолаган декретда аниқ курсатма берилади: «чайқовчилар... жиноят килган жойларининг ўзида отиб ташланади».

Уйларда, деворларда, симёғочларда – ҳамма жойларда буйруқлар пайдо бўлди: «Кимда-ким чайқов, олди-сотди масаласида совет ҳокимияти томонидан нашр қилинган мавжуд қонунларга чап беришни ўйласа, унинг молу мулки мусодара килинади, ўзи отилади...»

Машхур адиба Зинаида Гиппиуснинг моҳир қалами ўша дахшатли даврнинг юракларни орзиктирувчи хакикатини бизга шундай етказади:

«... сон-саноқсиз (баъзан бир-бирига зид ва чалкаш, лекин ҳамиша таҳдидли) декретлар билан ҳамма нарса «миллийлаштирилди» – большевиклаштирилди. Ҳамма нарса «давлатники» (большевикларники) деб хисобланарди. Баъзи бир колган-кутган заводлар ва фабрикаларни айтмаганда, ҳамма

дуконлар, ҳамма магазинлар, ҳамма корхоналар, кучмас мулклар, деярли ҳамма (йирик) кучувчи мулклар – бари давлат тасарруфига утказилган ва давлат мулки деб ҳисобланарди. Декретларнинг ҳаммаси шу ғояни амалга оширишга йуналтирилган эди. Ғоянинг амалга ошиши силлик кечган деб айтиш кийин. Сирасини айтганда, буларнинг бари ҳамма нарсани кулга олиш иштиёқидан бошка нарса эмас эди ва купинча буларнинг бари вайроналик ва хунрезлик билан, тортиб олинган нарсанинг махв этилиши билан тугар эди.

Мусодара этилган магазинлар, корхоналар ва заводлар ёпилиб қолади; хусусий савдонинг тухташига олиб келди, ҳамма магазинлар ёпилди, яширинча савдо килиш, чайковчилик ва уғирлик авж олди. Большевиклар хоҳласа-хоҳламаса бунга панжа орасидан қарашга мажбур эдилар ва ахён-ахёндагина кучаларда, хусусий бинолларда, бозорларда олди-сотди билан шуғулланаётганларни босиб, жазога торгар эдилар. Бозорлар деярли ҳамма учун ягона тириклик манбаи булиб, у ҳам бошдан-оёқ хуфия тарзда иш тутарди. Баъзан террорчи отрядлар бозорга хужум қилар, тарс-турс уқ отиб, одамларни улдирар ва сотилаётган озиқ-овкатларни отряд фойдасига мусодара қилар эди. Даставвал озик-овкат тортиб олинарди, аммо бозорда йуқ нарса булмасди. Шунинг учун бошка нарсалар ҳам – эшикларнинг тутқичими, бронза шамдонларми, қадимги духоба муковали инжилми, тортиб олинаверарди... Мебель ҳам давлат мулки ҳисобланарди, аммо диванни этагинг тагига яшириб сотолмайсан, шунинг учун одамлар чармини киркиб олиб, уни бирон егулик нарсага алмаштириш пайидан булишарди... «Қизил аскар келяпти!» – деган хитобни эшитиш билан савдо килаётганлар бакириб-чакириб турт томонга тиракайлаб кочишини бир курсангиз эди! Лаш-лушини кукрагига босиб олган одамлар жон-жаҳдлари билан югурар, бир-бирини турткилар, эгасиз ертулаларга суқулиб олишар, синик деразалардан ошиб ичкари киришарди... Харидорлар ҳам шунака жойларда бошпана топишга интилишарди, чунки Совдепияда бир нарсани харид килиш ҳам уни сотишдан кам жиноят эмас, деб ҳисобланарди. Ҳолбуки, Зиновьевнинг узи яхши билардики, бу «жиноят» булмаса, Совдепияда фукаро колмас, унинг умри эса 10 кунга бориб-бормай тугаб битарди.

Россияда ҳозир жуда арзимаган бир гурух одамлар ҳукмбардорлик қилмоқда. Аҳолининг қолган кисми ва

айникса, саводли одамларнинг купчилиги уларга салбий карайди, хатто, душманлик билан муносабатда булмокда. Чинакамига бир бегона юртни босиб олгандай таассурот колади.

Латиш, немис, австрия, венгр ва хитой полклари бу таассуротни янада тулдиради. Большевикларнинг шахсий сокчилари латишлар ва муғуллардан таркиб топган. Хитойлар кулга тушган махбусларни отиб ташлашади. («Маҳкумлар»ни деб ёзворишимга сал колди, бирок маҳкумлар йук, чунки камокка олинганлар устидан суд булмайди. Уларни шундок отиб ташлайверишади...) Муғул истилосидан нима фарки бор бунинг?»

Босиб олинган шаҳарлардаги аҳвол шунака эди. Аммо Россия кишлок мамлакати – аҳолининг купчилик кисми Россияни туйғизадиган миллион-миллион деҳконлар. Улар ҳам таланмаслиги ва янчиб ташланмаслиги мумкин эмасди. Негаки, уларнинг ҳам озми-купчи йиғиб куйган тилла-лари бор эди. Маълумки, «тилла» деганда Ильичнинг жини кузийверади, тинчини йукотади. Лекин деҳконлар тилла-дан ҳам кимматлирок бойликка эга – уларнинг ғалласи бор. Ғаллага эгалик килмаса, «жаҳон пролетариатининг доҳийси» нима килишини билмай коларди. Гарчи у даврда ҳокимиятни кулда саклаб колиш имконияти анча шубҳали кўринса-да, аҳолининг шунча катта кисмини таламай колдириш ҳам аклга сиғмасди.

Лениндан таралган оммавий тентаклик ғайрати энг маъкул йулни топишга ёрдам берди. «Бизнинг энг мухим вазифамиз, – деб эълон килади доҳий, – аввал деҳконларни помешчикларга карши кайраб солиш, кейин эса, хатто, кейин ҳам эмас, балки уша вактнинг узида ишчиларни деҳконларга карши кайраб солишдир».

Аммо вазифа аҳолининг турли тоифаларини бир-бири би-лан уриштириб куйишдан иборат эмас эди. Бу большевиклар тилида «синфий кураш» деб аталарди. Вазифа васваса ичида шу курашда иштирок этувчи томонларнинг ҳаммасини ипи-дан игнасигача шип-шийдам тунаш эди. Канакасига айлантир-манг, масала очикчасига кундаланг куйилган эди: деҳконни ғалла сотиш ҳукукидан махрум килиш керак ва табиийки, бир тийин ҳам туламасдан давлат номидан бу ғаллани эгаллаб олиш зарур. Буни фақат бир йул билан – куч ишлатиб амалга

ошириш мумкин, чунки деҳқон ғалласини шундоккина тептекинга бериб қуйишига ҳеч ким ишонмас эди. Шунинг учун тезлик билан озиқ-овқат отрядлари туза бошладилар. Бу отрядлар қишлоқ аҳолисининг қулидаги ғаллани тортиб олиши керак эди, табиийки, йул-йулакай бошка бойликлар ҳам эътиборсиз қолдирилмасди. Аммо қишлоқ жойларида иш шаҳарлардагидек силлик кучмади. Деҳқонлар дархол каттик каршилик курсата бошладилар. Марказий Россиядаги 20 та районнинг узида 1918 йилда деҳқонларнинг 245 та йирик ғалаёни булди. Қишлоқларда ҳақиқий жанглар руй берди. Ленин режасининг моҳияти ҳар қандай қилиб булса-да «ғалла монополияси»ни таъминлаш эди, чунки бу монополиясиз улкан мамлакатнинг икки юз миллионли аҳолисини қулларга айлантириб булмасди.

«Бирон пуд ғалла ҳам, – деб курсатма беради доҳий, – эгаларининг қулида қолмаслиги керак. Ортиқча ғаллага эга булган ва уни белгиланган омборларга олиб бориб топширмаганларни халқ душмани деб эълон қилиш керак, уларни инқилобий судга бериш зарур. Суд эса уларни 10 йилдан кам булмаган муддатга қамоққа ҳукм қилмоғи керак. Улар жамоадан бутунлай ҳайдаб чиқарилсинлар, молу мулклари эса тулалигича мусодара қилинсин...»

Аммо «10 йилдан кам булмаган муддатга қамоқ» ва ҳамма молу мулкини мусодара қилиш – фақат дебоча эди, холос. Бир неча муддат утгач, ялпи талонларга каршилик курсатилаётганидан каттик ғазабланган Ленин унгу сулига қуйидаги мазмунда буйруқлар бера бошлайди: «... Жуда ажойиб режа! Уни урток Дзержинский билан бирга қиёмига етказинг. Узингизни «яхшилар» киёфасида курсатинг (кейинчалик биз ҳаммасини уларга тункаймиз). Отда 10-20 чақирим утиб боринг-да, ҳамма қулоқларни, руҳонийларни, помешчикларни осинг. Ҳар бир дорга тортилган одам учун мукофот – 100000 сум».

Қишлоқлардаги босқин шаҳардагидан дахшатлироқ эди. Деҳқонларнинг уйларида тинтувлар утказилди. Ғалла билан бирга жўнгина деҳқон кулбаларидан топилган ҳар қандай кимматбаҳо нарсалар мусодара қилинди. Пуллар-ку, албатта, тортиб олинарди, аммо улар билан бирга аёлларнинг тилла суви югуртирилган тақинчоқлари ҳам, уз вақтида уезд ярмаркасидан харид қилинган майда-чуйдалар ҳам олиб куйиларди. Ғалла, одатда, уезд марказидан нарига олиб кетилмасди, у

ерга олиб бориб, туғри келганича омборга тукиларди ва шу ерда чириб, нобуд буларди. Ғазаб утида ёнган деҳқонлар паншаха ва суйиллар билан пулемётларга қарши тик боришарди.

«Тоғ-тоғ мурдаларга қарамасдан, – деб хабар қилади Москвадаги ижрочилардан бири, – уларнинг қаҳру ғазабини тасвирлашга қалам ожиз». Купгина озиқ-овқат отрядлари кишлокка етиб бормай, йўлдаёқ кириб ташланган. Бундай холларда кишлокка жазо отрядлари юборилган. Улар ун беш – йигирма деҳқонни отиб ташлаб, колганларини қамоққа олган ва шаҳарга ҳайдаб кетган. Кейин янги отряд келган, аммо уни ҳам келган куниёқ кириб ташлашган. Яна янги жазо отряди етиб келган ва ҳамма нарса бошидан бошланган. Шу тарзда бу ходиса даҳшатли халқ уруши тусига кира борган.

1918 йилнинг ёзида Ленин деҳқонларнинг қаршилигини бостириш учун кишлоқлардан гаровга одам олишни таклиф килган. У, асосан, аёллар ва болаларни гаровга олиш кераклигини айтган. «Бадавлат деҳқонлар орасидан 25 – 30 тасини гаровга олиш керак, – дея илҳом билан курсатма берганди Ильич узининг безориларига. – Улар ғаллани йиғиш ва жунатиш учун уз ҳаётлари билан жавоб берсин». Ҳолбуки, ҳали «кизил террор» эълон қилингани йуқ эди. Аммо рус деҳқонлари узларини шаҳарлардаги буржуазия ва зиёлилардек ночор ҳис килгани йук. Бунақа йуллар билан кишлокни буйсундириб булмас эди. Бу жазоларга деҳқонларнинг берган биринчи ва мутлақо табиий жавоби шу булдики, улар экин экишни бутунлай йиғиштириб қуйдилар. Содда рус деҳқонлари бундай килинса, ҳукмдор безориларга кул келишини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Мамлакатда сунъий равишда очлик уюштирилди, бунинг учун айб деҳқонларга тункалди, кейин «ғаламис»лардан ун – ун беш миллиони кириб ташланди.

Немис найзалари паноҳи остида давлат тепасига келган Ленин мазкур ҳудудда нима ишлар қилиш борасида аникравшан курсатмалар олган эди: узларига бино қуйган немислар большевикларнинг канча муддат ҳукмронлик қилиши уз қўлимизда деб уйлардилар. Шу ҳукмдорлик даврида улар бир катор тадбирларни амалга оширмоғи керак. Бунинг окибатида кулок эшитиб, куз курмаган даражада талон-торож килинган Россия бутунлай ҳолдан тойиб, улуғ империя сифатида жон таслим килади. Шу тарзда Германия рейхига таҳдид солувчи бир давлат ғойиб булади. Немислар ҳам, большевиклар ҳам

узларининг уйинларини уйнашган, аммо улар узаро келишиб, узаро ҳамкорликда уйнаганлар.

Ярославль губернасида деҳқонларнинг биринчи йирик исёни бостирилгандан кейин бир муъжиза билан омон колган деҳқонлар, немисларга таслим булишди – уша кезларда «Совет Россияси»нинг ҳамма губерналарида немис комендатуралари бор эди. Бу комендатуралар Бресть шартномасининг махфий қайдномаларига асосан тузилган эди. Ярославль губернасидаги немис Комиссиясининг раиси немис лейтенанти Балк 1918 йил 21 июль куни чикарилган буйругида (4-сон) Ярославль шахрининг граждан аҳолисига Шимолий кунгилли деҳқон армиясининг отряди Герман комиссиясига таслим булганини эълон қилади. Таслим булганлар большевиклар ҳукуматига топширилади. Топширилган 428 кишининг ҳаммаси уша заҳотиёқ немисларнинг кўз ўнгида отиб ташланади. Лейтенант Балк уз комендатураси орқали ўтган, большевикларга қайтариб берилган ва отиб ташланган одамларни соф немисларга хос синчковлик билан ҳисобини олиб борган. Шу ҳисоб-китоби асосида у ўз кўмондонлигига маълумотномалар юбориб, большевиклар Германия қаршисида зиммаларига олган ҳамма мажбуриятларини оғишмай бажараётганларини хабар қилиб турган. Комиссия (комендатура) Ярославль губернасидан кучириб юборилган вақтга келиб лейтенант Балкнинг ҳисоб-китобида 1918 йил мартидан ноябригача отиб ташланган 50247 киши қайд қилинган эди. Шуринг қурғур деҳқонлар – келиб-келиб немис кумондонлигидан панох излайдими?!

Уруш борган сари авж олаверди – унинг уз конунқоидалари бор эди. Мусодарачи отрядлар уезд шаҳарларига жойлашиб олиб ва байналмилал гарнизонларга таяниб, қишлоқлар устига очиқдан-очиқ боскинчилик юришларини уюштирар ва деҳқонларни кунгилларига сиққанича талаб, улдирар эдилар. Ғалла ёнар, қишлоқлар кул булар, одамлар кириларди. Бунга жавобан деҳқонлар мудофаа кумиталари тузишар, мусодарачи отрядларни кириб ташлашар, кўпинча уезд шаҳарларини босиб олишар ва уз навбатида уларни талаб, малъун ҳокимиятнинг ҳамма вакилларини Пугачеву Разин замонларидагидек шафқатсизлик билан қириб ташлашарди. Иккала томон ҳам қатл қилишда ўрта асрларга хос усулларни қуллашарди – тириклай ёндиришар, козиққа

утказишар, икки оёғидан икки дарахтга боғлаб, чотидан йириб ташлашарди. Ленинга хуш ёқадиган фуқаролар уруши авж олди. Россия эса шитоб билан ваҳшийлик зулматига чума бошлади. Сирасини айтганда, Ульянов 1917 йилнинг мартида Германия орқали келаётганида айни шуни ваъда қилган эди. «Пролетар» матбуоти исёнчи деҳқонлардан тортиб олинган уезд шаҳарларидан маҳобат билан репортажлар берди. «Правда»нинг мухбири Ливнада деҳқонлар исёнининг тормор қилиниши ҳақида шундай хабар беради: «Шаҳар нисбатан кам талафот кўрди. Ҳозир шаҳар кучаларидан мурдалар ва ярадорларни йиғиб олишяпти. Кейинроқ етиб келган мададчилар орасида йўқотишлар нисбатан кам. Фақат шавкатли байналмилалчиларгина оғир талафотларга учрадилар. Лекин ўзлари ҳам қулоқларнинг мурдаларини тоғдек уйиб ташладилар – шаҳар кучалари уларга тулиб кетди».

Россиянинг ички губерналарига, ҳатто, муғул истилолари вақтида ҳам душманнинг қадами етиб бормаган эди. Хуш, шу ички губерналарни қиличдан утказган, унга ут қуйган, Россиянинг бой ғаллакор масканларини култепаларга, ҳувиллаган сахрога айлантирган «шавкатли байналмилалчилар» кимлар?

Уларни барпо этиш тарихи мана бундай: 1917 йилнинг март ойидаёк Ленинни ва унинг шерикларини Россияга Германия орқали утказиб юбориш масаласи ҳал қилинаётганда ва булғуси Бресть шартномасининг дастлабки шартлари келишиб олинаётганда, герман кумондонлиги большевикларга қўпорувчилик фаолиятлари учун зарур миқдорда пул ажратиш билан бир қаторда, ҳокимият қулга киритилган тақдирда уларга дарҳол ҳарбий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилади. Шу мақсадда 1917 йилнинг апрелида сохта швед паспорти билан Петроградга герман Бош штабининг полковниги Генрих фон Рупперт келади. У немис ва австрия ҳарбий асирларига большевикларга куролли ёрдам кўрсатиш тўғрисида махфий буйруқ олиб келади. Асирларни курол билан большевиклар таъминламоғи керак эди. Германия ва Австро-Венгрия Бош штабларининг бошлиқлари томонидан имзоланган бу буйруқларни америкаликлар Иккинчи жаҳон урушидан кейин немис архивларидан топишган эди. Бу ҳужжатлар, КПСС Марказқўм архивларидан ҳам топилса, ажаб эмас.

Петроград якинида немис ва австрия ҳарбий асирларининг бир нечта лагерлари жойлашган эди. Масалан, Колтуши кишлоғининг ёнида, Катта Охта билан шундоқина ёнма-ён император Вильгельмнинг 3-Кирасир полки деярли тула таркибда лагер курган эди. Уз вақтида бу полк генерал Ренненкамф казаклари томонидан асирга олинган эди. Уларга якин жойда 142-Бранденбург полки жойлашганди. Гарчи ҳеч қандай кийинчилик туғдирмаса-да, ҳарбий асирлар лагерларидаги немис ва Австро-Венгрия ҳарбий кисмларини санаб чиқиш унча шарт эмас. Муваккат ҳукумат барпо этган демократик бошбошдоклик туфайли ҳарбий асирларни якин келажакдаги вазифалари билан бемалол таништиришга ва бу ишларга уларни яхшилаб тайёрлашга муваффақ булинди.

Ҳамма нарса майда-чуйдасигача пухта уйланган эди. Ҳатто, немисларнинг рус бешотарлари, наганлари ва бошқа куроллари билан таниш эмаслиги ҳам эътибордан четда қолмади. Шу муносабат билан русларнинг «Лочин» деган соқчи кемаси Фридрихсхафенга бориб, у ердан 12000 немис милтиқлари ва миллионлаб уқларни роппа-роса 25 октябрга етказиб олиб келди. Шунинг учун бу кема «Улуғ Октябрь кемалари» руйхатига мангуликка ёзиб қуйилди. Бундан ташқари, «Лочин» узидан икки баравар катта бир солни шатакка олиб келди. Энг ҳалол совет тарихчилари бу солда нима олиб келингани номаълумлигини эътироф этишади. Бошқа тарихчилар уни тилга олмай қуя қоладилар, учинчи тоифа олимлар эса бу солда «инқилобий матрослар десанти» келтирилган дейишади. Бу матрослар Фридрихсхафенга қаёқдан бориб қолган? Ҳолбуки, ҳозир «Лочин» милтиқлардан ташкари Петроградга немис замбаракларини олиб келгани унчалик сир булмай колди. Агар биронта одам ҳамон анойилик қилиб, Петроградцек катта шаҳар Кронштадтдан «Амур» кемасида келган икки мингтагина матрос билан назорат остига олинган деб уйлашда давом этаётган булса ёки ҳарб ишларидан мутлақо бехабар булган ишчи олийлар шаҳарни забт эта олади деб ҳисоблаётган булса, у билан мунозара қилиб утирмайлик. Бугун шу нарса ҳам равшан буляптики, уша ишчи олийлари тунтаришни душманлик кайфияти билан қарши олган экан.

Ҳа, гарнизон тулалигича ноқобил бир аҳволга келиб, тартибни ҳимоя қилувчи органлар бутунлай издан чиккан булса, бундай ҳодиса назарий жиҳатдан юз бериши мумкин. Лекин

шундай тақдирда ҳам большевиклар ҳокимияти бир кундан ортиқ яшаёлмас эди, чунки тўнтаришнинг эртасигаёқ генерал Красновнинг суворийлари шаҳарга яқинлаша бошлади. Краснов казаклари тўплардан икки марта ўқ узиб, Павловск ва Царское Селодаги «қизил гвардиячилар»ни тиркиратиб юборгач, Пульково адирлари томонидан пойтахтга силжий бошладилар. Олдинда ҳаракат қилаётган Урол казакларининг илғорлари дабдурустдан адирларни эгаллашга уриниб кўрдилар, аммо жуда яхши уюштирилган ва усталик билан бошқарилаётган замбараклар зарбасига дуч келиб, чекинишга мажбур бўлдилар. Улар оловларида тобланган казак офицерлари адирларда мудофаа марраларини кимлар эгаллаганини бир зумдаёқ билиб олди. Немислар! Уларга ишонмаган генерал Краснов шахсан қурикчи-кузатиш маррасига борди. Шубҳага ўрин йўқ эди. Немис пиёдалари билан замбараклари «инқилобий» Петроград йўлини тўсиб турарди.

Немис ва австрия солдатлари ҳеч кийналмасдан Петроградаги ҳарбий билим юртлари исёнини зўр мамнуният билан бостиришди. Улар шўрлик рус йигитчаларини замбаракка тутиб, найзалар билан илма-тешик қилишганди. Ҳар томонга томир отган вайроналик ва локайдлик шароитида билим юрти талабаларининг ашаддий истибдодга карши мардона чикишларини ҳеч ким қуллаб-кувватламади.

Ленин 29 октябрь куни немис батальонларини курикдан утказмокчи булади. «Жаҳон пролетариати доҳийси»нинг режасига кура, «байналмилал»чилар Смольнийнинг зинапояларида турган Ленин ва «ишчи-деҳкон» ҳукуматининг бошқа аъзолари олдидан шаҳдам қадам билан утиши керак эди. Доҳийларнинг олдидан утаётган кечаги ҳарбий асирлар «Яшасин, жаҳон инқилоби!» деб хитоб қилишлари шарт эди. Албатта, немис тилида. Доҳийнинг узи ҳам, унинг теварагидагилар ҳам бу тилни жуда яхши, ҳатто, рус тилидан яхшироқ билишарди. Аммо ишнинг пачаваси чиқди. Қадди-қоматлари келишган, немис аскарларигагина хос шаҳдам қадам ташлаган жангчилар инқилоб доҳийлари ёнидан ўтиб борар эканлар, бир овоздан: «Яшасин, кайзер Вильгельм!» деб ҳайқирдилар. Бундан Ленин қаттиқ таҳқирланди. Немислар бу билан содир булаётган вокеаларни мутлақо тўғри тушунаётганларини намойиш қилган эдилар.

Орадан кўп ўтмай тузилган Бресть шартномасида ҳарбий асирларни репатриация қилиш кузда тутилган эди, бирок

ундан кейин генерал фон Людендорфнинг махфий буйруғи чикди. Буйрукда немис ва австрия ҳарбий асирларига большевиклар ҳукуматини қуллаб-қувватлайдиган отрядлар тузиш тавсия қилинган. Буйрук шундай тузилганки, бундай отрядларга солдатлар ва офицерлар ғуё кунгилли тарзда кириши шарт булган. Бироқ немис армиясидаги тартибларни ва «кунгилли» кисмларни шакллантириш усулларини билган одам бу шароитда, лоакал дастлабки даврларида, туғридан-туғри буйрук билан иш қилинганига шубҳаланмайди.

Ярашиш ва сулҳ тузиш буйича герман миссиясининг аъзолари генерал Гофман ва юқорида номи зикр этилган полковник Рупперт бир нечта лагерга ташриф буюриб, ҳарбий асирларга вазифаларини тушунтириб беришди. Файерландга хизмат қилиш ва айни чоқда бегона ҳудудда одамларни талаш имкони купларнинг кунглига илҳом солди ва ҳамма ҳарбий тизимлар дабдала булиб ётган бир шароитда большевиклар ғуё бирор сеҳргарнинг фатвоси вожиб булгандай, жуда яхши ургатилган ва яхши уюштирилган армияга эга булиб колди. Унинг таркибида уч юз минг киши бор эди.

Уша кезларда бунақа ҳарбий кучга карши тура оладиган бирор куч йуқ эди. У йилларда буни ҳеч ким сир деб билган ҳам эмас. Немис аскарлари ва офицерлари хизматдан буш вақтларида Петроград ва Москва буйлаб бемалол сайр қилиб юришган, немис офицерлари учун киморхона ишлаб турган, газеталар нашр этилган. Ҳеч кимда ҳеч қанақа шубҳа туғилмаслиги учун немис генерали Кирхбах Псковда ҳали ман этилмаган «Речь» газетасининг мухбирига интервью берар экан, «Немис қушинлари томонидан Петроград ва Москванинг ишғол қилиниши мумкинми?» деган саволга немисларга хос чўрткесарлик билан: «Ҳа, агар большевиклар урнатаётган тузумга хавф туғилса, ишғол қилинади», – деб жавоб берган[1].

---

[1] «Байналмилал» деб аталмиш кушинлар, шаҳарларда оммавий камашлар вақтида, деҳқонларнинг исёнлари ва ишчиларнинг чиқишларини бостириш пайтида ўзини жуда садоқатли куч сифатида курсатди. Улардан машҳур ЧОН, «Тусувчи отрядлар», Қизил Армиядан қочганларни ушловчи отрядлар, Чеканинг махсус отрядлари тузилган. «Мустақил» мамлакат армиясида шу кадар куп миқдорда ажнабийлар мавжудлиги бу «мустақиллик» қанақа булганини курсатиб турибди.

Шундай қилиб, уч юз мингта «байналмилалчи-жангчи» йул-йўлакай маҳаллий аҳолидан чиққан ҳар хил қаланғи-қасанғиларни ёнига олиб, Россия давлатини маҳв этишни самарали таъминлади. Сон жиҳатидан улар немис қумондонлиги Брест, шартномаси буйича уз тасарруфига утган ҳудудни назорат қилиб туриш учун ажратган оккупацион қушинлардан ҳам куп эди. Оккупацион қушинлар 280 минг кишидан иборат булиб, 43 пиёда ва етти суворий дивизиядан ташкил топган, 108 та оғир замбаракка ва 1614 майда замбаракларга эга эди. 2000 га яқин денгизчи собик рус флотини назорат қилмоғи керак эди. Шартномага кура, унинг асосий қисми немисларга берилган эди. Адмирал Шацкий флотни Гельсингфорсдан Кронштадтга олиб кетди ва шу билан Ленинни уз ҳужайинлари олдида мутлақо ахмоқона аҳволга солиб қуйди. Шунинг учун уни отиб ташладилар.

Одесса ва унинг теварагидаги районларни генерал Бем-Эрмолит қумондонлиги остидаги 2-Шарқий немис-австрия армияси эгаллади. Бу армиянинг учта корпуси оккупацион штабларини Одессага, Херсонга ва Каменец-Подольскка жойлаштирди. Немисларнинг «Киев» деган армиялар гуруҳи бутун Украинани, Қримни, Дон қушинлари вилоятини, Белоруссиянинг жанубий қисмини, Грузиянинг Қора денгиз соҳилидаги районларини камраб олувчи жуда катта ҳудудни ишғол қилди. Бу армиялар гуруҳи аввал генерал Лизинген, кейин эса генерал-фельдмаршал Эйхгорн қумондонлиги остида эди. Кейинчалик Эйхгорн барча немис оккупацион кучлари устидан қумондон қилиб тайинланди, «Киев» армиялар гуруҳининг олтита корпуси узларининг оккупацион штабларини Гомель, Новгород-Волинск, Киев, Харьков, Таганрог ва Симферополга жойлади. Полесьедан шимол томонни «Д» армия гуруҳининг 10-армияси ва 8-армияси оккупация қилди; уларнинг штаблари Минск, Двинск, Рига, Ревель ва Виборгда жойлашган эди. Шимоли-ғарбий йуналишдаги немис қушинларига атоқли генерал фон дер Гольц қумондонлик қилган. Аввал у «темир гренадерлар» дивизиясининг қумондони булган. 1918 йилнинг 25 майида немислар Потига уч минг кишилик десант туширдилар, 10 июнда эса герман қушинлари Тифлисга кирди. Бир неча кун утгач, 58-Берлин пиёда полки Керчь буғозини кечиб утиб, Таманни ишғол қилди. Аллақачон Сибирь темир йулини босиб олиш ва Хива, Бухоро, Туркистон ва Марвни «немис

манфаатларига мослаб максадга мувофиқрок тарзда қайта уюштириш» режалари тузиб чиқилганди.

Немис қушинларига Ҳиндистон сари туғри йул очилди. Бунақа истиқбол одамни эсанкиратиб, энтиктириб қуярди. Энг учқур хаёллар амалга ошаётгандай, энг хуфиёна орзулар рўёбга чиқаётгандай куринарди. Янги оламшумул империя майдонга келмоқда эди. Бунақа империяни, ҳатто, Наполеон етти ухлаб, тушида ҳам курган эмас. Яна унинг пойтахти Париж эмас, Берлин эканини айтмайсизми? Аммо большевиклар бериб қуйган районларнинг ҳаммасини узлаштириш учун куч етишмасди. Ғарбий фронт ҳамма захираларни ямлаб ютиб булган эди. Мавжуд 280 минг кишилик ҳарбий хизматчилар эса сира етарли эмасди. Фельдмаршал Эйхгорннинг штабида большевиклар назорати остидаги ҳудудлардан юз минглаб немис солдатларини қайтариб олиб келиш истаги тез-тез кузиб турарди, чунки бу солдатлар кайзерона каскаларини ечиб, урнига, услубига кура «будённовка»га ухшаб кетадиган бир нарса кийиб олишганди. Улар яна шунинг учун ҳам зарур эдиларки, талон-торож ва мусодара ишларида анча пишиб колгандилар. Аммо бу истакдан воз кечишга туғри келди. Немислар ленинча услубда ишлашга журъат кила олмадилар. Бунинг устига олий кумондонлик ҳам «байналмилалчилар»дан фойдаланишга ижозат бермади.

Большевикчасига ҳаракат қилишга журъатлари етмаган немислар, шунга қарамай, уз усуллари билан иш олиб бордилар. Бу усул большевикларники сингари ошкора «қарокчилик» усули булмаса-да, етарли даражада қатъий, изчил ва қаттиккул эди. Фақат 1918 йилнинг 31 июлига қадар немислар оккупация қилинган вилоятлардан 60 миллион пуд ғалла ва ғалла махсулотлари, ем ва мойли усимликларнинг уруғи, 500 миллион дона тухум, тирик вазнда 2 миллион 750 минг пуд шохли корамол, бир ярим миллион пуд картошка ва сабзавот олиб кетишди. Бундан ташқари, Англия исканжасида бўғилиб ётган рейхга 3,5 миллион пуд темир рудаси, 42 миллион пуд марганец рудаси ва ҳар ойда 300 вагондан махсус навдаги ёғоч жўнатилди. Ҳатто, ҳар хил латта-путталар билан темир-терсакларгача олиб кетилди. Олиб кетиладиган бойлик бор эди-да!

Немис линкори «Гебен» Севастополни укка тутиб, шу билан Туркиянинг Россияга карши Германия томонида урушга

кушилишига баҳона булди. Бу эса Россияни иттифоқчилардан буткул ажратиб қуйди, чунки буғозлар ёпилиб қолганди. Русларнинг ташқи савдосига дахшатли зарба берилган эди: рус экспорти 98 фоиз, импорти 95 фоиз камайиб кетди. Бу эса Россиянинг харбий жиҳатдан толикиб қолиши ва охир-оқибатда конга ботиб, бошбошдоқлик ичида смирилишига асосий сабаблардан бири булди. Четга олиб кетилиши керак булган маҳсулот уч йил давомида омборларда қолиб кетди, кейин эса немислар ва большевиклар томонидан босиб олинди. «Кема компаси ихтиро қилинганданбери, – деб эслайди Черчилл, – ҳали ҳеч қачон битта жанговар кеманинг ҳаракати 1914 йилнинг август-октябрь ойидаги немис крейсери «Гебен»нинг ҳаракатидек катта ва дахшатли оқибатларга олиб келмаган эди».

У ер-бу ерини таъмирлаб оладиган докка ва ҳатто, тузукрок бошпана буладиган қуналғага эга булмаган шавкатли «Гебен» бутун уруш йилларида русларнинг Қора денгиз флотини зир титратиб турди ва гуё узининг тантанавор зафарини намойиш қилгандек, 1918 йилнинг ёзида немис кушинлари томонидан босиб олинган Севастополга келди. Кема бутун уруш давомида шу ердагина биринчи марта докда таъмирланди, чунки ҳарбий база жамики асбоб-ускунаси билан немисларга топширилган эди. Буни лоақал 1917 йилда ҳеч ким тасаввур ҳам қила олмас эди.

Большевиклар босиб олган ҳудуддан ҳам Германияга эшелон-эшелон поездлар жунаб турди. Петроград портининг қуналғаларига немис савдо кемалари, турли-туман сирли швед ва норвег пароходлари, Дания, АҚШ ва Аргентинадан хусусий байроқлар остида аллақандай тушуниб булмайдиган юкчи кемалар, Швейцариянинг Қизил хоч жамиятининг байроғини тутган сохта «госпитал» кемалари келиб турарди. Порт райони ЧОН томонидан ураб олинганди. Кимда-ким ортиқчароқ қизикиб қолса, уша жойнинг узида отиб ташланарди. Шимолий денгизда уз базаларига тикиб қуйилган ва инглизлардан қуркқанлари учун тумшуқларини чикаришга ҳам журъат этмаган немис флоти Болтиқ денгизида дориломон ҳаракат қиларди. Миналарга тулиб-тошган денгиз (уруш йилларида ҳар икки томон Болтиқ денгизига 120 минг дона мина қуйган) жуда хатарли эди, фақат ҳаддан ташқари зарур булгандагина кема эгалари Петрограднинг чалажон портларига

уз кемаларини жунатарди. Шундай булса-да, немис флоти бу ердаги кемада юк ташиш ишларини таъминлаб турди.

Денгиздаги ишлар чатоқ булганига яраша темир йуллар узлуксиз ишлаб турди. Улар «Советлар ва пролетар диктатураси» республикасини Польша, Белоруссия ва Болтикбуйининг немис қушинлари ишғол қилган худудлари оркали Германия билан боғлаб турарди. Гельсингфорсгача ва ундан нари Скандинавия мамлакатларигача шимолий темир йул тармоғи ҳаракатда эди. Темир йулларнинг узлуксиз харакат килиб туришин таъминлаш учун немислар большевикларга 50 минг тонна кумир етказиб бериши керак эди. 1918 йилнинг 18 апрелида кечқурун чегарадаги Орша бекатида иккита поезд учрашди: уларнинг бири Москвага йул олган – унда граф Мирбах бошчилигидаги немис элчихонасининг ходимлари бор эди. Иккинчи поезд эса «ишчи-деҳқон хукуматининг мухтор вакиллари»ни Берлинга олиб кетмоқда эди. «Ваколатхона»нинг таркиби ғалати эди. Унинг бошлиги А. А. Иоффе деган одам булиб, юмшоқроқ килиб айтганда, у куп ажабтовур эди. У 1883 йилда туғилган, 1900 йилларнинг бошида эса машҳур Парвуснинг таъсирига тушиб қолганди. Узининг улуғ устозидан таълим олган А. А. Иоффе бир оддий ҳақиқатни яхшилаб англаб олди – у шундан иборат эдики, жаҳон инқилобини амалга ошириш учун, аввал, етарли миқдорда пул йиғиб олиш керак. Троцкий, Урицкий, Володарский ва Ганецкий билан бирга Иоффе Ленининг қошидаги Парвус «гвардия»сини ташкил қиларди. 1917 йилнинг октябрига қадар у немислар билан бевосита алоқани амалга ошириб турган, кейин эса Бресть-Литовскдаги сулҳ музокараларида «совет» делегациясига раҳбарлик қилган. Табиийки, айни шу одам Берлинга жунатилди. Бунинг устига Берлинда уни севимли устози Парвус билан учрашув кутарди.

Улар билан бирга «ваколатхона» таркибида Я. С. Ганецкий ҳам бор эди. Ленин Краковда «эзилиб» юрган кезларида у «доҳий»нинг унг кули булганди. Маълумки, урушнинг биринчи кунларида Краковда Ленинни рус жосуси сифатида камоққа оладилар. Шунда Ганецкий Берлинга югуради-ю, герман пойтахтидаги ва Венадаги ҳамма социал-демократларни оёққа турғизиб, нафакат Лениннинг камоқдан озод килинишига эришади, балки уни шошилинч поездда Цюрихга жунатишга ҳам муваффақ булади. 1915 йилда Парвус

Ганецкийни Стокгольмга чақиради – немис разведкасининг Россияга қарши ҳамма қўпорувчилик ишлари шу ердан бошқарилар эди. 1917 йилнинг мартида, Ленин билан Парвус ўртасидаги келишувга кўра, Ганецкий «Марказкумнинг хорижий бюроси» таркибида вақтинча Стокгольмда қолади. Немислардан олинадиган пул маблағларини узлуксиз равишда Россияга – большевикларга жўнатиб туриш унинг зиммасига юкланганди. Парвуснинг ёрдамида Ганецкий ажнабий банклар билан алоқалар ўрнатади. Октябрь тўнтаришидан кейин у банкларнинг бош комиссари ва Молия халқ комиссарлигининг коллегия аъзоси қилиб тайинланади, яъни талон-торожга бошчилик қилган ва ҳамма таланган нарсаларни қабул қилиб олган муассасанинг раҳбариятига киради. Бу лавозимда у назорат остидаги ҳудудда ҳисоб-китоб ишларини олиб боради («Социализм – ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилишдир»).

Ваколатхонанинг учинчи аъзоси машҳур Красин эди. Агар сунгги 75 йил мобайнида бу киши ҳақида лоақал бир оғиз рост гап ёзилганида ҳам уни таништириб утиришга ҳожат булмасди. У истеъдодли муҳандис булган, аммо бутун руҳиятию малакасига кўра профессионал жиноятчи эди. Шунинг учун беихтиёр большевикларга талпинган. 1905 йил инқилоби пайтида у Парвуснинг одамлари билан бирга Волга-Кама банкининг Петербург булимини талашда иштирок этган ва ўлжанинг анчагина қисмини уриб қолганди. Бу иши Парвусни каттиқ норози қилган эди.

Орадан кўп ўтмай Парвус зудлик билан чет элга кочишга мажбур булади, Красин эса Россияда қолган ва икки инқилоб ўртасида жуда фаол иш олиб боради. Унинг қилган ишларини ёзаман деса, бир неча жилдли жиноий иш булади. У банкларнинг пул ташувчи араволарига боскинлар уюштирган, пойтахтдаги электр тармоғини ишдан чикаришга тайёргарлик курган, калбаки пул ясаш билан шуғулланган, полициячиларни улдиришда қатнашган. Қалтис ишларни яхши кўрадиган, довюрак ва саргузаштталаб Красиннинг нима сабабдандир Лениндан кўнгли қолган ва унинг Цюрихдан юбориб турадиган, Швейцарияда инқилоб қилишга ундаб ёзилган маколаларини очиқдан-очиқ масхара қилган. Таниқли Георгий Соломон муҳожирликда муҳтожликда яшаётган жаҳон пролетариатининг дохийси учун (дохий зарур пайтларда баджаҳлрок булсин деб Парвус унга бериладиган

маблағларни чеклаб қуярди) маблағ йиққани Петербургга келганида Красин унинг илтимосини эшитган-у, ёнидан хамёнини олиб, ундан иккита беш сўмлик чиқариб Соломонга узатган. Бундан Соломон қаттиқ ғазабланган ва Красинга «сенсиз ҳам кунимиз утиб қолар» деган. «Ўзингиз биласиз, – деб елкасини қисган Красин, пулни ҳамёнига қайтариб солиб қуяр экан, яна Соломонга дўстона оҳангда шундай деган: Аччиғингиз келмасин, Георгий. Ленин ёрдам беришга арзимайди. У ҳамма нарсани вайрон қилиш касалига учраган. Эртага қандай ҳаракат қилишини олдиндан айтиб бериб бўлмайди. Унинг калласида эртага қанака фикр туғилишини ҳеч ким билмайди. Келинг, қуйинг Ленинингизни. Ундан кура, юринг, тушлик қилайлик».

Аммо Ленин тўнтаришдан кейин мамлакатдаги ҳамма савдони маҳв қилиб бўлгач, нима сабабдандир айни Красинни Савдо Халқ комиссари этиб тайинлайди. Красиннинг наркоматига миллион-миллион маблағ билан иш юритувчи йирик савдо фирмаларидан ҳам бор-йўғи уч юз сўмлик савдо қилиб улгурган қичкина дуконлар ва устахоналардан мусодара қилинган пуллару моллар оқиб келарди. Пул билан кимматбаҳо буюмлар Халқ банкига ва унинг қошида ташкил қилинган «олтин жамғармаси»га топширилади, буюмлар эса омборларга жунатиларди. Уруш туфайли ташқи савдода пайдо бўлган турғунлик важидан омборлар шипларигача буюмга тулиб кетган эди. Красин «ёпиқ омборлар» тизимини уйлаб топганлардан бири бўлди. Бунинг маъноси шу эдики, мамлакатда ҳамма зарур нарса ошиб-тошиб ётгандай кўринса-да, ҳеч нарса сотилмас, балки таксим қилинарди, холос. Бу тизим бизнинг кунларимизда ҳам яшаб, аввалгидай самара билан қўлланмоқда. Фақат фарқи шундаки, у йилларда очлик ва мухтожлик туфайли пичоқ суякларига бориб қадалган одамлар омборларга ҳужум қилишарди. Ҳужум вақтида уларни шафқатсизлик билан пулемётдан отишар, кейин эса ҳар битта ўлган одамни алохида инқилобий трибунал ҳукми билан отилган деб расмийлаштириб қўйиларди. Тўғри, омборлар ҳисобсиз эмас эди. Вақти-вақти билан айниган маҳсулотлар тун қоронғусида ва сокчиларнинг қаттиқ назорати остида шаҳар ташқарисига олиб бориб, ахлатхонага ташланарди. Яна уларнинг устидан оҳак тукиларди. Худо кўрсатмасин, бирон бетамиз бу маҳсулотларга кўз олайтирмасин-да! Ахлатхонага

етиб боргунча йул-йулакай, албатта, у-бу нарсалар ўгирланар ва кейин у бозорда пайдо буларди. Айниган махсулотлар туфайли ялпи касалликлар таркалиб турарди. Бунга эса, табиийки, чайковчиларни айбдор килишарди.

Айтганча, якин орада омборларнинг бушаб колиши хавфи бор эди – Красин худди шу максадда Германияга йул олган эди.

Берлинга кетаётганлар орасида энг ажойиби – «ваколатхона»нинг тўртинчи ходими Вячеслав Менжинский эди. Шахсан Ленининг курсатмасига мувофик, у немис пойтахтида РСФСР Бош консули мансабини эгаллаши керак эди. Вячеслав Менжинский – большевиклар раҳбариятидаги энг машъум шахс ҳисобланади. «Темир Феликс»нинг биринчи муовини, ВЧК коллегиясидаги энг ашаддий конхурлардан бири булмиш бу одам айни чокда Молия Халк комиссари мансабини хам эгаллаб турар ва «халк банки»нинг асосий комиссарларидан бири эди. Бунака хилма-хил мансабларни эгаллаб туриш куп ғаройиб эмасми, а? Бир кули билан таласа ва отса-ю, иккинчи кули билан таланган нарсаларни жамлаб, яширса! Афтидан, аллакандай мухим сабаблар туғилганки, Менжинский Россиядаги сермашаккат ва сердаромад ишларни ташлаб, Берлинга жунашга мажбур булган[1]. Берлиннинг Силезия вокзалида вакилларни Германия Ташки Ишлар вазирлигининг аллакайси майда ходимлари билан бирга улуғ Парвуснинг узи кутиб олди.

Россия такдирида бу одамнинг ахамияти шу кадар катта булса-да, у хакда шу кадар кам билишадики, буни уйласанг, алам килар экан кишига. Негаки, айни Парвус Ленининг

---

[1] 1916 йилнинг июлида Менжинский Парижда чикадиган «Бизнинг садо» деган мухожирлар газетасида Ленин хакида гоятда эътиборга сазовор макола эълон килганди. Унда шундай дейилган: «Ленин – сиёсий мунофик. Куп йиллар мобайнида у марксизмни ҳозирги дакикада узи учун зарур булган киёфага солиб келмокда. Ҳозирги пайтда у уз назариялари ичида узил-кесил гангиб колди. Ленин – рус абсолютизмининг ҳароми фарзанди. У рус тахти бушаб колса, бу уринга узини бирдан-бир муносиб номзод деб ҳисоблайди. Мабодо унга ҳокимият тегиб колса, Павел I дан камрок номаъкулчиликлар килмайди... Ленинчилар, ҳатто, фракция хам эмас, балки камчиларнинг карсиллаши билан пролетариатнинг овозини учиришга тиришаётган от уғриларилир». Кремлга хуб ғаройиб улфатлар тупланиб олмаганми?

муаллими ва устози булган эди. Айни ана шу Парвус биринчи булиб Ильич сиймосида узининг бенихоя бойиб кетиш борасидаги бекиёс режаларини амалга оширишга курби етадиган одамни курган эди. Эътироф этиш керакки, гарчи Парвус, 1905 йилда кандайдир кора ишлар билан шуғулланишга мажбур булган эса-да, аслида бундай ишларга асло тоби йук эди. Парвуснинг хакикий фамилияси Гельфанд деб хисобланади, лекин сунгги маълумотлар бунга шубха билан карашга ундайди. Бунака куламдаги халкаро фирибгарларнинг хакикий фамилиясини топиб олиш жуда кийин. У Лениндан уч ёш катта булган. 1867 йилда Минск губернасидаги Березино шахрида туғилган. Болалиги Одессада утган, 1885 йилда шу ерда гимназияни тугатган, кейин тахсилни давом эттириш учун Германияга кетган. 1891 йилда Парвус иктисод ва молия курси буйича Базель дорилфунунини тугатади. Шундан сунг бир неча йил мобайнида Германия ва Швейцария банкларида хизмат килади. Афтидан, марксистик сафсатадан истаган иктисодий ва харбий жиноятни хаспушлашда фойдаланиш мумкинлигини биринчи булиб англаган куринади. Россия тарихини, унинг хужалиги ва молиявий ахволини берилиб урганган. У рус жамиятининг хамма табакаларини ич-ичидан емириб ётган чукур зиддиятга эътиборни каратган ва агар бу жамият дворянлар ва зиёлилардан иборат омонат химоя катламидан махрум булиб колса, жуда ночор ва ожиз булиб колишини башорат килган. Унинг бу каромати Ленинда жуда катта таассурот колдирган.

Ленин «социал-демократик» мухитда факат Парвус билангина бахслашишга журъат этган эмас. Холбуки, кимдаким марксизмни сал бошкачарок талкин киладиган булса, Ленин унга даканг хуроздай ташланиб, дабдаласини чикарар экан. Бунака пайтда у ракибини аяб утирмай, энг дагал ибораларни хам куллайверарди. «Малай, оксоч, ёлланган аблах, фохиша, соткин» – ракиблари билан бахсга киришганда Ленин ана шунака хаку нохак адабий-мунозаравий ибораларни куллашда сира тортиниб утирмасди.

Аммо дохий Парвусни хаммадан кура ёмон курарди, ундан нафратланарди, лекин шундай булса хам на матбуотда, на оғзаки унга тил теккизишга журъат килмасди. Аксинча, унинг гапларини эътибор билан тинглар экан, купинча: «Булмаган гап! Ута бемаънилик! Лекин масалага диалектик

караладиган бўлса, марксизм деганлари айнан шунинг ўзи бўлади!» – деб хитоб киларди. Амалий марксизм, Парвуснинг фикрича, куйидагилардан иборат эди: бутун жаҳон микёсида ҳукмронликка эришиш; буни марксизм лаҳжасида «жаҳон инқилоби» дейдилар. Бунга эришишнинг фақат битта йўли бор – жаҳон молия тизими устидан назоратни қўлга олмоқ керак. Бунинг учун эски тизимни, яъни мавжуд молия қурилмаларини, албатта, агдариб ташлаш шарт эмас, деб ҳисобларди Парвус, балки бу тизимга бир амаллаб суқилиб кириб олиб, уни аста-секин ўз назорати остига олиш ва шу зайлда ўз мақсадларини руёбга чиқаришга эътибор бериш кифоя. Бунга эришмоқнинг яккаю ягона шарти шуки, бирорта озми-кўпми бадавлат давлатни босиб олиш зарур ва унинг жамики бойлигини, ҳамма кучувчи ва кучмас мулкини пулга айлантириб, халкини соф Афлотун социализмида (яъни энг расво куллик шароитида) яшашга мажбур қилиш лозим. Шу йўл билан йиғилган маблағни эса жаҳон молиявий тизимига сингдириш керак. Агар маблағ етарли даражада катта бўлса, унинг ёрдамида жаҳонга ўзи истаган мафкурани қабул килдириш мумкин. («Ўта бемаънилик!») Табиийки, буни оммавий ва шафкатсиз қирғинсиз амалга ошириб бўлмайди, аммо «пролетариат диктатураси», «синфий кураш», «улиб бораётган синфлар», «ялпи тенглик», «тула эркинлик» каби иборалардан маҳорат билан фойдаланилса ва «муваффакиятга эришиш», «муваффакиятни мустаҳкамлаш», «муваффакиятни ривожлантириш» деган жуда жўн бир йўсинда пухта уйланилган ҳаракат тактикасини қўлласа, бу билан қирғинларни никоблаш учун жуда кенг имкониятлар туғилади. Ўз сафларингда темир интизом ўрнатиш керак, ихтилоф деган нарсага сира йўл қўйиб бўлмайди, раҳбариятнинг турмуши мутлақо пинҳона кечмоғи лозим, бу раҳбариятни аста-аста илҳомлантириб бориш шарт. («Ўта бемаъни! Лекин масалага диалектик қаралса...»)

Булар ҳали фармонлар ва декретлар: курсатмалар ва буйруклар, махфий ва мутлақо махфий кўлланмалар, сирни ошкор килиб куйса улим жазосига мустаҳиқ килиш билан куркитувчи дук-пуписалар эмас эди. Булар ҳозирча шинам кафеларда ёхуд кунгилочар зиёфатларда утириб килинган башоратлар эди, холос. Бу утиришларда фортепьянода «Варшавянка»ни чалиш ёхуд «Йуколсин ҳокими мутлаклик!»

деганга ухшаш умумий хитобларни айтиш учига чиккан кахрамонлик, деб хисобланарди. Аммо «сценарий» канака булиши хакидаги гаплар уртага тушган эди. Дархол бир-бирига зид фикрлар туғилди. Парвуснинг фикрича: дастлабки режани амалга оширмок учун Россиядан кулайрок мамлакатни уйлаб хам топиб булмайди. Ленин эса бунга бутунлай карши эди. Лениннинг фикрича, Россияда хеч нарса килиб булмайди. Парвус эса, аксинча, Россияда хамма нарсага имкон бор, хатто, асло мумкин булмаган нарсаларни хам килишга йул топилади, деб хисобларди. Рус-япон урушидаги шармандали маглубиятлар туфайли минг йиллик рус кудрати зил кетди. Шунда Парвус вазиятга дархол баро бериб, халк чоризм тузумини бу маглубият учун кечирмайди деди. Негаки, халк асрлар давомида зур-зур ғалабаларни курган, енгил-елпи жангарилик рухида тарбияланган. Энди таҳқирли маглубиятни куриб утирибди. Бу енгилиш империянинг ифтихори булмиш улуғ флотни барбод килди – хозир унинг ярми японлар кулига утиб кетди ва япон байроклари остида сузиб юрибди. Буни англаш учун марксчи булиш шарт эмас эди. Герценнинг оддийгина сузларини эсда тутиш кифоя эди: «Урушларда алкайдиган нарса музаффарият эмас, маглубиятдир... Негаки, халк учун энг бакувват кишанлар музаффарият киличларидан ясалади».

Японлардан икки миллион фунт-стерлинг пул олгач, Парвус фурсатдан фойдаланиб, 1905 йил инкилобининг доҳийси ва раҳбари булиб олди. Япон пулидан Ленинга хам жиндай улуш тегди – уларнинг кучи билан РСДРПнинг учинчи курултойи утказилди ва «Вперёд» газетаси ташкил килинди. Аммо Ленин Россияга ишонмаганидан, Парвуснинг кузига норози куринса-да, кунглида унга койил колгани холда, унинг хатти-харакатларини хориждан кузатиб турди.

Парвуснинг услубиёти жуда аник эди: мамлакатдаги инкилоб – пойтахтда инкилоб дегани. Пойтахтда бошланса, акс-садо беради. Парвус «шуро»ларни ташкил килади ва узи Петербург шуросининг раиси лавозимини эгаллайди. Унинг молиявий манифестини курсангиз! Урушга карши йуналтирилган ва маглубият кайфиятларини тарғиб килувчи хитобларини айтмайсизми! 2-Тинч океан эскадрасининг очик денгизга чикиш йулини тусиб куйган «Бургут» кемасининг халокати-чи?! 1905 йил 9 январдаги халк намойишининг

уюштирилиши-чи?! Ушанда Парвуснинг жангарилари Александр боғидаги дарахтларга чикиб олиб, у ердан Қишки саройни ҳимоя қилиб турган солдатларга ук узишган ва шу билан машҳур Конли якшанбани бошлаб беришганди. Банкларни босиш-чи?! Кронштадт, Севастополь, Свеаборгни айтинг! «Потёмкин» ва «Очаков» кемалари-чи? Ҳаммаси жуда ажойиб тарзда амалга оширилган эди. Факат бир нарса чаток булганди. Улар дархол оммавий кирғинни бошлаб юбормадилар ва охир-окибатда хамма ишни бой бердилар. Ленин гарчи хеч кайси вокеада шахсан иштирок этмаган булса-да, хамма нарсани диккат билан кузатиб, хатоларни белгилаб борди ва яна бир карра амин булдики, Россияда исён килса булади, тартибсизликлар, ур-йикитлар, иш ташлашлар уюштириш мумкин, аммо кунгилларида уйлаб куйган тузумни хеч качон кура олмайдилар. Йук, Россия бунга ярамайди. Ғарбий Овруподан бошламок керак.

Қамокка олинган ва бадарға килинган Парвус Сибирга олиб кетилаётганида сокчилар кулидан кочиб... Туркияда пайдо булиб колди. Бу ерда у Ёш турклар хукуматининг иктисодиёт ва молия масалалари буйича маслаҳатчиси булиб олганди. Бу мансабда бир неча миллион ишлаб олгач, халкаро банклар ва картелларнинг жахонга машҳур намояндалари билан алокалар урнатган Парвус узининг асосий режасини – Россияни хароб килишни бир лахза хам эсдан чикаргани йук. Эсидан чикаргани йуғ-у, лекин кайнаб-тошган иктисодий фаолиятдан хам чалғимади. Унинг молиявий дахоси, Троцкийнинг ута уринли ибораси билан айтсак, рус эманини кулатаётган болтадан турк сарвига кувват бахш этувчи боғбон белкурагига айланди. Парвус вайрон булаётган Усмонли империясини иктисодий халокатдан саклаб колганди. Албатта, бу ишларни килар экан, Парвус узини асло унутгани йук. Ленин ва унга содик бир гурух тарафдорлари мухожирликда зур-базур умргузаронлик килаётган бир шароитда Парвус банклар очди ва савдо корхоналарига асос солди. У жуда катта пул маблағлари билан иш юритарди. Ленин гох «экспроприация килинган» пулларга яшарди (Камо билан Кобани камаб куйганларига кадар), гох онаси юборган пулларга тирикчилик киларди (онаси хаётлигида), гох дустларининг хайри ионасига (хамманинг жонига тегиб кетмагунча), гох кули очик, кунгилчан швейцария социалистларининг хомийлигида кун утказарди.

Аммо Парвус уни ҳеч қачон эсидан чиқармаган, чунки ўз режаларини Лениндан кўра тузукроқ уддалаб бажарадиган одам йўқлигини тушунар эди.

Сараевода янграган ўқ овози Парвус учун жанговар чақириқдай бўлди. У бир лаҳзада Туркия Германия томонида туриб урушга қўшилса, бу Россия учун нима билан тугашини чамалаб, ҳисоблаб чиқди.

У эҳтиросли нотиқ ҳарорати билан қатъий ҳаракат қилувчи, лекин унча олисни кўролмайдиган Анвар пошшога ва унинг «ёш турклари»га Туркия фақат Германия томонида туриб урушмоғи кераклигини уқтира бошлади. Фақат шундагина Туркияда улуғ империя қайтадан тикланади, шундай қилгандагина Туркия ўз тарихининг сунгги йигирма йили мобайнида бошидан кечирган беҳисоб мағлубиятлар ва таслимлар, қўпол таҳқирлар ва камситишлар доғини ювиб ташлай олади. У қаҳва ичиб, сигара чекиб утириб, Германиянинг Туркиядаги элчиси фон Вангенгейм билан суҳбатлашади ва олис Константинополдан Германияга телеграмма жунатади. Унинг оқибатида Урта денгиздаги кемаларини Шимолий денгизга жунатишни режалаштирган адмирал Сушон «Гебен» линкорини орқага қайтариб, Дарданелл бўғозига жунатади. Парвус махфий шайинларни ҳаракатга келтиради, натижада Туркияга ғалла, темир, дастгоҳлар ва ўқ-дорилар кела бошлайди, юкларнинг бир қисми эса йўл-йўлакай Булғорияга туширилади. Парвус асло амалга ошириб булмайдиган ишни бажарди – асрлар мобайнида бир-бирига ашаддий душман булиб келган икки мамлакат – Булғория билан Туркия ҳар қандай панславизм ва панисломизм ғояларини емириб, Россияга қарши урушга қўшилди. Парвуснинг қалин дўсти, Туркиянинг ҳарбий министри ва ҳарбий ҳукуматининг бошлиғи Анвар пошшо бекорга муйловини кайзерникига ухшатиб қуйиб олди, дейсизми? У, ҳатто, Коминтернга аъзо булиб кирди ва 1922 йилда Тожикистонда қонли жанглардан бирида шаҳид кетди.

Аммо бу ҳали ҳолва эди. Россияга жанубдан қилинадиган ҳужумни таъминлаган Парвус ҳеч кутилмаганда бриллиант тугмалари ва тилла узукларининг жилваси билан қашшоқ рус мухожирлари кўзини қамаштириб, «социал-демократлар» орасида пайдо булди.

Унинг «Демократия учун! Чоризмга қарши!» деган машҳур рисоласи аллақачон шов-шувларга сабаб булган эди.

Негаки, анчадан бери сукут сақлаб келган Парвус партиявий публицистика майдонида яна кўринишга журъат қилиб, «социалистик» ҳаракатнинг навбатдаги вазифаларини мутлақо янгича шарҳлаган эди. Бу янгича шарҳ собиқ партиядош ўртоқларининг кўпчилигини даҳшатдан лол қолдирди. Янги «назария»нинг моҳияти қуйидагича эди: урушнинг айбдорлари ким экани ҳақида масала қўйиш керак эмас, «ким биринчи ҳужум қилганини» ҳам ахтариб ўтиришга ҳожат йўқ. бу аҳамиятсиз нарса. Жаҳон империализми ўнлаб йиллар мобайнида қирғинбаротларини тайёрлаб келган. Шундай бўлгач, кимдир ҳужум бошлаши керак эди-да! Ҳеч кимга кераги йўқ сабабларни излаб вақт кетказиб ўтирадиган пайт эмас, социалистик йўсинда фикрлашга ўрганмоқ лозим, яъни биз – жаҳон пролетариати урушдан қандай фойдаланмоғимиз ва кимнинг томонида урушмоғимиз кераклигини аниқлаб олишимиз шарт. Ҳаммага маълумки, дунёдаги энг қудратли социал-демократия Германия социал-демократиясидир. Агар Германияда социализм тор-мор этилса, уни ҳамма жойда мағлуб қилажаклар. Жаҳон социализмининг ғалабасига олиб борадиган йўл – Германиянинг ҳарбий хатти-ҳаракатларини ҳар томонлама қуллаб-қувватлашдир. Рус чоризми Антанта томонида туриб уруш қилаётгани бизга социализмнинг ҳақиқий душмани ким эканини очиқ-ойдин курсатиб турибди. Шундай қилиб, бутун дунё ишчилари рус чоризмига қарши урушмоқлари керак. Жаҳон пролетариатининг вазифаси – Россияни тор-мор келтириб, унинг ичида инқилоб қилишдир. Агар Россия майда булакларга булиб юборилмаса ва демократлаштирилмаса, у бутун дунёга таҳдид қилади. Модомики, Москва империализмига қарши курашнинг асосий қийинчилиги Германия зиммасига тушаётган экан, бундан «Германиянинг ғалабаси – социализм ғалабасидир!» деган бирдан-бир хулоса чиқариш унча қийин эмас.

Ленин айтганидек, «Ута бемаъни, лекин диалектик нуқтаи назардан қаралса...»

Ҳа, Ленин қандай муносабатда бўлишидан қатъи назар, Парвус «назарияси» ўзи олдинга сурган «таслимчилик» ғоясининг жуда чиройли ва бежирим нусхаси эканини тан олмаслиги мумкин эмасди.

Парвусга хос бўлган кенг куламдорлик Ленинда етишмас эди, чунки Ленин иқтисодчи эмас эди. Парвус эса апил-тапил

гапдан амалий ишга кучади-ю, Берлинга бориб, Россияда «ашаддий сул экстремистларни ҳокимият тепасига келтириш йули билан» Россияни йуқ қилиш режасини баён қилади. Режа ҳарбийларники сингари жуда аниқ эди. Биринчи навбатда подшони тахтдан ағдариш керак. Чоризмга карши кураш олиб бориляпти, аммо пулнинг кучи билан эртадан бошлабоқ бу курашга бутун дунёдаги социалистик матбуотнигина эмас, балки барча либерал матбуотни ҳам жалб килса булади. Шундай қилинса, уз-узидан Россиядаги турфа хил либерал мухолифат ҳам вокеалар гирдобига жалб этилади.

Жуда содда йул: Подшо – урушнинг айбдори, миллионлаб қурбонлар, ҳарбий муваффақиятсизликлар сабабчиси. Малика – немис, бинобарин, жосус. Бироз жун мулоҳаза, албатта. Аммо Россияга утаверади. Тахт вориси бедаво дардга чалинган, бинобарин, сулоланинг куни битиб колган. Давлат думаси деярли бошдан-оёқ буржуа вакилларидан таркиб топган – улар бунака кармокни осонгина ликиллатиб ютиб юборади. Подшо тахтдан ағдарилиши биланоқ Россия лахтак-лахтак булиб булиниб кетади. Кейин у ҳеч қачон унгланмайди. Негаки, балиқ куруқликда яшаёлмаганидек, империя ҳам демократия шароитида умр кечиролмайди. Тоифалараро, миллатлараро, уруғлараро низолар ҳаддан ташқари кескин. Энг муҳими эса – иктисодиёт қил устида турипти. Иш ташлашлар йули билан уни узил-кесил издан чиқариш мумкин. Иккинчи боскичда ҳаракат қилиш анча осон кучади. «Ер – деҳконларга!» деган жунгина хитоб шунга олиб келадики, деҳконлар помешчиклардан ерни зурлик билан тортиб ола бошлайдилар, солдатлар эса офицерларини отиб ташлаб, ер тақсимотидан қуруқ колмаслик учун хандақларни ташлаб қочишади. Армия фалаж булади, саноат мажакланади, кишлоқ ҳужалиги бошбошдоқликка учрайди. Ана шундай шароитда ҳокимиятни сул экстремистлар эгаллаб оладилар. Германия билан сулҳ тузадилар ва янги қонунлар чиқариб, империянинг вайрон булишини кучайтирадилар. Шундай қилишар экан, табиийки, улар герман куролининг ёрдамига таянадилар, шунда турли-туман кутилмаган касофатлардан халос буладилар. Ҳозир бу касофатларнинг ҳаммасини назарда тутиб булмайди.

Албатта, немисларга режанинг фақат уларга тааллуқли қисмигина курсатилган эди. Немислар ҳамма гапдан хабардор

булишлари шарт эмас эди. Аммо Парвус айтган тахминларнинг узиданок одам энтикиб кетарди. Клаузевич ва Улуғ Фридрих тарбиясини куриб вояга етган катта Мольтке ва кичик Мольткеларнинг стратегияси, Овруподаги урушни икки ойда (Франция – 30 кун, Россияга – 30 кун) тугатишни таклиф килган. А. Шлиффеннинг соату дакикаларгача хисоб-китоб килиб чикилган ажойиб режаси, «Парвардигор, Англияни жазола!» деган хитоб замирида ёмғирдан кейинги кузикориндай болалаган дунёдаги энг яхши харбий кемалар бекиёс аниклик билан ишлайдиган штаблару, армиянинг темир интизоми – буларнинг бари бир сароб булиб чикди. Ғарбий ва Шарқий фронтлардаги кирғинбарот, Англия амалга ошираётган денгиз камалининг тобора сикиб келаётган сиртмоғи, захираларнинг шитоб билан куриб бораётгани, бугун-эрта Қушма Штатларнинг урушга кушилувидан хадиксираш немисларга уларнинг истиқболи накадар мудхиш эканини руйирост намойиш килди. Албатта, пруссларга хос тарзда калта уйлайдиган немислар Парвус режаларини бор кулами билан кура олганлари йук, лекин улар бу режаларда узларининг фикру зикрини хаммадан ортик банд этиб ётган нарсани – узларининг энг дахшатли ва энг кудратли душманларини урушдан ва Антантадан чикариш имконини курдилар. Бунинг устига бу режани аллакандай уткинчи бир муттахам эмас, балки узлари яхши биладиган Парвус таклиф киляпти. У Биринчи Рус инкилобининг отаси хисобланади, иш ташлашлар, куча намойишлари, конли тартибсизликларни уюштиришда унга тенг келадигани йук. Немислар яхши эслайдилар – у арзимаган хак эвазига машхур Обухов иш ташлашини уюштирган эди. Шу иш ташлаш окибатида рус линкорлари учун янги замбараклар ишлаб чикарувчи янги технологик линияни узок муддатга сафдан чикаришга муваффак булинган эди. Шунинг учун улар Парвуснинг режасига жон-жахдлари билан ёпишиб олишди-да, унинг баҳосини сурашди. 50 миллион, – деб жавоб берди аллакачон хаммасини хисоб-китоб килиб куйган Парвус. Албатта, у бу пулнинг камида ярмини уз хамёнига уришни хам уйлаб куйганди. Савдолашишнинг урни йук эди. 50 миллион олтин марка дегани нима узи? Битта чала битган линкорнинг пули! Ғалати-я! (Севастополда портлатилган «Императрица Мария» кемасининг узигина 1919 йилгача булган сарф-харажатларнинг хаммасини бемалол коплайди).

Немисларни бошка нарса ташвишлантирар эди – Россия тахти бушаб коладиган булса, унга Парвуснинг узи даъвогарлик килмасмикан? Саволлар, албатта, бенихоя хушмуомалалик билан берилган эди, аммо савол берувчиларнинг кузида немисларга хос антисемитизмнинг совук нурлари жилоланиб турарди. Россиядаги жамоатчилик хар канча инкилоблашган булмасин, мамлакатдаги олий мансабни, юмшок килиб айтганда, «православ эзтикодида булмаган» одам эгаллашини унча хушламаса керак. О, Парвус бу майда гаплардан юкори турарди. Биринчидан, у рус жамоатчилиги хакида уз фикрига эга эди, иккинчидан эса, режанинг немислар билмайдиган кисмида мамлакатдаги хар кандай жамоатчилик фикрини шитоб билан катъий равишда махв этиш назарда тутилган эди. Учинчидан эса, Парвус сира хам Россияга кайтмокчи эмас, агар бутун халк йиғлаб-сиктаб уни Борис Годунов каби тахтга чикишга ундаса хам, у рус тахтини эгаллаш ниятида эмас эди.

Бу йиллар мобайнида у хаддан зиёд бойиб кетди – унинг Берлинда уйи, Берлинда хос ховлиси, Стокгольмда хос ховлиси, Швейцария Альпида чорбоғи, туртта хусусий банки, яна олтита банкда хиссадор тарзидаги иштироки, Копенгагенда импорт-экспорт идораси, темир йул ва кема катнови жамиятларида анча-мунча акциялари бор эди. У шунака мартабага эришган эдики, тахтда утириб, бир мамлакатни бошкаришдек захматли ишни зиммасига олишни узига эп курмасди. Бу иш учун унинг бошка бир номзоди бор эди – куп йиллар давомида уни назаридан кочирмай кузатиб келарди. Уларнинг бир замонлардаги хамкорлиги аллакачон утмишда колиб кетган, улар купдан бери учрашмас эдилар. Аммо Парвус яккаю ягона, узига хос тарзда бетакрор бу «социалист»ни бир лахза хам унутгани йук. Негаки, у хукмдор булиш, бутун жахоннинг хужайини булиш дардига чалинган, хижолату андиша деган нарсалардан бутунлай холи, уз максадига эришиш йулида энг мудхиш воситаларни куллашдан хам тоймайдиган, хар кандай энг жирканч ниятларини хам сафсата окимига кумиб юборадиган, бемалол ёлғону чала ёлғонларни калаштириб ташлайдиган бир одам эди. Уша кезларда унинг вулкондай кайнаб-тошган ғайрати бехуда нарсаларга сарф булмокда эди – у газеталар сахифаларида майда-чуйда ғийбатларга уралашиб колган, узининг Оврупо учун мутлако кадрсиз эканини англаб ва асосий зарбани каерда бериш керак эканини била олмай ғазаб утида коврилиб ётарди.

Аммо у хар қандай вазиятга мослашиб кетадиган, тутуриксиз ва қаттиққул, акл бовар қилмайдиган даражада ишчан ва энг конхур аблаҳларни атрофига туплай оладиган муъжизавий қудратга эга эди. Бунинг устига ҳукмдор булиш дардига йуликкан булиб, соф осиёча мустабидлик қиликлари бор эди. Шу сифатларига кура бу одам, Парвуснинг фикрича, Россияда ва факат Россиядагина ҳаракат қилиш учун энг муносиб номзод эди. Бутун жаҳон куламида иш юритиш учун у анча ожизлик қиларди, аммо «жаҳон пролетариатининг доҳийси» булиш унга жуда хуш ёкар экан, майли, булақолсин – Парвус бунга эътироз билдирмайди. Энг муҳими – ишни бажарса булгани.

Лениндан бошқа яна ким ҳам Парвуснинг ажойиб ниятлари кадрига етиши мумкин эди? Россияни мангу ҳалокатга учратиш учун ва бутун инсониятни жаҳаннам лабига олиб бориб қуйиш учун курраи заминга ким томонидан юборилгани номаълум булган бу икки улуғ ва мудҳиш даҳо Лениннинг Цюрихдаги фақирона уйида – торгина ошхонада дунг пешоналарини бир-бирига уриб олай деб рупарама-рупара утиришибди. Улар дунёга уч йил фарқ билан келишган (1867 ва 1870 йилда), лекин дунёдан бир йилда – 1924 йилда кетишди. Буниси ҳам ғаройиб ва мудҳиш...

Ленин Парвуснинг ниятини бошқа хар қандай одамдан кура яхшироқ англаган булса-да, бу ниятни амалга оширишда шахсан иштирок этиш ҳақидаги таклифдан боши осмонга етгани йуқ. Ахир Россия нима булипти! Россия – нажосат! Россиядан бошламаслик керак. Ахир хеч ким Маркс айтган социализмни Россияда қуриш вазифасини қуяётгани йуқ-ку?! Россия бутун ишни жаҳон микёсида уюштириш учун маблағ беради, дейсизми? Булмаган гап! Россия қашшоқ, буйнигача қарзга ботиб ётибди! Қарздор булса, биров сизни Россиянинг қарзларини тулашга мажбур қилармиди? Қашшоқлиги масаласига келсак... Россиядаги ҳамма чунтакларни ағдарса, озмунча маблағ чиқмаса керак. Немислар-чи? Немислар нима қилиб берарди? Мени уларнинг пулига мухтож деб уйлайсизми? Мен бу пулларни немисларсиз ҳам топаман. Ҳатто, ундан ҳам купроқ топишим мумкин. Мен бу пуллар воситасида немисларни режага дахлдор қилиб қуярдим, чунки немисларсиз иш чиқариб булмайди. Армияни хароб қилсак, узимиз нима билан қоламиз? Армия керак, лекин рус армияси эмас. Акс ҳолда, бизни бурон супуриб ташлайди. Тушунянсизми? Немисларнинг паноҳи

остида биз бу ишимизни киламизу яна уларнинг паноҳида жунаб қоламиз. Кейин-чи? Кейин-ми? Россияда қулга киритган пулимизга бутун Оврупони сотиб оламиз. Ана сизга жаҳон инқилоби! Агар жиддий айтсак, ҳамма ишни иккита жуда оддий хитоб билан амалга ошириш мумкин: тинчлик ва ер!

Ленинда чиндан ҳам стратегик қулам етишмас эди. Буни Парвус тўғри тушунарди. Уз бидъатлари, уз қоидалари ва бемаъни ғоялари Ленинни исканжадек қисиб олган эди, лекин тан бериш керакки, у жуда яхши тактик эди. Шунинг учун Парвуснинг ниятини унинг узидан ҳам чуқуррок англади. Силезия вокзалидаги учрашув хурсандлик билан, лекин ортиқча эҳтиросларсиз утди. Хушмуомалалик билан шляпалар бошдан сал кутарилди, қуллар қаттиқ қисилди, немис тилида калта-калта жумлалар айтилди. Фақат кузлар чақнаган эди – режалар унг келди ва амалга оша бошлади. Ҳозирча, ишқилиб куз тегмасин, ҳамма ишлар силлиқ кетяпти. Берлиндаги Унтердер Линден деган икки томонига катор арғувонлар экилган кенг марказий кучада жойлашган, XIX асрнинг охирларида империяга хос викор билан қурилган, 1914 йилдан бери ҳувиллаб ётган собиқ рус элчихонасининг биноси яна жонланиб қолди. Бу 1918 йилнинг 20 апрелида содир булди (булғуси фюрер Гитлернинг туғилган кунида. Уша кунни Гитлер Ғарбий фронт хандакларида нишонламоқда эди).

Кимсасиз баҳайбат иморатда собиқ элчининг деразаларига оғир пардалар осилган, «модерн» услубида жиҳозланган хонасида иш қайнаб кетди. Мармар кулдонлар устида сигаралар тутаб ётар, саксон чиннисидан ясалган чашкаларда кофе ҳовури чиқиб турар, Богемия биллуридан бино булган қадаҳлардаги майлар қизил-зангори жилолар таркатиб товланарди. Парвус ишда ҳар канча талабчан ва қаттиккул булмасин, Октябрь тунтаришидан бери утган олти ой мобайнида Молия Халқ Комиссарлиги ва Халқ банки томонидан қилинган ҳаддан зиёд катта ва машаккатли ишни куриб қойил қолмай туролмади. Уюм-уюм ведомостлар, катор-катор рақамлар, инвентар руйхатлари, қарз ҳақидаги сертификатлар ва яна бошқа унлаб ҳужжатлар – ҳаммаси тартибланган ва ҳисоблаб якун қилинган. 1897 йилда (олтин тангалар зарб килина бошланган йили) Давлат хазинаси ун беш сумлик олтин тангалардан ҳаммаси булиб 178 миллион 500 минг сум

миқдорда 11 миллион 900 минг дона чиқарган. 1918 йилнинг 10 апрель кунигача ҳаммаси булиб 142 миллион 500 минг сумлик 9 миллион 500 минг дона олтин танга кулга киритилган ва даромад тарзида расмийлаштирилган.

7 сум 50 тийинлик тилла тангалардан ҳаммаси булиб 126 миллион 217 минг 500 сумлик 16 миллион 829 минг дона чиқарилган. 1918 йил 10 апрелга қадар шундан ҳаммаси булиб 111 миллион 375 минг сумлик 14 миллион 850 минг дона танга кулга киритилган ва ҳужжатларда расмийлаштирилган.

5 сумлик олтин тангалар ҳаммаси булиб 26 миллион 860 минг сумлик миқдорда 5 миллион 372 минг дона зарб килинган. 1918 йил 10 апрелига қадар шундан 10 миллион 500 минг сумлик 2 миллион 100 минг дона танга кулга киритилган.

1898 йил... 1899 йил... Йиллар лип-лип утади, улар билан бирга миллион-миллион тилла тангалар утади – тилла тангалар эмас, бутун бошли уммонга айланиб кетган олтин дарёлар. Беш, ун, йигирма, эллик ва юз франклик француз тилла пуллари, киролича Виктория, кирол Эдуард VII ва Георг V нинг тасвири зарб килинган олтин гинейлар ва соверенлар. Қоғоз фунтлар, франклар, маркалар, Шимолий Америка долларлари. Қимматли қоғозлар, заёмлар, облигациялар тарзида чиқарилган қоғозлар... Ажнабий давлатларнинг рус банкларида сақланувчи олтин пуллари ҳақидаги маълумотлар, ажнабий карзлар юзасидан гаровга қуйилган рус олтинлари. Отилганларнинг кулидан сириб олинган тилла узуклар, талаба кизларнинг кулокларидан юлиб олинган тилла исиргалар, деҳқон кулбаларидаги иконалар ортидан топилган тилла билагузуклар. Кумуш тангалар, куйма кумушлар, қимматбаҳо маъданлардан ишланган буюмлар, кумуш ва бронзадан ишланган ноёб санъат буюмлари (минглаб сумларда). Музейлардаги, хусусий уйлардаги, давлат омборларидаги бойликлар ҳозирча расмийлаштирилгани йуқ. Вақт булмади. Аммо яқин уртада ҳаммаси руйхат килиниб, расмийлаштирилади.

Ҳаммаси булиб 1913 йил курси буйича 2,5 миллиард сўмлик тилла пул. Ундан шахсий ҳисобларга, «умумий иш» учун, немисларга моддама-модда:

а) ажратилган молиявий маблағлар; б) ҳарбий ёрдам кўрсатиш учун; в) армияга сарфланадиган харажатлар; г) тухтатиб қуйилган немис депозитлари; д) мусодара килинган товарлар;

е) бузилган шартномалар, немисларга қарши ур-йиқитлар ва бошқа сабаблар туфайли шахсий одамларга ва мулкка етказилган зарарлар.

Жами: Германия банкларига, Швейцария банкларига, Скандинавия банкларига, бошқа банкларга... транспорт харажатлари; ижрочиларнинг ғаразлари туфайли қурилган зарарлар фоизи... Жами... Шахсий хисобларига... Шифрлар... Калитлар... Немис саноатининг акцияларида ва бетараф мамлакатлар саноатининг акцияларида... Жами...

...Парвус қалин лабларини қимтиб, ғамзали кузларини устун-устун рақамларга югуртиради ва қовоғини осади. Кам!

...Вақт етарли эмас эди. Бу, албатта, хали хаммаси эмас. Мана муйна, ғалла, ёғоч, руда, рангли маъданлар буйича маълумотлар. Немисларнинг хамма даъволари қондирилгандан кейин биз шулардан бошламоқчи эдик... Ҳа, биз тушунамиз, хозир буларнинг барини немислар ўзлари билан олишлари мумкин. Аммо, мана, Ленининг уз қули билан ёзган мактуби. Бу мактубни у немис хамкасбларининг кулоғига етказишни сураган: «... уруш йули билан биздан хеч нарса ололмайсизлар, хаммасини ёқиб юборамиз!» Ленин Ленин-да! Ҳар бир килинида ғаламислик бор. Албатта, бунга ҳайрон қолмаса ҳам булади, аммо мактубнинг сунгида унинг бутун моҳияти акс этган: «Немисларга хом ашё бера оламиз».

Жанжалнинг хожати йуқ. Боадаб одамлар каби муросага келайлик. Ҳа, энди, озликка оз... Яна беш баравар кўпрок булиши керак. Кам деганда. Бундай булаётганининг сабаби бор: экспроприация ховликмалик билан, чукур уйланмасдан амалга ошириляпти. Жуда куп маблағ ижрочиларнинг кулида колиб кетяпти. Қаттиккулрок булиш керак, қатъий назорат урнатмок лозим. Ҳақиқий назорат булсин, ВЧКнинг тузилгани жуда яхши булди, аммо унда хаддан ташқари уғри куп. Тушунарли, албатта, сизда фурсат кам эди, аммо бу ёғида қанча колганини ҳам хеч ким айта олмайди. Яна қатъийрок ва шафқатсизрок харакат килинглар!

Ақл ургатар экан, Парвус ун хонали сонларни ҳаддан ташкари осонлик билан чакиб ташлаб, хужжатларни урганишда давом этди. Кутилмаганда улуғ молиячининг куксидан бир хитоб кутарилди – бу ғазабмиди, норозиликмиди, уйлаган ёмон нарсаси чикиб колганидан ранжишмиди – ажратиб олиш қийин эди. Камомад!

Ракамлар туғри келмаяпти. Булиши мумкин эмас! Булиши мумкин эмас? Мана, узингиз куринг. Хуб, ғалати иш булипти-да! Етмиш беш... йуқ, кечирасиз... етмиш саккиз миллион тилла сум. Дархол тергов бошланди. Ҳар томонга махфий телеграммалар учди. Дзержинский Москвада (Швейцарияга бориб келиб туради), Менжинский Берлинда. Текшириш натижалари акл бовар қилмайдиган булиб чиқди. Уғирлик Петроградда содир булар экан, «Юк»ни аллакаёкка Скандинавиянинг хусусий банклари орқали жунатаётиб уриб қолишар экан. Айбдорларни ҳам тез топишди. Урицкий, Володарский ва Кронштадт ЧКсининг раиси Андроников[1]. Парвуснинг чуқур хурсинишдан бошқа иложи қолмаган эди. Урицкий билан Володарский унинг севимли шогирдлари. Буюк инқилобий ғояларга жуда ҳам берилган куринишарди. Бошқа куплар катори Ленининг ёнига махсус қуйиб қуйилган эди. Уларнинг назоратида булса, Ленин бирон кутилмаган ножуя иш қилиб қуймайди, деб уйлашган эди. Текшириб куришни ваъда қилишди. Чиндан ҳам жуда тез фурсатда ҳамма нарсани аниқлашди... Бир ойдан кейин Володарскийнинг суробини туғри қилишди.

Берлиндаги музокаралар силлиқ утмокда эди. Ганецкий молиявий ишларга Берлин, Гейбельберг ва Цюрих университетларида бежиз укимаган эди. У катъий валютани қаерда, қандай қилиб, қайси шартлар асосида жойлаштириш кераклигини жуда яхши биларди. Ленин ҳақидаги завқу шавқка тула хотираларида Ганецкий хузурланиб уша кунларни эслайди. Ҳузурланмай улсинми – 1932 йилда ГПУ Швейцария банкларидан бирида шахсан Ганецкийнинг номида 60 миллион франк борлигини аниқлаган. Ганецкий ёзади: «Гарчи зангори стол теварагида немис банкларининг Мендельсон, Глазенап ва бошка казо-казолари билан учрашишга унчалик

---

[1] Князь Андроников Распутиннинг дусти, Синоднинг оберпрокурори кошида махсус топшириқларни бажарувчи собиқ мансабдор, подшо оиласи билан борди-келдиси бор. Пикуль томонидан «Сунгги худуд олдида» романида завқ-шавқ билан тасвирланган: «Жаҳон пролетариати» хўб ғалати ижрочилар гуруҳига эга булган-да! Октябрь тунтаришидан кейин Андроников конли Кронштадт ЧКсининг бошлиғи булганига шубха киладиганлар бўлса, «Ленин ва ВЧК» деган китобни куришсин. Москва, 1975, 229-б.

кунглим чопмаётган булса-да, делегациямиз музокараларни чакки олиб бормади. Бу музокаралар натижасида Бресть-Литовский шартномасига қўшимча битимлар имзоланди. Бу битимларга кура, Германиянинг молиявий даъволари буйича туланадиган туловлар миқдори аник белгиланган ва айни чоқда, ички иқтисодий сиёсат соҳасида Совет Россиясининг тула мустақиллиги таъминланган эди». Серзарда немис банкирлари ва уларнинг швейцариялик хамкасблари пулларни топиш йуллари масаласида нималардир деб эътироз билдиришга уриниб куришган. «Аммо биз уларнинг юзига рўйрост айтдик – бизнинг ишларимизга аралашманглар, жаноблар!» («Кекса большевикларнинг хотираларини укисанг, маза киласан-да!»)

Ганецкий банкирларнинг кунглини овлаш билан банд экан, Красин саноатчилар билан шуғулланди. Россияда жуда куп мулкидан жудо булган ва бунинг учун бирон-бир товон ундириш илинжида юрган донғи дунёга кетган Сименс – унинг ўз сўзлари билан айтганда, Красин билан учрашувга герман саноатининг кузирларидан «бутун бир полк»ини таклиф килган. Улар жуда жиддий одамлар саналади, узларининг халқаро обру-эътиборларини куз қорачиғидай авайлаб эҳтиёт килишади (банкирлар бу масалада жиндай андишасизроқ булишади). Саноатчилар аввалига сергакроқ туришди. Шу туфайли улар янги бино булган Савдо Халқ Комиссарининг утмиши билан танишиб чикишдан хам эринишмади ва наркомнинг «мана ман» деб турган жиноятларга тула ҳаёт йули саноатчиларга унча маъкул келмади.

Аммо танлаш учун имконият йуқ – борига қаноат қилиш керак эди. Бир томондан курукликдаги фронтлар исканжасида, бошка томондан денгиздаги инглиз қамали туфайли буғилиб колган Германия жон талвасасида эди – унинг кушинлари Ғарбда Франциянинг ярмини эгаллаб турган ва шаркда Тифлис кучаларида гурсиллатиб кадам ташлаётган булсалар-да, бу уларнинг ахволини енгиллатолмас эди. Денгиз савдоси 1914 йилдаёк тухтаб колганди. Германиянинг ифтихори булган ва Кайзер жуда бошқача меҳр куйган денгиз флоти эса бутун уруш давомида мамлакатнинг бурнидан инглиз сиртмоғини олиб ташлаш учун бор-йуғи бир мартагина курка-писа уриниб курди, холос. Саноатни қайта тикламаса булмас эди. Красин эса уларга хом ашё таклиф киляпти. Яна

шунака миқдордаки, бунча хом ашё немисларнинг тушига ҳам кирмаган. Таклиф қилинаётган хом аёш миқдорини улар 1917 йилнинг бошига келганда Россияда стратегик хом ашё захиралари канча қолгани ҳақидаги разведка маълумотлари билан солиштириб куришади. Ё Парвардигор! Бутун уруш йилларида рус саноати минг машаққат билан тўплаган хом ашёнинг ҳаммасини супуриб-сидириб олиб кетишни таклиф қилишмоқда. Шу гапларнинг ҳаммаси чинмикан? У ерда ҳокимият тепасига келганлар қанақа одамларикин? Бу ишларда алланечук фирибгарлик йўқмикин? Бу таклифларни яна бирон одам тасдиклаши мумкинми? Мархамат! «Германияга товарлар сотиш ва харид қилишга тааллуқли ҳамма масалаларда бевосита генерал консулликка, жаноб В. Р. Менжинскийга мурожаат қилинсин». Ленининг айтишича, бу одамнинг обру-эътиборида тангадек доғ йўқ... Худди шу пайтда Иоффе билан Менжинский қули қулига тегмай, ваколатхона ва генерал консуллик номига ҳам қуруқликдан, ҳам денгиз йўлидан келаётган беҳисоб юкларни қабул қилиш билан овора эдилар. Баъзи бир яшиклар билан контейнерларни тушириб ҳам ўтирмай, тўғри Швейцарияга жўнатиб юборишарди.

Парвус ҳамма гапдан хабардор булганида бу ишлардан мамнун буларди, албатта. Аммо у анча-мунча ишлардан бехабар эди. Бир амаллаб унинг ҳомийлигидан кутулиб олган Ленин собиқ устозига ҳамма режаларини батафсил маълум қилиш ниятида эмасди. Ҳар томони дипломатик сўрғичлар билан қопланган баъзи бир яшикларда большевиклар томонидан хорижга олиб кетилаётган тилла тангалар, ёмбилар, заргарлик буюмлари ва санъат асарлари, платина ҳамда кимматбаҳо тошлар йўқ эди. Аксинча, большевиклар немис тилида апил-тапил босиб чиқарган рисолалар ва варакалар жойлашган эди. Уларда эса Германия ишчилари ва деҳқонлари уз мамлакатларида ҳозир Россия бошидан кечираётган қонли бошбошдоклик ҳолатини жорий этишга чақирилганди. Баъзи яшикларда эса милтиқлар ҳам бор эди. Бутун жаҳонга вабо тарқатиши мумкин булган ажал уруғи борган сари ёйилиб бормоқда эди. «Агар Россия бошига солган кунларимизни Германия бошига ҳам солиш имконияти туғилиб қолса, биз бу имкониятдан мутлақо юз ўгирмаймиз»? – деб эътироф этганди сурбет Радек.

Хуш, Менжинский-чи? У қандай гунох қилган эдики, ҳужайини Дзержинский Лубянкадаги ишларини ташлаб, кутилмаганда Швейцарияга келишга мажбур бўлди? Гап Воровский, Володарский ва кейинчалик маълум бўлишича, Зиновьев ҳам уғирликка кўл урганида ҳам эмас. Тўғрироғи, фақат шунда эмас. Гап бу ёқда эдики, Парвус энди Ленинга малол кела бошлаган эди. Йўк, йўк, у жаҳон пролетариатининг доҳийси бўламан, деб даъво қилаётгани йўк ёки матбуотда Ильич билан назарий баҳслар олиб боргани журъат ҳам қилмайди (табиийки, Парвус «партиявий публицистика» деб аталган мараз ҳакида ўйлашни аллақачон хаёлидан ҳам чиқариб юборган эди). Аммо Ленин Парвус ўз хаётида қанақа роль ўйнаганини ва махсус вагонда урушаётган Германиядан ўтар экан, унинг олдида зиммасига қандай мажбуриятлар олганини бир дақиқа бўлсин унутгани йўк эди. Ленин Парвусни жуда хавфли гувоҳ деб билар ва бу фикрида жон бор эди. Бундан ташқари, режанинг муаллифи Парвус эди, аммо режа унг келиб, амалга ошиб қолгандан кейин Ленининг ўзи унга муаллиф бўлишни хоҳлаб қолди.

Бу ҳам ҳали энг асосий сабаб эмасди, асосий сабаб шунда эдики, Парвус ўз бақалоқ гавдаси билан Ғарб банкларининг кенг тармоқ ёйган тизими билан алоқа қилинадиган ҳамма йўлларни тўсиб олган эди. Шу тарзда у қандайдир ўйин қилар ва бунинг оқибатида ўз хамёнига канча уриб қолаётгани маълум эмасди. Лубянка ертўласида халқаро тажрибага эга бўлган анча-мунча кекса ва пихини ёрган молиячилар тупланиб қолди. Улар қийноқка олингач (кўпинча эса қийноқсиз ҳам) молия дунёсидаги жуда катта сирларни ва алоқаларни айтиб беришди. Бу эса Парвус кўзда тутган ишларни янада каттарок куламда Германиясиз ҳам амалга ошириш имконини берарди. Аммо бу келажакдаги иш, ҳозирча эса Парвус керак эди. Шунинг учун уни йўкотиш масаласи орага тушган бўлса ҳам, ҳали фурсати етгани йўк, деб тан олинди ва кечиктирилди. Мутлақо холис бўлмоқлик учун яна шуни эътироф этиш керакки, 1918 йилнинг 19 июлида Кремлда бўлиб ўтган мажлисда (шу мажлисдан кейин Николай II ва унинг оила аъзолари отилгани ҳакидаги дастлабки маълумотлар бутун дунёга тарқаган эди) Парвуснинг фамилияси тез-тез тилга олиниб турган бўлса-да, уни тугатиш муносабати билан эмас, балки унинг «Кам!» деган машҳур лукмаси ва пухта ўйланмаган

ҳамда назоратсиз амалга оширилган экспроприяция (миллийлаштириш) ҳақидаги мутлақо ҳақли мулоҳазалари муносабати билан айтилганди. Кейинчалик Ленининг узи ҳам бунака хитобларда русча бўлмаган сўзларни қуллаш маъқул эмаслигини тан олди ва «Таланганни тала!» деган машҳур шиорини ўртага ташлади.

Хуллас: Эшитилди. Қарор қилинди. Кейин эса «қизил террор» бошланиб кетди.

Урицкийни тугатишни буюриб ва узига карши уюштирилган суиқасддан фойдаланиб, Ленин инсоният тарихида биринчи марта аҳолининг бутун-бутун қатламларини оммавий кириб ташлашга фоғиҳа беради. Ушанда улимга маҳкум қилинганларнинг ижтимоий аҳволи «буржуй» деган мужмал бир тамға билан белгиланган эди. Булғуси курбонларнинг руйҳати тунтаришдан кейинок тайёрлана бошланган эди. Ушанда «бадавлат синфлар»га мансуб одамлар турар жойи буйича шахсан Лениннинг буйруғи билан руйхатга олиб чиқилганди. Гарчи «бадавлат синфлар»га мансуб одамлар дейилган булса-да, амалда мамлакатнинг ҳамма аҳолиси тула-тукис қамраб олинганди. Лениннинг рус халкининг 90 фоизи кирилса кирилиб кетсин, атиги 10 фоизигина жаҳон инкилобига етиб борса бас, деган машҳур ибораси мислсиз бир куламда амалга ошира бошланди. Бу ибора Лениннинг ҳамкорларини жуда койил қолдирганди, туғри, улар бу иборани муболаға деб ҳисоблашганди. Бу пайтга келиб, большевиклар назорати остида булган ҳудудлар турли-туман уезд, губерна ва булис ЧКларнинг шунаканги қалин турлари билан ураб олиндики, ҳатто, «Правда» газетаси ҳам «шуролар ҳокимияти» амалда «чекалар ҳокимияти» билан алмаштириб булинганини оғзидан бол томиб қайд килган эди. Бутун мамлакатни коплаб олган ана шу идораларга Москвадан эълон қилинган террорнинг маъносини тушунтириб берувчи қулланмалар юборилди: «Биз айрим шахсларга карши уруш олиб бораётганимиз йўк. Биз буржуазияни синф сифатида кириб ташламоқдамиз. Тергов вактида айбланувчининг совет ҳокимиятига карши иш билан ёхуд оғизда ҳаракат қилганини исботловчи материаллар излаб утирманглар. Сиз айбдорларга берадиган биринчи савол унинг ижтимоий келиб чиқиши, олган тарбияси, маълумоти ва касб-кори ҳакида булмоғи керак. Шу саволлар айбланувчининг тақдирини белгилаб

бермоғи шарт. «Қизил террор»нинг маъноси ва моҳияти ана шунда!» Аммо унинг маъноси расмий қўлланманинг бир шапалоқ матнида ифодаланганига қараганда анча чукур эди. «Отиб ташлаш учун бизга на далил, на сурок, на гумон керак. Биз лозим курсак бас, отиб ташлайверамиз, вассалом!» – деб тобеларига уктирган Дзержинский. Шу билан у уз ходимларига бу тадбирга «бадавлат синфлар»ни шунчаки маҳв этиш деб эмас, балки анча кенгроқ қараш зарурлигига ишора қилган. Гап, умуман олганда, бутун халқ тўғрисида бормокда эди. «Қизил террор» билан бир пайтда гаровга олинганлар тўғрисидаги машҳур Буйрук ҳам эълон қилинади. Унда шундай дейилган: «Буржуазия ва офицерлардан жуда кўп одам гаровга олинмоғи керак. Оқгвардиячилар орасида қаршилик кўрсатишга қаратилган жиндай уриниш ёхуд жиндай хаттиҳаракат булса, бунга карши хеч қандай гап-сузсиз оммавий отиш татбиқ қилинмоғи зарур». Террор бир зумда тизгинсиз конли қирғин тусини олди. Мамлакатда узоқ йиллар чўзилиб кетадиган даҳшатли ва сертомир узбошимчаликнинг пойдевори ўшанда қўйилган эди. Биз бугун ҳам унинг самаралари-ни кўриб турибмиз.

Масалага янада чукурроқ қарасак, «қизил террор» большевикларнинг шунчаки навбатдаги молиявий тадбири булган эди. Большевиклар аҳолининг қўлида ҳали халқ банклари ва Молия Халқ Комиссарлиги томонидан тортиб олинмаган оз-моз пул қолганига алам қилиб, шу тадбирни утказган эдилар.

Инқилобдан олдин фалокат босиб дворян, савдогар, фахрий фукаро, адвокат, офицер деб аталиб колган, эндиликда эса «буржуй» деб ном олган шурликлар истиқомат киладиган уйларнинг ҳаммасига бошдан-оёқ куролланган большевиклар ярим тунда бостириб кирар, синчиклаб тинтув утказар, пул ва кимматли ашёларини тортиб олар, одамларнинг на жинси, на ёши, на соғлиғига қарамай, баъзан эса, ҳатто, терлама билан ётганларни ҳам юпун кийимда кучага судраб олиб чиқишар ва аввалдан тайёрлаб қўйилган аравалларга утқазиб, соқчиларнинг милтиқлари остида шаҳардан ташқарига олиб чиқиб кетишарди. Уларнинг бир қисмини, айникса, ёш ва бакувват йигитларни жойида отиб ташлашар, колганларини турли камокхоналарга тиқиб ташлар эдилар. Жувонларни купинча зурлашар, кейин улдириб

юборишарди. «Буржуй»ларнинг молу мулки гуё «ишчиларга таркатиш учун» мусодара килинарди. Аммо ўша пайтларда, яъни бутун мамлакат буйлаб иш ташлаганлар оммавий тарзда отиб улдирилаётган бир шароитда кейинчалик ишчиларга нима текканини гапириб утирмаса ҳам булади. Олтин билан кимматбаҳо буюмлар топширилар эди (ижрочиларнинг хамёнига урта хисобда уларнинг 15 фоизидан ортиғи кирмас эди), китоблар, кулёзмалар, истеъдодли лойиҳалар, бебаҳо архивлар туғридан-туғри ташлаб юборилар, бир кисми уғирланар, бир кисми эса чайковчиларга сотиларди. Уз навбатида чайковчилар бу буюмларни сотаётганларида кулга олиниб, купинча харидорлар билан биргаликда отиб ташланарди. Буларнинг бари у ёки бу куринишда бутун мамлакат буйлаб содир буларди. Аммо булар куйи даражада юз бераётган ишлар эди. Бир бахя юкори даражада иш «салмоклирок» асосда олиб бориларди. Мабодо бирорта одамнинг пули куп деб тахмин килинса ва ҳатто, ажнабий банкларда яшириб куйган маблағи бор деб уйланса, уни чакириб олиб, очикчасига гаплашиларди: «Сен ижтимоий келиб чикишингга, олган тарбиянгга ёхуд касб-корингга кура тугатилишга маҳкумсан, бундан кутулиб колишнинг иложи йук. Аммо шуро ҳукумати инсонпарвар ҳукумат, у узининг конун-коидаларига хилоф булса-да, сенинг ҳаётингни ва эркинлигингни саклаб колишни таклиф килади. Бунинг учун сен тилла баҳосида 400 минг сум тулашинг ёки шунга баравар истаган валютада пул беришинг керак. Бунинг эвазига туғри хорижга жунаб кетаверасан», – дейишарди. Кимда-ким бунга дарров кунсаю, пули ва кимматбаҳо ашёларини яшириб куйган жойини айтиб берса, уни бойликларини ҳукуматдан яшириб келганликда айблаб, отиб ташлашарди. Агар борди-ю, ужарлик килиб айтмаса, уни бекиёс кийнокларга дучор килишар, куз унгида бутун оила аъзоларини кийнашар, кейин эса, натижа кандай булишидан катъи назар, барибир, бутун оиласи билан бирга отиб ташлашарди. Аста-секин таслим булиб борганларни турмада 1934 йилгача ушлаб туришган ва улардан миллионларини оз-оздан суғуриб олишган.

Лекин, ростини айтайлик – баъзи одамларни турмадан чикаришган ҳам, чунки уларнинг молу дунёси беҳисоб булган, «инкилоб шункорлари» эса аллакачон порахурлик ботқоғига шу кадар ботиб улгурган эдиларки, купинча

нафс балоси олдида тиз чукишган. Бу масалада, айниқса, Петроград ЧКси ва унинг инқилобий Кронштадт булими ажралиб турган. Бу булимга биз юкорида танишган князь Андроников бошчилик қилган. Урицкий улдирилгандан сунг «инқилоб бешиги» ҳисобланмиш шаҳар ЧКсига Глеб Бокий бошчилик килди. У Дзержинскийнинг арзандаларидан эди, узининг собик бошлиғи Урицкийга карши суиқасдни зур маҳорат билан уюштирганидан сунг хизмат пиллапояларидан жуда тез кўтарила бошлади. Гаровга олинганлардан пулини суғуриб олиш маҳорати Москвадагиларнинг ҳасадини кузғаганди. Пойтахт ҳайвонот боғидаги жониворларни отилганлар гушти билан бокиш ҳақидаги фикр айни шу Бокийнинг миясидан чиккан. Олис мамлакатлардан келтирилган ҳайвонлар қиммат турарди ва большевиклар унг келиб колганда уларни кимларгадир пуллашни кунгилларига тугиб куйгандилар.

Энг муҳими бунда эмас эди, албатта. Муҳими шунда эдики, Петроградда гаровга олинганларни пул эвазига куйиб юбора бошлашди. Москвадагилар бу ҳақда Бокийнинг муовинларидан бири, машҳур Яковлевнинг махфий ахборотн орқали хабар топишди. Маълум бўлдики, империянинг собик марказида сирли ишлар амалга оширилаётган экан. Гаровга олинганларни пинҳоний равишда қамоққа оладилар, уларни аллақайларда яширин хонадонларда сақлайдилар, жуда катта миқдорда гаров ҳаки ҳакида келишиб олишади, кейин уни махфий равишда фин чегарасидан утказиб юборишади. Улардан олинган пул ҳеч қайси кассага келиб тушмайди ва расмийлаштирилмайди. Шу тарзда асло хорижга чиқариб юборилиши мумкин булмаган бир катор шахслар омон колди. «Ҳозирги пайтда, – деб хабар килади Яковлев, – Петропавловск калъасида тутиб турилган собик улуғ князлар Николай Михайлович, Дмитрий Константинович ва Павел Александровичлар билан махфий музокаралар олиб борилмокда. Уларга жуда катта товон эвазига озодлик ва хорижга жунатиб юбориш ваъда қилинган. Аллақачон катта миқдорда пул олинган. Келишувга мувофиқ, собик улуғ князь Александр Михайлович хотини Ксения Александровна (собик подшонинг синглиси) ва олтита фарзанди билан хорижга утказиб юборилган. У серфарзанд одам бўлгани учун ака-укалар, у биринчи бўлиб халос бўлмоғи керак,

деган тухтамга келишибди»[1]. Яковлевнинг ахборотидан аён буладики, Петроградда шахсий бойлик орттириш мақсадида аксилинқилобий фитна амалга оширилмоқда.

Шармандали ғалва кутарилди. Гуноҳдан холи булиш учун ҳамма улуғ князларни зудлик билан отиб ташлашди. Лениннинг бевосита курсатмаси туфайли шошилинч утказилган тергов бу «махфий операция»га Дзержинский бошчилигида ЧКнинг юқори доиралари алоқадор эканини аниқлади. Дзержинский, Бокий ва яна бир катор шахслар эгаллаб турган лавозимларидан вактинча четлаштирилдилар. Ленин Дзержинскийга бакириб, ЧКни таркатиб юбораман, деб дуқ урди. Дзержинский тиржайганича инламай турди. У ҳазили билар эди. Балога қолган «сурнайчи» топила қолди. Петроградда дабдабаю асъаса билан ҳамма ёққа жар солишиб, ЧК район булимларидан бирининг бошлиғини камоққа олдилар. У Козирев деган одам экан. Махфий хонадонда аллакандай ажнабийлардан заргарлик буюмларини фунт-стерлингга алмаштириб олаётганда қамоққа олинди. Уни ошкора, инқилобий тарзда суд қилишди. Буни қарангки, «урток Козирев жуда тубанлашиб кетган экан, у, ҳатто ЧКнинг ошхонасидаги тилла тарелкалар, кошиқлар ва санчқиларни уғирлаган». Айблов ҳукми бу тилла буюмлар ЧК ошхонасига қаердан келиб қолганини аниклагани йуқ. Табиийки, суд вактида бу туғрида савол берадиган биронта мард топилмади.

Германия пойтахтига қимматбаҳо буюмлар дарёдай окиб бормоқда эди. Мамлакатда қон билан бирга суриб олинган бойликлар Ғарбга, халқаро банкларнинг кенг тармоқларига қуйиларди. Давлатнинг асосий бойлигини ташкил қилувчи ташаббускор, гадбиркор, истеъдодли, меҳнаткаш халқни минг-минглаб гурга тиқишмоқда эди. Биронта мард булса, майли, чиқиб айтсин: мамлакатни босиб олган жиноятчилар тудасининг бу юртни талаб махв этишдан бошка бирон мақсади булганми-йукми? Ҳамма нарсани икир-чикиригача аник ҳисоб-китоб қилиб юрадиган немислар узларининг 1918 йил ноябрь

---

[1] Улуғ князь Николай Михайлович жаҳон миқёсида танилган тарихчи. М. Горький унинг учун илтимосномалар ёзган. Ленин зур жавоб берган: «Инқилобга тарихчиларнинг кераги йуқ!» Улуғ князь Георгий Михайлович ҳам дунё миқёсида танилган археолог, кўпгина илмий асарлар муаллифи.

ойидаги халокатларига кадар «совдепия»дан олиб чиқиб кетган нарсаларини хатлаб қуйган эканлар: 2 миллион пуд канд, 9132 вагон ғалла, 841 вагон ёғоч материаллари, 2 миллион пуд каноп толаси, 1218 вагон гўшт, 294 вагон муйна ва ҳоказолар.

Бунга миннатдорлик юзасидан немислар байналмилал армияга Дон сари кенг йул очиб беришди. Қанотларида немисларнинг мададини ҳис қилган байналмилалчилар армияси Дон казаклари улкасига ёриб кирдилар. Уларнинг кулида Ленин билан Свердлов имзо чеккан дастуриламал бор эди: «Казаклар муаммосини... уларни ялпи қириб ташлаш йули билан ҳал қилиш керак... Бадавлат казакларга қарши оммавий террор утказиб, ҳаммасини битта қуймай қириш керак... Ёнидан ё уйидан курол чиққан кишиларни отиб ташлаш керак... Ҳамма пул ва қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, даромад дафтарига ёзиш ва топшириш зарур...» Айни шу кезларда шуринг курғур Гитлер беморхонада ётиб, инглизларнинг газли ҳужумидан кейин эндигина узига келмокда эди...

1918 йилнинг ноябрида Германия қулади ва таслим булди. Бундан аввалроқ совет элчиси Иоффе варақа таркатаётганда кулга тушиб қолиб, мамлакатдан чиқариб юборилган эди. Туғри, куп утмай у яна қайтди, аммо бу гал туғридантуғри совет элчихонасининг ҳовлисида варақа эмас, милтиқ таркатди. Ғарбий иттифоқчилар томонидан немислар зиммасига юкланган таслим шартлари анча қаттиқ эди – унга кура Германия томонидан босиб олинган ҳамма ҳудудлардан немис кушинлари тезлик билан олиб чиқиб кетилиши зарур эди. 1918 йил 3 ноябрда ярим кечада Петрограддаги немис консули Зиновьевнинг ҳузурига хайрлашув ташрифи билан борди. Утган йил давомида уларнинг ҳамкорлиги чакки булмаганди. Коминтерннинг раиси булган Зиновьев Петрограддаги Андроников, Урицкий ва Володарский билан боғлик можароларга аралашиб қолган эди. Ленин буни «ҳалқаро» жанжалга айланишини истамайди ва Зиновьевни шу ғалвалардан омон-эсон олиб чиқиб кетади.

Зиновьев консул билан бироз асабий ҳолатда хайрлашди. Ҳар жиҳатдан пухта уйланган оламшумул режа ниҳоясига етмоқда эди. Бу режа ҳар икки томонга ҳам беқиёс даражада катта даромад келтирди. Ҳозирча Болтиқ буйи оркали алоқа йули ишлаб турипти. Уни фон дер Гольцнинг «темир гренадерлари» мухофаза қилишмоқда, аммо шундай булса-да,

ҳамма орзу-умидлар чиппакка чиқиб булганди. Ҳозирги шароитда, ҳатто, фон дер Гольцнинг ҳам ҳеч нарсага кучи етмаслиги аниқ эди.

Германиянинг истиқболи ва тақдири ғоят туманли эди. Большевиклар ҳам ундан баттарроқ аҳволда қолганди. Немисларнинг мададидан маҳрум булгач, улар нима ҳам қила оларди? Немислар жуда катта иш қилишди – ҳанг-манг булиб қолган рус жамиятидаги ҳар қандай кучларнинг большевикларга карши уюшган тарзда бош кутаришга уринишига асло йул беришмади. Шу жумладан, Дон ва Кубань казаклари билан Кунгилли армия ўртасида туғилиб келаётган қудратли иттифоқни йўқ қилишди.

Немислар Кремлдаги тудани фақат уруш тугагунча сақлаб туришни ўйлашган эди. Немислар урушни ҳар ҳолда ғалаба билан ёки ҳеч бўлмаганда узлари учун фахрли сулҳ билан якунлашни мулжал килишганди. Бир томондан, Кремлда Либкнехт ва Люксембург томонидан берилган кафолат бор эди: унга кўра, Германия бугун булмаса, эртага Россия синнари чоҳга қулатилмоғи керак эди. Шунинг учун Германияга қочиш режаси деярли ўзгармасдан қолганди. 1917 йилдаёқ ишлаб чиқилган бу режа буйича афсонавий тарзда жуда тез ғойиб булинарди. Икки марта бу режа ҳаракатга келаёзди. Биринчи марта немис элчиси Мирбах ўлдирилганда – ушанда немислар Москвани босиб олади деб ўйлашганди, чунки немисларнинг сабр-тоқати тамом булди, деб ҳисоблашга ҳамма асослар бор эди. Иккинчи марта эса инглизларнинг Архангельскка аскар туширгани ҳақидаги хабар етиб келганида. Негаки, уларга карши турадиган ҳеч кандай куч йуқ эди. Аммо инглизлар Кремлдаги ваҳима-ю, ҳақиқий аҳволдан мутлақо бехабар эдилар. Улар бирор ёққа ҳужум қилишни хаёлларига ҳам келтиришгани йуқ. Уларга урушнинг охирги йилида Архангельск портида тупланиб қолган тоғ-тоғ куролни назорат остига олиш юклатилганди, чунки инглизлар бу куролларни большевиклар немисларга бериб юборишидан хавотирда эдилар. Энди эса учинчи марта яна уша режани амалга оширишга эҳтиёж пайдо булди – ҳозир «тайёргарлик даври» эълон қилинганди, чунки немислар кетгандан кейин мамлакатдаги аҳвол қандай булиши мутлақо номаълум эди.

Немис консули ҳар қандай дипломат зиммасига юклатиладиган бурчни утаб, утган йил давомида Германия ва РСФСР

ҳукуматлари ўртасида жуда самарали ҳамкорлик булганини айтди ва энди бу фаолият ниҳоясига етгани учун таассуф билдирди. Сурбет Зиновьев эса дипломатик одоб доирасида колишни лозим курмади, сирасини айтганда, у бу одобни билмас ҳам эди. Коминтерннинг бошлиғи бир замонлар бошланғич инқилобий маълумотни Одесса бақколларидан олган эди – ҳозир консулга ушаларнинг тилида хитоб қилди: «Нимасига таассуф қиласиз? Бресть сулҳига кура анча нарса умардинглар. Мамнун булсаларинг ҳам булаверарди».

Кайзер дипломатиясининг эски мактаби уз вакиллари ҳар кандай вазиятда ҳам темир бардошли булишини, босиқлигини йўкотмаслигини жуда қадрларди. Консул узини босди, лекин шундай булса-да, Зиновьевга жавоб беришда дипломатик одобга жиндай хилоф иш тутди: «Бресть сулҳи кимга купроқ фойда келтирди – сизгами, бизгами? Бу ҳали маълум эмас». Шундай деб улар хайр-маъзур қилишди.

Немисларнинг кетиши большевикларга қарши курашаётган миллий кучларни илҳомлантириб юборди. Улар тарқоқ ва кучсиз эдилар, куроллари ҳам йуқ даражада эди. Уларни немис найзалари ва иттифоқчиларнинг бефарқлиги тийиб турарди, лекин, шундай булса-да, улар Россиянинг бошига тушган бу касофатни улоқтириб ташлашга жон-жаҳдлари билан уриниб куришди. Собиқ император армиясидаги бир ҳовуч катта офицерлар узларининг оз сонли аскарлари билан дадил ҳаракат қилиб, Россиянинг босиб олинган Марказий ва Шарқий районларига шиддатли ҳужум қила бошладилар. Аммо, афсуслар булсинки, большевизмнинг заҳарли микроблари ок армиянинг орқа томонини ҳам ва ундан купроқ даражада армиянинг узини ҳам заҳарлаб улгурган эди. Ленинннинг: «Россияга тупурдим, чунки мен большевикман», – деган сўзларида аниқ ифодаланган бу микроб ялпи тенглик ҳақидаги айюҳаннослар билан бирга рус жамиятининг Ленин декретларида «душман синфлар» деб аталган ва аямай маҳв этилаётган табақаларини ҳам қамраб олганди.

Генерал Деникин ҳасрат билан эслайди: «Чайқовчилик бекиёс куламда ёйилди. У узининг жинояткорона доирасига турли-туман тоифалар, ҳар хил партиялар ва турли касб-корга мансуб одамларни жалб қилди... Ҳеч шубҳа йуқки, кимматчилик ва у билан чамбарчас алоқада булган чайқовчиликнинг туб сабаблари айрим одамларда эмас, балки

халқ ҳаёти ва хужаликнинг умумий ҳодисаларидадир. Уларни вужудга келтирган нарса, умуман, пул муомаласи ва товар алмаштиришнинг издан чиққани, механтдан путур кетгани, урушу инқилоб оқибатида кириб келган яна бошқа купгина моддий ва маънавий омиллардир... Давлат маблағларини ўгирлаш, порахурлик, харомхурлик оддий ҳодиса булиб қолди, бутун бошли бирлашма ва уюшмалар бу дардга чалинди. Маошларнинг камлиги ва уз вақтида берилмаслиги бу ҳодисаларнинг сабабларидан бири булди. Масалан, темир йул транспорти уз ходимлари томонидан аёвсиз таланди. Оддий йул билан поездда юриш ва унда юк жунатишнинг иложи булмай қолди.

Дон ҳукумати Кубандан тугри йул билан ғалла олишга эришолмагач, уни харид қилишни йирик ишбилармон Молдавскийга топширди. Ғалла Дон ҳукуматига ҳаддан ташқари қимматга тушган булса-да, чиндан ҳам катта миқдорда кела бошлади. Молдавскийнинг одамлари оддий станица мирзаси-ю, темир йулнинг мойловчисидан бошлаб энг катталаригача оғизларини мойлади. Ҳатто, Кубань Радасида Молдавский бутун маъмуриятни айнитиб юборгани ҳақидаги масала кутарилган эди. Аммо менга шундай туюлдики, Раданинг зорланиши унча уринли эмас, негаки олувчиларни ҳам, берувчиларни ҳам бирини-бирига урса булади. Қонунга чап бериш анъанаси бутун халқ ҳаётига сингиб кетган эди. Бу ҳар хил катта-кичик фирибгарлар ва муттаҳамларни пайдо қилди. Шаҳарларда бузуқчилик, жиноятчилик, пиёнисталик, қиморбозлик уччига чиқди. Фронтдан келаётган офицерлар бу боткоққа бошлари билан шунғидилар. «Ҳаётнинг икки пуллик қиммати йуқ. Бир кун булса ҳам яшаб қол!» Улат вақтидаги маишат эди бу!»

Ҳатто, мана шундай шароитда ҳам аср бошидаги истеъдодли рус саркардаси уз қушинини шиддат билан Москва сари бошлаб борган. Генерал Деникиннинг армияси қудрати равнақ топган йилларда ҳам 150 минг кишидан ошган эмас, шунга қарамай, у бир неча ой мобайнида жуда катта ҳудудни большевиклардан тозалади. У Харьков, Полтава, Киевни озод қилди (немислар Украинадан чиқиб кетаётиб, Киевни Ленинга бериб кетишганди). Воронеж ва Орёлни эгаллади. Кучларини янгидан саралаш мақсадида тухтаган Деникин Москвани ишғол қилиш учун казак генерали Мамонтовнинг 7000 қиличга эга булган отлиқ корпусини юборди. Мамонтовга

берилган буйруқда унинг вазифаси аниқ курсатилган эди: «Сиз йул-йулакай ахолининг аксилбольшевистик кайфиятдаги тоифаси ҳисобига сафларингизни тулдира бориб, Москвага ҳужумни кучайтиришингиз керак. Ҳужум вактида душманнинг орка томонини тор-мор килиш ва Москва йуналишидаги асосий йулларни назорат остига олиш зарур. Токи бу юкорида зикр этилган йуналишда армиянинг умумий ҳаракатига кулайлик туғдирсин».

Қизил байналмилалчилар фронтини осонгина ёриб утган Мамонтов чавандозлари Россиянинг қадимий пойтахти сари йул олди. Аммо унинг ҳужумкорлик руҳи бир лаҳзада сунди. Ҳар бир шаҳарда, ахоли яшайдиган ҳар бир манзилда маҳаллий чекалар ва инқилобий кумиталарнинг ертулалари Алибобо ғоридагидек афсонавий бойликка тула эди. Казакларнинг нигоҳи олдида беҳисоб олтин, дуру жавоҳирлар, заргарлик буюмлари, тангалар, ёмбилар, санъат дурдоналари намоён булди. Бир зумда казаклар олтин васвасасига учрадилар. Ҳамма ҳарбий вазифалар бир зумда эсдан чиқди. Москвага юриш қилиш урнига Мамонтов уюшган қаршиликка деярли дуч келмай, ЧК ва РВК ертулаларини тозалаш билан шуғулланди.

Бу вокеаларга шоҳид булганларнинг сузларига қараганда, казаклар улжани кулга киритгач, орқага – Деникин армияси билан кушилишга эмас, балки уйга – Донга караб йул олганда, Мамонтовнинг карвони 60 чақиримга чузилиб кетган экан. Тинч Доннинг шону шавкатга тулган кунлари, XVI-XVII асрдаги дориламон замонлар гуё қайтиб келгандай эди. У пайтларда Доннинг шункор йигитлари узок-якин элатлар устига тез-тез боскин килиб туришар ва ҳар гал уз кулбаларига бой улжалар билан қайтишарди. Мамонтовнинг корпуси армия қанотини ялангоч қолдириб уз юртига қайтиб келди. Казаклар узларининг станицалари ва хуторларига таркаб кетишди. Новочеркасскда бутхоналарнинг кунгироқлари чалиниб, боскиндан кайтган Мамонтов корпусини кутлади. Забардаст генерал 2000 казакни узи билан олиб келди, беш минг казак йул-йулакай тум-таракай булган эди. Ҳамма беҳад шод эди. Генерал Мамонтов улжанинг шахсан узига тегадиган улушидан Новочеркасск черковларининг бутлари ва гумбазлари учун 20 пуд тиллани иона килди. (О, бу тиллаларнинг ғалваси ҳали кейин чиқади. ГПУ ва НКВДнинг фавқулодда тергов комиссияси 1941 йилга қадар собиқ мамонтовчилардан

бу тиллани астар-авраси билан бирга суғуриб олади. Уларнинг ҳаммаси хатга тушади. Ҳатто, хорижга қочиб кетганлар ҳам қолмайди. Мамонтовнинг омади келиб, куп утмай улиб кетади. У партия олтинига кул кутариб, Оқлар ишини барбод қилганини англама й, оламдан куз юмади.)

Қозонда авж олган қизил террор саккиз ой мобайнида партия хазинасини олтинга тулдирди. Аммо Қозондан шу қадар зудлик билан шаталоқ отиб кочишга туғри келдики, оқибатда ҳеч нарсани олиб кетишга имкон булмади. Гаровга олинган маҳбусларни отиб ташлашга базур улгурдилар, холос. Чеканинг ертулалари мурдаларга тулиб кетган эди, шунинг учун олтинларни маҳаллий банкнинг кенг ертулаларига қуйган эдилар. Большевиклар шаҳардан чиқиб кетган, оклар эса ҳали шаҳарга кириб улгурмаган бир пайтда, олғир оломон накд турт соат мобайнида банкни роса талади. Йиртқич бир киёфа касб этган оломон эшикларни парчалаб, бир-бирларини босиб-янчиб, суякларини синдириб, қийқириб, бақирибчақириб, энсизгина айланма зинада дуч келганларни топтаб улдириб, олтинларга ва қимматбаҳо тошларга ташланди. Тилла тангалар ва дуру жавоҳирларни челакларда, қалпоқларда, этикларда, тоғорачаларда, куйлаклардан қилинган халталарда, ховучларида ташидилар. Аммо оломоннинг бу ур-йиқит талони Ленин уюштирган мунтазам ва изчил таловчиликдан шу билан ажраладики, оломон талонида унчалик куп нарсани олиб кетолмайсан.

Ок аскарлар ук узиб оломонни кувлагач, банк биносини уз химоясига олдилар. Бу банкдаги олтинлар кейинчалик ёмонотлик булиб донги чиккан Колчак кулига утган эди. Бу тиллаларнинг изини ҳанузга қадар тополмайдилар. Адмирал Колчакнинг армияси унча куп шаҳарни эгаллаган эмас, аммо кулга киритган шаҳарларида адмирал 8878 пуд, яъни 142 тонна олтин туплаган. Унинг бир қисми курол-аслаха сотиб олишга сарфланган, бир қисмини эса Колчак уз ҳаётини хавф остида колдириб, хорижга чиқариб юборган ва у ерда тилларни уғирлаб кетишган.

Москва ваҳимада қолганди, бироқ Петроградаги аҳвол ҳам бундан кам эмас эди. Шаҳарга жануб томондан ярим гимназист йигитчалардан ташкил топган кичиккина армия билан Юденич якинлашиб келмоқда эди. Большевиклар ҳали отиб улгурмаган одамларни шошилинч равишда йук қилишга киришдилар.

Бутун-бутун оилаларни отиб ташлашди. «Агар енгиб чиқса, бизни узоқ вақт эслаб юришсин!» Зиновьев қуррқанидан жони чиқиб кетгудай аҳволда эди. Ленин телеграммалар йуллаб унга мадад берган булди. Телеграммаларда ишчиларни куроллантириб, Юденичга карши ташлашга, чекинишни хаёлларига ҳам келтирмаслик учун «байналмилалчи»ларнинг пулемётларини қуйишга маслаҳат берилганди. Сафарбар килинган офицерларнинг оилаларини гаровга олиш керак-да, агар Юденичнинг хужуми тухтатилмаса, оилалари отиб ташланиши ҳақида уларни огоҳлантириб қуйиш шарт. Ҳаммасини отиш керак. Айниқса, собиқ йирик ҳарбийлар ва амалдорларнинг ҳаммасини ёшига қарамай отиб ташлаш зарур. Уларнинг ёнида ҳеч мириси йуқ, лекин ҳар балони кутса булади. Оммавий катллар буронида ажойиб рус саркардалари, флот бошликлари, олимлар нобуд булди: Адмирал Скридлов, Иессен, Штакельберг, Бахирев ва Развозовлар... Аммо фақат оммавий қирғинлар билангина булғуси ҳалокатнинг аламини олиш мумкин эмас эди. Бошқа чоралар ҳам курилди.

Аввалига ҳамма нарса одатдагидек ута уқувсизлик билан қилинди. Даг-даг қалтираб отилишини кутиб турган гаровга олинган бадавлат одамга кучмас мулкини бошқа бир шахсга сотиш таклиф қилинарди. Харидор купинча ажнабий фукаро буларди. Ҳар икки томоннинг имзолари ва шахсий муҳрлари қуйилган тегишли ҳужжатлар расмийлаштириларди. Бу кучмас мулк (заводлар, магазинлар, кемалар, темир йуллар, нашриётлар ва ҳоказолар) аллақачон тортиб олиб қуйилганини ҳеч ким эсламас эди. Улимга маҳкум килинган одам ҳам ҳеч канақа ортикча савол бериб утирмас эди, чунки мулкини сотиши эвазига унинг ҳаётини сақлаб қолиш ваъда қилинарди. Иш биттандан сунг эса гаровга олинган одам отиб ташланар, унга тааллукли ҳамма ҳужжатлар йуқ қилинарди. У одам домдараксиз ғойиб булганга чиқариларди. Унинг ҳамма мулкига эса бошқа одам эгалик килаверарди.

Шундай қилиб, большевиклар, ҳозирги тил билан айтганда, бегоналарнинг мулкини приватизация қилиш йули билан бозорга кирмоқчи эдилар. Агар, айтайлик, оқлар ғалаба қозонсалар, биринчи навбатда кисқа фурсатларда хужаликни изга солиб юборишлари керак буларди. Бирон завод хусусий одамнинг қулида булса, оқлар буни, албатта, маъқуллаган буларди. Заводнинг хужайини аввалларги ҳеч ким танимаган

жаноб Н. деган одам бўлиб чиқди. Аммо бу завод Парамонов деган саводгарники эканини ҳамма яхши эслайди. Жаноб Н. ҳужжат курсатади. Унда айтилишича, савдогар Парамонов заводни унга 1916 йилдаёқ сотиб юборган экан. Нега буни ҳеч ким билмаган? Бу тижорат сири. Гап шундаки, заводнинг собиқ хўжайини жуда оғир молиявий аҳволга тушиб қолган ва бундан одамлар воқиф бўлишини истамас эди. Қаерда у хозир? Номаълум. Жаноб. Н. айтадики, савдо пишгандан кейин у Россиядан хорижга кетган эди, жаноб Парамоновни 1916 йилдан бери кўргани йўқ. Қанака замонлар бўлганини биласиз-ку? Ҳамма ҳар ёкка тиркираб кетди. «Аммо шундай маълумотлар ҳам борки, Парамонов большевикларнинг қулига тушган ва бутун оиласи билан отиб ташланган». «О, Парвардигор! Қандай ваҳшийлик-а! Жуда ажойиб одам эди мархум!»

Албатта, баъзан бундай ишларнинг пачаваси ҳам чиққан. Ҳар хил фош қилишлар бўлиб турган. Ҳар нарсани кавлаштирадиган журналистлар бунака кузбўямачилик қандай амалга оширилгани ҳакида бирон дадил фаразни ўртага ташлашлари ҳам эҳтимолдан холи эмас эди. Улар гувоҳлар ҳам топиши ва мамлакатнинг бутун иктисодиёти большевик жосусларнинг қулида деб шовқин кўтаришлари мумкин эди. Аммо аксарият ҳолларда далил-исбот топишнинг иложи бўлмасди. Далил-исбот топилмади, деб уз иктисодиётингни хароб қилмайсан-ку! Ҳаммаси ишлаб турибди, яна нима керак? Завод эгаларининг сиёсий эътиқодларига келсак, бу энди иккинчи даражали масала.

Бироз кейинроқ ЧКда графологлар ва қалбаки пул ясовчилар бўлими пайдо бўлгандан сўнг гаровга олинганларга ҳеч қанака таклиф билан мурожаат қилмай қўйдилар – энди уларни тўғридан-тўғри отиб ташлашар, керакли ҳужжатларни эса жуда ухшатиб мустакил ясаб, узлари расмийлаштирар эдилар. Жуда катта миқдорда сохта банк дафтарлари, векселлар, қарз ҳақидаги тилхатлар, олди-сотди ҳужжатлари расмийлаштирилди. Улар 1912 йилгача ҳар хил саналарга эга бўлиб, анча-мунча машхур одамлар номидан ясалган эди. Бу одамларнинг бир қисми эса махв этилганди. Бундай одамлар кўпинча нафақат оиласи билан йўқ қилинарди, агар қўлга тушиб қолишса, якин ходимлари ҳам отиб ташланарди.

Буларнинг барини, тузум барбод бўлиб, мамлакатдан кочишга тўғри келиб қолганда амалга ошириш

режалаштирилган эди. Аммо большевиклар узларининг 74 йиллик хукмдорлик даврларида хеч качон эртанги кунлари учун бехавотир яшамадилар. Шу пайтга кадар узларини улоктириб ташламаганлари учун уларнинг узи хам куп хайрон колганлар. Шу сабабдан режа доимий равишда янгиланиб, тузатилиб борилган ва у, хатто, бизнинг кунларимизгача хам етиб келган. Аммо, афсуски, тузум куламади. «Биз Россияда туғридан-туғри ёки бевосита тарзда онасини, отасини, акасини, кизини, уғлини ёки умуман, биронта якин одамини улдирмаган битта хам хонадон йук, – деб таажжуб билан ёзади Бухарин. – Шундай булса хам Феликс жуда хотиржам тарзда деярли хеч кандай сокчиларсиз (хатто, баъзан кечалари) Москва кучаларида пиёда юради. Биз унга бунака олифтагарчиликни такиклайдиган булсак, у ижирганиб кулади-да: «Нима? Чоғлари келмайди итваччаларнинг», – деб жавоб беради. Ха, унинг гапи туғри: журъатлари етмайди... Куп кизик мамлакат-да!» Бу мамлакатда чинданда куп ғалати вокеалар содир булган. Хориждан Москвага куйидаги мазмунда махфий маълумотлар келган: «Кройз ва Фуна (Берн) банкидаги хисоб шифрини ечишга муваффак булинди. В – лотинча, С – лотинча, уч юз кирк саккиз ун беш туксон олти ноль-ноль ун етти, зет – лотинча, Т. Жорий хисобдаги бир миллион 800 минг швейцария франки Никодим Пантелеевич Парфеновники. У «Кавказ ва Меркурий» жамиятининг хиссадори. Хисобнинг девизини аниклашнинг иложи булмади. Керд».

Дзержинский Швейцарияга бежиз бормаган эди. Парвуснинг уринишлари хам бехуда эмасди. Банклар нафакат кон юки сакланиб колган тиллаларни кабул килган, балки узларининг мижозларига ЧКни гижгижлаштишдан хам тоймаган. Негаки, юкоридагига ухшаш хуфия хатни факат банк ходимигина юбориши мумкин. Махфий мактубга куйидаги маълумотнома бириктириб куйилган: «Никодим Пантелеевич Парфенов куприк курувчи инженер, завод эгаси, Волга-Каспий дарё кемачилиги уюшмаларининг хиссадори. Хозирги пайтда Киевда оклар кули остида».

Хечкиси йук. Кутамиз. Хеч каёкка кетолмайсан, азизим. Девизингни хам, пулни олиш учун зарур булган бошка нарсаларни хам узинг айтиб берасан. Керак булиб колса, хориждан хам сени топиб оламиз.

Албатта, янги хокимият бошликлари билан кай бир даражада алокада булган одамларнинг хаммаси кармонларини валюта ва тилла тангаларга тулдириб олишган эди. Негадир у пайтларда бу кимга мумкин-у, кимга мумкин эмаслиги хали унча аник эмас эди. Ажнабий валюта билан кулга тушганлар орасида, хатто, Финляндия темир йулининг 293-номерли «машхур» паровозини хайдовчи-машинисти Ялава хам бор эди. У тунтариш арафасида Ленинни уз паровозида Петроградга олиб келганди. Бир-бирини такрорловчи купдан-куп декретлар ва фармонларда ажнабий валютани ва олтинни саклагани учун хеч кандай суду терговсиз отиб ташлаш кузда тутилган эди. Борди-ю, жуда омадинг келиб колса, молу мулкинг мусодара килинарди. Машинист шурликни шахсан Ленининг узи куткаришга жазм килди. Таникли чекистжаллод Уншлихтга жахон пролетариатининг дохийси езади: «Урток Ялавани 1917 йилдан бери шахсан танийман. Унинг халоллигига шак-шубха йук эканини тасдиклайман. Ундан олиб куйилган пулларни дархол кайтариб бериш туғрисида курсатма беришингизни илтимос киламан. Курсатмангиздан бир нусхасини уни бажаришга жавобгар одамнинг исми-фамилияси билан бирга менга жунатишингизни сурайман.

Иккинчи: урток Ялаванинг уйида утказилган тинтув хакидаги хамма хужжатларни талаб килиб олсангиз-да, менга жунатсангиз. Иловани кайтаришингизни сурайман. Коммунистик салом билан Ленин».

«Урток Ленинга, – деб шошилинч телеграмма жунатади Уншлихт. – Мавжуд коидаларга кура, ажнабий валюта мусодара килиниши керак. Петроград Губерна ЧКси шундай килган куринади. Ялаванинг качон ва каерда камокка олингани курсатилмасин. Бу Сизнинг топшириғингизнинг зудлик билан ижро этилишига таъсир килади. Коммунистик салом билан Уншлихт».

Телеграмма устида Ленининг резолюцияси бор: «Урток Н. Горбунов!.. Натижасини менга маълум килинг: 1) Пуллар кайтарилдими? 2) Ялава кандай жазога тортилди ва уни качон утаб булди? 11-VI. Ленин».

Иш бошкарувчининг суровига ВЧК: «Тилла, кумуш ва ажнабий валютадан бошка хамма нарса кайтариб берилди», – деб жавоб берган.

Шундай килиб, Скандинавия банкларига тилла олиб бориб турган Ялава кулга тушиб колган, негаки, унча-мунча

пул унинг «ҳамёнига ҳам утиб қолган». Табиийки, бу маълум булган ва пулни олиб куйишган. Аммо эски хизматлари бор одамларнинг ҳаммаси ҳам бунака осон, яъни оддий мусодара билан кутулган эмас. Кронштадт ЧКсининг раиси донгдор князь Андроников бунга мисол була олади. Князь катта уғирлик қилар, лекин улгудай ишлар ҳам эди. Кронштадт орқали юкларни Германия ва Скандинавияга ва ундан нари, Америка Қушма Штатларига жунатишдан ташқари, у яна машҳур Кронштадт турмаларидаги ҳар бир маҳбусни қулидан утказарди. Бу ерга энг ашаддий, энг ужар, ҳар қандай қийнок остида ҳам молу мулкини беришни истамаган, олди-сотди ҳужжатларига имзо чекмаган, уз ҳисоб рақамини айтмаган маҳбуслар жунатиларди. Собиқ князь уларнинг ҳар бири билан шахсан узи алоҳида иш олиб борар, уларнинг ичидаги ҳамма гапни суғуриб олар, лекин бошлиқларига билиб олганларининг ҳаммасини ҳам айтавермас эди. Бу борада унинг уз махфий ҳисоб-китоб дафтари бор эди. У икки марта Урицкийнинг ишидан ҳам, Бокийнинг ишидан ҳам омон чикди, жуда усталик билан пулларини Швейцария ва Швеция банкидаги уз махфий ҳисобига утказди, аммо у ҳам соддалигига бориб, банклардан Кремлга махфий ахборот келиб туришидан бехабар эди... «Ҳаддан ташқари муҳим» ва махфий ишларни князь-чекист тунтаришдан олдин ҳам, кейин ҳам бажарган. Кронштадт ЧКсига Ленин ва Дзержинскийнинг тавсияси билан тайинланган князь Кронштадт сохилларидан аллақандай англаб булмайдиган байроқлар остида, купинча эса, ҳеч қандай байроксиз Болтик денгизининг туманли зулмати қаърига кетаётган сирли кемалар қаёкка йул олганини ва қандай юк олиб кетаётганини жуда яхши биларди. Шунинг учун Германия ҳалокатга учраши биланок, у билан ҳам ҳисоб-китоб қилиш фурсати келди. Аммо князь Андрониковга ухшаган одамни орадан кутариб ташлаш унча осон иш эмасди. ЧКда жуда катта обру-эътиборга эга эди. Шунинг учун ишни ҳаддан ташқари нозиклик билан олиб бориш керак эди.

Лениннинг ҳузурида бунака нозик ишларни бажарадиган махсус гурух бор эди. Бу кичкина гуруҳнинг ЧКга ҳеч қандай алоқаси йуқ булиб, Халқ Комиссарлари Совети Бошқармаси қошида ҳисобда турарди. Улар партиянинг ички можароларини ҳал қилиш билан, айникса, партияга инкилобдан олдин

кирган эски большевикларнинг ножуя ишларини тафтиш килиш билан шуғулланарди. Партия назорати комиссиясига сал-пал ухшаб кетарди-ю, лекин жуда катта ваколатларга эга эди. Князнинг кирдикорларини ЧК эмас, ана шу гурух текширди. Бунинг учун Ленин Петроградга – Зиновьевга куйидаги мазмунда махфий хат жунатди: «Урток Зиновьев! Тажрибали, мутлако ишонса буладиган партия аъзоларидан иборат бир комиссия тузиб, унга Кронштадтда ЧКда хизмат килаётган собик князь (Распутиннинг, Дубровиннинг ошнаси ва ҳоказо) Андрониковнинг хулкини тафтиш килиш топширилсин. Халк Комиссарлари Советининг Раиси В. Ульянов (Ленин)».

Собик князнинг хамма кирдикорларини эсга олишди – унинг Распутин билан ошначилиги хам, Дубровин билан ҳамтовок булгани хам, Синодда ишлаганлари-ю, подшо саройидаги ишлари хам тилга олинди, лекин уни Германия фойдасига жосуслик килган, деб отиб ташлашди.

1919 йилнинг 1 мартида Москвада сул социал-демократик партияларнинг халкаро съезди очилди. 4 март куни съезд узини Коминтернинг Биринчи Конгресси деб эълон килди. Бунга ҳаваси келган ва койил колган жахондаги жамики саргузашталаб унсурлар инсоният тарихидаги бекиёс талондан узига бирон улуш олмок илинжида ва уз мамлакатларини хам шундай талаб юлкимок бобида йул-йурик бериларникин, деган умидда Москвага ёпирилди. Ленин узининг жахонга хужайин булиш борасидаги режаларини хеч качон яширган эмас эди. Энди у жазавага тушди: «Биз хеч качон яширмаганмиз – бизнинг инкилобимиз ибтидо, холос. Биз бутун дунёни ана шундай инкилоб алангаси билан ёндирганимиздан кейингина бу инкилоб узининг голибона интихосига етмоги мумкин... Совет ҳокимиятини урнатиб, биз пролетариат диктатурасининг халкаро оламшумул шаклини топа бошладик. Бизнинг ишимиз – бутун жахон пролетар инкилобининг ишидир. Бутунжахон Совет Республикасини барпо этиш ишидир... Халкаро пролетариатнинг буржуазияга карши кураши шафкатсиз ашаддий синфий кураш характерига эга булмоги керак. Ҳатто, ҳозир (1919 йилда) Россияда пролетариат буржуазияга карши фукаролар уруши олиб бораётганини (ва бундай уруш бутун дунёда пишиб, етилиб келаётганини) факат уччига чиккан нодон одамгина тушунмайди, чунки

фуқаролар урушида мазлум синф эзувчи синфни охиригача маҳв этиш учун, бу синфнинг яшашига имкон берувчи иқтисодий шароитларни бутунлай маҳв этиш учун ҳаракат қилади!» Бутунжаҳон миқёсида боскин уюштиришга шунақа оташин чақириқлар янграб турса, қандай қилиб Москвага ёпирилмаслик мумкин?

1919 йилнинг 5 мартида Катта Кремль саройида конгресс вакилларининг шарафига қабул маросими бўлди. Қаср деворларидаги архитектор Тон яратган қадимий уймакор безаклар электр нурларида товланади. Столлар устида турли нозу неъматлар: увулдириқ солинган нақшин ликопчалар, бутун пиширилган осетр, дастурхоннинг учидан бир қисмини эгаллаган белуга, чучқа болалари, ананасу узум, кухна шароблар (уларнинг купларида ҳали хусусий коллекцияларнинг муҳри сақланиб қолган). Ленин шахсан имзо чекиб, Горбуновга Халқ Комиссарлари Советининг захираларидан «110 пуд увулдириқ, чучқа болаларидан 800 пуд, қизил балиқдан 200 пуд» олиб, дастурхонга қуйиш тўғрисида курсатма берган. Энг сунгги оврупоча бичимда кийинган эркакларнинг бежирим костюмлари-ю, аёлларнинг яланғоч елкалари «халқ» комиссарларининг расмий кийимларига терс булса-да, алланечук бир жозиба касб этганди. Буларнинг барини куриб, жаҳон инқилоби унчалик ёмон иш эмас экан-да, модомики бу нарса Россияда синаб курилган экан, унинг йулида жиндай таваккал қилса арзийди, деб уйлаш мумкин эди.

Ҳолдан тойган ва таланган мамлакатда очлик ғужғон уйнамоқда эди, одамлар бир-бирини ея бошлашганди. Судсиз ва терговсиз оммавий қирғин бормоқда, Бутир турмасига ялпи йўқ қилиш учун «бадавлат синфлар»нинг фарзандлари келтирилмоқда, ичтерлама касаллиги кутуриб хуруж қилмоқда, гаровга олинганлар тириклай чириб-ириб бормоқда эди. Қор босган кучаларда иситилмаган ва ёритилмаган уйлар бамисли жонсиз танадай суппайиб турарди. Бу ерда эса, аллақачон ёлғондакам бир кичик давлат барпо этилган, маҳв этилган Россиянинг ургасида коммунизм куриб битирилганди. У ҳамманинг кузидан пинҳон булиб, ҳар қандай давлат ва ҳарбий ишлардан кура қаттикроқ курикланарди.

Ишчилар синфининг бахти учун, шунингдек, бошка мазлум синфларнинг бахти учун кураш уз самараларини бераётганига ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа қолмаслиги учун

меҳмонларни Гохранга олиб боришди[1]. Бу ташкилотни Ленин 1917 йилдаёк тузган эди. Бу марказий омбор булиб, талаб олинган бойликларнинг ҳаммаси шу ерга олиб келинар ва сўрғичланган яшикларда яна аллакаёкларга жунатилар эди. Ҳар кандай учкур хаёл эгаси ҳам бу омборда нималар борлигини тасаввур кила олмас эди. Унда мамлакат ва унинг аҳолиси томонидан бир неча асрлар мобайнида тупланган бойликлар

[1] Худди шу вактда, яъни 1919 йилнинг мартида арзон сафсатага учган, очлик ва ночорлик туфайли кулга айлантирилган ишчилар «ишчилар» ҳукуматининг эътиборини уз ахволига жалб килиш учун курка-писа урина бошлаган эдилар. Улар тинч ишташлашлар уюштиришди. Бу вокеа купгина шаҳарларда юз берди, аммо ҳамма жойда унинг натижаси бир хил бўлди – ишчиларни конга ботирдилар. Астраханда ўн минг кишилик митинг булди. Унда маҳаллий заводлар ва баликчи артелларнинг ишчилари узларининг ҳаддан ташкари оғир моддий ахволларини мухокама килдилар. (Кремллаги знёфатда дастурхонга куйилган белуга ва осетр баликларини эсланг.) Биринчи нотиклар нуткларини тугатиб улгурмай, майдонни ЧК кушинлари куршаб олишди. Ишчиларга қараб пулемёт ва милтиклардан огоҳлантириб утирмай ут очдилар, кул гранатаси отилди. Ишчилар тум-тарақай кочишди, майдонда 2000 кишининг улиги колди. Митингнинг деярли ҳамма катнашчилари камокка олинди ва ЧКнинг олтита комендатурасида ертулаларга ташланди, лангар ташлаб турган «Гоголь» кемасининг тубидаги омборларга, баржаларга жойлаштирилди. Исён ҳакида Москвага хабар килинди. Москвадан дарров лунда жавоб келди: «Шафкатсизлик билан бартараф килинсин!!!» Иш кизиб кетди. Одамларни ЧК ертулаларида отдилар, бир-бирларига боғлаб Волгага ташладилар. Мурдаларни гуристонга олиб боришга зурға улгуришарди. У ерда уларни ярим яланғоч, ҳамма ёғи конга беланган ҳолда коқ ерга туп-туп уйиб куйиларди. 13–14 март кунлари факат ишчилар отилди, кейин ҳукмдорлар эларини йиғиб олдилар шекилли, айбни «игвогар буржуйларга» ағдармок учун зиёлиларни, собиқ уй эгаларини, савдогарларни, баликфурушлар ва бакколларни ялпи камокка ола бошладилар. Юзлаб отилган «буржуйлар»нинг руйхати эълон килинди. Ишчилар руйхатини эълон килмай отишди. Бу иш апрелнинг уртасигача давом этди. Шундай таассурот туғиладики, большевиклар бутун мамлакат буйлаб 1919 йил мартида содир булган забастовкалар учун Астрахань ишчиларидан алам олмокчи булишган. Тула, Петроград ва Брянскда ҳам куп ишчилар отилди. Англияда эълон килинган маълумотларга кура, 1919 йилнинг дастлабки уч ойи давомида 138 минг одам отилган. «Аммо бу ракам, – деб ёзади большевикларнинг вахшийликларини холис тадкик килган С. Мельгунов, – Россияда ҳакикатда руй берган вокеалар ҳакида жуда юзаки тасаввур беради».

жамланган эди. Иван Грозний инглиз қироличаси Елизавета томонидан Москвага юборилган элчига уз хазинасининг битмас-туганмас бойликларини куз-куз килиб мақтанган эди. Аммо Гохрандаги бойликлар қаршисида Иван Грознийнинг мақтаниши ҳеч гап булмай қолади. У Ленининг бойликларини курганида эди! Уни кўриб делегатларнинг эси оғиб колди. Коминтернчилардан бири, ҳатто, асабийлашиб, жазавага тушди. Шу билан у узининг майда буржуа мохиятини фош қилиб қуйди. Уни қамоққа олишга тўғри келди. Фақат уч йилдан кейин – 1922 йилга келибгина мамлакатдан чиқариб юборишди. Тафтиш килишган-да!

Делегатлар юртларига чукур ҳаяжон ичида хурсанд булиб тарқалишди. Москвада мезбонлар хасислик қилишгани йук – конгресс аъзоларининг ҳар бири киссасида анча-мунча маблағ билан уйига қайтди. Бу маблаг уз мамлакатида «большевистик ташкилотлар»ни барпо этиш ва жаҳон инқилобини амалга ошириш учун кифоя қиларди. Уша кезларда айтилганидек, «ҳамма буржуйларни доғда қолдириб, жаҳонни инқилоб алангасига чулғаймиз!»

Албатта, ҳамма нарса ҳам силлиқ кечавермайди. Фин чегарачилари машҳур Отто Куусиненни ушлаб олишди. У Москвадан берилган бриллиантларни яширинча Финляндияга олиб утмокчи булган. Бу жавоҳирларнинг баъзи бирлари халқаро руйхатларга киритилган булиб, уларнинг эгалари яхши маълум эди. Жанжал кутарилди. Бу жанжалнинг шов-шуви Москвагача етиб бормаган булса-да, дунёда анча-мунча акс-садо берди. Орадан куп утмай фин ишчилар ҳаракатининг шармандаси чиққан доҳийси Фин қултиғи музликлари орқали полициядан қочишга ва Москвада умрбод яшаб колишга мажбур булди. Бу ерда Ленин миннатдорлик юзасидан уни Коминтерн Ижроқуми котиблигига сайлаб қуйди. Сталин эса уни, ҳатто, Финляндияга президент қилишни режалаштирган.

Шунга ухшаш ғалвалар баъзи бир бошқа мамлакатларнинг делегатлари бошига ҳам тушди, аммо бунинг унча аҳамияти булмади. Негаки Москва ҳеч қанака даъволарни тан олмади ва уларга қулоқ солмади. Аксинча, Москва бир нарсадан ғоятда мамнун эди – ҳамма жойда большевистик партиялар урмондаги сассиқ алафдек потирлаб уса бошлади. Уруш давридаги муҳтожликлар бунга яхши замин тайёрлаб берганди. Фақат бир нарса ташвишга соларди – Венгриядан

бошқа ҳеч қаерда ҳеч ким фаол ҳаракат қилишни хаёлига ҳам келтирмаяпти.

Туғри, Венгрияда ҳам большевикларнинг фаоллиги узоқ давом этгани йўқ – Бела Кун Москвага қочиб жон сақлашга мажбур булди, аммо шундай булса-да, венгр олтинининг бир кисмини умариб, хорижга жунатишга муваффақ булинди. Туғри, бу борада венгрлар уз йулларидан боришди. Ленин уша вақтдаёқ керагидан ортиқроқ даражада абжир булган бу венгрга жиндай шубҳа билан қарай бошлаган эди, аммо Бела Кун Венгрияда зур ҳафсала билан бошлаган кирғинни куриб, дохийнинг кунгли анча таскин топганди. Афсуски, Бела Кун бошлаган ишини охирига етказа олмади. Вақт етишмади бунга. Таскин яна шунинг учун керак эдики, немис уртоқлар ҳам узларига хос пролетар инқилоби билан роса панд бериб куйишди. Ахир, уларга ҳамма нарса ипидан-игнасигача тушунтириб берилган эди. Йуқ, булмади.

Монархия кулагандан кейин ҳокимият тепасига келган қуёнюрак социал-демократлар Германияда ленинча усулларни қуллашга журъат қилмадилар. Бу ҳам стмагандай, Кайзернинг Голландияга қочишига йул куйиб беришди. Бундан ташқари, улар коммунистлар исёнини куролли куч билан бостириб, советларнинг Германиядаги мухтор вакили Радекни мамлакатдан чиқариб юборишди. Ҳолбуки, Радек Берлинга «немис инқилобини чуқурлаштириш учун» юборилган эди. Москва билан дипломатик муносабатлар узилиб қолди. Бу орада Лениннинг одамлари – К. Либкнехт ва Р. Люксембург улдирилди, бир қатор банклардаги маблағлар хатлаб қуйилди. Бу маблағларни Парвуснинг маслаҳати билан Германия банкларига куйиб, хуп бемаза иш қилинган экан-да! Бунақа булиб кетиши кимнинг ҳам хаёлига келибди дейсиз?

Фиғони фалакка етган Ленин ҳар галгидек кечаги дустларини аямай сукишга тушди: «Германиядаги бутун жаҳонга намуна қилиб курсатса арзийдиган марксистик ишчи партиясининг раҳбарлигини бир гурух ашаддий разиллар, капиталист аблаҳларга сотилган бир туда ифлослар, монархия ва аксилинқилобий буржуазияга хизмат қилувчи ишчилардан чиққан жаллодлар эгаллаб олган экан». Германияда ҳокимият тепасига «буржуа» партиялари қайтиб келгандан кейингина, улар билан муносабатлар қайта тикланди. Ленин жуда ҳам кекчи эди.

1920 йилнинг июлида аввал Петроградда, кейин Москвада Коминтернннинг II Конгресси очилди. Биринчи Конгрессда Коминтернинг раҳбарияти сайланиб, унга Зиновьевни раҳнамо қилиб белгилашган, кейин эса туйиб еб-ичиб, мириқиб маишат қилиб, киссаларини тилла ва бриллиантга тулдириб таркалишган эди. Иккинчи Конгрессда эса жиддий гаплар бошланди. Энди шароит ҳам бошқача эди. Кунгиллилар армиясини уз ҳолига ташлаб кетган Дон ва Кубань казаклари Оклар ҳаракатининг емирилишини бошлаб берган эдилар. Бу харакатнинг «Ягона ва булинмас Россия» учун деган шиори жон таслим қилаётган империянинг куп миллатли аҳолисига унча маъқул булмайди. Деникин билан бирга ҳаракат қилишга рози булган поляклар узларининг мустақилликларини тан олишни талаб килдилар. Финлар ҳам Петроград устига бирга юриш килиш ҳақидаги музокараларда шу шартни қуйишди. «Биз Россияни чакана қилмоқчи эмасмиз», – деб жавоб беришарди бунга Оқ ҳаракатнинг сардорлари. Улар узларининг мукаддас ватанпарварлик ақидаларидан воз кечгандан кура муқаррар мағлубиятни афзал куришганди.

Россияни бошқалар бозорга солишганди ва бунда анча омадлари чопганди. Оқ ҳаракатнинг емирилиши бутунжаҳон миқёсида инқилобий тунтаришларни амалга оширишга умид туғдирганди. Шунинг учун II Конгресснинг диққат марказида фаолият дастури, стратегия, тактика ва Коминтернни ташкил қилиш масалалари турди. II Конгресс бу масалаларнинг ҳаммаси буйича бевосита Ленин раҳбарлигида ишлаб чиқилган қарорлар қабул қилди. Шу қарорлар Коминтерн дастури ва жамики фаолияти учун асос булди. Конгрессни очар экан, Ленин узининг севимли шиорини эълон қилди: «Бизнинг ишимиз – бутунжаҳон пролетариати инқилобининг ишидир, бутунжаҳон миқёсидаги Совет республикасини барпо этиш ишидир» (узоқ давом этган қарсаклар, оркестр «Байналмилал»ни чалади).

Ленининнинг фикрларини Коминтерн раиси Зиновьев давом эттирди. У бир неча мажлисда делегатларга ақл ургатиб, бутун жаҳонда ҳукмронликни осонгина қулга киритиш учун ишни қандай ташкил қилиш кераклигини уқтирди. «Биз учун курашнинг ҳал қилувчи воситаси куролли қузғолондир, бунинг учун эса инқилобий кучларни ҳарбий изларда уюштириш талаб килинади, бинобарин, марказлашган партия керак».

Қуйилган вазифага мувофиқ, Конгресс Коминтерннинг уставини қабул қилди. Бу устав буйича Коминтерн ягона халқаро коммунистик партия деб караларди, турли мамлакатларда унинг миллий «секциялари» бор эди. Натижада, табиийки, Коминтерннинг ҳарбий бўлими тузилди. У ўз вазифасини қуйидагича белгилаган эди: «Тарихий инқилобий жараён тақозосига кура, қулай шароит вужудга келганда ишчилар синфи ҳужумга утишга мажбур булади... Ишчилар синфининг куроли бўлмиш Қизил Армия бўлғуси фронтнинг истаган жабҳасида уз зиммасидаги ҳужумкорлик вазифасини бажара оладиган қилиб тайёрланмоғи керак... Бу фронт ҳудудлари эса якин урталарда жамики Эски Дунё қитъасининг ҳудудларидан утади». Иштаҳалар ана шунақа карнай эди.

Коммунистик байналмилалнинг асосий вазифалари туғрисида Конгресс томонидан қабул қилинган карорда шундай дейилган: «Буржуазияни зўрлик билан ағдариб ташлашгина; унинг молу мулкини мусодара этишгина; буржуа давлат идорасининг ҳаммасини пастдан юқоригача вайрон этишгина; парламент ҳокимиятини, суд тизимини, ҳарбий қурилмаларни, маъмурий, муниципиал ва бошқа маҳкамаларни парчалаб ташлашгина пролетар ғалабаси тантанасини таъминлайди». Унинг муваффақияти учун халқаро коммунистик партия «пролетариатча темир централизм» ва «ҳарбий интизом» асосида курилмоғи керак.

Бундан ташқари, конгресс бутун дунёнинг барча меҳнаткашларига карата «империализмни улдириш»га чақириб хитобнома қабул қилди. Ута эзмалик билан ёзилган бу хитобнома ашаддий жангари руҳда эди. Аммо бунга ухшаш халқаро ҳарбий-террористик ташкилотнинг самарали иш олиб бориши учун марксизмдан, тийиксиз завку шавкдан, ғайриинсоний шафқатсизликдан, ҳар хил низомномалару дастурлардан, карору хитоблардан ташқари жуда катта миқдорда пул ҳам зарур эди. Хўш, уларни қаердан олиш керак? Албатта, бўлғуси бутунжаҳон пролетар империясининг пойтахтидан олинади-да! Ҳозир конгресс булаётган шаҳардан, яъни Москвадан олинмаса, қаердан олинади? Шунинг учун «Россия Коммунистик партиясига мурожаат қилиб, Коминтерн Ижроия қумитасининг иши билан боғлиқ моддий сарф-харажатларнинг асосий оғирлигини вақтинча (?) уз зиммасига олиб туришни илтимос қилишга қарор қилинади».

Талаб олинган пулни сарфлаш осон булади. Дархол бу илтимосга иккита жавоб келди: бири Лениндан, иккинчиси Зиновьевдан.

Ленин узига хос булмаган назокат билан ёзибди:

«Россия Коммунистик партияси, албатта, Ижроия Кумитанинг бу таклифини инобатга олишни узи учун шараф деб ҳисоблайди». Зиновьев ҳам унинг гапларини такрорлайди: «Россия Коммунистик партияси ихтиёрида бор нарсаларнинг бари билан кардош партияларга ёрдам беришни узи учун буюк шараф деб ҳисоблайди»[1] .

---

[1] Худди шу кунларда ҳамма фронтларда Қизил Армия қарши хужум олиб бормоқда эди. Энди қимматбаҳо буюмлар ва пулларни тортиб олишнинг янгича усуллари куллана бошлади. «Қизиллар» бирор шаҳарни ишгол қилганларида, шаҳарнинг катта-кичиклигига караб, ундан хирож олар эдилар. Масалан, Киевдан олтин ҳисобида 400 миллион сум, Одессадан 500 миллион сум, Харьковдан эса негадир атиги 100 миллион сум талаб қилинган. Хирожни истаган тилла тангалар, заргарлик буюмлари, ёмбилар, дуру жавоҳирлар, баъзан расмлар билан тулаш мумкин эди. Одатда 2-3 кун муддат белгиланарди. Агар хирож муддатида туланмаса, ҳукумат ҳар беш аҳолидан бири отиб ташланишини эълон қилган. Бир неча миқдор хирож туланган, кейин ялпи тинтувлар бошланган. Бунда ишчилар учун ҳеч кандай истисно берилган эмас. Купгина ишчилар шаҳар тевараклари ўз хусусий уйларида истиқомат қилишарди. Уларнинг уйларини аввал ағдартунтар қилиб, кейин купинча ут қуйиб юборишган. Оммавий қатллар шафқатсиз тарзда давом этган. Киевда бир кунда собиқ офицерлардан 2000 кишини руйхатдан утказиш баҳонасида шаҳар театрига йиғиб, отиб ташлайдилар. Петроградда уч ой мобайнида (июль, август, сентябрь) 5000 одам отилган. Кронштадтда кутилмаганда 20 та врачни «ишчилар орасида ҳаддан зиёд машхур бўлганликлари» учун отиб ташлайдилар Екатеринославда иш ташламоқчи булгани учун 100 та темир йўлчи отилади. Иваново-Вознесенкда РВК ҳамма аҳолини отув билан куркитиб, тикув машиналарини (?) топширишни буюради. Архангельскда «қизиллар» келиши биланоқ, генерал Мюллернинг қулида хизмат қилган 800 офицер ва казакларни олиб кела бошлайдилар. Улар Холмогорда шошилинч равишда ташкил қилинган биринчи улим лагерида битта ҳам қолдирмай отиб ташланади. Машхур Кедров 1200 офицер ортилган икки баржани чуктиришга шахсан раҳбарлик қилади. Москвада манқа касаллиги тарқалади. Аниқланган ҳамма касалларни жойида отиб ташлашади. Улар билан бирга терламага чалинган беморлар ҳам отилади. ЧКнинг махфий буйруғига кура, захм билан оғриган беморларни ҳам аниқлаб, йуқ қилиб юборадилар. Булғуси империянинг пойтахти ҳар хил иллатлардан холи бўлмоғи керак-да!

Москвадан жуда катта миқдорда маблағ олган «қардош» партияларнинг вакиллари зудлик билан ишга киришадилар. Чинакам ва қалбаки фирмалар ҳамда ҳиссадорлик жамиятлари тузилади, кучмас мулклар харид қилинади, давлат арбоблари сотиб олинади, иш ташлашлар уюштирилади ва ҳатто, саботажлар ташкил қилинади. Уруш туфайли ҳолдан тойган Оврупони турли-туман коммунистик газеталар ва журналлар қуюндай босади. Улар Оврупо цивилизациясининг ҳалокати муқаррар эканини каромат қиладилар ва йул-йулакай фашизм, нацизмга ўхшаш хилма-хил оқимларни туғдирадилар. Коминтерннинг ҳарбий булими ҳам қул қовуштириб утирмайди, у бутун Оврупо буйлаб «пролетариатнинг жанговар отрядлари»ни тузади. Шундайлардан бири Ротфронткамфбунд булиб, Чилининг булажак президенти Альенде шу отрядда уз фаолиятини бошлаган. Уларга ҳарбий кийимлар тикишган, қурол-яроғ харид қилишган. Зарур булиб қолганда эса, куролни истаган совет элчихонасидан ёхуд савдо ваколатхонасидан бепул олса ҳам булаверар эди. Хуллас, «умумоврупо пролетар» инқилоби пишиб қолмоқда эди. Аммо бу ҳар канча гантанавор куринмасин, Оврупони конли фуқаролар уруши майдонига айлантириш аввалдан бир муҳим тадбирни тақозо этар эди: Россиядан талаб олинган олтинларни хавф-хатарсизроқ жойга жунатиш тадоригини кўриш зарур эди. Швейцария билан Швеция туғри келмайди. «Аблаҳлар ва сотқинлар» этагида булган Германияку асло муносиб эмас. Айниқса, Швейцария. У ерда банкларнинг сейфларидаги маблағни Альп тоғларидаги ҳуфия омборларга кучириш режаси пухта уйлаб, пишитиб қуйилган. Бу омборларни, ҳатто, «бутун жаҳон ЧКси» юз йил кидирганда ҳам тополмайди. Шунинг учун пулларни ҳамма қоидаларга риоя қилган ҳолда Қушма Штатлар банкларига кучира бошлашга қарор қилинди. Америка олисда эди, якин уртада у ерда инқилоб қилиш Ленининг режаларига кирмаганди. Бундан ташқари, Швейцариянинг тункага ўхшаган гунг банкирларидан кура, Американинг стакчи молиячилари билан мулоқотда булиш мароқлироқ эди.

Бироқ чатоқ жойи шунда эдики, Америка қонунларига кура, АҚШ банкларига йирик миқдордаги маблағларни жойлаш учун Америка фирмалари билан кенг миқёсда савдо муносабатларига эга булиш талаб қилинарди ва бу муносабатлар ҳукумат томонидан маъқулланиши шарт эди.

Швейцария банкларидан фарқ қиларок, Америка банклари хеч қачон шунчаки оддий омбор булган эмас, балки ҳамиша олтинни миллий иқтисод қон томирларига ҳайдаб берадиган юрак ҳисобланган. У пайтларда ҳали на Халқаро Валюта жамғармаси, на иқтисодий иттифоқлар, на халқаро банклар тизими булган. Ҳозирги даврдан фарқ қиларок, Швейцария банклари ҳали жаҳон иқтисодиётига жалб қилинмаганди, негаки, ҳали «жаҳон иқтисодиёти» деган нарсанинг узи йуқ эди. Шунинг учун Швейцария банклари, купол қилиб айтганда, оддий судхурлик билан ва бойлик йиғиш билан банд эди. Империализмнинг ҳали куни битганича йуқ, у эндигина туғилиб келмокда эди. Унинг айни чақалоқ чинқириғини Ленин жон таслим қилиш олдидаги инқираш деб қабул қилди ва бундан илҳомланиб, шоду хуррамлик билан империализмга ғур қазий бошлади. Аммо, охир-оқибатда, бу ғурга бемаъни «таълимоти» билан узи тушишига туғри келди.

Америка эса ҳамиша Америка булиб колган. У XIX асрдаги Оврупони тушунган эмас, Россияни-ку айтмай ҳам қуя колайлик. Узининг 50 асрлик ривожида инсоният тарихи курмаган, эшитмаган ва билмаган конли тузумни, инсонга нафрат билан суғорилган тартибларни Америка қаёқдан ҳам тушунсин?! Россияда қандай ҳодиса руй берганини 1917 йилдаёқ англаб етган Америка элчиси Фрэнсис давлат департаментига нома устига нома жунатиб, бу ишларга аралашишга ва «халқаро гангстерларнинг бу конли зулмини» улоқтириб ташлашга чақирди. Аммо унинг чақириқлари беҳуда кетди. Президент Вильсон: «Россиянинг ички ишларига аралашмаймиз», – деб оёк тираб туриб олди. 1918 йилнинг сентябрь ойида Москвадаги Америка консули Д. Пул бегуноҳ одамларнинг оммавий қатл қилинишига қарши расмий норозилик билдирди. Бир неча бегараф мамлакатларнинг вакиллари бу норозиликни кувватлаб чиқдилар. Ленин Чичерин оркали уларга жавоб бериб: «Бу норозиликлар Россиянинг ички ишларига йул куйиб булмайдиган тарзда аралашишдан узга нарса эмас», – деб хитоб қилди ва йул-йулакай «буржуазия» баъзи бир мамлакатларда «меҳнаткаш оммага» қарши уюштираётган террорни ғазаб билан фош қилди. 1918 йилнинг октябрида Ленин Президент Вильсонга телеграмма жунатиб: «Халқлар иттифоқининг асосига ҳамма мамлакатларда капиталистларнинг сармояларини мусодара қилишни куймок керак», – деб

таклиф қилади. Аммо ҳар бир нуткқа, ҳужжатга, мактубга қарши бутунлай тескари мазмундаги нутқи, ҳужжати, мактуби булмаса, Ленин отини бошқа қуярди. Бу унинг доҳиёна нозик фикрлашидан эмас, балки тобора зурайиб бораётган руҳий хасталигидан далолат берарди. Мана, етмиш беш йилдирки, тарихчилар бир-бирларини Лениндан олинган матн парчалари билан тукмоқдек савалаб, бу парчаларнинг қай бири «жаҳон пролетариати доҳийсининг доҳиёна ниятларини» яхшироқ акс эттиришини аниқлашга беҳуда уриниб ётишибди.

Бу бемаъни нотадан кейин орадан куп утмай Вильсонга хушомадгуйлик қилиб, тинчликпарвар ва дустлик руҳи билан тула мактуб юборилди. Нотада Вильсонни ишонтириб шундай дейилади: «Сизнинг тинчлик дастурингизнинг куп моддалари рус ишчилари ва деҳқонларининг анча теран ва кенг дастурига киради», «қизил террор» деб аталмиш ҳодиса чет элларда жуда муболағали тарзда таърифланаяпти ва тўғри тушунилмаяпти, бу «қизил террор» иттифоқчиларнинг рус ҳудудига бостириб киришининг бевосита натижаси ва окибатидир» ва «кураш билан истило давом этадиган булса», «ғазабга тулган омма рус буржуазиясини тула-тукис қириб ташлаши мумкин». Нотада таъкидланадики, «Россия ишчилари ва деҳқонлари ўзларининг бахтиёр булишларидан ва узга миллатларга хавф туғдирмайдиган халқаро биродарликдан бошқа ҳеч нарсани билмайдилар». Президент Вильсон Мармар денгизидаги Принкипо оролида тинчлик конференцияси ўтказишни мулжаллаб қуйганди. У большевикларнинг қанақа махлуқлар эканини билмас эди, шунинг учун уларни оклар билан бир стол теграсига утқазиб, «бирон битимга келишар-ку», деган хаёл билан узаро музокарага кириштирмокчи эди. Албатта, бундан ҳеч нарса чиқмади. Шунда Президент Россияда нималар булаётгани тугрисида «биринчи манба»дан маълумот олишга карор қилиб, Москвага Париждан давлат департаменти ходими Уильям Буллитни жунатди. Унга «большевикларнинг доҳийлари билан бевосита алоқага киришиш ва шу асосда Россиядаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол ҳақида давлат департаментига доклад тайёрлаш» топширилди.

1919 йилнинг март ойида Буллит Москвага келди ва бу ерда бир ҳафта булди. У роса коньяк ичди, «жуда ажойиб

рус шоколадини» газак қилди. Шоколад унга шунчалик ёкиб колдики, ундан бир неча килограммини иккита сухсур терига кушиб Америкага ҳам олиб кетди. Бунинг орасида у Ленин, Чичерин ва Литвиновлар билан учрашиб, «давомли ва ёкимли суҳбатлар» курди. Буллит уларни «жуда зиёли ва маданий одамлар экан», деган хулосага келди. Шунинг учун ҳам, давлат департаментига ёзган докладида, шоколадга кушиб айтилган эртакларга чиппа-чин ишониб, «коммунистик партия сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан жуда соғлом», дея таккорлади. Петроград ва Москвада тула тартиб ҳукм сурмокда. Ҳеч қанака террор йуқ. Очлик ҳақида гапиришнинг узи кулгили! (Албатта-да!) Таълим бобида катта муваффақиятларга эришилган. Давлат котиби Лансинг эс-ҳушли одам эди – у бу бемаъни алжирашни дарҳол архивга, Буллитнинг узини эса истеъфога жунатди.

Худди шу кезларда, яъни Буллит Ленин билан бирга «Мартини» ичиб, унинг чўпчакларини тинглаб утирганида, томдан тараша тушгандай, аллақандай Л. Мартенс деган одам пайдо булиб колди. 1898 йилдан бери партия аъзоси булган бу одам Ленин теварагидаги аъёнлар ичида энг шубҳалиларидан бири эди. Қушма Штатлар билан РСФСР ўртасида ҳеч қандай дипломатик муносабатлар йуклигига карамай, Мартенс узини «РСФСРнинг АҚШдаги вакили» деб эълон килади. У уй сотиб олади, унда узининг бюросини очади ва давлат департаментига узундан-узоқ мактуб йуллайди. Мактубда Россиядаги аҳвол тушунтирилган ва узининг вазифалари ҳақида маълумот берилганди. У мактубида «совет ҳокимияти аҳолининг ҳамма табақалари томонидан назорат қилинадиган ва улар орасида масъулиятли ҳукумат экани, бу аҳоли фойдали меҳнат билан шуғулланишни исташи», «Россия аҳолисининг 90 фоизи ҳамма сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига эга булган ҳолда жамиятни бошкаришда бевосита иштирок этиши» таъкидланган. Шундан сунг Мартенс мактуби хулосасида узининг АҚШда қандай мақсадда пайдо булиб колганини ошкора айтади: «Харид қилинган нарсаларга тулов учун Россия ҳукумати Америка банкларига дарҳол олтин ҳисобида 200 миллион доллар пул қуйишга тайёр».

200 миллион доллар! Қушма Штатларнинг федерал конунини бузмаслик ва унинг банк тизимида урнашиб олиши

учун илк бор қўйиладиган маблағ – конунга кура 5 миллион доллар миқдордаги омонат «йирик ажнабий» хисобланади. Бу ерда эса оз эмас, куп эмас – 200 миллион! (доллар-нинг ҳозирги курси буйича тахминан 4 миллиард!) таклиф килинмокда. Давлат департаментида бунга ишонишмади, анчагача сукут сақлашди, кейин баёнот эълон килишди. Унда «АҚШ хукумати «Совет хукумати» деб аталмиш хукуматни тан олмаслиги» таъкидланган ва узини «большевистик хукуматнинг» вакили деб атаётган одамлар билан муомалада «ғоят эхтиёт булиш» тавсия этилган эди.

Бошқача қилиб айтганда, нима қилсаларинг қилаверларинг, биродарлар, аммо шундан огоҳ булиб қуйингки, Москвадан келган бу корчалонлар уччига чиккан фирибгар булиши мумкин. Шуниси ҳам борки, АҚШ хукумати Россиянинг вакили сифатида ҳамон рус элчиси Б. Бахметьевни тан олишда давом этади. Уни эса бу лавозимга Муваккат хукумат тайинлаган эди. Аммо Ленининг хонаки вакили унча-мунчага чучийдиганлардан эмас эди. Келиб чикишига кура ҳам, тобелигига кура ҳам немис булган Людвиг Карл Мартенс бунака ишларда пихини ёрган эди. Инқилобдан олдиноқ рус заводларида тартибсизликлар уюштирмоқчи булгани учун уни икки марта камоққа олишиб, Германияга жунатиб юборишган эди. У пайтда жосус деб гумонсирашганди. Россияга Ленин билан бирга 1917 йилнинг апрелида кайтиб келди, лекин узининг ҳамюртлари билан алоқасини узмади. 1919 йилда немис социалистларининг «соткинлиги» аён булиб колганда кизик устида камоққа олинди ва отилиб кетишига сал колди. Ленининг курсатмаси билан «мутлақо ишончли урток» сифатида камоқдан озод қилинди. Узининг яширин ҳолатда эканига карамасдан Мартенс Америка банклари ва фирмалари билан кенг куламда музокаралар олиб боради ва уларга тахминан 8 миллиард доллар пул қуйиб, буюртмалар беради. Москва шоширмоқда эди. 1919 йилнинг 27 майида Мартенс Литвиновнинг имзоси билан телеграмма олади. Литвинов Англиядаги худди шундай операцияга раҳбарлик килаётган эди. «Сунгги йил мобайнида бизнинг бутун ташки сиёсатимизда Америка билан яқинлашиш иштиёқи кизил ип булиб утади.

Ҳар гал унг келганида биз Америка билан мулокотга киришмоқчи эканимизни курсатиш имконини бой берганимиз

йук... Биз америкаликларни бошка ажнабийлардан афзал куриб, уларга хар хил иктисодий концессиялар беришга тайёрмиз».

Режага кура, Оврупога бостириб кириш олдидан Американинг кунглини овлашга каттик харакат килинмокда эди. Аммо пул ва концессиялар билан Кушма Штатларнинг хайрихохлигини козонишга уриниш чогида узларининг манфаатларини асло унутганлари йук.

Гарчи Мартенс улиб-тирилиб, «совет хукуматининг бениходя тинчликпарвар хукумат эканига ва АКШнинг ички ишларига мутлако аралашишни истамаслигига» Америка хукуматини ишонтирмокчи булса-да, «совет ваколатхонаси» биносида тинтув утказган полиция у ерда мазмуни ошкора ғаламислик билан суғорилган даста-даста варакалар топди. «Америка ишчиларига! – деб хитоб киларди варакалар. – Ишчиларнинг империализмга карши кураши – фукаролар урушидир. Бу уруш ошкора тарзда хокимият учун куролли кураш тусини олади. Коммунистик Байналмилал – бунака фукаролар уруши ва жахон инкилобининг Бош штабидир. Америка ишчилари! Биз тугридан-тугри сизларга мурожаат килмокдамиз, чунки сизларнинг вазифаларингиз жахон инкилоби учун энг мухим вазифа хисобланади. Бутун дунёдаги энг кучли ва энг вахший империализм булмиш Америка империализмини халкаро ишчилар томонидан ағдариб ташланиши жахон инкилобининг хал килувчи боскичи булади. Бу сизнинг ва шу билан бирга бизнинг хам вазифамиздир!»

Мартенсни АКШдан чикариб юборишди. Тинтув вактида «Коминтерн» айғокчиларининг руйхати топилган эди. Шу руйхат асосида Америка полицияси 249 кишини камокка олди ва уларни «номатлуб ажнабийлар, сифатида АКШдан чикариб юборди. Уларнинг хаммасини кемага утказиб, Россияга жунатишди. Мартенс хеч качон дипломатик дахлсизлик макомига эга булган эмас эди, аммо яширин холатда эканига карамай, «шундай дахлсизликка эгаман» деб узини-узи ишонтирган эди. Эхтимол, шундан булса керак, «Коминтерн» айғокчиларининг руйхатини енгилтаклик билан ваколатхонада саклаган. Тинтув вактида яна купдан-куп молиявий хужжатлар хам топилганки, улар Москванинг «вакили» Оврупо ва Америка банклари уртасидаги воситачидан узга кимса эмаслигини фош этган.

«Россияда содир булаётган большевистик инкилоб, – деб ёзган эди «Нью-Йорк Геральд Трибюн» газетаси, – аслини олганда жуда катта куламда амалга оширилаётган молиявий операцияга ухшайди. Унинг мақсади жуда катта пул маблағларини руслар назоратидан чиқариб, Оврупо ва Америка банклари назорати остига қуйишдир. Бундай ҳаракатларнинг асл сабаби, афтидан, Кремлга маълум булса керак, аммо ҳозирнинг узидаёқ бир нарсани аниқ айтиш мумкин: мистер Ленин ва унинг шериклари томонидан жахон большевистик инкилоби ҳақида ва капитализмнинг мукаррар ҳалокати туғрисида қандай жангари нутклар ирод этилмасин, уларнинг ўзи, эҳтимол, узлари англамаган ҳолда, куп йиллар давомида бизнинг иктисодиётимизнинг гуллаб-яшнаши ва жуда тез усиши учун ҳамда долларнинг мағизи тук булиши учун жуда катта ишлар қилмоқдалар. Мистер Людвиг Мартенсни Қушма Штатлардан чиқариб юборишди, ҳолбуки, адолат юзасидан айтганда, унга Линкольнникидан кичкина булмаган ҳайкал қуйиш керак эди». (1921 йил 24 январь, «Сохта элчи АҚШдан чиқариб юборилди».)

АҚШда икки йил турган Мартенс ҳеч булмаганда уз вазифасининг бир қисмини адо этди. Бекарор Овруподан АҚШ банкларига жуда катта миқдорда олтин кучириб қуйилди, банклар билан алоқа ўрнатилди, уларнинг баъзи бирлари эса туғридан-туғри сотиб олинди, қушма фирмалар тузилди (албатта, АҚШнинг юмшоқ конунларидан фойдаланиб, бировларнинг номида), бир неча газеталарни чиқариш йулга қуйилди ва АҚШда бир эмас, иккита коммунистлар партияси тузилди (кейинчалик улар бирлашиб кетишди).

Бу орада Россияда вокеалар шиддат билан ривожланиб бормоқда эди. Оқларнинг қолдиклари Қримга чекинди. Қурукликдан уларнинг йули тусиб қуйилган ва мағлубияти мукаррар булиб колганди. Ленин ифтихор билан шундай деди: «Ҳозирги вактда Россияда душманнинг каршилигини енгиб утиш ва бостириш вазифаси, асосан, бажарилди. Россия большевиклар томонидан забт этилди». (1941 йилнинг сентябрида Гитлер армия гуруҳларининг қумондонлари олдида нутк сузлаганда худди шунақа беҳаё ошкоралик билан ўзининг мавкеини очик баён қилган эди: «Биз Россияни большевистик тузумдан халос этаётганимиз йуқ. Биз уни

забт этаяпмиз. Шунинг учун хам оккупацион тартиблар жуда каттик булмоғи керак»[1]).

Шундай килиб, Россия забт этилди. Хуш, энди бу ёғига нима қилиш керак? Маълум буладики, бу хакда хеч ким тузукрок уйлаб кўрмаган экан, негаки, Россияни забт этамиз деб чинакамига умид хам килишмаган. Каллага бундан 2000 йил аввал Афлотун ишлаб чиккан алмисоқдан колган «Олий табака – Сокчилар – Қуллар» деган «социалистик» тизимдан бошка нарса келмади. Сокчилар олий табака билан кулларнинг ўртасида туради. Бинобарин, улар ғайратига ёки килмишига кўра, олий табака каторига утиб колиши ёхуд куллар сафига тушиб колиши мумкин. Сокчиларни тарбиялаш учун ёлғон-яшик ривоятлар зарур, куллар эса олий табака хакида хеч нарса билмаслиги керак. Афлотун бунака тизимни «мукаммал давлат» деб атаган эди. Кекса файласуф бу мулохазаларни айтар экан, социализмни кулдорлик жамиятидан бошка хеч кандай жамиятда куриб булмайди, деб тўғри таъкидлаган эди.

---

[1] Ленин томонидан забт этилган мамлакатда урнатилган оккупацион тартиблар Гитлерникидан фарк килса, факат янада вахшийроклиги билан фарклнади. Мана, Бутунроссия Ижроия Кумитасининг 1921 йил 11 июнь карорига асосланиб чикарилган комендатура буйруғи:

«1. Исми-фамилиясини айтишдан бош тортган фукаролар жойида сузсиз отиб ташлансин.

2. Курол яширган кишлок аҳолисига гаровга олиниши хакидаги хукм эълон килинсин ва куролни топширмаган хонларда отиб ташлансин.

3. Уйларида бандитларни (яъни ипидан-игнасигача таланган, каршилик курсатишга журъат этган деҳконни – И. Б.) яширган оилалар камокка олинмоғи ва бадарға килинмоғи, молу мулки мусодара килинмоғи керак. Бундай оиланинг ишлайдиган каттаси жойида судсиз отилсин.

4. Бандитнинг оиласи кочиб кетса... уй-жойи ёкиб юборилсин.

5. Бу буйрукка шафкатсиз ва каттиккуллик билан амал килинсин».

Бошка буйрук:

«1. Оқлар ва яшилларни яширган станицалар хамда кишлоқлар йук килинади, унинг аҳолиси отиб ташланади, молу мулки мусодара килинади.

2. Бандитлар билан хамкорлик килган шахсларнинг хаммаси дархол отиб ташланади».

Тахминан шу вактларда Ленин хукук бобида назариябозлик килиб, Адлия халк комиссари Д. Курскийга шундай ёзган эди: «Урток Курский! Менимча, отиш жазосини кенгрок куллаш керак». Доҳийнинг фикрича, «хамкорлик килган» ва «хамкорлик килиши мумкин булган» (!) шахслар, яъни исталган одам отиб ташланиши мумкин.

Деҳқонларга ҳамма нарса аён бўлиб қолган эди. Улар ғаллани текинга топширишлари керак, узларига чалакурсоқ ҳолда ҳаёт кечиришга етадиган миқдордагини қолдиришлари мумкин, кейинги йилда экиш учун уруғликни давлат беради. «Ғалла монополияси» деган гап оғизнинг бир чеккасидан чиқиб кетади, – деб ақл ургатади Ленин. – Лекин бунинг маъноси шундан иборатки, ҳамма ортиқча ғалла давлатники бўлиши керак, ҳар бир ортиқча пуд ғаллани давлат уз кулига олиши керак. Ҳар бир ортиқча пуд ғаллани қидириб топиб, олиб келиб омборга тукиш керак».

Озиқ-овқат соҳасидаги бунақа мустабидлик ҳар қанча шафқатсиз ва инсонийликдан ҳоли бўлмасин, албатта, ягона максад эмас эди – негаки, фақат олий табақа ва соқчиларнигина эмас, кулларни ҳам бокиш керак эди. Қуллар эса муте бўлсаларгина уларга овқат берилишини ҳар доим эсда тутишлари керак. Шунинг учун ҳам ҳамма ғаллани қўлда сақлаб туриш ва уз ихтиёрига караб таксимлаш зарур эди. «Чунки уни таксимлаш билан, – дея каромат қиларди жаҳон пролетариатининг доҳийси, – биз меҳнатнинг ҳамма соҳаларига ҳўжайинлик киламиз». Йўқ, йўқ, Ленининг даҳолигига шак келтириб бўлмайди. Фақат шуниси борки, уларнинг барини Афлотун уйлаб топганди.

Деҳқонлар масаласи ҳал бўлди, шекилли. Хуш, ишчиларни нима қилиш керак? Маълумки, большевиклар шу ишчилар номидан ва уларнинг манфаати йўлида ҳаракат қилади. Улар заводларда чалакурсоқ ҳолда чор-ночор ҳаёт кечиришмоқда. Купчилиги фуқаролар уруши оловларида, террор буронларида кирилиб кетди. Қолганлари эса қачон большевиклар ваъдаларини бажо келтира бошлашини беҳуда кутиб ётишибди. Ахир, улар ҳамма нарсани баб-баравар таксимлаб беришмоқчи эди-ку. Уларнинг ажойиб ниятлари бор эди. Бу ниятга кура, ишчиларни меҳнат армияларига бирлаштириш, уни полклар ва батальонларга ажратиш ва темир интизом урнатиш керак эди. Бу лойиҳанинг муаллифи Троцкий дейишади. Ленин ҳам уни маъқуллагандек эди. Мабодо, бу масалада Троцкий билан Ленин уртасида бирор келишмовчилик мавжуд бўлган бўлса, улар майда-чуйдалардаги арзимас ихтилофлардан иборат эди. Троцкий меҳнат армияларида ҳарбий жазоларни жорий қилиш билан чекланишни таклиф қилган, Ленин эса доно бошини сарак-сарак қилиб туриб: «Отишларни кенг қўллаш керак», – деб

таълим берган. Акс ҳолда ҳеч нарсага эришиб булмайди. Шундай деган-у, лекин бу гапида каттик турмаган. Бу борада Ленин ҳақ эканини хаётнинг узи курсатади. Ғалаёнчиларни (большевиклар иш ташлаган ишчиларни шундай атай бошлашган эди), албатта, судсиз отиб ташлаш керак. Бу масалада ҳамманинг фикри бир жойдан чиккан. Гарчи буларнинг бари изчиллик билан ғоятда шафқатсиз равишда амалга оширилаётган булса-да, негадир иккинчи даражали масалалар деб караларди.

Россия забт этилди, энди эса Ленининг лутфи буйича: «Оврупони найза билан китиклаб куриш фурсати етди!»

Қизил Армиянинг Польшага бостириб кириши Бутунжаҳон Инқилобини руёбга чиқариш йулидаги биринчи қадам эди. Ленининг тахлилига кура, Оврупо мамлакатларининг мувозанати Версал шартномаси деган омонат асосга таянади. «Қизил Армиянинг ғолибона ҳужуми яна бир неча кун давом этса, – дея каромат килади жанговар жазавага тушган дохий, – нафақат Варшава ишгол килинади (бу унчалик муҳим ҳам эмас), балки Версал сулҳи барбод булади...» Польша – Қизил Армиянинг Оврупо сари йулида бир куприк, холос. Польша куприги орқали Германия пролетариатига ёрдам сари олға!

Совет кушинларининг кумондони М. Тухачевский Зиновьевга машҳур мактубини йуллайди. Совет Иттифокининг булғуси маршали ҳарбий назария бобида илк бор жавлон урар экан, Коминтернинг бош штабини чақириш керак-лигини ёзади. Поляклар узил-кесил тор-мор килингандан сунг бу штаб зудлик билан Оврупога ёриб кириш режасини ишлаб чиқиши зарур. Бунинг учун Қизил Армия сафларини бутун дунё пролетариати ҳисобига тулдириш керак. Шунда «бутун жаҳондаги буржуа давлатларини забт этиш учун етарли куч барпо этилган булади».

Қизил Армиянинг Варшава остоналарида тор-мор этилиши, унинг елдек чекиниши (Алам килмайдими! Ахир, Гайнинг суворийлари Германияга кириб боришган эди-я!) Кремлдаги саргузашталаб муттаҳамларнинг тарвузини қултигидан туширди. Исён кутарган Кронштадт замбаракларининг садоси жаҳонга ҳукмрон булиш ҳақидаги Ленининг телбаларча ғоялари устидан мотам маршидай янгради.

Бутун мамлакат исёнлар алангасига чулғанган эди. 1920 йилнинг 13 август куни машҳур Антонов кузғолони бошланди. Бу кузғолон бутун Тамбов губернасига ва унинг теварак-

атрофларига ёйилди. 40 минг ишчи ва деҳкон қулига қурол олди. Тамбов исёнчиларининг қурултойи совет ҳокимияти тугатилди, деб эълон қилди ва Таъсис мажлисига янги сайловлар утказишни талаб қилди.

1921 йилнинг январида Ғарбий Сибирда исёнлар гулхани гуриллаб ёнди. Бу ердаги исён 20 та уездга ёйилди. 60 минглик деҳкон халқ армияси тузилди, бу армия ҳамма йулларни тусиб қуйди ва бир нечта шаҳарни, шу жумладан, Тобольскни ишғол қилди.

Украинада Григорьев исёни катта донг чиқарди. Исёнчиларнинг уз замбараклари ва зирҳли поезди ҳам бор эди. Бу ғалаён халқаро аҳамият касб этди. Шу туфайли Қизил Армия Руминия орқали Венгрияга бостириб киришга ва Бела Куннинг жиноятқорона тузумини тиклашга эриша олмади. Бела Кун яна Москвага қочиб келишга мажбур булди. Забт этилган мамлакатда унинг қиладиган ишлари куп эди.

Ижевскда ялпи иш ташлаш булиб утди. Унинг оқибатида уттиз минг кишилик «Ижевск Халқ Армияси» тузилди. Шуниси ажабланарлики, ишчилар соф деҳқонча талаблар билан чиқдилар: улар озиқ-овқат солиғини бекор қилиш ва деҳқонларнинг мулкини мусодара қилмасликни талаб қилдилар. Қизил Армияга ҳам ишониб булмай колганди. Армиядан қочиш ва хизматдан буйин товлаш урта ҳисобда 20 фоизни ташкил қиларди, баъзи районларда эса бу ракам 90 фоизга етарди. Фақат марказий губерналарнинг урмонларида 250 мингта куролли қочоқ дайдиб юрарди. Тула деҳқонларидан ташкил топган бир пиёдалар бригадаси Белоруссияда исён кутарди. Бу ерда маҳаллий кузғолончи деҳқонлар бирлашган ва «Коммунистларсиз, отувларсиз ва боскинларсиз Халқ республикаси» тузишган эди.

1920 йилнинг июлида Сапожников деган қизил командир 2700 та қизил аскардан иборат кисмини исёнга кутарган. Бу исён Волга буйидаги купгина худудларга ёйилган ва Сапожников улиб кетгандан кейин ҳам давом этган. Сапожников ҳалок булгандан кейин ҳам исёнчилар Серов бошчилигида 1922 йилнинг январигача фаол ҳаракат қилган.

1920 йилнинг декабрида Вакулин деган бошқа бир қизил командир Донда исён кутарган. Вакулин ҳалок булгандан кейин унинг урнига бошчилик қилган Попов 1921 йилнинг мартига келиб 6000 кишидан иборат куролланган қудратли

суворийлар қушилмасига эга булган. 1921 йилнинг январида бригада командири Маслак 1-отлиқ Армия таркибидаги бригадасини олиб кетиб, деҳқонларнинг донгдор сардори Нестор Махнога қушилади.

Албатта, 1921 йилнинг мартида Кронштадтдаги ҳарбий-денгиз базаси бош кутарганда қузғолонлар узининг энг юксак чуққисига чиққан эди. Ушанда линкорлар замбаракларининг қудратли садоси ҳамма ёкни ларзага солганди. Сурбет Троцкий туғри қайд қилганди – Кронштадтда «деҳқон Ленин билан суҳбатлашиб, ҳамма гапи унинг қулоғига етиб борсин учун кемаларнинг залварли тупларидан карнай урнида фойдаланган эди».

Бу Лениннинг қулоғига етиб борди. Жон-пони чикиб кетган доҳий 1921 йилнинг 15 мартида: «Биз ҳокимият тепасида зурға сакланиб қолдик», – деб тан олади. Қуркув ва уз-узини саклаб қолиш туйғуси унга бирдан-бир туғри йулни курсатиб берди. Бу – НЭП йули эди.

Бухарин эслайди: «Биз ҳаммамиз бамисоли куйдек ашаддий ҳарбий коммунизмга тарафдор булиб турганимизда ва малъун деҳқонни отувлар билан куркитиб, бор ғалласини беришга мажбур қилаётганимизда, бугун булмаса эртага шармандаи шармисор булишимиз муқаррар эканини ҳамда ярамас Пахом калламизни сапчадек узиб ташлаши мумкинлигини куриб, бизга: «Тухталаринг! Бас қилларинг, каллаварамлар! Қайтар аравангни оркага!» – деб ҳайқирган Ленин эмасмиди? Ленин эмасми энг сунгги дақиқада озиқ-овқатни тортиб олишга чек қуйиб, озиқ-овқат солиғига утишимизга мажбур қилган? Айтганча, унинг рисоласи «Озиқ-овқат солиғи туғрисида» деб аталарди. Назарий жиҳатдан жуда ночор булган бу рисолани мен роса чангини қоқиб дуппослагандим. «Соф» коммунистларни даҳшатга солиб (бинобарин, мени ҳам даҳшатга солиб) НЭПни эълон қилишга журъат қилган ва худди шу иши билан бутун партияни куткариб колган Ленин эмасмиди?!» Ҳамма нарса шундан далолат берадики, Ленин бу даврда бутунлай ваҳимага тушиб колган ва ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир булган эди. «НЭП»нинг жорий қилиниши шуни яхши исботлайдики, бу жиноятком муттаҳамлардан биронтаси ҳам ҳеч қачон, на 1917 йилдан аввал, на ундан кейин бирон давлат тизими ёки қурилиши ҳақида аниқ режага эга булмаган. (Афлотуннинг режасини айтмаганда. Кейинчалик Сталин уни намуна қилиб

олиб, уз империясини курган.) Уларнинг хатти-ҳаракатларига раҳнамо булган ягона нарса – Россияни талаш ва махв этиш, унинг халкини ва маданиятини талон-тарож қилишдан иборат эди. Жаҳон инкилоби масаласида ҳам хеч қандай аниқ ва жуяли режа куринмайди. Ҳамма нарса йул-йулакай хаёлга келиб қолган тарзда қилинаверган. Жаҳонга ҳукмрон булишнинг аниқ режасини кейинроқ Сталин тузиб чиқади ва бу режанинг руёбга чиқишига сал қолади, фақат бунга Гитлер билан Рузвельт халақит берган.

Ленининг кунглини забт этган ваҳима уз шерикларининг аҳволи нақадар ночор эканини англаш туфайли туғилган эди. Бу ваҳима террорни янада кучайтиришга олиб келди. Петроградда шоша-пиша жуда укувсизларча Таганцев ишини шов-шув қилишади. Гарчи бу иш аввалги кирғинлардан омон қолган денгиз офицерларига қарши йуналтирилган булса-да, унда Гумилёв ҳалок булади. Флот офицерларсиз кун куролмайди, шунинг учун кемаларда собиқ гардемаринлар, мичманлар ва лейтенантлардан таркиб топган анча-мунча командирлар бор эди. Уларнинг ҳаммасини бирваракайига қулга олишди. Бу Кронштадт исёни учун интиқом эди, ҳолбуки, улар бу исёнда иштирок этишмаганди. Исёнда қатнашганлар муз орқали Финляндияга утиб кетишганди. Ленининг осиёча кекчилиги ана шунақа эди. Интиқомга чоғланган Ленин Совет республикасига флот керак эмас, деб эълон қилади ва уларни ВЧКнинг денгиз қисмлари билан алмаштириш керак, деб ҳисоблайди[1].

Ленининг кайфияти бежиз бузилмаганди. Лаънати «НЭП» Ленининг ҳамма одамларини қаттиқ ғазаблантирди.

---

[1] 1920 йилнинг ноябрида оқлар Қримни ташлаб кетишди. Айни шу вақтда Қримда ўз ватани Венгриядан кочган Бела Кун машҳур Землячка билан бирга пайдо булиб қолади. Землячка деганларини кейинчалик Сталин, жонига теккан Крупскаянинг таъзирини бериб қуйиш учун, Ленинга бева қилмоқчи булган эди. Ҳамма нарса, анъанага кура, офицерларни руйхатга олишдан бошланди. Фрунзе тантана билан уларга авфи умумий ваъда қилган эди. Аммо бир зумда отишлар бошланиб кетди. Кўп ўтмай бу оммавий қирғинга айланди. Улганларни кухна Генуаз қудуқларига ташлашди, қудуқлар тулиб битгандан кейин эса маҳкумларни узлари учун қабр қазишга мажбур қилишди. Одамларга тула баржаларни денгизларга олиб бориб, чуктириб юборишган. Оилалар ҳам йуқ қилинган. Ҳатто, эмизикли болали аёллар ҳам бағри тошлик билан отиб ташланган. Госпиталлар ва касалхоналарга бостириб кириб ҳаммани бир бошдан отиб ташлайверишган. Врангел узининг ярадорларини Қримда

Уларнинг қўпчилиги Россияда муқим туриб қолиш ниятида эмас эди, аксинча, улар ўлжани таксим қилиб олгач, қандай пайдо бўлиб қолишган бўлса, худди шундай қуқкисдан ғойиб бўлиш пайида эдилар. Имкони борича бу ерда қолиб ҳукмронлик қилиш орзусида бўлганлар ҳам норози эдилар. Савдо эркинлиги ва эркин бозор туфайли уларнинг тахтларидан муқаррар тарзда путур кетарди. Ахир, Ленининг ўзи Кронштадт исёни арафасида X қурултой минбаридан туриб, ўз ҳамкорларининг кулокларига қуйиб, эркин савдонинг жорий қилиниши «муқаррар тарзда оқ гвардиячилар ҳукмронлигига, капитализм тантанасига, эски тузумни тўлалигича тиклашга олиб келади. Мен такроран айтаман: бу сиёсий хатарни жуда аниқ тушуниб олиш керак», – деган эдиқу! Ленин имкони борича уларни тинчлантиришга уринди. У

Халкаро Қизил Хоч ташкилотининг паноҳида қолдирган эди. Аммо большевиклар касалхоналар устида ҳилпираб турган қизил хочли байроқларга парво ҳам қилишмаган. Сунгра Қримнинг ҳамма ахолисига анкеталарни тулдириб, уларни маҳаллий ЧКга топшириш буюрилган. Бажармаганлар улим жазосига маҳкум бўлган. Ленин Қримда зарур тадбирларни утказиш тўғрисида Троцкийга маслаҳат берар экан, донолик билан қайд қилади: «Крим узининг инқилобий харакатида уч йил орқада колди. Уни зудлик билан Россиядаги умумий инқилобий савия даражасига кутармоқ керак». Ҳаммадан ҳам кура отишлар Севастополда, Ялтада, Балаклавада ва Керчда куп юз берди. Севастополда биринчи навбатда 500 дан ортиқроқ порт ишчиларини отиб ташлашди – улар генерал Врангелнинг жўнаб кетаётган кемаларига юк ортишда қатнашган экан. Отилганларнинг руйхатини эълон қилишдан уялишмади. 28 ноябрдаёқ Севастополда отилганларнинг биринчи руйхати эълон қилинди – унда 1634 кишининг, шу жумладан, 278 аёлнинг исми бор эди. 30 ноябрда иккинчи руйхат эълон қилинди – 1202 киши, шу жумладан, 88 аёл. Фақат биринчи ҳафта мобайнида Севастополда отилган 8364 та одамнинг руйхати эълон қилинди. Отишдан ташқари осиш йули билан ҳам оммавий кирғин амалга оширилди. «Нахимов проспекти, – деб эслайди шоҳидлардан бири, – кучада қамоққа олинган ва шу жойнинг узида қатл этилган офицерлар, солдатлар ва оддий фуқароларнинг жасадига тулиб кетган. Офицерларни, албатта, ҳарбий кийимларида, елкаларида погонлари билан қатл этишди. Ҳарбий булмаганлар ярим яланғоч ҳолда осилиб турарди. Бошқаларга «ибрат» бўлсин учун ҳамма устунлардан, дарахтлардан, ҳатто, ҳайкаллардан фойдаланишган. Тарихий хиёбон хавода чайқалиб турган жасадларга тулиб кетди. Нахимов проспектида ҳам, катта Денгиз буйи кучасида ҳам, Денгиз буйи хиёбонида ҳам ахвол худди шундай эди. Ижрочилар, албатта, «байналмилалчи»лар эди.

якин сафдошларига шахсан хатлар йуллайди, уларда куп айтиладиган сийқа гаплар бор эди: «Биз стратегик чекинишни амалга оширмокдамиз. Бу бизга якин келажакда кенг куламда хужум бошлашимизга имкон беради. НЭП террорга хотима берди, деб уйлаш катта хато булур эди. Биз тез орада сиёсий террорга ҳам, иктисодий террорга ҳам қайтмоғимиз керак». Ленининг мия хасталиги зурайди[1].

Уларга Кайзер армиясининг собиқ офицери Бемер қумондонлик қилган. (1918 йилда у Севастополнинг немис коменданти булган эди.) Унинг совет коменданти сифатида чикарган биринчи буйруғи аҳолига «совет хокимиятининг ижрочилари устидан шикоят қилишга ҳаки йуқ»лигини, чунки аҳоли оқ гвардиячилар билан ҳамкорлик қилганини тушунтирувчи буйруқ булди. Бемер заррача тап тортмай отиш ҳақидаги буйрукларга имзо чекарди. Жумладан, унинг госпиталлардан бирида хизмат килувчи 23 ҳамширани «офицерларни яширгани учун» ва Халқаро Қизил Хоч ташкилотининг 18 ходимини ҳам шундай «жиноятн» учун отиб ташлаш ҳакидаги буйруғи сақланиб колган. Бир амаллаб омон қолганлар минглаб конлагерларга жунатилар эди. Улар уша кезлардаёқ Архангельск губернасида куплаб пайдо була бошлаган эди.

Хуш, Бела Кун билан Землячка нима булди? – дерсиз. Улар нима билан машғул бўлишган?

Ҳикоя килишларича, Землячка баъзида одамларни отиш ва кийнашларда шахсан иштирок этган экан, аммо бу бевосита унинг вазифасига кирмаган, балки унинг учун шунчаки эрмак булган. Землячка билан Кун туни билан тонггача Қримда топилган тилла ва бошқа қимматбаҳо буюмларни туплаш, ҳисобга олиш ва транспортда жунатиш билан банд булишган. Террор ҳар доимдагидек бир никоб булган, холос. Офицерларда молу дунё куп булмайди, албатта. Аммо баъзи бировлардан озмунча нарса олинмаган. Аммо биронта одамни шип-шийдам қилишгандан сунг куйиб юборганлари туғрисида ҳеч қандай маълумот йуқ. Эҳтимол, биронта одамни куйиб юборган булишлари ҳам мумкин, аммо Ғарбда бунақа одамлардан ҳеч ким пайдо бўлгани йуқ. Улпонни олишга олишган-у, кейин отиб ташлайверишган. Кимматбаҳо буюмлар икки қилишгандан сунг куйиб юборганлари туғрисида ҳеч қандай маълумот йуқ. Эҳтимол, биронта одамни куйиб юборган булишлари ҳам мумкин, аммо Ғарбда бунақа одамлардан ҳеч ким пайдо бўлгани йуқ. Улпонни олишга олишган-у, кейин отиб ташлайверишган. Кимматбаҳо буюмлар икки йул билан жунатилган – бири Ғарбга (масъул Бела Кун), иккинчиси Шимолга – Москвага Гохранга (масъул урток Землячка).

[1] Ленин ўлгандан кейин ёриб курган врачлар миясининг ярми туғилгандан бери ишламаганини куриб лол колишди. Иккинчи ярми ҳам оҳаксимон тузилмалар билан копланган булиб, шу аҳволда эканки, жаҳон пролетариатининг доҳийси қандай қилиб тирик юрганини мутлақо тушуниб булмасди. У болалигидаёқ улиб кетиши керак экан. Врачлар бунақа мия билан инсон яшаши мумкин эмас, деган тухтамга келишади. Шундай экан, Ленин булганмиди – йуқми?

Инесса Арманд вафот қилди – у Ленин яхши курган ягона аёл эди. Мамлакатда дахшатли очлик бошланди. Волгада одамхурлик ҳоллари руй берди.

Гуё буларнинг ҳаммаси етмагандай, тилла тўла сандиқлар Гохрандан аллақаёққа ғойиб бўлаётгани ҳақида чақув келди. Чақувни 1921 йил 16 май куни машхур Яков Юровский ёзган эди. Бу ўша – 1918 йилнинг июль ойида Екатеринбургда подшо оиласини отишга раҳбарлик қилган, кейин уларнинг бойликларини Москвага олиб келган Юровский эди. Ана шу иккиёклама «қаҳрамонлиги» учун Юровский Гохранда ишлашга мушарраф булган эди. Ленин дарҳол Юровскийни ҳузурига чақиради ва салкам уч соатлик суҳбатдан кейин аллақандай номаълум одамлар Гохрандан машиналарда тонна-тонна олтинни олиб чиқиб кетишаётганини билиб олади. Бу одамларнинг қулида Халқ Комиссарлари Советининг ишлар бошқармаси имзо чеккан ва Лениннинг ўзи розилигини ёзма ифодалаган буйруқлари бор экан. Юровский бу буйруқларнинг гуё қалбаки эканини маълум қилди. Унинг гапига кўра, бу ишга Гохраннинг баъзи бир ходимлари иштирок этган булиб, уларни ЧК апрелдаёқ қамоққа олган ва отиб ташлаган.

Маълум буладики, Ленин бу гаплардан бутунлай бехабар экан. Аммо бундан кейин ҳам тилла ва бриллиантларни олиб чиқиб кетиш давом этаверган. Юровский гуё янги-янги қамашларга курсатма берган, унга энди Бокий халақит бера бошлади. Петроградда улуғ князлар билан булган можародан кейин Бокий Москвага ишга утказилган эди. Бу ерда у ЧК коллегиясининг ходими сифатида Гохран ишларини назорат қиларди. Ғазаб утида ёнган Ленин Бокийдан жавоб талаб қилади. У Бокийнинг қанақа одам эканини ва ишни улгуржи қилишини билиб олганди. Уни вақти-вақти билан фош этиб туриш керак эди. Шунда у қулга киритган улжаларини фақат бевосита бошлиқлари билангина эмас, олий раҳбарлар билан ҳам баҳам курарди. Қизиғи шундаки, Юровскийнинг чақувини Ленин айни Бокийга жунатган ва бу қанака гап эканини тушунтириб беришни талаб қилган. Бокий телефоннома юбориш билан чекланиб, Лениннинг суровига дудмалгина жавоб берган. 23 май куни у Юровскийнинг маълумотлари, юмшоқ қилиб айтганда, жуда муболағали деб айтган. Ўғирликлар чиндан ҳам содир булган, лекин

шунчалик майда ва арзимаски, бу тўғрида гапириб утириш ҳам ортиқча. Юровский айтган ҳужжатлар масаласига келганда, уларнинг ҳаммаси ҳақиқий ҳужжатлардир, улар махфий ҳужжатлар сирасига киради, лозим булса, Ленининг узи бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин. Аллақачон Гохранда майда уғирликларни имкони борича камайтириш тадбирлари куриб қуйилди. Аммо, деб таъкидлайди Бокий, Гохранда ҳозирги ходимлар бор экан, уғирликка бутунлай барҳам беришнинг иложи йўқ. Бу гапи билан Бокий Юровскийга шама қилаётган куринади.

Бу ишда Ленининг узини тутиши бироз ғалатироқ. 1921 йил 24 майда у Бокийга асабий бир мактуб йуллайди. Бу мактубда Юровский тилга олган гуёки қалбаки булган ҳужжатлар ва уларда узининг ҳамда Горбуновнинг имзолари бор экани тилга ҳам олинмайди. «Урток Бокий! Сиз жунатган телефонномани олдим. Мутлақо қаноат ҳосил қилмадим. Бунакаси кетмайди. Сиз бу ишни синчиклаб тафтиш қилиб чиқишингиз ва менга аниқ маълумотлар беришингиз керак. Сиз булсангиз «умумий нигоҳ», «муболаға», «уғирликка бутунлай барҳам беришнинг имкони йуқ» (??!!) деган гапларни гапирасиз. Бу доклад эмас, бемаъниликдир.

1) Менга ҳамма масъул шахсларни номма-ном айтинг.

2) Иш қандай ташкил қилинганини айтинг.

3) Ҳамма уғирликларни санаб курсатинг, ҳаммаси аниқ булсин, қачон, қанча уғирланган?

4) Ишлаётганларнинг ҳаммаси қанча? (Уларнинг таркиби? Стажи? ва ҳ. к.).

5) Бу ердаги уғирликларни тухтатиш учун қанақа тадбирлар куриляпти?

6) У ерда қачон суд булган (IV, 1920)? Ҳамма йирик суд мажлислари? Қанча одам жазоланган? Буни олганингиз ҳақида ва ижро этиш муддати тўғрисида мени огоҳ қилинг.

ХКС Раиси В. Ульянов (Ленин)».

ВЧКнинг тафтиш утказишини кутмай, Ленин 29 май куни Молия Халқ Комиссарининг муовини Альскийга мактуб йуллади. У бу ишга якинда утказилган булиб, илгари ЧКнинг ҳисоб-таксимот булимида мудир булиб ишлаган эди. Альский (яна бир фамилияси Мальский) ишонса буладиган одам, Парвус мактабини курган, Ленин билан бирга Россияга 1917 йил

апрелида келган, уз ишини яхши билади. Ленин унга Гохрандаги тартибларни мустаҳкамлаш туғрисида шахсан узи тузган қулланмани жунатади. Қулланма дук-пуписаларга ҳам тула булади. Лениннинг фикрича, Альский уларни тушунмаслиги мумкин эмас: «Урток Альский! Мен учун тайёрланган куйидаги докладга эътиборингизни жалб этмокчиман. Уни урток Дзержинский билан келишилган ҳолда мен томондан махсус вакил қилинган ВЧК ходими тайёрлаган. Гохранда аҳвол ёмон.

Бу масалага сизнинг жуда жиддий эътибор бермоғингизни сурайман. Биринчи навбатда сиз, кейин Молия Халқ Комиссарлиги коллегиясининг ҳамма аъзолари ва урток Баш махсус Гохранга ун баробар ортикрок эътибор билан карашларингиз талаб қилинади. Агар қисқа муддатда Гохрандаги ишлар бутунлай янгидан ташкил қилинмаса ва бунинг натижасида уғирлик килиш имкониятларига бутунлай хотима берилмаса, айни чоқда, ҳамма ишлар тезлаштирилиб, қулами кенгайтирилмаса, Нарком муовини ва Молия Халқ Комиссарлиги коллегиясининг ҳамма аъзолари нафақат партиявий, балки жиноий жавобгарликка ҳам тортилади. Гохрандаги ишлар суст борадиган бўлса (қишда ишлаш кийин, қишгача куп нарсани қилиб улгуриш керак), бу ердаги уғирликка хотима берилмаса, бундан Республика жуда катта талафот кўрмоқда, негаки, айни ҳозирги пайтда – оғир кунларда биз хориж билан товар алмашиш учун жуда тез суръатларда имкони борича катта маблағни кўлга киритмоғимиз керак. (Бу сатрлар эсингизда турсин, биз ҳали уларга яна қайтамиз – И. Б.)

Қуйидагиларни бажариш зарур:

1) Гохран ишларини зудлик билан қайта куриш учун урток Бокий билан тез-тез кенгашлар утказиб туриш керак.

2) Гохранни курикдаш ва назорат қилишни бенихоя мукаммаллаштириш лозим (махсус тусиқлар, кийим-кечак учун жавонлар, махсус тусилган кийиниш жойлари, қуккисдан қилинадиган тинтувлар, жиноий қидирув санъатининг ҳамма коидаларига амал қилган ҳолда икки қайта ва уч қайталаб утказиладиган текширувлар ва ҳ.к., ва ҳ.к.).

3) Зарур бўлган ҳолларда Москвадаги унлаб ва юзлаб масъул ҳамда ҳалол коммунистларни бир ойда бир марта ё икки марта куккисдан утказиладиган кундузги ва тунги тафтишларга жалб қилмоқ лозим. Ходимларга ҳам, тафтишчиларга ҳам бериладиган қулланмалар имкони борича батафсил бўлсин.

4) Молия Халқ Комиссарлиги коллегиясининг ҳамма аъзолари бемустасно равишда ойда камида бир марта қуккисдан кечаси ва кундузи Гохранда ходимларнинг иш жойида ва уғирлик булиши мумкин булган жойларда шахсан тафтиш утказишлари шарт.

Бу қоғоз махфий булгани учун, уни дарҳол менга кайтариб юборишингизни талаб қиламан, унга Молия Халқ Комиссарлиги коллегиясининг ҳамма аъзолари танишганлари ҳакида имзо чексин.

29. V. ХКС Раиси В Ульянов (Ленин).

(P. S. Агар Чуцкаев кетиб қолмаган булса, у ҳам укиб чиқсин, унинг ҳам гуноҳи кичкина эмас!)»

Бу ҳужжатда Ленин қанақа «жуда катта талафот» ҳақида гапиряпти? Яна уни махсус таъкидлаб қуйибди. Наҳотки, юкчилар, нарх қуювчилар, сараловчилар каби майда хизматчиларнинг уғирликлари Гохранда «жуда катта талафотни» келтириб чикариши мумкин? Ахир, бу ердаги ходимларнинг ҳаммаси ҳар бир дақиқада жиндай кирдикорлари учун қамокка олиниши ва отиб ташланиши мумкинлигини яхши билишарди-ку?! Гохранда ишлайдиганларнинг деярли ҳаммаси айни чоғда ВЧКнинг ходими эди. Шундай булгач, яна қанақа тафтишу текширишларга ҳожат бор? Ниҳоят, Ленин Альскийга шама қилиб, «имкони борича катта маблағ керак» деган товар айирбошлаш шу пайтларда қайси хорижий мамлакат билан содир булмоқда эди? Бу саволлар ҳар қанча сирли кўринмасин, жавоблари унчалик ҳам яширин эмас.

1920 йилнинг октябрь ойидаёқ узини озми-кўпми дадилроқ ҳис қилган Ленин «Хорижга антиқа бойликларни сотиш тўғрисида»ги декретга имзо чекади. Бу декрет билан у Россиянинг миллий бойликлари хорижга кучишига имкони борича ошкора тус бермоқчи булган. Сабаби шундаки, шунга қадар амалга оширилган махфий операциялар анча-мунча қалтис булиб, харажати ҳам қимматга тушарди. Оврупога «эксперт комиссияси» жўнатилади, унга «ҳаддан зиёд ишончли» одам Ракитский бошчилик қилади.

Парижда, Лондонда ва Флоренцияда дастлабки кимошди савдолари уюштирилади. Улар жуда катта шов-шувга сабаб

булади. Катта жанжал келиб чиқади. Негаки, кимошдига қуйилган буюмларнинг эгаларини купгина одамлар танир эди. Буюмларнинг собиқ эгалари отиб ташлангани ёки бедарак йуқолганидан ҳам хабардор эдилар. Аммо ҳеч ким антиқа буюмларнинг гайриконуний сотилаётганини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсата олмади. Шу сабабдан иш судгача етиб бормади. Савдога қуйилган буюмлар багоят ноёб булгани ва нархи жуда арзон булганидан кимошдига жуда куп одам йиғилди. У жуда катта даромад бериши керак эди. Юзлаб фирмалар Ленининг «экспертлари»ни қучоқ очиб кутиб олди ва талончиликда шерик булиш истагини билдирдилар. Бу пайтга келганда Россияда мусодара килинган кимматбаҳо буюмларнинг миқдори минглаб тонналаб, купинча эса кубометрлаб улчанган. Бу масала тўғрисида Оврупо газеталари аввалига таажжуб билан ёзишди, кейин эса бу «ошкора» савдода иштирок этувчиларнинг ҳаммаси масаланинг бир жиҳатига эътибор беришди. Гап шунда эдики, кимошди савдосида тушган пулларнинг ҳаммасини совет экспертлари Россияга жунатишни эмас, Оврупо ва Америка банкларига утказишни илтимос килишди. Баъзи бир экспертлар кимошдида сотилган нарсаларнинг пулини нақд олишди – уларнинг чемоданлари коғоз пулларга тулди. Иш оламшумул кулам касб эта бошлади.

Бу даврга келиб, ленинча номенклатуранинг шаклшамойили анча намоён булиб колганди. Унинг аъзолари дабдурустданок узининг хаддан ташқари беҳаёлиги ва очкузлигини курсатди. Марказкум аъзоларининг купчилиги қадимий қасрларда истикомат киларди. Улар қимматбаҳо уй анжомларини, тилла ва кумуш идишларни, ноёб гиламларни, шунингдек, қадимий усталарнинг залворли олтин рамкалардаги расмларини жон-дилларидан яхши куришарди. Шинел билан итёқа куйлаклар улар учун алланечук махсус кийимлар вазифасини утарди. Қасрларда, ҳатто, бурунги замонларда хизматкорлик ҳадисини олган одамлар ҳам ишлашар эди. Москва якинидаги князь Юсуповнинг қасрида Троцкий истикомат киларди. Бу ерда, ҳатто, собиқ корнетлардан чиккан абжир адъютантлар бор эди. Улар шахдам қадам ташлаб, келиштириб чест беришар ва эскичасига сочларининг уртасидан фарки очилган бошларини бежирим эгиб туришарди.

Ленин гарчи бу ишларга кулиб караса-да, лекин ҳеч қайсисига қаршилик курсатган эмас, негаки, унинг ўзи ўша одамлардан аъло эмас эди. Ҳар куни Марказий Қўмита ошхонасининг талабномалари ва Кремлдаги хизмат кўрсатувчи ҳар хил сохаларнинг коғозларини имзолар экан, Ленин уларга берилаётган озик-овқатларнинг хилларини диккат билан кузатиб турган. Бу овкатларнинг хилларига, албатта, увулдирикнинг уч нави, гуштнинг хилма-хил навлари, колбаса, пишлок, тансик балиқлар, Ленин ўзи жуда яхши кўрадиган шўр бодринглар, кузикоринлар, уч хил кофе кирган.

Ҳуштаъм овкатлар бобида Ленининг суяги йўк эди. Ҳар куни ун минглаб одамларнинг ҳаётини олиб кетаётган бекиёс очлик вактида у Горбуновга танбех бериб, «кеча увулдирик жиндай ҳидланиб колибди», «кузикориннинг суви айнаб колган экан», «ошпазни бир ҳафта камаб қуйилса, чакки булмас эди», деган гапларни бемалол айтаверган. Улуғ князь Сергей Александровичнинг Москва якинидаги Горки қишлоғида жойлашган қасри Ленининг тасарруфига утди. Қишлокнинг хамма аҳолиси кучирилди. Бўшаб колган уйларига «байналмилалчи» сокчилар жойлашди. Уларнинг ҳаммаларини бугун негадир бирваракайига «латиш укчилари» деб аташади. Ҳолбуки, бу сокчилар сафида бор-йуғи йигирмата латиш бор эди, холос.

Бунака ҳаёт, албатта, жуда хуш ёкар эди ва ҳеч ким ундан махрум булишни истамасди. Шунинг учун Ленининг хамма бойликларини, аввал, «жаҳон инкилоби» манфаатлари йулида хорижга утказиб, ундан сунг жуфтакни ростлаб колиш ҳакидаги дастлабки режасидан хабардор булган аъёнлар «кочиш учун ҳеч канака асос йук» деган маънода доҳийга мунтазам тазйик утказиб келдилар. Россияда «социализм» куришда давом этиш керак – буни амалга ошириш йуллари жуда яхши ишлаб чикилган: мусодара ва отув. Ленин ҳар гал бу фикрларга кушилар эди. Ҳатто, 1921 йилнинг мартида ҳам у узининг нуткларида ва маколаларида партиянинг акидалари хамда сиёсатида ҳеч кандай заифлашиш ва узгариш булмайди, деб сафдошларини ишонтирганди.

«НЭП»нинг эълон килинишини, яъни мамлакатнинг озми-купми маданийлашган ривожланиш йулига утказилишини куплар «соткинлик» деб, таслим булиш ва «кочишга тайёргарлик куришга» чакирик деб кабул килди. Ленин

бунинг аксини исбот қилишга ҳар канча уринмасин, ҳамма унинг тутуриксизлиги, муғомбирлиги ва айёрлигини яхши билиб қолган эди. ЧКнинг эгри-бугри йўлаклари буйлаб бир фикр илондай вишиллаб урмалай кетди. «Ильични орадан кутариш керак». ЧК қимматбаҳо буюмларни Гохрандан узининг махфий омборларига кучириш операциясини бошлаб юборди. Бошқача айтганда, мамлакатда колмокчи булганлар мамлакатни тарк этмокчи булганлардан уз улушини ола бошлади. Аммо Лениннинг ҳокимияти ҳали анча кудратли эди. Бундан ташкари, ЧК билан Марказкум уртасида ҳам якдиллик йуқ эди, айни шунинг окибатида Лениннинг каттик ғазабини қузғаган Юровскийнинг чакуви пайдо булган эди.

Глеб Бокий буйруққа биноан терговни бошлади. Биринчи булиб Гохран ходими Яков Шелехес қамокка олинди ва уғирликда айбланди. У Юровскийнинг дусти эди. Уларнинг иккови ҳам инкилобгача заргар ва соатсоз булишган. Шелехесдан тез орада керакли курсатмаларни ола бошлашди. Юровский Лениннинг ҳузурига югурди ва Ленин дархол Шелехесни ЧКнинг чангалидан қуткаришга урина бошлади. 1921 йилнинг 8 августида у Дзержинскийнинг муовини ва Бокийнинг бевосита бошлиғи Уншлихтга махфий мактуб йуллайди:

«ВЧКга. Уртоқ Бокийга. Фуқаро Яков Савельевич Шелехеснинг қамокка олиниш сабабларини сурайман. Суд булгунга кадар уни партиядош уртоқлари кафилликка олиб турса ёхуд ВЧК хибсхонасидан Бутир турмасига утказиб турса буладими?

ХКС Раиси В. Ульянов (Ленин)».

Йуқ, овора буласиз! Шелехеснинг қамалиши ленинчи-большевиклар сафида чинакам саросималик туғдирди. Аммо ВЧК, эҳтимолки, узи бино булган кундан бери биринчи мартадир, ваҳимага тушган дохийларнинг ох-вохини эшитмаётганга солди. Лениннинг мактубига Уншлихт шундай шарх ёзди:

«Уртоқ Бокий! Зудлик билан менга маълумотнома беринг...» Худди шу коғознинг ўзига Бокий Ленин номига бутун бошли бир мактуб ёзган. Терговни бошлаш ҳакида Лениннинг узи буйрук берганини эслатиб, Бокий уз таажжубини изҳор қилади: «Нега энди ҳозир – уғирлик қилган одам фош

этилиб, камоққа олинганда ва шерикларини айтиб бераётган бир пайтда унга, яъни Бокийга очиқчасига тазйиқ утказиб, Шелехесни жазодан куткариб қолишга уринилмоқда? Шелехес ҳақида, – деб таъкидлайди Бокий тажанглик билан, – ҳар куни ун марталаб сурашади. Бу ишга ҳалакит бермоқда. Балки, деб ошкора таҳкир оҳангида савол беради Бокий, – Ленин билан Шелехес уртасида унга, яъни Бокийга маълум булмаган қандайдир алоқалар бордир? Булмаса, Ленин нима учун жон куйдириб уни ҳимоя қиляпти ва куткармоқчи буляпти?» Мактубнинг охирида Бокий Лениндан Гохран иши буйича булаётган ҳар хил тазйиқлар ва талабномаларга эътибор бермаслик учун ижозат сурайди ва Лениннинг суровига кесиб жавоб беради: «Тергов давомида судга қадар озодликка чиқариш мумкин эмас, деб ҳисоблайман».

Лениннинг ғазаби ошиб-тошади. У энди ҳаддидан ошган сурбет ижрочиларга бевосита ВЧК раиси – Феликс Дзержинскийнинг узи оркали таъсир курсатишга ҳаракат килади. Аммо Дзержинский билан Бокий аввалдан топишган, бир-бирининг тилига тушунишади. Муғамбир Дзержинский гап нимадалигидан яхши хабардор, лекин шундай булса-да, Лениннинг жонини халкумига келтириб, хуноб килади: «Ахир, узингиз буюргансиз-ку, Владимир Ильич? Бу Шелехес деганларининг бегуноҳ эканига нега бунча ишонмасангиз?» Дзержинский Ленинга ваъда бериб, Шелехеснинг курсатмалари ЧКда гурга тиқилишини (Шелехес билан бирга) айтади. Ленин шеригини куткаришнинг иложи йуклигини тушунади, ЧК анчадан бери узига карши ҳам материаллар йиғиб юрибди. Саросима ичида у Бокийга мактуб ёзиб, нега Шелехеснинг тақдирига қизиқаётганини ва унинг кисматини юмшатмоқчи булаётганини зурма-зураки тушунтирмоқчи булади:

«1921 йил 9 август.

Уртоқ Бокий!

Шелехес (Яков Савельевич) ҳақидаги мактубда сиз «ҳатто Ленингача унинг ташвишида юришибди» деб ёзасиз ва Гохран иши буйича булаётган ҳар қанақа тазйиқлар ва талабномаларга мутлако эътибор бермасликка ижозат сурайсиз.

Бунга ижозат беролмайман.

Мен томондан юборилган суров на «тазйиқ», на «талабнома», на биров дардидаги «ташвиш» эмас.

Модомики, менга бирор ишнинг туғрилигига шубҳа бор эканини айтишганда, бу масалани суров йули билан аниқлаш бурчимдир.

Сиз менга бор гапни айтишга мажбурсиз, «далиллар ёки фош қилувчи ашёлар бор», «улар фалондақа, пистондақа, жуда жиддий» демоғингиз лозим. Мен «озод этишга», «юмшатишга» ва ҳ. к., ва ҳ к.ларга қаршиман.

Шундай тарзда сиз менга масаланинг моҳияти буйича жавоб бермоғингиз керак.

Талабнома ва «ташвишлар»ни рад этишингиз мумкин, «тазйиқ» гайриконуний харакат. Аммо такроран айтаман – ХКС Раисининг суровини талабнома, ташвиш ва тазйиқ билан аралаштириб юборишингиз хатодир.

ХКС Раиси В Ульянов (Ленин)».

Хуп, яхши, яхши, Владимир Ильич. Биз сизга асло панд бермоқчи эмасмиз. Аммо сиз ҳам, мархамат қилиб, бизнинг ишимизга аралашманг-да! Ахир, гап нимада эканини узингиз яхши биласиз-ку! Ахир сиз узингиз 1921 йилнинг апрелида, бизга қуйидаги мактубни юборган эдингиз:

«Мутлақо махфий!

Урток Уншлихт ва Бокийга! Бу иш эмас, расвогарчилик! Бунака ишлаб бўлмайди. Нималар деб ёзаётганларига қизиқиб куринг. Зарур бўлса, Молия Халқ Комиссари ва урток Баш билан бирга ўғирлик қандай содир килинаётганини топинг.

Қоғозларни махфийлиги сабабли илова билан ўз фикрингизни кушиб дарҳол менга қайтаринг.

24. IV. ХКС Раиси Ленин».

Илова «Нью-Йорк таймс» газетасидан киркиб олинган парча эди. Унинг таржимаси хам бор бўлиб, ёзувига караганда таржимани шахсан Ленининг ўзи килган:

«Большевистик Россиядаги «ишчи» раҳбарларнинг кўзлаган савдойи орзуси иккинчи Хорун ар-Рашид бўлишга уринишга ўхшайди. Факат фарки шундаки, афсонавий халифа бехисоб бойликларини Бағдоддаги узининг қасрида ертўлаларда асраган, большевиклар эса, аксинча, барча бойликларини Оврупо ва Америка банкларида сақлашни афзал курадилар. Бизга маълум булдики, факат утган йилнинг

узида большевик рахбарларининг ҳисобига куйидаги пуллар тушди: Троцкийдан АҚШнинг фақат битта банкига 11 миллион доллар ва Швейцария банкига 90 миллион швейцария франки;

Зиновьевдан Швейцария банкига 80 миллион швейцария франки;

Урицкийдан Швейцария банкига 85 миллион швейцария франки;

Дзержинскийдан 80 миллион швейцария франки;

Ганецкийдан 60 миллион швейцария франки ва 10 миллион АҚШ доллари;

Лениндан 75 миллион швейцария франки.

Афтидан, «жаҳон инқилоби»ни «жаҳон молиявий инқилоби» деб атасак тўғрироқ булади, шекилли. Бу «инкилоб»нинг бутун маъноси шундан иборатки, жаҳоннинг пулини йигирма-уттизта одамнинг жорий ҳисобига утказиш керак. Лекин буларнинг баридан биз битта бемазарок хулоса чиқарамиз: большевиклар нуқтаи назарида Швейцария банклари Америка банкларига караганда ҳар калай, ишончлироқ булган. Ҳатто, мархум Урицкий ҳам пулларини шу ерда саклашда давом этади. Шундай экан, биз узимизнинг молиявий сиёсатимизни уни купрок федераллаштириш нуқтаи назаридан кайта куриб чикишимиз керак, деган хулоса келиб чикмайдими?»

Тергов шиддат билан бошланди. Москвада «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг мухбири, Америка фукароси Маргарита Гаррисон жосусликда айбланиб камоққа олинди, бироз утгандан сунг Москвага Америка социалистик ишчи партиясидан Коминтерннинг III Конгрессига вакил булиб келган Америка журналисти Адольф Карм камоққа олинди. Америка фукароларидан яна бир неча киши банди килинди. Уларнинг ҳаммаси харбий ва сиёсий характердаги разведка материаллари туплашда айбландилар. «Нью-Йорк таймс» – Америка газетаси, шундай булгач, унинг кирдикорларига америкаликлар жавоб бериши керак.

Бундай мулоҳаза замиридаги темир мантикка қарамай, Ленинда бошка бир фикр пайдо булди. Бу вокеалар жараёнида ВЧКси тушмагур уғирлик изларини кидираётгани йуқ, балки ана шундай оддий муғомбирлик билан Лениннинг Америка

сенатори Френс, инженер Вандербильд ва корчалон Хаммер билан буладиган музокараларига раҳна солмоқчига ухшайди. Айтганча, ВЧК берган маълумотномага ишониб, Ленин Вандербильдни миллиардер деб ҳисоблаб юрган эди, ҳолбуки, у оддий инженер экан. Дохийнинг дохиёна калласида Россиянинг жамики ерости бойликларини сотиш фикри пайдо бўлиб қолди ва у зур бериб «концессиялар» ҳақидаги уз ғоясини тарғиб қила бошлади. Чет элларда турмага тушиб қолган фукароларни қуткариб олиш учун ҳамиша имкони бор жамики хатти-ҳаракатни қиладиган америкаликлар Ленин билан купрок Карм ва Гаррисонни озодликка чикариш тугрисида гаплашишди. Улар масаланинг моҳияти ҳақида камроқ гаплашишди, ҳолбуки бу моҳият улар учун ғоятда қизикарли ва акл бовар қилмайдиган даражада даромадли эди... Маълум бўлдики, Маргарита Гаррисон Мэриленд штати губернаторининг синглиси экан, музокаралар олиб бораётган Френс булса, шу штатнинг сенатори булиб чикди. Буларнинг бари Ленинни терговни шахсан уз назорати остига олишга мажбур қилди ва Ленин бир зумда чекистлар «уйин» қилаётганига амин бўлди. Америкаликларни қуйиб юбордилар. Ленинга аён бўлдики, «уғирликлар»нинг изланаётган излари туғри ЧКнинг ич-ичига сингиб кетган. Энди эса «уғирлик»нинг бош айбдори сифатида унга Шелехесни рупара қилишяпти.

Тилла билан ҳокимият Лениннинг қулидан сирғалиб чиқиб кетмоқда эди. Партия билан унинг жанговар отряди бўлмиш ВЧК Ленинни четлаб утиб, икки лагерга бўлиниб кетибди. Улар иккита қудратли сиймо – Троцкий билан кучайиб келаётган Сталин теварагига уюшишган. Бу икки сиймода бир-бирига зид икки тамойил мужассамлашган – уларнинг бири улжани олиб кочиш пайида, иккинчиси эса шу ерда колиб социалистик давлат куриш ниятида. Шуниси борки, ҳали бу мамлакатнинг ҳамма бор-буди шилиб олингани йўқ. Рақибларни фақат бир нарса бирлаштириб туради – ҳар иккининг ҳам «НЭП»га тоқати йўқ эди. Ленин буларнинг барини жуда яхши куриб турар ва бир-бирига душман тудаларни яраштиришнинг иложи булмаса, лоакал узининг теварагига яна жипслаштириш учун мудом ҳаракат қиларди. Лекин Шелехес иши дохийга ёмон панд берди. У жазавага тушади, сурок кайдномаларини узига юборишларини талаб

қилади, аммо ЧК дохийнинг курсатмаларини бажаришга сира ошикмайди. Лениннинг тоқати тоқ булади ва 19 август куни Уншлихтга қуйидаги мактубни йуллайди:

«19. VIII. Мутлако махфий.

Ўртоқ Уншлихт! Илтимос – тегишли одамга топширсангиз – у менга қуйидагиларни жунатсин:

1) қанака далиллар борлиги ҳақида аниқ маълумотнома;

2) Шелехеснинг суроғи ёки суроқларидан бир нусха. Мен бу тўғрида ёзган эдим. Тегишли одамга танбех беринг. Бундан кейин имилламасин. Коммунистик салом билан Ленин».

Аммо олтин икки йул билан – хорижга ва ВЧКнинг махфий омборларига ғойиб булишда давом этади. Ҳар икки томон ҳам бир-бирини фош қилиш учун имкони бор ҳамма ишни қилади, ҳатто, айрим материалларнинг Ғарб матбуотида пайдо булишига ҳам йул очиб беришади.

«Нью-Йорк таймс» 1921 йил 23 август сонида ёзади: «1917 йилда Россиядаги тунтаришга узларининг немис филиаллари оркали маблағ берган «Кун, Лейба ва Ко» банки миннатдор мижозлари томонидан унутилгани йуқ. Жорий йилнинг фақат биринчи ярми мобайнида банк Советлардан 102 миллион 290 минг долларлик маблағ олди. Инқилоб дохийлари АҚШ банкларидаги уз ҳисобларига қуйилган омонатни тобора кўпайтириб бормоқдалар. Масалан, Троцкийнинг бор-йуғи иккита Америка банкидаги жорий ҳисобидаги пул сунгги пайтда 80 миллион долларга етди. Ленин масаласига келадиган булсак, у уз жамғармаларини зўр бериб Швейцария банкида саклашда давом этмоқда, ҳолбуки, бизнинг эркин китъамизда йиллик фоизлар анча юқори».

1921 йилнинг октябрида Шелехесни отиб ташлашди. «Бечора заргар»ни Бутунроссия Марказий Ижроия Кумитаси кошидаги Олий Трибуналнинг Ҳарбий коллегияси суд килди. Гуё Шелехес оддий бир заргар эмас, балки инқилоб дохийларидан бири ёхуд марксизм назариётчисига айланган эди.

Ленин курашни давом эттиришга уринади. 1921 йилнинг 18 ноябрида у ВЧКга, Москва ЧКсига ва Молия Халқ Комиссарлигига буйрук йуллайди:

«Ҳозирги пайтда турли-туман давлат муассасаларида сакланаётган жамики бойликларни бир жойга жамлаш

мақсадида мазкур буйруқ қулга тегиши билан уч кунлик муддат ичида ҳозир ВЧК ихтиёрида булган жами кимматбаҳо буюмларни Гохранга топширишни таклиф қиламан. Халқ Комиссарлари Советининг Раиси В. Ульянов (Ленин)».

Ҳеч кимдан садо чиқмайди. Бу ҳам майли-я, Ленинга Гохрандан ахборот келмай қуяди. Ахборот урнига «Гохранга – зарбдор меҳнат!» қабилидаги шиорлар кела бошлайди. Гуё «Владимир Ильич, узингизнинг «НЭП»ингиз билан шуғулланаверинг, биз сизга ортиқ ишламаймиз. Ўлжага биз ҳам шерик булишни истаймиз», деб писанда қилишаётгандай.

1921 йилнинг 2 декабрида Ленин узининг садоқатли Горбуновини махфий топшириқ билан ВЧКга Менжинский ҳузурига юборади. Горбунов унга Лениннинг мактубини топширади:

«Мутлақо махфий.

Менга махфий равишда Горбунов орқали ҳозир Гохрандаги ахвол қанақа экани тўғрисида ахборот юборсангиз. Халқ Комиссарлари Советининг Раиси В. Ульянов (Ленин)».

«Гохранда ишлар зарбдорларча бормоқда», – деб жавоб беради Менжинский ва иши қуплигини рукач қилиб, Горбуновни ҳузуридан жунатиб юборади. Ҳаракатлар мантиғи Ленинга эслатадики, у сафдошларини уз теварагида фақат битта йул билан – уларни янги оммавий таловларга жалб этиш билангина бирлаштириши мумкин.

Мамлакатда дахшатли очлик бурони каттик хуруж этмоқда эди. Очлик Волгабуйи ва Украинанинг жуда кенг худудларига ёйилди. Тахминан, болаларни ҳам қушганда, 20 миллион одам очликдан ўлиш хавфи остида қолди. Кремль ҳукумати пул йуқлигини рукач қилиб, амалда очларга ҳеч қандай ёрдам курсатгани йуқ.

«Ҳамёнимизда ҳемири йуқ», – деб такрор-такрор айтарди Ленин минбарлардан ҳам, Алексей Максимович Горький билан килган хусусий суҳбатларида ҳам, Америка бизнесменлари билан булган мубоҳасаларда ҳам. Пул йуқ, аммо очларнинг ғалаёнлари ута шафкатсизлик билан оммавий отиш орқали бостирилади. 1921 йилнинг июнида Екатеринославнинг оч темир йулчилари иш ташлади. Ишчиларни пулемётдан уққа тутдилар. Иш ташлаш жойида 240 одам қулга олинди,

улардан 53 киши уша заҳотиёк Днепр буйида отиб улдирилиб, сувга ташланди. Қолганларини Умумукраина ЧКси жазолаш учун талаб қилиб олиб, Украинанинг уша пайтдаги маркази Харьковга олиб кетишди. Махсус мақсадга хизмат қилувчи кисмлар (ЧОН) оч қишлоқларга ёпирилиб кириб, ҳаммани ялпи отиб ташлашар, кейинчалик бу қишлоқда «эсэр-меньшевиклар фитна кутарган» деб ҳужжатларни расмийлаштириб қуйишарди. Мамлакат буйлаб бошпанасиз қолган миллионлаб болалар туда-туда булиб дайдиб юришарди. Улар большевикларнинг оммавий кирғинлари туфайли ота-оналаридан ажраган. Очлик янги-янги ҳудудларни эгаллаб, борган сари кенгроқ ёйилмоқда. 35 миллионга яқин одам очлик гирдобида ҳалок булиши мумкин.

Петроград, Одесса, Николаев шаҳарларининг элеваторлари ёнида эса ажнабий компанияларнинг кемаларига ғалла ортилмоқда. Бу ғалла олтин эвазига четга жунатилмоқда эди. Ленин ажнабий биржалардаги аҳволни урганиб, олтин ҳисобида миллиард сумлик рус ёғочларини сотиш имкони бор-йуқлигини аниклайди. Америкалик «концессионерлар» доҳий билан мулоқотда Россия ерости бойликларини сотиб олиш тафсилотларини аниклайдилар. Энг майда тафсилотларгача, масалан, шаҳарларда, конларда рус ишчиларига қанча ҳақ тулаш кераклигигача аниқланади. Америкаликлар кунига бир ярим доллардан тулашни таклиф қилишади. Ленин буни эшитиб даҳшатга тушади. Зинҳор-базинҳор бир тийин ҳам тулаш керак эмас. Биз узимиз тулаймиз. Сиз, жаноблар, ташвиш чекмай қуяверинглар. Америкаликлар қандайдир найранг булаётганини ҳис қилишади. Қаердаки ҳеч қанақа пул олишмас экан, у ерда, албатта, аллакандай фирибгарлик булади. Мамлакат эса ҳамон очликдан кирилиш ёкасида. Ленининг «ғалла монополияси» ҳақидаги доҳиёна башоратлари жуда ажойиб натижалар бермоқда. Майда буржуазия мафкурасининг асосини, яъни деҳқонларни очлик билан бутунлай ҳолдан тойдириш имкони вужудга келди. Бу отувлардан яхшироқ-да! Очликдан телба булган оломон ғалла омборларига ҳужум қилади. Ёғоч миноралардаги пулемётлардан ҳеч бир огоҳлантиришсиз ут очилади ва оломон шафқатсизлик билан қирилади. Атиги бир неча йилдан кейин бу доҳиёна режа Сталин томонидан такрорланади, аммо уники бир неча баробар самаралироқ булади.

20-йиллардаги очликнинг кулами ва оқибатлари, баъзи жиҳатларига кура, 1932-1933 йиллардаги сунъий туғдирилган очликка караганда ёмонрок булган. Лекин жуда муҳим фарқи ҳам мавжуд. Агар 1932-1933 йиллардаги очлик жаҳон афкор оммасидан бутунлай яширилган булса, 20-йиллардаги очлик, аксинча, большевиклар матбуотида ҳар томонлама кенг ёритилган. Матбуот ҳукуматнинг буткул ожизлигини таъкидлаб, Ғарбнинг инсоний ёрдамига тавалло қилган. Гарчи партия узининг акл бовар қилмайдиган беҳисоб бойликларидан бир тийин сарфлашни хаёлига келтирмаган булса-да, унинг айрим вакиллари узларининг жуда паст даражадаги синфий онгини намойиш этиб, кирилиб бораётган Россия бахонасида озик-овкат омборларини ва олтин хазиналарини очмокчи булишган. Лениннинг Владимир Бонч-Бруевич деган эски ошнаси бор эди. Бу ношуд «Ленин сабоқлари»ни узлаштиролмай утиб кетди. У Кремль ҳукмдорларини кулга киритилган улжанинг бир кисмини халқ фойдасига сарфлаш кераклигига кундирмокчи булди. «Модомики, биз давлат эканмиз, – дея уктирмокчи булди у (нима ҳам дейсан – зотига тортади-да, у чор амалдорларининг угли, чор генералининг укаси эди-да), – ҳозир мусодара қилинган мулк ҳам давлатники, бинобарин, бу мулкдан халқ фойдасига истифода қилинмоғи керак». Унга сабр-қаноат билан тушунтиришди – давлатнинг пули йук, у назарда тутган бойликлар эса «партиянинг олтинлари». Уларнинг эгаси партия, фақат партия. Бу бойлик партия кулидаги булажак меҳнат ва сармоя курашида муҳим стратегик куролдир. Йук, тушунмади, тушунадиганрок булсин деб камаб куйишмокчи булишган эди, Ленин эски ошнасининг жонига оро кирди («Ким буржуйлигини узим ҳал киламан»). «Илмий иш» қилсин, деб кавушини тўғрилаб куйишди.

«Инкилобнинг бурон куши» – канотлари кайрилган ва юлинган Горький очларга ёрдам сураб Лениннинг ҳузурига киришга муваффақ булди. «Очларга ёрдам қилишимиз учун пулимиз йуқ, – деб гапни чурт кесди Ленин. – Буржуазиядан бизга вайронлик, мухтожлик, қашшоқлиқ мерос қолди». Шундай булса ҳам, Горькийга баъзи бир жон саклаб колган зиёлилардан очларга ёрдам қумитаси тузишга ва Ғарбдан мадад сурашга рухсат берди.

Албатта, биринчи булиб, Америкадан садо чикди. Бу пайтга келганда Америка Инсоний Ёрдам Маъмуриятини (АРА) тузиб улгурган ва урушдан кейинги Оврупога ёрдам бераётган эди. 1921 йил декабрида Кушма Штатлар Конгресси Россиядаги очлар учун ёрдамга деб 20 миллион доллар ажратди ва АКШ фукароларини уз шахсий маблағларидан Россиядаги очлар фойдасига ёрдам курсатишга чакирди. АКШнинг булғуси Президенти Гувер раҳбарлик қилган АРАнинг ихтиёрига ҳукумат ва хусусий одамлар томонидан 45 миллион доллар утказилди. Бу ишга бошка халкаро ташкилотлар ҳам кушилди. Улар уз вакиллари оркали ёрдам кандай таксим килинаётганини каттиқ назорат килдилар ва ҳаммаси булиб 137 миллион доллар сарфлаб, 22 миллион 700 минг кишини улимдан сақлаб колдилар.

Ленин «Очлик» деб аталган жуда пухта уйланган тадбирни охиригача етказишга юраги бетламади – очликдан «атиги» 6 миллион одам улди, холос. Бу эса сафдошларининг Ильич жаҳон пролетариатининг доҳийси булишга ортиқ ярамай колди, деган тахминлари туғри эканини яна бир бор тасдиклади. Аммо Ленин яна бир бор узининг сунмас даҳосини намойиш этганда унинг ҳам унг томонидаги, ҳам сул томонидаги шериклари роса ҳайрон колишди. Очлик балосига карши курашда «совет ҳокимияти»нинг буткул ночорлигини куриб, патриарх Тихон раҳбарлигидаги Рус Православ черкови ортиқ чидаб туролмади. 1917 йилдан бошлаб «олтин вас-вас»ига йуликкан «байналмилалчилар» императорларнинг саганаларини, подшоларнинг кабрларини, кари авлиёларнинг гурларини бузиб оёкости кила бошлагандан бери черковнинг янги ҳокимиятга карши муносабати ошкора душманлик тусига кирганди. Ленин биринчи кунларданок черковга карши очиқ ҳужум бошлади, у черковни «давлатга мансублик» макомидан махрум этиш ҳакида, черков ва монастир ерларини мусодара этиш туғрисида, черковга «диний маросимлар»ни утказишдан бошка ҳар кандай фаолият билан шуғулланишни такиқловчи декретлар кабул килди.

Аммо вакт-соати келгунча оклар билан ошкора куролли кураш бораётган фурсатларда Ленин узининг ҳам, шериклари-нинг хам иштиёкларини тийиб туришга мажбур эди. Рус халкининг купчилиги уртасида черков жуда катта обру-

эътиборга эга эди ва фукаролар уруши кунларида тақдирнинг омонат турган тарозисининг бир палласига бу обру-эътибор оғир тош булиб тушиши мумкин эди. Туғри, ушанда ҳам рухонийларни отишган, черковларга ут куйишган, талашган, лекин буларнинг бари уюшмаган ҳолда килинган эди. Рост, ушанда ҳам Ленин масаланинг энг муҳим жиҳатини бир дақиқа бўлсин унутган эмас. Черков узининг 900 йилдан ортикрок муддатдаги тарихи давомида беҳисоб бойликлар туплаган эди. Шоҳлар ва императорлар, асилзодалар ва бадавлат садвогарлар черковга жуда катта микдорда пул ва бойликлар совға килишган, иконаларни олтин ва кумушга урашган, қимматбаҳо дуру жавоҳирлар билан безашган. Мукаддас китобларнинг муқовалари зарҳал безаклар билан нақшланганди. Бир неча авлодга мансуб моҳир заргарлар томонидан зеб берилган черков безаклари ибодатхоналар, монастирлар ва кавмларнинг фахри эди. Черков жамоатчилик уртасида жуда катта ишларни амалга оширарди – у бепул касалхоналар, етимхоналар, мактаблар, укув юртлари, карикартанглар учун бошпаналар курган. Инқилобгача Россияда христиан маънавияти курук гап эмас эди – XX аср бошига келганда кундалик турмушда одам ўлдириш камдан-кам учрайдиган вокеага айланганди. Мабодо бирон уездда қотиллик руй бериб колса, бу туғрида ҳамма пойтахт газеталари ҳайрат билан ҳанг-манг булиб ёзар эди.

Черков уша кездаги шароитда тилини тийиб, «фақир киши панада» қабилида иш тутиши кераклигини англарди, аммо «ишчи-деҳқон ҳукумати» ишчи ва деҳконларнинг очликдан кирилиб кетаётганини худди Нерон янглиғ хотиржамлик билан томоша қилиб турганини куриб ортиқ чидаёлмади. Патриарх Тихон Ленинга мактуб йуллаб, черков бойликларининг бир кисмини очларга ёрдам учун ғалла сотиб олишга сарфлашини таклиф килди. Патриарх шурликнинг анча анойи одам булганини айтмай куя колайлик – у, ҳукумат черковнинг бу маблағини олади-ю, уни очларнинг эҳтиёжларига сарфлайди, деб уйлаган.

Ленин қаттиқ ғазабга келди. Патриархнинг мактубини у черковнинг даҳдаҳаси деб қабул килди. Доҳийнинг айниган миясида олижаноб ва фидойи хатти-ҳаракатларни англашга урин колмаган эди. Ҳар қандай ҳаракатни у фақат сиёсий

ҳаёт-мамот жанги нуктаи назаридангина баҳоларди. Черков ҳукуматни ҳижолатга солиб қуйганди. Ҳукумат фаолият курсатмаяпти, шунинг учун черков «бизни таҳқирлаш мақсадида, узининг таъсирини курсатиб қуйиш ниятида» бояги таклифларини пеш қилмокда. У гуё бизни назорат қилаётгандай. Бизга дашном бермокда. Йук, ҳеч нарса қилолмайсиз, муғомбир поплар! Ҳеч нарса келмайди қулингиздан! Биз бошқа йулдан борамиз!

Апил-тапил Сиёсий бюрони йиғиб, Ленин Патриархнинг мактубини укиб берди ва черков аъёнлари билан ҳисоб-китоб киладиган фурсат келганини айтди. Черковни, очларга ёрдам курсатиш учун уз бойликларидан сарфлашни хоҳламаяпти, деб айблаш керак, шунинг учун совет ҳукумати черковнинг ҳамма бойлигини мусодара қилишга мажбур. Сиёсий бюрога бу гаплар жуда хуш ёкди. Ахир, яхши-да! Ленин булажак тадбирнинг максадларини таъкидлади: партия жамғармасига олтин ҳисобида бир неча юз миллион (бир неча миллиард булса ҳам ажаб эмас) сумлик маблағ қушилар экан. Ҳеч ким канча маблағ тушишини аниқ билмас эди. Бу эса жазавани зурайтириб, қатъий ҳаракатларга ундар эди.

Патриарх Тихон узининг олижаноб таклифига совет ҳукумати нима деб жавоб беришини кутиб утирар экан, Ленин 1922 йил 23 февралда «Черков бойликларини очлар фойдасига мусодара қилиш ҳақида»ги декретга имзо чекди.

Бу декрет Ильичдан ҳафсаласи пир булганларнинг ҳаммасини, ҳатто, Сталинни ҳам ғоятда хурсанд қилди. Жуда катта ишни амалга ошириш керак эди. Мамлакатда 80 мингга яқин христиан черкови бор эди. ГПУ отрядлари (эндиликда ВЧКнинг номини шундай атай бошлашган эди) ибодатхоналар ва монастирлар сари ташландилар. Художуйлар узларининг муқаддас буюмларини жон-танлари билан ҳимоя қилишди. Ҳужум қилаётганлар заррача иккиланмай уларга карши ут очишди. Черковларда қулга илинадиган бойликларнинг ҳаммаси тортиб олинди, ҳатто, Иван Грозний ва Романовлар сулоласининг биринчи подшолари давридаги буюмлар ҳам сандиқлар ва копларга жойланди. Безак тарзида урнатилган дуру жавоҳирлар ажратиб олинди, тилла ва кумуш пуллар мусодара қилинди. Қадимий иконалар, ноёб қулёзмалар, XIII асрга мансуб Инжил ёндирилди.

Аммо буларнинг бари ҳали ҳолва эди. Ленин декретидан гангиб колган патриарх Тихон узига келиб «Россия Православ черковининг жамики қавмига» хитобнома билан мурожаат килди (28 февраль). «Черков нуктаи назаридан бунака тадбир ашаддий куфр ҳисобланади. Биз ибодатхоналардан муқаддас буюмларнинг тортиб олинишини маъкуллай олмаймиз. Ҳатто, улар ихтиёрий тарзда тухфа қилинганда ҳам, уларни олиш мумкин эмас, чунки умумжаҳон черковининг карори билан муқаддас буюмлардан ибодатдан бошка максадларда фойдаланиш такикланади ва ашаддий куфр сифатида жазоланади».

Ҳазрат патриархнинг хитобномаси черков минбарларидан укиб эшиттирилди, кулма-кул булиб, оғиздан-оғизга кучди, уйларнинг деворларига ёпиштирилди. Хитобнома халкни каршилик курсатишга ундарди. Бутун мамлакат буйлаб ибодатхоналар теварагида ҳакиқий кирғинбарот бошланди. Аммо куролсиз художуйлар тиш-тирнокларигача куролланган чекистларга уюшган тарзда каршилик курсатолмас эди. Куп жойларда оломонни пулемёт билан таркатиб юборишар, кулга олинганларни эса уша куниёқ отиб ташлашарди. Аммо оддий рус кишилари уртасида черковнинг обруйи нечоғли баланд эканини тушунган ва умумхалк исёнидан ҳадиксираган ҳукмдор арбоблар ҳар доимгидек мунофиклик йулига утдилар ва ёлғон хитоблар билан «халққа» мурожаат килиб, «меҳнаткаш омма»нинг култиғига сув пуркадилар. 1922 йилнинг 28 мартида ҳукумат ахбороти эълон килинди: «Черковни ва художуйларни қай бир йусинда булмасин таъкиб килиш ҳакидаги фикр хукуматга бутунлай ётдир. Бойликлар халк меҳнати билан бунёд этилган ва улар халкникидир. Агар қимматбаҳо буюмлар бошқа соддарок буюмлар билан алмаштирилса, диний маросимларни амалга ошириш бундан мутлако зарар курмайди. Қимматбаҳо буюмлар эса етарли микдорда ғалла, уруг, чорва, асбоб-ускуна харид килишга имкон беради. Бу эса, уз навбатида, факат одамларнинг ҳаётинигина эмас, балки Волга буйидаги ва Совет Федерациясининг очликдан азоб чекаётган ҳамма жойларидаги деҳконларнинг ҳужалигини ҳам саклаб колади... Аммо ҳашамга кумилган, тиллага, шоҳи-атласларга, дуру жавоҳирларга урганган черков раҳнамоларигина бу хазиналарни

миллионлаб ҳалок булаётган одамларни қутқариш ишига беришни истамайди. Ҳар қандай қилиб булса-да, бойликларни уз қулида саклаб колишни истаган черков раҳнамолари жиноятқорона фитналар қилиш ва ошкора исёнлар уюштиришдан ҳам тоймаяпти. Художуйларнинг эҳтиёжларига аввалгидай диққат-эътибор билан карашда давом этган ҳолда Совет ҳукумати черковнинг имтиёзли раҳнамолари ишчи-деҳқон давлати ичида черков сардорлари учун алоҳида бир давлат тузмоқчи булсалар, бунга бир дақика ҳам токат қилиб туролмайдилар».

Эълон қилинган мурожаатнома черков билан художуйлар оммаси уртасига нифоқ солишга каратилган эди. Айни чоғда, унда Православ черкови рахбариятига ошкора таҳдид ҳам мавжуд эди. Одатдагидек, бу мурожаатномада Кремлда аллақачон қабул қилинган махфий қарорларнинг акс-садоси яққол сезилиб турарди. Ленин жуда кутаринки руҳда эди. Унинг аввалги ғайрати ва жанговар шижоати қайтиб келди. «Таланганни тала!» деган дохиёна шиорни майдонга ташлаган пайтларидагидек кузлари ялт-ялт порларди.

1922 йилнинг 19 мартида у Сиёсий бюро аъзоларига, ГПУ рахбариятига, Адлия Халқ Комиссарлигига ва Инқилобий трибуналга махфий дастурий мактуб йуллайди. Бу вақтда уларнинг ҳаммаси черков бойликларини тортиб олиш тўғрисидаги Декретни яхшироқ ва ҳамжиҳатроқ бажариш масаласида кенгашга тайёрлик кўрмоқда эдилар.

«Бу кенгашда, – деб курсатма беради Владимир Ильич, – кимматбаҳо буюмларни тортиб олиш ҳакида, айникса, энг бой монастирлар, ибодатхоналар ва черковларнинг бойликларини мусодара қилиш ҳакида махфий қарор кабул қилиш керак. Қарорда бу ишни шафқатсиз қатъият билан, ҳеч нарсани юз-хотир қилмай, жуда кисқа вақт ичида утказиш зарурлиги таъкидлансин. Шунинг учун биз реакцион буржуазия ва реакцион руҳонийлар вакилларини қанча купрок миқдорда отиб ташлашга муваффақ булсак, шунча яхши. Айни ҳозирги пайтда буларнинг таъзирларини шундай бермоқ керакки, токи улар кейинги ўнлаб йиллар мобайнида қаршилик кўрсатишни хаёлларига ҳам келтирмасинлар. 19.III. 1922.

Халқ Комиссарлари Совети Раиси В. Ульянов (Ленин)».

Инсоният тарихида хеч качон, хатто, кадимги золим подшолар замонида хам биронта давлат бошлиғи бунга ўхшаш хужжат остига имзосини куйишга журъат килмаган эди. Уз тузумидаги жиноятларга куп холларда шахсан ўзи фатво берган Лениннинг катъияти Сталиннинг хам, Гитлернинг хам хавасини келтирган эди. Сталин Лениннинг катъияти хакида хамиша койил колиб гапирарди, бу билан у гуё ўзининг катъиятсизлигини таъкидламокчидай буларди. Сталиннинг ўзи куп хужжатларга имзо чекишдан хадиксирар, хатто, харбий зарурият мажбур килганида хам Ленинград куприклари ва Москва корхоналарини портлатиш хакидаги буйрукни имзоламаган эди.

Ўзига тобеларнинг жиноятлари учун масъулиятни буйнига олган дохийнинг катъияти уларни койил колдирмаслиги ва унга хурмат туйғуларини туғдирмаслиги мумкин эмасди, чунки сафдошлар жиноятни килиб кўйиб, унинг гуноҳини буйрук берганга ағдариши турган гап. Мазкур масалада эса хамма мамнун эди: Троцкий теварагида уюшганлар мамлакатдан кочиб колишни ўйлашар экан, бу тадбир туфайли ўзларининг ғарбий банклардаги жорий хисобларида ётган миллион-миллион маблағларини янада орттиришга чоғландилар. Сталиннинг теварагига уюшаётган ва борган сари купайиб бораётганлар эса мамлакатда колиб, забт этилган Россияда рохат-фароғатда хаёт кечириб, уни булғуси кирдикорлари учун бир заминга айлантириш пайида эдилар. Улар бу мамлакатда карокчилик мафкурасини давлат динига, Лениннинг ўзини эса янги диннинг мукаддас санамига айлантирмокчи эдилар. Янги дин эса хамиша эскисини махв этишни такозо килади.

Черковлар, Ленин буюрганидек, «шафкатсиз катъият» билан «жуда кисқа муддат» ичида талон-тарож килинди. 40 мингта рухоний, рохиб ва дьяконлар отилди, бундан ташкари, черков жамоаларига кирувчи яна юз минг художуй отиб ташланди. Соф даромад олтин хисобида икки ярим миллиард сумни ташкил килди (кайта куриш ва ошкоралик даврида-ги юраги пукиллаган тарихчиларнинг ута камтарона хисоб-китобларига кура). Ғарб мутахассисларининг фикрича, бу ракамни уч баравар купайтириш керак. Хар холда ибодатхоналар ва монастирларнинг сони жуда куп ва уларнинг хар бири

камида 300 йиллик тарихга эга эди. Эслаш мумкинки, АРА 137 миллион доллар сарфлаб, 20 миллиондан ортик одамнинг корнини туйғазди ва улимдан сақлаб колди. Совет статистикасининг курсатиши буйича, 1922-1923 йилларда хориждан 1 миллион сумлик ғалла харид килинган (асосан уруғлик учун). Чорва ва кишлок хужалик асбоб-ускуналарига келсак, улар, умуман, харид килингани йук. Бу бехисоб бойлик каёкка кетди? Ахир, ваъда килинганда, шу бойликларнинг узинигина теппа-тенг булиб берилганда, хатто Россиядек хонавайрон мамлакат хам Кувайтга ухшаган бой ва гуллаб-яшнаган бир давлатга айланарди. Аммо, табиийки, бундай булгани йук, чунки кузланган максад бутунлай тескари эди.

Большевик раҳбарлар орасида энг расвоси ва энг куркоғи булган, шунинг учун хам инкилоб дохийсининг абжирлигига хаммадан кура купрок мадху сано укиб койил колган Бухарин уша кахрамонона кунларни завк-шавк билан эслайди: «...биз черковни шип-шийдам килиб шилдик, унинг «мукаддас кадриятлари»га узимизнинг оламшумул тарғиботимизни карши куйдик, бу бойликлардан очларга хемири хам ажратганимиз йук: православ поплар ёрдамида ГПУ кошида узимизнинг «черковимиз»ни барпо этдик. Биз Филаретнинг донишхонасидаги буткани менинг кунглимга якин «коммунизм алифбоси» билан, илохиёт конунини сиёсий савод билан алмаштирдик, шогирд болаларнинг буйинларидаги бутларини олиб ташладик, иконалар урнига «дохий»ларнинг суратини илдик, авом деҳкон учун коммунистча расм-русумлар билан Ильичнинг макбарасини очмокчимиз. Хуб ахмокона мамлакат-да!»

1922 йилнинг майида патриарх Тихон Мукаддас Синоднинг хамма аъзолари билан бирга камокка олинди, 32 митрополит ва архиепископ отиб ташланди. Аммо расман «отилди» деган билан, аслида вахшийларча кийнаб улдирилди. Киев митрополити Владимир танаси моматалок килиниб, бичилган, кейин отилган ва кип-яланғоч ҳолда чохга улоктирилган. Патриарх казо килган такдирда унинг урнини эгаллаши керак булган Петроград митрополити Вениамин кахратон совукда сув куйиб яхлатилган, кейин чуктириб юборилган. Бир вактлар уз ихтиёри билан подшо ёнидан сургунга кетган Тобольск епископи Гермоген тириклай

кема чамбарагига боғлаб қуйилган. Чамбарак айланиб унинг танасини лахтак-лахтак қилган. Утмишда Японияда христиан динини тарғиб қилиб донг қозонган Пермь архиепископи Андроник тириклай ерга кумилган. Чернигов архиепископи Василий бутга тортилиб, ёқиб юборилган.

«Айни ҳозирги пайтда буларнинг таъзирини шундай бермоқ керакки, токи улар кейинги унлаб йиллар мобайнида қаршилик кўрсатишни хаёлларига ҳам келтирмасинлар. Ленин».

«Тилланинг баҳоси кескин пасайиб кетиши туфайли жаҳон биржаларида вас-вас бошланди. Мутахассисларнинг фикрича, бунинг асосий сабаби – жаҳон бозорига Россиядан кўп тилла келаётганида. Ҳозирги пайтда бу шўрлик мамлакатда ҳукмронлик қилаётган большевиклар партиясини бемалол «сариқ иблис партияси» деб атаса булади», – деб ёзган эди инглиз газетаси «Гардиан». 1923 йилнинг мартида «Тайм» газетаси унинг гапларини қувватлайди: «Сул социалистлар томонидан Лондоннинг тадбиркорлар маҳалласида жойлашган иккита олти қаватлик уйнинг ҳар бирини кимошди баҳосида олти миллион фунт-стерлингдан сотиб олингани ва турт миллион фунт-стерлингга Карл Маркс дафн қилинган жойга унинг ҳашамдор ҳайкалини урнатилиши шундан далолат берадики, большевиклар Москвада гўё очларга ёрдам учун черковдан мусодара қилган пулни нимага сарф қилишни яхши билишади. Маҳв этилган Россия нечоғли бой мамлакат булганини биз эндигина англай бошладик».

Урта Осиё муғуллар истилосидан сунг, Оврупо уттиз йиллик урушдан кейин, Франция ун йил давом этган улатдан кейин ва ҳатто, уларнинг барини қушиб олганда ҳам хароблиги жиҳатидан Россия Ленининг салкам етти йиллик хукмронлиги окибатида тушиб колган холатига киёслаб ҳам булмасди. Рус жамиятининг маърифатли аъзоларининг кўпчилиги ғойиб булди – улар ё кирилди, ё даҳшат ичида мамлакатдан кочди. Террор, ҳарбий ҳаракатлар ва очлик важидан иссик жойидан бегона булган миллионлаб одамлар мамлакатнинг ҳар томонига таркалиб кетди. Инқилобдан аввал бир ховуч пролетариат бутунлай йўқ қилинди. Уз хужалигини Оврупо андозалари даражасида юритган энг илғор деҳконлар ё улдирилди, ё номаълум томонларга кочиб кетди. Иқтисодиёт

издан чикди. Бир вақтлар дунёдаги энг кудратли дарё флоти ҳалок булди. Россиянинг ифтихори – унинг темир йуллари вайрон булди, вагонлар амалда йуқ қилиб битирилган эди. Хароб булган черковлар култепалар узра ҳалок булган цивилизацияга қуйилган ҳайкалдай қаққайиб турарди.

Россия уликларнинг суяклари билан қопланган бепоён далага айланди – унинг на оҳи, на фарёди колган эди. Ҳаммаёқда ҳорғинлик, ҳаммаёқ оёқости қилинган, ҳаммаёқ эзиб-янчилган, энг муҳими – ҳамма нарса уғирланган ва талаб кетилган. Подшоларнинг ағдар-тунтар қилинган мақбараларидан тириклар ва уликларнинг ағдарилган киссаларигача. Ҳамма асрларнинг «жаҳон инқилоби» деган ном остидаги энг улуғ муттаҳамгарчилик амалда хотимасига етиб колганди. Биронбир ракам йукки, бу тадбирни пулга чақиб, нархини айтиб бера олсин. Россия деб аталган бепоён ва улуғ мамлакатнинг жамики миллий бойлиги «ПАРТИЯ ОЛТИНИ» деб аталган битта баҳайбат ёмбига жо қилинди. Лекин бу билан ҳали иш битгани йуқ эди. Олдинда янада даҳшатлирок келажак қора булут булиб куланка ташлаб турарди.

1922 йилнинг декабрида кутилмаганда жуда нохуш бир вокеа руй берди: Швейцария банки Ленининг вакили Ротштейнга у мансуб булган фирманинг (у эса большевиклар партиясининг вакили эди) сармоя пуллари учта алоҳида ҳисобга утказилганини маълум қилди. Шахсий ҳисобдаги пуллар шундайлигича колибди. Қария Парвус яна бир бор Ленининг адабини бериб куйибди. Бу билан у ҳар қандай ишда, айниқса, молиявий ишларда чаламуллалик кетмайди, демоқчи булибди-да. Бу зарбадан Ленин йиқилди.

У узига келар-келмас, врачлар ва қариндош-уруғларининг норозилигига қарамай, узини Кремлга олиб боришларини талаб килади. Бу ерга келиб амин буладики, бежиз хавотир булмаган экан. Унинг кабинетини роса тинтишибди. Сейфни очишибди, ундан «ута махфий» ҳужжатларни олишибди, шу жумладан, банк қоғозлари, чек дафтарлари ва турли-туман паспортларни ҳам олишибди. Садоқатли Горбунов ҳам ғойиб булибди.

Горкида улуғ князь Сергей Александровичнинг собиқ қасри теварагида байналмилалчи жангчилар туну кун соқчилик қилишади. 1923 йилнинг изғиринли қаҳратон тунларидан бирида улар даҳшатли увлашни эшитдилар. Бу овоз

гуё уйнинг тагидан келаётгандай туюларди. Тун ярмидан оғиб қолган, осмонда тўлин ой нур сочиб турибди. Милтиқларнинг қулфини шақир-шуқур қилиб сокчилар овоз келаётган жойга якинлаша бошлади. Уларнинг назарида бурилар хуруж қилгандай эди. Аммо келиб карашса, бури куринмайди. Биринчи каватдаги ойнаванд равонда юмшоқ уриндиқда Ленин утирибди. Устида телогрейка, оёғида пийма этик. У хориган юзини ойга тутиб, чузиб-чузиб увилламоқда эди. Ёвуз рух фазодаги биродарларига илтижо қилиб, уни хам узлари билан эркинликка олиб кетишларини утинмоқда эди. Ленин қилар ишини килиб булган эди...

1924 йил январининг қаҳратон совуғида ишчилар белкурак ва мисранглар билан муваккат мақбара учун пойдевор кавламоқда эдилар. Бехосдан мисранг канализация кувурини тешиб юборди. Аммо совуқ шу қадар зур эдики, тешик бир зумда музлаб қолди. Уни пайқашмади.

Илиқ баҳор кунлари келиши биланоқ кувур ёрилди ва мақбарани нажосат босди. Уй қамоғида толиқиб утирган патриарх Тихон бу хабарни эшитиб, ғусса билан деди: «Гуноҳига яраша жазоси!»

ИККИНЧИ ҚИСМ

ИСТИЛО

Лениндан қолган меросни қуздан утказар экан, Иосиф Виссарионович Сталиннинг норози булиши учун ҳамма асослар мавжуд эди. Биринчидан, у узини ҳаммадан кўпроқ карокчи урган одамдай ҳис килди. Рост-да, ахир у – Марказкум аъзоси, Ленин тузган биринчи ҳукуматнинг аъзоси, фукаролар уруши жабҳаларида сарсону саргардон юриб, ҳар дакикада укка учиш, найза зарбига дуч келиш, тилка-пора булиш хавфи остида энг оғир юмушларни бажариб келса-ю, уни тунаб кетишса?..

Буни каранг – у тиззасидан қон кечиб, ичтерламалар сассиғини ютиб, айни чоқда янги ҳукумат вакилларининг ақл бовар килмайдиган фитнаю найранглари ботқоғида тимирскиланиб юриб, мамлакатнинг турли бурчакларидан Москвага вагон-вагон тиллалар, эшелон-эшелон ғалла (ғалла деганлари эса вакт-вақти билан тилладан ҳам киммат эди) жўнатиб турган булса-ю, кузини шамғалат қилиб, буларнинг барини уғирлаб кетишган, хорижга утказиб юборишган, шахсий ҳисобларга, фаол ҳиссадорлик жамиятлари ҳисобига, унг келганда қулга киритилган банклар ҳисобига ёздириб қуйилган булса... Сталин буларнинг ҳаммасидан бутунлай бехабар эди, деб-ку булмас. Хабардор эди, албатта. Аммо ишнинг ҳакиқий куламини билмас эди. Шунингдек, уз улуши (қонуний улуши) бу даражада оз булади, деб уйламаган эди. Уни Кремлдаги ёглик жойидан ва Коминтерндан суриб, Миллатлар Халк Комиссари лавозимига утказиб қуйишган ва хужакурсинга тузилган Рабкринга (Ишчи-деҳқон назорати) раис қилиб қуйишган эди. Шунинг учун Сталин большевиклар томонидан забт этилган Россияда нималар булаётганини дабдурустдан англаб етмади. Айтганча, у пайтларда узича ҳаммасидан вокифман, ҳамма нарсани фаҳмлаб, билиб турибман, деб

уйларди. Ҳар бир кун унинг учун мутлақо кутилмаган бирор воқеа олиб келар ва уларни кўриб Сталин содир бўлаётган ҳодисаларнинг фаҳмига етиш чиндан-да жуда қийинлигига, балки умуман, мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қиларди.

Фуқаролар уруши тамом бўлди. Миллионлаб кўзлар ун-сиз бир савол билан Ленинга қадалди: келишиб олинганига кўра «таланган» маблағ қачон бўлиб берилади? Ленин чаққон ҳаракатлар билан киссасини ағдариб курсатди – мана, киссада ҳемири йўқ, лаънати буржуйлар бор пулни бир тийинигача колдирмай узлари билан олиб кочиб кетишди. Ҳатто, деворлардаги михларгача суғуриб олиб кетишди, кема-кема тузларни гум килишди. Бошқа гапирадиган гапга хожат ҳам колгани йўк. Куплар теваракка аланг-жаланг караб, бу гапга ишонди. Кўплар, бунда бирон-бир оламшумул фирибгарлик йўқмикин, деб уйлаб гумонсиради. Сталин ишонди, чунки хазина ойдаги чукур каби бум-буш эканини биларди. Пуллар хазинада эмас. Хуш, қаерда бўлмаса? Бу савол унинг узини ҳам кизиктирарди. Аммо бундан ҳам ортикрок уни бошка бир масала ташвишлантирар эди – хуш, энди бу ёғига нима қилиш керак? Маълум бўлдики, бу масалада ҳеч кимнинг, жумладан, Ленининг ҳам бирон-бир аниқ режаси бўлмаган экан. Бундан ҳам таажжубланарли жойи шундаки, бу тўғрида ҳеч ким жиддий уйлаб ҳам кўрмаган эди. Режа бажарилди, энди ғойиб бўлиш, эриб кетиш керак, лакабларни узгартириб, Атлантика ёки Тинч океани тўлқинларининг садолари остида тинчгина айш-ишрат килиб яшайвериш керак. Бу – умаришга уста чапдастларнинг мулжали эди. Бунақалар ўттиз кишича. Хуш, бошкалар-чи? Улар нима қилсин?

Нафасни ростлаб уйлаб олиш учун НЭПни эълон қилишди. Шундан кейин Ленин кутилмаганда «халкаро пролетариат доҳийси» деган сифатини тарк этди-ю, улуғ давлатчилик васвасасига йўликиб, империяпараст бўлди-колди – энди у жаҳон инкилоби ҳакида эмас, Россия империясини 1914 йилдаги ҳудудларда тиклашни орзу кила бошлади. Аввалига бунга ишонишмади – нутқларининг матнини махфий равишда психиатрия экспертизасига жўнатишди – бирор кор-ҳол бўлиб колмадимикин? У ердан жавоб келди – ҳа, ахвол чаток: ҳаяжони ҳаддан зиёд, гапларида тутурик йўк, жумлалар чала, зиддияти кўп, мунтазам маъно етишмайди. Аммо маъно бор

эди. Буни Сталин дархол илгаб олди. Жаҳон инқилобидан ҳеч нарса чиқмади, шундоқ бўлгач, Ильич башорат қилганидай, «биз ҳалок бўламиз». Ҳалок бўлмаслик учун эса ҳаддан ташқари қудратли бир давлат қуриш керак (Лениннинг назариясига кўра бу давлат аллақачон улиб кетиши лозим эди) ва айни ана шу қудратли давлатни курол қилиб олиб, жаҳон инқилобини амалга ошириш керак. Айтишга осон! Буларнинг барига пулни қаердан топасан? Ахир, Владимир Ильич, сиз ҳамтовокларингиз билан бирга шундай бадавлат мамлакатнинг ҳамма миллий бойлигини тубсиз киссаларингизга жойлаб бўлибсизлар-ку! Ахир, сизнинг НЭПингиз мамлакатни расво киляпти-ку! Бу мамлакат жаҳон инқилобининг депоси эди, НЭП туфайли у бепоён бир хашаки бозорга айланиб қолди-ку! Ахир, сизнинг «эски большевиклар»дан ташкил топган, мақталган гвардиянгиз дабдабаю ҳашамга берилиб, ортиқ ҳеч нарса билан қизиқмай қўйди-ку! Қизиқса ҳам, фақат капиталистик мамлакатлардаги кучмас мулку акцияларнинг нарх-навосига қизиқади, холос, кўрсалар ҳам фақат ўзлари учун ўзгаларнинг номига ёзиб берилган хорижий паспортларни кўради.

Секин-аста ҳокимиятни ўз қўлида жамлар экан, Сталин ҳайрат билан кўрдики, бу ишда унга ҳалақит берадиган одамнинг ўзи йўқ. Ҳеч ким келажак ҳақида жиддий ўйлаётгани йўқ, ҳамма ҳозирги кунидан рози эди. Фақатгина номи ГПУ деб ўзгартирилган ЧК ишлар эди, аммо у ҳам алланечук ялқовлик билан ишлар, бир кунда отган одами нари борса, икки юз кишига зўрға етарди. Чекистлар ҳам ўзларини алданган деб ҳисоблардилар. Улар қўлларида тутуни чиқиб турган маузерлар билан беш йил давомида ҳамма бойликларни марказга ташишди, бу ўлжадан ўзларига ҳам тенг улуш тегишига умид боғлашди. Қани уша беҳисоб бойликлар? Умидлар умидлигича қолиб кетаверди. Сталин бу аҳволдан жуда яхши фойдаланди. У махфий полиция устидан назоратни эгаллаб олар экан, ҳокимиятнинг ижроия органи учун бундан пухтароқ бирон нарса уйлаб топишнинг иложи йўқлигини яхши тушунарди. Ленин меҳр билан «большевиклар» деб атаган одамлар айнаб расвоси чиқиб кетди. Кўз очиб юмгунча-я – бор-йўғи олти йил ичида шундай бўлди!

Ленин буларнинг ҳеч қайсисини кўрган ҳам, англаган ҳам эмас, деб бўлмайди. Жуда яхши тушунар эди. Аммо

мухолифларининг иштаҳаларини тийиб юрарди. Инсон бахти – пулда эмас. Нима қаёққа ғойиб бўлганини партия билади. Минғир-минғирларнинг кўпайиб бораётгани шу сабабданки, одамларни кам ота бошладилар. Отувни кенгроқ қўллаш керак, уртоқлар! СССРни барпо этиш ғоясига мубтало бўлган Ленин, бўлғуси «ишчи ва деҳқонлар» давлатининг ҳуқуқий асослари ҳақида кўп ўйлайди. Отувлар қанча кенг қулланса, бўлғуси давлат шунча қудратли бўлишига Ленин астойдил ишонади.

1922 йилнинг уртасида НЭП авжга миниб турган кезларда Ленин сўнгги кучларини тўплаб, аввалги обру-эътиборини янгидан тиклашга яна бир бор уриниб кўради. У ўз тарафдорларини қайтадан ўз теварагига тўпламоқчи, уларни янги босқинларга отлантирмоқчи ва шу йўл билан мадордан қолиб бораётган қўлларида чексиз ҳукмронлик жиловларини тутиб қолмоқчи бўлади. Бу, албатта, қудратли социалистик давлат ҳақидаги орзуларга унча эш келмайди, аммо доҳийнинг тутуриксизлиги аллақачон якинларини ҳайратга солмай қўйган эди. Энди бу тўғрида латифалар тўқиладиган бўлганди. Ҳа, бундан ташқари, яна кимни таласа бўлади? Мамлакат аллақачон ўлик саҳрога айланиб бўлган. Аммо ижрочиларнинг кўзигагина шундай кўринади. Дахо эса ҳамиша олға карайди ва келажакни тобеинларидан кўра яхшироқ кўради. НЭПдан ёғ босган мансабдорлар Ленинга улуғ социалистик давлатнинг бўлғуси жиноий кодекси лойиҳасини беришади. Владимир Ильич ҳаётида сўнгги марта ижодий қуввати томирларида жўш урганини ҳис қилади-ю, лойиҳани қизил қалам билан роса безаб чиқади.

Шунақа ҳам ландовурлик бўладими? Қани инқилобий шижоат?

«Ўртоқ Курский, – деб ёзади Ленин узининг Адлия халқ комиссарига, – менимча отувни қўллашни кенгайтириш керак, меньшевиклар, эсэрларнинг ҳамма фаолиятларига нисбатан отувни қўллаш лозим; бу фаолиятни халқаро буржуазия билан ва унинг бизга қарши кураши билан боғлайдиган (матбуот ва агентликларни сотиб олиш, урушга тайёргарлик олиб бориш ва ҳ.к.) ибораларни топиш зарур. Ўзингизнинг мулоҳазаларингизни қўшиб, зудлик билан менга қайтаришингизни сўрайман. Ленин. 1922 йил 15 май». Йўқ! Курский тушунмайди! Гап фақат

меньшевиклар билан эсэрлар ҳақидагина кетяпти, деб уйлаши мумкин. Унга батафсилроқ тушунтириб бермоқ лозим.

Орадан бир кун утгач, 1922 йил 17 май куни Ленин Курскийга янги мактуб йуллайди: «Ўртоқ Курский! Жиноий кодекснинг қушимча параграфи қораламасини сизга жунатяпман. Бу қораламани, албатта, тузатиш ва қайта ишлаш лозим. Қораламанинг ҳамма нуксонларига карамай асосий фикр равшан булса керак: террорнинг моҳияти ва зарурлигини, унинг чегараларини аниклаб берувчи принципиал ва сиёсий ҳакконий (нафақат тор ҳуқуқий) қоидаларни ошкора айтиш зарур.

Суд террорни йукка чиқариши керак эмас, буни ваъда килиш уз-узини ҳам, бошкаларни ҳам алдаш буларди. Аксинча, суд муросасиз тарзда сира иккиланмай террорни конунлаштирмоғи зарур. Бу уринда сохталик ва кузбуямачиликка урин йуқ. Ибораларнинг маъноси имкони борича кенгроқ булиши керак. Сабабки, фақат инқилобий ҳуқуқ ва инқилобий виждонгина отувни амалда озми-купми кенгроқ қуллаш шароитларини беради.

Коммунистик салом билан Ленин».

Маълумотига кура, узи ҳуқуқшунос булган Ленин РСФСР Жиноят кодексининг уз кули билан ёзган учта вариантини йуллайди.

«I-вариант.

Капитализм урнига келадиган коммунистик мулкчилик тизимини эътироф этмайдиган ва бу тизимни истило йули биланми, қамал биланми, жосуслик биланми ёки матбуотга маблағ ажратиш биланми ва бошка воситалар ёрдамида зурлик билан ағдариб ташлашга интилувчи халкаро буржуазия кучларига кумак беришга йуналтирилган тарғибот ё ташвикот ёки ташкилотларга уюшиш ёки ташкилотларга ёрдам бериш олий жазо билан жазоланади, айбни юмшатувчи ҳолатлар мавжуд булса, олий жазо озодликдан махрум қилиш ёки хорижга бадарға қилиш билан алмаштирилиши мумкин.

2-вариант.

а) халкаро буржуазиянинг муайян қисми билан ҳамкорлик килишга йуналтирилган тарғибот ва ташвикот ва ҳ. к. охиригача; б) ташкилотларда иштирок этишда ёки ташкилотлар билан ҳамкорлик килишда ёки юқорида зикр этилган

йуналишга эга булган фаолият билан шуғулланувчи кишиларга ёрдам беришда айбдорлар ҳам ана шу жазога мустаҳиқ қилинадилар».

Ҳар доимдагидек Лениннинг югурик қалами доҳийнинг фикридан узиб, забт этилган мамлакат аҳолисидан купрок одамнинг буйнига отув сиртмоғини ташлашга уринади. Бу одамлар лақмалик қилиб, большевикларнинг янги иқтисодий сиёсатини жиддий ва узоққа кетадиган ҳодиса деб қабул қилишганди, ҳолбуки, бу босқинчи ҳукмдорлар томонидан куйилган навбатдаги тузоқ эди, холос. Курский унинг гапларини тушуниб етишига ишонқирамаган Ленин қушимча қилади:

«2^6-вариант.

Ёрдам берувчи ёки ёрдам беришга курби етадиганлар». Сунг бу иборани қуюқ ёзиб, остига чизиб таъкидлайди. Ана энди ҳаммаси расо булди, шекилли. Булғуси давлатнинг ҳамма аҳолисига нисбатан давлатнинг ҳоҳиши билан отув моддасини қуллайвериш мумкин.

Эртаси куни, яъни 1922 йилнинг 18 майида РКП (б) Марказкуми Сиёсий бюросининг махсус мажлисида ГПУ ходимларининг маошини уч баравар ошириш туғрисида ва озиқовкат таксимоти махсус ёпиқ тармоғининг махсус улушлари билан таъминлашга кучириш ҳақида карор қабул қилинади... Айни чоқда, Жиноят кодексининг отиш жазосини кенг куллашга боғлик янги моддаларини тушунтириб берувчи махфий кулланма Лениннинг визаси билан ГПУга юборилади:

«Ҳозирги вақтда Янги иқтисодий сиёсат амалга оширилаётгани сабабли ва олий манфаатларга мос ҳукумат мулоҳазаларига асосланиб, ОГПУ фаолиятини маълум даражада сустлаштиришга мажбур. Аммо ҳар бир ГПУ ходими шуни яхши билмоғи керакки, бундай вазият фақат вақтинчагина давом этмоғи мумкин, шунинг учун ОГПУ ҳозирги пайтда душманларимизни аниқлаб, руйхатдан утказиб қуйиш учун имкони борича ҳаракат қилмоқлари керак. Кейин, вақт-соати келганда, уларга қақшатқич зарба берилади».

Бу пайтга келганда ОГПУ томонидан душманларга бериладиган қақшатқич зарбанинг маъноси нима эканини ҳамма тушунадиган булиб колганди.

1922 йил 17 декабрда «донгдор» чекист Петерс «Известия» газетасида мақола бостириб, унда юксак ҳушёрликка чақиради: «НЭП шароитида ҳам бизни ҳар тарафдан ашаддий душманлар қуршаб турганини унутмаслигимиз керак». Хуш, бу «ашаддий душманлар» кимлар? Кимларни аниқлаб, руйхатдан утказиб қуйиш керак? Кимларни, аввал, ипидан-игнасигача шилиб олиб, кейин вақт-соати етганда ёппасига отиб ташлаш талаб қилинади? 1923 йил февралида жунатилган махфий курсатмада якин урталарда ёппасига жисмонан маҳв этилишга маҳкум одамлар батафсил саналган.

«Сиёсий партиялар ва ташкилотлар.

1. Инқилобдан аввалги сиёсий партиянинг ҳамма собиқ аъзолари.

2. Монархистик иттифоқлар ва ташкилотларнинг ҳамма собиқ аъзолари.

3. Мустақил Ер эгалари Иттифоқининг ҳамма собиқ аъзолари, шунингдек, Украинада Марказий Рада вақтидаги Мустақил Ғаллакорлар Иттифоқининг аъзолари.

4. Собиқ асилзодалар ва дворянларнинг ҳамма вакиллари.

5. Ёшлар ташкилотларининг ҳамма собиқ вакиллари (бойскаутлар ва бошқалар).

6. Исталган йуналишдаги ҳамма миллатчилар.

Чор муассасаларининг ходимлари.

1. Собиқ Ички Ишлар вазирлигининг ҳамма ходимлари, охранка, полиция ва жандармериянинг ҳамма ходимлари, охранка ва полициянинг ҳамма хуфиялари, чегара соқчиларининг ҳамма мансабдорлари.

2. Собиқ Адлия вазирлигининг ҳамма ходимлари, вилоят судларининг ҳамма аъзолари, ҳар хил даражадаги судьялар, прокурорлар, мировой судьялар, суд терговчилари, суд ижрочилари, қишлоқ судларининг бошлиқлари ва ҳоказо.

3. Чор армияси ва флотининг беистисно ҳамма офицерлари ва унтер офицерлари.

Совет тузумининг яширин душманлари.

1. Оқ армияларнинг, оқ гвардиячи номунтазам тузилмаларнинг, петлюрачилар қушилмаларининг, Совет ҳокимиятига карши фаол кураш олиб борган турли-туман ғалаёнчи булинмалар ва бандалар ҳамма офицерлари, унтер-офицерлари ва

оддий аскарлари. Совет ҳокимияти томонидан афв этилган шахслар бундан мустасно эмас.

2. Оқ гвардиячи ҳукуматларнинг, Марказий Раданинг, Гетман маъмуриятининг марказий ҳамда маҳаллий органлари ва идораларининг ҳамма ҳарбий булмаган ходимлари.

3. Ҳамма диний арбоблар: епископлар, проваслав ва католик черковининг руҳонийлари, раввинлар, суфилар, роҳиблар, хормейстерлар, черков оқсоқоллари ва бошқалар.

4. Ҳамма собиқ савдогарлар, магазин ва дуконларнинг эгалари, шунингдек, «НЭПман»лар.

5. Ҳамма собиқ ер эгалари, йирик ижарадорлар, утмишда ёлланма кучдан фойдаланган бадавлат деҳқонлар. Ҳамма саноат корхоналари ва устахоналарнинг собиқ эгалари.

6. Якин қариндошлари яширин ҳолатда булган ёки аксилинқилобий тудалар сафларида совет тузумига қуролли қаршилик кўрсатаётган ҳамма шахслар.

7. Миллатидан қатъи назар, ҳамма ажнабийлар.

8. Чет элларда қариндошлари ва танишлари булган ҳамма шахслар.

9. Диний мазҳаблар ва жамоаларнинг ҳамма аъзолари (айниқса, баптистлар).

10. Эски мактабларга мансуб ҳамма олимлар ва мутахассислар (айниқса, уларнинг сиёсий тамойиллари ҳозирга қадар узил-кесил аниқланмаган булса).

11. Аввалларги контрабанда, жосуслик ва шунга ўхшашларда гумон қилинган ёки судланган ҳамма шахслар».

Сталинни «Бош котиб» қилиб сайламаслик ҳақида тавсия берилган арзимас мактубни эмас, айни ана шу ҳужжатларни Ленининг ҳақиқий сиёсий васияти, деб ҳисоблаш керак. Модомики, мамлакатдан кетмасликка ва Совет Социалистик Давлатлар Иттифоқи куришга аҳд қилинибдими, бу Иттифоқни барпо этишга имкон берадиган бирдан-бир усул ана шундай булади! Минг йиллик Россия империяси ҳам мункиллаб қолган ҳамма империяларга ўхшаб енгилтак жангарилик дардига чалинган эди. Шунинг учун у ўз ихтиёри билан зиммасига олган вазифаларни бажаришга ярамади, аввалдан назарда тутилмаган оғир юкларни кутаролмади ва охир-пироварди қулади-ю, вайрон булди. Уни қайтадан тирилтиришнинг иложи йуқ, аммо узил-кесил зарба бериб, уни

бошқариладиган мурдага айлантирса булади. Бу мурда муттасил террорнинг пулат халқалари билан кишанбанд қилинади. Махв этилишидан бир амаллаб омон қолган одамлар туғилган кунидан бошлаб улгунига қадар узлуксиз такрорлаб турадиган сохта марксистик аюханнослар бу халқага куч бағишлайди. Бошқариладиган мурданинг кучидан истаган мақсадда фойдаланса булади – унинг ёрдамида дарёларни оркага буриб юбориш ҳам, бутун дунёни забт этиш ҳам, бутун мамлакатни электрлаштириш ҳам мумкин. Бу ишларни қилиш учун пул ҳам талаб қилинмайди, чунки ҳамманинг қорнини туйғазсангиз бас, ишлайверади. Қоринни туйғазиш учун бериладиган улушни эса қилинадиган ишнинг, бажариладиган топширикнинг ҳажми ва сифатига қараб купайтириб ёки камайгириб туриш мумкин. Бу беҳисоб меҳнат армиялари ва «пролетар батальонлари» тузишга имкон беради. Бутун Оврупони ва бутун дунёни ана шу меҳнат армиялари билан тулдириб ташлаш мумкин. Уларнинг ёрдамида жаҳон микёсида социализмнинг ғалабасига эришиш мумкин. Буларнинг бари жуда жун ва тушунарли. Аммо бунга ухшаган ишларни амалга ошириш учун жуда катта миқдорда «бошқарувчилар» армияси зарур. Ҳаёт эса аллакачон шуни исбот қилдики, бу «армия» рохату фароғат туфайли жуда тез расво булар экан, бирор иш билан шуғулланишни бутунлай йиғиштириб қуяр экан, ҳамма нарсани уз ҳолига ташлаб, ҳеч қандай каршилик курсатмасдан, борган сари шитоб билан порахўрликнинг ширин боткоғига чукуррок ботиб борар экан. Бинобарин, «бошқарувчилар»нинг янги армиясини тузиш керак булади. Бу «оккупацион маъмуриятнинг» узига хос Бош қароргоҳи булади, у ута махфийлик пардасига ураб олинади ва шахсий имтиёзлар девори билан ихоталаланади, аммо доҳий олдида узининг хатти-ҳаракати, гап-сўзлари ва ҳатто, фикрлари учун боши билан жавоб беради. Аммо буларнинг бари учун пул керак. Пул булганда ҳам чакана пул эмас. Қани уша пуллар?

1922 йилдаёқ Сталин бир вақтлар Россиянинг миллий бойлигини ташкил қилган беҳисоб пуллар қандай қилиб мамлакатдан Ғарбга утиб кетганини текшириб куришга уринди. Аммо собиқ ЧК аппарати ҳали унинг қулида эмас эди. Тергов махфий равишда ва ута эҳтиёткорлик билан утказилади,

бироқ амалда ҳеч қандай натижа бермайди. Олтин ипларнинг зур-базур топилган учлари халқаро банкларнинг ертулаларида акл бовар қилмайдиган тарзда айқаш-уйқаш бўлиб кетибди. Агар бир вақтлар рус олтинларини қандай қилиб суриб олганларини топган тақдирда ҳам, бу олтинлар қай йул билан халқаро бозорга чиқарилганини энди аниқлаб булмайди. Банклар минг-минглаб хартумлари билан бутун жаҳонни коплаб олган. Бу хартумлар қандай иш юритишини билиб олишга курби етадиган одамларнинг узи йуқ. Москвада бутун дунёда пролетар инқилоби қиламиз деб бонг уриб юришган вактда бутун дунёда ими-жимида, биров пайқамайдиган тарзда молиявий инқилоб булиб утибди. Қайси бир мамлакат ёки бир гуруҳ мамлакатлар шу инқилоб берадиган сиёсий ва иқтисодий имкониятлардан уддабуронлик билан фойдалана билса, шулар дунё микёсида ҳукмронлик қила олади. 1917 йилнинг октябрида Россияда ҳокимиятни босиб олганлар буни билишармиди? Сталин уларнинг орасида эди, лекин пихини ёрган жиноятчининг уткир сезгиси билан алланечук ножуя ишлар булаётганини сезган булса-да, бу гаплардан бехабар эди. У энг ибтидоий тарздаги иқтисодий ва сиёсий маълумотга, эга эмасди, шунинг учун юз бераётган вокеаларни лоақал юзаки тарзда булса ҳам таҳлил қилиш имконига эга эмас эди. Бунинг учун вақти ҳам йуқ эди. Хуш, колганлари-чи? Билишганми, йуқми? Лениннинг узи нимани билган? Бошқалардан ортикроқ билмаган бўлса керак? Унинг мажруҳ хаёлпарастлигидан хабардор одамлар узини роса лақиллатиб кетишган. Ленин ҳам, унинг теварак-атрофидаги яқин аъёнлари ҳам ҳеч качон Сталинга сирларини билдиришган эмас. Унга менсимай қарашган, истеҳзо билан жилмайиб куя қолишган. Аммо Сталин ҳам анойи эмас. У ГПУнинг олий табақалари уртасидаги кескин зиддиятлардан усталик билан фойдаланиб, Гохрандаги бойликларнинг бир қисмини бошка жойга олиб бориб яширтириб куйди. Бунинг учун озмунча куч сарфладими у? Бироқ ГПУ шунақа ташкилотки, унга ишониб булмайди. Яшириб куйилган нарсани ГПУ топиб бера олармикин? Бу ҳам маълум эмас.

Ленин улиб, мустақил иш қилишга имкон яралди. Ленин узи билан қабрига олиб кетган сиру асрорлар, майли, унинг виждонига ҳавола. Аммо яқин аъёнларининг таъзирини бериб

қуйиш керак. Кремль ғийбатнинг уяси булиб қолган. Бу ерда ярим кун кейин нима булишини хам билолмайсан. Эски большевиклар гвардиясидаги рақиблар, Троцкий айтганидек, «чала мулла семинарист»ни янчиб талқон қилиб ташлайдиган куринар эди. Назарий жиҳатдан қараганда худди шундоқ булиши керак эди, аммо амалда куриндики, уларнинг ҳаммаси аллақачон жанговарлик хислатларини йуқотиб булишган экан. Улар фақат кураш малакаларини эмас, балки ишлашни хам унутиб қуйишибди. Уларнинг Россияда қолишга тоқатлари йуқ. Оврупога жунашдан эса хавотир олишади. Йуқ, Оврупо хам бутунлай бошқача булиб кетган, энди Биринчи жаҳон урушидан аввалги Оврупо қолгани йуқ. Россиядаги етти йиллик бошбошдоқлик мобайнида уларда янги одатлар, янги малакалар ҳосил булди. Бу хислатлари билан Оврупода анча қийналиб қолишади. Фақат Троцкийгина аҳдида қатъий турибди. У кетишга қарор қилган. Олдин кимни маҳв этиш керагу, кейин кимни мажақлаш зарур, деганга ухшаш беҳуда мунозаралар жонига тегиб кетган. Меҳнат армиясининг жангчиларига бирон ҳак тулаш керакми ё қорнини туйғазса кифоями? Ленининг режасига кура ҳали анча вақт мобайнида енг шимариб қонли ишлар билан шуғулланиш керак эди. Ундан кура, банкдаги миллион-миллион пулларингни харжлаб, Ғарбда кунгил-хушлик билан умр кечирганинг яхши эмасми?

Сталин Троцкийни узининг энг хавфли рақиби деб биларди, шунинг учун унинг бунақа кайфиятидан фақат хурсанд эди. Партиянинг бош йулидан оғиб кетгани учун уни чет элга бадарға қиладиган булишди ва бир зумда бутун архиви билан уни хорижга равона қилишди. Майли, у ерларда узи уйлаб топган узлуксиз инқилоб назарияси устида бемалол ишлайверсин. Лекин уни сира куздан қочирмаслик керак. Ундан бохабар булиб турилса, уғирланган бойликларнинг изи чиқиб қолса хам ажаб эмас. Изи чиқмаслигига ишонч ҳосил қилгач, бир ҳамла билан мажақлаб куя қолишди.

Троцкийни бадарға қиладиган вақтда ОГПУнинг бошлиғи Генрих Ягода Улуғ Октябрь социалистик инқилоби деб аталган тарихдаги бекиёс талонда улжа умарганларни ҳаммасининг шахсий ҳисоб рақамлари ва уларда қанча пул борлигини Иосиф Виссарионовичга маълум қилган эди. Ягода фақат уз ҳисоб рақаминигина айтгани йуқ. У гуллик билан урток Сталинга

мендан бошқа ахборот бериб турадиган одам йоқ, деб уйлаган эди. Кейинчалик Ягода ҳисоб рақамини айтади, аммо фурсат утиб булган эди. Сталин уларнинг ҳаммасидан охирги тийинигача суғуриб олади. Уларнинг ҳаммаси лахтак-лахтак қон қусиб, синдирилган тишларини туфлай-туфлай, пешоналаридан ук ейишларидан аввал пулларини Ғарб банкларидан Москвага кучиришади. Зиновьев, Каменев, Бухарин, Менжинский, Ганецкий, Уншлихт, Бокий – санаб адо қилолмайсан, бирок Сталин уларнинг биронтасини эсидан чиқаргани йуқ. Ҳатто, Ленинни ҳам. Шахсан узи Надежда Константиновнага агар у жаҳон пролетариати дохийсининг Швейцария банкидаги пулларини қайтариб бермаса, бошига нима кунлар тушишини уқтирди. Эртагаёқ Крупская Лениннинг хотини булганини ва ҳозир беваси эканини ҳамма паққос унутиб юборади-да, Землячкани, ҳа, уша Бела Кун билан бирга Севастополдан олтинларни олиб чиқиб кетган Землячкани Лениннинг беваси, деб ҳисоблай бошлайди. Надежда Константиновна лакка тушди, пулнинг ҳаммасини қайтарди. Аммо Землячка дуруст чиқиб колди. Ҳаммасини узи ихтиёрий топширди. Бела Кун ҳам айтиб берди. Аммо-лекин бу Бела Кун дегани ёмон хасис экан-да – сира-сира пулни қайтаргиси келмайди-я! Уч кеча-ю уч кундуз калтаклаб, охирги тийинигача кокиштириб олишди, кейин отиб ташлашди. Ҳеч ким мушугимизни «пишт» демайди, деган хомхаёлда юрган жамики «байналмилалчилар»нинг таъзирини бериб қуйишди. Улар билан пачакилашиб утиришмади. Жаҳон инқилобига аталган пулларни узи учун сарфлаб, хорижда кайф-сафо қилиб юрмокчи булганларни ҳам соғ қуйишмади. Фақат бир нечта америкаликкина кочиб кутулишга муваффак булди. Лекин кейинчалик уларнинг номини ҳеч ким эшитгани ҳам йуқ.

Пуллар Москвага оқиб кела бошлади, бирок улар фақат шахсий ҳисоблардаги пул эди. Бу эса денгиздан томчи эди, холос. Жуда оз эди. Сталиннинг янги империя куриш туғрисидаги улуғ режалари учун жуда кўп пул керак эди. ОГПУ ва унинг вориси булмиш НКВД ходимлари бутун жаҳон буйлаб изғиб, Ленин «Партиянинг олтини» деб атаган беҳисоб хазинани излади. Қамоққа олинган банкирларни қийноққа солиб, «Партиянинг олтини»ни Гестапо ҳам излади. Қийнашга қийнашди-ю, лекин олтинни топиша олмади.

Қаёққа ғойиб булган у? Нимага сарф булган? Аниқ айтиш кийин, аммо бир катор тадқиқотчиларнинг тахминига кура, айни ана шу «Партиянинг олтини» Қушма Штатларни 20-йиллардаги чукур иктисодий таназзулдан олиб чиккан ва кейинги йилларда президент Рузвельтнинг «Янги йул»ининг иктисодий гуллаб-яшнашига имкон берган. Ҳали ҳеч ким томонидан жаҳоннинг молия тарихи битилган эмас, сабабки, молиявий сирлар давлат сирлари ва харбий сирлардан фарқ киларок, тарихий ривожланиш давомида ошкор булмайди, аксинча, янада баттарроқ махфийлашиб боради.

Урток Сталин уз давлатини маҳв этилган Россия харобалари устида кандай усуллар билан барпо этгани ҳаммага маълум. «Бутун жаҳон халклари доҳийси»нинг кулидан келмайдиган биронта жиноят йукдай эди. Миллион-миллион одамлар отиб ташланди ва қамокларда чиритилди. Лениннинг ҳамма васиятлари биттама-битта оғишмай амалга оширилди. Иосиф Виссарионович Лениннинг садокатли шогирди булган эди. У уз устозининг васиятларига оғишмай амал килди, биронта жиҳатидан ундан чекингани, узича янги йуллар уйлаб топгани йук. Бунга ишонч ҳосил килиш учун яна бир марта маҳкумлар руйхатига куз ташлаш кифоя (125–128-бетлар). У социализм назарияси буйича зур эмас эди ва буни узи ҳам англарди. Шунинг учун ҳам 40-йилларнинг бошига келганда курсатилган руйхатда қайд килинган аҳоли тоифасидан кимдир ҳали омон колган булса, у факат тиканли сим ортидагина жон сақлаган эди.

Сталиннинг конли ишлари ҳакида жуда куп гапириш мумкин, аммо унга тан берадиган жойлари ҳам бор. Ленин факат бузишни билар эди. Ҳолбуки, ҳаёт жаҳон пролетариатининг доҳийси яратувчилик ишидан бутунлай бехабар эканини курсатди. Бунака иш унга малюл келар эди. У шу куйи – ҳеч нарса барпо этмай оламдан утди. Ундан фарк киларок, урток Сталин бутун кучини яратишга йуналтирди. У давлатни вайрон килгани йук, балки барпо этди. Бинобарин, у маблағларнинг мамлакатдан чиқиб кетишидан эмас, мамлакатга кириб келишидан манфаатдор эди. Даставвал, у большевикларнинг коммунистик партиясини ёки ВКП(б)ни яратди, чунки Ленин яратган партия Сталинга мутлако маъкул эмас эди. Устига чарм пальтолар кийиб олган пахмок соколли бакироклар ҳамиша рахбариятга

гап қайтариб, у билан жиқиллашгани-жиқиллашган. Бу туда сон-саноқсиз иплар орқали чет эллардаги турли-туман қаланғи-қасанғи ташкилотларга боғланган. Улар жаҳон инқилоби марказини Москвадай маданиятсиз ва нопок жойдан Берлингами ёхуд Парижгами кучиришни муттасил орзу қилишади. Ўзлари ҳам ҳар нарсани баҳона қилиб, уша ёкларга йилига икки-уч марта бориб келишади. Бунақалардан ташкил топган партия фақат маҳв этишга ва талончиликка ярайди, лекин биронта жиддий нарсани барпо этолмайди, ҳатто, маҳбуслар лагерини ҳам қуролмайди. Шунинг учун бунақа партия саҳнадан чиқиб кетиши, кетганда ҳам тез чиқиб кетиши керак. У уз номидан бир булагини янги партия учун қолдириб кетса, кифоя. Урток Сталин янги партияни киличбардорлар мазҳабига ухшатиб яратмокчи, аммо бу партиядаги интизом мазҳабникидан ун чандон қаттиқроқ булади.

Бир партиянинг шитоб билан ғойиб булиши ва унинг урнига бошқа партияни барпо этиш ягона бир йул билангина амалга оширилиши мумкин эди ва шундай амалга оширилди ҳам: ленинчилар «гвардияси» яшин тезлигида йуклик дунёсига рихлат килиши керак эди. Бу гвардия «кетар жафоси»га Москвадаги очик суд мажлисларида узи ҳакидаги хамма ҳақиқатни айтиб, узидаги юксак ақидапарастликни ва жанговарлик сифатларини бутун дунёга намойиш этиб кетиши лозим эди. Кетганларнинг урнини янги одамлар эгаллади. Уларни Сталин ута синчковлик билан махсус танлаб олган эди. Сталин ўз мазҳабининг олий табақасини танлаш ишини Ленин хаётлигида, Марказкум котибиятига раҳбар булиб олганидаёк бошлаган эди. 1924 йилда Сталиннинг руйхатида 3500 та мансабга Марказкум оркалигина одам қуйиларди, 1500 га якин мансабга эса Марказкумнинг Ҳисоб-таксимот булимининг розилиги билан одам қуйиларди. 1925 йилда эса бунака мансабларнинг сони 25 мингга етди. Булар энди бошка ишлардан озод килинган, маош олиб ишлайдиган партия аппарати эди. Энди ҳар кирк коммунистга биттадан бошка ишлардан озод килинган парторг тўғри келарди. 1924 йилнинг узида Ҳисоб-таксимот булими Марказкумнинг Ташкилий-инструкторлик булимига қушилиб кетди, янги Ташкилий ҳисобот-таксимот булими пайдо булди, у Марказкум аппаратидаги энг асосий булимга айланди. Сталин бу булимга

Кагановични рахбар қилиб қуйди. Бу янги булим нафақат партия мансабларига, балки давлат мансабларига ҳам одам танлай бошлади. 1925 йилнинг охиридан 1928 йил бошигача 8761 одам ишга тайинланди. 1930 йилда Ташкилий ҳисоботтаксимот булими яна иккига ажради – уларнинг бири Ташкилий инструкторлик булими булиб, партия аппаратидаги лавозимларга одам тайинлаш билан шуғулланарди. Иккинчи булим эса бир катор қисмларга эга булиб (оғир саноат, енгил саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, совет муассасалари, хориждаги кадрлар ва ҳ.к.), барпо этилаётган империя идорасига кадрлар тайёрлаш билан шуғулланар эди.

Ленин Густав Лебоннинг «Авом руҳияти» деган китобини қулдан қуймай уқир эди. Жаҳон пролетариатининг доҳийси бу китобнинг ҳошияларини ҳилма-ҳил белгилару ҳитобларга тулдириб ташлаганди. Сталин эса авомга унча қизиқмасди. У Николо Маккиавеллининг «Давлатпаноҳ» деган мумтоз тадқиқоти билан адмирал Мэхэннинг «Денгизда ҳукмронлик қилиш» деган китобини куп уқирди. Худди ана шу китобларга ишқибозлик қайзер Вилгельмни ҳам, император Николайни ҳам ҳалок этди, аммо уларда ҳарбий акидалар билан фикрлаш қобилиятини устирди. Афтидан, Сталин ҳам шунга эришиш ниятида булган. У биринчи булиб «партиянинг қумондонлар таркиби» деган атамани қуллади. «Бизнинг партиямиз таркибида, – деб курсатган эди барча халқлар доҳийси, – агар рахбар ходимлар назарда тутилса, 3–4 минг атрофида олий табака рахбарлар бор. Мен уларни партиямизнинг генераллари, деб атаган булур эдим. Ундан кейин 30–40 минг урта даражадаги рахбарлар мавжуд. Улар партиямизнинг офицерлари. Ундан кейин 100–150 минг атрофида партиямизнинг қуйи табака қумондонлар таркиби бор. Уларни партия унтер-офицерлари деб аташ мумкин».

Булғуси генералиссимуснинг ҳарбийча тафаккури янги номенклатура яратиш жараёнига бошдан-оёқ сингиб кетган. Бу номенклатура темир интизомга эга булиб, уз доҳийсининг бир кош чимириши билан ёхуд муйловининг бир қимирлаши биланок ҳар қандай ишни бажо келтиришга тайёр эди. Ленинчи «гвардия»дан янги «зодагонлар»га бирон нарса утган булса, фақат халққа нафрат билан менсимай қараш ва унинг манфаатларини сариқ чақага олмаслик майли утган эди. Шу

билан бирга, уларда баъзи бир янги сифатлар пайдо булган эдики, уларни, нима булганда ҳам, ижобий ҳолатлар, деб эътироф этишга туғри келади. Ленин «гвардияси»ни биринчи навбатда шахсий бойиш масалалари қизиқтирган. У мамлакатни талаш билан шуғулланган. Бу жараёнда ашаддий узбошимчаликларни намоён этишган, на қонун олдида (бунака қонуннинг узи булган эмас), на доҳий олдида (доҳий бунака узбошимчаликларни рағбатлантирган, холос) ҳеч кандай масъулиятга эга булишган эмас. Аммо Сталиннинг раҳбар ходимлари мутлақо бошкача қолипларга солиб қуйилганди. Пухта уйланган имтиёзлар тизими ёрдамида уларнинг яшаш тарзи анча юқори даражага кутарилди. Ленинча таловлар оқибатида ёппасига қашшоқ пролетариатга айланиб қолган халқ бунака яшаш мумкинлигини етти ухлаб тушида ҳам курмаганди. Сталиннинг раҳбар ходимлари эса, бу халқ устидан чекланмаган ҳокимиятни қулга киритгандилар. Аммо айни чокда улар узларининг ожизликларини ҳам жуда яхши билишарди. Чунки овлоқ жойдаги райком котибидан тортиб Сиёсий бюро аъзосигача, Давлат хавфсизлигининг генерал-комиссари ёхуд маршалгача – уларнинг ҳаммаси исталган дакикада туғридан-туғри узининг иш жойида отиб улдирилиши, НКВД ертулаларида чалажон килиб ташланиши ёхуд сон-саноқсиз ГУЛАГ ороллариниг бирортасида чиритиб юборилиши мумкин эди. Бунака нарсалар «бугун борсан, эртага – йук» деган жуда жун бир тарзда талқин қилинарди. Бу эса амал курсисида утирганларнинг иштаҳасини анча жиловлаб турар, порахўрлик ва очкузликнинг ҳам кенг кулоч ёйишига қуймас, уларнинг ғайратини давлат ва халқ эҳтиёжларига йуналтирарди. «Давлат ва халқ» тушунчалари остида эса яна уша номенклатура тушуниларди. Номенклатуранинг узи ҳам узини давлат ва халқ деб англар эди. Иосиф Виссарионович кузлаган максад ҳам аслида шу эди.

Номенклатуранинг тобланиши коллективлаштириш туфайли вужудга келган даҳшатли очлик давридаёқ бошланган эди. Район партия қумиталари қошида хос ошхоналар булар, уларнинг теварагига эса очликдан силласи куриган деҳқонлар, очлик азобига чидаёлмай дод-вой солувчи шишиб кетган болалар тупланарди. Табиийки, райкомнинг эшикларини туну кун милиционерлар ва ГПУнинг аскарлари

куриқлаб туришарди, аммо ошхоналарнинг очиқ деразаларидан шунақа ҳидлар анкирдики, очликдан жон таслим қилаётган одамлар бу ҳиддан бутунлай ақлу ҳушини йуқотиб қуйишарди. Бу ошхоналарда жуда арзон баҳоларда – шунчаки номигагина қуйилган нархларда ок нон, гўшт, товуқ, антика мевалар ва бошқа тансиқ нарсалар сотиларди. 1917 йилдан бери халқ бундай таомларнинг узинигина эмас, ҳатто, номини ҳам унутиб юборган эди. Ҳатто, бу ошхоналарнинг хизматчи ходимларига ҳам турли-туман маҳсулотлардан йигирма хилини уз ичига олган улуш бериларди. Буни «Микоян улуши» деб аташарди.

Ана шу махсус фаровонлик воҳалари теварагида эса очлик ва улим жавлон урарди. Аввалига партия идорасининг анчагина ходимлари бу аҳволга чидаш беролмадилар ва хос ошхоналарнинг деразалари олдида тупланган оч одамларни, биринчи навбатда, албатта, болаларни райком ошхоналари ҳисобидан овкатлантира бошлашди. Бунака кунгли бушлар дарҳол мансабларидан олиб ташланар ва аллакаёққа гум килинарди. Бунакалар номенклатура сафидан бутунлай кувиларди. Марказий Қумига район комиталарига мутлако махфий кулланма юборганди. Унда шундай дейиларди: «Энг дахшатлиси шундаки, сиз кўккисдан кунглингиз бушлик килиб, қатъиятингизни йуқотиб куйманг. Ҳатто, теварак-атрофингиздагилар очликдан улаётган тақдирда ҳам сиз тановул килишни урганиб олмоғингиз керак. Акс ҳолда, ҳосилни мамлакатга қайтарадиган одам колмайди. Эҳтиросларга берилманг ва фақат узингизни уйланг!» Аммо бундай кулланмаларни ҳам тўғри тушуниш керак эди. Уни тўғри тушунишга ҳамманинг курби етавермасди. Районларда ва вилоят марказларида очлик авжига чиккан кезларда маҳаллий партия котиблари ва бошка номенклатура арбоблари шохона зиёфатлар уюштира бошладилар. Уларда ичкилик дарё булиб окар ва бир утиришда ким ичига бедана солиб пиширилган кузичоқни пакқос тушира олади деган мазмунда мусобакалар буларди. Бунакаларни ими-жимида камоккa олишарди-да, бошкаларга урнак булсин учун отиб ташлашарди. Кимки уша кезларда отилмай колган булса, 1937 ва кейинги йилларда бу маишатларни уларнинг бурнидан булок қилиб чиқаришди.

Мана шундай рухда тарбия курган номенклатура узининг ҳали юзага чиқмаган имкониятлари ҳадсиз эканини ҳис қилиб турса-да, тишларини кисганича, Сталин белгилаб қуйган чегаралардан чиқмасликка тиришар эди. Истиснолар деярли бўлмас эди. Калининнинг хотини қизиғида узини тутиб туролмай, Гохрандан битта сувсар пустин олганди. Бу пустин отиб ташланган подшо ойимники эди. Уни қамадилар ва у қамоқда утириб, куп йиллар мобайнида қилган иши туғрисида ҳар томонлама уйлаб куриш имконига эришди. Молотовнинг хотини булса, Гохрандан Екатерина II никоҳ куни кийган тожни олиб, Америка элчисининг хотинига совға қилиб юборди – аммо у ҳам бу «ҳиммати» учун турмага ташланди. Уларнинг эрлари партия-давлат аъёнлари ўртасида энг юксак рубтага эга булсалар-да, бироқ хотинларига заррача ёрдам бера олмадилар. Ҳолбуки, бу хотинларнинг бутун айби очкузлигида эмас, балки вазиятни нотўғри тушунганида эди. Улар ниманики узларининг қонуний улжалари деб ҳисоблаган булсалар, Сталин бу нарсаларни давлатники деб билди ва номенклатуранинг ҳар бир аъзоси узининг мақомига муносиб равишда нимага ҳаки борлигини ва унга хилоф тарзда қандай ишлар қилса, ўлимга маҳкум булишини секин-аста англай борди.

Ҳатто, чексиз кудратга эга булган Лаврентий Берия ҳам туғридан-туғри Москва кучаларида қизларга тузоқ қуйиб юрар экан, узига қарши жиноий иш кузгатилганидан бехабар эди. Берия кимники илинтирган булса, ҳаммаси хатга тушган эди. Охир-оқибатда шундай булдики, махфий полициянинг хужайини камоққа олингач, уни анча-мунча қизларни зурлашдагина айблашди. Уни шунинг учун отишди. Гарчи уни Сталиннинг вафотидан кейин отишган булсалар-да, жиноий иш генералиссимус ҳаётлигидаёқ пишиб қолган эди.

Ленин бир гал илҳоми жуда жушиб кетганда: «Режаларимизнинг ҳаммаси – тук! Энг муҳими – кадрни танлашда!» – деган эди. Афтидан, жаҳон пролетариатининг доҳийси умрининг сунгги йилларида социалистик давлатни қуриш имкониятлари ҳақида уйланиб, теварагини куршаган одамлар билан ҳеч нарса қилиб булмаслигини анча-мунча тушуниб қолган куринади. Талашга эса бошқа одам қолмаган. «НЭПман»ларни айтмаса, бошқа бирор пичоққа илинадигани

йук. Аммо НЭПманларга хали етарли даражада жир битиб улгурмаган – уларнинг хозирги туриши ебтуймас Ленин «гвардиячи»ларини каноатлантирмайди. Факат Сталингина Ильичнинг хамма дохиёна ниятларини туғри тушуна олди, у узининг уттиз йиллик хукмронлиги мобайнида жуда зур чапдастлик билан Ленин меросидан болтаси учун кунда сифатида фойдаланди.

Аммо, тузукрок уйлаб курганда, Лениндан унга нима колган узи? Дунёдаги биринчи социалистик давлатни куриш усуллари-ю, империализм даврида урушларнинг мукаррарлиги хакидаги ғира-шира башоратдан бошка?! Ундан шип-шийдам хазина, хароб булган, мутлако харбий лаёкати тугаб битган армия, парчаланиб кетган, куз унгида чириб-ириб бораётган партия, хонавайрон булган, таланган, тавбасига таянтирилган мамлакат, жохил, нодон, киёфасини йукотган ва эхтимолки, энг мухими – саводсиз ахоли колган. Уша пайтдаёк бу ахоли «социализм» деган сузни эшитибок, манглайга отиладиган укни куз олдига келтирган. Лениндан яна нима колган? Таг-туги билан барбод килинган саноат, бутунлай расвоси чиккан молия тизими, фалаж булган транспорт, деярли тула махв этилган ишчи кучи ва бир кисми йук килинган, бир кисми бутун дунёга тарикдай таркатиб юборилган зиёлилар. Фабрикаларнинг улик мурилари, занг босган, музлаб колган паровозлар, ярим чуккан ташландик кемалар, жулдур кийимли бехисоб дайдилар, шахарларда давлат кирғини билан ёнма-ён авж олган жиноятчилар террори. НЭП туфайли бироз савдога жон кирди, хизмат курсатиш соҳаси кимирлаб колди. Аммо бунака вазиятда хизмат курсатиш соҳаси кимга керак?

Факат ЧК – ГПУгина тузумнинг асосий таянчи сифатида озми-кўпми лаёкатини саклаб колган эди. У давлат террорининг узлуксизлиги хакидаги Ильич васиятини мамнуният билан бажаришда давом этарди, чунки янги дохий хам уларни ишсиз колдирмаслигини тушунарди. Янги дохий уларни иш билан яхши таъминлади, лекин хар бир ходимнинг умрини хам бор-йўғи ун йил атрофида белгилади. Чунки Сталин куришни уйлаган давлат каёкка бораётгани номаълум шунака бир кемага айландики, унинг козонлари доимий равишда утхонасига ташлаб туриладиган минглаб, миллионлаб, ун миллионлаб одамларнинг жасадидан кувват оларди. Ут каловчи

чекистлар ҳам эрта-ю кеч тинмай, жонини жабборга бериб ишлар, ишини тугатгандан кейин эса, уни ҳам кеманинг ўтхонасига қалаб юборишарди. Кеманинг пештоқига маъносининг зўрлиги жиҳатидан тенги йўқ шиор осиб қуйилган эди: «Ленин таълимоти улмасдир, чунки у тўғридир!»

Погонлари ялт-юлт қилиб, петлицалари товланиб, мойланган этикларини ялтиратиб, янги жабдуқларини ғижирлатиб бу даҳшатли ўтхона ёнига қанча-қанча чекистлар тушган экан? Улар пастга тушар эканлар, ортиқ ҳеч қачон юқори палубага чиқа олмасликларини, ўзлари ҳам энди ўтхонага қаланадиган утиндан бошқа нарса эмасликларини англаганмикан? Ҳамма жонли нарса утин! Жаҳон пролетариати доҳийсининг ҳам, унинг камсуқум шогирди – ҳамма халқлар доҳийсининг ҳам мислсиз донолиги ана шунда эди. Аммо ўтхоналарда олов ловуллаб ёнар, қозонларда буғ вишиллар, кема эса, манзили ноаник булса-да, борган сари тезлигини ошириб сузиб борарди.

1931 йил 5 декабрь куни Москванинг қоқ марказида Халоскор Исонинг улуғвор ибодатхонаси тантана билан портлатилди. Бу ибодатхона қуҳна Россиянинг рамзи эди. У энг эъзозли ибодатхона булиб, тўрт император салтанати давомида қирк йил қурилган эди. Бу портлаш садоси бутун дунёга минг йиллик Россия империяси абадий маҳв қилинганини намойиш этмоғи, унинг тирилтирилган жасади Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи деган ном остида оёққа туриб, ҳаракат қила бошлаганини курсатмоғи лозим эди. Айни шу санани Сталиннинг мустақил фаолияти бошланган кун деб ҳисоблаш мумкин. Чунки худди шу куни Сталин 1917 йилдаги улуғ ғалаёндан унга мерос булиб колган «Ленин гвардиясини», НЭПни ва бошқа нарсаларни елкасидан улоқтириб ташлаб, янгидан жон ато қилинган жасадни узи белгилаган йулдан бошлади. Орадан ун йил утади. Ун йил тарих учун дақиқаларнинг мингдан бири ҳам эмас. Лекин жаҳон даҳшатга тушиб ва айни чоғда қойил қолиб, муъжизанинг гувоҳи булаётганини чор-ночор эътироф этди. Бу муъжиза ҳаддан ташқари ҳарбийлаштирилган эди, аммо бу унинг таъсирчанлигига заррача халал беролгани йўқ.

Бу вақтда 303 дивизия қуролланиб булган эди. Танкларнинг миқдори 23 мингтага етди. Уларнинг ичида ҳали дунёга

номаълум танклар бор эди: зирҳи қалин, моторлари аввалгидай бензинда эмас, дизел ёқилғисида ишларди. 17 минг самолёт ҳар қандай ғовни мажақлаб ташлашга қодир қудратли куч эди. Улар ҳар жиҳатдан энг яхши Ғарб самолётларидан қолишмасди. Улар сон-саноқсиз эскадрильяларга уюшиб, осмонда «Улуғ Сталинга шон-шарафлар!» деган инжа хитобларни ёзиб парвоз қилишарди. Замбараклар ва махфий реактив минометларнинг сони 40 мингга етганди. Улар ҳам жаҳон миқёсида коммунизм ғалабасига эришиш йулида учраган ҳар кандай тусикни мажақлаб ташлашга тайёр эди. 220 сувости кемаси бор эди – жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг сувости кемалари қушилганда ҳам бу ракамга етолмасди. Янги эсминецлар ва крейсерлардан ташкил топган эскадралар, ошиғич равишда курилаётган баҳайбат линкорлар кариб бораётган денгизчи давлатларга уларнинг шуҳрати суниш палласига қадам куйганини руйирост курсатмоғи даркор эди. Аҳоли жон бошига дунёда ҳаммадан кура купрок пулат ва чуян эритаётган заводлар, куролларнинг янги турларини излаб топаётган сон-саноксиз ихтирочилик бюролари, тажрибахоналар, радио куввати ва реактив ҳаракатлар устида иш олиб бораётган илмий-тадкикот институтлари...

Буларнинг ҳаммаси каердан бошланди? Юз минглаб, миллионлаб инженерлар, тадкикотчилар, ихтирочилар, учувчилар, штурманлар, механиклар, танк ҳайдовчилар, кема командирлари, кема штурманлари, электриклар, миначилар, тупчилар, сувусти ва сувости флотининг инженер-механиклари, ута мустаҳкам котишмалар металлургияси буйича ута утказгичлар, плазма, радиотехник ва радиолокация мутахассислари каердан пайдо булиб қолди? Улар дарахтда усган эмас-ку? Ахир, 1913 йилда бу тоифадаги ҳарбий ва фуқаро мутахассисларини топиш амри махол эди. Мана энди, бор-йуғи 10 йил ичида улар пайдо булди ва купайгандан купайиб, кудратли ҳарбий саноат империяси умуртқасини вужудга келтирди. Ҳолбуки, бор-йуғи 10 йил аввал уларнинг куплари мутлако саводсиз кишилар эди.

Ҳозир гап нима эвазига ва кандай максадларда буларнинг бари барпо этилгани ҳакида эмас, балки кандай қилиб шунчалик кисқа муддатда буни яратиш мумкинлиги устида бормокда. Бир сиқим тупрокни ерга сочиб: «Қузғол бехисоб

қушин!» – дея ҳайқирувчи ва ҳарб машқини олган, аслаҳа-анжоми жойида, яхши қуролланган миллионлаб аскарларнинг ер остидан чиқиб келишини томоша қилувчи достонлардаги паҳлавон каби Сталин мамнуният билан узининг муъжизалар яратувчи қобилиятига ишонч ҳосил қилса буларди. Социализм утхонасига қаланган миллионлаб одамларнинг куввати қайнаб-тошган меҳнатга айланди. Сталин ва у яратган янги «қиличбардорлар» партияси узининг ташкилотчилик кудратини ва ақл бовар қилмайдиган ишчанлигини курсатди.

Бу вақт ичида 60 мингдан ортиқроқ ибодатхоналар портлатилди ва йўқ қилинди, аммо тахминан шунча миқдорда стадионлар ва маданият саройлари ҳам қурилди. Мунтазам равишда кучайиб бораётган террор меҳнатда ҳам, маиший ҳаётда ҳам интизомни мустаҳкамлади. Партиянинг деярли ҳамма «офицерлари», шу жумладан, «генераллари» ҳам изчиллик билан йўқ қилиб борилди ёки ГУЛАГ тегирмонларига ташланди. Уларнинг урнини янгилари, янада шафқатсизроклари ва доҳийга садоқатлироқлари эгаллади. Номенклатура узи билан маҳв қилинаётган халқ уртасида утиб булмас девор барпо қилиб, янада жипслашди.

Номенклатура ҳаётининг махфийлиги бениҳоя эҳтиёткорлик билан қуриқланадиган давлат сири даражасига чиқариб қўйилди. «Доҳийлар» қандай яшайди, нима еб, нима ичади, кандай ишлайди, деб қизиққан одам, охир-пировардида отиб ташланиши мумкин эди. Чунки биронта раҳбарга қарши суиқасд уюштириш ниятида булган одамгина бунақа нарсаларга қизиқади, деб ҳисобланарди. Маркс жуда дудмаллик билан гапирган пролетариат диктатураси номенклатуранинг халқ устидан ҳукмронлигига айланиб қолди; халқ эса ёппасига том маънодаги пролетариат ҳолига келтирилган эди. У мулкдан маҳрум этилган, юридик ҳуқуқлардан маҳрум этилган, фақат ҳужайин буюрган ишнигина бажарар ва бунинг эвазига очдан улмасликка кифоя қиладиган ёхуд ҳужайин истаса очдан улишга маҳкум этадиган ҳақ оларди. Сирасини олганда, кулларнинг бундай тарбиясида ҳайратланадиган ҳеч нарса йўқ эди. Юқорида эслатиб утганимиздек, бундай тарбия йуллари кадимий даврлардаёқ ишлаб чиқилганди. Масаланинг нозик томони бошка нарсада эди: кулларни баҳамжиҳатлик билан

ёниб-ортаниб бахт кушиғини куйлашга мажбур қилиш керак эди. Бу жиҳатдан ҳам шунақа катта иш амалга оширилган эдики, унинг олдида Миср эҳромларини куриш болаларнинг кумдан курган уйинчоқ иморатларидай арзимас нарса бўлиб қолди. Аммо ана шундай мислсиз, моҳиятига кўра бутун коинотга татийдиган иш қайси мақсадларда ва қайси маблағлар билан қилинди?

Лениндан шип-шийдам хазинани[1] мерос олган Сталин уни тўлдириш учун катта куч сарфлади. 1919 йилдаёқ Ленин Сиёсий бюронинг «олмос» ва «олтин» жамғармасини ташкил қилган эди. Бу жамғарма маблағи Сиёсий бюро аъзолари ўртасида баравар тақсимланарди. Жамғармадан мақсад қуйидагича эди: мабодо харбий ҳаракат руй бериб қолса, Сиёсий бюро аъзолари ўз улушини олиб чет элга жўнайди-да, у ерда «жамғарма»ни дастлабки вақтда жойлашиб, тириклигини йўлга қўйиб олиш учун сарфлайди. Вазият қандай бўлишини аввалдан айтиб беришнинг имкони йўқ эди – банклар билан ёхуд узаро алоқа қилиб буладими, йўқми? Маҳаллий ҳокимиятнинг муомаласи қандай буларкин? Ким билади дейсиз? Ахир, гап Ғарбий Оврупо ёхуд АҚШ ҳақида бораётгани йўқ – эҳтимолки, у ерларда гумдон бўлиб кетиш ҳеч гап эмасдир. Гап Аргентинага ўхшаган ғаройиб мамлакатлар тўғрисида боряпти. Бухарин уша ёқни кузлаган-ку! Аммо дархол бир масала равшан бўлиб қолди – ўзинг билан кўп олтин олиб кетолмайсан – оғирлик қилади. Олмосу бриллиантлар бошқа масала – уларнинг бир халтаси ҳам жуда қиммат туради. Шунинг учун олтинлар секин-аста Ғарб банкларига кучиб утаверди, бриллиантлар эса «жамғарма»да қолди.

Ленининг ҳаётлик вақтидаёқ, Сталин Марказий Қумита котиби бўлгандан сўнг, жамғармадаги ҳамма олмосларни олиб, Свердловнинг беваси Клавдия Новгородцевага омонат сақлашга берди. У қадимий услубда ишланган катта тўртта кутини ва битта ўртача сандиқни олмосларга тўлдирди. Бева ҳеч қаерда ишламас, осойишта ва кўздан панада

---

[1] Совет тарихчиларининг ҳаммаси бунга қўшилди. Сталин мамлакатни жуда оғир аҳволда қабул қилиб олган – хазина қуп-қуруқ бўлган. Аммо тарихчилар нима сабабдандир бир масалада сукут сақлашади: Ленин томонидан босиб олинган эски Россиянинг беҳисоб бойликлари қаёққа ғойиб бўлган?

хаёт кечирарди. Олмосларнинг жойи узгарганидан хабардор бошка одамлар бир кун хам яшагани йуқ. Сиёсий бюро аъзолари гавго килишга уриниб курдилар – улар Сталинни, хатто, шунчаки оддий, хашаки уғирликда айблашмоқчи бўлишди. Барча халқларнинг булажак дохийси истеҳзосини машхур муйлови тагига яшириб, уларга тушунтирди: олмосларни яхшироқ асраш учун жойи узгартирилди – Гохранда уғирлик куп буляпти, назорат қилиб улгуриб булмаяпти. Бу – биринчидан. Иккинчидан эса, якин уртада хорижга кочиб бориб, у ерда махфий ёхуд бошқа бирор тусдаги фаолият билан шуғулланишга мажбур қилаётган биронта объектив сабаб йуқ. Агар уртоқлардан бирор киши «доимий истиқомат қилиш» учун хорижга жунашни ихтиёр қилар экан, мархамат, қоидага риоя этиб, хоҳишини маълум қилсин, бу ҳақда Сиёсий бюрога ариза берсин, масала мухокама қилинади ва ижобий ечилган тақдирда кетадиган одам уз улушини олади. Аммо шахсан Сталин бунга карши. Негаки, улар аллақачон уз улушларини олиб, узлари хоҳлаган жойга яшириб қуйишган, «Сиёсий бюро жамғармаси» эса шахсий бойлик эмас, балки яширин шароитда ташкилий иш олиб бориш учун барпо этилган жамғармадир.

«Ким шундай буйруқ берди?» – деган савол булди. Сталин савол берган Зиновьевнинг юзига трубкасини буркситиб: «Мен буйруқ бердим!» – деб жавоб берди. Сталиннинг чақчайган сарғиш кузларини куриб, Зиновьевнинг юраги қаттиқ уриб кетди. Коминтернниинг бошлиғи кейин бу юрак хаприкишидан то отилгунига қадар халос булолмади.

Аввал бошлаб Ленинни, Дзержинский ва Фрунзени гурга тиқиб, бушаб қолган уринларга узини, Ягодани ва Ворошиловни қуйган Сталин оламшумул режаларини амалга ошириш жараёнида муттасил олтин хакида уйлади ва бошқа хамма нарсадаги каби Иосиф Виссарионовичнинг уйлари дархол муайян ишларда мужассам топа бошлади.

Марказкум йули билан ГПУнинг бошлиги Менжинский Марказий Назорат Комиссиясига чакирилди. Бу ерда унинг 1917 йилдан 1920 йилгача чекистлик ва дипломатик соҳаларидаги куп киррали фаолиятига доир бир қатор саволлар беришди. Саволлар аввалига Германиядаги спартакчилар ҳаракати билан боғлиқ арзимаган масалалар билан боғлиқ эди.

Кейин эса «Темир Феликснинг» муовини қули оркали Ғарб банкларига утиб кетган жуда катта миқдордаги маблағларга кучилди. Менжинскийнинг юраги хасталаниб қолди. Бу жуда қул келди – уни ортиқча шов-шувсиз, саломатлиги ёмонлашгани важидан, уй қамоғига утказиб қуйиш имконини берди. Бу ерда тергов ишлари бевосита Ягода ва унга тобе шифокорнинг қулига утди. Хотираси тузукроқ ишласин учун Иоффе билан юзлаштиришди. Иоффега «кекса, бемор дустини» бориб куришни тавсия қилишди. Дустини куриб келган Иоффе уйга қайтиб, узини отиб қуйди.

Бу ГПУнинг ишидаги катта нуқсон эди. Бу тугрида Иосиф Виссарионович Ягодага қаттиқ танбех берди. Ягода, бунга ухшаш нуқсонлар бошқа такрорланмайди, деб ваъда берди ва навбати етганда, ваъдасида туриб, узини отмади.

Фақат Ганецкийгина хорижга кетиш истагини билдирди. Унга ижозат текканда́й булди-ю, кутилмаганда хотини, ундан кейин уғли камалиб қолди. Ганецкийнинг узи эса, бу орада деярли ҳар ҳафтада «кекса партиядош ортоғи»ни кургани бориб турди. Менжинский Москва яқинидаги дала ҳовлисида эди. Бу ерга олиб борадиган суқмоқларнинг ҳаммасини унга тобе ходимлар қуриқлашар, чунки у ҳамон ГПУнинг раҳбари лавозимида эди. Ягода эса муовинлардан бири эди, холос. Турт ой давом этган бунақа «кургани боришлардан» кейин Ганецкийни таниб булмай қолди – соч-соқоли бутунлай окариб, саломатлигидан путур кетди. Уни бутун оила аъзолари билан бирга отиб ташлашганда унинг узининг ҳам, яқин дустларининг ҳам, шу жумладан, Ленининг ҳам шахсий ҳисобидаги ҳамма пуллар Москвага қайтариб булинган эди.

Айни чокда ГПУ Парвусни излаб топишга ҳаракат қилди. 1924 йилда унинг Швейцарияда вафот этгани тугрисида маълумот келди, аммо бунга ҳеч ким ишонишни истамади, чунки Парвус яна бир марта номини узгартириб, ғойиб булганидан гувоҳлик берувчи далиллар куп эди. Отасини излаб топиш осон булсин, деб уғлини қамоққа олишди. У Гнедин деган фамилия остида Ташқи Ишлар Халқ Комиссарлигида хизмат қиларди. Лекин отасини топа олмадилар, шу сабабдан уғли омон қолди. Уни отаси билан юзлаштирмагунча отиб ташлашни исташмади, шунинг учун ҳам уғли то Сталин вафотига кадар турмада утирди.

Айни чоқда Ягода кенг куламлиги жиҳатидан мислсиз бир операцияни бошлаб юборди. У «Трест» деган яширин ном билан машҳур эди. Аслида «Трест» деганининг узи нима булгани ҳозирга қадар ҳам аниқ маълум эмас. Бу мавзуда гапиришни хушламайдиган марҳум Василий Шульгин бир гал шундай деган эди: «Трест» дегани шунақа хиёнатки, унинг илдизлари энг юқори қатламларгача етиб боради. Улар шу даражада юқорики, буни сиз хаёлингизга ҳам келтира олмайсиз. Бу операцияда ОГПУнинг ҳам мамлакат ичидаги, ҳам хориждаги ҳамма кучлари ишга солинган эди. Сталин махфий полициясининг турли булимлари уртасида ақл бовар қилмайдиган махфий ва ута шафқатсиз жанг давом этди. Купинча бир қаватда йулакнинг икки томонида жойлашган, нари борса, бир бинонинг узида ҳар хил қаватлардаги булимлар уртасида жанг борарди. Бир булим иккинчи булимга уз хуфияларини жойлаштиришга интилар, ходимларни оқларнинг контрразведкасига ёхуд Овруподаги ҳукукни мухофаза қилувчи ташкилотларга тутиб беришарди. Москвадан Парижгача буладиган сон-саноксиз талашувларда рақобатчилар аёвсиз равишда бир-бирини маҳв этарди, чегараларда ҳақиқий ва сохта туйнуклар бор эди, икки, уч ва ҳатто, турт хужайинга ишлайдиган агентлар кўпайиб кетганди. Афтидан, ОГПУ раҳбариятининг узи бу уйинда боши берк кучага кириб қолган эди... Негаки, бу операциянинг биронта иштирокчиси 1937 йилдан омон чиқмади... Фақат иккита инглиз ва битта немис разведкачисигина «Трест» никоби остида НКВД тизимига суқилиб кириб олишга муваффак булган эди. Улар қизиқарли хотиралар қолдирганлар.

Афтидан, «Трест»нинг бир нечта мақсади булган. Уларнинг хаммаси ҳам аён кузга ташланиб турмайди, баъзиларини эса ҳозирча ифодалаб бериш ҳам қийин. Аммо мақсадлардан бири жуда аниқ – оқ гвардиячиларнинг тилласини топиш, уларнинг молиявий манбаларини аниқлаш ва бу манбаларга «Трест» гуруҳини ҳам боғлаб қуйиш булган. Шунинг билан баробар тахминан 15 йил мобайнида Россия ва Оврупо банкларини талаган сул эсэрларнинг олтинини қидириш ҳам давом этган. Деярли бир вақтнинг узида Борис Савинков ва генерал Кутеповлар уғирлаб келинди. Шу вақтнинг узида ОГПУ агентлиги бир француз – воситачи орқали Парижда хусусий банк сотиб олди, у жуда қисқа муддат ичида катта

булиб кетди ва машҳур «Евробанк»ка айланди. «Евробанк» Франция пойтахтидаги энг йирик хорижий банк эди. Бу ердаги энг ғаройиб нарса шундаки, даставвал бу банкка рус муҳожирлари асос солишган эди ва окларнинг аста-секин Москвадан кучириб келтирган жамики олтинлари унинг жорий ҳисобида сақланарди.

Мамлакат ичкарисида утказилган тадбирларнинг довруғи камроқ булса-да, лекин улар ҳам жуда жиддий ҳисобланарди. Ҳамон Ленин замонларидан қолган иштиёқлар таъсирида Россиянинг бадавлат музейларидаги бойлик Ғарбга кучишда давом этган, лекин орадан куп утмай бунга чек куйилган. Бир мамлакатда социализм куриш мумкинлиги ҳақидаги шиор уртага ташлангандан кейин Сталиннинг сиёсати янада узгарувчан булиб қолди, аммо бу узгарувчанлик аҳолини талашнинг эски ленинча методларини янада мукаммаллаштирди. Қуролли отрядлар хонадонларга бостириб кириб, олтин ва кимматбаҳо буюмларни излаб, ялпи тинтувлар утказадиган вактлар аллақачон утмишга айланган эди. Отишмалару бақирибчақиришлар билан утадиган бу ғавғолар энди кутилган натижани бермай куйганди, чунки купчилик одамлар аллақачон шипшийдам қилиб шилиб булинган, агар мабодо биронтасида ҳали бирон-бир қимматбаҳо нарса қолган булса, улар жуда пухта яшириб куйилган эди. Ҳар қанақа тингув билан ерга кумилган ёки деворлар ичига беркитилган бойликларни топиб олишнинг иложи булмасди. Иш бошқача тус олди – ҳаммаси жуда оддий ва бежирим қилинди. Ҳукмдорлар мамлакатда миллионлаб одамларни гурга тиққан дахшатли очликни вужудга келтиргач, кулгина шаҳарларда «Торгсин» («Савдо синдикати») деган магазинлар очишди. Унда макарон, ёғ, дон-дун дегандай баъзи бир озиқ-овқат махсулотларини бемалол сотиб олиш мумкин эди. Фақат бунинг учун олтин ёхуд чет эл валютаси тулаш керак эди. Одамлар яшириб куйган бойликларини узлари қазиб олиб келишар, бу ерда эса уларни ГПУ ходимлари кутиб олишиб, «бу тиллаларни ёки чет эл валюталарини қаердан олдингиз, ахир, уларни аллақачон ҳукуматга топшириш буюрилган эди-ку?» – деб суроққа тутишарди. «Торгсин»га борган одамнинг уйида уша куниёқ тинтув утказилар ва уй эгаси камоққа олинарди. Лекин, рост, тиллалари ва валютасини уз ихтиёри билан топширса, қамоқдан озод қилинарди.

Ана шу вокеаларнинг авж палласида узил-кесил НЭПнинг жанозасини укишди. Мамлакатнинг хамма йирик шахарларида «непман»ларни ГПУга чакириб, уларга: «Жаноблар! Сизлар кора кунимга яраб колар, деб тилла йиккансиз. Кора кунлар келди. Кани, топширинг уни давлатга!» – деб буюришган. Бу фармойиш юкори ташкилотларнинг кузидан утган шекиллики, тарихга кириб колибди. Баъзи бир нэпманлар ахвол жиддийлигини куриб, «тилла кетса кетсин, жон омон колсин», деб бор-йугларини топшириб куя колишган. Турли жойлардаги иккиланган одамларга хар хил йул билан насихатлар килинган. Баъзи бирларига, хатто, социализмнинг сиёсий иктисодидан маърузалар укиб, уларни мамлакатлардаги хамма олтин кудратли социалистик давлатнинг кулида жам булса, хар бир фукаро балавлатрок, бакувватрок ва эркинрок яшайди, деб уктиришган. Бу маърузалар, албатта, турмаларда укилган. Лекин, барибир, яхши самара берган эмас. Купчилик социализм иктисодий жихатдан маъкул тузум эканига ишонишни истамаган. Суз билан ишонтиролмагач, иш билан ишонтирмокчи булишган. Имкони булган жойларда шурлик «НЭПман»ларни 60 градусгача иссик камераларда саклашган, сув беришмаган. Бошка жойларда тупиккача сув чикиб турадиган муздек камераларга тикиб куйишган. Бундай мураккаб усулларни куллашни билмаганлар ёки хохламаганлар эса, махбусларни жони чиккунича калтаклашган. Бойликларини асраб колиб, улиб кетишга рози булганлар камдан-кам эди. Купчилик таслим булиб, янги иктисодий шароит даврида туплаган бор-будини топшириб куя колган. Аммо купинча фурсат бой берилган, чунки махбусларнинг кайсарлиги ГПУ ходимларида шубха уйготган. Махбуслар бор-йукларини охиригача топширган булсалар хам, буни исбот килиб беролмас эдилар. Кийнок методлари борган сари нозиклашиб борди ва тилла ирмокчалар социализм хазинасини тулдиришда давом этди.

ГПУ органларига Ленин томонидан колдирилган васиятнома-кулланмадаги «Совет тузумининг яширин душманлари» булимининг 4- ва 5-моддаларига куйидагилар киритилган эди: хамма собик ер эгалари, хамма собик савдогарлар, магазин ва дуконларнинг эгалари, саноат корхоналари ва устахоналарнинг хамма собик хужайинлари, йирик ижарадорлар, бадавлат дехконлар. Социалистик давлатнинг бу

табақаларига ҳам «нэпман»ларга ухшаш муомала қилишди. Фақат уларга социализмнинг сиёсий иктисодиётидан маъруза укишмади. «Э, бор-йуғимни 1918 йилдаёқ қокиштириб олиб булишган», деган гапларга масхараомуз охангда жавоб беришарди: «А, шунаками? Ҳаммасини қокиштириб олишган денг? Ҳеч нарсани қолдиришмаганми? Йуғ-э! Бунчалик эмасдир. Бир эслаб куринг. Бирор жойга кумиб куйганингиз бордир. Бирор каккка тикиб куйганингиз чиқиб қолар. Эсингизда йукми? Эсланг, эсланг! Ҳали вакт бор». Эслашарди-да, нобуд булишарди. Охиригача бардош берганлар хам нобуд буларди. Сабаби, улар ҳалокатга махкум эдилар. Ҳалок булаётиб, давлатга бирон нарса топшириб кетишса, нур устига нур. Бошқаси билан кимнинг иши бор?

ГПУдаги сон-саноқсиз терговчилар ва тафтишчилар устидан ҳеч қандай назорат йуқ эди. Тортиб олинаётган бойликларнинг қанчаси уларнинг киссаларига кираётгани номаълум эди. Бу рахбариятнинг асабига тегарди, аммо ГПУ ва илк НКВДнинг ҳамма шахсий ходимларини уз тегирмонларидан утказишга карор килинган эди. Шунинг учун «нэпман»лар ва турли-туман собиқларнинг ишини олиб борган ходимларни алохида тергов килишга қарор қилинди. «Сиз Сабаташниковнинг ишини олиб борган эдингиз. Қани, охир-оқибатда у канча тилла ва валюта топширди? Балки купрок топширгандир? Қани, эсла, аблах!» Шундай деб туппонча пешонага тиралади. Ҳаммасини аниқ эслашган. Усул жуда самарадор эди. Бекорга бу усулни 1917 йилдан бери чархлаб келишганми?

Бу ишларнинг гашти ҳам зур эди-да! Лоакал подшо бойликлари билан боғлик ишни эсланг. Юровский Екатеринбургдан Москвага олиб келгани денгиздан бир томчи эди, холос. Император тушмагур, Тобольскда булган вақтида, сокчилар бошлиғи садоқатли полковник Кобилянский орқали, французларнинг зайтун ёғи солинадиган олти литрлик бир неча унлаб маъдан идишларида беҳисоб бойликни гум килган экан. Бу хазинани Романовлар оиласи 300 йиллик салтанатлари даврида туплаган эди. Полковник Кобилянскийни Хитойдан уғирлаб келишди (кейинроқ уни Сибирнинг аллақаеридаги леспромхоздан топдик, деб ёлғон айта бошлашди. Гуё собиқ полковник у ерда хисобчими ё коровул булибми ишлаган эмиш). Ана ушанда иш бошланиб кетди-ку! Сибирнинг музлаган йулларидаги кувла-

қувлалар, тайга қаридаги ташландиқ хуторлардаги отишмалар, Москвадан то энг олис, энг овлоқ жойларгача қама-қамалар! Қанча одам жанговар Қизил байроқ нишони олди, қанча одам пешонасидан ўқ еди. Полковникнинг узини қийнаб улдиришди, аммо французларнинг зайтун ёғи солинадиган идишдаги бойликлардан бор-йўғи бештаси топилди, холос. Ҳолбуки, идишлар 37 та эди. Қолганларини ҳануз излашади.

Бухоро амирининг олтини-чи? Хива хониники-чи? Боку банкининг олтинлари-чи? Мусовотчиларнинг олтини-чи? Нахичеван хонининг олмослари-чи? Санаган билан адо бўлмайди. Ҳаммасига Ленниннинг қули етиб улгурмаган экан. Уларга Сталиннинг қули етди. Йиллаб утказилган терговлар, гувоҳлар ва терговчиларнинг сирли улимлари, аҳолиси бошдан-оёқ кириб ташланган қишлоқлар ва овуллар, каёққа йуналгани маълум бўлмаган сирли карвонларни тухтатиш мақсадида даралар устига самолётлардан сепилган заҳарли газлар, табиатнинг жамики қонунларига кўра шу дараларда жасадлари қолиб кетиши муқаррар бўлган юзлаб туялар ва одамларнинг сирли равишда ғойиб бўлишлари...

Испаниядан олиб чикилган олтин, Болтиқ буйида эса Бессарабияда босиб олинган бойликлар, Оврупо устига режалаштирилган юришда жамики Оврупо тилласини қўлга киритиш ниятлари... Минглаб махфий папкалар, ўн минглаб маълумотлар, ҳисоботлар, лойиҳалар... Жанговар орденлар ва исмсиз қабрлар, махсус инъомлар ва турманинг ёвғон шурваси, Сталиннинг йўлбарсники сингари тарғил кўзлари ва Теҳрон зиндонлари. Одамни энтиктирувчи юзлаб романлар ва кинофильмлар учун сюжетлар...

Бунга ўхшаш чиройли олди-кочдилар урток Сталиннинг оламшумул режаларини моддий жиҳатдан таъминлай олмас эди, албатта. Бу олди-кочдилар нима билан тугашини олдиндан айтиб бериш мушкул эди. Чиндан ҳам, Бухоро амирининг олтинлари изидан тоғлиқ кишлоқлар буйлаб дарбадар изгисанг, натижа нима булишини ким айтиб бера олади? Бирон кулбада Бухоронинг уч-туртта қизил тилласини топишадими-йуқми? Ёки айқаш-уйқаш тоғ суқмокларида адашиб қолган отрядни ёвуз арвоҳлар ютиб юборадими?

Урток Сталиннинг режалари шунга ухшаган ҳодисаларга боғлиқ булиб қолиши мумкин эмас эди. Шунингдек, режаларнинг

руёбга чиқиши полковник Кобилянскийнинг терговга ёрдам беришига ё бермаслигига ҳам караб қолмаслиги керак.

Эски замонларда Россия Сибирь конларидан йилига тахминан 30 тонна тилла оларди. Куп йиллардан бери фойдаланилгани учун эски конлардан путур кетган эди, алғовдалғов йилларида эса конлар бутунлай вайрон бўлди. Бундан ташқари, эски кончининг узи ҳам бир қулида милтиқ, бир қулида чукич билан янги давлат тизимига сира туғри келмасди. Бунинг устига у ихтиёридаги олтин кумни уққа ва муйнага алмаштирар, узи бакувват ва эркин эди. Янги замонларда янги усуллар ҳам туғилди.

Аср бошида геологлар Колима дарёси ҳавзасида катта-катта олтин катламларини топишди. Колима дарёси Ёкутистоннинг шарки-шимолида Муз океанига қуйиларди. Бу кимсасиз улка мангу музлардан иборат бўлиб, дарёлар йилига 285 кун муздан халос бўлолмасди. Ибтидоий ҳолатдаги маҳаллий аҳоли эса кам сонли эди ва кучманчилик қиларди. Улар, асосан, балиқчилик билан кун куришар, ҳатто, буғучилик билан ҳам шуғулланишмасди. Чунки бу ерларнинг оғир шароитига буғулар ҳам дош беролмасди. Шунинг учун бу ерлар на чор ҳукуматининг, на хусусий тадбиркорларнинг эътиборини жалб қилди. Бундай шароитда айни ҳудуддаги конларни ишга солиш узини оқламайди, деб караларди. Умуман, бу ерда яшаш мумкинлигига ақл бовар қилмасди. Аммо большевиклар тарих майдонига кириб келганларидан кейин, улар хар кандай эртакни руёбга чиқармоқлари керак-да!

1932 йилнинг ёзида 12000 маҳбус Магаданга олиб бориб ташланди. Улар Украинадан, Дондан, Россиянинг Марказий вилоятларидан йиғилган собиқ бадавлат деҳқонлар эди. Уларни ГПУнинг 2500 аскари икки юзта исковуч ит билан куриқлаб келганди. Шунча одамни бу ерга олиб келишдан максад Колимада топилган олтин захираларини дарҳол ишга солиш эди. Бу операция кимнинг миясига келган-у, уни ким режалаштирган? Буни билмадиг-у, лекин маҳбуслар куйлакчан, сокчилар гимнастёркада эдилар. Фақат итларгина иссиқ пусгинларга эга эдилар. Аммо бу ҳам уларни қутқариб қололмади. Куккисдан сентябрда тушган совуқдан ҳамма кирилиб кетди. Биронта ҳам тирик жон қолмади, шу жумладан сокчилар ҳам, итлар ҳам нобуд бўлди. 1933 йилнинг ёзида Магаданга

32 минг махбус олиб келинди. Энди буларнинг уст-боши бир оз дуруст эди. Аммо кишдан хар элликтадан биттасигина омон чикди. 1934 йилнинг ёзида яна 48 минг одам келди. 1934–1935 йил кишида яна хамма махбуслар кирилиб кетди, лекин сокчилар омон колди. 1935 йилнинг ёзида 38 мингта одам олиб келинди. Социализм иктисодиётининг асоси айнан ана шунда эди. Одамзод бехисоб сарфланаверади. У икки ойгина мехнат килса бас, шунинг узи унга сарфланган харажатни оклайди. Шу одамлар килган кулларча мехнат сталинча иктисодиётни олга силжитган асосий куч эди.

Олтин конлари ишламокда ва махсулот бермокда эди. Олтин чикариш борасида Москвадан жуда каттик режа бериларди, режани бажармаганлар шафкатсиз жазоланарди. Колимадаги барча камоклар тизимида рахбариятнинг боши кундада эди. 1934 йилдаёк олтин ишлаб чикариш 1913 йилдаги даражага етди. 1936 йилда бу даражадан икки баравар утиб кетилди. Уруш бошланишига келганда олтин ишлаб чикариш 250 тоннага етди. Бу вакт мобайнида факат Колима конларининг узидагина 600 минг одам кирилиб кетди. Айникса, урушдан аввалги турт йил жуда дахшатли булди. Бу йилларда конларга оммавий тарзда шахар аholиси кела бошлади. Уларнинг конлардаги хаёти камдан-кам холларда беш хафтадан ортик давом этар эди.

Шу билан бирга, Красноярск улкасининг шимолида бехисоб бойликлар топилди. 1935 йилда Норильск саралаш комбинатининг курилиши бошланди. Норильск рудасига мамлакатда хам, хорижда хам эхтиёж жуда катта эди. Уни хозирга кадар валютага пуллайдилар. Бу ерда хам хамма иш Колима усулида амалга оширилди. Махбуслар кай кийимда камокка олинган булса, шу куйи кемаларга ортилиб, Дудинка портига келтириб ташланди. Бу ерда сентябрнинг бошидаёк совук 45 градусга етади. Одамларни комбинатга ё сафлаб пиёда хайдаб келишарди, ё машхур Дудинка-Норильск темир йулидан очик вагонларга калаб келтиришарди. Иш жойига махбусларнинг ундан биригина етиб келарди. Колганлар йулда нобуд булардн. Келганларнинг кулига лом билан чукич тутказишарди-да, совукда, аччик изгирин шамолда узлари учун ертула казишга мажбур килишарди. Эрталаб гонг отгунча колганлар хам кирилиб кетарди. Ишни янги келганлар давом эттирарди.

Аҳвол шу тарзда бенихоя чўзилаверарди. Шундай булса-да, 1936 йилдаёқ Норильск рудасини ортган биринчи кемалар Оврупо портларида пайдо булди. Бу Сталинга бакувват валютада баркарор даромад келтира бошлади.

Ҳамма жойда аҳвол шундай эди. Одамлар миллионлаб ҳалок булмоқда эдилар. Бу ҳолат 1939 йилда Сталиннинг: «СССРда, умуман олганда, социализм куриб булинди», – деб айтиши учун тула асос берди. Сталин ҳар жиҳатдан мамнун булиши мумкин эди. У уйлаб топган ва режалаштирган тузум бенуксон ишларди. Ҳар қадамда муъжизалар яратиларди. Турмаларнинг зах хоналарида утирган ихтирочилар ва муҳандислар янги қуролларнинг лойиҳаларини яратмоқда эдилар. Бу ишлари учун улар мукофот тарикасида бемалол нон билан ярим стакан каймок олишарди. Маҳбус Туполев янги, олисга учиш жиҳатидан тенги йук самолётлар уйлаб топмоқда эди. У яратган самолётлар Шимолий Қутб орқали Америкага учиб боришга кобил эди. Маҳбус Рамзин жанговар кемалар учун янги қозонлар яратмоқда, маҳбус Королев эса келгусида фазога учадиган ракета техникаси устида иш олиб бормоқда эди. Улар уз аҳволларидан мамнун эдилар, имтиёзларини қадрлар эдилар, чунки миллионлаб бошқа маҳбуслар шахталарда, конларда, олтин ювадиган жойларда бир лукма овкат учунгина мехнат килишарди. Бу лукма билан улар икки ҳафтадан ортик умр куролмасдилар. Бу шурликлар икки ҳафталик мехнат килиб, кейин улиб кетишлари аввалдан режалаштириб куйилганини, уринларига бошка маҳбуслар келишини билмасдилар.

Кудрати бекиёс, сони бехисоб армия юришга тайёргарлик курарди. Уша пайтлардаги бир машҳур кушикда айтилганидек: «Урток Сталин бизни жангга йуллайди, биринчи маршал бизга бош булар!»

Урток Сталин уз армиясига сукланиб қарар ва ундан улгудай куркарди. Сирасини айтганда, у армияни йук жойдан бор килган ва бу армия узининг ҳам кулини кукка совуриши ҳеч гап эмасди. Баҳайбат харбий саноат комплекси кун сайин кувватини ошириб, мамлакатни янги-янги куроллар тизимига кўммоқда. Бекиёс бир тегирмон борган сари айланишини тезлатиб, йулида учраган ҳамма нарсани, шу жумладан, узининг яратувчисини ҳам мажақлаб ташлашга кодир эди.

Афсоналарда бир жодугар ҳақида ҳикоя қилинади – у бир тош жасадни тирилтириш учун унга беҳад ҳаётий қувват бахш этган ва беҳисоб олтин сарфлаган экан. Жодугар шу жасад ёрдамида бутун дунё устидан ҳукмрон бўлиб олмоқчи экан. Сталин ҳам худди ана шу жодугар каби ўз қуллари билан барпо этилган қудрат қаршисида қонуний ифтихор туйғуларини ҳис қиларди.

Партиянинг олтини билан халқ қонидан бино бўлган уммон бирлашиб, бутун инсониятга таҳдид солувчи метин бир муштни яратди. Қай бир босқичда бу муштдан Сталиннинг ўзи даҳшатга келди ва уни ўзи мажақлаб ташламоқчи бўлди. 1937 йилда Сталин мамлакатни қон денгизига ботириб, ҳарбий-саноат комплексининг ва кучланиб бораётган номенклатуранинг пўлат қучоқларидан халос бўлишга киришди. Маршаллар, армия қўмондонлари, корпус командирлари, дивизия командирлари, халқ комиссарлари, марказқўм аъзолари, вилоят қўмиталари, ўлка қўмиталари, район қўмиталари котибларининг бошлари сапчадек учди. Табиийки, улар билан бирга миллионлаб оддий одамларнинг ҳам ёстиғи қуриди. Сталин достонлардаги пахлавондек жанг қилди, аммо ундан фарқ қиларок жангда ютказди. Ўзи яратган қудратни мажақлашга кучи етмади. Олтин билан қоннинг қотишмаси ҳаддан зиёд мустаҳкам бўларкан. Партиянинг олтини билан халқнинг қони партия ичида, армияда, саноатда шундай бир енгилмас номенклатурани барпо этган эдики, унинг битта бошини узиб ташласанг, ўрнига учта янгиси ўсиб чиқарди.

Аммо доҳий номенклатурани енга олмаган экан, номенклатура ҳам доҳийни енга олмасди. 1937 йил шуни кўрсатдики, ҳамма номенклатура тизимлари сиам эгизакларидек бир-бирига боғланиб кетган экан. Модомики, бир-бирини мажақлаб ташлашнинг имкони йўқ экан, номенклатуранинг аъёнлари билан унинг ижодкори Сталин ўртасидаги ўзаро муносабатни йўлга қўйиш керак эди. Бу алоқалар аллақачон жозибасини йўқотиб бўлган ва аппарат ходимларининг доҳийларига садоқатидан иборатгина эмас эди. Номенклатурани Сталин барпо этган эди, аммо Сталиннинг ўзини ҳам номенклатура бунёд қилган эди. Муайян муддатгача Сталин буни англаб етмади. Номенклатура Сталиннинг диктатураси

учун ижтимоий таянч булди, аммо золим грузинга мухаббати тулиб-тошганидан, унга садокати чексиз эканидан шундай булгани йук, балки номенклатура шу йул билан мамлакатда узининг коллектив диктатурасини урнатди. Номенклатура дохийнинг буйруқларини жонини жабборга бериб адо этар экан, бу буйруқлар номенклатура манфаатларини кузлаб берилянти, деб хисобларди. Албатта, Сталин зарур булиб колса, улардан исталганини алохида олиб мажаклаб ташлаши, хайдаб солиши, тириклай ёндириб юбориши мумкин эди, аммо номенклатуранинг хамма қатламига карши чика олмасди. Буни у умрининг охиригача хам етарли англамай утди. Бу мустабид калбан бунга карши эди. Хамма нарса хам унинг хохиши ва иродасига буйсунмаслигига у сира тан беролмас, шунинг учун вакт-вакти билан номенклатурага карши янги урушлар очиб турарди. Аммо энди булар ортик уруш эмас, оддий хуружлар эди. Бу хуружларнинг хар бири номенклатурани янада кучлирок, Сталинни эса янада ожизрок киларди. Истаса-истамаса, у номенклатура манфаатларини купрок уйлашга, унинг хокимиятини мустахкамлаш, обрусини ошириш, имтиёзларини кенгайтириш хакида ғамхурлик килишга мажбур эди. Негаки, у уз куғирчоклари кулида уйинчок эди, холос. Сталин бу куғирчокларнинг хохиш-иродасини бажарсагина, улар хам Сталиннинг хохиш-иродасига юрар эдилар.

Сталин яратган номенклатуранинг хохиш-иродаси эса, борган сари равшанрок куринмокда эди. У бутун мамлакатда узининг мустахкам хукмронлигини таъмин этишни хохларди. Бу хукмронлик дохийнинг инжикликлари ёхуд узбошимчаликларига боғлик булиб колмаслиги керак эди. Аксинча, дохийнинг узи номенклатуранинг иродасини бажариши лозим эди. Дохий бу вазифани бажарар экан, хеч канака мол-мулкка дахлдор булмаслиги керак эди, номенклатура аъзоларининг хаётигаку чанг солиши мутлако мумкин эмасди. Шундай ривоятлар баҳрида Ленин сиймоси сакланиб келмокда эди. У теварагидаги аъёнларнинг хар кандай гунохидан утар, шахсий бойиш ва коллектив фаровонлик йулида кандай номаъкулчилик килгилари келса, хаммасига йул куйиб берарди. У хакикий дохий эди. Номенклатура каърида «партия хаётининг ленинча нормаларига кайтиш» истаги секин-аста пишиб келмокда эди.

Сталин буни биларди. У кудрати авж нуктага чикканда элу юрт олдида Ленинни немис жосуси, деб эълон килиш ва

унинг хотирасини янчиб, талкон қилиб юбориш хоҳишига тушиб қолди. Қамоққа олинган Фриц Платтен зарур курсатмаларни бериб ҳам булган эди, аммо энг сунгги дакиқада Сталиннинг юраги бетламади. Нима қилганда ҳам «Сталин – бугунги Ленин!» эди-да. Сталин бутун умри давомида, қулидан келганича, Ленин меросига карши курашиб келди. «Ленин гвардияси»ни таг-туги билан юлиб ташлади. Ленининг «барчанинг баробарлиги» ҳақидаги назариясидан юз угирди. Токи бирор одам бу тенгликни кутиб, овора булмасин. Аксинча, шуни таъкидладики, «ҳар бир коммунист, агар у чин коммунист булса, шуни англамоғи керакки, истеъмол ва шахсий ҳаёт борасидаги тенглик майда буржуа унсурлари томонидан уйлаб топилган бемаъни ва аянчли бир гап». Номенклатура оёк устида туриб уни олкишлади. У Ленининг бутун жаҳон микёсида социализм куриш мумкинлиги ҳақидаги карашидан воз кечди, чунки номенклатура жаҳон пролетар инқилобига умид боғлаб бир марта чув тушганди, Троцкийча «узлуксиз инқилоб» ҳақидаги сафсаталар унинг энсасини қотирарди, шунинг учун у уз урнида мустаҳкамроқ урнашиб олишни истар, уз келажагини окибати номаълум булган янги воқеаларга боғлаб қуйишни истамас эди. Улар «бир мамлакатда социализм куриш мумкин» деган гапга мушток эдилар. Шунинг учун Сталиннинг бу гапини завқ-шавқ билан карши олишди. Марксизм нуктаи назаридан караганда, Сталин формуласи учига чиккан бемаънилик эди. Эй, Маркс билан Ленин оғзига келганини қайтармай гапираверган-да. Бугун уларнинг гапларидан маъно кидириш кимга керак? Аммо шунга карамай, синфсиз жамиятни капитализм уммони уртасидаги ягона оролдай яратиш мумкин эмаслиги ҳам равшан эди.

Аммо Сталин номенклатураси янги формулани айюҳаннос солиб муборакбод қилди, чунки бу формула унинг ҳокимиятини «социализм» сузи билан мунаввар қилиб берарди. Урток Сталиннинг социализмнинг бир мамлакатдаги ғалабаси «тула булиши мумкин, лекин узил-кесил булмаслиги» ҳақидаги тезисидан мақсад – кириб ташланаётган халкнинг кунглида аллакандай носоғлом ва руёбга чиқмайдиган умид уйготиш эмас эди. Бу тезисдан фойдаланиб, «капитализмнинг қайта тикланиши» мумкинлигини пеш қилган ҳолда Сталиннинг ички, ҳарбий ва ташки сиёсатларини

асослаш назарда тутилган эди. СССРда социализмнинг тула ғалаба қилгани ҳақидаги фикр эса тузумнинг баркарорлиги ва мустаҳкамлигини тан олишга хизмат қиларди.

Ана шу номенклатура Сталиннинг ҳар томонлама ғамхурликларини куриб турган булса-да, аллақандай «ленинча нормалар»ни орзу кила бошлади.

Бурига ҳар қанча тарбия берганинг билан...

Сталин уларнинг устига узининг қонсираган ити – Ежовни куйиб юборди. «Темир нарком» ва унинг югурдаклари номенклатуранинг қонини роса туйиб ичишди. Аммо ҳеч нарса чиқмади. Ежовни имида-жимида йук қилишди ва охирида шов-шувсиз отиб ташлашди. Аммо ҳаммага аён эдики, Ежовни алланечук тушуниб булмайдиган раҳмдиллик билан тугатишди. Бунақа кунгилчанлик замонага мос келмас эди. На газеталарда уни коралаб лаънатлашди, на умумхалқ йиғинларида «илоннинг боши янчиб ташлансин!» деган хитобу талабномалар булди, на ҳамма гуноҳини тан олган суд мажлислари утказилди, на капитализмни тиклашга урингани ҳақидаги одатий айбловлар айтилди, на отилгани ҳақида лоақал оддийгина ахборот босилди. (Унинг отилгани 1988 йилга келибгина маълум булди. У пайтларда эса Ежовнинг тақдири туғрисида НКВД йули билан иккита миш-миш тарқатилган эди. Буларнинг бирига кура, у аклдан озган ва жиннихонада кишанбанд ахволда утирибди. Иккинчи миш-мишга қараганда эса, у кукрагига «Мен – букман» деган ёзувни илганича, узини-узи осиб куйган. Ўйлаб қараганда, иккала миш-миш ҳам чакки эмас.)

Ҳали бу ҳам ҳолва – Ежовнинг якин қариндошларидан бирортаси ҳам жазога тортилмади. Уша даврдаги мавжуд тартибларга қиёс килинса, бу жуда ғалати эди. Масалан, маршал Тухачевскийнинг нафақат қариндошлари, ҳатто, уйнашлари ҳам соғ колган эмас. Уларнинг ҳаммаси камокка олинди ва нобуд қилинди. Ежовнинг қариндош-уруғлари эса Москвада бемалол яшаб юравердилар, «темир нарком»нинг акаси эса, ҳатто, урушдан кейин ҳам РСФСР маорифида вазир муовини булиб ишлаган эди.

Ежовнинг узи шу қадар такаллуф билан гум қилингандан кейин унинг югурдаклари жабрланиш бир ёқда турсин, амал зинапояларидан кутарилиб кетишди. Ежовнинг муовини

Шкирятов хужайини даф булиши биланоқ Марказкумга аъзо қилиб сайланди ва Марказқум кошидаги Партия назорати комиссияси раиси лавозимини эгаллади. Номенклатурага кирадиган бу амал жуда катта мансаб эди. Машҳур Вишинский ҳам иззат-икромга кўмиб юборилди – у Марказкўмга аъзо бўлди. Халқ Комиссарлари Совети Раисига муовин қилиб белгиланди ва СССР Ташқи Ишлар вазири бўлди. Бундан ташқари, у академик қилиб сайланди. Қонли фожиалар даврининг Молотов, Жданов, Каганович каби арбоблари омон қолгани тўғрисида гапириб утирмаса ҳам булади[1].

Шак-шубҳасиз, бу ғалаба эди, аммо у тула ва узил-кесил эмасди. Мамлакат жуда теран иқтисодий ва сиёсий таназзул ҳолатида эди. Таъминотдаги узилишлар ва узундан-узоқ навбатлар, ҳатто, Москвада ҳам тез-тез руй бериб турарди. Фақат уруш йўлида ишлаётган саноат уз думини узи тишлаб олган илонга ўхшарди ва у давлат иқтисодиётидан истисно қилинган эди. Ракеталарни лойиҳалашдан бошлаб олтин ишлаб чиқаришгача булган ҳамма қатламлардаги қуллар меҳнати мутлақо самарали эмас экан. Ўзларини зўр иқтисодчи деб ҳисоблаб юрган партия мафкурачилари бунн кўриб, роса ҳангманг бўлиб колишди. Мамлакатда тўлов дефицити борган сари кучайиб бормоқда эди. Бу жаҳаннам қаърига Сталиннинг теварагига тиканли сим ўралган империяси қулаб тушиши

---

[1] Сталиннинг вафотидан кейин одамларни оммавий қиришда маълуму машҳур булган Молотов ва Кагановични партиядан учириш учун Хрушчевга анча жон куйдиришга тўғри келди. Аммо партиядан қувилган Молотов бамайлихотир ҳамма имтиёзлардан фойдаланишда давом этди. У Грановский кучасидаги ҳукумат уйида – жуда кенг-мул квартирада истикомат қилар. Марказий Қумитанинг «Ўрмон бағрида» деган қулинг ургилсин санаториясида ҳордиқ чиқарар ва Ленин кутубхонасининг 1-сонли қироатхонасидан фойдаланарди. Бу қироатхона академиклар ва ҳорижий олимларга аталганди, ҳолбуки Молотов на академик, на олим эди. Яқинда маълум булдики, КПСС Марказкуминнинг Ишлар бошқармаси то бизнинг кунларимизгача Сталин, Жданов, Берия ва купларнинг кариндош-уруғларига машиналардан, дала ҳовлилардан, махсус озиқ-овқат таъминотидан ва махсус хизматларнинг бошқа турларидан бемалол фойдаланишларига йул куйиб келган. Ҳолбуки, булар сиёсий максадларда элу юрт олдида жаллод ва котил деб тан олинган эди. Номенклатура салтанатининг уз қонунлари ва уз анъаналари бор.

ҳеч гап эмасди. Бундан ҳам ёмони шунда эдики, доҳий билан унинг номенклатураси бир-биридан туйиб кетгани, ҳатто, ташқаридан қараган одамга ҳам аён булиб қолган эди.

Аммо Сталин, яқиндагина ўзи ишонч ҳосил қилганидай, номенклатурани маҳв этишга қодир булмаса, номенклатура Ежов тудасидан қолган баданидаги жароҳатларини ялаб-юлқаб, доҳийни алмаштиришга яна бир уриниб куриши мумкин эди. Бу гал уриниш муваффақиятли чиқиши ҳеч гап эмасди. Россия империясининг қабри устида барпо этилган Сталин империяси биносининг сиртидаги сохта жимжимадор, улуғвор пардоз кучиб, уқаланиб туша бошлаган эди. Унинг тагидан куриниб қолган қинғир-қийшик ғишт каторлари сочилиб кетай-сочилиб кетай деб турарди. Чунки бу ғиштларни теришда цемент аралашмаси эмас, инсонларнинг қони ишлатилганди. Уни сақлаб қолиш чорасини топиш керак эди. Яна Ленин услуби қул келди – унга биноан сиёсий таназзуллар даврида, бирор янги талов бошланарди ва ҳамкорлар бу таловдан илҳомланиб, доҳий атрофига бирлашардилар. Сталин умумоврупо микёсида, кейинчалик эса бутун жаҳон микёсида босқичма-босқич давом этадиган таназзул режасини ишлаб чиқди. Бу режа унинг назарида, албатта, ўнгидан келиши керак эди, чунки у ўз сиёсати ҳаракатга келтирадиган музёрар кема сифатида ҳаддан зиёд эҳтиросга бериладиган ва ашаддий уришқоқ Адольф Гитлердан фойдаланишни кунглига тугиб куйганди. Пайдо булган истиқболни куриб, Сталиннинг теварагидагилар лол қолишди.

Йирик Оврупо давлатлари ўзаро низолар ва ҳал қилиб булмайдиган зиддиятлар исканжасига тушиб қолишган эди. Улар силлалари қуриб, ўз-ўзларини маҳв этсалар, бу Сталин армияси учун заифлашган ва ҳимоясиз қолган Оврупога йўл очиб берарди. Бу эса империализм даврида урушларнинг мукаррарлиги ҳақидаги Лениннинг кароматини тасдиқлашга имкон берар ва шиддаткор ҳамда самарали ҳарбий ҳужум йўли билан «бутун жаҳон пролетар инқилоби»ни амалга оширишга далда берарди. Буни булар-булмас марксча-ленинча марказларсиз ҳам амалга оширса буларди.

Истиқбол чиндан ҳам порлоқ эди. Аллақачон улиб булган ва қуланса ҳиди кўпдан бери бутун дунёга тарқала бошлаган мафкуравий ақидаларни тасдиқлашдан бошқа яна

бир ғузал имконият пайдо буларди: мамлакатдаги аҳволни анча барқарор қилиш, халқни янада лақиллатиш, ҳамиша норози бўлиб нолиб юрадиган ҳамкорларни ўз тевараги жипслаштириш мумкин буларди; оммавий қотилликлар ва қашшоқликлар уруш ҳисобига ўтказиб юборилади, куллар меҳнатининг зарурлиги, ҳаддан зиёд қаттиқ қонунларнинг кераклиги асосланарди. Атлантика сари ғолибона юриш ўтмишдаги, ҳозирги ва бўлғуси жиноятлар учун жавобгарликдан анча-мунча халос этарди.

Ташки сиёсат бобида, яъни ўтмишдаги жамики йўл-йўриклари оёкости қилган Сталин давлат кемасини кескин буриб, Гитлерга яқинлашиш сиёсатини юрита бошлади. У Оврупо бўйлаб шаҳдам қадам ташлаётган фюрернинг орқасидан сафга туриб олишни, ўз улушини қўлдан чиқармасликни, фурсати келганда эса узининг беқиёс садоқати билан шеригининг ҳушёрлигини бўшаштириб, орқасидан пичоқ санчиб қолишни ният қилганди. Шундай қилса, унинг узини мажақлаб ташлаб, зур ғалабаларнинг самараларидан фойдаланиш мумкин буларди, конга ботган ва вайрон булган Оврупо улжага қоларди.

Яна номенклатуранинг шодлиги чексиз. Чунки у Ленин замонлариданоқ маънавий жиҳатдан бу нарсага тайёр бўлиб келган: Илоҳнинг узи (ёхуд тарихий ривожланишнинг марксча-ленинча қонунлари) уларнинг қисматини белгилаб берган. Бу қисматга кура, номенклатура бутун дунёни баҳайбат биродарлик қабристони устига курилган ҳудудсиз бир камоҳонага айлантириб, унинг устидан ҳукмронлик қилиши керак.

Узининг илоҳий донолигига ва ҳаддан зиёд маккорлигига ишонган чаламулла доҳий мамлакатни шаҳдам қадамлар билан боши берк куча томон олиб борарди. Бунинг окибатида халқ шундай бир тузоққа илиндики, ҳозир ҳам шурлик мамлакатимиз булак-булакларга булиниб кетиб, тузоқдан халос булолмай инграб ётибди.

Халқаро можароларнинг мураккаб тор кучалари бўйлаб санқиб юрар экан, Сталин чин юракдан катта ишларни қиляпман, деб ўйларди. Ҳолбуки, у бошқа қудратли ва фаол кучлар қулида бир қўғирчоқ эди, холос. Бу кучларнинг ғудакликдаги «инга»сини Ленин адашиб улим олдидаги фиғон деб ўйлаган эди. Сталин узининг Гитлер билан олишуви аллакачон бошқа қудратли кучлар томонидан режалаштириб

қуйилганини хаёлига ҳам келтиролмас эди. Бу кучлар ҳам жаҳонга ҳужайинлик қилишни бош мақсад деб билар, фақат бу ҳужайинлик иқтисодий ҳужайинлик бўлиши керак эди. Иқтисодий ҳукмронлик усуллари қаршисида аввалги ҳарбий ва мафкуравий усулларнинг ҳаммаси эскириб, ҳира тортиб, самарадорлигини йўқотиб қуйганди.

Бу режа аввалига ҳарбий омилнинг иқтисодий омилдан устун бўлишини назарда тутарди, аммо секин-аста ҳарбий омил камайиб бориши, бора-бора урнини жуда кенг қуламдаги иқтисодий ҳужумга бўшатиб бериши керак эди. Режа тахминан юз йилга мўлжалланган бўлиб, Қўшма Штатлар билан Оврупони иқтисодий бирлаштиришни кузда тутарди. Режага кўра, бошда Оврупо, айниқса, Германия иқтисодий жиҳатдан жуда заифлашмоғи керак эди, шундан кейингина янги намуналар асосида қайта тикланарди. Шу билан бирга, режада мажбурий шарт сифатида Британия империясининг узил-кесил вайрон бўлиши ва жамики эскирган мустамлакачилик тузумининг емирилиши назарга олинганди. Россия масаласига келсак, Гитлер билан келажакда бўлғуси жангда Россияга ажратилган ролдан ташқари яна бир нарса назарда тутилган эди: Россия бутунлай яккаланиб қуйилиши керак эди. Кейин эса унинг уришқоқлиги зурма-зураки тарзда қуллаб-қувватланиб турилмоғи шарт. Шундай қилинса, «рус хавфи» қаршисида қолган дунё жипслашишга мажбур бўлади. Режа муаллифларининг уйлашича, иқтисодий ва маданий жиҳатдан яккалаб қуйилган Россия бошқа дунёдан шу даражада оркада қолиб кетадики, эртами-кечми (балки аср охирида) сўзсиз таслим бўлишга мажбур бўлади. Унга ҳарбий тазйиқ утказишга ҳожат қолмайди, чунки у иқтисодий истилога бардош беролмайди. Ўз-ўзидан аёнки, бунақа режада ҳодисаларнинг ҳақиқий ривожидаги ҳамма нарсани назарда тутиб бўлмайди. Уни ривожланиш жараёнида йўл-йўлакай тузатиб, аниқлаб бориш талаб этилади. Яна шуниси аёнки, Иосиф Виссарионович Сталиндек жун ва чаласавод давлат арбоби бундай режа учун худди Гитлер каби кони топилдиқ эди.

Кимда-ким бизнинг русча тафаккуримиз қолипларидан келиб чиқиб, бу режа фақат бир нусхада мавжуд бўлган эди, унинг муқовасида махфийлиги тўғрисидаги ақл бовар қиладиган ва қилмайдиган муҳрлардан тангадек буш жой

қолмаганди, утган 60 йил мобайнида бу режа билан АҚШ Президентидан ёхуд «жухуд массонлар»нинг Улуғ Меъморидан пастрок рутбадаги биронта одам таниша олмаган, деб уйласа, каттик хато килади. Бу режа хакида хозирга кадар Америка газеталари очик ва бамайлихотир ёзишади. Бу режани АҚШ конгрессининг бюджет комиссияси барпо этган. 1938 йилда бу комиссия мудофаа учун харажатларни кескин купайтириш имкониятларини мухокама килар экан, шундай хулосага келади: «Овруподаги ва Бутун Оврупо китъасидаги вазият Кушма Штатлар хукуматига жахон таназзулининг даражасини уз билганича бошқариб туришга ғоят ноёб имконият беради. Бунинг учун куролли кучларга сарфланадиган харажатларни кескин купайтириш шарт эмас, солик тўловчиларнинг зиммасига ортикча юк ортиш талаб қилинмайди. Бунинг учун хукумат уз ихтиёридаги молиявий маблағларни оқилона кўчириш тадоригини кўрса бас. Шундай иқтисодий истилони амалга оширмоқ учун ихтиёримиздаги куролли кучлар бемалол кифоя килади».

Аммо бюджет комиссиясининг хулосасига «ишбилармонлар Америкаси» кушилмади. «Уолл-стрит Жорнел» 1939 йил июлида тахририят мақоласида шундай ёзганди: «Хар миллион долларни уч киши – битта денгизчи, битта учувчи ва битта солдат курикламоғи керак. Иктисодий истило режаси хар канча жозибадор булмасин, уни бир юзу йигирма минг кишилик кўғирчоқ армиямиз билан амалга оширамиз, деб уйлашнинг узи кулгилидир. Жахондаги ходисаларнинг шиддатли ривожи эса шундан далолат бермокдаки, бу ходисалар кетидан улгуриб юрмоғимиз учун ихтиёримиздаги фурсат жуда кам. Доллар хар канча шиддаткор булмасин, вакт ундан кўра шиддатлирок...»

Ҳакикатан хам вакт жуда тез утиб борарди. 1944 йилнинг сентябрида «Чикаго Геральд Трибун» газетаси мамнуният билан қайд килди: «Бугун ун минглаб кемаларимиз ва самолётларимиз куп миллионли армиямизнинг фронтдаги шиддатли хужумини таъминлади. Бу фронт Нормандия, Африка ва Италиядан Филиппин ва Окинавагача бутун курраи заминни камраб олади. Бугун биз кулами ва маҳорат билан бажарилиши жихатидан шу пайтгача дунё кўрмаган ҳарбий операцияларнинг гувохи булиб турибмиз. Шундай фурсатда биз инсоний

тарихидаги энг қудратли ва энг самарадор ҳарбий машинани қандай максадда барпо этганимизни англамоғимиз керак. 1911 йилдаёк Президент Тафт «кемалар дипломатияси» «доллар дипломатиясига» йулни бушатиб бериб, утмишга чекиняпти», деб огоҳлантирган эди. Доллар бизнинг душманларимизни милтиғу замбараклардан кура кўпрок йикитади ва шу билан бизнинг улуғ республикамизга бутун дунёда хукмрон булишга йул очади. Бунака хукмронлик Наполеоннинг тушига ҳам кирган эмас. Ҳозир Германия ва Японияннинг ҳалокати муқаррар булиб колганида, бахайбат Россия харобалар ичида конга ботиб ётганида, биз комил ишонч билан: «Долларнинг хукмронлик фурсати келди», – деб айта оламиз» .

Бунга ухшаш матн парчаларини беҳисоб келтириш мумкин. Мана сизга яна битта матн булаги. У «Крисчен сайенс монитар» газетасининг 1989 йил 15 август сонидан олинган: «Совет Иттифокига карши улуғ доллар ҳужуми муваффакият билан ривожланиб бормокда. 30 мингта ядроли ракета ва техника жиҳатидан бекаму куст куролланган дунёдаги энг катта армия тусиқ билмайдиган доллардан ўз мамлакатининг ҳудудини ҳимоя кила олмади. Доллар рус саноатининг ярмини махв этиб булди, коммунистик мафкурага зарба берди ва совет жамиятини ичдан емирди. СССРнинг ортиқ каршилик курсатишга ҳоли колмади ва мутахассислар якин икки-уч йил ичида унинг бутунлай емирилажагини айтишмокда... Биз эса уша президент Тафт коралаб берган, президент Рузвельт жилолаб охирига етказган ва ҳамма Америка президентлари мунтазам амалга оширган улуғ режамизга яна бир карра тан бермоғимиз керак. Бу режа юз йилга мулжалланган эди, биз эса уни эллик йилда амалга оширдик».

Москвадагиларнинг бундан хабари бормиди? Ҳа, албатта. Аммо унга ҳеч канча аҳамият бермай, кулиб куя колишганмиди? Йук, унака булган эмас. Аксинча, америкаликларнинг бу кирдикорларига жуда жиддий қарашган, лекин етарли тушунишган эмас. Сталин Маршал режасидан қанака дахшат билан юз угирганини эсланг. «Совук уруш»нинг авж палласида биз Кушма Штатлардан ҳам кўпрок «Уолл-стрит» корчалонларига карши курашганимизни эсланг. Уша пайтлардаги совет газеталарини вараклаб курсак, амин буламизки, айни «Уолл-стрит» бутун дунёда хужайин булишга ва ҳамма жаҳон халкларини ўзига

буйсундиришга ҳаракат қилган. Сталин жаҳон иқтисодиёти борасидаги чаламуллалигига қарамасдан хатарни яхши англаган ва бор кучи билан унга қарши курашишга интилган. Аммо Бисмарк айтганидек, сиёсатдаги хатолар сил касаллигига ухшайди – даволаб буладиган пайтда улар ҳали сезилмайди, юзага чиқиб сезиладиган булганида даволаб булмайди.

Сталин узининг ҳисоб-китобларида бутунлай чалкашиб кетди. Нафақат булғуси душманлари, балки булғуси иттифоқчилари ҳам уни ёлғон ахборотларга кумиб ташлади. Калавасининг учини йўқотиб куйган Сталин мамлакатни кўкқисдан қилинган ҳужумга тутиб берди ва яна бир карра уни бутунлай махв қилишига сал колди. Қиска ва муддат ичида бу шўрлик мамлакат бошига шунча фалокатлар ёғилди. Ҳамма ёкни куйдириб жизғинак килувчи немис ҳужуми Москвагача, Волгагача, Кавказгача етиб борди, унинг урнига бошланган қарши ҳужум ҳам ҳамма нарсани куйдириб жизғинак килишда немис ҳужумидан колишгани йўк. Таланган, вайрон килинган, яраларидан қони сирқиб турган оч мамлакат устидан баҳайбат тақдир тоши яна бир марта эзғилаб утди.

26 миллион одам курбон булди, минглаб шаҳарлар ер билан яксон килинди, қанчадан-қанча қишлоқларнинг кули кукка совурилди, ун минглаб саноат корхоналари йўк қилинди, ҳудудсиз, бепоён қишлоқ ҳужалик районлари кимсасиз ҳувиллаб колди, юз минглаб километр темир йул мажақлаб ташланди. Бевосита етказилган моддий зарар 2 триллион 500 миллиард сумни ташкил қилади, ҳарбий харажатларга олтин ҳисобида 3 триллион сум сарфланган. Миллионлаб одамлар майиб, бошпанасиз, муҳожир булиб қолган. Навбатдаги миллий ҳалокат учун Рейхстаг устига кундирилган ғалаба байроғидан ва Шаркий Оврупо мамлакатларининг босиб олинганидан жиндай тасалли топиш мумкин эди, аммо булар ҳам янги-янги муаммоларни туғдирди. Улар ҳал қилиш кийин булган янада даҳшатлирок жумбоклар эди[1].

---

[1] Германиянинг Совет Иттифоқига ҳужуми билан боғлик куйидаги вокеа эътиборга лойик. Жамики олтин, платина ва қимматбаҳо тошларни давлат қулида туплаш ҳакидаги Сталин томонидан қуйилган вазифа гайрат билан бажарилмоқда эди. Қидиришлар жуғрофияси борган сари кенгайиб борарди.

Гитлернинг СССРга кукқисдан ҳужум қилиши ганг-гиб қолган Сталинни Қўшма Штатлар ва Англия кучоғига ташланишга мажбур қилди. Улар «Гитлерга карши иттифоқчилар коалицияси»ни тузишганди. Бу ният аввалдан

Агар Россиянинг узида ва Украинада бирон тилла соатми ёки тилла тишларни топиш илинжида 30-йилларнинг уртасига келганда, ҳамма гурлар ва кабрлар кайта казилиб, титкилаб курилиб булинган булса, Урта Осиё республикалари худудларида бунга ухшаш тадбирлар вакти-соати келгунча утказилмаган эди. Шариат конунларига кура кабристонларни оёкости қилиш, саганаларни таҳкирлаш энг оғир жиноят саналарди. Урта Осиёда 20-йилларнинг бошидаёк ловиллаб ёнган озодлик уруши хеч тухтамай давом этиб тургани ва 1939 йилга келибгина бостирилгани учун Сталинни ҳам, унинг жойлардаги малайларини ҳам маҳаллий аҳолининг ғазабини қузитмаслик учун ортикча бахона-ю сабаблар бермаслик кераклигига акллари етди. Кейинрок эса Урта Осиёдаги мукаддас қадамжоларга ҳам навбат етиб келди. Номенклатуранинг очофат нигохини, айникса, Самарканддаги Амир Темурнинг улуғвор ва гузал саганаси жалб қилар эди.

Ривоятларга кура, улуғ жаҳонгир Амир Темур уз юришлари давомида беҳисоб хазиналарни қулга киритган. Архив ҳужжатлари ҳам буни тасдиклайди. Эмишки, Сохибқирон уларнинг куп қисмини узи билан саганага қушиб кумишни буюрган. 1941 йилнинг май ойида Москва НКВДсининг катта отряди Ленинград Эрмитажининг мутахассис ходимлари ҳамроҳлигида саганани очиб куриш учун Самарқандга келган. Ёдгорликнинг шайхи саксон ёшли Масъуд Алаев дахшатга тушиб, келгиндиларга 1405 йилда, яъни Сохибқирон Темур вафот этган йили саганага уйиб ёзилган кадимий ёзувни курсатган. Бу ёзувда кимда-ким кудратли ҳукмдорнинг руҳини безовта қилишга журъат этиб, саганани очадиган булса, уз мамлакатининг бошига конли уруш балосини келтиради деб огоҳлантирилган экан. Ҳар эҳтимолга карши, балога колмаслик учун бу тугрида Москвага хабар қилишади. У ердан дарҳол буйрук берилади: ёлғон овозалар ва ваҳима гаплар таркатгани учун Алаев камокка олинсин ва саганага зудлик билан очилсин. 1941 йил 19 июнь куни Темур кабри устига қуйилган яшил нефрит тош кутарилади. Бу тугрида ТАСС ахбороти бутун дунёга жар солади. Ахборотда истеҳзо билан айтилган шундай гаплар ҳам бор: «Ҳозирга кадар яшаб келган ривоятда айтилишича, саганага ичида кирон келтирувчи дахшатли уруш арвоҳлари яшар эмиш. Уларни эркинликка чиқариб юбориш мумкин эмас эмиш». Бу ахборотни жуда куп газеталар эълон қилган эди. Шу жумладан, «Ленинградская правда» газетаси хам 1941 йил 21 июнь сонида уни босган. Бу ривоятнинг туғри чиқиб колгани ғалати. Ҳар ҳолда, олтин излаб юрганда ҳамма вакт эҳтиёт булиш ва меъёрдан чиқмаслик керак. Аммо урганган кунгил уртанса қуймас, деган гап бор...

булган эди, факат унга Сталиннинг алокаси йўк эди[1]. Россиянинг бепоён кенгликларида Вермахт билан кизил армия кисмлари уртасидаги узлуксиз конли жангларда бир-бирининг таъзирини бериш билан банд экан, Кушма Штатлар Перл-Хар-

---

[1] 1941 йилнинг майида Америка шаҳри Сан-Диегода ҳарбий денгиз қурилиши масалаларига бағишланган семинар булди. Семинар АҚШ флоти буюртмалари билан боглиқ йирик концерилларнинг рахбарлари томонидан уюштирилган эди. Бу семинарда Тинч океан флоти кумондони лавозимини якиндагина тарк этган адмирал Ричардсон катта маъруза килди. Расман маърузанинг мавзуи флотнинг ҳарбий денгиз базалари тизимини тезрок замонавийлаштириш зарурлиги ҳакида булиши керак эди. Аммо бунинг урнига адмирал халкаро ахвол ҳакида маъруза килди. У заррача шак-шубхага бормай, яқин уртада Гитлер билан Сталин уртасида олишув бошланишини маълум килди, кейин адмирал Ричардсон келгусида вокеалар кандай ривожланишини назарий тахлил килди. «Шубҳа йўкки, – деди у, – кимки биринчи булиб ҳужум бошласа, уша йирик муваффакиятларга эришади, чунки Вермахт ҳам, Кизил Армия ҳам яшин тезлигидаги уруш гояси асосида ургатилган. Мудофаа жангларини улар ёктириш бир ёкда турсин, умуман, билмайди. Бундан иккита савол келиб чикади: бизнинг режаларимизга қай бири купрок мувофик келаркин – биринчи юришни Гитлер килгани тузукми ёхуд уни мистер Сталин бошлаб бергани маъкулми?.. Масала жуда осон хал булади. Оврупо харитасига бир нигоҳ ташласангиз кифоя – амин буласизки, агар Сталин куккисдан узининг 200 дивизиясини ва 10 минг танкини (адмирал Сталиннинг кучларини анча камайтириб айтган – И. Б.) Гитлернинг устига ташласа, Вермахт мажақлаб ташланади ва орадан икки ой утар-утмас Сталиннинг армияси Канал буйларида ва Жабалитарик сохилларида булади. Агар борди-ю, Гитлер олдин бошласа, икки ойдан сунг унинг кушини каерда булиши ёлғиз Худонинг узига маълум, чунки унинг Россия кенгликларида чуваланиб колиши мукаррар. Унда Гитлерни уз мамлакатидан ҳайдаб чикариш учун Сталин жуда куп вакт сарфлашга мажбур булади. Вокеаларнинг бундай ривожи натижасида урушқа эришбус Гитлернинг ҳам, Сталиннинг ҳам кулидан кетади ва мукаррар тарзда бошқа эркинрок ва фаолрок кучнинг кулига утади. Руслар билан немислар узаро олишиб хоригач, бутун дунёнинг ахволи ана шу учинчи кучга караб колади. Шундай булгач, жаноблар, биринчи юриш килиш ҳуқукини Гитлерга берайлик». Бу вактга келганда адмирал хусусий шахс эди, шунинг учун нимани хоҳласа гапиравергарди. Аммо семинарда иштирок этган Ҳарбий Денгиз кучлари министри Нок сўз нуткининг бошида шундай деган: «Адмирал Ричардсон бизлар («бизлар» дегани ким булсайкин? Рузвельт ҳукуматими? – И. Б.) дунёдаги ходисаларнинг кейинги ривожидан нималар кутаётганимизни жуда аник килиб баён этиб берди».

Шундай килиб, Гитлер биринчи булиб бошлади.

борда узининг эскирган линкорларини япон бомбаларига рупара килиб, осонгина Иккинчи жахон урушига кушилиб олдилар ва бу урушда узларининг жахоншумул режаларини назарда тутган холда узлари ишлаб чиккан сценарийга мос тарзда жанг кила бошладилар.

Албатта, шуни унутмаслик керакки, урушда хам, сиёсатда хам хали хеч ким, хеч качон уйлаган режаларини, хатто, энг кулай шароит мавжуд булганда хам, юз фоиз амалга оширолган эмас. Америкаликлар хам бунга муваффак булолмадилар. Аммо улар уйлаган ниятларининг тахминан 60 фоизини амалга оширдилар. Британия империяси ниҳоясига етди – Американинг харбий куввати каршисида у кулади. Япон империяси чокчокидан сукилиб кетди ва кўп утмай у хам хаётдан куз юмди. Орадан кўп утмай Франция империяси хам бархам топди. Тахликага тушган, силласи куриган Оврупо гуё бемор боладек, куркувдан даг-даг калтираб, кудратли Американинг пинжига сукилди. Оврупо океан ортидаги улуг республика тимсолида узининг тезгина унгланиши ва келгусидаги хавфсизлигига кафил була оладиган ягона давлатни курган эди. Тинч, Атлантик ва Хинд океанларининг бепоён худудларида Америка флоти хамма нарсани уз назоратига олганди. Оврупода, Африкада ва Осиёда Америка армияси жуда катта худудларни истило этганди. Хамма китъалардаги харбий базалар буғма илоннинг халкаларидек бутун курраи заминни ураб олганди. Буларнинг хаммасига бор-йуги 400 минг кишини курбон бериб ва атиги 535 миллиард доллар харжлаб эришилган эди. Кулаган ва емирилган империялар, ер юзидан супуриб ташланган мамлакатлар ва вайрон булган шахарлар урнида пайдо булган бушликка эса доллар ёпирилиб кирди. Доллар урушнинг конли яраларига малхам булиб, бутун жахон микёсида тула хужайинликка эришиш йулидаги навбатдаги кадамга мустахкам замин яратди. Эришилган муваффакиятларнинг баркарорлиги учун кафолат сифатида урушнинг сунггида Хиросима ва Нагасаки устига ташланган атом бомбаларининг тутуни кукка урлади.

Агар урушда берилган дахшатли талафотларни ва яна бир марта илдизларигача хароб булган мамлакатни хисобга олмаганда, Сталин узининг уруш арафасидаги режаларини камида эллик фоизга бажардим, деб хисоблаш учун хамма асосга эга эди. Германиянинг накд ярми, Польша, Чехословакия,

Венгрия, Руминия, Югославия, Кореянинг шимолий кисми нафакат совет қушинлари томонидан босиб олинди, советларнинг таъсир доираси сифатида Потсдам конференцияси қарорлари билан ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди ҳам. Фурсатни бой бермай, у ерларда коммунистик тартиблар урнатилди. Бу давлатларнинг бошига Сталин уруш арафасидаги тозалашларда омон колган ёхуд ҳамма халқлар дохийси томонидан зарур пайтда иш бериб колади, деган максадда атайин саклаб келинган эски байналмилалчиларни қуйди.

Шарқий Оврупони Сталиннинг қулига тутказар экан, америкаликлар уша вақтдаёқ унга аста ҳаракат қилувчи мина сифатида қарашган эди. У портлагач, Совет Иттифоқини ҳам қунпаякун қилмоғи керак эди. Бу навбатдаги пухта ўйланган тадбир эди.

Аммо Иосиф Виссарионович ҳаддан зиёд ўзига бино қуйган иттифокчиларни кутилмаган совға билан ҳанг-манг килди – коммунистлар Хитойда ҳокимиятни қулга олди, бу эса Сталин байроғи остига беҳисоб одам туплаш деган суз эди. Бу ҳам майли-я, Пекиндан коммунистик иллат шитоб билан аввал жанубий-шарқий Осиёга, кейин эса ундан ҳам нари – Ҳиндистон, Якин Шарқ мамлакатлари ва Америкага тарқала бошлади. Эронда, Туркияда, Грецияда коммунистик ғалаёнлар бошланди. Бу америкаликлар учун кутилмаган ҳол эди. Сталиннинг қулида вактинча ядро қуролининг йуклигигина америкаликларга бу мамлакатлардаги ахволни баркарорлаштириш имконини берди ва Қизил Армияни Шимолий Эрондан чиқиб кетишга мажбур қилди.

Аммо улар шу ишлар билан машғул булиб туришганида, коммунистлар Албанияда ҳокимиятни эгаллашди. Шу билан Болқоннинг куп қисмидаги ҳокимият Сталин қулига ўтди ва унга Урта ер денгизига чиқишга йўл очилди. Уруш вактида оламшумул хужум операциялари ўтказиб мазахурак булиб колган Америка генераллари оғизларидан кўпик сачратиб, ҳукуматларига СССРнинг «жиловини тортиб қуйиш» зарурлигини исбот қила бошладилар. Ҳозирча атом куроли фақат Америкада бор, шундай экан, уни дархол СССРга карши қулламок керак. Президент Труменга батафсил ишлаб чиқилган режани пешкаш қилишди. Унда СССР ҳудудидаги атом бомбаси ташланиши керак булган шаҳарлар қайд қилинган,

Иттифокнинг узи эса босиб олиниши шарт булган булакларга булинган эди. Ҳар қандай мамлакатда генераллар шундай бир қудрат касб этадики, улар билан ҳисоблашмаслик мумкин булмай колади ва уларнинг тазйикини тухтатиш жуда кийин кечади. Аммо бу гал генераллар талаб қилаётган нарса аввалдан ишлаб қуйилган «доллар хужуми» режасига жуда хилоф эди, шунинг учун Сталинга разведка йули билан атом куролининг сирини етказиб, генералларнинг попугини бир оз пасайтириб куйишга гуғри келди[1]. Дуне бир томонга оғиб кетмаслиги учун тарозининг шайинини ҳамма вакт баравар тутмоқ керак.

Аммо Америка генераллари ҳамма муаммоларни стратегик операциялар ёрдамида ҳал қилишга иштиёқманд булиб колган эканлар. Сталин ҳам 1945 йилга келиб жуда катта қудрат касб этган ҳарбий машинасига роса маҳлиё эди. Сталин ҳеч қачон армияда хизмат қилган эмасди – 1915 йилда тиббий комиссия уни «ярамайди»га чикарган эди. Аммо у узининг ҳарбий фаолиятини бир йула маршалликдан бошлади ва икки-уч йил утмай Франко ва Чан-Кай Ши каби генералиссимус булиб олди. Урушдан у 30-йиллардаги, яъни узининг машҳур Оврупо устига юришини тайёрлаётган кезларидагига қараганда янада баттаррок жангари булиб чиқди. «Биз ҳарбий одамлармиз, – деди у фельдмаршал Монтгомерининг елкасига қоқиб, – ҳарбий одамлар сифатида бир-биримизни яхши тушунамиз».

Купчилик Сталин урушдан кейин ашаддий уришкоқ булиб қолган деб уйлайди. Кунларнинг бирида Гарриман унга: «Овруподаги энг кудратли давлат Ватикандир», – деган экан, Сталин истеҳзо билан жилмайиб ундан сурабди: «Ватиканнинг канча танк дивизияси бор?» Шундай бир таассурот

---

[1] Атом куроли теварагидаги жосуслик можароси жуда коронги. Ҳозир маълумки, атом сирларини излаган совет жосусларининг ҳаммаси америкаликларга ошкор булган экан, уларнинг иши нима билан тугашини кутиб, анчагача ҳеч кимга тегмаган эканлар. Фақат СССР узида атом бомбаси бор экани ҳақида расмий ахборот эълон қилгандан кейингина кутилмаганда деярли ҳаммаларини қамоққа олишган. Машҳур Абелнинг гуруҳи бошдан-оёк ФРБ ва ҳарбий контрразведка ходимларидан иборат булган. Улар Абелнинг алокачилари булиб ишлаб, атом куролининг ҳамма сирларини СССРга маълум қилишган. Бундан шундай хулоса келиб чикадики, демак бунга ухшаган карор жуда юкори доираларда кабул килинган.

туғилгандики, бутун дунёга ҳукмдор бўлиш дардига йуликкан Сталин чиндан ҳам мамлакатларнинг қуввати ва таъсирини фақат танклару бошка куроллар миқдори билан ҳисобларди.

Аммо бу унча туғри эмас эди.

Уруш, унинг дастлабки икки йилида муттасил ҳарбий ҳалокатни кутиб яшаш, Черчилл, Рузвельт ва Оврупо ҳамда Американинг бошка давлат арбоблари, саркардалари билан мулокот Сталинни жуда узгартириб юборган эди. Шу туфайли у уруш арафаларида мутлақо акли етмаган кўпгина нарсаларни тушуниш имконига эга бўлди.

Урушга қадар Сталин ҳақиқатан ҳам ҳамма нарсани ҳарбий кучларнинг қудрати билан улчарди. Ривоятларга кура, Ричард III тахтга даъвогар ракибларининг шакл-шамойилини мумдан ясар экан-да, уларни улдириб, бирин-бирин учоққа улоқтириб, шундан ҳузурланар экан. Сталин ҳам ана шу Ричардга ухшаб узининг шакл-шамойилини борган сари тахтга яқинроқ сурар экан, уруш арафаларида узи эмас, бошқалар томонидан мажақланган поляк, француз, голланд, бельгия, норвег, югослав, грек каби Оврупо армияларини «учоққа қалаб» ҳузурланган. Мана, Оврупода немисникидан бошқа ҳеч қандай армия қолмади. Уни бир ёқли қилса бас – бутун Оврупо дум берган ковундай унинг қулига утадиқуяди. Унинг назарида инглиз армиясини эътиборга олмаса ҳам булаверади. Америка армиясини ҳам. Негаки, инглизлар билан америкаликлар узларининг линкор-пинкорлари билан унинг режаларига ҳалал беролмайди.

Аммо бундай бўлиб чиқмади.

Бирор самара чиқадигандай бўлганда эса унинг қаршисида ун беш миллионли Америка армияси намоён бўлди. У жуда яхши тайёргарлик курган, корни тўқ, усти бут, навкирон, яна бунинг устига атом бомбаси ҳам бор...

Энг муҳими эса бу армиянинг ихтиёрида бенихоя кудратли доллар куроли бор эди. Бу курол билан Сталиннинг хароб бўлиб ётган қашшоқ империясини бир зумда илинтириш мумкин эди. Сталин буни жуда яхши тушунарди. Шакир-шукур билан темир парда орага тушди. У мамлакатни ташқи дунёдан ажратди-қуйди, айни чокда совет бозорининг бокиралигини саклаб, бу ерга доллар кириб келишининг олдини олди. Қай бир миқдорда валюта ёхуд тилла тангалар саклашни ахолига

ман киладиган яна бир туп фармонлар чикди. Дунёдаги энг кудратли ва энг бадавлат давлатга карши бекиёс кураш бошланмокда эди. «Доллар» режасидан хабардор булгани учун ва эхтимолки, масаланинг баъзи бир соф молиявий нозик томонларига акли етмаган Сталин уткир зехни билан шуни тушундики, нима килиб булса-да, Ғарбнинг имкон кадар купрок долларини бехуда совуришга мажбур этиш керак. Шундагина кудратли валюта тулкинининг темир парда оркали ёриб утишини йукка чикариш, СССРга тазйикни бушаштириш ва шу билан вактдан ютиш мумкин булади.

Сталин атом куролини кулга киритишга улгуриб-улгурмай Кореяда урушни бошлаб юборди, бу машмаша Шимолий Кореянинг халокати билан тугаши сезилиб колганда эса, урушга миллионлаб хитойликларни жалб килди. Хитойликлар америкаликларни куп талафот беришга мажбур килишди. Улар Жанубий Кореянинг мустакиллигини саклаб колишга муваффак булишди. Улар хар доимдагидек урушда уз душманларидан кура юз баравар камрок курбон беришди, аммо юз баравар купрок пул сарфлашди. Москвада худди шундай булиши режалаштирилган эди.

Бирок Москва Корея машмашасига АҚШга караганда анча кам пул харжлаган булса, урушдан кейинги харажатлар акл бовар килмайдиган даражада купайиб бораётган эди. Марказий Оврупода жуда катта армиялар юзма-юз туришар, улар узлуксиз равишда замонавий аслахалар билан куролланиб борарди. Куркувдан дахшатга тушган Оврупо Америка тевараги да бирлашиб, НАТО деган мудофаа иттифокини тузди. Бунга жавобан Сталин хукмидаги Шаркий Оврупо мамлакатларини Варшава шартномасига бирлаштирди. Бунака вазият Оврупода вакт-вакти билан таназзуллар туғдириб турарди. Айникса, Сталин кайфияти бузук пайтларда Ғарбнинг жанговар тайёргарлигини синаб куриш максадида кутилмаганда «яна бир марта Ғарбий Берлинни камал киламиз» деганга ухшаш гапни айтиб колса, бу хамма ёкни алгов-далгов килиб юборар эди. Совет кушинлари ишгол килиб турган жойда хаво куприги оркали америка самолётлари гувиллаб ута бошлар, чегарада турган танклар тахдид билан замбаракларини мулжалга туғрилай бошлар, бомбардимончи ва кирувчи самолётлар моторларини кизитишга киришар, минглаб туплар

устидан ниқобловчи ғилофлар олиб ташланарди. Лекин ҳеч ким ут очмас эди. Ҳамманинг хаёлида Хиросима ва Нагасаки руҳи ҳоким эди.

Бироқ бунга бениҳоя катта харажат сарфланарди.

Гарчи Совет Иттифоқида одатдагидек пул ҳалокатли бир тарзда камчил булса-да, Сталин бу оламшумул низода ташаббусни уз қулига олишни уйлай бошлаган эди. Бунинг иккита йули бор эди. Биринчи йули – душман устидан жуда катта харбий устунликка эришиш. Иккинчиси эса – эски ленинча усулларни қуллаган ҳолда душманни ичидан қулатиш. Бунинг учун ошкора, ярим ошкора ва яширин коммунистик партиялардан курол сифатида фойдаланиш керак. Улар ҳар гал Москвага зарур булганда, Ғарб дунёсида ижтимоий портлашларни туғиришга қобил булишлари зарур. Керак пайтда эса нафақат ижтимоий портлашлар, балки ҳақиқий портлашларни ҳам уюштирсинлар. Ҳарбий базаларда, харбий кемаларда, ҳукумат муассасаларида, қолаверса, гавжум кучаларда хам.

Ҳар иккала йул хам жуда катта харажатларни талаб киларди.

Жуда кенг куламда ҳарбий кемасозлик дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди. Чунки Американинг кудратли денгиз флотини бартараф этмай туриб, жаҳонга ҳужайин буламан, деб уйлашнинг ҳожати ҳам йуқ эди. Америка Қушма Штатларининг флоти уруш йилларида намойиш килган стратегик имкониятлар эса Сталинни аввалига жуда куркитиб куйган эди (ҳали атом куролига эга булмаган чоғларида доҳий деярли ҳар куни америкаликлар Кримга десант тушириб қолади, деган хавотирда яшарди), Кейин эса доҳий Америка флотига таклид кила бошлади. «Сталинград»га ухшаган баҳайбат линкорлар қандай курила бошлаганини ҳозирга қадар тузукроқ изоҳлаб булмайди. Ё урушдан кейин барча халқлар доҳийси бутунлай ақлдан озиб колган, ё бу баҳайбат кемаларда оддий одамнинг ақли етмайдиган алланечук маъно булган. Негаки, ҳар бири икки миллиард сум турадиган линкорларни урушдан кейинги йилларда куриш худди эшкакли кемалар флотини куришдек беҳуда нарса эди.

Бир вақтнинг узида стратегик авиацияни барпо этиш буйича ҳам иш олиб борилди. Уруш йилларида бундай

авиацияниинг йуқлиги доҳийни куп асабийлаштирган эди. Америка учар қалъаларининг Германия ва Япония осмонидаги ҳаракатлари табиатан жуда таъсирчан булган урток Сталинга уз кучини каттик курсатганди. Ҳар бир ҳаво ҳужумида минглаб самолётлар иштирок этар, уларнинг куплигидан куёш хира тортгандек булар, бомбалар эса худди ёмғирдек куйиларди. Сталин ҳам осмонда худди шунақа қудратга эга булишни ихтиёр этди ва қамоқдан чиқарилган Туполевга америкаликларникига тенг келадиган транстратегик бомбардимончи самолёт куришни буюрди. Москва яқинидаги аэродромга Американинг Б–29 стратегик бомбардимончи самолёти олиб келинди. Бу самолёт 1944 йилда Хабаровск яқинида қунишга мажбур булган эди. Сталин Туполевга ана шу самолётни намуна килиб олишни буюрди. Доҳийнинг ишончини оклаш учун Туполев улжадан лойиҳа олди-да, номини «Ту–4» деб узгартириб, ишлаб чиқаришга қуйди. Истеъдодли авиаихтирочи нусха кучириб утиришга вақт сарфлашни истамади. Унинг ихтирочилик булимида Ту–16 реактив стратегик бомбардимончи самолёти лойиҳаси устида жадал иш олиб борилаётган эди. Ту–16 билан бирга Ту–14 денгиз самолёти устида ҳам иш кетмоқда эди. Бошқа ихтирочилик булимлари ҳам ортда қолгани йуқ. Мятишчевнинг стратегик бомбардимончи самолёти синовдан ута бошлади, биринчи реактив МИГлар эса Корея осмонида Американинг «Сейбр» самолётлари билан ҳаво жангларида аллақачон синаб курилган эди.

Турмадан бушатилган Королёв эса америкаликларга янги, кутилмаган совға тайёрлай бошлади – у улжа олинган «ФАУ – 2» ракетаси заминида бутунлай бир янги ракета куролини ихтиро этди. Бу курол бор-йуғи бир неча йилдан кейин дунёдаги ҳарбий-стратегик вазиятни тубдан узгартириб юборди. Америкаликлар биринчи марта уз юртларининг жанг майдонига айланиб қолиши мумкинлигини ҳис килдилар ва яна миллиард-миллиардлаб доллар сарфлашга мажбур булдилар. Аммо бу гал энди улар бу пулларни дунёни қайта тақсимлаб олиш каби оламшумул мақсадларга эмас, балки уз мудофаалари учун харжладилар.

Шу билан бирга, Ғарбий Оврупо мамлакатлари ва АҚШдаги демократик ҳаёт тарзидан фойдаланиб, у ерлардаги

компартияларни бевосита Москвага тобе этиш йули билан бу мамлакатлардаги жамоатчилик ҳаётини издан чиқариш режасини уйлаб топдилар, доимий равишда унга тузатишлар киритиб бордилар ва изчил амалга оширдилар. Сталин Байналмилални таркатиб юборганда айни ана шуни назарда тутган эди. Асосий эътибор уша пайтдаги Оврупода анча-мунча обру-эътиборга эга булган Франция коммунистик партиясига қаратилди. Унинг раҳбари Морис Торез эди. Уша йилларда Франция НАТОнинг энг асосий мамлакатига айланганди. Бу ташкилотнинг ҳамма штаблари ва марказий муассасалари Парижда жойлашган эди. Энг пухта режаларда кузда тутилганига кура, компартия Москва курсатган муддатда умумхалқ қуролли қузғолонини бошлар ва Қизил Армияни ёрдамга чакирарди. Бу эски усул булиб, Польша ва Финляндия билан булган уруш вактларидаёқ бир колипга тушиб колган эди. Ҳозир эса, яъни ҳали фурсат етиб келмаган бир чоғда, Торез кулланмага мувофиқ, ҳар кандай вазиятда, иттифоқчиларнинг сирларини ошкор килиб қуймаслиги керак эди. Бу орада у ишчиларнинг иш ташлашларини, кўча намойишларини уюштирмоғи, турли тартибсизликларни вужудга келтириб, тинчлик учун курашмоғи, уруш оловини ёкувчиларни фош килмоғи, оммавий ахборот воситаларида Совет Иттифокини шарафлаб, унинг тинчликсевар ташки сиёсатини алкаб, барча халклар дохийси, фашизм устидан ғалаба қозонган генералиссимус Сталинни улуғлаб, фавқулодда ғайрат ва шижоат билан тарғибот ишларини олиб бориши талаб килинарди. Бу жараёнда имкони борича Франциядаги бошқа партиялар ва жамоат гуруҳларини ҳам бу ишга жалб қилиш керак эди. Франция компартиясидан яна шунинг учун умид катта эдики, у уруш йилларида каршилик курсатиш ҳаракатида анча бақувват куролли гуруҳларни уюштирган эди. Француз компартияси иттифоқчиларнинг қушинлари Нормандияга бостириб кирганларидан кейин шу куролли гуруҳлар ёрдамида, ҳатто ҳокимиятни босиб олмокчи ҳам булганди. Эндиликда эса бу гуруҳлар росмана таркатиб юборилган булса-да, махфий равишда уз тизимларини ва куролларини сақлаб қолиб, Кремль томонидан белгилаб бериладиган фурсатни кутмокда эдилар.

Морис Торез 1928 йилдан бери Байналмилал Ижроия Қумитасининг аъзоси эди, шунинг учун у уз ишини яхши

билар ва гап-сузсиз Москвага буйсунарди. Иккинчи жаҳон урушининг бошланишидаёқ у Кремлнинг курсатмаларини бажариб, француз армиясини ичдан бузиш ва тузумни заифлаштириш учун кулидан келган ҳамма ишни килди. Шу сабабдан Гитлер Францияни осонгина кулга киритди. Торезнинг узи эса армиядан кочиб, яширин тарзда ҳает кечира бошлади, немислар Францияни босиб олгандан кейин эса француз ишчиларини ихтиёрий равишда Германияда меҳнат килиш учун боришга чакирди. Гуёки французлар шу йул билан немис халкига «инглиз-француз агрессияси»ни кайтаришга ёрдам берармиш. 1941 йилнинг 22 июнидан кейин Москвадан янги кулланмалар олган Торез немис агрессиясини кайтаришда совет халкига ёрдам бериш учун каршилик курсатиш харакатини ташкил килишга киришди. Куйинг-чи, бир кун хам курсатма-ю буйруксиз колган эмас.

1939 йилда такикланган компартия урушдан кейин яна ошкора ҳолатга утди, Торезнинг узи эса ҳукумат аъзоси бўлди. Бу унинг фаолияти учун жуда яхши имкониятлар яратди. Бирок буларнинг ҳаммаси жуда катта сарф-харажатни талаб киларди. Ҳаддан ташкари катта партия аппарати учун маблаг керак эди, «Юманите»га ухшаш калин ва даромад бермайдиган газеталарни нашр килиш, яна турли журналлар, варакалар, хитобномалар... Буларни хисобга олмаганда, иш ташлашларни уюштириш учун хам пул керак эди, чунки касаба уюшмалари – ҳамма ишчиларга ишга чиқмагани учун, намойишлар, юришлар, митингларда катнашгани учун маош урнига ҳак беришни талаб киларди. Бундай пайтларда ҳар бир иштирокчи учун камида 300 франкдан бериларди. Булар ҳаммаси кушилганда йилига миллионлаб франк маблагни талаб киларди. Довруги оламни тутган Раймонда Дьен узини поезд йулига ташлаб, укдорилар ортган составни тухтатди. Унинг бу сакраши партияга 10 минг франкка тушди – бу Раймондага берилган ҳак эди. Бундан ташкари, яна темир йулда юк ташиш графигини бузгани учун 30 минг франк жарима туланди. Табиийки, бу пулларнинг ҳаммасини Москва берар эди.

Парижнинг Усмоний хиёбонида биринчи авлод мухожирлар харид килган бир бино бор – унга мухожирлар асос солган Евробанк жойлашган. Бу банкда, жумладан, Оклар ҳаракатининг олтин захираси ва РОВС нинг депозитлари

сақланарди. Иккинчи жахон уруши тамом булгандан сунг ғалаба кайфини суриб юрган, Қизил Армия офицерларининг елкаларидаги тилла погонларни куриб ийиб кетган юкори рутбалик мухожирлар бу банкни Совет Иттифокига тортик қилиш ниятига тушиб колдилар. Бу даврда Оқлар харакати ва мухожирларнинг сон-саноксиз жамоа ташкилотларига Сталин айғокчилари сукилиб кириб олган эди. Уларни турли-туман ватанга кайтиш кумиталари хамда ГПУнинг эски айғокчиси булмиш граф Игнатьевнинг уддабуронлик билан олиб борган тарғиботлари роса йулдан урган эди. Мухожирларнинг мункиллаб колган рахбарлари ёлғон-яшик гапларга лаққа тушиб, Евробанкни Совет Иттифоки ихтиёрига топширмокчи булишди.

«Оқлар» олтинини Сталин қулига топшириш унча кийин кечмади – олтиннинг эгалари нима қиламан десалар, ихтиёрлари узида эди. Аммо банкнинг узини утказиш масаласида кийинчиликлар туғилиб колди – француз конунларига кура мамлакат худудида Франция фукароси рахбарлик килмайдиган банкнинг булиши мумкин эмас эди. Бироқ бу кийинчиликни осонгина бартараф қилса буларди. Банк сармоясининг тахминан 0,3 фоизини француз компартиясига беришди. Компартия узининг Марказий Қумитаси таркибидан бир кишини ажратди. Уша одам номига банкка бошлик булди. Сармоянинг 99,7 фоизини эса СССР Давлат банки билан Ташқи савдо банки узаро булишиб олди.

Евробанкни баъзан Халк банки деб хам аташарди. Бу банк имтиёзли фоизлардан фойдаланиб, жуда киска муддатда Франциянинг узи қули етадиган хамма жамоатчилик тизимларини асоратга олди. Француз компартияси ва унга алокадор ташкилотларнинг хаммасини доимий равишда маблағ билан таъминлаб туришдан ташқари, банк компартияга хеч кандай алокаси булмаган ташкилотларга хам жорий хисоб оча бошлади. Турли-туман касаба союзлари, хар хил аёллар, ёшлар ва спорт ташкилотлари бу имтиёзли банкда бажонидил жорий хисобларини очишди. Ҳатто мудофаа аҳамиятига молик хусусий корхоналар томонидан тузилган Умуммехнат Конфедерацияси хам Евробанк тузокларига илинди. Бундан ташқари, «қардош мамлакатлар»нинг хамма элчихоналари уз маблағларини Евробанк хисобида

сақлашлари керак эди. Франциядаги совет разведкаси резидентларининг пуллари ҳам шу ерда сақланарди. Улар Давлат Хавфсизлиги Вазирлигига ва Бош разведка бошқармасига қарарди. Бу икки ташкилотнинг жорий ҳисоби алоҳида-алоҳида эди. Чунки улар ҳамиша бир-бири билан ҳамкорликда ишлашни хоҳлашмаган. Дипломатик паспортлар паноҳида харакат қилувчи хос хизмат резидентлари ҳам банкда уз ҳисобларига эга эди. Бу ҳисобларда жуда катта миқдорда нақд пул сақланар, бу пул қуккисдан зарур булиб қолганда ишлатилар, бундан ташқари, айғоқчиларнинг ҳаки ҳам шу пулдан туланарди. Айғоқчилар учун алоҳида ҳисоб очиб утиришнинг маъноси йуқ эди. Бу пуллар тахминан бир миллион франкка якин эди ва муттасил тулдирилиб бориларди. Тусатдан зарур булиб қолганда эса Москвадан «олтин» чопарлар етиб келарди. Улар ДХҚ ва БРҒнинг зобитлари булиб, дипломатик почта никоби остида турли хил ажнабий валютада нақд пул олиб келишарди. Уша кезларда ҳаммадан купрок фунт-стерлинг келтиришди.

Франция ишлар шунака тарзда эди. Аммо озми-купми даражада Темир парданинг нариги томонидаги бошқа мамлакатларнинг ҳаммасида ҳам ахвол шундай эди. Лондонда, Бернда, Венада, Люксембургда, Теҳронда «Халқ банклари» пайдо булди. Улар ВКП (б)нинг қудратли банк тизимини вужудга келтирди.

Истикбол чиндан ҳам жуда беполён эди.

Керакли партиялар, жамоат ташкилотлари ва одамларни молиявий таъминлаш имконидан ташқари, молия иули билан халқаро банк тизимига суқилиб киришга йул очилганди. Шунингдек, биржа уйинларида қатнашиш, кучмас мулк сотиб олиш, Ғарб саноатининг керакли соҳаларига пул сарфлаш, ҳаттоки, у ёки бу муҳим корхоналар устидан, уларнинг керагида гуллаб-яшнаши ёхуд синиб яксон булиши устидан назорат қилиш имкони пайдо булган эди. Халқаро молия соҳасида жонбозлик билан меҳнат қилаётган совет дипломатлари ва разведкачиларининг ижодий фикрини Москвадан келадиган талабчан кулланмаларгина бироз чеклаб турарди. Тез-тез ҳар хил кулам-даги ғалвалар кузиб турарди. Гоҳи Брюсселдаги айғоқчилик марказида ходимларимиз ғиғирлик қилгани ошкор булиб коларди. Улар Оврупода бошпана топишдан умидвор булган

экан. Зудлик билан уларнинг ҳаммаси қўлга олинди. Москвага келтирилиб, тегишли жазога мустаҳиқ қилинди. Улар бу жиноятни сиёсий мақсадларда эмас, фақат иқтисодий ғаразларда қилишганини исбот этиб, отув жазосидан қутилиб қолишди – уларнинг ҳаммасини 25 йилга кесишди. Гоҳида қандайдир капитан Седиков деганга ухшаш олтин чопар ичида 300 минг франк пули бор чемодан билан ғойиб булиб қолади-ю, икки йил давомида уни изла-изла, кув-кув бошланади. Бу аснода канчадан-канча отишмалар, сирли қотилликлар содир булади, қалбаки паспортлар ишга тушади. Бу довюрак муттаҳам барибир қочиб қутила олмайди – уни Монтевидеода қулга олишади ва Москвага олиб келиб, «бандитизм» учун отиб ташлашади.

Бирдан аён буладики, «Халқ банки»нинг Неаполдаги булимини америкаликлар сотиб олиб қуйибди – у амалда Марказий Разведка Бошқармасининг филиалига айланиб қолипти. Айбдорларнинг қамоққа олиниши жуда катта молиявий йуқотишларга олиб келди. Лекин чидаш керак. Урток Сталин ишда тартиб булишини яхши курарди, ҳаммадан бир тийингача аниқ ҳисобот талаб қиларди ва айбдорларнинг кимлигига карамай шафкатсиз жазоларди. Урушдан кейин Сталин ҳукмдорлиги остида ўтган йиллардаги барча махфий суд жараёнлари ва оператив кидирув ҳаракатлари пул аралашган ғалваларга тўла. Яна шу нарса аён булдики, урушдан кейинги йилларда разведкамизнинг йирик резидентларидан биронтаси ҳам валютада қилган сарф-харажатлари учун ҳисобот беролмас экан. Уларнинг ҳаммаси ибратли жазоларга мубтало қилинди. Йиллар утади ва бу резидентлар хотиралар ёзишиб, уларда уз рахбарлари билан, ҳаттоки, Сталиннинг узи билан мафкуравий ихтилофларга боришганини маълум қилишади. Аслида эса уларни, асосан, камомадда айблашган.

Масалан, «Қизил империя»нинг сардори машҳур Леопольд Треплер уз ихтиёридаги 80 минг швейцар франкидан иборат маблағ қайси банкка қуйилганини сира-сира эслолмади. ГУЛАГда утириб чиқди ва Сталин вафотидан кейингина, аввал Польшага, кейин Исроилга бориб қолиб, ҳисоб номерини эслади. Лекин шунда ҳам пуллар узиники эмаслигини негадир ёдидан чикариб қуйди. Совет разведкасининг Швейцариядаги машҳур резиденти Радо-чи? Уша донги кетган Радо! Қанчадан-канча жангномалар ва телесериаллар

қаҳрамони. Урушдан кейин Қоҳирада қўлга олинди ва Москвага келтирилди. Бу ерда маълум бўлдики, у бутун уруш давомида камёб айғоқчи Рудольф Рослернинг хизматларига тўлаш учун пул олиб турган-у, лекин унга бир тийин ҳам тўламай, ҳаммасини ўз ҳисобига қўяберган. Радо ўғирлаган пулларининг ҳаммасини қайтариб берди ва шу сабабдангина йигирма беш йиллик қамоқ муддати билан омон қолди.

Хорижий операциялар учун сарфланадиган ҳар йилги кўп миллиардлик маблағ, қуролланиш учун кетадиган миллиард-миллиард харажат беихтиёр бир саволни келтириб чиқаради: Москванинг ўзи шу урушдан хароб бўлиб чиқди. Шундоқ экан, тўкин-сочин яшаш учун пулни қаёқдан олишган? Бу саволни биринчи марта Америка газеталари кўтарган эди. 1949 йилда Қўшма Штатлар компартияси тевараги да катта жанжал кўтарилди. Ўшанда федерал солиқ идораларининг аниклашича, ўзларини Америка коммунистик партияси аъзоси деб атовчи бир гурух одамлар аллақаердан 20 миллион доллар пул олган, унга каттагина кўчмас мулк харид қилган, аммо на федерал хазинага, на учта штат хазинасига бир тийин ҳам пул тўлашган эмас.

Тергов бошланиб кетди. Маълум бўлдики, занжир Нью-Йоркдан Москвага олиб борар экан. АҚШ компартиясининг миллий котиби Гесс Холл (баъзи газеталар уни «газ камераси» деб атарди, чунки исми билан фамилияси шунақа маънони англатарди) фирибгарлик учун беш йил қамоққа ҳукм қилинди. Йўл-йўлакай бошқа бир воқеа ҳам ошкор бўлди: Гесс Холл уруш йилларида армияга боришдан бўйин товлаб, Мексикага қочиб кетган экан. Коммунистлар АҚШнинг асосий душмани бўлиши мумкин бўлган мамлакатдан пул олиб туришларини тан олишди. Ҳар иккала факт қўшилди-ю, жаҳон миқёсида баҳс бошланиб кетди: шундоқ экан, коммунистларни «хорижий давлатнинг агентлари» деб ҳисоблаш керак эмасми? Шундай дейиладиган бўлса, бундан муайян хулосалар келиб чиқади. Жумладан, коммунистлар мажбурий тарзда полицияда руйхатдан утишлари керак. Америка демократиясининг бағри бенихоя кенг – у ўз фуқароларига фақат битта нарсани – солиқларни тўлашдан бўйин товлашни кечирмайди, холос. Олий суд коммунистларнинг ҳам яшашга ҳакки борлигини тан

олди, фақат бундан буен уларни хориждан келадиган пуллар масаласида кинғирликларга йул куймасликка чақирди.

Бунинг окибатида коммунистлар ҳукумат томонидан молиявий жихатдан каттик назорат килина бошлади. Шу туфайли совет газеталарида катта шовкин-сурон кутарилди: «Америка коммунистлари кувғин килинмоқда», «АҚШда фашизм кутурмоқда!», «Алвасти ови бошланди», «Маккартизм дахшатли тусга кирмоқда» (бу суз АҚШ конгресси тергов комиссиясининг раиси сенатор Маккарти фамилиясидан олинган. У компартиянинг молиявий ва сиёсий кирдикорларини тафтиш килган эди). Шундан кейин Америка коммунистлари пул топишда 30-йилларда АҚШда ичкилик ман этилган кезларда спиртли ичимликлар топиш учун кулланган усулларни ишга солишига туғри келди. Чопарларни кулга олишлар бошланди. Совет дипломатларини мамлакатдан чиқариб юбориш, партия ходимларининг камокка олиниши, мутлако даромад келтирмайдиган коммунистик газета «Дейли Уоркер»нинг ёпиб қуйилиши билан боғлиқ ғалвалар юзага келди. Бу газетанинг ҳамма нусхаси баъзан СССРда ва «кардош мамлакатлар»да босилиб, уша ерда тарқатиларди. Секин-аста, ана шунака бемаъниликлар учун Москванинг канча пул харжлаши аён булиб колди ва табиий савол туғилди: Москва бу пулларни қаердан олади?

Урушдан кейин Сталин разведкаси томонидан кулга киритилган нацистларнинг тилласи ҳакида чала-чулпа маълумотлар пайдо булди. Уруш йилларида абвернинг «Шарк» булимига рахбарлик килган собик гитлерчи генерал Гелен Америка тергов комиссиясида сурок вақтида сира кутилмаганда ғоят шов-шувли бир баёнот берди. Бу баёнот гуё рад килиб булмайдиган далиллар билан тасдикланар эмиш. Баёнотнинг моҳияти қуйидагича эди: Фюрернинг партия буйича муовини Мартин Борман аслида Байналмилалнинг жосуси булган. Урушдан кейин у Сталинга нацистлар партиясининг ҳамма тилласини топширган, ўзи эса хотиржамгина Москвага сингиб кетган. У ҳозир ҳам Москвада истиқомат қилади. Нюрнберг трибунали уни сиртдан улимга ҳукм килган эди, Борман бемалол бу ҳукм устидан кулиб юрибди. Эҳтимол, Геленнинг бу гаплари туғридир, аммо бу америкаликларда унча катта таассурот колдирмади. Сабаби, нацистлар

олтини концентрацион лагерларда кийнаб улдирилган яҳудийларнинг тилла тишлари ва никоҳ узукларидан эритиб қуйилган булиб, у жуда ҳам оз эди. Америка разведкаси уз вактида туғри маълумот берган: 1942 йилнинг урталарига келибок, Гитлер молиявий жиҳатдан синиб булганди. Шунинг учун гуё Сталиннинг қулига тушган нацистлар тилласи оламшумул куламда бемалол сарфланса, ярим йилга ҳам етмас эди.

1950 йилда машҳур «нумизматлар» машмашаси кутарилди. Оврупо нумизматлари уртасида франко-испан пистоллари ва француз луидорларига талаб жуда катта эди. Бу олтин тангалар Испания ва Францияда XVII асрнинг биринчи ярмида нисбатан қиска бир муддатда зарб қилинган эди. Ҳар бир танганинг баҳоси каталог буйича тахминан 30–50 минг долларни ташкил қилади. Ҳолбуки, танга таркибидаги тилланинг баҳоси 200 доллардан ошмайди. Сийқаси чиқмаган бир дона ёки кўшалоқ пистолни топиш нумизмат учун омаднинг кулиб боккани эди. Тусатдан ана шу тангалар турли мамлакатларда махсус магазинларда, кимошди савдоларида ва чайковда кўп миқдорда пайдо була бошладики, орадан сал утмай уларнинг каталоглардаги баҳоси жуда тушиб кетди. Тангаларнинг нархи зўр-базўр 800 доллар булиб колди. Бозорда пайдо булган тангаларнинг баъзи бирларини махсус текширишдан ўтказдилар. Уларнинг ҳаммаси қалбаки булиб чиқди. Йул-йулакай маълум булдики, тангаларни зарб киладиган иккита ускуна сақланиб колган эди. Уларнинг иккови ҳам Луврда сақланаркан. 1940 йилда немислар уларни Берлинга олиб кетишибди, 1945 йилда эса улар Москванинг қулига ўтибди.

Жанжалнинг авж палласида Москва дамини ичига ютиб, сиполик сақлаб турди. Эҳтиролар бир оз совигач эса, одатдагидек, бу «шовкин-сурон»нинг ҳаммасини бир кабиҳ тухмат деб, «навбатдаги аксилшуровий кампания» деб эълон килишди. Ҳеч ким бошка жавобни кутмаган эди ҳам. Ҳолбуки, бу «Москва қули»нинг қалбаки пул ясовчи қаллоб ролида биринчи чиқиши эмас эди. Ҳали афсонавий Ленин замонларидаёқ беш ва ун фунтлик коғоз пулларни ишлаб чиқаришга уннаб куришган эди. Буни, албатта, «империализмнинг иктисодий кудратига» зарба бериш максадида қилишганди. У пайтларда тажрибали мутахассислар етишмасди.

Шунинг учун ҳаваскорлик даражасида амалга оширилган ишнинг пачаваси чиқди. Бу машмаша жуда қимматга тушди, партиянинг Ғарб банкларидаги жуда муҳим ҳисоблари мусодара қилинди.

Аммо Ленин замонасида бунга ухшаш машмашалар соф купорувчиликдан бошқа нарса эмасди. Сталин учун эса улар хаёт-мамот масаласига боғлиқ муҳим нарсага айланди. Валюта ҳар доим ҳам керак эди, аммо у муттасил етишмасди. Шунинг учун Ленин замонасидаёқ таъсис этилган яширин тажрибахона НКВД бағрида ҳаракат қилишда давом этди. У ишни борган сари мукаммаллаштириб борди, унинг сафларида юқори малакали мутахассислар купайгандан купайиб борди. Гитлер ҳам шу йуналишда иш олиб боргани маълум, аммо унинг муваффақиятлари анча кам булганди. Немислар чикарган қалбаки фунт-стерлингларни куп утмаёқ таниб олишарди ва муомаладан чиқариб ташлашарди. Совет-герман дустлиги авж паллага кирган 1939–1940 йилларда Сталин, ҳатто, Гитлернинг ҳузурига қалбаки пул ясовчи мутахассисларни жунатди. Улар Сталиннинг ношуд дустига «империализмнинг иқтисодий кудратини емиришга» ёрдам беришлари керак эди.

Урушдан кейинги йилларда НКВД–МГБнинг махфий булимлари ихтиёрида ҳамма Ғарб мамлакатлари валюталарининг ҳақиқий клишеси мавжуд эди, шунингдек, уларни қандай ишлаб чиқариш йуллари ҳам тула-тукис маълум эди. Аммо урток Сталинга шарафлар булсинки, у махфий тажрибахоналарнинг ҳамма имкониятларини кенг ишга солишга журъат қилолмади. Сталин табиатан эҳтиёткор одам эди. Эски можаролар уни янада хушёррок қилиб қуйди. 50-йилларнинг бошида умумий миқдори тахминан 500 миллион доллар булган қалбаки пулларни ишлатиб юборишга уриниб куришди. Бу ҳаракат уз вақтида фош қилинди. Бу ишлар купрок қалбаки пул ясовчиларнинг халқаро ташкилотлари томонидан қилинган эди, лекин Сталин улардан узи учун тегишли сабок чиқариб олди.

Ғарбнинг контрразведка идоралари ва молиявий доиралари бу вокеаларнинг ҳаммасини синчиклаб кузатиб турдилар. Хуп, майли, – деб уйладилар, – қалбаки француз тангалари туфайли Москва 700 миллион доллар ишлаб олди, дейлик.

Аммо қалбаки пулларни ишлатишда агар Москванинг улуши булса, бу улуш унчалик катта эмас ва йилига бир-икки миллион доллардан ошмайди. Булар – бир тийин, чака... Гапнинг индаллосини айтганда, СССР ҳеч қандай ташки савдо олиб бормайди. СССРдаги давлат пул бирлиги, номигагина «пул» деб аталади, у конвертация қилинмайди ва ҳеч қайси мамлакатда утмайди. Бу пул халқаро валюта тизимидан ажралиб қолган. Шундай экан, коммунистлар империяси нимадан куч олади?

Бу уринда шуни таъкидлаш зарурки, уша йилларда СССРдагилар Қушма Штатларни жуда ёмон билгани ва Америка қонунчилигининг энг оддий асосларидан ҳам хабардор булмаганлари сабабли бошлари турли-туман ғалвалардан чиқмаганидек, Қушма Штатлар ҳам Совет Иттифоқини тузукрок билмас эди. Урушдан аввалги йиллар давомида Америка сиёсатшунослари Германия, Японияни ва узларининг кекса энагалари Англияни синчиклаб урганишди. На Америка дипломатияси, на Америка разведкаси уроғу болғаларнинг нақши солинган, боғ-боғ буғдойлар тасвири билан безатилган дабдабали эшикдан кириб, ичкарида нима борлигини билишга тузукрок уриниб кургани ҳам йуқ. Ҳали советшунослар армияси дунёга келмаганди, ҳали совет турмуш тарзининг ҳар хил жиҳатларини, совет ташки ва ички сиёсатининг асосий йуналишларини урганувчи беҳисоб илмий марказларнинг компьютерлари гувиллаб ишга тушгани йуқ эди. Ҳали СССРдан гала-гала муҳожирлар ҳам кела бошлаганича йуқ эди. Шунинг учун ёқут юлдузларининг нурларини ҳар томонга таратиб турган Москва жумбоклигича қолиб келмоқда эди.

Илк қочоқлар эса узларининг ва яқинларининг хаётларидан хавотир олиб, бирон нарса ҳақида лом-лим деб оғиз очмасдилар, мабодо гапиришни ихтиёр қилиб қолганларида ҳам кулоқ соладиганларнинг ўзи йуқ эди. Уларсиз ҳам иш куп эди. Ҳали Сталин билан бевосита юзма-юз тўқнашув бошланганча йуқ эди. Аксинча, Сталин Американинг оламшумул режасидаги узига аталган қисмни ҳафсала билан бажармоқда – яна миллионлаб одамларни курбон қилиб, долларнинг булғуси ҳужумига йул очмоқда эди.

Урток Сталин барпо этган империя уз даври учун ғоятда ноёб ходиса эди. Шунинг учун у Совет Иттифокидан

ташкарида яшайдиганларнинг ҳаммаси учун, ҳатто, «қардош мамлакатлар» учун ҳам ечилмас бир жумбоқ эди. У тарих ва тақдирлар ғаройиб бир тарзда чатишиб кетган, йиғирманчи аср оламида қурукликнинг олтидан бирига урнашиб қолган ғалати бир мамлакат эди. Маъмурий тузумига кўра, СССР қадимги мустабид давлатлардан деярли ҳеч нарсаси билан фарқ қилмасди – унда ҳам пойтахтда ҳокимияти мутлақо чекланмаган ҳукмдор ва чекка ўлкаларда ҳар қандай буйруққа мунтазир турган малайлар мавжуд эди. Мамлакат иктисодиётининг асосини ҳамма жойдаги каби хомашё ишлаб чиқарувчи саноат ташкил қиларди. Бу саноатда, асосан, маҳбуслар хизмат қилар, уларнинг сони 1953 йилда тахминан 12 миллионга етиб қолганди. ГУЛАГ – Солженицин туғри қайд қилганидек, «аҳолисининг сони жихатидан» ўртача Оврупо давлатига туғри келиб қоларди. У мамлакатни хомашёнинг ҳамма зарур турлари, шу жумладан, тилла билан ҳам таъминлаб турарди. Таъминлаганда ҳам текин таъминларди. Империянинг қишлоқ хужалиги соҳасида куп миллионли колхозчилар армияси ишларди. Улар Чор Россиядаги эски замон крепостной деҳқонлардан ҳам баттаррок аҳволга солиб қуйилганди. Деҳқонларнинг паспорти йўқ эди. Улар маҳаллий «помешчик» – раиснинг ижозатисиз қишлоқларидан ташкарига чика олмас, хатто, бозорга ҳам бориб келолмасди. Агар меҳнат дафтарчасига меҳнат кунларини белгилаб, чизиб қуйиладиган чизиқларни ҳисобга олмаса, деҳқонларнинг меҳнати учун амалда ҳеч нарса берилмасди. Бунинг устига улар ГУЛАГ учун ва армия учун ўзига хос захира бўлиб хизмат киларди. Мамлакат озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ана шу тарзда таъминланарди.

Қурилиш ишининг ҳаммасида, дастлабки паллаларда маҳбуслар меҳнат қиларди. Улар курувчи ишчиларнинг 60 фоизини ташкил этарди. Бу жиҳатдан улар армиядаги қурилиш батальонларидан ҳам утиб кетарди. Қурилиш батальонлари эса қуллар меҳнатининг яна бир тури ҳисобланарди. Қайта ишловчи саноат ва транспортда ҳам маҳбуслар ишлар, лекин бу ерда улар нисбатан камроқ эди. Аммо «эркин» ишчилар, ҳатто, жуда юқори малакага эга булсалар ҳам, жуда арзимаган маош олар ва ута фақирона ҳаёт кечиришарди. Бунинг устига жиндай гунох қилиб қуйишса, тиканли симнинг

нариги томонига тушиб қолишлари ҳеч гап эмас эди. Тинчлик вактларидаги куролли кучлар сафида саккиз миллион одам хизматда эди.

Адоксиз кирғин ва инсоният тарихидаги энг дахшатли уруш тегирмонидан чиқарилган халк ана шу тарзда ҳаёт кечирарди.

Шундай килиб:

12 миллион одам ГУЛАГда,

8 миллион армияда,

30 миллион колхозларда,

40 миллион киши саноатда...

Уларнинг ҳаммаси деярли бир хил даражадаги куллар. Махбусларни бемалол отиб ташлаш, очликдан толиқтириш, оғир меҳнат билан аста-секин улдириш мумкин эди. Уларнинг ҳеч канака ҳукуқи йуқ эди. Ҳатто уларнинг мавжудлиги ҳам, миқдори куплигига қарамай, давлат сири ҳисобланар ва бу туғрида гаплашиш такиқланарди.

Армия хусусида-ку қуяверасиз. Унинг туғрисида «енгилмас ва музаффар» деган сўзлардан бошқа гап айтиш мумкин эмасди. Аммо ҳарбий хизматчилар махбуслардан ҳам камрок ҳукуққа эга эдилар. Кузни килт этмасдан туриб, тирик аскарлар устида атом бомбаси портлашини синаб куриш мумкин эди, кейин эса омон колганларни ҳеч кандай тиббий ёрдам курсатмасдан уз ҳолига ташлаб қуйса ҳам булаверарди. Туғри, улардан «сирни ошкор килмаслик ҳакида» тилхат олинарди. Ҳатто, нурланиш касалидан жон бераётганларида ҳам улар врачларга бошларига канака дард тушганини айтмас эдилар. Врачлар улим сабабини аниқлаёлмай, гангиганча колаверардилар.

Армиядан ногирон булиб қайтишдан кура ёмон нарса йуқ эди. Урушдан кейин армиядан қайтган миллион-миллион ногиронлар ҳали ҳамманинг куз унгида эди. Кукракларидаги орден ва медалларини шикирлатиб, улар йирик шаҳарларда вокзал ва бозорларга тупланишар ва қулларидан келганча учтурт танга ишлаб, тирикчилигини утказишга интилишарди. Бунинг иложи булмаганда эса тиланчилик килишарди. Уларнинг ҳаммаси нари борса эндигина 30 га кирган ёшлар эди. Бир куннинг ичида улар изсиз гойиб булиб қолишди. Ҳамма шаҳарларда пухта режалаштирилган облавалар утказилди.

Ҳамма оёксиз ва қулсиз майибларни машиналарга босиб олиб кетишди. Ҳолбуки, улар бир неча миллион эди. Қаёкка ғойиб булишди экан? Бу тўғрида гапиришгина эмас, уйлаш ҳам тақикланган эди. Истаган генерал ва ҳатто, маршал ҳам худди шу тарзда ғойиб булиб колиши ҳеч гап эмас эди – уларни эслашга ва суриштиришга ҳеч кимнинг ҳакки йўқ эди. Уруш йилларида армия генерали Мерецковни улгудай уришиб, бошидан сийиб юборишган булса, урушдан кейин маршал Новиков, генерал Телегин, маршал Яковлев ва яна анча-мунча одамни бундан беш баттар аҳволга солишди.

Деҳконларни истаган аҳволга солса булаверар эди. Уларга на нафака, на ёрдам пули бериларди, аммо меҳнат фаолиятини йўкотиб қуйганларга шапалоқдек томорка оркасидан тирикчилик қилишга рухсат тегарди. Лекин бу томорқани хоҳлаган вақтда тортиб олиб қуйишлари, уйининг устига бульдозер солиб юборишлари, узини эса қамаб қуйишлари ёки бирон яланг далага қурт-кумурсқага ем булгани ташлаб келишлари мумкин эди. Бу усул кўпдан бери ишлатилавериб колипга айланиб колганди.

Ҳамма жиноятлар «ҳукмрон синф» сифатида қараладиган ишчилар номидан килинарди, лекин ишчининг узи икки пуллик қадр-қимматга эга эмасди. Ишчилар уз ҳак-ҳукуқлари учун курашда ҳеч қанақа восита билан ҳимояланмаганди. Агар бирор одамнинг оғзидан «иш ташлаш» сузи бехосдан чиқиб кетса, шунинг узи учун хаётидан жудо булиши ҳеч гап эмасди. Меҳнат хавфсизлиги ибтидоий савияда эди, одамлар силласи куригунча ишлатиларди, иш шароити баъзан маҳбусларникидан баттар буларди, ишлаб чиқариш анжомлари эскирган ва ишдан чиққан, яшаш тарзи эса ақл бовар килмайдиган даражада оғир буларди. Окибатда ишчиларнинг жуда кам кисми зурға узининг факирона кафасига етиб борарди. Мамлакат суз билан ифода килиб булмайдиган кашшоклик гирдобида хаёт кечирарди. Эркаклар уруш йилларидан колган шинеллар ва пахталикларида юришар, оғир румолларга уранган, оёғига кигиз этик кийиб олган аёллар уттиз ёшдаёк утин булиб, қари хотинга ухшаб коларди. Костюм кийган одамни ё бирон катта бошлик, ё жосус, ёки булмаса йирик жиноятчи деб ҳисоблашарди. Замона русумига қараб кийинган аёл эса бирор йирик амалдорнинг хотини ёхуд уйнаши булмаса,

«Ғарб олдида сажда қилгани учун» бемалол қамалиб кетиши мумкин эди.

Жуда оз сонли техник зиёлиларнинг аҳволи бир қадар тузук эди. Улар турма ва авахталардан чиқариб юборилган эди, уруш йилларида ва ҳозир янги куроллар намуналарини лойиҳалаштирганлари ва яратганлари учун кукракларида лауреатлик нишонлари яркирарди. Уларга маошни ҳам тузукрок беришарди, боқувлари ҳам чакки эмасди. Ҳатто, фан номзодларига ва полковникларга «лимитли» деб аталмиш махсус магазинлар очиб қуйишганди. Бу магазинларда оддий одамларникига қараганда буюмлар купрок буларди. Шу йил билан уз ҳолатларидан мамнуният туйғуси уйғонар, улар имтиёзларидан ғурурланиб, узларининг ашаддий кул каби ҳукуксиз эканини ҳам унутардилар.

Шундай килиб, жуда юзаки таҳлил қилингандаёқ кулдорлик давлатининг ғоят ибтидоий нусхаси намоён буларди. Бу давлатда миллий даромаднинг ҳаммасини Сталиннинг узи ва унинг ҳар нарсага қодир номенклатураси узлаштиради ва уни уз билганича тақсим қилади.

Номенклатура урушдан аввалгига қараганда янада кудратли булиб чиқди. Уруш йилларида номенклатура юкори мартабали ҳарбийларнинг либосини кийди. Бу эса уларга Урарту давлати каби кухна ва мункиллаган булса-да, «янги типдаги» давлат деб ҳисобланадиган салтанат бағрида узининг кадр-кимматини чукуррок англашга имкон берди. Ахир, бу давлатни давлат қиладиган, унинг мавжудлигини таъминлайдиган куч номенклатура-да! Номенклатура ижроия ҳокимиятнинг кудратини таъминлайдиган ягона восита сифатида махфий полициянинг баҳайбат аппаратидан фойдаланади. Махфий полиция эса, урушдан кейин яна НКВДдан МГБ деб узгартирилди. Аммо бу билан асл моҳият узгариб колгани йук. Махфий сиёсий полиция ГУЛАГнинг энг олис қамоқхоналаридан Кремлдаги хоналаригача чузилиб кетган ҳаддан зиёд катта концентрацион лагернинг ҳар бир нафасини назорат қилиб турарди. Яширин полициянинг олий табақаси номенклатуранинг юраги билан чирмашиб кетди ва уз панжаларини ҳамма китъаларга узата бошлади. Шу тарзда у секин-аста номенклатуранинг қиличи, қалқони ва жисмига айлана борди.

Куксида олий жанговар нишонлар, елкасида тилла погонлар билан номенклатура забт этилган мамлакатда узининг хукмдорлик мавқеи мустаҳкам эканини, истиқболи порлоқ ва имкониятлари битмас-туганмас эканини жуда яхши англарди. У яна шуни яхши билардики, большевиклар партияси аллақачон «давлат» деган нарса билан чатишиб кетган, «давлат» тушунчаси эса аллақачон «партия» деган маънони англатадиган булиб қолган. Шунинг учун ҳам номенклатура чин кунгилдан бутун давлат мулкини, шу жумладан, аҳолини ҳам узиники деб караб, енгилмас ва битмас-туганмас кудрат касб этди.

Эндиликда урток Сталиндай доҳий номенклатурага мутлако кераксиз булиб қолди. Қолаверса, у номенклатурага бор имкониятларини ишга солиб, кенг қанот ёзишга халақит бермоқда эди. У муттасил равишда шахсий хавфсизлик ҳақида, масъулият тўғрисида уйлашга мажбур қилар, эртаю кеч кабинетда иш жойида утиришга ундаб, иштаҳани буғарди. Иш жойига эса истаган дақиқада махфий полиция ходимлари бостириб кириши, улгудай калтаклаб оёғидан судраб чиқиб машинага улоқтириши ва олиб кетиши, уша куннинг узида бирон ертулада отиб ташлаши мумкин эди. Буларнинг бари асабга тегар ва янги доҳий ҳақида уйлашга ундар эди. Аммо маълумки, хаёллар ҳеч качон узидан-узи руёбга чиқиб колмайди, унинг ҳаётда амалга ошиши учун узок вакт тер тукиб ишлаш керак.

Кунлардан бирида «Монд» деган француз газетаси уз укувчиларига Совет Иттифоқидаги бошқарув тизимини курсатиш максадида хажвий сурат босиб чиқарди. Унда Сталин тасвирланган булиб, хар бир чунтагидан, кителининг этакларидан, этигининг қунжларидан кичкина-кичкина Сталинчалар термулиб турарди. Бу – ҳақиқат эди, лекин жуда жунлаштирилган ҳақикат эди. Кичкина Сталинчалар кўз очиб юмгунча бирлашиб олишади ва «барча халқларнинг буюк доҳийси»дан ҳам зуррок бир кучни барпо этишади. Номенклатура жуда аник белгиланган ва жуда каттик курикланувчи чегараларига эга булган уз давлатига бирлашиб олганди.

Бу жараён шунчалик аник-равшан эдики, ҳатто, кўп жилдлик «КПСС тарихи» ҳам ундан кўз юмолмади. «1946 йилда ВКП (б) Марказий Кумитасидаги мансаблар номенклатураси ишлаб чикилди ва тасдиқланди, – деб куруккина маълум

қилади партиянинг расмий тарихи. – Раҳбар кадрлар билан ишлаш режали асосда олиб бориладиган бўлди, уларнинг сиёсий ва ишчанлик сифатларини мунтазам равишда ўрганиш ва текшириш мумкин бўлиб қолди, кадрларни кутаришда, тайинлашда ва вазифасидан озод қилишда муайян имкониятлар пайдо бўлди ва катъий тартиб ўрнатилди. Иттифоқчи республикалар марказқўмларидаги, ўлка, вилоят, шаҳар ва район қўмиталаридаги мансаблар номенклатураси кенгайтирилди». Аммо расмий тарих ҳамма нарса ҳақида хабар берса берадики, Иккинчи жаҳон урушининг сунгги садолари тиниши биланоқ, Сталин билан номенклатура ўртасида бошланиб кетган ҳаёт-мамот курашининг янги давраси ҳақида ломмим деб оғиз очмайди. Бу курашнинг аввалги ҳалқаларидан фарқи шунда эдики, энди номенклатура анча қудратлироқ бўлиб қолган, Сталин эса анча ҳолдан тойганди. У аста-секин қарилик асоратига илиниб, мияси суюлиб бормоқда эди. Энди у теварагидаги бўрилар ва қашқирлар учун осон ўлжа бўлиши ҳеч гап эмасди.

Уруш вақтларидаёқ номенклатура дохийнинг заифлашиб бораётганидан далолат берувчи бир нечта воқеага гувоҳ бўлганди. Немислар Ленинград яқинидаги метро бекатини ишғол қилиб, шаҳарни тўла қуршаб олганларида, ҳамма, энди Ворошиловнинг аҳволига маймунлар йиғлайди, деб ўйлаган эди. Вазиятнинг чатоқлиги нафақат Ворошиловнинг ҳаддан ташқари лаёқатсизлик билан қўмондонлик қилганида, балки немислар метрони ишғол қилгач, ўзини йўқотиб қўйган қўмондоннинг бу ҳақда Москвага хабар қилмаганида ҳам эди. Сталин навбатдаги ҳарбий ҳалокатни немис радиосининг ахбороти орқали эшитди. Ворошиловнинг ўзи отиб ташланишига имони комил эди. Ёҳуд суягим камоқда чириса керак, деб ўйларди. Уруш вақтининг қонунларига кўра, шунда адолатли иш қилинган буларди. Ғарбий фронтнинг армия генерали Павлов бошчилигидаги қўмондонликда барчанинг отиб ташлангани ҳали ҳамманинг эсида эди. Аммо бунака воқеа бўлмади. Ворошиловнинг ортиқча қуркқани қолди, холос.

Номенклатура, бу ҳолатни, ўзининг тўла эркинлигига эришиш, ҳар қандай масъулиятдан қутулиш йўлидаги биринчи қадам, деб қабул қилди. Номенклатуранинг энг ардоқли орзуси ҳам аслида шу эди.

Жданов билан бўлган воқеа яна ҳам аломатроқ бўлди. Сталиннинг столи устида унинг энг яқин малайининг кирдикорларини фош этувчи ҳужжатлар қалашиб кетди. Жданов – пиёниста, эртадан-кечгача ичади, ҳеч қанака иш қилмайди. Хоин. Шаҳарни топшириш тўғрисида немислар билан тил бириктирган. Жамики Ленинград партия ташкилотини Сталинга душман қилиб қўйган. Шу йўл билан Ленинград вилоятини СССРдан ажратиб олишни, вилоят заминида мустақил давлат тузишни ва унда ўзи доҳий бўлишни ният қилган. Бу режани амалга оширмоқчи эканини шундан ҳам билса бўладики, Ленинградда ўрток Сталиннинг битта суратига Ждановнинг турттадан сурати тўғри келади. Ўғри. Болтиқ бўйи давлатлари кўшиб олинаётган кезларда у 400 минг фунт-стерлинг пулни ўзлаштирган ва Ғарб (Скандинавия) банкларига ўтказиб юборган. Ленинград камали йилларида Жданов томонидан тузилган махсус команда кимсасиз уйларда изғиб юриб, жиндай қимматга эга бўлган ҳар кандай нарсани йиғиб кетган. Улар ҳатто, очликдан ўлган кампирларнинг бармоқларидаги никоҳ узукларини суғуриб олишдан ҳам ҳазар қилган эмас. Ҳозирги вактда қиммати тахминан 7 миллион сумга тўғри келадиган бойликлар учта дала ҳовлининг махфий жойларида ва бир қатор ишончли одамларда сақланмоқда.

Доҳий ҳеч қанақа чора кўрмай сукут сақлади. Орадан кўп утмай Жданов кўккисдан ўлиб қолди. Бу гаплар анча-мунча одамга маълум эди, шунинг учун унинг улими ҳақида ҳар хил миш-мишлар кўпайди. Уша кезларда марҳумнинг дала ҳовлиларида ва шикор кўналгаларида ҳар хил комиссиялар ивирсиб қолди, ёпиқ юк машиналарида алланималар олиб кетилди, кейин эса машҳур Ленинград иши бошланди. Унинг оқибатида Жданов шоввозлари битта қўймай отиб ташланди. Уларга қўйилган бошқа айблар ичида «шахсий бойишга интилиш гарзида куринган ахлоқий бузуклик» ҳам бор эди. Судда ҳовуч-ҳовуч олтин тангалар, бриллиантлар, заргарлик буюмлари ва қадимий орденлар намойиш қилинди. Шундай қилиб, мамлакатдаги ҳамма ҳаёт сингари масъулият ҳам табақалаштирилган эди. Қай бир гуноҳлари учун Ждановни кечирса буларди, аммо худди шундай айблари учун пастроқ даражадаги номенклатура кечирилмас эди. Худди шу ҳолат номенклатурага хуш келмас эди.

Сталин учун мутлако аён эдики, номенклатура худди яширин миллионер Корейка каби, яхши замонлар келишини орзу қилиб, ҳозирча панада писиб турибди. У ҳозирдан ҳокимиятини мустаҳкамлаб боряпти, моддий бойликлар туплаяпти, фурсат келганда ҳукмдор синфларнинг оқсуяк зодагонлари каби ҳеч қандай чекланишларни назар-писанд қилмай роҳат-фароғат қўйнига чўмади. Албатта, уларнинг ҳаммаси катта орзу-умидлари билан ҳамма халқлар доҳийсининг йўлбарсники янглиғ кузлари мангу юмилишини орзиқиб кутмоқда. Узини истаган дақиқада улдириб юборишлари мумкин эканини англаган Сталин баъзан қатъиятини йўқотиб қуярди, баъзан эса ақлдан озар ҳолатга тушиб қолардики, бу номенклатурага қарши курашнинг аниқ ва самарали режасини ишлаб чиқишга халақит берарди.

Ёвуз табиатли қонхур доҳий номенклатурани қаттиқ қолипларга солиб қўйганди. Номенклатура бу қолип ичида бўғилиб кетган ва ҳолдан тойганди. Лекин шундай булса-да, у, барибир, Сталиннинг номенклатураси эди. Уни доимий низолар ва бир-бирининг устидан чақувлар ичдан кемириб ётарди, бу эса Сталинга курашнинг янги ҳалқасида ғалаба қозониш учун жуда яхши имкониятлар берарди. Ва эҳтимолки, агар доҳий ёшроқ булганида, у ғалаба қилмаган тақдирда ҳам, 1937 йилдаги каби ютказиб қўймасди. Аммо Сталин анча қариб қолганди, бир вақтлардаги партиявий ихтилофларнинг бекиёс устаси суниб бораётганди.

Чақувлар эса ёмгирдай ёғишда давом этарди.

Молотов. 1939 йилда Германияда булганида Гитлер ҳукуматидан катта миқдорда пора олган. Уни Швейцария банкида махфий ҳисобга қўйиб қўйган. Уруш йилларида иттифоқчилардан бир неча марта катта поралар олган. Уларни Америка ва Англиянинг бир катор банкларига қўйган. Хотини орқали жуда қудратли яҳудий молиявий доиралар билан алоқада булган. Молотов Нью-Йоркдан Вашингтонга поездда кетаётганда шу доиралар уни ёллашган. Молотов СССРдаги мавжуд тузумни жаҳон сармояси фойдасига «узгартириш» мажбуриятини олган.

Берия. Бу одам ёшлигидаёқ қизил террор ва бебошвоқ боскинлар даврида беҳисоб бойликларни қўлга киритган. Уларни уша пайтдаёқ хорижга жунатган. Вақт ўтган сайин унинг ҳашаматга ва қимматбаҳо тошларга иштиёқи нафақат

сунди, балки яна ҳам кучлирок булиб қолди. Террор даврида Ежов чеглаштирилгандан кейин НКВДга бош булиб олгач, миллионлаб одамлардан мусодара килиб олинган бойликларни беназорат узлаштирди ва хатто, уларни воситачи дуконлар оркали соттириб, пулини киссасига солишдан тортинмади. У чет эллар билан доимий алокада булган. Уруш йиллари душман билан мунтазам боғланиб турган. Шундан фойдаланиб, жуда катта маблағни Ғарб валютасида Швейцария банки ва Швейцариядаги қирол банкидаги махфий ҳисобларга қуйган. 1951 йилда Сухумида инглиз разведкасининг резиденти билан махфий тарзда учрашган. Бу учрашувда тез орада Совет Иттифоқида буладиган узгаришларга ва раҳбариятнинг тулалигича ўзгаришига ишора қилган.

Бундан ташқари, яна куплаб чакувлар: Булганин, Маленков, Микоян, Хрушчёв, Ворошилов, Вишинский... Булар олий табақа. Жиндай қуйироқда нималар булаётганига ақл бовар қилмайди.

«Мутлақо махфий. ВКП(б) қошидаги Партия назорати комиссиясига.

Давлат аҳамиятига молик. Алоҳида папка.

... 1948 йил 26 июнда соат 01:30 да Виттенберг темир йул бекатига (Германиянинг совет оккупацияси зонасида) № В–640–07 рақамли совет ҳарбий эшелони келди. Унга, урушдан кейинги хирожлар ҳақидаги битимга кура, техник анжомларни ортиб, СССР ҳудудига олиб кетиш топширилган эди. Эшелонга махсус вагон тиркалган булиб, уни «Смерш» офицерлари куриқлаган. Бу офицерларга Москвадан юборилган подполковник Иван Герасимович Степанов бошчилик қилган. Подполковник Степановнинг қулидаги яширин ҳужжатга кура махсус вагонга нацистлар партияси ва гестапонинг маҳаллий архивидан олинган улжа ишлар ортилган. Аммо биз рад қилиб булмайдиган далилларни қулга киритдик – уларга кура вагонларга 45 (қирк бешта) қурғошин кути ортилган, уларнинг ичига қимматбаҳо маъданлардан, олтиндан ишланган буюмлар, ёмби тиллалар ва платиналар жойланган. Бу буюмларни СССРда қабул қилиб оладиган одамнинг номи курсатилмаган...

Эшелон одатдаги маршрут буйича Варшава ва Брестдан утиб, кейин Москвага бориши керак эди. 29 июль куни

кечаси соат 2 да эшелон Брест чегара бекатига етиб келди. Бекатнинг харбий коменданти чегарачи кушинлар майори Сухоруков томонидан эшелон текшириб курилганда, махсус вагоннинг курикчилар билан бирга гойиб булгани маълум булди. Эшелон босиб утган йуллардаги текширув шуни курсатдики, юкорида зикр этилган вагон Польша билан чегарадош Одердаги Франкфурт бекатидаёк гойиб булган. Махсус вагоннинг гойиб булиш тафсилотларини аниклаш йулидаги хамма уринишлар натижа бермади, чунки органлар тафтиш утказишга ёрдамлашмади...»

Куйида Шкирятовнинг эгри-бугри имзоси. Ундан куйирокда эса Сталиннинг фармойиши: «Ёрдамлашмади» дегани нимаси?!! Урт. Абакумов! Подполковник Степанов камокка олинсин ва менга хабар килинсин!»

«Сизнинг 1948 йил 14 сентябрдаги № 1884–486 ракамли фармойишингизга.

Махфий. ВКП(б) кошидаги МПКга.

Урток Шкирятов М. Ф. га

Вазирлик кадрлари таркибида подполковник Иван Герасимович Степанов хисобда турмайди...»

«Мутлако махфий. Давлат Хавфсизлиги Вазирлигига

Давлат аҳамиятига молик!

ВКП(б) Марказкумининг аъзоси,

СССР Маршали (матида шундай – И. Б.)

урт. Л. П. Берияга

1949 йил 15 май.

Жорий йилнинг февраль ойида ВКП(б) Марказий Кумитасининг Халкаро булими Марказкумнинг Ишлар Бошкармаси оркали яширин агентурадан фойдаланган холда Швейцария банкларида сохта фамилиялар, тахаллуслар номига бир катор йирик хисоблар очган. Депозитларни очиш учун олтин, кимматбахо тошлар ва платинадан фойдаланилган. Улар СССР, Германия ва Чехословакиядан Шаркий Оврупо мамлакатларидаги коммунистик партиялар учун бепул ёрдамга мулжалланган махсус юклар билан бирга олиб чикилган...

Куйидаги хисоб эгаларининг фамилия-лакаблари аникланди:

Климов Владлен Николаевич – 800 минг швейцария франки.

Николаев Иван Федорович – 500 минг швейцария франки.

(Шундан сунг яна еттита сохта фамилия келтирилади)... Текширув шуни курсатдики, юкорида саналган шахсларнинг ҳаммаси ВКП(б) Марказий Кумитаси кошидаги Марказий Партия Назорати Комиссиясининг ходимларидир...

Климов Владлен Николаевич – урток Матвей Фёдорович Шкирятовнинг тахаллусидир...»

Имзо: В. Деканозов. Берия қайди: «Сиёсий бюрога маълум килинсин».

Ундан кейин нима булгани маълум эмас, аммо шуниси мутлако аёнки, партия билан Давлат хавфсизлиги нимаики қаровсизроқ қолган булса, ҳаммасини бажону дил уғирлаб, бир неча марталаб пахлавонларча бир-бирларининг тумшуқларига тушириб келишган. Бунинг устига виждонлари килт этмаган ҳолда бир-бирларини шарманда қилаверганлар. Улар бу ҳақда Сталинга ахборот беришар экан, ҳар гал ғазабдан титрабкакшаганлар, гуёки бу билан узларининг мусаффою покиза эканликларини намойиш қилгандек булганлар.

Аммо гап бунда ҳам эмас эди. Хавфсизлик органлари узлари ВКП (б)нинг бор-йуғи бир жанговар отряди эканликларини унутиб, кутилмаганда жонажон партияларига нисбатан ошкора мухолифлик йулига утиб олдилар. Улар тула мустақилликларини намойиш этиб, фақат уз майли билангина ҳаракат кила бошладилар. Шундай таассурот туғилдики, СССРда сиёсий тузум битта партиялилик асосига қурилган булса-да, кутилмаганда иккита сиёсий партия майдонга келди. Улар иккови ҳам ашаддий сул партиялар булиб, бир-бирларига очиқчасига қарши турардилар. Хавфсизлик органлари фаолроқ ва уюшганроқ эдилар, шунинг учун партиядан устун келиш имконига эгадек, сунгра уни бутунлай мажақлаб ташлаши ёхуд уз бағрига тулалигича сингдириб юбориши мумкиндай туюлди. Чекистлар учун бирон-бир райком котибини қулга олиш, унинг пулат сандиғини очиб, у ердан чет эл валютасини мусодара қилиш ёхуд ундан ҳам эътиборлироқ бирон нарса топиш, кейин уни узлари билан олиб кетиб, истаган курсатмаларини суғуриб олиш ва уларни Сталинга пеш қилиб, рақибларига яна бир қақшаткич зарба беришнинг ҳеч қанака қийин жойи йуқ эди. Партия ва чекистлар номенклатурасининг икки табакаси мамлакатда чекланмаган ҳокимият учун ошкора кураш бошлади. Кураш жараёнида уларнинг ҳар қайсиси мағлуб булиб қолиш эҳтимолини уйлаб,

қулига тушган нарсанинг ҳаммасини валютага айлантириб, уни ошиғич тарзда хорижга ўгказишга киришди.

Шундай афсона бор. Гуё Сталин уруш йилларида атиги иккита хато қилган эмиш – у номенклатурага Оврупони курсатибди ва Оврупога номенклатурасини намойиш қилибди. Оврупо дахшат ичида улардан юз ўгирибди, лекин номенклатура эса, аксинча, севимли доҳий уларни куп йиллар мобайнида чалақурсоқ ҳолда ушлаб турганини англаб, Оврупога яқинлашиш кони фойда эканини ҳис қилиб, унга талпина бошлабди. Улар мустақил равишда Темир пардадан тешиклар очишга киришганлар. Темир парданинг ўзи ҳам нариги томондан долларнинг тазйики остида ҳилпираб бушаша бошлаган эди. Бадавлат давлатни талаб адо қилган ва ўзи кириб ташлаётган қуллар меҳнати самараларини ўзлаштирган, ебтуймас ва сотқин партократия юқорирок даражадаги ҳашамат бағрига талпинди. Қурукликнинг олтидан бир қисми унга бутунлай тўрлик қилиб қолган эди. У Франциянинг ложувард соҳилларида, Италия пляжларида, Майами курортларида, Урта ер денгизи тулқинларининг шовурини эшитиб, турфа хил рангдаги реклама чирокларидан кузлари камашиши, олий касрларда ва энг зур меҳмонхоналарда умрғузаронлик қилишни истаб қолганди. Улар ғарбчасига иззат-икромда булишни, хизматкорлар ғарбчасига хизмат курсатишини, ғарбчасига ҳузур-ҳаловатда булишни исташарди. Аммо Ғарбнинг ўзида ҳам бунака ҳаёт кечиришга ҳамманинг курби келавермайди. Шу сабабдан ғарбча ҳаёт тарзи янада ардоқлирок ва жозибадорроқ куринарди. Шунинг учун ҳам партократия СССРнинг давлат олтин захирасини ташкил қилувчи 12 минг тонналик тилласига сукланиб-сукланиб қарашларини қуймас эди[1]. Бу тиллани Сталин миллионлаб маҳбусларнинг ҳаёти эвазига туплаган ва ўзининг оламшумул режаларини руёбга чиқариш учун авайлаб асрар эди.

Ҳа, бу олтин давлатники эди, аммо партия билан давлат бир нарса эмасми, ахир? Демак, бу олтин партияники ва ёлғиз

---

[1] Уша кезларда АҚШнинг олтин захираси 14 минг тоннани ташкил қиларди. СССРникидан жиндай ортиқ эди, холос. Аммо ҳаёт даражаси эса киес қилиб булмайдиган даражада юқори эди. Олтин захирасини сарфлаш тулалигича халқнинг ихтиерида эди. Ҳукумат харажатларининг охирги центигача халқ назоратида эди. Айни ана шу назоратда АҚШ қудратининг асоси мужассамдир.

партиягина унга эгалик қила олади. Партия оғзидан суви келиб, мамлакатнинг битмас-туганмас ерости бойликларига кўз тикарди. Бу ердаги нефть ва бошқа қимматбаҳо хомашёларни Ғарбда жуда қадрлашади. Уларнинг ҳаммасини долларга чақса борми? СССР дунёдаги энг арзон ишчи кучи ва замбарак ўқига текин ем ўлкаси, деб ҳисобланадиган булиб қолганди. Номенклатура шу юртдаги ҳамма миллий бойликни, шу жумладан, аҳолини ҳам чин юракдан ўзининг хусусий мулки, деб ҳисоблай бошлади. Кураш шу масала теварагида борди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, номенклатура давлат тарзида шаклланиб булиши биланоқ, ҳокимият учун ва бойликларга эгалик қилиш ҳуқуқи учун фуқаролар уруши бошланади.

Купгина одамларнинг фикрича, номенклатурадаги гражданлар урушини Сталиннинг ўзи бошлаган ва авж олдирган. Бу билан у номенклатура учун навбатдаги кирғинни тайёрлаган. Бу гапда, албатта, жон бор, аммо бу гал доҳий навбатдаги кирғинни 1937 йил нусхалари асосида тайёрлаб, ўз кучига анча ортиқ баҳо бериб юборган эди. Бунга ухшаш ишларда такрорга йул қуйиш жуда ҳам хатарлидир. Номенклатура доҳий режасига ғаройиб бир янгилик олиб кирди. Бунақа янгиликдан авваллари фойдаланилмаган эди. Мамлакат узра антисемитизмнинг кора булутлари соя ташлай бошлади. Бу булут бир неча муддатга жанг майдонини тусиб қуйди. Булут таркаганда эса, Сталин оламдан кўз юмиб булган эди. Давлат хавфсизлиги тор-мор қилинган, унинг Берия бошчилигидаги раҳбарияти эса, шафқатсизларча отиб ташланган эди, партия эса, худди эртаклардаги пахлавонлардек қайнаб турган қозондан янада яшариб, янада кучли булиб, сакраб чиқиб олганди. У намойишкорона тарзда ВКП (б) деган эски номини улоктириб ташлади ва ўзига КПСС деб янги ном қуйиб олди[1].

Салкам йигирма йил давом этган оғир урушдаги ғалабадан кейин нафасини ростлаб олган партия номенклатураси сунгги

[1] Совет тарихининг 1949 йилдан 1953 йилгача булган хуб ғаройиб даври ҳақида куп жилдлик тадқиқотлар ёзса арзийди. Бақувват қалам эгасининг қулига тушиб колса, бу давр ақл бовар қилмайдиган ажойиб бир киссага айланади. ВКП(б) Марказқуми қаърида уйлаб чиқилган космополитизмга қарши кураш кампанияси, аслини олганда, Давлат хавфсизлигининг юзига урилган тарсаки булганди. Лубянкадагилар узларини унглаб олгунча, уларга яна «Врачлар иши» кундаланг қилинди.

йилларда узи орзу килган янги хаётга тайёрлана бошлади. Партия ва давлатнинг янги рахбари вазифасига собик Сталин Сиёсий бюроси аъзолари ичидаги энг пачаги, энг куркоги ва энг кунгилчани Никита Хрушчёв курсатилди. Номенклатура Хрушчёвни узининг айтганларини оғишмай бажарадиган оддий бир кугирчок, деб хисобларди. Бу одам бир вактлар Сталиннинг буйруги билан тугридан-тугри Сиёсий бюронинг мажлисида тер босиб, хансираб ракса тушган уша Хрушчёв эди. Ушанда хамма аъёнлар чапак чалиб туришган ва роса хохолаб кулишганди. Сталин эса кулавериб кузидан ёш чикиб кетганди.

Аммо Хрушчёв номенклатуранинг чирмандасига аввалгидек итоаткорлик билан уйнайверади, деган умидлар чиппакка чикди. Чекланмаган хукмдорлик мазасини татиб курган Хрушчёв, нафакат номенклатуранинг ардокли орзуларини руёбга чикарди, балки армияга таяниб туриб, унинг

Бу ишга чекистлар оч ит суякка ёпирилгандай ёпишиб олишди. Улар бу иш замирида партия Марказий Кумитаси ва Сиёсий бюросини бутун таркиби билан асфаласофинга жунатиш имкони борлигини курдилар. Аммо чекистлар намоён булган имкониятлардан жазавага тушиб, шурлик врачлардан уларнинг хокимят ва партия рахбарияти билан жинояткорона алокалари хакида курсатмаларни кокиштириб олишга киришган хам эдиларки, Сталиннинг буйруги билан Давлат хавфсизлиги вазири Виктор Абакумов куккисдан ишдан бушатилди ва дархол камокка олинди. Унинг урнига партия аппаратида хизмат килган Игнатьев тайинланди. Янги министр аниклаган биринчи масала шу булдики, куп йиллардан бери Сталиннинг шахсий котиби булиб ишлаб келган Поскребишев халкаро сионизм билан алокада экан. Уни тугридан-тугри дохийнинг кабулхонасидан кулларига кишан солиб, судраб олиб чикиб кетишди, лекин Лубянкага эмас, ВКП(б) Марказкуми биносидаги махсус турмага олиб боришди. Сурокда Поскребишев Сталин Сиёсий бюронинг эски таркибини ва МГБ рахбарларини гуллалигича махв этишга карор килганини гапириб берди. Сталин уларнинг урнига янги одамларни куймокчи булган. Шахсан Поскребишевнинг узи кенгайтирилган бюронинг 25 кишилик руйхатини тузган. Янги Сиёсий бюрога Брежнев хам киритилган экан – у узининг шоввозларники янглиг ташки киёфаси билан Сталинда яхши таассурот колдирган экан. Бир неча кундан кейин, 1953 йил 28 февралда (эълон килингандай, 5 мартда эмас) Сталинни Кунцеводаги дала ховлисидан жонсиз холда топадилар. Кейин эса армия Давлат хавфсизлигини танклар билан мажаклаб ташлади. Курашлар кизигида Давлат хавфсизлиги «социалистик давлат»нинг бу реал учинчи кучини унутиб куйган эди. Доно партиямиз эса уни вактида эслаган.

хақ-ҳуқуқларини янада чеклашга уриниб курди. Аммо номенклатура ундан бир муҳим ишни бажаришни истаган эди – Хрушчёв буни адо этди. Номенклатура чегарасиз узбошимчаликка интиларди. Хрушчёв замонида шундай бир «мукаддас шартнома» тузилдики, бу номенклатура «салтанати» фукароларининг шахсий хавфсизлиги ва эркинлигини, конун каршисида уларнинг устунлигини кафолатларди. Бу уша номенклатура орзу килган узбошимчаликлар салтанатига йул очарди. Шуни қайд килиш керакки, кейинчалик – 1991 йилнинг августига кадар бу битим хеч качон, хеч кандай шароитда бузилгани йук. Фақат 1991 йил августидагина олий табака номенклатурачиларидан бир канчаси турмага тушиб колди. Бу эса колганларига ғойиб булиш имконини берди.

Сталин замонасидаги энг ёкимсиз сиймолар хам ортикча шов-шувсиз (ёки Молотов, Маленков ва Каганович каби жиндай шов-шув билан) нафакага жунатилди, лекин улар аввалги имтиёзлари ва неъматларнинг хаммасидан фойдаланишда давом этдилар. Хатто, Сталиннинг дахшатли жиноятлари элу юртга ошкор килингандан кейин хам, бу хол мархум мустабиднинг оиласи макомига заррача таъсир курсатгани йук. Унинг кизи Марказий Қумита номенклатураси хисобида туришда давом этди ва хамма имтиёзлардан бемалол фойдаланаверди. Фақат бир киши – Сталиннинг Василий деган уғлигина бундан мустасно булди. У 25 ёшида генерал-лейтенант эди, болалигидан теварагини хушомадгуйлар ва малайлар куршаб олганди. У валиахд эканига чиндан хам ишониб колганми, хар холда узини шахзодадек тута бошлади. Давлат тунтариши тегирмонига тушиб колган кезларида отасининг улдирилгани хакида ошкора гапира бошлади, янги дохийларни зуравонлик билан давлат тепасига келган одамлар, деб атади. Холбуки, эски сулолавий анъаналарга кура отаси улгандан кейин хокимият унга тегиши керак эди. Унинг бакирибчакиришлари хамманинг жонига тегиб кетди. Уни хибсга олишди ва авиация маршали Новиков устидан ёлғон чақув ёзишда айблаб, саккиз йил камокка хукм килишди. Аммо орадан куп утмай камокдан озод килишди, генерал нафақасини тайинлаб Қозонга жунатишди, ярим йил утгандан кейин уни уз тушагида улиб ётган холда топишди. Афтидан, у ортикча гапларни жаврашдан колмаган куринади.

Сталиннинг кизи Светлана булса, акасининг кисматидан ибрат олиб, хорижга кочишни афзал курди. Хорижда у телекамералар куршовида – хамманинг куз унгида совет паспортини куйдириб ташлади ва Кушма Штатларга урнашди. У Швейцария банкидаги Сталиннинг пулларини излаб топди ва судлашиб уз улушини ундириб олди. Бир неча китоб ёзиб, отажонининг ва барча коммунистик тузумнинг вахшиёна мохиятини ёркин курсатиб берди. Биржа олди-сотдисида чуви чикди ва кутилмаганда яна СССРга кайтиб келди. Гарчи у кезларда унинг китобларини укигани ва таркатгани учун анча-мунча одам камокларда утирган булса-да, Светлананинг узини аёл маликадай кутиб олишди: унга дархол шахсий нафака тайинланди, квартира берилди, шофери билан бирга машина ажратилди. Номенклатура салтанатининг фукароси узининг хамма имтиёзларини бир умрга олади ва хеч качон фукароликдан махрум этилмайди. Аммо СССРдаги энг учига чиккан имтиёзли хает АҚШдаги энг камсукум турмуш билан чоғиштиришга хам ярамайди. Светлана эса аллакачон АҚШдаги хаётга куникиб колган эди. Яна кутилмаганда у хорижга кайтиб кетди. Хеч ким каршилик курсатгани йук. Асл малика булгандан кейин хохлаганини қилади-да. Номенклатура унинг отасини йукотар экан, айни ана шуни мулжалга олган эди...

Аммо Хрушчёв хам кутилган умидларни унча оқлолмади. У Сталин камокларидаги миллионлаб махбусларни уйларига кайтарди, номенклатурага карши Сталин жиноятлари хакида бутун дунёга ошкора жар солди, нихоят, партия хаётининг мактанган ленинча нормаларига кайтилганини эълон килди. Шу билан баробар Хрушчёв номенклатурани узи нухталаб олмокчи булди – у хамма даражадаги рахбарларни узича урнини алмаштириб, ишдан олиб, ишга тайинлаб, узидан узоклаштириб ва узига якинлаштириб яна номенклатура салтанатида асабий вазиятни вужудга келтира бошлади. На ташки сиёсатда, на ички сиёсатда тажрибага эга булган бу одам туфайли Учинчи жахон уруши бошланиб кетишига сал колди. Кариб денгизидаги кескинликни Хрушчёв вужудга келтирган эди. Мао Цзе-дун билан каттик уришиб колиб, Умумжахон коммунистик империясини парчалаб юборди, Сталиннинг жасадини мавзолейдан олиб чикиб ташлади ва буларнинг хаммаси етмаганидек,

номенклатурага пуписа қилиб, унинг хизматидаги ҳамма таксимот нукталарини ёпиб ташламокчи ва номенклатура салтанатининг хаммасини оддий савдо тармоқларидан фойдаланишга утказмокчи булди.

Ғазаби ошиб-тошган номенклатура бунақа чапараста раҳбарни 1958 йилдаёқ бартараф этмокчи булган эди. Ушанда у, фақат маршал Жуковнинг садокати туфайли урнида қолганди. Унда, ҳали Давлат Хавфсизлик Қумитаси 1954 йилги мағлубиятдан кейин унгланиб улгурмаган бир шароитда, Жуков жуда катта обру-эътиборга эга эди. Йул-йулакай маълум булдики, давлат кемасининг утхонасига ёнилғи сифатида янги курбонлар келмай колгандан кейин кеманинг юриши имиллаб колишти. Бунакада тухтаб колиши хам хеч гап эмас экан. Текин ишчи кучидан махрум булган шахталар ва конлар ёпиб куйиладиган ҳолатга якинлашди. Ниҳоят, кулларига паспорт теккан колхозчилар кишлоқларини ташлаб коча бошлашди. Улар шаҳарларга тулиб кетди, мамлакатнинг кишлоқ хужалиги эса ҳалокат ёкасига келди.

Ҳамма қандайдир катъий харакатни кутмокда эди, бунинг урнига Хрушчёв партиянинг янги программасини такдим этди. Бу программа сурбетлиги билан унутилмас бир хужжат булганди. У куйидаги иборалар билан бошланарди: «Совет кишиларининг хозирги авлоди коммунизмда яшайди!» Партия 1980 йилда бу жамиятни тула-тукис куриб булишни ваъда килган эди.

Ундан кейин юз берган ҳалокатли курғокчиликлар Хрушчёвни Сталин томонидан тупланган олтинни Америка буғдойини сотиб олишга сарфлашга мажбур килди.

Хрушчёв узи бориб, Американи айланиб келди. У сафардан ҳанг-манг булиб қайтди. «Улар аллакачон коммунизмни куриб куйишипти-ку!» – деди у Микоянга. Микоян эса узининг баҳайбат мулкида коммунизмни куриб куйганман, деб уйларди, шунинг учун унча ҳайрон қолмади. Фақат шахсан АҚШга бориб келганидан кейин амин булдики, уртача бир Америка фермери даражасида яшар экан. Бу юракни ёмон ғаш килди. Энди яна шоша-пиша валюта топиш йулларини кидириш керак эди, негаки думи киркилган Хрушчёв пулининг нимжонлиги эндиликда Сталиндан кейинги номенклатуранинг энг юкори табақаларига хам аён булиб қолганди.

Номенклатуранинг кайфияти хам яхши эмас эди. Йиллар мобайнида халкни алдаб келган номенклатура илк бора узи хам алданганини хис килди. Хорижга хеч кандай тусиксиз, бемалол чикиб келиш имкониятига эга булиши биланок, номенклатура бир зумда марксизм-ленинизм сахифаларидан ясаб олган никобини сидириб ташлади-ю, узини долларнинг багрига отди.

60-йилларнинг бошида, йирик шахарларнинг ахолисини лол колдириб, «Берёзка» магазинлари пайдо булди. Унда хорижий мамлакатларнинг ноёб буюмлари Ғарб валютасига сотиларди. Бунинг хайрон коладиган жойи шунда эдики, мафкуравий жихатдан Кушма Штатлар ва унинг иттифокчилари булгуси урушда бизнинг ракибимиз булажаги ва совук уруш мобайнида хам бизнинг асосий душманимиз экани очик-равшан таърифлаб куйилган булса-да, «Берёзка» магазинлари ошкора равишда ана шу душманнинг пулига савдо киларди. Кузи очик одамлар учун бу истилонинг бошланишини билдирарди.

Йирик доллар отрядлари аллакачон темир парда оркали ёриб утиб, бутун мамлакатга таркалиб кетганди. Улар шундок хам оксаб ётган иктисодиётни багтар издан чикармокда ва энг мухими эса, аллакачон жони чикиб булган мафкуранинг жасадини кунпаякун килмокда эди.

«Махфий.

27.01.1963.

КПСС МК Ишлар бошкармаси,
республика компартиялари
Марказкумига, КПСС улка ва вилоят кумиталарига

«Берёзка» магазинлари тармоклари оркали сотилган буюмлардан тушган валюта маблагини сарфлаш туғрисида.

КПСС Марказкумининг 1962 йил 10 ноябрдаги карорига биноан «Берёзка» савдо тармоғи оркали сотилган буюмлардан тушган хорижий валюта куйидагича таксимланади:

1. Олинган маблағнинг 50 фоизи КПСС Марказкуми кошидаги махсус молиявий комиссиянинг хар ойдаги мажбурий текширувидан кейин КПСС Марказкуми Ишлар бошкармаси ихтиёрига утказилади.

2. Колган 50 фоизи КПСС улка ва вилоят кумиталари

ихтиёрига тушади. Улар хар ойда белгиланган шаклда мажбурий хисобот бериш йули билан харажат килинади.

Изох: КПСС Марказкуми «Берёзка» савдо тармоғи оркали тушган хорижий валюта маблағидан куйидаги тарзда фойдаланишни тавсия этади:

1. 30 фоизи – вилоят (улка) саноатининг устувор сохаларини ривожлантиришга сарфланади.

2. 40 фоизи – умумий захира жамғармасида вилоят (улка) валюта жамғармасини барпо этиш учун сарфланади.

3. 30 фоизи – рағбатлантирувчи жамғарма тузиш учун фойдаланилади. Ундан кисман иш хакини тулаш назарда тутилади.

Илова: партия кумиталарининг рахбар ходимларига (райком котибларигача), эгаллаган мансабларига караб фарклаган холда, хорижга сафар учун бир йула мукофот тарзида берилади. Вилоят (улка) кумиталари биринчи котибларининг ихтиёри билан берилади. Хар ойда хисобот топширилиши зарур».

Карорнинг четида Хрушчёвнинг кайди бор: «Рағбат учун 30 фоиз куплик килмасмикин?»

Ракам учирилиб, 10 га туғриланган, кейин 15 фоиз деб ёзилган. Афтидан, чинакамига партиявий муросасизлик билан фикр алмашувлар булиб утган куринади.

Доллар мамлакатни жунбушга келтирди. Ажнабий сайёхларнинг келиши кескин купайди. Бу эса, уз навбатида, КГБ ходимларининг сонини хам купайтиришни талаб килди. Нетаки, СССР худудида биронта хам хорижий одам назоратсиз колиши мумкин эмас эди-да! Аммо КГБ аввалги кудратига кайтиб улгурмаган эди. Шунинг учун у, бутун мамлакат у ёкда турсин, хатто, йирик шахарларни хам назорат килишга курби етмай колганди.

Натижада, валюта жамгариш ишига мамлакатдаги мавжуд тузумнинг асосий душмани – унинг уз аholиси кушилди. Ички сиёсат борасида содир булган баъзи бир иликликлар важидан улар узини эмин-эркин деб хис эта бошлаган эдилар. Бу жуда хавфли хомхаёл эди – аholининг шахдини жуда тезлик билан ва катъий суратда кайтариб куйиш зарур эди. Бу чиндан хам хомхаёл эди. Халк аввалгидай хеч кандай хакхукукка эга эмас ва партия хамда милиция хукмдорларининг

тула узбошимчалиги остида ҳаёт кечирарди. Чегараларда тиканли симлар ҳамон одамларни ташки дунёдан ажратиб турар, паспорт тизими уни яшайдиган жойига маҳкам бириктириб куйганди. Ҳакикий турмуш даражаси Сталин давридагига караганда бирмунча яхшиланган булса-да, ҳали ҳам жуда-жуда паст эди. Номенклатуранинг мунтазам равишда хорижга сафар қилишлари оддий одамларнинг аҳволини янада оғирлаштирди. Ғарб мамлакатларидаги ҳакикий ҳаётни кургач, номенклатура бу аҳвол мамлакат аҳолисига маълум булиб колиши мумкинлигини уйлаб дахшатга тушди ва хориждаги ҳаёт туғрисидаги ахборот кенг халк оммасига етиб бормаслиги учун ҳамма чораларни курди. Сталин ҳаётлигидаёк улуг ахборот уруши бошланган эди – у пайтларда Ғарб радиостанцияларини эшитгани учун 10 йил бериларди. Бу уруш янгиянги шаклларга кириб давом этмокда эди.

Халк норозилигининг ҳар кандай куриниши ута шафкатсизлик билан бостирилар эди. Новочеркасскда, Воркутада, Тбилиси ва бошка купгина шаҳарларда ишчиларнинг намойишлари бағритошлик билан укка тутилди. Мавжуд тузумни ағдариб ташлашга чакирик эмас, бирон-бир имо-ишора бордек туюлган жойда хеч иккиланмай улим жазоси берилаверарди. Венгрия, Германия ва Польшадаги халк исёнлари танклар билан бостирилди... Бирдан маълум бўлдики, халк ҳали чинакам инсоний ҳаёт нашъасини унутмаган, доимо шунга интилиб келган экан. Шу жумладан долларга ҳам. Ҳолбуки, большевиклар бу халкни инсоний хаётдан бездираман деб, уни каллаварам бир махлукка айлантираман деб, миллионлаб камаб, таъкиб қилавериб, 1917 йилдан бери жуда кийналиб кетган эди.

Доллар иштиёкидаги одамлар куплаб пайдо була бошлади. Уларнинг ичида, айникса, ёшлар куп эди. Матбуот бу ёшларга бир зумда «валютачилар» деб ном куйиб олди. Улар Ғарб сайёҳлари билан, рухсатсиз булса-да, учрашувлардан куркишмади – уларни жосусликда айблашлари мумкин эди – бундан ҳам чучишмади. Улар валюта ва ҳар хил буюмлар шаклида Ғарб мафкурасини мамлакат буйлаб ёя бошладилар. Уларга карши аёвсиз уруш эълон килинди. Интурист ходимлари аллакачон хавфсизлик хизмати филиалига айланиб колишган эди – улар ҳанг-манг булиб колган хорижий

сайёхларнинг куз унгида «валютачилар» ёхуд «чайқовчилар» устига дадил ташланиб, уларни қулга олиш ва милицияга топшириш пайида булишарди. Бу муштлашишлар баъзан фожиалар билан тугарди. Ана шундай жангларнинг биттасидан кейин йигирма ёшли Игорь Кузьмин деган йигит қамоққа олинди, намунали суд жараёнидан утказилиб, отиб ташланди.

Аммо тарихга «Рокотов ва Файбишченко жараёни» сифатида кирган биринчи «валюта» суди жамоатчилик уртасида янада каттароқ акс-садо берди. Бу икки йигит (уларнинг бири кирк ёшда, иккинчиси йигирма беш ёшда эди) сайёҳлардан доллар харид қилгани учун қамоққа олинган. Рокотов билан Файбишченко ишнинг кузини яхши билар экан – улар борйуғи икки йил ичида 300 минг доллар ва совет пулида бир ярим миллион сум ишлашибди. Улар бу пулларни айлантириб, уз мулкларини купайтира бошлашибди. Улар қамоққа олинган чоғда РСФСР Жиноят Кодексидаги тегишли моддада валюта билан боғлиқ ғайриконуний ишлар учун 5 йил қамоқ жазоси белгиланган эди. Бу модда Сталин замонасидан қолган эди. У пайтларда номенклатуранинг олий табақаларидан бошқа ҳеч кимнинг қули валютани курган ҳам эмасди – валюта олиб сотиш улардан бошқа одамнинг хаёлига ҳам келмас эди. Шундай булса-да, номенклатура хар эҳтимолга карши бу ишлар учун жазони камроқ белгилаган эди. Аммо, эндиликда номенклатура ғазабининг поёни булмай қолди. Қамоққа олинган ёшлар уз долларини жуда осон йул билан топишганини куриб номенклатура ларзага тушди – бутун совет халки ана шу осон йулга кириб кетиб, жонажон партияси учун меҳнат қилишни йиғиштириб куйса нима булади? Моддий мустақиллик эса ҳамиша сиёсий мустақиллик ҳамдир. Буни Ильичнинг узи ғалла монополияси ҳақидаги доҳиёна мақолаларида таъкидлаб кетган эди. Халқ узига тегишли бир бурда нонни фақат партиянинг қулидан олмоғи керак ва уни очидан улдирмай, шу нонни бериб тургани учун бу қулни упмоги лозим.

Гарчи совет ҳукукшунослиги, «қонун тескари қудратга эга эмас», деб эътироф этса-да, маҳбусларга беш йил қамоқ жазоси назарда тутилган модда билан айб эълон килинганига карамай, тергов давом этаётан пайтда моддадаги муддат аввал саккиз йилга, кейин эса 15 йилга узгартирилди ва маҳбусларга

яна икки марта айб эълон қилинди. Аммо буни хам етарли эмас, деб хисоблашди. Тергов тугай деб қолганда, моддани яна бир марта узгартирдилар. Бу гал моддада отиш жазоси хам пайдо булди. Сунг иккала шурлик йигитни отиб ташлашди. Қайси нуқтаи назардан қараманг – бу уччига чиккан узбошимчалик эди. У Хрушчёв бошлаб келган илиқликнинг авж палласида руй берди. Шунинг узидан Кремлда нималар булаётганини аниқ билиб олса булади.

Олий Совет бирин-кетин янги қонунларни қалаштириб ташлади: «Ғайриқонуний валюта операциялари учун жиноий жавобгарлик туғрисида», «Чакана валюта операциялари учун жавобгарлик туғрисида», «Ғайриқонуний тарзда валюта асрагани учун жавобгарликни кучайтириш туғрисида». Шундай қилиб, фақат номенклатура қулидаги валютагина қонуний хисобланадиган булди. Гарчи бу янги қонунларнинг хаммасида «ғайриқонуний операциялар» туғрисида нимадир дейилган булса-да, уларнинг хаммаси охир-оқибатда оддий одамларга хорижий валюта асрашни тақиклашдан бошқа нарса эмас эди. Хар қандай тинтувда ёнингиздан валюта чикиб қолса, у шифр ва радиостанцияларга ухшаш жосуслик белгиларидан ёмонроқ хисобланарди. Валюта жиноятнинг ашаддийлигини курсатар ва бошқа молу мулкингиз билан бирга дархол мусодара қилиниши шарт эди. Айтайлик, хориждаги бирон қариндошларидан мактуб ичида 10 доллар олган бирор оддий одам шу пулни кутариб «Берёзка»га тумшуғини тиқадиган булса, у дархол қулга олинарди, негаки совет фуқаросини хорижий одамдан ажратиб олиш хаддан ташқари осон эди. Ундан пулни тортиб олишар, бу хакда хужжат ёзилар, шуринг қурғурнинг иш жойига хабар қилишарди. У одамнинг узи шу билан қутулиб кетса, осон қутулганига чин кунгилдан шукроналар қиларди.

Ҳамма нарсани узил-кесил жой-жойига қуйиш учун шу йилларнинг узида «Текинхурликка қарши кураш туғрисида»ги машхур қонун қабул қилинди. Бу қонунга кура, давлат фойдасига ишлашни истамаган барча одамлар бутун мамлакат буйлаб текинхур деб эълон қилинди. Бу қонунни совет хукукшунослигининг дурдонаси, деб атаса булади. У номенклатуранинг қулига узига ёкмаган хар қандай одамни очиқчасига жазолаш имконини берди.

Нобель мукофотининг сохиби шоир Иосиф Бродский бу қонуннинг илк қурбонларидан бири булган эди. Унинг

шеърлари район партия комитасининг ходимига маъкул тушмаганди. Кейинчалик номаъкул одамни ҳамма жойдан қува бошлардилар, ҳеч қаерда ишга олмасдилар, сунг текинхур деб эълон қилиб, ё «конуний» асосда қамардилар, ё сургунга жунатардилар. Шу вақтнинг узида қишлоқларда деҳқонларнинг хусусий иссиқхоналарини кунпаякун қилишга тушдилар, яна чорва тортиб олина бошланди ва ҳатто, Сталиннинг ўзи рухсат берган томорқадан ҳам маҳрум қилишди. Бунинг урнига бутун мамлакатда маккажухори экиш бошланди, чунки айни шу экинда Хрушчёв Қушма Штатлар эришган қудратнинг асосини курди. Никита Хрушчёв узининг беш синфлик маълумотидан ҳеч қачон ҳижолат чеккан эмас, аксинча, ҳамма жойда буни таъкидлашдан уялмаган. Номенклатура ҳазил-ҳазил билан уни юқорига чикариб қуйди. Шунда маълум булдики, у давлатни бошқаришга мутлако лаёкатсиз одам экан. Сталин уни ҳамма вақт иккинчи даражали ролларда тутиб келган ва на ташки, на ички сиёсат борасида раҳбарлик ишларига яқин йўлатмаган эди. Шунинг учун партия-давлат бошқарувининг энг юқори нуқтасига чикиб олгач, Хрушчёв ўзини ғаройиботлар ўлкасига тушиб қолган Алиса каби тута бошлади – у ҳамма нарсага танг қолар ва ҳамма нарсадан тез ҳафсаласи пир буларди. Сталин империясида ниманидир ўзгартириш ёки синдиришга булган уринишлари ҳаммаёкни расво қилди, молиявий бошбошдоқлик бошланди, ҳеч нарсанинг жиловини тутиб булмай қолди. Охир-оқибатда, мамлакатда нималар содир булаётганини, унинг бугунги дунёдаги урни қанақа эканини ҳам билиб булмай қолди.

Сталиннинг вафотидан кейинги таҳликалардан унгланиб олган номенклатура бир қули билан халқнинг томоғидан гиппа бугиб олгани ҳолда, иккинчи қули билан қолган-қутган бойликларни талай бошлади. Жазавага берилиб кетиб, у ҳар қандай андиша, ҳатто, эҳтиёткорликни ҳам унутиб қуйди. Никита Хрушчёв ўз кабинетида утириб, якинларининг кирдикорлари ҳақидаги мутлако махфий маълумотларни укир экан, уларни буралаб сукишдан бошка иложи колмаганди.

Икки ойлик нефть экспортидан тушган валюта изсиз гум булган эди. Маълум булдики, пуллар Ғарб банкларига сохта одамларнинг номига қуйиляпти. Ҳамма излар Кремлга – Бош котибнинг яқинларига олиб келарди. Аммо Сталин ва

Бериянинг қабри тепасида келишилган битим бу одамларни судга беришга йул куймайди. Аммо нефть – денгиздан бир томчи, холос. Бу одамлар аллакачон бутун давлат мулкини узининг хусусий мулки урнида кура бошлаган эди. Гап билан уларнинг бу карашини узгартириб булмасди.

«Иш билан унглаймиз!» – дейди гижиниб Хрушчёв. Қамақамалар бошланади, бирок дарров маълум буладики, балога колганлар «сурнайчилар» экан – бош бошкармалар, трестлар, вазирликларнинг рахбарларигина кулга олинибди. Мохир усталар махбусларнинг курсатмаларини керакли томонга йуллашади, аммо жазавага тушган Хрушчёв давлат мулкини угирлагани ва катта миқдорда пора олгани учун улим жазосини бериш ҳақида янги конунни қабул қилдириб, уларнинг жағларини очиб юборади. Махбусларнинг янги курсатмалари Рязань, Кемерова, Ростов вилоят партия қумиталарининг биринчи котибларини узини узи улдиришга олиб келади. Прокуратура ходимлари касрларнинг деворларига уриб юбориладиган шахсий сейфлардан пачка-пачка долларлар, олтин ёмбилар, олмослар, жаҳондаги донгдор банкларнинг чек дафтарчаларини олишади. Хрушчёв навбатдаги қадамини қуйишга тайёрлана бошлайди. Унинг қулидаги олгирлар руйхатида энг якин ҳамкасабаларининг фамилиялари – Брежнев, Шелест, Подгорний, Кириленко ва бошқалар турибди. Сирасини айтганда, Хрушчёв ҳам Сталин умрининг сунгги ойларида қилмоқчи булган ишни руёбга чиқармоқни – уз Сиёсий бюросини маҳв этишга уринади. Аммо муқаддас битим нима булади? Хрушчёв битимни аллакачон бузиб ташлади, у бошлаган номаълум ишлар партиянинг бир катор олий арбобларининг ҳаётига зомин булди ва яна бошка купгина одамни юрак уйноги қилиб куйди.

1964 йилнинг 14 ноябрь куни осойишта «сарой» тунтаришидан кейин Хрушчёв ҳокимиятдан четлатилади. Фитначилар битимни бузишмайди – Хрушчёвни омон қолдиришади, унга нафака тайинлашади, дала ҳовлини ҳам тортиб олишмайди, лекин номини анча йилларгача тарихдан учириб ташлашади. «Ҳар ҳолда, мен бу мамлакатни жиндай булса-да узгартирдим, – деб ғурурланиб эслайди Хрушчёв томорқасидаги экинларини чопиб юриб. – Мени отишмади, камашмади, балки нафақага жунатиб куя қолишди. Шунинг узи жуда катта гап».

Леонид Ильич Брежневнинг ун саккиз йиллик даври бошланди. Узоқ йиллар номенклатура бу даврни орзиқиб кутган эди. Бошдан-охир бошбошдоқлик даври. Нима қилсанг қилаверадиган давр. Партия ҳаётининг ленинча нормаларига қайтиш ниҳоясига етди.

Бу орада АҚШ бошлиқ Ғарб СССРдаги ҳодисаларни кизиқиш билан кузатиб турмоқда эди. Ишлаб чиқаришдаги бошбошдоқликни курган, партия-давлат раҳбарлари мамлакатнинг миллий бойлигини талон-тарож қилиш иштиёқида ёнаётганига амин булган Ғарб 1970 йилдаёқ Совет Иттифоқини доллар ҳужуми билан гор-мор келтириш тадоригини кориб куйган эди. Марказий Разведка Бошқармасининг маъруза-лари бу режанинг муваффақият қозонишига заррача шубҳа колдирмайди. Сталин томонидан барпо этилган совет саноати амалда фақат ҳарбий эҳтиёжлар учун ишламоқда. У давлат бюджетини упириб кетяпти, йил сайин хужаликнинг бошқа соҳаларига, шу жумладан, қишлоқ хужалигига ҳам борган сари камроқ маблағ колдирмоқда. Олий раҳбарият кундалик эҳтиёж учун бозорини тула равишда Ғарбда қиладиган бу-либ колди. Аҳолининг колган қисми раҳбариятга қарши ку-рашмайди, балки унга тақлид қилади. СССРни куролланиш пойгасининг янги-янги ҳалқаларига жалб қилинса, у ҳаддан ташқари қиммат турадиган янги технологияга дош беролмай-ди ва совет саноатининг ҳамма ноҳарбий соҳалари утириб колади. Яна бир-икки ҳалка булса бас, коммунистик империя тамом булади. Уз куролларининг оғирлигини кутаролмай, унинг узи кулаб тушади. Бу шунинг учун ҳам эҳтимолдан холи эмаски, СССР узининг коммунизми билан андармон бўлиб, ғафлатда колди – иккита инқилобни – илмий-техник ва электрон инқилобни утказиб юборди. Бунга Сталиннинг узи катта ёрдам берганди. У ҳаётлигида кибернетикани «марк-сизмга ёт жуҳудлар уйлаб топган сохта илм» деб атаган эди. Шу мулоҳаза билан у совет армиясининг жаҳон стандартидан ҳамиша орқада қолишига йул очди. Кариб денгизидаги можа-ро совет армиясининг алока, назорат ва бошқарув тизими ута ибтидоий даражада туришини курсатди. Бу даража шунакаки, куролларнинг ноядровий турларини қуллаб утказиладиган реал электрон уруши шароитида совет армиясини осонлик билан бошқариб булмайдиган, бинобарин, жанг қилишга кодир булмаган оломонга айлантириб куйиш мумкин.

Москвада аҳволни сезиб қолишди ва мукаррар ҳалокатдан қутулиш йулини топишди. Аввалига купчиликка бу йул мутлақо куллаб булмайдигандай куринди. Гап дунёнинг бирор овлокроқ жойида Қушма Штатларни урушга жалб қилиш ҳақида кетмокда эди. Агар шундай килинса, СССРни тор-мор келтиришга атаб қуйилган миллиард-миллиард доллар ҳавога совурилиб кетарди.

Бирок бахслар тез орадан тухтади, чунки ҳамма курдики, бошқа чора йук. Москвага зудлик билан Шимолий Вьетнамнинг Президенти Хо Ши Мин чақирилди. У узлуксиз партизан урушининг қаҳрамони эди, бу уруш окибатида Ҳиндихитойдан французлар кувиб чикарилиб, Вьетнам ҳам Корея каби иккига булиниб кетди – шимолида коммунистик, жанубида гуёки демократик давлат вужудга келди. Жанубий Вьетнам уз армиясига эга эмасди. У ҳам бир вақтлардаги Жанубий Корея каби АҚШ билан хавфсизлик туғрисида битим тузган эди. Хо Ши Минга уз юртини бирлаштириш учун тезда уруш бошлашни таклиф қилишди. Моҳият эътибори билан бу бир вақтлар Кореяда амалга оширилган Сталиннинг эски режасини такрорлашдан бошқа нарса эмас эди. Ушанда ҳам асосий мақсад АҚШ қудратини Совет Иттифокидан чалғитиб, бушликка йуналтиришга каратилганди. Хо Ши Мин йилига икки миллиард долларга рози булди. Бундан ташқари, уруш давомли булса, унинг ҳар йили учун яна бир миллиарддан мукофот пули берилиши керак эди. Бу маблағнинг чорак қисмини у уз киссасига солмокчи эканини яшириб утирмади. Бу унинг шахсий иши эди. Кремлдагиларни бошқа нарса ташвишга солмокда эди: америкаликлар тузоққа илинармикин? Ахир, уларнинг режаси «душманни ук эмас, доллар улдиради», деган акидага асосланган эди-да. Балки Жанубий Вьетнамга тегмаган маъқулмикин? Совет Иттифоки кулламаса, улар қаёққа ҳам борар эди?

Аммо америкаликлар тузоққа илинди. Улар оламшумул ғалаба қозонишни уйлаб, йул-йулакай Шимолий Вьетнамни муҳим ишлар билан шуғулланишга ҳалақит бераётган хира пашшадай эзиб ташламокчи булишди. Шундай қилиб, ун йиллик қонли уруш бошларига тушди. Америкаликлар осмонда, денгизда ва куруқликда жуда катта устунликка эга эдилар, улар Шимолий Вьетнамни буткул вайронага айлантирдилар,

лекин урушда, барибир енгиб чика олмадилар. Натижада, улар Жанубий Вьетнамни шимолий ғолиблар ихтиёрида қолдириб, аскарларини олиб чиқиб кетишга мажбур бўлдилар.

Режа тулалигича амалга ошди. Вьетнамда еган тепкилари америкаликларга жуда қимматга тушди. Улар жангларда улган ва бедарак йуқолганлар билан бирга 40 минг одам йуқотишди. Бундан ташқари, Қушма Штатларнинг обруйидан путур кетди, доллар ожизланди ва Америка жамияти парчаланиб кетди. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, уз фукаросидан икки миллионини гурга тиккан Хо Ши Мин Совет Иттифокининг умрини яна 20 йилга чузиб берди. Шунинг учун хам Москвада унинг номидаги майдонга ҳайкал қуйилганди-да...

Сиёсий ташаббус кисқа вактга Совет Иттифокига утди, бошқа шароитларда булса, бундан жуда яхши фойдаланиш мумкин эди. Бирок СССРда хеч қачон қуролу нефть, газ, темир рудаси, ёғоч, муйна ва яна қизил ҳамда кора увулдирикдан бошқа нарса булмаган. Қуролдан булак юқорида саналган нарсаларнинг ҳаммаси хорижга сотилган, эвазига валюта олинган, аммо давлат хазинасига тушган валюта куз очиб юмгунча талонга учрайверган. Шунинг учун халқаро майдонда самарали ҳаракат қилиш учун СССР ихтиёрида фақат курол колган, холос. Совет Иттифоки харидор мамлакатларга куролни ё бутунлай бепул, ё қарзга берган, аммо бирон кун келиб, бу қарзларни ундириб олишни уйлаган хам эмас.

Америкаликларни Вьетнам можаросига жалб қилишга муваффак булингандан сунг, Москвада ракибнинг яна бир бор таъзирини бериб қуйишга жаҳд қилишган – бу гал энди АҚШнинг Яқин Шарқдаги иттифокчиси Исроилга зарба беришни мулжаллашган. Бу сафар хам Қушма Штатлар иттифоқдошининг бошига оғир кунлар тушганда уни ёлғиз қолдирмайди ва шу йул билан узлуксиз давом этадиган кичик-кичик урушлар боткоғига ботиб колади, деб уйлашган. Москвага Миср Президенти Носир чақирилади. У Хрушчёв замонидаёқ Совет Иттифоки Қаҳрамони унвони ва Олтин Юлдуз медали билан тақдирланган эди. Носир Москванинг режасига юқори баҳо беради. Негаки, у Носирнинг уз режаларига хам туғри келиб қолганди. Бундан ташқари, Хартумда, араб мамлакатлари рахбарларининг махфий кенгашида,

Исроилни давлат сифатида йуқ килиб ташлаш туғрисида карор хам қабул килинган эди.

Москва бу масалада жуда катта хатога йул қуйган эди. Совет Иттифоки Вьетнам урушида эришган устунликларнинг карийб ярмини бой бериб қуйди. Кариб денгизидаги можародан кейин утган киска вақт ичида иккинчи марта СССРнинг харбий ожизлиги ошкор булди. Бунақа таҳкирли ахволга йул қуйиб булмас эди. Миср армияси жуда киска фурсатда тор-мор келтирилгандан кейин, Исроил қушинлари Сувайш канали соҳилларини эгалладилар. Канал ёпилиб қолди. Бу эса жуда куп моддий муаммоларни келтириб чиқарди. Шимолий Вьетнамни ҳамма зарур нарсалар билан таъминлаб турувчи совет кемалари энди Африкани айланиб утишга мажбур эди. Бунинг устига йулда унинг тухтайдиган жойи хам йуқ эди, ҳисоб. Бу Америка разведкасининг Вьетнам учун олган интиқоми эдими ё йуқми – бу маълум эмас, аммо Совет Иттифокининг дунёда куролли низоларни келтириб чиқаришда уйламай иш тутиши жаҳоннинг назаридан четда қолмади ва бундан Афғонистондаги курашнинг сунгги боскичида жуда усталик билан фойдаландилар.

Худди шу кезларда, яъни 1967 йилда КГБнинг раиси қилиб Юрий Владимирович Андропов тайинланди. Сталин замонасида у комсомол ишларида банд эди, уруш вақтида эса, у шимолий портларда линд-лиз буйича иттифокчилардан келган юкларни қабул килиш билан шуғулланди. Худди шу ишида юрганида «Джони Уокер» деган виски ва консерваланган Америка колбасасига уч булиб қолди. Андропов 1958 йилда Венгриядаги умумхалқ исёни вақтида ҳукумат раҳбарларининг эътиборини жалб қилишга муваффақ булди. Бу ерда у элчи эди. Узининг ёрдамчиси Крючков билан бирга у Имре Надни элчихона ҳудудига алдаб олиб кирди ва кейин уни дор остига жунатди. Бу эса исённинг мағлубиятидаги асосий сабаблардан бири булди. Андроповни КПСС Марказкуми аппаратига ишга олишди, Хрушчёв ишдан четлатилгач, узини партиянинг раҳбари деб эълон килган Брежнев тарафдорлари сафига кушилди.

Масаланинг нозик жиҳати шунда эдики, бу мансабга Александр Шелепин ҳам даъвогар эди. Уни юқори доираларда «Темир Шурик» деб аташарди. У уша кезларда КГБнинг раиси эди.

Бу пайтларга келиб, КГБ Сталин давридаги МГБ қудратини тула тиклаб улгурмаган булса-да, анча бакувват тортиб қолган эди, у анча кенгайган ва хатто, нафакат мамлакат ичкарисида, балки хорижда хам сиёсий котилликлар билан шуғулланган машхур булимини хам тиклаб олганди. Масалан, ГФРда украин миллатчиларининг сардори атоқли Степан Бандера улдирилди. Албатта, бу котиллик Сиёсий бюронинг буйруғи ва маъқуллаши билан амалга оширилган эди. Шундай булса-да, Бандеранинг улдирилишидан «Темир Шурик»ни ағдариб ташлашда фойдаланишди. Бандера туғрисида бир даста хужжат тайёрланди. Уларда партиянинг хоҳишига қарши уларок, Бандеранинг улдирилишини Шелепиннинг узи мустакил режалаштиргани ва амалга оширгани хакида гап борарди. Шелепин буни гуёки шахсий манфаат йулида килган, чунки Бандеранинг Мюнхен банкларида сақланувчи пуллари унинг тинчини олиб қуйгани таъкидланарди. Бу хужжатларнинг хаммасини Андропов тайёрлаб, Ғарбга оширган эди. Халқаро микёсда жанжал бошланди. Шу туполон асносида Шелепинни, аввал, аллакандай бир ахамиятсиз мансабга утказиб қуйишди, сунг эса нафақага жунатишди, унинг урнини эса Андропов эгаллади. Полициячилик тартиблари устувор мамлакатда махфий полициянинг бошлиғи булиш энг муҳим лавозимни эгаллаш дегани эди, чунки бу лавозимдаги одам мамлакатдаги ва унинг худудларидан ташкаридаги ҳакикий ахволдан хабардор булади.

Андропов теварак-атрофига назар солар экан, кўз ўнгида намоён булган ахволни куриб дахшатга тушди. Сталин вафот этгач, салкам 14 йил давомида бутун мамлакат порахурлик гуллаб-яшнаган бепоён бир боткокка айланиб булибди. Бу боткок истаган дакикада мафкурани хам, давлатни хам каърига ютиб юбориши ҳеч гап эмас эди. Андроповнинг шухратпараст миясига мамлакатни ҳали кутқариб қолса булади, деган фикр келди. Аммо бунинг учун КГБнинг хўжайини булиш кифоя эмас эди, бунинг учун партия ва давлат рахбарлигини эгаллаш шарт эди. Андропов эса бу мартабадан хали жуда узокда эди. Шунинг учун КГБнинг хужайини лавозимини эгаллаган биринчи дакикалариданоқ, Андропов давлат тунтаришига тайёргарлик кура бошлади. У узининг бу килмишини партияни сақлаб қолиш истаги билан ва бошка олижаноб ниятлар билан окламокчи булди. Бу «олижаноб»

ниятлар канака эканини билиш учун эса Лубянка ертулаларига назар ташлаш кифоя.

Андропов «Прага баҳори»ни танклар билан янчиб ташлашнинг асосий ташаббускори булган эди. У шу йул билан мамлакатда ва жаҳонда катта ғалва бошлашни ва тус-туполондан фойдаланиб, олий ҳокимиятни эгаллашни мулжаллаганди. Аммо бу сафар омади келмади.

Чехлар ҳеч канака каршилик курсатишмади. Вьетнамда уралашиб ётган Кушма Штатлар эса, урушдан кейинги «таъсир доиралари» туғрисидаги Потсдам конференциясини рукач килишиб, локайдгина муносабатда булишди. Аммо улар Андроповнинг кай усулда иш юритишини пайкаб колишди ва кейинчалик фойдаланиш учун буни эътиборга олиб куйишди.

Андроповни шунчалик дағаллик билан катъий ҳаракат килишга мажбур этган нарса нима эди? Бу шундан иборат эдики, мамлакатни мукаррар ҳалокатдан саклаб колиш учун ортикча фурсат колмаганини ва усталик билан ҳаракат килинадиган майдон торайиб кетганини Андропов дахшат ичида англаб етганди.

Ҳалокат тез якинлашиб келмокда, у жадал ва катъий харакат килишни талаб этарди. Аммо томоғинггача боткокка ботиб турган булсанг, кандай килиб тез ва катъий харакат кила оласан?

Шундай килиб, Андропов эртаклардаги пахлавонлардек иш бошлади – у аждахо билан олишишга киришди, аммо унинг калласини кесиб ташласанг, урнига учтаси униб чикарди.

КГБнинг махсус каналлари буйлаб туну кун шундай ахборотлар окиб келардики, Андроповнинг энг якин аъёнлари уларни укиб, муздек терга тушишарди.

Купчилик иттифокдош республикаларда ҳамма партия ва давлат мансаблари накд пулга сотилган. Жумладан, Озарбайжонда район прокурори мансаби 30 минг сум, район милиция булимининг бошлиғи мансаби эса 50 минг сум турган. Бу мансабларни накд пул тулаш йули билан райком котибидан сотиб олиш мумкин. Колхоз раисининг урни, гарчи сайланадиган мансаб булса-да, 80 минг сум турган, сабаби, бу мансаб райком номенклатурасига кирган ва ундан номенклатура

пиллапоялари буйлаб юкорига кутарилиш мумкин булган. Райком котиби булиш учун эса анча куп пул талаб қилинган – 200 минг тулаш керак булган. Иккинчи котибнинг урни 100 минг сум турган. Пуллар Озарбайжон компартияси Марказкуми котибларига туланган, чунки бу мансаблар Марказкум номенклатурасига кирган. Марказкумда ҳамма давлат мансаблари (нафақат давлат мансаблари) пулга сотилган. Театр директорининг урни 30 минг сум, илмий-тадқикот институти директорининг урни 50 минг, академиклик унвони 50 минг булган. Республикадаги истаган олий укув юртининг ректори булиш учун 200 минг сум тулаш шарт эди. Бу лавозим – худди райком котибиникидай жуда қиммат турган. Аммо бу пуллар жуда тез қайтган, чунки, айтайлик, Чет тиллар институтига кириш учун 10000 сум, Боку дорилфунунига кириш учун 20 минг сум, Тиббиёт институтига 30 минг сум, Халк хужалиги институтига 35 минг сум (70-йиллар бахосида) тулаш лозим булган.

Фақат район раҳбарлари ёхуд илм-фан ва маданият арбобларининг лавозимларигина эмас, Озарбайжонда хукумат аъзолари ва Марказий Комитет аъзолари булиш учун ҳам пора бериш керак эди. Масалан, Ижтимоий таъминот вазири лавозимини 120 минг сум, Савдо вазири мансаби учун эса 250 минг сум бериш зарур эди. Компартия Марказкумига аъзо булиш учун ярим миллион сум тулаш талаб қилинарди.

Бундай ахвол жуда тез суръатлар билан ривож топиб бораётган хуфия иктисодиёт корчалонлари учун пастдан юкоригача энг муҳим мансабларга уз одамларини утказиш имконини берган, уларнинг партия номенклатураси билан чатишиб кетишига йул очганди. Корчалонлар шу йул билан уз сиёсатларини утказа бошладилар. Аммо энг дахшатлиси ҳали бу эмас эди. Компартия Марказкумига ва унинг Биринчи котиби Охундовнинг қулига окиб келаётган жуда катта маблағ туғридан-туғри хорижга чикиб кетмоқда эди. Озарбайжон – СССР нефтининг бош манбаи ҳисобланарди. Нефть эса совет экспортининг асосий товари булиб, машҳур нефтодоллар ҳисобида миллиардлаб даромад келтирарди. Амалда бу даромадлардан давлат хазинасига ҳемири ҳам тушмасди. Аммо Охундовнинг уз улуши бор эди. Калаванинг бошқа учлари

эса туғри Кремлга олиб борарди. Андропов калаванинг учларини топа бошлади, аммо у бу ишни хеч кимга биронта савол бермай ва узини хаддан зиёд садоқатли курсатган холда бажарди.

Озарбайжоннинг мамлакатдаги бошка республикалардан алохида ажралиб турган жойи йук эди. У порахурлик ботқоғида буғилиб ётган ягона улка эмасди. Компартия Марказкуминиинг Биринчи котиби Сиёсий бюро аъзолигига номзод Мжаванадзе, иккинчи котиби эса Альберт Чуркин булган кушни Грузияда ахвол бундан бешбаттар эди. Бу ерда мансаблар Озарбайжондагидан кимматрок турарди. Бу лавозимларни сотиб олишга тайёр одамлар шу кадар куп эдики, узига хос кимошди савдолари уюштиришга туғри келарди. Кимошдини утказувчи мутасаддилар Марказий Қумита котиблари ва Марказкум бюросининг аъзолари эди. Улар уз хакини, асосан дуру жавохирларда ва валютада олар, уз навбатида Москвага хам улуш ажратиб турардилар. Партия аппарати республикани уз таъсир доирасидаги кисмларга булиб олганди ва шу билан гуё феодал карамлиги тартиблари тула урнатилган эди.

Урта Осиё республикаларидан келаётган маълумотларга эса акл бовар килмасди... Бу гал хам излар туғри Москвага бориб туташарди. Шу жумладан, гиёхванд моддалар сукмоқлари хам илонизи булиб, Болкон ва Якин Шарқ мамлакатлари оркали утарди-да, Кубаларга бориб ғойиб буларди – уша ерда бу сукмок жахон наркобизнеси дарёсига кушилиб кетарди. Пахта ва гиёхванд моддалар – КПССнинг упкондай киссасига тушувчи миллиард-миллиард доллар даромад берарди. Буларнинг бари-ку чекка улкаларда. Хуш, Москвада, Россиянинг узида ахвол канака эди?

Мудофаа вазирлигидан бошлаб то гушт-сут саноати вазирлигигача – давлат бошкарувининг хамма сохалари порахурлик касалига чалинганди. Уларнинг хаммаси бемалол жиноятга кул ураётганлари учун КПССга улпон тулаб туришарди.

Андропов иш режасини тузишга киришди. Аввалига у уз кучларига анча туғри баҳо берди, хатто, унчалик чучиб утирмади хам. Ахир, у хам энг олий табака номенклатурасининг вакили эди ва бирор нарсани тубдан узгартириш ниятида

эмасди. У КПСС Марказий Қумитаси қаърида туғиладиган ва мукаррар тарзда, мунтазам равишда амалга ошириладиган жуда хатарли жараёнларга бархам бермоқчи булди. Миллий дармаднинг жуда катта қисмини узлаштириб оладиган КПСС худди кочиб кетишга ҳозирлик кураётгандай беҳисоб бойликларни тинимсиз хорижга утказарди. Гуё партиянинг олий катлами бирваракайига СССРдан мухожирликка жунамокчи ва ҳозирданоқ Ғарбда тузукрок турмуш кечириш учун зарур тадорикни кураётгандек таассурот туғиларди. Одам уз хатти-харакатларининг туб сабабини баъзан тушунолмай колади. Андропов ҳам узок вактгача бу жараённинг туб моҳиятини англаёлмай юрди. Чунки унинг узи ҳам жон-тани билан номенклатурага мансуб эди.

Буни яна шу сабабдан тушуниш кийин эдики, чекистлар томонидан каттик муҳофаза килинадиган ва қалин махфийлик пардасига ураліб олган номенклатура салтанати кун сайин гуллаб-яшнамокда, бойимокда ва бакувватлашиб бормокда эди. Умуман олганда, бу улкада коммунизм аллақачон куриб булинган эди. Лекин, тўғриси, унда «тенглик» тушунчасидан асар ҳам йуқ эди. Бу эса фаолиятни яна давом эттиришга ундарди. Қурукликнинг олтидан бир кисмини уз жисми билан озиқлантириб ётган қамоқхоналар ва махсус истикомат жойларидаги миллионлаб шуринг курғур маҳбуслар ана шу муъжазгина хос улкани барпо этишга имкон берган эдилар. Бу улкада ҳамма нарса хос одамларга аталганди. Махсус курилиш-монтаж бошкармалари томонидан хос турар-жой бинолари куриларди, мабодо уларда чумиладиган ҳовузлар булмаса, бу деразаси йуқ уйдай ғайритабиий ҳисобланарди. Хос дала ҳовлилари, пансионатлар, санаторийлар, касалхоналар, поликлиникалар, махсус магазинларда сотиладиган хос озиқ-овқат маҳсулотлари, хос ошхоналар, хос буфетлар ва хос сартарошхоналар, махсус автобазалар, бензин қуядиган махсус жойлар, автомашиналардаги хос номерлар, кенг тарқалган хос информация тармоклари тизими, хос телефон алоқаси, хос болалар муассасалари, хос клублар ва кинотеатрлар, вокзаллар ва аэропортдаги хос кутиш заллари, махсус туғрукхоналар ва ҳатто, хос кабристонлар...

Бу хос улка яшар, дам олар, овқатланар, харид қилар, сафарга чиқар, кунгил очар, укир, даволанар экан, ҳеч қачон

мулокотга киришмасди, чунки унинг жамики фаровонлиги шу халкни талаш асосига курилганди. Ям-яшил дарахтзорлар куйнидаги хашаматли касрлар, коттежлар, шикор уйлари, боғлар, равоклар, теннис кортлари, чумиладиган ховузлар, гулхоналар, иссиқхоналар, кимматбахо зотдор арғумоклари сероб отхоналар – буларнинг бари баланд деворлар ортига жойлашган ва куролли сокчилар томонидан каттик курикланарди. Номенклатуранинг Микоянга ухшаш фахрийлари узларининг шахар ташкарисидаги касрлари ва бахайбат мулкларини 1919 йилданок саристалай бошлаганлар. Мармар гобеленлар, деразалардаги турфа хил рангли витражлар, шахсий кинозаллар, Эрон гиламлари, кухна куроллар, олтин ва кумуш хайкалчалар, кимматбахо чинни, яшмадан ишланган кузачалар, фил суягидан килинган накшдор безаклар, хинд шохилари, унлаб йиллар мобайнида йиғилган ноёб ичимликлар... Мулклар ва касрлар салобатли ғиштин деворлар билан ураб олинган, уларда сокчилар ва хизматкорлар учун махсус уйлар куриб куйилган. Улар курган-билганларини бировга айтмаслик хакида тилхат беришади ва жуда катта маошлар хамда имтиёзлар билан рағбатлантирилади. (Хатто, номенклатура салтанатида фаррош аёл армиядаги полковникдан купрок маош олади).

Бундай хаёт тарзини Ленин таъсис этган эди. Сталин уни конун даражасига кутарди, унинг хамма ворислари буни куллабкувватлашди. Хрушчёвга Сталиндан мерос колган чорбоғлар, дала ховлилар камдай куринди. У хокимият тепасига келиб улгурмай, Пицундада узига янги чорбоғ куришни буюрди. Бу шунака хашаматли чорбоғ эдики, хатто, Ғарбий Германия элчиси Кроль унинг томи ва деворлари ойнаванд бахайбат чумилиш ховузини куриб ханг-манг булиб колди. Буларнинг барига номенклатура мутлако конуний асосда эгалик килар ва хеч ким хеч качон бунга карши курашган эмасди. Хрушчёвнинг норозилигини туғдирган, Андроповни ташвишга солиб куйган нарса шу булдики, номенклатуранинг нафси упкон чикиб колди. Оддий совет кишиси етти ухлаб тушида курмаган энг зур имтиёзлар хам уларга кулгили даражада арзимас туюларди.

Номенклатура хеч кимга билдирмасдан ғарб валютасига утиб олди, аммо бу маблаг мунтазам етишмас, уни топиш учун эса хар кандай чора-тадбирларни куришга тайёр эдилар.

Узлуксиз равишда давом этадиган хорижий сафарлар туфайли номенклатуранинг нафси янада ҳакалак отиб кетди. Миллиардерларнинг ҳаёт тарзи уларнинг фикру ҳаёлини бутунлай банд қилиб олганди. Ғарбнинг электрон аппаратураси, маиший анжомлари, мебель, сервис – буларнинг бари жуда тез суръатларда янгиланиб туради, ҳар ойда мукаммаллаштириларди. Бунинг бари узимизнинг тузсиз ва рангсиз буюмларга солиштирганда жуда афсонавий ва жозибадор куринарди. Бу неъматларга тезроқ эришишни хоҳлаган номенклатура инсон бахтининг чуккиси сифатида долларга купрок эгалик килишни истарди. Сафари, сексшоу, беш юлдузли мехмонхоналар, Багам, Канар ва Бермуд ороллари, чараклаган куёш, мовий осмон, талабалар кэмпингларидан келадиган бадани тобланган кизлар, ҳашаматли ресторанлар – буларнинг бари бадавлат номенклатура салтанати мухитидан ер билан осмонча фарк килар эдики, уларнинг олдида хос улка жуда рангсиз ва жозибасиз куриниб қоларди. Ғарбга талпинарди улар. Ҳали куп нарсага кул етмасди – нефть ва молия қиролларининг оппок кордек кемалари, қимматбаҳо киморхоналар ва курортлар, миллионерларнинг имтиёзли клублари – буларнинг бари кайнок ва афсонавий ҳаёт. Ҳаммасини санаб чиқиш қийин, лекин ҳаммасига эгалик қилгинг келади.

«Қизил террор» замонларида боболар томонидан талончилик билан йиғилган итальян ҳайкаллари ва фаранги гобеленларни замонавий француз ва фин мебели, машҳур Куплербуш фирмаси ишлаб чиқарган ошхона анжомлари сикиб чикара бошлади. «Сони» ва «Панасоник» фирмасининг аудио ва видео тизимларига, Бельгиянинг ҳавоpанг ванналарига, Италиянинг нафис тувакларига ва яна бошқа купгина нарсаларга ишқибозлар купайди. Аммо бирор ой утиб-утмай буларнинг бари эскириб қоларди. Номенклатура ана шунга чидаёлмасди. Жинсилардан тортиб янги видео тизимларигача ҳаммасини янгидан сотиб олиш керак эди. Пул етказиб булмасди.

Пул топиш эса кун сайин кийинлашиб борарди. Ишлаб чикариш суръати тушиб борар, кашшок аҳолининг тинкаси куриб битган эди, хом ашё ишлаб чиқарувчи заводларнинг ускуналари эскириб кетганди. Замонавий заводлар эса мамлакатни танкаю ракета, бомбардимончи самолёту сувости кемаларига кумиб ташлашда давом этарди. Аммо, ҳатто, учинчи

мамлакатларда хам аста-секин уларга талаб сусайиб борарди, чунки бу махсулотларнинг сифати тобора Американикидан оркада колиб бормокда эди.

Мамлакатни талон-тарож килиш давом этар ва бунинг окибатида ерости бойликлари камайиб, иктисодиёт издан чикиб, халокат якинлашиб келарди. Америка доллари СССР-нинг кашшок худудидан сакраб утиб, номенклатура салтанатига ёриб кириб булган ва амалда уни истило этган эди. Доллар борган сари кучайиб бораётган сурбетлик билан уз макомига юришга мажбур кила бошлаганди.

Табиийки, Андропов шахсан номенклатуранинг хамма неъматларидан фойдаланарди. Таътилни Мовий сохилда Ниццеда утказарди (хали кучдан колмаган кезларида унинг тевараги дан аллакандай сирли, оёклари келишган кизлар аримасди), унинг учта фарзанди таомилга кура хорижда укир ва дипломатия соҳасида ишлашга тайёрланишарди. Аммо у номенклатуранинг хаддидан ошиб кетган очофатлигини тийиб куймаса, хаммаси халок булишини аник-равшан куриб турарди. Шу жумладан, номенклатуранинг узи хам. Унинг ходимлари оператив кенгашларда тунд киёфада кур тукиб утиришарди. Улар хаётларини хатарга куйиб, хар бир тешикка кириб чикиш ва у ерлардан бири-биридан мудхишрок ахборотлар олиб келишга тайёр эдилар. Буларни куриб Андроповда хали халокатнинг олдини олиш мумкин, деган хомхаёл туғилди. Бунинг учун эски хукмдорларни йук килиб, унинг урнига давлат хавфсизлиги ходимларидан ташкил топган янги номенклатурани куйиш керак эди.

Социалистик тизим яна бир бор панд берди – Андропов Лаврентий Павлович Бериянинг хато йулини тутди, аммо унинг аччик такдирини унутиб куйди.

Бу орада мамлакатнинг тобора аянчли ахволга тушиб бораётган иктисодиёти, шу жумладан, номенклатуранинг хам мушкул кисмати партия рахбариятини Ғарб мамлакатлари билан муносабатларни юмшатиш сиёсатини эълон килишга мажбур этди. Улар тобора кариб, айниб бораётган Брежневни Ғарб мамлакатларига йулладилар. У имкони борича купрок карз ундириб келиши керак эди. Бу карзларсиз номенклатура ортик яшаёлмасди. Таназзул кучайиб бормокда – жахон бозорида нефть ва бошка хом ашёларнинг нархи тушиб, тилланинг

баҳоси осмонга чиқиб кетди. Брежнев хорижга бориб, нефть ишлаб чиқарувчи ускуналарни янгилаш ва ғалла учун узоқ муддатли қарз суради. Аслида куп йиллардан бери Америка ва Канададан ғалла харид қилишар ва шу туфайлигина мамлакатни очлик балосидан бир амаллаб сақлаб келишаётган эди. Мамлакат ва тузум, бутун дунёнинг куз унгида яшашга нокобил эканини курсатиб бўлса-да, буни ужарлик билан тан олишни истамас эдилар[1].

Андропов ҳаракатга киришди.

Бир гал Брежнев билан Қримда бирга дам олган кезларида Андропов фурсатдан фойдаланиб, гап орасида доҳийга Озарбайжон ҳақидаги ахборотнинг учини чиқарди. Маълумотларга қараганда, Охундов Москвага улпоннинг хаммасини тулаётгани йуқ, у нефтни ғайриконуний тарзда сотмоқда, ҳаддан ташқари катта микдорларда пора олмоқда, шу йул билан топган бехисоб пулларини махфий равишда хорижга утказмоқда. Андропов туплаган ҳужжатлар шу қадар ишонарли эдики, узини шу қадар алдаганлари учун таҳқирланган Брежнев Сиёсий бюро аъзолари билан ҳам маслаҳатлашиб утирмай, яширин полициянинг хужайинига Озарбайжонда «партия-хужалик фаолларини алмаштириш» борасида кенг куламдаги ишларни амалга оширишга рухсат берди.

Андропов анчадан бери уйлаб юрган уруш бошланди.

У туни буйи ВЧ оркали Озарбайжон КГБсининг бошлиғи Гайдар Алиев билан гаплашиб чиқди. Андроповнинг пулат сандиғида Алиевни ҳам фош қилувчи анча-мунча ҳужжатлар сақланарди – улар москвалик уч чекистни қурбон қилиш эвазига қулга киритилганди. Аммо бу ишда Алиевдан бошқа ишончли одам йўқ эди.

Алиев Озарбайжон компартиясининг Биринчи котиби булишини сезиб, ута аёвсизлик билан ҳаракат қила бошлади. Бутун Озарбайжон буйлаб қама-қамалар, тинтувлар,

---

[1] СССРга ғалла сотиш борасида АҚШ конгрессида мунтазам бўлиб турадиган мухокамалардан бирида мунозара булиб кетди – мантиқ борми узи? СССР узининг ҳамма пулини бизга карши танкларга сарф қилади, биз булсак, бунинг учун уни боқишимиз керакми? АҚШнинг уша пайтдаги давлат котиби Генри Киссинжер бунга шундай жавоб берди: «Қуяверинг, улар ўз танкларида тук утиргани яхши. Шундай бўлгани маъқулрок. Акс ҳолда отишмалар долларнинг ҳужумига ҳалақит бериши мумкин».

текширувлар, ишдан олишлар бошланди. КГБ ва Прокуратуранинг махсус бригадалари Алиевга ёрдамга ташланди. Алиев республика компартиясининг Биринчи котиби мансабини эгаллагандан сунг, тахминан 2000 (1983) кишини чекистлар билан алмаштирди. Улар бушаб колган ҳар хил даражадаги номенклатура уринларини эгалладилар. Амалга оширилган тадбирлар натижасида жуда катта улжа кулга киритилди. Видео ва кинокамералар одам буйи келадиган коғоз пулларга тулиб-тошган яширин жойларни; тилла тангалар ва заргарлик буюмларига тула темир бочкаларни; олмосларга, олтин ва платина ёмбиларга тула уч литрли банкаларни локайдлик билан суратга олди. Суратлар якинрок келтирилганда пуллардаги Жорж Вашингтоннинг афт-ангорини таниб олиш унча кийин эмас эди.

Доллар! Ҳа, бу уша валюта! Шу валюта чунтагидан чиккани учунгина икки юз мингга якин одам уша кезларда кайга тикланган ГУЛАГда тиканли симлар ортига йулланганди.

Охундов энсаси котиб истехзо килди: «Бу ит, – деди у бирор олий рутбалик одамни назарда тутиб, – менинг пулларимни уғирлади. Мен уларни ҳалол топган эдим. Худога шукур, у ҳаммасини кулга туширгани йук. Бу пул унга бахт келтирсин, уйи нурга тулсин, лекин пулни бунака йул билан топмайдилар».

Андроповнинг кайфияти эса бундан ҳам бадтарроқ эди. Биринчидан, у кундалик ва шошилинч эхтиёжлар учун аталган арзимас микдордаги маблаг кулга олинганини тушунарди. Куп йиллар мобайнида уғирланган маблағнинг ҳаммаси Ғарб банкларидаги пулат деворлар ортига жуда ишончли килиб яшириб куйилган эди. Иккинчидан, Охундов уғирланган маблағнинг учдан биринигина олиб колар, икки кисми эса Москвага юборилади. Бу-ку тушунарли-я! Бошка бир нарсани англаб булмайди: бу хол Андроповни шу кадар таажжубга солган эдики, у, ҳатто, муовини генерал-полковник Пирожковдан: «Ҳамма излар Москвага олиб келяпти? Кимга?» – деб сурайди. Пирожков эса уз рахбарига таажжуб билан карайдида, жилмайиб: «Бизгадир-да!» – деб жавоб беради.

Аммо у кисман ҳак эди, холос.

Навбатдаги зарбага Грузия дуч келади.

Унинг окибатида Мжаванадзе ҳокимиятдан четлатилди. Марказқумнинг Биринчи котиблигига эса генерал Эдуард Шеварнадзе сайланди. Улжа Озарбайжондагидан ҳам купрок эди, чунки Шеварнадзе уз шоввозларига кулга олинган шахсларга нисбатан ҳамма курқитиш усулларини, шу жумладан, жисмоний тазйиқни куллашдан чучимасликни тайинлаб куйганди. Дахшатдан ранги кув учиб кетган кечаги райком котибларини уласи қилиб калтаклашди, улар хазиналари яширинган хуфия жойларни айтиб беришди. Натижа чакки булмади. Бу ишларга КПСС Марказий аппаратидагилар ҳам дахлдор эканини тасдикловчи купгина далиллар аникланди, аммо уларнинг бир кисми Шеварнадзе ҳамда Андроповнинг кулига тушмай, аллақайларда изсиз йуколди.

Яна оператив видеокамералар туда-туда пул уюмларини суратга олади. Уларда яна жаҳон пролетариати дохийсининг совук турки Вашингтоннинг заҳил башараси ва Британия киролларининг такаббур қиёфаси билан бамайлихотир ёнма-ён туради. Шарқ гиламларининг ранг-баранг гуллари устида сочилиб ётган олтину бриллиантларнинг жилолари аллақандай акл бовар қилмайдиган афсонавий муъжиза кашф этади. Капитан Флинт ва капитан Морганларнинг хазиналари ҳақидаги Голливуд фильмларида биз шунга ухшаш манзараларни курган эдик. Флинт билан Морган машҳур қарокчилар булишган, улар бутун дунёга донг таратган миллиардерлар сулоласига асос солган одамлар.

Шундай қилиб, биринчи қадам куйилди. КГБ иккита иттифоқдош республикада ҳокимиятни босиб олди ва Ўрта Осиё республикаларида ҳам жанговар ҳаракатларини бошлаб юборди. Аммо бу ерда бир чукиб кочиш усули иш бермади. Маҳаллий партия ва чекистлик тизимлари мафия билан жуда ҳам чатишиб кетишган эди. Улар Москвадан келган оператив – тергов бригадалари йулига ҳаҳиллик билан ғовлар қуйишди. Феодал-патриархал хулқ-атвор бу республикаларда узларининг Алиевлари ва Шеварнадзеларини тезда топишга имкон бермайди. «Бировнинг моли бахт келтирмайди, – деди генерал Ниёзов унга Кавказ варианти буйича Рашидовнинг урнини таклиф килишганда. – Бундан ташқари, бу оила пулларини ҳалол топган»...

Урта Осиё боскини муваффакиятли чикмади ва Андропов буни тан олишга мажбур булди. Андропов жунатган

чекистлар бу ерда дарҳол турли можароларга илашиб қолаверишди. Биттасини туғридан-туғри уз автомобилида ушлашди, гувоҳларнинг куз унгида автомобилдан ичи тула пул солинган «дипломат» топишди. Пора берган одам аввалдан ариза билан мурожаат қилган экан. Бошқа бирини вояга етмаган қизни зурлашда айблашди. Учинчисини аллақандай зиёфатдан кейин касалхонага олиб кетишди, уни бир амаллаб улимдан сақлаб қолишди.

Андропов ишга солмокчи булган юксак мартабали одамлар мулойим табассум билан кулларини қовуштириб туришсада, коса тагидаги ним косани англамаётганлари юз-кузларидан шундоккина куриниб турарди, ахир, биз Москвага – катта оғамизга тегишли улушни мунтазам равишда уз вақтида бериб турибмиз-ку! Ё катта оғамизга камлик қиляптими? Шундай булса, бошимизни қотирмасдан очиғини айтиш керак. Муътабар одамларни шубҳа остига олишнинг нима ҳожати бор?

Натижада Андроповга Кремль томонидан шунақа таъна-дашномлар ёғилдики, КГБ хужайинининг аъзойи бадани қақшаб кетди. Бунақа катта ишларни амалга ошириш учун ҳали кучи камлигини тушунди у. Яна бошқа бир нарса аён булди: ҳамма йуллар Москвага олиб келадиган булса, республикаларда тартиб урнатишдан фойда йуқ. Республикалардан тонналаб пулни мусодара қиласан, лекин кейин у қаёққа ғойиб булиб қолганини КГБнинг хужайини ҳам аниқ айта олмайди. Давлат фойдасига? Ҳа, албатта, буни ҳар битта мактаб боласи ҳам билади. Аммо ана шу «давлат фойдасига» деган дона-дона оҳангдор сузларнинг маъноси нима? Уларнинг бор-йуқ сири шуки, бу «КПСС фойдасига» дегани. Чунки партия купдан бери комил ишонч билан Людовикнинг: «Давлат дегани менман!» – деган машҳур сузларини такрорлаб келяпти. Шундай дейишга тула асослар ҳам бор. Шундай, Андропов ва унинг чекистлари томонидан ғайрат билан амалга оширилган хатти-ҳаракатларнинг ҳаммаси партия бойликларини КПССнинг Марказий органлари фойдасига қайта тақсимлаш учунгина сарфланаётган экан-да? Албатта. Ахир унинг узи ҳам ана шу Марказий органларнинг вакили эмасми? Қолаверса у узини утга, сувга уриб эришгани – фақат икки республикадаги энг муҳим мансабга уз одамларини жойлагани булди, холос. Улар келгусида олий ҳокимият учун курашда Андроповнинг

иттифоқчиларига айланади. Андропов бу йулда биринчи қадамини қуйди. Мусодара қилинган бойликлар эса Давлат банки қаърига тушиб ғойиб булади. Бу уринда, ҳатто, Андропов ҳам назоратни йуқотиб қуяди. Бу партиянинг олтини, у эса партиянинг аскарларидан биттаси, холос. Шундай булса-да, чекистларнинг чеҳраларида алам излари бор эди. Уларнинг ҳафсаласи пир булгани сезилиб турарди.

ИИВда эса мусодара қилинган нарсаларнинг ҳаммасини «давлатга» топширишни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Ички Ишлар Вазири – Андроповнинг қудратли рақиби, армия генерали Шчелоков ИИВ тизимида ёпик магазинлар тармоғини очган. Бу ерда ҳатто оддий ходимларга ҳам (ҳар хил полковнигу подполковникларга) арзон баҳоларда турли-туман жинсилар, пустинлар, электроника буюмлари, антиқа моллар сотишади. Улар ҳар йили қамоққа ҳукм қилинган юз минглаб одамлардан мусодара қилинган булади. Вазирлик раҳбарияти ҳақида-ку, гапиришнинг ҳожати йуқ.

Андропов буни билади. У Ички Ишлар Вазирлигининг олиб бораётган уйини ўзи уйлаб қуйган уйинга қараганда майдароқ эканини ҳам ҳис қилади. ИИВ мамлакат аҳолисини тала-тала қилиб ётипти, аммо ихтиёридаги қулланмада вазир муовинлари даражасидан юқоридагиларга дахл қилиш тақиқлаб қуйилган. Партия тизимини оладиган булсак, Ички Ишлар Вазирлигининг биронта ходими, даражасидан қатъи назар, ҳатто, райком остонасига ҳам йулатилмайди. Ҳатто, бирон котилликнинг излари райкомга келиб тақалганда ҳам вазирлик ходимлари бу ерга қадам ранжида қилолмайди. Майли ИИВ бу ерга бош суқмайди – у аллақачон узининг олтин конини топиб олган. Мамлакатдаги аҳвол шунақаки, кузингни юмиб туриб, истаган ҳужалик ходимини, савдо ёки таъминот вакилини ёқасидан олиб сиқиштирсанг, ўғирлаган нарсаси ёмғирдай ёғилади. Уни мусодара қилиб, тегишли қисмини «давлат» фойдасига топширавересан. Албатта, узингни ҳам қуруқ қолдирмайсан. Ғарбда инкилобдан аввалги рус антика буюмларига қизиқиш ҳеч қачон сунмаган, ҳозир эса унга қизиқиш яна ҳам кучайган, бинобарин, нархи бугун жуда баланд. ИИВ қисқа фурсатда антика буюмларни хорижга олиб кетиш йулларини ҳам жорий этди. Антиқа буюмлар билан савдо қилувчи магазинларнинг ҳаммаси ИИВ органларининг филиалига айланди.

Антика буюмларни йиғадиган барча одамлар ҳисобга олинди. Уларнинг ҳаммасини аста-секин суд жараёнидан ўтказишди ва йиққан коллекцияларини битта қуймай мусодара қилишди. Тинтув вақтларида ҳамма нарса, албатта, олиб кетиларди, чунки натижа аввалдан қандай булиши маълум эди. Ахён-ахёнда биронта одам узининг ҳалоллигини, коллекциясини ҳалол йул билан топганини исбот қилишга муваффақ булса ёки бирон номдор одамнинг (камида Галина Брежнева даражасида) кафолатига эга булса, ушанда ҳам тортиб олинган буюмларини қайтариб олиши амри маҳол эди. Бундай одам унта чиқса чиқади ё чиқмайди... Мусодара қилинган антика буюмлар ИИВнинг Москвада Огарёв кучасида жойлашган кургазмалар залига қуйиларди. Табиийки, бу махсус зал булиб, унга ҳамма ҳам киритилавермасди. Партия аппаратида ишлайдиган катта амалдорлар баъзи буюмларни узлари учун танлаб олишарди-да, қолганларини хорижда валютага сотишга розилик беришарди. Шундай қилиб, ИИВ узига ва жиноят дунёсига хос воситаларни ишга солиб, партиянинг олтин бойлигини узлуксиз тулдириб турарди.

Зарур ҳолларда жиноятчиларни музейга ҳам йуллашарди. Бунда бир-икки дақиқа моҳир қуллар сигнализацияни учирар ва сокчиларни ухлатиб қуяр, баъзан эса улдиришдан ҳам қайтмасди. Жиноятчилар тарихий аҳамиятга молик бойликларни уғирлаб кетишарди. (Етмиш йил давом этган узлуксиз талон-торождан кейин ҳам бойликларини таг-тугигача уғирлаб битириша олмаган эканлар, демак, рус халқи бениҳоя куп гузалликлар яратган экан-да!) Бундай вокеаларга одамлар ортик ажабланмай қуйишган эди. Ахир КПСС Ленинград вилоят қумитасининг Биринчи котиби Романов Эрмитажда сақланаётган Екатерина II нинг сервизини ишлатишни буюрган-ку! Кейин қизининг туйида маст булиб қолиб, сервизни чил-чил синдирган. Шунда ҳам ҳеч гап булган эмас. Биронта одам миқ этиб оғиз очмаган!

Антика буюмларни йиғиб юрган одамларнинг ҳаммаси бир булак каттакон каҳрабодан йуниб ишланган маймунча ҳайкалини яхши билишарди. У Москвадаги хорижийларга хизмат курсатадиган «Опал» магазинининг витринасига қуйилган эди. Бадавлат сайёҳлар витринада турган бу гузал буюмни харид қилишга бир неча бор чоғланиб кўрдилар, аммо ҳар гал «бу буюм миллий бойлигимиз, у сотилмайди», деган жавобни

олдилар. Кунлардан бирида маймунча витринадан ғойиб булиб колди. Москвада иш юритувчи Америка мухбирлари бу янгиликни эшитиб, магазинга ёпирилиб келишди ва унинг мудирию сотувчиларини саволларга кумиб юборишди. Сотувчилар «сотилди» деган гапдан бошқасини айтмадилар, маъмурият вакиллари эса кузларини лук қилиб, елка қисишдан нарига утмадилар. Улар Брежневнинг куёви ва Шчелоковнинг муовини, ИИВ генерали Чурбановнинг буйруғи билан магазин директори ярим кечада ётган жойидан турғазиб олиб келингани ва шундан кейин қахрабо хайкалча ғойиб булганини кандай хам айтишсин? Агар Чурбановнинг гапига ишонилса, у хотини Галина Леонидовнанинг хоҳишини қондириш учун шундай қилган. Тақдир такозоси билан Чурбановнинг узи қамоқхонадан бенасиб колмади. Бош котиб кизининг бехисоб квартиралари ва дала ховлиларида сон-саноқсиз тинтувлар утказилди, аммо маймунча изсиз йуқолган эди. Уни топиб булмади. У аллакачон долларга айланиб кетганди. Шу тарзда маймунча Ғарбда кимнингдир хусусий коллекциясидан уз урнини эгаллади.

Атоқли кино юлдузи Зоя Фёдорованинг жуда хам ноёб, кадимги усталар ишлаган бриллиант такинчоғи бор эди. Уни уз вақтида актрисага эри – уруш йилларида Москвада дипломатик хизматда булган америка адмирали совға килганди. Урушдан кейин Сталин жорий килган социалистик турмуш тарзи коидаларига биноан адмирални мамлакатдан бадарға килишди. Зоя Фёдоровани эса камоққа жунатишди. Афтидан, уз кисматини олдиндан сезган актриса такинчоғини омонатга якин дустларига бериб куйган ва шу туфайли такинчоқ асраб колинганди. Валюта етишмаслиги ва босиб келаётган иқтисодий ҳалокатдан чучиган Брежнев халкаро сохада юмшокроқ сиёсат юрита бошлагандан сунг актриса Қушма Штатларга – эрининг ёнига кетмоқчи булади. Унга рухсат берадилар. Аммо бриллиант такинчоқ чегарадан утказилмайди – бунака кимматбаҳо буюмга махсус ижозат талаб қилишади. Фёдорова ижозатнома олиш учун Москвада уч-турт кун колишга карор килади. У такинчоғини божхонада колдириб кетавериши хам мумкин эди, бирок бундай килолмади, чунки у ёшлик йилларидан, ёшликдаги ёлғиз ёркин муҳаббатидан ёдгорлик эди. Бу муҳаббат актрисага жуда кимматга тушди. Бир неча кундан кейин уни уз уйида буйнидан отиб улдириб

кетишди. Такинчок эса анчадан кейин генерал Шчелоковнинг буюмлари ичидан чикди. Бу буюмлар ичида факат такинчок эмас, бошка нарсалар хам бор эди.

Буларнинг баридан Андропов хабардор эди. У ИИВнинг ишларига КГБни жалб килишга уриниб курди. Шунинг учун «юксак тарихий-бадиий кимматга эга булган буюмлар» буйича ишларни уз кулига олмокчи булди. ИИВ рақибларини узлари ем еб юрган охурга шериклик килишларини истамай, жон-жахдлари билан каршилик курсатишди, лекин шунга карамай, «истисно холларда биргаликда тадбирлар утказишга» кунишга мажбур булишди. Бундан аввалрок Андропов узининг бир гурух офицерларини ОБХСС тизимига жойлаштиришга муваффак булган ва майда хамда урта валютачилар билан шуғулланадиган «махсус» милицияни, бироз булса-да, назорат остига олган эди. Аммо аён булдики, антика буюмлар борасидаги ишлар унчалик осон ва енгил эмас экан.

Академик Чудновскийнинг уйига куппа-кундуз куни бир туда боскинчилар бостириб киради. Расмий тил билан айтганда уларнинг «кавказ миллати»га мансублиги яккол кузга ташланиб турарди. Жиноятчилар академик коллекциясидаги суратларга куз олайтиришган эди. Академиклар билан кийинда! Бошка купгина коллекционерлар катори унга «йиккан нарсаларингни халол мехнат килмай топгансан» деб айб куйиб булмайди. Шундай экан, унинг антика буюмларини «давлат фойдасига» мусодара килиш қонуний эканини хам исботлаш мумкин эмас. Шунинг учун академикларга бошқача усул қулланган. Боскинчилар уй эгасини боғлаб куйиб, рамкалардан Матисснинг бир нечта фавкулодда кимматбахо суратларини чиқариб олишди. Ғарбда худди шу кезларда Матиссга ишкибозлар купаймокда эди. Жиноятчилардан бири рамкадан суратни тилиб олаётиб, шошилинчда бехосдан бармоғини кесиб олади. «Кавказликлар» ишни бажариб, ғойиб булишади.

Бу иш тафтишини КГБ уз кулига олади. Жабрланган академик жиноятчилар киёфасини аник чизиб беради. Купни курган ходимлар дарров пайкайдики, гап бокулик жиноятчилар ғуруҳи ҳакида кетяпти. Шунга ухшаш бошка бир нечта уғирликда хам бу гуруҳнинг излари колган эди. Боку билан бевосита махсус алоқа тармоғи бенуксон ишларди. Бир соатдан кейин Москвадан Озарбайжон КГБсига жиноятчиларни

камокка олиш ҳақида буйруқ келади. Ишкал чиқмасин учун жиноятчиларнинг исм-фамилиялари ҳам курсатилганди. Бокудагилар эса Москвадан келган маълумотни синчиклаб уқиб чиқиб, жавоб беришди: «Ҳа, бу гурух яхши маълум, аммо бу ерда адашилган куринади, чунки руйхатдаги одамларнинг Исроил визаси билан хорижга чиқиб кетганига бир йил булди». Бу жавобни куриб Москвадагилар ҳанг-манг булиб колди. Аммо КГБ анойи эмас – вакти келганда у, ҳатто, узининг гапига узи ишонмайди ва табиийки, фақат расмий йуллар билангина кифояланмайди. Хуфиялар билан алоқа боғлаб суриштирилса, туданинг ҳамма аъзолари бамайлихотир Бокуда айшини суриб юрган экан, ҳеч ким ҳеч қаерга жунаб кетмокчи ҳам эмас, аксинча, якинда Италия сафаридан қайтишибди. Бир дунё валюта олиб келишибди.

Андропов узини таҳқирланган, деб билди.

Чаккон ходимлардан тузилган махсус даста ҳеч кимга сездирмай, конспирациянинг барча қоидаларига амал қилиб Бокуга учади. Шаҳар якинидаги ҳарбий базаларнинг бирида уларни учишга шайланиб турган самолёт кутиб турарди. Шаҳарда тудани бир зумда шовкин-суронсиз қулга оладилар, автомобилга босиб, ҳарбий базага олиб борадилар ва маҳаллий КГБ билан хайр-маъзурни насия қилиб, Москвага йул оладилар.

Жиноятчиларнинг шахсиятини аниқлаш силликкина утади. Юз белгилари, кулларидаги чандик – ҳаммаси туғри келади. КГБ полковниги академикнинг кулини қисиб, уни ҳам, узини ҳам муваффакият билан табриклайди ва тергов ишлари бир ойга ҳам чузилмаслигини маълум қилади. Бир ҳафта утгач, академикни яна терговчи чакиртиради. Полковник унинг боши оша аллакаёкка – юкорига караб, дудмолланадудмоллана тергов иши тугагани, далиллар етишмагани учун иш тухтатилганини маълум килади. Академик оҳ-воҳ қилиб утирмайди, таажжуб изҳор килиб тортишмайди-да, ишнинг бунака тус олгани учун кимга шикоят килиш мумкинлигини сурайди. Бироз сукутдан сунг полковник жавоб беради: «Агар шахсан урток Брежневга айта олсангиз, шикоят килишингиз мумкин». Полковник узига буюрилганларини бажо келтирди. Бундай фирибгарликка чидай олмаган академик хасталаниб, касалхонага тушади.

Аммо асл ҳақиқатни билганларида уларнинг иккови ҳам бундан баттарроқ ларзага тушар эдилар. Бу иш туфайли Андропов Сталин замонасидан бери курмаган таҳқирланишларни курди. Бир вақтлар генералиссимус Андроповнинг уруш вақтида иттифоқчилар билан алоқада бўлганини эслаб, уни асфалософилинга жунатишига сал қолган эди. Чунки доҳий ажнабийлар билан буладиган ҳар қандай алоқа совет кишисини империалистик разведкага ёллаш билан тугашига астойдил ишонарди.

Андроповни Сиёсий бюро аъзоси ва партия бош мафкурачиси Суслов ҳузурига чақиради. Унинг хонасида КПСС Марказкумининг халқаро булими мудири Борис Пономарёв ҳам бор эди. Суслов куруккина охангда нега Андроповнинг одамлари иттифоқчи республика пойтахтида безорилик қилаётганини, нега у ерга борганларини, ҳатто, маҳаллий партия раҳбариятига ҳам маълум қилмаганини сурайди.

Андропов гап ута хавфли жиноятчиларни ушлаш ҳақида борганини, фурсат жуда камлиги учун республикалараро мувофиклаштираман, деб расмиятчилик қилиб утирилса, режа барбод булиши мумкинлигини тушунтиришга уринади. Бунга жавобан Суслов қаҳр билан бирор шахснинг жиноятчи ёхуд безори эканини фақат суд аниқлай олишини, бу вазифа хавфсизлик органлари зиммасига кирмаслигини, бу борада бир қатор партия ҳужжатлари ва съездларнинг қарорлари борлигини уқтиради. Бу ҳужжатларни Андропов чукуррок урганиб чиқса, чакки булмаслигини айтади. Авж олиб келаётган нифокнинг мохиятини тула англаб етмаган КГБ ҳужайини партиявий бош мафкурачига ҳанг-манг булиб қараб қолади. Бу орада гапга Пономарёв аралашади. Борис Пономарёв КПСС Марказкуми аппаратида кули узун одамлардан эди. Бу кул шу кадар узун эдики, Пономарёв раҳбарлик киладиган Марказкум Халқаро булимининг иши туғрисида, ҳатто, Андропов ҳам тула маълумотга эга эмас эди. Андропов ортикчарок бирон нарса билишга уринса, унинг хатти-ҳаракатлари махфийлик деворларига урилиб, чилпарчин булар ёхуд ёлгон-яшик гаплар, миш-мишлар, ривоят ва афсоналар тулкинига ғарк булиб кетарди.

Андроповнинг одамлари кўлларида хорижий валюта тулдирилган чемоданлар билан бутун дунё буйлаб изғиб, Марказкум Халқаро булимининг хизматини бажарардилар. Бу чемоданларни улар хилват жойларда турли кардош

компартиялар вакилларига, сул гуруҳлар ва сон-саноқсиз террорчи ташкилотларнинг одамларига топширардилар. Чопарлар берган чала-юлуқ ахборотлардан содир булаётган вокеаларнинг тула манзарасини англаб олиш амри маҳол эди. Ҳамон эски конспирация усуллари амалда эди. Бу усул ХХ асрдаги энг истеъдодли жиноятчилар – Парвус билан Ленининнинг дохиёна мияларида туғилганди.

Жуссаси кичик, озғин ва ута ҳаракатчан Пономарёв номенклатура ходимларига хос булмаган ажиб бир ишчанликка эга эди. У жахон мамлакатлари буйлаб шахсан кезиб юрар, сайёрадаги ҳамма компартияларнинг бош котиблари ҳузурига, шу жумладан, Брежнев ҳузурига ҳам тундами, кундами – истаган вақтида кириши мумкин эди. Ғарбий Германиядан олиб келинган кузойнагининг қалин шишалари оркали Андроповга тикилиб туриб, ғижирлаган оҳангда унга социалистик курилиш дуч келаётган муаммолар ҳақида маъруза укий бошлади. «Коммунистик жамият курилиши, – деб уктирди Марказкум Халкаро булими мудири, – ҳозирги пайтда айрим шахслар томонидан социалистик давлат тизимини инкор қилиш тарзидаги каршиликларга дуч келмоқда. Яширишнинг ҳожати йуқ – Ғарб тарғиботи таъсирига берилиш оқибатида бутунлай айниган ахолининг муайян табақалари ҳам қаршилик курсатаётганлар сафида. Марказий Разведка Бошкармаси совет кишилари ортасида мешчанлик мафкурасини таркатиш, уларда ҳашаматга иштиёкни, бебош истеъмолчилик психологиясини сингдириш учун қанча куч ва қанча маблағ сарфланаётганини ҳеч ким билмаганда ҳам Андропов яхши билади-ку!»

Таажжуби ошгандан-ошиб, Андропов эътибор билан тинглаб утирарди. Албатта, унинг ўзи ҳам «партия тилида» гапиришга устаси фаранг эди, аммо у ҳам ҳамма сингари бу тилни яхши англамасди.

«Шунинг учун партиямизнинг коммунистик курилиш соҳасидаги сиёсати, – деб давом этди Пономарёв, – аввалгидек Маркс ва Лениннинг ягона социалистик ватан ҳудудида умумий тенглик ҳақидаги улмас ғояларига асосланади».

Ортик чидаёлмаган Андропов: «Бу гапларнинг ҳаммаси туғри, албатта, лекин уларнинг куролли боскинга нима дахли бор? Ахир, бу боскин оқибатида Матисснинг бир неча миллион доллар турадиган суратлари уғирланди», – деб суради.

«Гап шундаки, – деб тушунтирди Пономарёв, – киммати бир неча миллион доллар турувчи Матисснинг суратлари ҳар бир хонадонинг деворида осиглик турмайди. Бу ҳол синфсиз жамиятда синфий тенгсизлик мухитини туғиради. Шундай буюмлар борки, мафкуравий мулоҳазаларга кура ҳам бу буюмларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун, улар хусусий одамлар кўлида сақланиши мумкин эмас. Содир булган можаро ҳам бу гапнинг тўғрилигини тасдиқлайди».

Бушлиққа тикилиб ўтирган Суслов бу гапларни маъқуллаб бош ирғади.

«Хуш, кани уша суратлар?» – деб суради Андропов тишларини кисиб. У Марказкўмнинг Халқаро булими мудиридан кўзини олмай тикилиб турарди.

Пономарёв ўтирган жойида сакраб тушди.

«Қизик экансиз-ку! Ахир, гап суратлар ҳақида бораётгани йўк, – деди у хуноб булиб. – Гап одамлар ҳақида боряпти. Сиз социалистик конунчиликнинг ҳамма нормаларини бузиб, уларни Бокуда кулга олибсиз. Урток Алиев (Андропов чукур тин олиб, кузларини юмди) каттик норози булиб шахсан Леонид Ильичга кунғироқ қилибди. Леонид Ильич бу масалани Сиёсий бюрога куймокчи. Партия ҳамиша узбошимчалик ва конунсизликка қарши курашиб келган ва бундан кейин ҳам курашажак».

Пономарёв ҳамма сифатларидан ташқари яна академик ҳам эди. Шунинг учун у билан баҳслашиб утиришдан маъно йўк.

КГБнинг тергов бошқармаси бошлиғи генерал-лейтенант Курбоновга бокуликларни бушатиб юбориш ҳакида буйрук берар экан, Андропов истеҳзо билан жилмайиб деди: «Энди ҳеч кимникига меҳмонга бормайман. Бирортасининг уйида ноёб суратларни куриб қолмай тағин...»

«Кимникида куриб колишингиз мумкинлигини айтиб бера оламан», – деди заҳарханда билан Курбонов.

«Ҳозирча керак эмас, – деб уни қайтарди Андропов, – сураганимда айтарсиз...» Унинг ўзи ҳам суратлар йиғар, французларнинг шахвоний бронза ҳайкалчаларига уч эди, машшоклик ҳам қилар ва хатто, Мао Цзе-дунга ўхшаб шеърлар ёзиб турарди. Шунинг учун бу гап унинг иззат-нафсига тегди.

«Енгилмас кучлар тазйиқида» у анчагина марралардан чекинди. Ходимларидан бир кисми долларда ва сертификатларда маош ола бошлади. У Марказкумга яширин мактублар йуллаййуллай бунга зурға эришди. Порахурлик аник нишонга йуналтирилган радиация каби тусик билмай хамма соҳага кириб бормокда. КГБ ходимларини бу офатдан асраш зарур. Афсуски, КГБ одамлари уртасида ҳам порахурлик ҳоллари руй берди. Бу иллатнинг олди олинмаса булмайди. Баъзи бир чекистлар пора туфайли отиб ташланди. Ҳукмлар шитоб билан чиқарилди ва шитоб билан ижро этилди. Тадбир зудлик билан амалга оширилганига караганда, катл қилинганларнинг бошликлари ҳам бу ишга дахлдор булса керак. Аммо айрим булимларнинг ходимларига маошни валютада тулаш бусиз ҳам узаро кирпичок булиб ётган темир Феликс авлодларини бир лаҳзада парчалаб юборди. Валютадан бебаҳра колган булинмалар норозиликларини намойиш қилиб, ҳар хил даъволарни рукач эта бошладилар. Баъзиларни органлардан бушатишга туғри келди, баъзиларни маъмурий тарзда жазоладилар. Чекистларга маърузалар укилди, суҳбатлар утказилди. Аммо улар ҳар жиҳатдан ҳам бемаъни эди. Ходимлар энсаси котганини яширмас, баъзилар ошкора мудраб утиришарди. Бошкармалар буйича зудлик билан ҳарбий савдо тармокларининг ёпик магазинларини очишга туғри келди. Бу магазинлар кичик ва урта офицерлар табақасига мулжалланган булиб, у жорий пулимизга савдо киларди. Унда арзон жинсилар, Бельгия костюмлари, «Сафари» куйлаклари, хориж сигаретлари, озиқ-овкат махсулотлари бор эди. Одамларга жон кирди.

Андропов шахсан узи ходимлари учун тураржой олишда имтиёзларга эришиш учун вилоятларда каттик ҳаракат қилди. Унга вилоят ва шаҳар кумиталаридагилар каршилик курсатишди. Айникса, шаҳар ижрокумларидаги амалдорларнинг норозилиги каттик булди, чунки улар имтиёзлар асосида тураржой бериш борасидаги конуний «ҳаклари»нинг бир кисмидан маҳрум булишарди. Бу тадбирлардан унча наф тегмади. Андроповнинг котибияти уй олиш ёхуд уй-жой шароитини яхшилашни сураб ёзилган аризаларга тулиб кетган эди.

Ҳаммалари биргаликда Биринчи Бош бошкармага ҳаддан ташқари ҳасад килишарди. Бу Бошкарма (ПГУ) ташки разведка билан шуғулланарди. Унда истеъдодсиз ходимлар ақл

бовар қилмайдиган даражада куп эди. Андроповнинг номига ёзилган махфий маълумотномаларида КГБ кадрлар бошқармасининг бошлиғи генерал Чебриков буни бир неча марта таъкидлаган. Турли-туман тегма нозиклар ва олий рутбадаги номенклатуранинг арзандалари узини ташки разведкага урарди, чунки бу даврга келиб, бир замонлар кахрамонлик ва шижоат талаб килган касб кутилмаганда мутлако бехатар булиб колди. Аммо у аввалгидай нуфузли ва фойдали хисобланарди. Разведкачилар Ғарбда вақтининг куп кисмини дипломатик паспортлар панохида утказар, купинча АПН ва Аэрофлотдан Госконцертгача булган турли хил муассасаларнинг ходимлари тарзида иш юритар, валютада маош олар, хар хил оператив ишлар учун хам катта пул олишарди. Улар узларининг эртакдагига ухшаш хаётидан жуда хузурланишарди. Уларнинг иши мутлако хатарсиз булиб, сирлари очилиб колганда, нари борса мамлакатдан чикариб юборишарди. Шунинг учун чет элларда улар рохату фароғат ичида хаёт кечирар, баъзан эса ошкора чоп этиладиган Ғарб журналларидаги баъзи маколаларни гаржима килиб, уларни зурға топилган яширин ахборотлар сифатида марказга жунатишарди. Бунинг устига улар осонгина Ғарб контрразведкаларига хам ёлланаверар эдилар. Баъзан эса уларнинг тузоғига илиниб колганларини узлари пайкамас хам эдилар. Москвага келадиган чин ва ёлғон-яшик ахборотлар шу кадар купайдики, уларни мавжуд ибтидоий воситалар ёрдамида кайта ишлаш ва узлаштиришга имкон булмай колди. Ахборотлар окимига кумилиб кетиш хавфи туғила бошлади.

Вашингтондаги министрликлар идораларидан тортиб уз мамлакатидаги хонадонларгача – хамма жойдаги гап-сузлар хуфия ёзиб олинган минглаб кассеталар урганилмасдан ётарди. Миллионлаб маълумотномалар, хисоботлар, ахборотлар укиб хам курилмасдан архивга жунатиларди.

СССР билан Ғарбдаги маълумот даражаси ва техник тайёргарлик сохасидаги фарк хам тобора кучайиб бормокда эди ва бу хам ишга таъсир курсатмай колмасди. АҚШдаги битта резидентга катта пул эвазига 1942 йилда ишлаб чиқилган гидролокатор чизмаларини келтириб беришди. Аммо Москвадагилар унинг сирини тез очишди. Холбуки, мураккаброк холатлар хам булган. Американинг гуё махфий техник ишлари ва хисоб-

китоблари қулга киритилган буларди-ю, уларни тегишли илмий-тадқиқот институтларига юборишиб, уларга шу йуналишда иш олиб бориш топширилади. Куп минг кишилик жамоа йиллаб меҳнат қилиб, бу йуналишнинг истиқболи йуқ, у боши берк кучага олиб боради, деган хулосага келарди. Аммо буни ҳали мансабдорларга исбот ҳам қилиш керак эди. Исботлаш эса қийин эди, чунки америкаликлар компьютерда қилинган куп жилдлик ҳисоб-китобларида атайин хатоларга йул қуярдилар. Буни навбатдаги самолёт қулаб тушганида, ракета портлаганда ёки синов ускуналари булак-булакларга парчаланиб кетгандагина тушуна бошлар эдилар. Аммо ҳали бу ҳам ҳолва эди. Энг ёмони шу эдики, разведка, узи билмаган ҳолда, мағлубиятга маҳкумлигимиз муқаррар эканидан далолат берувчи маълумотлар йулларди.

Ғарбда унча кийналмай чорак баҳосига (атиги уч миллион долларга) Американинг «Фантом» деган қирувчи-бомбардимончи самолётини сотиб олишга муваффақ булинди. Совет мутахассислари уни куриб чиқиб, ичи электрон ускуналарга тулиб-тошганидан ҳайратга тушишди. Бу самолёт шунга ухшаш совет самолётлари билан тахминан бир хил аэродинамик хусусиятларга эга эди. Уларнинг маневр қилиш қобилиятлари ҳам бир-бирига яқин эди. Аммо «Фантом» уз электроникаси туфайли совет самолётини анча олдин ва анча олисроқ масофада топиб, махв этиш имконига эга эди. Бу самолётдаги топиш, қарши курашиш ва махв этишга хизмат қилувчи асбоб-ускуналарнинг бирор қисмини совет саноати кучириб олиб, янгидан барпо этишга лаёқатсиз эди. Электроника ҳақида Сталин айтган, «бу марксизмга ёт жуҳудларнинг сохта фанидир», деган тарихий сузларидан бошланган эски хасталик сурункали давом этадиган бедаво дард булиб чиқди.

Ҳаво жангларида кулланувчи «Скайуиндер» деган Америка ракетаси ҳам зарбаларининг самарадорлиги билан донг чиқарган эди. Уни ҳам ортиқча қийинчиликларсиз ярим баҳосига сотиб олишди. (Кейин маълум булишича, ундан ҳам арзонроққа олишган экан. Разведкачилар ҳам қора кунларни уйлаб, маблағлардан мунтазам уриб қолишни одат қилган эдилар.) Яна иккита ракета эса деярли бепул қулга киритилди. Уларни Вьетнам партизанлари Жанубий Вьетнамдаги аллақандай ҳарбий базадан қирувчи самолётларнинг

шундоккина каноти остидан уғирлаб кетишган эди. Совет мутахассислари бу ракетанинг мулжалга олиш ускунасини уз кузлари билан куришни орзу килишарди. Мана, орзулари ушалди. Бирок бу сирга тишлари утмай, лабларини тишлаганча колаверишди. Ҳа, ускуна худди паншаха каби жуда жун эди. Умуман, америкаликлар хеч качон мураккабликларни ёктиришган эмас. Бу хакда, хатто, уларнинг маколи хам бор: «У жун нарсаларни киладиган даражада старли акла эга эмас». Буларнинг бари шундай эди. Аммо ускунанинг таркибида микрочироклар бор эди – уларни эса Совет Иттифоки хар канча харакат килмасин, ишлаб чикара олмасди. Бунинг учун уз вактида махбуслар ва курилиш батальонларининг солдатлари томонидан курилган заводлардаги вакуумни икки баравар кутариш талаб этиларди.

Америкаликлар эса худди масхара килгандай, совет разведкасига «Жорж Вашингтон» типидаги ракеталар билан куролланган сувости кемаларининг жамики чизмалари ва технологик карталарини арзон-гаровга сотишди. Ана, йигитлар, мазза килиб, ишлаб чикаверинглар! О-о, ушанда бу ишга дахлдор одамларимиз канчалик хаяжонга тушганини курсангиз эди! Ҳар сахифада америкаликларнинг «Топ сикрет!» деган ибораси. Унинг биттасига узимизнинг «Мутлако махфий! Алоҳида ахамиятга молик!» деган иккита иборамиз, иккита ноллик бинафшаранг мухрлар ва яна алланима балолар ёпиштирилган. Ана шу бир уюм беҳуда чизмаларни харид килиб, Москвага кутариб келган икки разведкачи йигитни Брежневнинг узи кабул килди ва кукрагига кахрамонлик юлдузини такиб куйди. Аммо текшириб курилганда, у айтишга хам арзимайдиган нарса булиб чикди. Шу чизмалар асосида курилган ракета билан куролланган сувости кемаси ҳалокатга учради. Бу – шу типдаги кемалар орасида ягона ходиса эди. Кема курувчилар уни истехзо билан «Иван Вашингтон» деб атаганлари бежиз эмас.

Бу уйинларнинг хаммаси жуда кимматга тушди. Улар ё хеч канака натижа бермади ёхуд очикдан-очик зарар келтирди. Бу иллат анъанага айланиб колганди. Бир вактлар разведка фашистларнинг СССРга хужум килиш кунини 22 июнь деб жуда аник айтиб берганди, аммо бундан мамлакатга кандай фойда тегди?

Бу ишдаги энг ёмон жиҳат – разведкачиларнинг Ғарбда яшашга жуда мазахурак булиб қолишганида эди. Улар уйларига зур-базур қайтишар, ватанда унча узоқ туриб қолмасликдан умид қилишар, мабодо бунга ишонмаса, умуман, қайтмай куя қолишарди. Бундай пайтда ё бутунлай ғойиб булишар, ё ракибларга таслим булишарди. Андропов замонида ва ундан кейин шундай ҳодиса содир булмаган бирон мамлакатни айтиб бериш амри маҳол.

Аммо ҳар қанча ғалати туюлмасин, буларнинг бари на Андропов, на ПГУ бошлиғи генерал Крючковларнинг мансаб пиллапояларидан кутарилишига заррача таъсир курсатмади. Андропов Крючковни 1956 йилдаги венгр қузғолони бостирилган вақтдан бери уз орқасидан эргаштириб юрарди. Нохуш воқеалар уларнинг мавқеига таъсир курсатмаганига боис, афтидан, шунда эдики, ташқи разведка ходимлари орасида купчиликни ташкил қилувчи номенклатура арзандаларининг Ғарбга қочиши юксак мартабали ота-оналарни унчалик ташвишга солмай қуйди. Чунки уларнинг узлари ҳам Ғарбга караб жуфтакни ростлашга тайёр булиб қолгандилар. Иккинчидан эса Ғарбдаги яширин уруш жабҳаси ҳар қанча жозибадор булмасин, мамлакат ичкарисида қайнаб жуш ураётган яширин жабҳа билан таққослаганда, ҳар қалай, орқа уринга утиб кетарди.

Нима қилиб булса-да, мамлакатни кутқариш иштиёқида ёнган ва Кавказдаги ютуқларидан ҳаволаниб кетган Андропов навбатдаги зарбани Москва шаҳар партия қумитасига бермоқчи булди. Бу пайтда шаҳар қумитасига Марказқум Сиёсий бюросининг аъзоси Гришин[1] раҳбарлик қиларди. Москва шаҳар қумитаси порахурлик ва бошқа ифлос ишлар уясига айланиб қолганди. Шу сифатлари билан 20-йиллар

---

[1] Москва шаҳар партия қумитасида Гришиндан аввал Егоричев биринчи котиб булган эди. У ҳам қулоғигача порахурлик ботқоғига ботиб кетган, катта сиёсат самоларига кутарилиш орзусида яшарди. Шунинг учун у жаҳон сионизми найранглари ҳақидаги маърузаларни тинглар ва бу мавзуда КГБ билан доим маслаҳатлашиб турарди. КГБ эса уз навбатида Егоричевни қулатиб, унинг урнига Андроповнинг одамини қуйиш йулларини изларди. Айни жаҳон сионизмига қарши кураш борасида Егоричевнинг миси чиқди.

бошларидаги Чикаго гангстерлар синдикатига ухшаб кетганди. Фарки шунда эдики, гангстерлар синдикати солиқларни тулаб турар ва полициядан ҳайикарди. Ҳолбуки, Москва шаҳар кумитасида аҳвол бутунлай бунинг акси эди – улар солиқ туламас, милициядан ҳам тап тортмасди. Бу кудратли муассасанинг энг майда гумашталари каршисида ҳам милиция ғоз котиб турар ва кулини чаккасига куйиб честь берарди. Узбошимчаликда ҳар кандай чегарадан чиқиб кетган Москва шаҳар кумитаси хато устига хато кила бошлади.

Шаҳар кумитасининг бюро аъзоси ва Москва шаҳар Куйбишев район партия кумитасининг биринчи котиби Галушко бир ярим миллион сум пора олган. (Унинг бир кисми кимматбаҳо тошлар эди.) У Тбилисидан келган аллақандай бетайин шахсларга туртта квартира олиб беришга ваъда беради. Аммо пулни олиб, мижозларини алдайди. Ғазабга келган тбилисиликлар пулни аямай сарфлашади-да, анча кули узун муттаҳамлар билан топишиб олишади. Улар Брежневнинг кизи Галина билан якин эканлар. Бош котибнинг кизи канака тугмачаларни босгани коронғи, лекин урток Галушконинг уйини ОБХСС бригадаси босади. Таклирнинг уйинини карангки, бу бригадага Москва шаҳар кумитасининг биринчи котибига фамилиядош генерал Гришин бошчилик килар экан. Улар Галушконинг уйида тинтув утказиб, тилла ва бошка

1973 йилда Якин Шаркда навбатдаги мажлисида – Брежнев ҳузурида Егоричев коньякдан купрок тортиб куйганми, Синай ярим оролига совет денгизчиларидан десант тушириб, Тель-Авивга юриш килишни таклиф этади.

Брежневнинг кошлари таажжуб билан чимирилади. Мудофаа министри эса бузариб кетади, чунки бу бемаъни даъват оркасида узига карши игвогарликни куради. 1973 йилда десант килиб туширадиган куч ҳам, десантни олиб борадиган восита ҳам йук эди.

«Урток Егоричев, – деб сурайди Брежнев, – сиз кимнинг фикрини билдирясиз?»

«Москва шаҳар партия кумитасининг фикрини», – деб жавоб беради биринчи котиб.

«Демак, сизлар шаҳар кумитасида шунака масалаларни мухокама киласизларми?» – деб сурайди Бош котиб таҳдидли овозда.

Оғир сукунат чукади. Бунинг натижасида Москва шаҳар партия кумитасининг биринчи котиби Гришин булади. У Сусловнинг одами эди.

Андропов ҳали жуда заиф эди.

қимматбаҳо буюмларни, шунингдек, 4 миллион сўм пулни олиб кетишади. Галушко камокка олинади. Эртаси куни иш КГБга оширилади. Қуркувдан довдираб қолган райком котибини Андроповнинг ўзи сурок қилади. У шаҳар қумитасидаги арбоблар қулида шунчаки бир югурдак бўлганини тан олади.

Андропов бу гапларнинг ҳаммасини Брежневга етказиш йулларини уйлай бошлайди – қандай қилса бир зарба билан бутун шаҳар қумитасини қулатиш мумкин? Қандай қилса уни Лубянканинг бир булимига айлантиради-ю, Кремлга ҳужум бошлайди?

Аммо Москва шаҳар партия қумитасида хатар қунгироқлари бонг ура бошлаган эди.

Ўз ходимларининг бир қисмини махсус касалхоналарга жойлаб, бир қисмини дала ҳовлиларига жунатиб, Гришин Брежнев ҳузурига югурди.

Галушко камокдан бушатилди, генерал Гришин эса «хизмат мавкеини суиистеъмол қилгани учун» судга берилди ва қамалди.

Андроповни Бош котиб ҳузурига чақиришди.

Брежнев унга таъна билан қаради. Учрашувда иштирок этган Суслов, Гришин, Черненко КГБ ҳужайинига роса дашном беришди. Унга КГБнинг асосий вазифаси номенклатуранинг ҳулқ-атвори устидан назорат қилиш эмас, балки уни мухофаза этиш эканини эслатишди. Ҳулқ-атвор билан шуғулланиш учун эса, Партия назорати комиссияси бор. Айтганча, бу комиссияда Андроповнинг ўзига ҳам бериладиган саволлар топилади. Масалан, пойтахтнинг жуда қимматбаҳо махсус фондидан КГБга махфий ишлар учун анча-мунча квартиралар берилган. Шу квартираларда ҳар куни нималар содир булаётганидан Юрий Владимировичнинг хабари борми? Уларда булаётган ичкиликбозликлардан, жанжалу туполонлардан бутун уй ва ҳатто, бутун район огоҳ. Тағин ҳуфия квартира эмиш. КГБнинг 5-бошкармаси назорати остида ишлаётган фоҳишалар кимга, канча валюта топширади? КГБдаги жанговар тузилмалар қайси пулларга ва нима мақсадда ташкил қилинянти? Энг муҳими шундаки, КГБ ўз асосий рақибининг мутлако жиловини бушатиб қуйди. Партия бу қадар катта жазо аппаратини ўз ҳисобида бекорга сақлаб тургани йуқ-ку! Гап мамлакатнинг аҳолиси ҳақида бормоқда. У, ахир, борган сари ҳаддидан ошиб кетяпти.

Мамлакат аксилшуровий адабиётга тулиб кетган, ҳамма каналларда мафкуравий жиҳатдан зарарли аллақандай мусиқалар эшиттирилади, аллақандай китоблар чоп этиляпти. Ёшлар на бирор жойда ишлашни, на армияда хизмат қилишни истайди. Ҳамма ёқда Ғарбга сажда қилинади, ғарбнинг турмуш тарзи мақталади. КГБ райкомма-райком улжа қидириб изғимасдан, ана шуларга қарши курашмоғи керак.

Андропов эътироз билдирмоқчи булди. Ахир, Қушма Штатлар билан партиянинг узи уйин бошлади-ку? Катта қарзлар эвазига яҳудийларни мамлакатдан жунаб кетишига йулни очиб қуйди-ку! Бунинг устига ҳар бир чиқиб кетаётган яҳудийдан катта пул олиняпти. Булажак ракиблар билан ҳар қанака мушук-сичқон уйнашга Андропов доимо қарши булган эди-ку! Ахир, Андропов эмасми мамлакатдан ҳар қандай одамнинг чиқиб кетишига карши турган? Бу масалада у, ҳатто, махсус меморандум ҳам ёзган эди. Ахир, туҳматчи ва хоин Солженицинни бадарға қилишни ким уюштирди? Андропов эмасми? Сахаров ва унга ухшаганларни муттасил обрусизлантириб, аста-секин бадарға қилаётган ёки қамоққа тикаётган Андропов-ку!

Агар армияни ҳисобга олмаганда, ҳозирги пайтда бутун давлат миқёсида у ҳамда унинг муассасаси ишлаяпти, ҳолбуки, қолган купгина уртоқлар секингина узларини четга олиб булганлар. Ҳашаматли иш кабинетларида ёхуд оромбахш дала ҳовлиларида уларнинг нима билан шуғулланаётганини айтиш амри маҳол. Агар партия уз сафидаги айниган ва порахур одамларга карши кураш олиб бормаса, унинг узи ҳам ҳалок булади, мамлакатни ҳам ҳалок қилади.

Ҳаммалари бир оз хотиржам тортишди ва гап-суз муросаю мадора оҳангида давом этди. Йуқ, урток Андроповнинг партия ишига ва унинг идеалларига садокати масаласида ҳеч кимда шубҳа йуқ.

Афсуски, ҳозирги дунёдаги аҳвол партияни айни шундай сиёсат юргизишга мажбур этмоқда. Мамлакатда тартиб урнатиш зарурлигига келсак, бунга ҳеч кимда эътироз йуқ. Аммо урток Андроповда, бизнинг қимматли Юрий Владимировичимизда, куч шунака куп ва қиладиган ишлари шунака кам эдики, у узимизникиларга қарши, партия ва инкилоб фахрийларига карши ут оча бошлапти.

Бу ибора аслида Хрушчёвнинг XX съезддаги нуткидан сўзма-сўз олинган. Унда теран таг маъно яширин. Хрушчёв томонидан бошланган ва номенклатура маъқуллаган Сталинни фош қилиш тўзумнинг мамлакатга карши жиноятларини ва ўз халқига карши қилган тарихдаги бекиёс кирғинни очиб ташлашни эмас, балки Сталиннинг номенклатурага карши олиб борган узлуксиз урушдаги нобоп усулларини рад этишни мўлжаллаган эди[1]. «Сталин ўзиникиларга қарата – инқилоб фахрийларига қарата ўт очган эди, – деб хайқиради Хрушчёв микрофонга. – Биз уни ана шу узбошимчалиги учун қоралаймиз... Инсоният тарихида жуда кўп шафқатсиз золимлар утган, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ҳокимиятини болта ёрдамида ушлаб турғани учун узлари ҳам болтадан нобуд бўлишган». Баъзи гаплар Хрушчёвнинг оғзидан бсихтиёр чиқиб кетган. Жазавага тушган Хрушчёв Сталиннинг ўз шогирдлари томонидан ўлдирилганини («болтада нобуд бўлишган») эътироф этиб, бўлғуси партноменклатуранинг ҳаммасини асосий хатардан огоҳлантиради:

Узингникиларга ўк узма! Акс ҳолда, болтада нобуд буласан!

Андропов сукут сақларди.

Брежнев якун ясади. Қариб айниб бораётган КПСС дохийси бунака ғалваларни ёқтирмасди. Бу ғалвалар унга бутун мамлакат ва Оврупонинг турли давлатлари бўйлаб сочилиб ётган ҳашаматли қасрларда, шикорхоналарда ҳаёт гаштини суришига халақит берарди. «Куриб турибман, уртоқлар бир-бирини тушунишди. Бу – қандай яхши!» Шундай деб, кўзида қилтиллаган ёши билан Андроповни кучиб, икки бетидан упиб қуяди.

---

[1] Шунинг учун жамоатчилик уртасида А. Солженицин ёзган «Иван Денисовичнинг бир куни», «ГУЛАГ архипелаги» асарларининг кутилмаганда пайдо бўлиши катта акс-садо берди. Бу асарларда биринчи марта ошкора тарзда ҳар битта ўлдирилган партия котибига миллион-миллион қийнаб ўлдирилган оддий одамлар тўғри келиши айтилган эди. Сталин номенклатурадан уч олган 1937 йилни эмас, балки коммунистик тўзум амал қилган ҳамма йилларни эсда сақлаш керак. Чунки бу тўзумда ўз халқини мунтазам равишда аёвсиз кириш ҳеч қачон тухтаган эмас.

1985 йилгача «Архипелаг»ни ўқиганлар учун 7 йил қамок жазосига ҳукм қилинарди ва 5 йилга бадарга этиларди. Бу ҳаммага маълум. Бошқа бир нарса қизиқ: китоб биринчи марта Ғарбда КГБ маблағига нашр қилинган (муаллиф бундан бехабар) эди.

Аммо уша купиёк генерал Цвигун Андроповга биринчи муовин қилиб тайинланади. Цвигун Брежневга божа эди, у Бош котиб хотинининг туғишган синглисига уйланганди.

Шама ҳаммага тушунарли булди.

Кураш кескинлашди. Андропов ҳаяжонга тушган номенклатура аъёнлари айтганларига қараганда куп нарсани биларди, албатта, лекин у ҳам ҳамма гапдан хабардор эмасди.

Мана ҳужжат. Унда Американинг муҳри бор: «Тор гурух учун». Ёнида совет муҳри: «Махфий». «Марказий Разведка Бошкармасининг СССРдаги иктисодий ва ички сиёсий аҳвол ҳакида доклади. Қушма Штатлар Президенти, Ҳукумати ва Конгрессига 1978 йил учун таҳлилий ҳисобот». Асл нусха негадир рус тилида ёзилган. Нима учун? Икки юз саҳифали ҳисобот совет разведкаси кулига тушиши (гуё хуфияларнинг саъй-ҳаракати билан) ва Москвага стказилиши биланоқ КГБдагилар таржимага вакт сарфлаб утирмай, матнни бемалол уқиб чикишлари учун шундай қилинган. Америкаликларнинг садағаси кетсанг арзийди – совет махфий полициясининг баҳайбат идорасини битта ташвишдан қутқарибди: «Ие, нега улар уз ҳисоботларини рус тилида боса бошлабди?» – деб сурайди таажжуб ичида ГПУ булимининг бошлиги Крючков Андроповдан. Ҳолбуки, буни Андропов Крючковдан сураши керак эди. Тобеинлари олдида узининг заковатини намойиш қилиши яхши курадиган Андропов: «Қари занжи булсамда, лекин, рус тилини урганар эдим, чунки унда сузлаган Ленин», – дея шеър уқийди. Бу ғалати ҳолат бошлиғини зарра ажаблантирмаганини куриб, Крючков роса ҳайрон булади.

Китоб бир зумда ҳамма тилларга таржима қилинди. Бутун дунёда жамоатчиликнинг фикри жунбушга келди, «СССР» деган ном йуқ булиб, урнига «ГУЛАГ архипелаги» деган атама қуллана бошлади. Бир совет журналисти Аргентинада йул устида бир юк машинасини тухтатиб, қушни шаҳарга олиб бориб қуйишни илтимос қилади. Ҳайдовчи урта яшар ҳинди экан. У йуловчининг хориждан келганини пайқаб, қаердан эканини сурайди. «Россиядан» – деб жавоб беради журналист. «А-а, – дейди ҳайдовчи. – Биламан. «ГУЛАГ архипелаги»ни уқиганман. Баъзилар КГБ бу китобни атайин чиқарган дейишади – ҳар ҳолда, одамларни қамаб туришга баҳонаи сабаб булади-ку!»

Аммо хуфия урушнинг йуллари коронги. Айникса, КГБнинг ҳужайини олий ҳокимиятга интилса...

«... Ҳозирги вактда КПСС Марказий Қумитасида ва Иттифоқдош республикалар компартияларининг раҳбариятида нифоқ тамойили мутлақо равшан куриниб қолди. Бунинг асосий сабаби мамлакатда иқтисодий аҳвол муттасил ёмонлашиб бораётганидир. Саноатнинг ҳамма соҳаларидаги турғунлик, ишлаб чиқаришдаги барқарор таназзул, меҳнат унумдорлигининг узлуксиз пасайиши, мунтазам равишда ҳосил унмаётгани, жаҳон бозорида советлар экспорт қиладиган анъанавий товарлар – нефть, газ ва ишлов берилмаган ёғочлар нархининг тушиб кетиши туфайли янада ёмон окибатларга олиб келди. Ҳажмига кура ҳаддан ташқари катта, мутлақо режалаштирилмаган ҳарбий саноат йил сайин кенгайиб, бошқа ҳамма соҳаларни ҳалок қилмоқда. Бу эса мамлакатнинг кенг истеъмол моллари, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларининг импортига қарамлигини кучайтирмоқда.

Шу ҳолда СССРнинг қартайиб колган раҳбарияти нафақат бу йулнинг ҳалокатли эканини курмаяпти, балки, аксинча, мамлакатни янги-янги оламшумул харажатлар сиртмоғига қаттиқроқ илинтирмоқда. Мамлакат бу харажатларга на назарий, на амалий жиҳатдан дош беролади...

Бутун дунёдаги компартияларни молиявий жиҳатдан куллаб-кувватлаш, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам курсатиб, улар барибир бир куни «социалистик йул»ни танлаб олади, деб умид қилиш, Шарқий Овруподаги қарам мамлакатларни иқтисодий ҳалокатдан асраб қолишга интилиш, цивилизацияли дунё билан доимий низолашиш куп йиллардан бери давом этмоқда. Бу эса фақат боши берк кучага олиб кириши уз-узидан равшан булиб қолди. Аммо Кремль махкумларга хос ўжарлик билан шу йулдан боришда давом этмоқда...

Шарқий Овруподаги қарам мамлакатларни бизнинг сиёсатчиларимиз купдан бери «секин портлайдиган мина» деб аташади. Улар чиндан ҳам шундай булиб чиқди – ҳозир муқаррар портлаш хавотирида Москва нима қилишини билмай колган. Коммунистик иқтисодиёт шароитида доимий равишда товарлар етишмайди, бу иқтисодиётда фармонбардорлик тамойиллари ҳукмронлик қилади, пули эса шунчаки номига юриб, нисбий қимматга эга. Бу шароитда бирдан-бир

аҳамиятга молик нарса фақат буюмлардир – мижоз мамлакатларни буюмлар билан таъминлар экан, совет ҳукумати уларни уз мамлакатининг насибасидан олади ва шу билан иктисодиётини энг зарур нарсадан махрум қилади. Баҳоларни кутариш сира ёрдам бермайди, чунки «халқ демократияси» мамлакатлари бунинг эвазига берадиган махсулот Ғарбникига қараганда анча паст сифатга эга. Бу СССРда товарлар соҳасида доимий бушликни туғдириб туради...

Ғарб билан савдо муносабатларини маълум даражада таъминлаб туриш учун эса Совет Иттифоқи узини оқламайдиган шахталар ва конларни ишлатишга мажбур. Бу эса давлат томонидан жуда катта маблағ талаб қилади. Давлат мамлакатнинг кадам етиши қийин булган олис худудларидаги жуда паст сифатли нефтни қазишга мажбур этади. Бу нефтнинг таннархи эса жуда қиммат. Буларнинг бари уз буйнини сиртмоққа солиш билан баравар. Бу сиртмоқдан эса қутулишнинг иложи йуқ...

Ҳиндистонга ташриф буюрган Брежнев Ганди ҳукумати билан унга 820 миллион доллар миқдорида қарз бериш туғрисидаги шартномани имзолади. Бундан ташқари, у Ҳиндистонга нефть етказиб беришни бир миллион тоннага купайтиришга ваъда қилди (ҳозир 1,9 миллион тонна нефть етказиб берилади). Шунингдек, курол-аслаҳа етказиб бериш ҳақида махфий битим ҳам имзоланди. Жумладан, ҳаммаси булиб 1,6 миллион доллар турадиган 25 та МИГ-25 самолёти етказиб бериладиган булди. Ҳар доимдагидек, курол-аслаҳа етказиб бериш борасидаги имтиёзли қарз битими шундай тузилганки, Ҳиндистон уни қачонлардир узадими-йуқми – маълум эмас... Хом ашё ва тайёр махсулот етказиб беришда қарам мамлакатлар СССРга қанчага тушаётгани туғрисида тахминан фикр юритиш мумкин. Лекин СССР мазкур мамлакатларга ҳар йили валюта ҳам сарфлайди. Бу эса унинг Ғарбдан қарзини янада купайтиради. Муттасил усиб бораётган бу қарз ҳозир 17 миллиард 30 миллион долларни ташкил қилади.

Бундан ташқари, Кремль Шарқий Оврупо мамлакатлари қарзини тулаш кафолатини ҳам зиммасига олгани туфайли унинг елкасига яна 60 миллиард долларлик юк тушди.

Қарам мамлакатларга СССР томонидан ҳар йили қанча доллар ёрдам бериб турилгани ҳақида аниқ маълумотлар бор. Буни куйидаги жадвалда куриш мумкин:

	Советларнинг ёрдами (миллион долларда)	Ғарбдан қарзи (миллион долларда)
ГДР	292	11600
Куба	1860	–
Чехословакия	344	4500
Польша	1900	23000
Мўғулистон	86	–
Руминия	460	9500
Венгрия	167	8900
Вьетнам	1040	–
Болгария	127	4500

Шу тарзда Совет Иттифоқи сунгги 10 йил ичида 85,8 миллиард доллар сарфлади. Бу катта маблағ қуйидаги тарзда таксимланади:

Куба	– 15,5 миллиард доллар
Вьетнам	– 9,1 миллиард доллар
Сурия	– 7,4 миллиард доллар
Ироқ	– 3,8 миллиард доллар
Эфиопия	– 2,9 миллиард доллар
Шимолий Корея	– 2,2 миллиард доллар
Мўғулистон	– 9,5 миллиард доллар
Ҳиндистон	– 8,9 миллиард доллар
Польша	– 4,9 миллиард доллар
Афғонистон	– 3,1 миллиард доллар
Жазоир	– 2,5 миллиард доллар
Ангола	– 2,1 миллиард доллар

Йил сайин купайиб бораётган бундай йиллик харажатлар Совет Иттифоқига сарқ чақалик ҳам фойда келтирмайди. Уларни давлатлараро амал киладиган мавжуд ибораларда ифодалаш мумкин эмас. Бу борада Кремль эришадиган сиёсий фойдалар ҳам жуда арзимасдир, уларнинг истиқболидан ҳам ҳеч қандай умид йўқ. Мана, масалан, Анголани оладиган бўлсак, МПЛАга совет қурол-аслаҳаси куплаб етказиб берилаётганига карамай, марксистик гуруҳларнинг назорати остида булган ҳудудларда бизнинг нефть компанияларимиз

нефть, Жанубий Америка компаниялари эса олмос ишлаб чиқаришда давом этмоқда. Бу компанияларга берилган имтиёзлар советлар кириб келгунча булган даврдагидан ҳам қулайроқдир.

Кремль сарфлаётган бекиёс харажатлар, асосан, мижоз мамлакатларга етказиб берилаётган жуда катта миқдордаги қурол-аслаҳа ва ҳом ашёдан (асосан, нефть ва нефть маҳсулотлари) ташкил топади. Буларни етказиб беришдан кузланган ягона мақсад маҳаллий коммунистик ёхуд коммунистларга хайрихоҳ ҳукмдорларни қуллаб-қувватлашдан иборатдир. Аммо бу оқимда олтин жамғармалар ҳамда нақд пулларнинг Москва назорати остида булган банклар тизими орқали, шунингдек, халқаро банклар тармоқлари орқали кучиб юрганини ҳам сезиш мумкин. Бу ишда, айтайлик, Кубага утказилган пуллар унга етиб бормай, Испания ёхуд Франция банкларида сохта одамлар ёхуд сохта фирмаларнинг қалбаки ҳисобларида қолиб кетади. Булар бир томондан, Кастро оиласининг шахсий жамғармасини ташкил қилади. Иккинчи томондан эса, улар гуё тулалигича маҳаллий компартияларга тегишли сармоя эмиш. Бироқ бу унча тўғри эмас, негаки, зарур булганда Москва бу пулларни осонгина олади-да, ўз ихтиёрича сарфлайверади. Масалан, яқинда ғайрирасмий совет делегацияси Монте-Карло ва Кенияда булди. Бу ерда делегация ҳар хил буюмлар ва хизмат учун (қимор ва сафарига) 240 минг ва 285 минг доллар харажат қилди. Шу харажатларни қоплаш учун пул Испания компартияси ҳисобидан олинди.

Бу ҳали ҳолва. Кремль пуллари шунақа атоқли фирмалар ва компанияларнинг сармояларига қушиладики, уларнинг жаҳон коммунистик ҳаракатига мутлақо алоқаси йуқ. Қолаверса, расман олганда Москва уларни Ғарбнинг ҳарбий-саноат комплексига кирувчи фирмалар ва компаниялар сифатида коралайди. Ғалати бир вазият майдонга келади – Москва пулларини ўз бемор иқтисодиётига сарфлаш ўрнига бизнинг мудофаа тизимимизга харжламоқда.

Ҳозирги вақтда Москванинг пуллари олмосларни қайта ишлаш бизнесида (Жанубий Африка Республикаси, Исроил ва Голландия фирмалари), қимор бизнесида (Монте-Карло, Лас-Вегас, Гонгконг), бошқа одамлар номига расмийлаштириш йули билан дунёнинг турли бурчакларида бир қанча

киморхона ва исловатхоналарни харид килишда, наркобизнесда (Куба оркали Лотин Америкасининг наркокартеллари билан ва Афғонистон ҳамда уз мусулмон республикалари оркали Марказий ва Жануби-шарқий Осиё наркосиндикатлари билан алоқа килинади) мавжуд экани аниклиги тўғрисида маълумотлар бор.

Совет раҳбариятининг (Брежнев ва Громиконинг сафарлари) АҚШ ва Ғарбий Оврупо мамлакатлари раҳбарияти билан булган сунгги мулокотлари давомида Москва мазкур алоқалардан кузда тутилган асосий мақсад жамики хом ашё ишлаб чиқарувчи саноатни ва кишлоқ хужалигини замонавийлаштириш учун Ғарбдан қарз олиш эканини бир неча марта таъкидлади. Аммо Ғарб мамлакатлари берилажак қарз ҳисобидан зарур асбоб-ускуналарни етказиб беришни таклиф килганда, совет томони бу таклифни рад этди ва накд пулда карз олиш истагини билдирди. Баҳона қилиб айтилдики, гуё совет томони хали асбоб-ускунани қайси мамлакат етказиб беришини аниклагани йуқ ва бу борада фирмалар уртасида танлов ташкил килмоқчи. Олинган карзлар деярли тулалигича Ғарб банкларидаги ҳисобларда колиб кетди ва амалда олий рутбали партия мансабдорларининг шахсий ҳисобларига кайтадан таксим килинди... Шундай таассурот туғиладики, КПСС раҳбариятининг муайян кисми мамлакат бошига келаётган ҳалокатни ва унинг мукаррарлигини биз ташқаридан кураётганга караганда ичдан туриб яхшироқ кураяпти ва аввалдан Ғарбга караб жуфтакни ростлаш ҳаракатига тушиб колган. Шунинг учун зарур моддий заминни барпо этмоқда. Айни ана шу келгусидаги оқибат учун зарур моддий заминни яратиш, афтидан, СССРнинг барча ташқи ва ички сиёсатини белгилайди. Акс ҳолда, уни бошқа ҳеч нарса билан изоҳлаб булмайди.

Шундай сиёсат натижасида СССРнинг олтин захираси сунгги 10 йил мобайнида тахминан уч баравар камайиб кетди ва тез суръатлар билан камайишда давом этмоқда. Мунтазам равишда кучайиб бораётган саноат таназзули назорат остидан чикадиган даражага стиб колди. Агар шундай булса, бу тула иктисодий бошбошдоқликка олиб келади. Бу эса, уз навбатида, харбий куч кулламасдан СССРни йирик давлат сифатида йуқ булиб кетишига йул очади.

Якин вақтлар ичида СССРни соғиб еб ётган давлатлар миқдорини купайтиришга урониб куриш максадга мувофиқ куринади – бу унинг сарф-харажатларини яна ҳам орттирар эди. (Агар уни туғридан-туғри бирор минтақавий можарога аралаштирилса, янада соз буларди.) Шунингдек, пухта уйланган қарз сиёсати билан ҳам Кремль раҳбарияти уртасидаги ихтилофни чуқурлаштириш мумкин».

Шундан кейин СССРни қаердаги минтақавий можарога жалб килиш маъқулрок экани кенг тадқиқ килинади. Куба, Якин Шарқ, Ангола ва ҳатто, Хитой билан уруш чикариш имконияти ҳам куриб чиқилган. Буни тасдиклайдиган ва рад этадиган беҳисоб далиллар келтирилган; улар муаллифларнинг масалани жуда чуқур урганганларидан далолат беради.

Марказий Разведка Бошкармаси ҳисоботи Андропов кулига рус тилида етиб келгани бежиз эмас. Унда КГБ хужайини билмаган бирор гап йуқ эди. Унда КГБнинг мутлако махфий маълумотномаларидагига караганда куп масалалар ортиқча дабдабасиз, ихчам ва лунда баён килинганди. КГБ маълумотномаларида куп нарсаларни уз номи билан аташга ҳайиқишган, лекин анча-мунча аниқ фамилиялар тилга олинган. Фақат кескин ислоҳотларгина СССРни сақлаб колиши мумкин эди, аммо уша пайтдаги СССР шароитида ислоҳотларни бошлашнинг ҳам иложи йуқ эди. Андропов шунга амин эдики, фақат мавжуд номенклатурани тор-мор келтириш ва йуқ килиш билангина мамлакатда тартиб урнатишга киришиш мумкин, кейин эса туб узгаришларни бошласа булади. Аммо ана шу гузал ниятларни руёбга чикарадиган одамларни қаердан топиш мумкин? «Ҳамма нарсани ҳал килишга кодир» булган ва шу тарзда мамлакатни сақлаб кола оладиган кадрларни каердан олса булади?

Номенклатурани чекистлар билан алмаштириш ҳақидаги Андроповнинг дадил фикри ҳамон бутунлай йукка чикмаган булса-да, аллақачон жозибасини йукотиб улгурган эди. Озарбайжондаги тажриба шуни курсатдики, чекистлар ёғлик жойларни эгаллаб олса, уларга хос жасорат ва катъият сабабли, узларидан аввалги амалдорлардан ҳам купрок сурбетлик билан иш юритар эканлар. Андроповнинг кулидаги маълумотларга караганда, ҳозирги пайтда Брежневнинг Бокуга ташрифига

кизғин тайёргарлик куриляпти. Бош котибнинг соф олтиндан ун беш килограммлик ҳайкалчасини куйиб, тахт қилиб куйишди, унинг узи ва оила аъзолари учун олмос ва бошқа асл буюмлар тайёр турибди. Ахир Брежневнинг узи ҳам, оила аъзолари ҳам бунака нарсаларга учлиги ҳаммага маълум-ку! Аммо амалий ишлар учун фурсат шитоб билан утиб бормоқда эди.

Андроповнинг ставрополлик юртдоши бор эди. Фёдор Кулаков деган бу одам КПСС Марказкуми Сиёсий бюросининг аъзоси булиб, Сиёсий бюрода кишлок хужалиги учун масъул эди. У ҳамма масалаларда махфий полиция хужайини билан ҳамфикр эди. Сиёсий бюро аъзолари ичида Кулаков Андропов таянса буладиган ягона одам ҳисобланарди. Серғайрат ва қатъиятли Кулаков кариб колган Кремль хукмдорлари орасида энг ёши эди. Кулаковдан куп нарса кутса буларди. У кескин ислоҳотлар тарафдори эди. Унинг юлдузи Хрушчёв замонларида лов этиб чақнади-ю, кейин тусатдан яна сунди-колди. Хрушчёв уни Ставрополга бадарға қилди. Бу ерда у Андропов билан танишди. Кулаковнинг мамлакатни кутқариш борасидаги таклифлари давлат-партия аппаратини тубдан ислоҳ қилиш, номеклатурани янги мансабдорлар билан алмаштириб, уларга ошкора имтиёзлар бериш ва давлат хизматчиларининг даромадлари устидан жиддий назорат урнатишдан иборат эди. Уз вактида Хрушчёв ҳам худди шуни режалаштирганди, бирок у бу борада бирон кескин иш қилишга журъат қилолмади ва ҳатто, бунинг оқибатларидан чучиб, Кулаковни узидан узоқлаштирди.

1964 йилда Хрушчёвни ҳокимиятдан четлатишга олиб келган фитнада у фаол иштирок этди. У Теберда шикорхонасига фитнанинг ҳамма асосий иштирокчиларини туплаб, режанинг барча тафсилотларини пишитиб олди. Орадан куп утмай, уни Москвага кайтардилар. Аммо бу ерда у фитначилар гомонидан алданганини тушунди. Фитначилар ҳеч канака ислоҳот утказишни истамаганларидан ташкари, ҳатто, Хрушчёв амалга оширган жиндай ижобий ишларга ҳам хотима бердилар.

Андропов билан ҳамфикр чикиб колганидан Кулаковнинг кунгли кутарилди. Олий ҳокимиятнинг ҳамма шайинлари қулга утмагунча, ҳеч қанака ислоҳотни амалга ошириб

булмаслигини улар ҳам яхши тушунардилар: «Агар кишига ноёб бир тақдир ато этилса, у шунга муносиб булиши керак, – деб ҳисобларди Кулаков. – Ундан фойдаланишга уриниб курмасликнинг узи жиноятдир». Андропов унинг фикрларини тулалигича маъқуллар эди. Уларнинг иккови ҳам чин коммунист булиб, уз режаларига астойдил ишонардилар. Ҳолбуки, бу режа ҳам ҳамма коммунистик ғоялар сингари хомхаёлдан узга нарса эмасди. У амалда тузукрок бирон самара бериши амри маҳол эди.

Режа куйидагича эди: мамлакатда куйидан юқоригача темир интизом урнатилади. Айни чоқда ҳар қандай узбошимчалар, мафия тизимлари, номенклатура тор-мор қилинади. Куйидан юқоригача ҳамма неъматлар янгидан таксимлаб чикилади, аммо буни жуда катъий марказлашган назорат остида ва меҳнат унумдорлигининг усишига ҳалал бермасдан килиш лозим. Қишлоқ хужалигида ҳамма жойда машҳур «Ипатов усули» жорий килинади. Кулаков айни шу усул сабабли донг козонган эди. Аёвсиз тозалашдан кейин КПСС қайтадан барпо этилади. Янги КПССда битта эмас, иккита Бош котиб булади. Марказқум уч баравар кискартирилади, аппаратнинг ярмига жавоб берилади... Бир вақтлар Герберт Уэлсс «Кремлдаги хаёлпарастлар» деган иборани айтган эди. Туғри, у бу иборани бошка муносабат билан ишлатганди. Аммо улар хаёлпараст эмасдилар. Фақат бир йула ҳамма нарсадан жудо булишни истамас эдилар, холос.

Уларнинг режалари икки нусхада булиб, бор-йуғи турт сахифани ташкил киларди. Шу турт сахифада «Темир интизом» ибораси 42 марта тилга олинганди. Емирилиб булган мамлакатни улар «темир интизом» ёрамида эпақага келтиришни орзу килишган эди.

Бу режага хайрихохлик билан караган учинчи «хаёлпараст» Белоруссия компартиясининг раҳбари, Сиёсий бюро аъзолигига номзод Петр Машеров булиб чикди. Иш унгидан келган тақдирда унга Бош министр лавозими ва Сиёсий бюрога тула аъзолик ваъда килинган эди.

Номенклатурага бериладиган навбатдаги зарба Сергей Медуновга йуналтирилади. Медунов – Краснодар улкасининг партиявий хужайини, Брежневнинг шахсий дусти булиб, унга ишониб топширилган улкани очиқдан-очиқ узининг хусусий

мулки деб биларди. У узига хеч кимнинг кучи етмаслигига мутлақо ишонарди. Шунинг учун хар кандай эхтиёткорликни унутиб, ошкора пора олишга киришди, улка бойликларини долларга сота бошлади, Ғарбнинг бир қанча банкларидаги шахсий ҳисоблари билан очиқчасига мақтанди, хар кандай конун-коидаларни назар-писанд қилмай, уз ходимларини хоҳласа жазолаб, хоҳласа пешонасини силади. Кулаков билан Андропов Медуновга қарши бир неча йил мобайнида материал йиғишди. Бу ишда уларга Ставрополь улка қумитасининг ёш котиби Михаил Горбачёв яқиндан ёрдам берди. Кулаков узи Москвага кетаётиб, уни Ставрополь улкасига қуйиб кетганди. Бундан ташқари, Краснодар улкаси кочиб кетган эмас. Андропов билан Кулаковнинг ёш котибдан умидлари катта эди.

Андроповнинг узи Горбачёв билан тез-тез сухбатлашиб турди ва амин булдики, Горбачёв унинг қарашларини тула маъқуллар, унга садоқати ҳам катта экан. Қолаверса, Горбачёв Андропов бошчилик қиладиган идора билан купдан бери мустаҳкам алоқада.

Ставрополь улкасида мамлакатнинг асосий дам олиш ҳудуди – Кавказ маъданли сувлари жойлашган эди. Ноз-неъматларга сероб бу улканинг қиши юмшоқ, ёзи ҳам муътадил булиб, номенклатура чорбоғлари, санаторий ва шифохоналари шу ерда жам булганди. Табиийки, оддий одамлар уларга яқин йулатилмасди. Инқилобдан аввалги рус зодагонларидан колган қадимий одат бор эди – бутун оила билан «сув»га келинарди. Шу одатни давом эттириб, Кремлдаги раҳбарлар, Марказкум аппарати ходимлари, министрлар, йирик шаҳарлар ва вилоятларнинг партия кумиталари котиблари, марказий газеталарнинг муҳаррирлари ва генераллар бола-чакалари билан саломатликларини тузатиб олиш учун бу ерга ёпирилиб келишарди.

Улканинг партиявий хужайини булмиш Горбачёв катта меҳмонларни шахсан узи кутиб олар, уларга ҳамроҳ булиб, ҳашаматли қасрларга кузатиб қуяр, вақт-вакти билан улардан хабар олиб турар ва шу тарика мамлакатнинг олий раҳбарлари билан секин-аста яқиндан алоқа урнатиб борарди. У бениҳоя кимматли маълумотлар йиғар эди, чунки оддий раҳбарият вакиллари билан истирохатда учрашиш бошка гап-у, улар билан Москвада катта-кичик мажлисларда учрашиш бошқа нарса

эди. Истирохат чоғида купрок нарсадан хабардор булиб олиш ва яна купрок нарсани эхтиёткорлик билан рахбарларнинг кулоғига куйиш мумкин эди.

Кисловодск якинидаги олий табакадаги партия ходимлари дам оладиган «Қизил тошлар» деган шифохонага вакт-вакти билан Андропов келиб турарди. У бу курортни бошкалардан афзал курарди. Бу унинг «кичик ватани» эди. КГБнинг кудратли хужайини шу атрофда – Нагутская бекатида тавалуд топганди (1914 йилнинг 15 июнида).

Андропов «Қизил тошлар»да каттик курикланадиган касрда турар ва хеч кимни қабул килмасди. Москвадан келиб турадиган КГБ генераллари бундан мустасно эди, албатта. Сокчилар Михаил Горбачёвнинг машинасини хам хеч кандай тусиксиз утказиб юборишарди.

Горбачёвнинг асосий вазифаларидан бири, юкорида айтилганидек, Медуновга карши фош килувчи материаллар йиғиш эди. Медунов хакидаги материаллар Горбачёв туплаган хужжатлару гувохларнинг курсатмалари туфайли каппайгандан-каппая борди. Маълум булдики, Краснодар улкасида, айникса, Сочи худудида Қора денгиз сохилидаги афсонавий курортлар зонасида партия-давлат аппаратида коррупция ва порахурлик мутлако расмий тус олган. Машина сотиб олиш учун, квартира олиш учун, хизматда бирон мансабни эгаллаш учун, ўқув юртига кириш учун, партияга аъзо булиш учун ва хатто, мехмонхонага жойлашиш учун хам, албатта, пора берилган. Хар бир порахур мансабдор канчасини олиб колиб, канчасини райкомга узатиши кераклигини яхши билган. Райкомдагилар хам юкорига канча узатиш зарурлигидан яхши хабардор булган. Сумлардан таркиб топган ирмоқлар катта дарёларга айланиб, туғри Медуновнинг киссасига тушган. Бу хам етмагандай, айни ана шу Краснодар улкасида кора икрани хорижга валютага хуфия сотиш кенг йулга куйилган. Икра Тинч океан баликларидан бушаган тунука идишларда сотилган. Излар туппа-туғри Москвага – министрларнинг ишхоналарига, у ердан эса Кремлга олиб борган. Аммо Медуновнинг жиноятқорона фаолиятини фош килувчи хужжатлар хар канча аник булмасин, улар куп ахамиятга эга эмасди. Краснодар улкасининг хужайини суду терговларни менсимайдиган дахлсиз номенклатура

табақасига мансуб эди. Унлаб йиллар давом этган мудхиш Сталин замонасидан кейин тузилган битим ҳукм сурмокда. Брежнев уни бекор қилиш у ёқда турсин, ҳатто, унга заррача узгартириш киритмоқчи эмас. Уз ходимларини авайлаб эҳтиёт қилиш билан Бош котиб узини асраб келарди, унинг ҳокимияти бошдан-оёқ шу асосга қурилганди. Ҳа, ҳаммага аён эдики, Медунов Андроповни қизиқтириб колган булса, даставвал бунга Брежневга яқинлиги сабабчи. Медуновни қулатиб, Андропов Брежневни ағдаришни мулжаллаган, акс ҳолда, айни Медунов иши билан шуғулланишнинг нима ҳожати бор? Вилоят қумитаси ёхуд улка қумиталарининг 181 котибидан истаганини қулга олса бўлаверарди, уларнинг ҳаммаси жиноятлар гирдобига ботиб кетган. Ҳатто, Горбачёвнинг узи ҳам бундан мустасно эмас. Ставрополдаги ёш котибнинг ишларидан бошлиқларга қараганда Андропов яхшироқ хабардор эди. Масалан, Шеварнадзе Андропов буйруғи билан «узининг жонажон республикаси»да тартиб урната бошлади. У пастдан юқоригача ҳамма мансабдорларни чекистлар билан алмаштирди. Грузин турмалари собиқ амалдорларга ва хуфия миллионерларга тулиб кетди. Ушанда Шеварнадзе бор овози билан ҳайқириб, «республикадаги капиталистик чучқахонани» таг-туги билан йўқотишга ваъда берганди. Аммо «хуфия ишлаб чиқариш»нинг кўпгина намояндалари қочишга муваффақ булишди ва ҳатто, уз корхоналарини ҳам кучириб олиб кетишди. Қочганда ҳам улар узоққа кетганлари йўқ – ҳаммалари қушни Ставрополь улкасига бориб қолди. Уларнинг кўпчилиги моҳир заргарлар эди. Улар тор-мор келтирилган номенклатуранинг буюртмаси билан узуклар, билагузуклар, маржонлар ясашарди. Улар узларининг тиллалари, кумушлари, платиналари, бриллиантлари ва бошқа дуру жавоҳирларини ҳам олиб келишганди. Кўпчилиги номенклатура томонидан омонатга бериб қуйилган олтин захиралари, яъни «партиянинг олтини»ни ҳам олиб чиқдилар.

Уларни Грузиядан каёққа қочганини аниқлаш унча қийин эмас эди. Кавказ тоғларининг орт томонига урнашиб олган «Грузиядан келган кочоқлар» Ставрополда «хуфия иқтисодиёт»ни муваффақият билан ривожлантира бошладилар. Шеварнадзе уз душманларини ушлашга моҳир эди. У зарур булганда, уларни, ҳатто, Брежневнинг қабулхонасида ҳам

ушлаган ва махсус самолётларда Тбилисига қайтариб юборган. Бу гал ҳам у узига хос қатъият билан ҳаракат қила бошлади. У, албатта, Андроповнинг ёрдамидан умидвор эди. У Горбачёвга қунғироқ қилиб, улка прокуратурасига жунатилган махсус руйхатда қайд қилинган шахсларнинг ҳаммасини камоққа олиб, Грузияга жунатишни талаб қилди. Грузия компартияси Марказкуминиг Биринчи котиби булгандан кейин Шеварнадзе узининг кудратига шу кадар ишониб кетдики, республикада рус тилига давлат тили мақомини берди. Бу билан у Москванинг ишончини оқлади, лекин республикада, айникса, гуржи зиёлилари уртасида жуда кучли норозилик буронини туғдирди. Шунинг учун ҳам Шеварнадзе учун аллақандай бир вилоят кумитасининг котибига қунғироқ қилиш зарурат туфайли эмас, шунчаки оддий бюрократик одоб-ахлоқ доирасидаги жун иш эди. Грузия ҳукмдори Горбачёвнинг қатъият билан «йуқ» деганини эшитганда нечоғли таажжубга тушганини тасаввур қилиш мумкин[1].

Шеварнадзе газабдан тутақиб, Горбачёвга ким эканини эслатиб қуйди («Уйлаб кур, сен ким-у, мен ким?») ва дарҳол Андроповга шикоят қилди. Лекин бундан ҳеч қанақа иш чиқмаганини куриб, Шеварнадзе яна ҳанг-манг булиб қолди. Партия номенклатурасида «рутбалар»га жуда қаттиқ риоя қилинарди. Уша рутбалар даражасига кура Шеварнадзе улка кумитасининг котибини узидан қуйироқ деб ҳисоблар ва бу фикрида мутлақо ҳақ эди. Аммо амалда бошқача булиб чикди – улка кумитасининг котиби Шеварнадзедан зуррок чикиб қолди. Ҳолбуки, бу гал гап очиқдан-очиқ қонуннинг

---

[1] Хушомадгуйларнинг гасдиқлашича, Горбачёвнинг қатъияти шу билан изоҳланадики, булғуси Бош котиб уша вақтлардаёқ Ставрополда бозор муносабатларини жорий қила бошлаган. Шунингдек, тилини тиёлмаганларнинг тасдиғига қараганда, Горбачёв грузиялик кувғинди хуфия «иқтисодчилар»ни шунинг учун ўз ҳимоясига олганки, улар Горбачёвнинг хотини Раиса Максимовнага қимматбаҳо тақинчоқ тухфа қилиб улғуришган экан.

Бизнингча эса, бу ерда иш анча мураккаб. Брежневга карши фитна тайёрлар экан, Андропов пулга мухтож булган ва «хуфия иктисодиёт» корчалонларининг вактинча қуллаб-кувватлашига эришмоқчи булган. Ва, албатта, келажакда уларни бутунлай кириб ташлаш кузда тутилганини уларга билдирмаган.

бузилиши ҳақида бормоқда эди. Иккаласининг ҳам ҳомийси Андропов эди. Келажакдаги курашда гуржи Шеварнадзедан Горбачёв купроқ керак эди.

Бу вақтга келиб, Брежнев оғир хасталикка чалинганди. 1976 йилда миясига қон қуйилди ва врачлар уни зур-базур улимдан олиб қолишди. Вақт-вакти билан давлат ва партия раҳбарининг мияси айниб қоларди. Бундай пайтларда у бутун дунёга масҳара булиб, орденларга, ялтироқ такинчоқларга, хорижий буюмларга учлигини намойиш киларди. Номенклатура ҳамиша шунақа мияси айниган Бош котибни орзу қилган. Шунинг учун Брежнев ҳамма лавозимларида муқим қолишини таъминлаш учун ҳамма чораларни куришди, чунки бутун мамлакатни бемалол талон-торож қилиш учун Брежневдан яхшироқ панох топиб булмасди. Брежневга Совет Иттифоқи Маршали унвонини беришди, «Ғалаба» ордени билан тақдирлашди. Мамлакат гарихи оёкости қилиниб, таҳқирланди. Тўғри, Сталинда «Ғалаба» ордени иккита эди ва у маршал эмас, генералиссимус булганди. Аммо Брежневда ҳали бунга фурсат бор эди.

Андропов бир неча марта Брежневни нафақага жўнатишга, янги бош котиб лавозимига Кулаковни сайлашга уриниб курди, аммо бу уринишлар муваффақиятли чиқмади. Номенклатура Брежневни жон-жаҳди билан ҳимоя қилди. Лозим булганда куч ишлатиб, бошқа ҳолларда синалган партиявий низолар усулини куллаб, ҳар бир Сиёсий бюро аъзосига Марказқум аъзоси устидан тупланган фош қилувчи материалларни рукач қилиб, Андропов ва Кулаков номенклатура билан муросага келишди. Брежнев яқинда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси килиб сайланган эди, у шу мансабда қолади, партиянинг Бош котиби лавозими эса Кулаковнинг қулига утади. Бу масала ҳал килинган деб ҳисобланарди, шунинг учун мамлакат ва дунёни олдиндан шунга тайёрлай бошладилар. Аввал, Ғарб газеталари учун ахборот «чиқиб кетишини» таъминладилар, кейин эса ёпиқ партия мажлисларида ва Марказқум йуриқчиларининг маърузаларида бу ҳакда очиқ гапира бошлашди. Андропов билан Кулаков дарҳол ишдан олиниши керак булган номенклатура ходимларининг махфий руйхатларини тайёрлаб қуйишди. Кулаков КПСС Марказқуминнинг Бош котиби лавозимини эгаллаши биланоқ, бу иш амалга оширилиши керак эди.

1978 йил 16 июндан 17-га утар кечаси махсус алоқа телефонининг чинқирок овози Андроповни уйқудан уйғотди. Муовини генерал Пирожков хаяжонли овозда Кулаков улиб колганини маълум килди. Ханг-манг булган Андропов кирк минутдан кейин КГБнинг иккита оператив гуруҳи билан Кулаков турадиган дала ховлига етиб борди. Сокчилар узларини йуқотиб куйган, ранглари кув учган. Мархумнинг севимли овчарка ити жон-жахди билан занжирни узиб юборгудай булиб акиллайди. Хотинининг жовдираган кузлари. Кулаков узининг шахсий саунасида томирини кесибди. Кулмак кон ичида тиббий ништар ялтирайди.

Марказкумда Кулаковнинг улимига унча парво килишмади. Бир кун аввал уни кишлок хужалигидаги аҳвол учун каттик танкид килишган эди. Шурликка бу танкид малол келибди-да... Расман «КПСС Марказкуми Сиёсий бюросининг аъзоси Фёдор Давидович Кулаков тусатдан юраги тухтаб колгани учун вафот этди» деб эълон килдилар. Кремлдаги 4-тиббий бошкарманинг бошлиғи Евгений Чазов имзо чеккан тиббий хисобот шу даражада чалкаш эдики, хатто, уни эълон килишга журъат этишмади.

Кулаковни Кизил майдонга дафн этишди. Кузга ташлангани шу булдики, на Брежнев, на Суслов, на Косигин, на Черненко дафн маросимида катнашди. Сиёсий бюро аъзосини дафн этишга уларнинг катнашмагани ғалати эди. Холбуки, бунака юксак даражадаги раҳбарни дафн килиш йуриклари аллакачон ипидан-игнасигача ишлаб чикилган ва шу пайтга кадар бирон марта хам бу тартиб бузилмаганди. Мавзолей минбаридан нутк сузлаган, нисбатан хали ёш, пешонасида туғма кизил доғи бор йигитга хеч ким тузукрок эътибор бермади. Бу йигит дафн маросимига Ставрополдан учиб келган Михаил Горбачёв эди.

КГБнинг катта судмедэксперти генерал-майор Липатский Андропов номига ёзган шахсий докладида комил ишонч билан шуни тасдиклайди: Кулаков хушсиз ётган вактида унинг томири кесилган. Андропов гарчи Кулаковни улдириб булишгандан кейин томирини киркиш кимга зарур булиб колганини тушунмаса-да, Липатскийнинг гапига ич-ичидан ишонди. Зеро, Кулаков унга бир неча марта: «Агар биз енгилсак, томиримни кесаман», – деган эди. Кимдир унинг бу гапини айнан сузма-суз тушунган куринади.

Орадан куп утмай автомобиль халокатида Машеров халок булди. Унинг зирҳли енгил машинаси самосвал билан тукнашиб кетди. Ҳолбуки, республикада партия раҳбари қаерга йул оладиган булса, дарҳол йулдаги ҳар кандай ҳаракат тухтатиб куйиларди. Самосвал қаердан пайдо булиб колди? Маст ҳайдовчи бир колхоздан келадиган кишлоқ йулидан келиб, икки пост оралиғида катта йулга чиққанини гапириб берди. Аммо бундай постлар кичик йул катта йулга келиб қушиладиган ҳар бир чорраҳага куйилиши шарт эди.

Яна бир оз утгандан сунг эса, Витебск районида Андроповнинг шахсий самолёти ерга қулаб тушди. КГБ хужайини нима сабабдандир сунгги дақиқада бу самолётда учмай колганди.

Пинҳоний уруш эълон қилинган эди.

Кимдир Брежневнинг паноҳида бир қатор қотилликларни уюштириб, 1954 йилдаги номенклатура битимини ошкора бузишга киришганди.

Москванинг марказида Эски майдонга қараб қурилган жуда катта бино бутун бир районни эгаллайди. Бу иморатда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий қумитаси жойлашган. Мамлакатда содир булаётган ҳамма жиноятларнинг ва дунёда юз бераётган мудҳиш алғов-далғовларнинг изларн шу ерга келиб бирлашади. Шу ердан беҳисоб томирлар таралиб кетган – улар бепоён мамлакатнинг ҳамма ширасини суриб олади, унинг бойлигини шахсий пулат сандиқларга ва хорижий банкларга жойлаб беради. Шу ерда уз халқини мафқуравий ва жисмоний жиҳатдан аҳмоқ қилиш борасидаги мислсиз дастурлар ишлаб чиқилади ва бутун дунёга ҳукмдор булиш орзулари ардоқланиб, парваришланади. Бу ерда миллионлаб одамларнинг ва бутун-бутун давлатларнинг тақдирлари ҳал булади. Марказқумнинг Борис Пономарёв раҳбарлик қиладиган Халқаро булимида иш бир лаҳза ҳам тухтамайди. Бу ерда қулланмалар ва йуриқлар ишлаб чиқилиб, дунёнинг ҳамма мамлакатларига жунатиб турилади. Шу ердан ошкора ва яширин коммунистик партияларни, исёнчи гуруҳларни, террорчи ташкилотларни, сул ва миллатчи коммунистик газеталарни, сайлов жараёнларини, порахур давлат арбобларини ва давлат арбоби булишни орзу қилувчи моҳир жиноятчиларни молиявий таъминлаш учун беҳисоб маблағлар юборилади. Аввалги ленинча усул буйича Камбоджада ҳокимиятни эгаллаб

олган коммунистлар қизишиб кетиб, аҳолининг ярмини – олти миллиондан уч миллионини қириб ташладилар. Ҳабашистонда одамлар ялпи отилиб, очликдан қириляпти-ю, Аддис-Абибада эса ҳеч нарса бўлмагандек, Қурултойлар қасри барпо этиляпти, маҳаллий коммунистик «доҳийчалар» эса ағдариб ташланган император қасрига жойлашиб олиб, шоҳона тарзда ҳаёт кечирмоқдалар. Коммунистик тузумни сақлаб қолиш учун Анголага Фидель Кастронинг армияси ташланди. Бу Кубага берилаётган молиявий ёрдамни кунига 10 миллион долларгача купайтириш деган гап эди.

Рус олтини хорижга дарё бўлиб оқмоқда. Уни нимага харжлашни яхши билишади. КПССга қарашли хориждаги энг катта банкда амалда раҳбар урнида Борис Пономарёвнинг ўғли Владимир Пономарёв утиргани бежиз эмас. Номенклатура аллақачон уз ҳокимияти ва бойлигини мерос қилиб қолдирадиган бўлган. У ядро ракеталари билан қуролланган, денгиз ҳудудларига атом миналарини жойлаштириб, узини муҳофазалаб олган. Шу билан асосчисининг телба ишини давом эттиряпти. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан дунёдаги энг катта ва энг бой мамлакат беноён бир боткоққа айланди. Улар узлари ҳам жамики ғоялари билан шу боткоққа ботиб бораётганлигини ҳали билмайдилар.

Андропов буни куриб турарди. У либерал ҳам, демократия тарафдори ҳам эмас эди. Аксинча, у коммунистик тузумни жаҳондаги энг яхши тузум деб билган, келгусида бутун дунёда коммунизмнинг ғалаба қозонишига астойдил ишонганди. Шунинг учун ҳам ҳашамат ҳамда коррупция боткоғига ботаётган шу тузумни ҳалокатдан сақлаб колишга ҳаракат қилди. Брежнев ифтихор билан СССРни дунёдаги биринчи «ривожланган социализм мамлакати» деб атар эди. Андропов эса шу мамлакатда содир бўлаётган вокеалардан ташқари жаҳондаги коммунистик ҳаракатнинг аҳволи кандай эканлигини ҳам яхши биларди.

Франция Компартиясига ҳар йили СССРдан бевосита Евробанк орқали 2 миллион доллар жунатилади. Улар ҳар хил «ишончли одамлар», сохта корхоналар ва ташкилотларнинг ҳисоблари орқали эса яна 4 миллион доллар олади. Бир вақтлар Торез замонасида бўлганидек, бу пуллар кўпдан бери на коммунистик ҳаракатга, на ишчилар фаолиятига сарфланади.

Франция Компартияси Марказий Қумитасининг Бош котиби Марше (аслида, эътиқодига кура нацист), партиянинг бош хазиначиси Госиа, «Юманите» газетасининг бош муҳаррири Андрие ва «француз пролетариатининг бошқа доҳийлари» компартияни аллақачон биржа билан уғрихона уртасидаги бир нарсага айлантириб олганлар. Шуровий ҳамкасбларидан оркада колмаслик учун улар ҳам катта иморатлар ва қасрлар харид қилишиб, ҳашамату фароғат ичида ҳает кечирадилар. Улар, ҳатто, узларининг газетаси «Юманите»ни таркатишга ҳам эринишади. Тиражнинг туртдан уч қисмини якшанбалик иловалари билан бирга Москвага жунатишади. Улар бир неча вакт Москва дуконларида ётади-да, кейин макулатурага топширилади. Лекин бу ҳам ҳолва. Москвадан долларлар олар экан, француз компартияси раҳбарлари бу пулларга энг нуфузли француз ва бошқа йирик компанияларнинг акцияларини харид қиладилар. Ундан катта даромад куришиб, бир қисмини узаро таксимлашади, колганини эса СССРдаги валинеъматлари ҳисобига утказишади.

Шундай йул билан орттирилган пулларга эса, яна акциялар сотиб олишади ва шу зайлда Ғарб иктисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қилишади. Пулларнинг бир кисмини французлар ошкора тарзда кимор ва фаҳш ишлар бизнесига сарфлашади, бундан жуда катта даромад куришади ва уни яна узаро ҳамда шуровий валинеъматлари билан арра килишади.

Америка Компартияси эса узининг иккита газетасини нашр этишни истамади. Уларнинг материалларини Москвада ёзиб, узини КПСС босмахонасида чиқаришади. Газета босилгандан кейин уни, асосан, СССРнинг узида таркатишади. Бу газеталарни олий укув юртларидаги ажнабий тиллар кафедралари ва талабалар харид қилади. Талабалар чет тилидан имтиҳонни шу газета буйича топширадилар. АҚШ Компартияси аллақачон текинхурликни касб қилиб олган бир гуруҳ одамлар тудасига айланиб колган. Улар қулини совук сувга мутлақо урмаган ҳолда, ҳар йили Москвадан икки миллион долларни куртдай санаб олардилар. Бунинг эвазига сира уялиб-нетиб утирмай, АҚШнинг ижтимоий ҳаётида козонган муваффакиятлари ҳакида Москвага хабар бериб турадилар. Президентликка сайловлар чогида эса ҳар гал Гесс Холл

ғалаба қозонади, деб ваъда қилишади ва сайлов кампаниясини утказиш учун яна бир-икки миллион доллар талаб қилишади. Афтидан, Гесс Холл Москвадаги «АҚШ ва Канада институти» ходимларидан аллақайсиларига пора кистириш хавосини яхши олган куринади. Негаки, хар гал президентликка сайловлар булганида, бу институт Америка коммунистлари номзодининг президентликка утиш-утмаслик имкониятлари туғрисида тахминан қуйидагича тавсия беради: «Ҳукмрон доираларнинг каттиккул сиёсатига карамай, АҚШ Компартиясининг обру-эътибори мунтазам равишда усиб бормокда. Компартия уз атрофига миллион-миллион ишчилардан иборат АҚШ ишчилар синфининг илғор отрядини жипслаштирмокда. Шунинг учун сайловларда пролетариатнинг кудратли овози янграмокда».

Ҳарбий компартиялар Москвадан муттасил олиб турган пулнинг бир кисми советларнинг партиявий номенклатурасига сарфланишини ҳамма билар эди. Аммо АҚШ Компартияси бу борала ҳаммани ортда қолдирди. Гесс Холл узининг ҳеч кимга маълум булмаган хизматлари учун Москвадан йилига 100 минг долларлик нафақа ундирди. Бунинг учун у Москвада эллик минг доллар сарфлади. Пулнинг қадрсизланиши туфайли бу нафака йил сайин купайиб, хатто, икки миллион долларгача етиб борди. Гарчи Гесс Холл Марказқум аппарати учун АҚШда аллақандай кучмас мулк харид қилаётгани ва анъанага кура бу жараёнда солик туламаётгани ҳаммага маълум булса-да, унга нисбатан бирон чора куришнинг иложи йук эди. Фақат уни солик идораларига ушлаб бериш қолган эди, холос. «Шундай қилиб қуя қолсаммикин?» – деган уй тез-тез Андроповнинг кунглига келиб турарди.

АҚШ Компартияси орқали бирон тарзда разведка ишлари олиб боришнинг мутлақо иложи йуқ эди. Чунки у ҳам ФТБга, ҳам Исроил разведкасига хизмат қилувчи айғоқчиларга тулиб кетган экан. Амалда компартия номигагина мавжудлиги учун Москвадан маблағ олар ва бунинг учун КПСС Марказқуми аппаратида кимларгадир пора берилар экан.

ГФР компартиясидан жиндай фойда бор эди. У «Қизил Армия фракцияси» ва шунга ухшаш террорчи гурухларни пул билан таъминлашда даллоллик вазифасини бажарарди. Шу канал орқали Италиядаги «Қизил бригадалар» ва хатто,

Якин Шарқдаги бузғунчилар ҳам таъминлаб туриларди. ГФР компартияси бошқа ҳеч қандай фаолият билан жонини қойитмасди, фақат баъзи-баъзида ГДРлик ШТАЗИнинг чуви чиккан айғоқчиларига бошпана берарди.

Финляндия Компартияси ҳар йили Москвадан бир яримикки миллионгача доллар оларди. Бу ерда ҳам алоҳида манфаатлар булиб, уларнинг марксизм-ленинизмга ҳеч қандай алоқаси йуқ эди. Бу партия ҳам Суоми мамлакатидаги коммерция тизимлари билан КПСС аппарати уртасида воситачилик вазифасини утар ва фин буюмларини ривожланган социализм мамлакатининг бепоён худудлари буйлаб тарқатишга ёрдам берарди. Табиийки, у номенклатурани ва у билан боғлиқ чайқовчиларни фин музлаткичлари, мебеллар, сауналар, тутилган Ғарб машиналари билан биринчи навбатда таъминлар эди. Уз мамлакатида эса компартия совет буюртмаларини кема курувчи фирмалар, матбаа ва қоғоз ишлаб чикарувчи корхоналар уртасида тақсимлаш, шунингдек, Совет Иттифоқидан тахта етказиб бериш билан шуғулланарди. Хуллас, Финляндия Компартияси узига ажратиладиган пулларни бирмунча ҳалол ишлаб топишган. Туғри, улар пора йули билан ҳам жиндай пул олганлар. Шунингдек, уз ҳисобларидан КПССнинг саркаш пулларини сақлаш ва оқлаб олишда фойдаланишга ҳам ижозат беришган. Бу ишда улар анча инсоф билан бор-йуғи 7 фоиз атрофида шартнома сурашган.

Исроил Компартиясига йилига миллион доллар атрофида маблағ ажратиларди. Бу компартия аъзоларининг кўпчилиги куни кечагина СССР ва Польшадан келган одамлар булиб, олинган пулларни ошкора тарзда ўз киссаларига урардилар. Бунинг эвазига улар кнессетларда жиндай ғалва кутаришар, араб аҳолисини итоатсизликка чакириб хитоблар қилишарди. Аммо бу энг асосийси эмасди. Партия раҳбарияти ва айниқса, унинг Бош котиби Вильнер ҳукумат доиралари ва жаҳон молия доиралари билан алоқаларга эга эди. 1967 йилда СССР билан Исроил уртасида дипломатик алоқалар узилиб қолди. Шундай шароитда Вильнер олмос бизнесида советларнинг манфаатларини ҳимоя қилди ва совет зодагонлари Исроилдаги рак касалликларининг олдини олиш марказига бемалол келиб-кетишини уюштириб турди. Бунинг учун, албатта, алоҳида ҳақ олди.

Бутун жаҳон мамлакатлари буйлаб бу руйхатни давом эттириш мумкин. КПССнинг бундай оламшумул молиявий фаолиятини куриб, таажжубга тушмаслик ёхуд ғазабга келмаслик мумкин эмас. Бу фаолиятнинг яна бир ажабтовур жиҳати бор – ҳамма нарса мамлакатдан ташкарига чиккан. Ҳатто, КПСС аллақачон Совет Иттифокини хусусийлаштириб олиб, энди узининг бойишини таъминлашдан ташқари, жаҳон капиталистик тизимини ҳар томонлама мустаҳкамлашга отланганидек таассурот туғилади. Ҳар кандай жиноятқор ташкилот каби большевиклар партияси ҳам уз хавфсизлигини ҳар жиҳатдан пухта уйлаган. Шунинг учун унга бирор томондан зарба бериб, ишкалини чикариш ғоятда амри махол. Кулаков билан Машеровнинг ҳалокати бу фикрни жуда равшан тасдиклайди. Андропов буларнинг ҳаммасини яхши тушунар эди. У фақат бир нарсани англаёлмасди – нима учун катталардан ҳеч ким партиянинг мухташам биноси пойдевори чукаётганини курмаяпти (ёки куришни истамаяпти). Бу аҳволда бино кулаб тушиши муқаррар-ку! Бино қуласа, унинг харобалари партиянинг узини ҳам, хаёлий идеалларини ҳам кумиб юборади. Партия партияликдан чикиб, амалда котиллар, уғрилар ва чайковчилар тудасига айланиб колгани аён.

Балки бирон жойда бу иморатнинг кулашини режалаштириб куйишгандир? Каерда шундай қилишганийкин?

Кулаков халок булгандан сунг Андропов кутишга ортиқ фурсат йуқлигини англади. Ё у аллакандай фавқулодда ишларни амалга оширади, ё халок булади. Унинг фармони билан КГБнинг алоҳида максадларга хизмат қилувчи жанговар гуруҳлари тузила бошлади. Улар гуёки террорчиликка қарши курашга мулжалланган эди. Бу гуруҳлар «Альфа», «Гамма», «Дельта» деган номларни олишди. Уларнинг ҳар бири тахминан уч юзтача каллакесардан иборат булиб, жуда яхши ургатилган, ҳар қандай мулоҳазакорликдан узоқ, истаган топширикни дарҳол адо этадиган кимсалар эдилар. Бундан ташкари, иккита ҳарбий десант дивизияси ва битта танк дивизиясини КГБ ихтиёрига беришга Брежневни кундиришга муваффақ булишди. Армия бу ҳакоратга миқ этмай чидади. КГБ билан армия уртасидаги муносабатлар ҳамиша қасдма-қасдига узаро нафрат асосида шакллантирилар эди. Армия 1938 йилни унутгани йуқ. Ушанда чекистлар армиянинг

деярли ҳамма кумондонларини, шу жумладан, учта маршални маҳв этган эди. Чекистлар эса уз навбатида 1954 йилни ёдда сақлашарди – шу йили армия чекистлардан учини олган, ДҲМ раҳбариятини битта қолдирмай отиб ташлаб, қаршилик курсатмокчи булганларни танклар билан янчиб ташлаганди.

Аммо ҳозирги пайтда армия жуда ёмон аҳволда эди. Унинг раҳбарияти акл бовар қилмайдиган ҳашамат куйнида расво булиб кетганди. Буни, айникса, мудофаа министри Устинов рағбатлантирарди. Устинов ҳарбий одам булмаган, маршаллик кийимларини эплаб кия олмаса-да, Сталин номенклатураси сафларида обдан чиниккан эди. Бу мансабга уни Брежневнинг узи куйганди. Брежнев узи маршал булиб олгандан кейин қолган маршалларнинг ҳаммасига ишонқирамай қарай бошлади. Шунинг учун у куролли кучлар раҳбарлигига партия номенклатурасидан чиккан одамни куйишга қарор килди. У – ҳарбий одам эмас, нима килибди? Ҳарбий ишларда омирок, лекин шахсан Брежневга садокати зур. Шу тарзда армиянинг раҳбарияти заифлашиб борар экан, унинг куйи қисми ҳам шитоб билан чирий бошлади. Сталин барпо этган бепоён ГУЛАГ аллақачон жиноятчилар феъл-атворини ва жиноятчилар тилини бутун совет жамиятига тарқатиб булган эди. Ҳатто, академиклар ҳам баъзан узлари сезмаган ҳолда жиноятчилар лаҳжасида гапиришга тушардилар. Табийки, бу иллат биринчи галда армияга ёпишди. Армияда энг ваҳший жазо зоналарининг расм-русмлари ва тартиблари жорий була бошлади. Улар секин-аста жанговар анъаналарни ва ҳарбий интизомни сикиб чиқарди. Аскарлар бир-бирларини аямасдан таҳқирлар ва алланечук қаттол шафқатсизлик билан бир-бирларини улдирар эдилар. Офицерлар пиёнисталикка каттик ружу куйишганди. Узларининг яшаш тарзлари билан улар аскарларга мудҳиш намуна курсатардилар. Офицерлар солдатларни таҳкирлар ва табиийки, узлари ҳам бошликлари томонидан мунтазам тазйиқ остида яшар эдилар. Армияда ошна-оғайнигарчилик авжига чиккан, ўғрилик эса акл бовар килмайдиган даражада эди.

Андропов уз ҳаги-ҳаракатларини оқлаш учун келтирган асосий далил жуда жиддий булса-да, армиядаги пароканда-ликка бевосита алоқадор эмасди. Сиёсий бюронинг навбатдаги мажлисида КГБнинг хужайини бир туп хужжатлар курсатди.

Улар республикаларда Иттифоқдан ажралиб чиқиш майллари кескин равишда кучайиб бораётганини исбот киларди. Бу тамойиллар юқоридан – республика компартиялари Марказий Қумиталари томонидан уддабуронлик билан бошқариб турилганди. Бунинг сабаби оддий эди – республикадаги номенклатура Москвага улпон тулашни ортиқ хоҳламай колганди. Улар тула мустакил булишни ва уз хатти-ҳаракатлари учун бировнинг олдида хисоб бермасликни истар эдилар. Агар вақтида уларнинг таноби тортиб куйилмаса, Иттифоқ барбод булиши тайин. Кремлдаги карияларнинг ёшланиб турган кузларида ошкора куркув чақнади. Улар Андроповга умидвор нигоҳ билан караб туришар, ундан нажот чораларини кутишарди. Андропов эса узининг бир текис ва туссиз овози билан мамлакат бошидаги кулфатларни санашда давом этди. Қишлоқ хужалиги бутунлай ҳароб булган. Агар Америка ва Канада ғалла етказиб бериб турмаганида, СССРда аллақачон озиқ-овқат махсулотлари учун карточка тизимини жорий килишга туғри келарди. Брежнев кутилмаганда кузини очиб, ярим фалаж жағларини зурға кимирлатиб деди:

«Ахир Сиёсий бюрода качон сиёсатбоз мухолиф эмас, кишлоқ хужалиги буйича ҳакикий мутахассис пайдо булади?»

Бу марҳум Кулаковга ишора эди.

Андропов дарҳол Бош котибни ишонтириб, бунақа одамни топганини айтди ва уни хоҳлаган пайтда уртоклари – Сиёсий бюро аъзолари каршисида намоён килишга тайёр эканини маълум қилди.

Қариялар таажжуб ичида бир-бирларига караб олишди ва махфий полиция бошлиғига савол назари билан тикилишди. Кимни назарда тутяпти у? Андропов Горбачёвнинг номини айтди.

Қарияларнинг кузида мамнуният чақнади. Горбачёв деганда улар Ставрополь шифохоналарида роҳату фароғатда утказган кунларини эсладилар. Ҳаммалари уша ердаги Биринчи котибнинг хушмуомалалигини, ҳар бир истакни бажо килишга тайёрлигини, тортинчоқлигини, камсукумлигини хотирлашди. Яна унинг навқиронлигини айтмайсизми? Уларнинг ҳар бирига уғил булса булгудай. Ундан қуркадиган жойи йуқ. Бемалол Москвага олса булади. Мутахассис булса,

майли, кишлоқ хужалигини кутарсин. (Купгина одамларнинг фикрича, агар Горбачёв бошқа истаган жойда, масалан, Воронеж вилоят кумитасида котиб булганида, Андропов уни бунчалик осонлик билан Москвага утказолмас эди. Бу гапда жон бор. Қийин масала. Агар Андропов истаса утказиш кулидан келарди. Лекин хамма масала шундаки, у буни истармиди – йукми?)

1978 йилнинг 19 сентябрь окшомида КПСС Марказий Кумитасининг Бош котиби ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси урток Брежневни Бокуга олиб кетаётган махсус поезд кутилмаганда Минерал сувлар темир йул бекатида тухтади. КГБ ходимлари томонидан куршаб олинган курорт шахарчаси перронига шахсий сокчилар бошлиги генерал Жаровнинг кулига суянган холда Леонид Ильич Брежнев зурга тушди. Унинг ёнида ёрдамчиси Константин Черненко хам бор эди. Уларни Андропов билан Горбачёв кутиб олишди. Бу тарихий учрашув эди. Шимолий Кавказнинг муъжазгина темир йул бекатида учрашган бу турт одамнинг кисматида якин келажакда партия ва давлат рахбари мансабида бир-бирини алмаштириш бор эди. Уларнинг биттаси кисматида эса КПССни хам, Совет Социалистик Республикалар Иттифоки деб аталган бепоён бир давлатни хам махв этиш ёзилган эди. Учта уртамиёна одам орасида сиёсий уйинларнинг чинакам устаси пайдо булган эди. Бунака мохир сиёсатбозни дунё урта асрлардан бери курмаганди. Бир неча дакика мобайнида Горбачёвнинг Москвага утиши масаласи хал булди. Ставрополлик ёш котиб кулини кисар экан, Брежнев лабларини шапиллатиб деди: «Қишлоқ хужалиги – жуда мухим. Сен мутахассиссан. Мамлакатни куткар». «Мамлакатни кутқараман», – деб жавоб берди Горбачев, партиянинг «худоси» олдида эхтиром билан бош эгиб. Горбачёвнинг сочи тукила бошлаган, манглайидаги конга ухшаган доғ Бош котиб кузига жуда хунук куринди. Аммо у кизил рангда эди, буни эса яхшилик аломати деса буларди.

Брежнев Бокуга кетмокда эди. Бу ерда у Андроповнинг одамлари миллий республикаларда порахурликни таг-туги билан йуқ килиб, ажралиб чикиш хакидаги хар кандай фикрни тубдан юлиб ташлаш оркали тартиб урнатаётганини уз кузи билан курмокчи эди. (Орадан бирмунча вакт утгач, Брежневни Бокуда кутиб олган «Андроповнинг одами» Гайдар Алиев,

хатто, Озарбайжондан Нахичеван вилоятини ажратиб, мустакил деб эълон килмокчи булди. Улпон хамманинг хам силласини куритган эди-да.) Андропов бир нарсадан умидвор эди – Бокуга келиб кетгандан кейин Брежнев Андроповни куллабкувватлаб, Урта Осиёда хам худди Кавказдагига ухшаш тадбир утказишга имкон беради, кейин эса Украинага зарба тушади. Ахир у ерда купдан бери Брежневнинг содик одами – утда ёнмайдиган, сувда чукмайдиган Шчербицкий утирибди.

Партиявий ихтилофлар ичида пишиб кетган, куп йиллик хизмат жараёнида роса тобланган Андропов юлдузи чараклаб чикадиган кун якинлашаётганини сезиб турарди. Бу фурсат келишини тезлаштириш учун бепоён империяни бир силкитиш лозим эди. Уни уйкудан уйготиш керак, партия рахбариятининг мункиллаб колганидан фойдаланиб, хамма жиловларни кулга олиш зарур. Бунинг учун бир фавкулодда шароит юзага келиши шарт эди. Андропов КГБнинг хужайини булиши биланок шундай шароит юзага келишига ишонган эди. Худди шу умидда у Чехословакияга аскар киритишни тавсия этганди. Аммо капалаги учган чехлар унинг режасини бузиб куйди. Хозир бошка бир имконият юзага келди. Эронда шох ағдариб ташланганидан кейин хокимият тепасига ислом мутаассиблари келди-ю, бутун Урта Шарк минтакасида ахвол бекарор булиб колди. Ислом мутаассиблиги тулкиндай таралиб, Шарк давлатлари устига ёпирилди...

Хозирча бу ишларда коммунизмга карши кайфиятлар куринмасди. Ларзага тушган ва таркок холда ётган бу минтака – аслида советларнинг аралашувига мушток эди. Бу ерда Эрон ахволни баркарор килиб турган асосий омил хисобланарди. У харбий жихатдан бакувват булиб, АҚШ билан иттифоки туфайли эса янада кудратли эди. Ислом инкилоби туфайли пайдо булган кейинги бошбошдокликда Эрон бутунлай барбод булди. АҚШ исломнинг асосий душмани, деб эълон килинди. Техронда Америка элчихонаси тор-мор келтирилди, аммо у билан бирга махаллий компартия хам маглуб булди, унинг рахбарлари халк олдида осилди. Афгонистонда ғалаёнлар бошланди.

Ажойиб имконият туғилди. СССР бир зарба билан Афгонистон оркали Эрон ва Покистонга утиб, оз фурсатда илик Хинд океани сохилларига ва жахон нефти захираларига чикиб олиши мумкин эди.

Қиска муддатли ғолибона тадбир бошқа ҳамма фойдаларидан ташқари мамлакатда тартиб урнатиш имконини берарди. Мамлакатни халокат ёқасига олиб келган тинч-тотув яшаш сиёсатини ҳам, турли-туман «Хельсинки жараёнлари»ни ҳам бартараф қилиш, ғаламисларни жиловлаб қуйиш, Ғарбнинг бузғунчи таъсирига барҳам бериш, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, одамларни ҳушёр торттириш, партияни жипслаштириб, яна жанговар кураш йўлига олиб чиқиш мумкин буларди. Андропов бу режани амалга ошириш учун Афғонистондан кура тузукроқ жойни излаб тополмасди.

1978 йилнинг 27 апрель куни Афғонистонда коммунистик тунтариш содир булди. Бу тунтаришни Андроповнинг ходимлари бир неча йил мобайнида тайёрлаган эдилар. Муҳаммад Довуднинг демократик ҳукумати «Афғонистон Демократик халқ партияси» деган ном билан аталадиган коммунистик фракция томонидан ағдариб ташланди. Москванинг бевосита айғоқчиси Тараққий президент булди. Дарҳол СССРдан жуда кенг куламда иқтисодий ва молиявий ёрдам келди, Афғонистонга шуроларнинг минглаб «маслаҳатчилари» ёпирилди. «Ягона чин таълимот» асосида ҳаракат килган Тараккийнинг коммунистик ҳукумати дарҳол одамларни отишга, масжидларни бузишга, халқни ялпи талашга киришди. Бунга жавобан халқ исён кутарди. Уччига чиққан калтафахм одамгина мусулмон мамлакатида шундай бемаъниликларни қилиши мумкин эди. Исён тобора зурайиб борди, коммунистик тузумнинг ағдарилиши аниқ булиб қолди. Ғарб ҳеч қандай муносабат билдирмади. У ердагилар Москвани чучитиб юбормаслик учун нафасларини ичларига ютдилар. Табиийки, Кобулнинг коммунистик раҳбарлари уртасида дарҳол нифоқ бошланди. 1979 йилнинг 14 сентябрида янги тузумнинг Бош министри Амин президент Тараккийни отиб ташлади ва ўзини ўзи президент деб эълон килди. Тараккий кузғолон кўтарган халкни бостириш учун Совет Иттифокидан кушин киритишни сураб, битимга имзо чекмоқчи эди. Амин бунга карши чикди. У Москванинг Афғонистонга кушин киритиши жуда катта хато булажагига, унинг окибатлари халокатли эканига, исённи ўзи хам бостира олишига ишонтирмокчи булди. У Афғонистонда исён одатдаги вокеа, утмишда Абдулла деган кирол зур бир гапни айтиб кетган: «Афғонистон арининг

ини. Лекин унда ари куп-у, асал йуқ». Москва шароитни тушунмайди, деб туриб олди.

Аминнинг бундай кайфияти Андроповнинг хамма режасини чиппакка чиқарди.

Москвада Сиёсий бюро мажлисида Андропов Аминнинг купдан бери Марказий Разведка Бошкармасининг жосуси эканлигидан далолат берувчи хужжатларни намойиш килди. У СССРдан ёрдам беришни илтимос килмаяпти, сабабки, у америкаликлардан ёрдам сурамокчи. Америкаликларнинг таълимини олган, америкаликлар томонидан кайта куроллантирилган афғон армияси дархол бизнинг чегараларимизда иғвогарликни бошлайди. Улар Американинг ракета базалари ва аэродромларига таяниб иш юритишади. Қайси аэродромлар, дейсизми? Америкаликлар афғон тупроғига келгач, бир зумда уларни куриб ташлашади-да! Булар кандай окибатларга олиб келишини тасаввур хам килиб булмайди.

Кенгашда иштирок этган СССР Ташки ишлар министри Громико уз каналлари оркали олинган материалларга кура, Амин чиндан хам америкаликларга ёрдам сураб мурожаат килмокчи эканини тасдиклади (Громиконинг хотини ғайриқонуний тарзда мамлакатдан жавохир олиб чиқиб кетаётганда кулга тушган, шунинг учун Громико бирон оғиз гап билан Андроповга карши чиколмасди). Кобулдаги совет резидентининг маълумотига кура, Амин бир куни, хатто, шундай деган эмиш: «Худога шукур, тез орада америкаликлар келиб, бизда тартиб урнатишади!» Унинг бу хитобини совет разведкаси, хатто, плёнкага хам ёзиб олибди. Буларнинг бари гирт уйдирма эди. Кобулдаги резидент маълумот устига маълумот жунатиб, совет кушинларини киритмасликка даъват этарди. Совет резидентурасининг кулига шундай материаллар тушдики, улар Тараккийнинг хам, унинг партиясининг хам бошкалар кулида куғирчок булганини исбот киларди. Улар бу куғирчоклар фаолиятини туғридан-туғри СССРни бирон йирик минтакавий можарога тортишга йуналтиришган. Бунинг учун Тараккий 40 миллион доллар олган. Бу пулни у шериклари билан таксимлаши керак эди. Аммо у бундай килмади ва шу сабабли халок булди. Ҳафизулла Амин бу туда ичида миллий кайфиятдаги ягона арбобдир. У хаммадан ортик СССР

ва АҚШнинг Афғонистон тупроғида узаро тукнашувидан қуркади. Бу хужжатларга хеч ким ахамият бермади, ҳолбуки, уларни Андроповга маълум қилишган эди.

Андропов ҳеч качон Америкада бўлмаган, ҳатто, уни хуфия тарзда ҳам бориб кўрмаганди. Брежнев эса Америкага борган, борганда ҳам расмий ташрифнинг ҳамма расм-русмларини урнига қўйиб борганди. Америка унга маъқул келганди. У биринчи бўлиб қимматбаҳо фин жавонининг токчаларида Американинг чиройли шишалари ва Америка сигареталари сақлашни одат қилганди. Бу расм номенклатура уртасида жуда тез таркади. (Ахир доҳийнинг қиликларига тақлид қилса арзимайдими?) Уларга қараб, савдо аҳлининг зодагонлари ҳам шундай қила бошладилар. Кейин кимда-ким бунака қимматбаҳо нарсаларга кучи етса, у ҳам бу расмни ушлади. Шунинг учун, «америкаликлар келиб тартиб урнатади» деган сўзларни эшитиб, Бош котиб ҳорғин хурсинди. Кейин маршал Устиновга савол билан мурожаат қилди: «Армия Афғонистонда қанча муддатда тартиб урнатишга кафолат беради?» Устинов, афтидан, Афғонистонни Чехословакия билан аралаштириб юборган чоғи, қатъий охангда икки ҳафтада тула тартиб урнатилади, деб ваъда берди. «Жуда нари борса, бир ойга борар, – деб илова қилди Андропов, – кейин кўшинларни уйга қайтарамиз». Лекин дилида бундай қилиш фикридан батамом узоқ эди. «Тинч-тотув яшаш масаласи қандай булади? – деб суради Черненко. – Улар бизга бераётган қарзларини тухтатиб қуйишади-ку, Леонид Ильич?» Брежнев Громикога қаради. У узининг тортинчоқ маъюс табассуми билан жилмайди. «Тинч-тотув яшаш нимаси, Леонид Ильич? Ахир, улар мустақил Афғонистон ҳудудидан туриб, ракеталарини пеш қилиб, бизни кўркитмокчи бўлишяпти-ку!»

Брежнев кўзларини юмиб ўтирарди. Унинг кўкрагида Қаҳрамонлик юлдузлари ҳира ялтиллаб турибди. Бош котиб кўзларини очмай деди: «Бизга ҳарбий ёрдам сураб қилинган мурожаат, албатта, бўлсин. Тамом!» Сапчиб турган хос соқчилар Бош котибни утирган жойидан турғизиб, кўшни хонага олиб чиқиб кетишди. Укол қиладиган вақт бўлиб қолганди. Кўрукликнинг олтидан бирига ҳукмронлик қилувчи одам уколлар билан жон сақларди. Аммо Амин ужарлик қилиб

туриб олди. У уз мамлакатининг ҳудудларига бирон ажнабий армиянинг кириши ҳақидаги гапни эшитишни ҳам истамасди, чақириб олиб киришга эса икки дунёда ҳам рози булмасди.

1979 йилнинг 2 декабрида Қобулга Андроповнинг шахсий вакили, КГБ генерал-лейтенанти Папутин учиб келди. Унинг вазифаси Аминни кундириш эди. Агар бунга муваффақ булинмаса, Папутин Аминни уғирлашни уюштириб, Москвага олиб кетиши лозим эди. Москвада Амин билан гаплашиш осонроқ кучарди. Амин оёқ тираб туриб олди. У совет қушинларининг киришига йул қуймайди. 22 декабрь куни салла ураган, чопон кийган бир гуруҳ аллақандай каллакесарлар совет муассасалари ва ваколатхоналарининг ходимлари истиқомат қиладиган иморатга ҳужум қилишди, улар йигирматача СССР фуқаросини уллириб, каллаларини кесиб, найзага илиб Қобул кучаларидан олиб утдилар. Полиция уларга қарата ут очди. Қотиллар каллаларни ерга улоқтириб тумтарақай булишди. Полициячилар безориларнинг купчилиги саллаларини нотуғри урашганини сезиб қолишди. 23 декабрда Аминга нота топширилди. Унда айтилишича, «22 декабрдаги қонли можаро шундан далолат берадики, афғон томони совет фуқароларини ҳимоя қилиш вазифасини бажара олмаётир, шунинг учун Совет ҳукумати бу ишни уз қулига олишга мажбур».

Амин жавобни уйлаб булгунча, аскар киритиш бошланди. Бу иш худди Чехословакиядагига ухшаган тарзда амалга оширилди. 24 декабрда Кобулнинг шимол томонида, 50 чақирим узоқликда жойлашган Баграм аэродромига 105-гвардиячи ҳаво-десант дивизияси кисмлари туширилди. Бир вақтнинг узида шуро «маслаҳатчилари» афғон қисмларини ҳаракат қилиш имконидан маҳрум қилдилар – улар танк қисмларида дам олиш кунлари уюштирдилар, алоқани бутунлай узиб қуйдилар, афғон армиясининг ҳамма олий раҳбариятини зиёфатда ушлаб турдилар. Десантчиларнинг жанговар машиналари Кобулга бостириб кириб, пойтахтнинг стратегик жойларини назорат остига олдилар. КГБнинг махсус булинмаси («Дельта») Кобулдан жануброқда булган Доруломон қасрини ураб олди. Президент Амин шу ерда эди. «Дельта» президент қасрини қуршаб олаётган пайтда, генерал Папутин Аминни СССРга ҳарбий ёрдам сураб расман мурожаат қилишга ёхуд истеъфога чиқишга кундиришга зур бериб уринмоқда

эди. Унинг урнини Андроповнинг одами, Чехословакияда истиқомат қилаётган Бабрак Кармал эгаллаши керак эди.

Қасри куршаб олинганини курган Амин Папутинни отиб ташлаган ва сокчиларини бир жойга туплаб, касрга бостириб кирган парашютчилар билан жангга киришган. (Бошка тахминларга караганда, Аминни кулга олиш ҳакидаги буйрукни бажара олмагани ва бунинг учун кандай жазо олиши мумкинлигини билгани учун Папутин узини узи отиб улдирган.) Аминнинг жасади қаср йулакларининг биридан топилган. Режа бузилган. Амин ҳалок булса булганки, Андроповнинг иғвосига учмаган. Масала катта жанжалга айланган эди. Бу жанжални кейин ҳам сира силликлаб булмади. Совет қушинлари мустақил давлат ҳудудига бостириб кирдилар, унинг президентини улдирдилар ва мамлакатни истило килдилар. Жаҳон анграйиб қолди. Кармалнинг кечиккан хитоблари энди ҳеч кимни алдаёлмасди. Аммо чекинишнинг иложи йуқ эди.

Кушка ва чегарадаги бошка шаҳарлар орқали Афғонистонга 357-ва 66-моторлаштирилган укчи дивизиялар кирди. Улар мамлакатнинг ғарбидаги Ҳирот ва Фарах шаҳарларини эгалладилар. Айни чоқда 360-ва 201-дивизиялар Термиз томонидан бостириб бориб, Саланг йулагини ишғол қилдилар. Совет Иттифоқи ун йил давомида Афғонистонда катта йул куриб, унга «Дустлик» деб ном берган эдилар. Йул битгандан кейин бир ой ҳам утмай, унда совет танклари пайдо булди.

Аммо амалдаги ишлар Чехословакия вокеаларидан кескин фарқ қила бошлади. Халқ кузғолони шу пайтгача курилмаган куламга кирди. Ҳатто, аёллар ва болалар ҳам кулига курол олди. Шошилинч равишда Афғонистонга яна турт дивизияни олиб киришди. Мамлакатни истило килиб турган қушиннинг сони 150 минг кишига етди. Совет Иттифоқи узоқ муддатли ва оқибатларига кура жуда оғир харбий можарога кушилиб қолди. Оқибат шу булдики, бу ҳодиса унинг узини ҳалокатга олиб келган асосий сабаблардан бирига айланди.

Вашингтондагиларнинг севинчи ичига сиғмай қолганди. Тузоқ иш берди. Америка ва Оврупо ҳафталиклари рангдор муқоваларда чиқди. Муқовада тишлари қонга беланган, кузлари чақчайган, топталган мурдалар устидан қадам ташлаб бораётган, лекин иккала панжаси билан қопқонга илинган

ваҳший бир айиқнинг тасвири берилганди. Қопқонда «Афғонистон» деган ёзув бор эди.

Лекин ҳали булар ҳам ҳолва эди. Афғонистондаги можарода муваффақият козониш учун ҳар эҳтимолга карши Эрон хавфининг ҳам олдини олиб қуйишга қарор қилинди. Бу шароитда Эрондан ҳар нимани кутса буларди. Эрон АҚШдай иттифоқчисидан айрилди, асрий тизимларни кунпаякун килган инқилоб уни анча заифлаштирди. Шунинг учун Эрон Афғонистондан кейинги навбатдаги курбон сифатида куз остига олиб қуйилганди. Ҳозирча эса ислом инқилоби сардорларининг эътиборини Афғонистондан чалғитиб туриш керак эди. Зудлик билан Москвага Ироқ президенти, «социалистик йўналишдаги тараққийпарвар раҳбар» – Саддам Ҳусайн чақирилди. Унга чегара масаласида Эрон билан булган ҳамма эски тортишувларини жуда оддий бир йусинда ҳал қилиш мумкинлигини – ҳамма бахсли ҳудудларни аскар киритиб босиб оладиган фурсат етиб келганини очиқ айтишди. Уруш олиб бориш учун зарур булган қурол-аслаҳа, ёнилғи ва бошка нарсаларни Совет Иттифоқи беради. Ҳа, буларни Бағдод қанча талаб қилса, шунча беради. Аямайди. Ҳусайн рози булди, аммо урушнинг ҳар йили учун Швейцария банкидаги шахсий ҳисобига 500 миллион доллардан утказиб туришни талаб килди. Инфляцияни ҳисобга олган ҳолда, албатта. Қимматми? Эрон Афғонистонга юриш қилса-ю, Урта Осиёни газовотга кутарса, бу янада қимматга тушади.

Шундай қилиб, Ироқ қушинлари Эрон ҳудудига бостириб кирди. Саккиз йиллик мудҳиш ва қонли уруш бошланди. Урушда берилган курбонлар сонига ва қулланган усулларига кура бу уруш Биринчи жаҳон урушини эслатарди. Лол қолган жаҳоннинг куз олдида Исроилнинг иккита ашаддий душмани бир-бирини тилка-пора қила бошлади. «Қадим замонлардан бери Парвардигор бунака тухфани бизга инъом этмаган эди, – деди Исроилнинг бош вазири Бегин. – Биз, албатта, бу уруш ҳеч качон тамом булмаслиги чорасини курамиз». Шундай деб, у Исроил ҳарбий ҳаво кучларига ҳар эҳтимолга карши Бағдод якинидаги ядро ракеталарини бомбардимон қилишга буйруқ берди. Бу буйрук бажарилди. Сионизмни оғзига келган сузлар билан суккан Ҳусайн уз самолётларини Теҳронни бомбардимон қилишга юборди. Эроннинг оғир туплари Басрани укка

тутди. Басра – Форс қултиғидаги чинакам жавоҳир эди, уз вақтида Синдбод баҳрий сафарга шу ердан жунаб кетганди. Ана шу замбараклар садоси остида Исроил Ливанга бостириб кирди ва Фаластинни озод килиш ташкилотининг жамики ҳарбий тизимини тор-мор келтирди. Бир йула жуда катта микдорда совет куроллари сақланадиган омборлар ҳам йуқ қилинган эди. Бу омборларни барпо этишга Совет Иттифоки сунгги ун йил мобайнида бир ярим миллиард доллар сарфлаганди.

Афгонистондан эса СССРга ярадорлар ва майиб бўлганлар тушган эшелонларни ортда қолдириб, қорахатлар ва қурғошин тобутлар кела бошлади. Армия яна нечанчи марта бўлсайкин – жанговар ҳаракатлар олиб боришга тайёр эмаслигини намойиш этди. Москвадаги саркардалар ядро куролига маҳлиёлигича колган эди. Уларга ишониб, армия ҳам бутун мамлакат каби жаҳон стандартларидан жуда орқада қолиб кетганди. Алоқа ёмон, кийим-кечак ва аслаҳа масаласи ҳам чатоқ эди. Дала шароитида қон қуйиш учун қулланадиган асбоблар ёхуд совутгич мосламалар тўғрисида ҳеч ким эшитмаганди. Баланд тоғлар шароитида ҳаракат қила оладиган дурустроқ жанговар вертолёт ҳам йуқ эди. Озик-овқатларнинг сифати паст эди. Қисмларда сариқ эпидемияси бошланди. Итальян, америка ва исроил миналарига ҳеч кимнинг тиши утмасди. Партизанлар уларни ҳар қадамда минглаб қуйиб ташлаганди. Оёқларидан жудо бўлган ёш-ёш йигитлар совет госпиталларини тўлдириб юборди. Маълум бўлдики, давлат уларни майиблар аравачалари билан таъминлаш у ёкда турсин, ҳатто, оддий протезлар ҳам топиб беролмас экан.

«Коммунизм жон таслим қилмоқда, – деб хулоса чикарган эди воқеаларни шарҳлаган «Нью-Йорк таймс» газетаси. – Кремлнинг ҳозирги раҳбарлари уз империяларини ҳалокатга дучор қилиш учун қулларидан келган ҳамма ишни қилмоқдалар. Бундан улар қандай максадни кузлайди?»

КГБ ҳужайини уз хатти-ҳаракатлари билан қандай максадларни кузлагани америкаликлар учун коронги булса, Андроповнинг узига улар жуда аён эди.

Баграм аэродромида харбий-транспорт самолётларининг баҳайбат юкхоналаридан жанговар десант машиналари тушиб улгурмай, бутун бир бригада КГБ ходимлари академик

Сахаровнинг уйига бостириб киришди ва ҳеч қанақа ордер ёхуд қарор курсатмасдан рус водород бомбаси отасини қулга олишди. Машинага босиб, хорижликлар кириши ман этилган Горький шаҳрига олиб бориб ташлашди. Кейинчалик маълум бўлишича, совет қушинларининг Афғонистонга бостириб кириши ҳақида Сахаров гапириб қуймаслиги учун шундай қилишган экан. Уша куни оқшомда рус тилида эшиттириш олиб борадиган Ғарб радиостанцияларининг овозини учириб, уларни буғадиган станциялар чуввос солди. Мамлакат буйлаб яна қама-қамалар, сирли суиқасдлар, қотилликлар руй берди, уйларга ут қуйилди. Бу галги қурбонлар ҳам ҳар хил тан олинмаган шоирлар, рассомлар, янгича йўналишдаги бастакорларга ухшаш мутлақо бегуноҳ одамлар эди. Андропов уларни мавжуд тузумнинг ашаддий душманлари, деб ҳисобларди. Судлар ва трибуналлар терга пишиб меҳнат қилиб, «аксил-шуровий тадқикот учун, аксилшуровий адабиётни саклагани ва тарқатгани учун, совет тузумини заифлаштиришга йўналтирилган бошқа фаолияти учун» бир қолипдаги «етти йил камоқ ва беш йил бадарға» деган ҳукмни чиқара бошлади. Бундай ҳукм чиқариш учун хамма нарса – ёзиб, эълон қилмай ғаладонга ташлаб қуйилган шеър ҳам, Америка журнали, Солженициннинг китоби ёхуд Сахаровнинг сурати ҳам баҳона бўлиши мумкин эди.

Миллатни иллатлардан тозалаш буйича катта иш бошланиб кетди.

Ҳафсала билан вужудга келтирилган ана шу шароитда Андропов уз кучини ҳис қилди. Бу куч бутун мамлакат буйлаб кечалари билан ухламай Солженицин ёхуд Авторханов асарларидан нусха кучириб чиқарган талабадан тортиб Марказий Қумитада утириб Узбекистондан пора олувчи кули узун номенклатурагача бирдек сезилди.

Бир ҳамла билан Галина Брежнева теварагидаги барча шубҳали шахслар қамоққа олинади. Уларнинг курсатмалари асосида жавохирлар, ёкутлар ва зумрадлар контрабандаси буйича жуда катта иш қузғалади. Қамоққа олинганларнинг курсатмаларида Бош котибнинг кизи ҳамма жиноятларни уюштирган одам сифатида, унинг эри, генерал-полковник Чурбанов эса жиноятчилар тудасининг фаол аъзоси ва йирик порахур сифатида намоён булади. Излар Ички ишлар

министри муовини лавозимини эгаллаб турган Чурбановдан туппа-туғри Ички ишлар министри, армия генерали Шчелоковга ва партиянинг бош мафкурачиси Сусловга бориб тақалди. Уларнинг ортидан эса Бош котиб сиймоси ҳам кузга ташланиб қолди.

Операция шу даражада тезкорлик билан амалга оширилдики, аввалига ҳеч ким «миқ» этишга ҳам улгурмади. Андроповнинг муовини, Брежневнинг божаси, армия генерали Цвигун ҳуши жойига келгач, терговни барбод қилиш учун каттиқ урина бошлайди. Муҳим гувоҳлардан иккитаси ғойиб булиб қолади, камоққа олинганлардан бири камерада узини осиб қуяди. КГБ терговчиси подполковник Ляховни метро вагонининг тагига ташлашади, портфелини уғирлаб кетишади. Генерал Цвигун Андроповнинг ёнига шунақа бемаънигарчиликларга йул қуймаслик учун қуйилган эди-да! Аммо майнавозчилик тугади. 1982 йилнинг 19 январь куни армия генерали Цвигунни хизмат хонадонларидан бирида бошидан уқ еган ҳолда топишади. Махфий ҳужжатларни олиб қуйиш баҳонасида Цвигуннинг шахсий хонадонида тинтув утказадилар. Унинг уйидан топилган нарсалар купни курган КГБ ходимларини ҳам ҳанг-манг қилиб қуяди. Хуфия жойлардан олтита уч литрлик банка чиқади – уларнинг ҳаммаси дуру жавоҳирларга тула эди. Икки кишилик эски темир каравотнинг ҳамма ғовак жойлари жавоҳирларга тулдириб ташланган экан. Олтин ёмбиларнинг узи 35 килограмм келади. 100 долларлик ва ундан йирикроқ миқдордаги қоғоз пуллардан бир ярим миллион доллар!

«Совет халқи оғир жудоликка учради, – деб ёзган эди «Правда» газетаси 1982 йил 22 январь куни, – 1982 йил 19 январда узоқ давом этган оғир касалликдан сунг КПСС Марказий Қумитаси аъзоси, Олий Совет депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР КГБ раисининг биринчи муовини, армия генерали Семён Кузмич Цвигун вафот этди. Урток С. К. Цвигун 40 йилдан ортиқроқ ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ишлади... Партия уни 1939 йилда давлат хавфсизлиги органларига ишга юборган эди. Ушандан буен унинг бутун умри чекистнинг оғир меҳнаги билан боғлик кечди. С. К. Цвигуннинг хотираси барча совет халқи қалбида ҳамиша сақланиб қолади... Андропов, Горбачёв, Устинов, Черненко, Алиев, Бугаев, Шчелоков ва б».

Таъзиянома остида Брежнев ва Сусловнинг имзолари йуклиги ҳамманинг кузига ташланди. Шунингдек, Андроповнинг имзосидан кейин туғридан-туғри Горбачевнинг имзоси тургани ҳам купларни ҳайрон қолдирди. Устинов, Черненко ва Алиевлардан олдин турибди.

Цвигун – Брежневнинг божаси. Уларнинг хотинлари – опа-сингил. Вера Цвигун тинтувдан кейин опасига кунғироқ килишга уринади, аммо ҳаракати беҳуда кетади. Цвигуннинг ҳалок булганини билган Суслов куркувдан эс-ҳушини йукотиб қуяди ва Таман ҳамда Кантемир дивизияларини оёққа турғизиб, Москвага олиб киришни буюради. Бу туғрида у на Устиновга, на Огарковга хабар беради. Тревога билан оёққа турғазилган дивизиялар Бош штабдан бу буйрукнинг тасдиғини олмокчи булишади.

Улар ҳеч нарсани билмас эканлар. Марказкумга кунғироқ килишади. Бундан ҳам фойда чиқмайди. Сунг Кремлга, урток Сусловга кунғироқ килишади. Сусловнинг қабулхонасидагилар «урток Суслов узининг иш кабинетида, афтидан, телефонни узиб куйиб ишлаётган бўлса керак», деб жавоб килишди. Кабинет ичидан кулфланган эди. Эшикни очиб карашса, партиянинг бош мафкурачиси полда ҳушсиз чузилиб ётибди. Етиб келган врачлар дарров ташхис қуйдилар, канд касаллигининг хуружи. Суслов сурункали канд касаллигига мубтало эди, вакт-вакти билан Кремлдаги можароларга боғлиқ равишда бу касал зурайиб турарди. Шахсан Евгений Чазовнинг узи Сусловга укол килди. Эртаси куни Суслов ҳушига келмай вафот этди.

Москвадаги Ғарб мухбирлари содир булаётган воқеаларни турли йусинда узларича шарҳлай бошладилар. Улар кун сайин ҳокимият учун кураш кескинлашиб бораётганини куриб туришарди. Воқеалар Ғарбдаги энг зур жангари фильмлардаги каби зур суръат билан ривожланиб борарди. Инглиз тилини дурустгина биладиган Андроповнинг севимли китоблари Форсайтнинг «Қашқир куни», Мартин Смитнинг «Горький парки» ва Роберт Конивистнинг «Катта қирғин» деган романлари, севимли газетаси эса «Вашингтон пост» булгани бежиз эмас эди.

«Вашингтон пост» газетасининг мухбири Москвадан хабар килади: «Кеча ТАСС Кремлнинг Бош мафкурачиси,

КПСС Марказкумининг котиби Михаил Сусловнинг 79 ёшида вафот этганини эълон қилди. Шуниси эътиборга лойиқки, бу сўнгги бор неча кун давомида Кремлда қуккисдан содир булгаи иккинчи қазодир. 19 январь куни Брежневнинг божаси, КГБ раисининг биринчи муовини генерал Семён Цвигуннинг ҳам вафот этгани эълон килинган эди. Москвадаги хорижий мухбирлар Цвигуннинг улимини яширин иктисод рахнамоларининг ялпи камалиши билан боғламоқдалар. Совет Иттифокида бундай камашлар давом этмокда. Брежневнинг қизи Галинанинг якин дустлари – цирк ходимлари ва артистларининг қамалгани ҳақида маълумотлар бор. Галинанинг узи эса сурок қилинибди. Ташки савдо министрининг муовини лавозимини эгаллаб турган Брежневнинг ўғли Юрий эса бир неча кундан бери ишда куринаётгани йуқ. Ака-сингил яширин иктисодий мафиянинг фаолиятига яқиндан алоқадор ва КГБ генерали Цвигун узининг мансаби ҳамда обруйи билан уларга ҳомийлик килган деган тахминлар бор. Москвада Цвигун бу мавзуда Михаил Суслов билан очикчасига гаплашиб олгандан кейин уз жонига қасд қилди, деган миш-мишлар юрибди. Унинг килган иши Сусловни ва Брежневнинг узини ҳам ғазблантириб юборди. Бу миш-мишлар бевосита шу факт билан тасдиқланадики, Цвигунга берилган таъзиянома остида на Брежнев, на Суслов имзо чеккан. Ҳолбуки, Цвигун КПСС Марказкуми аъзоси ва Брежневнинг якин қариндоши эди. Бундан ташқари, КГБ раисининг биринчи муовини ва ҳукумат аъзоси Цвигуннинг жасади расмий ҳукумат қабристонига кумилмади. Бу ишларнинг барини Суслов фош қилганмиди ёхуд унинг узи бу ишларда иштирок этганмиди – ҳар ҳолда нима булганда ҳам у узоқ яшаёлмас эди. Нафақат Суслов, Олий совет рахбариятининг пора билан заҳарланган ботқоғида кескин харакат килишга интилган бошқа ҳар қандай одам ҳам узоқ яшаёлмасди».

Андропов, КГБ доираларига ортик сиғмай колган эди. У идорасини ҳеч кимга маълум булмаган генерал Федорчукка топшириб, КПСС Марказкуми Котибиятига – марҳум Сусловнинг урнига утади. Сиёсий бюро ари уясидай туполон булиб кетади. Андропов уз ҳамкасблари Мазуров ва Кириленкони ҳузурига чакириб, уларнинг сермашаккат фаолиятларига доир баъзи ҳужжатларни курсатади ва бундан кейинги

ҳаётлари туғрисида уйлаб куришни таклиф этади. Ортиқ шикоят киладиган одам йук. Қизи, уғли, укаси билан булган можаролардан ва божасининг ҳалокатидан кейин Брежнев ҳеч ким билан гаплашишни истамаяпти. Унинг соғлиғи бирдан ёмонлаша бошлади.

Мазуров индамай истеъфога чикади. Кириленко аҳволнинг жиддийлигини англамагани сабабли, Сиёсий бюронинг навбатдаги мажлисига келади. Сокчилар уни дағаллик билан тухтатиб, Кремлга кириш рухсатномасини олиб куйишади ва унга Андроповнинг буйруғини айтишади. Кириленко чорбоғига бориб, уша ерда махсус фармойишлар булишини кутиб утириши керак. Андропов билан Горбачёв кечасию кундузи тиним билмай ишлашади. Улар Кулаков ва Машеровнинг халокати билан барбод булган режани яна амалга ошириш ҳаракатига тушадилар. Бирок бу гал энди – Андропов Сиёсий бюрода хужайин. Эски майдон хавотир ичида сукутга чумади. Афсонавий номенклатура мулкини Сталин вафот этган замонлардан бери курилмаган мудхиш кескинлик чулғайди. Номенклатура дохийлари кариб, мункиллаб колган, олий хокимият чуккиларини босиб олаётган «давлат хавфсизлигидан чиккан муттаҳам»га ортик каршилик курсатолмайди. Бемалол ишлайдиган замонлар етиб келди. Гайдар Алиев Бокудан Москвага утказилади. Унинг Озарбайжондаги номенклатурачиларга аямай берган камок муддатлари хамманинг эсида. Эндиликда Озарбайжонда синовдан утган иш усулларини у бутуниттифок куламида куллаб куради.

Навбатдаги зарба, нихоят, Медуновга берилади. Уни Москвага гуё Марказкум мажлисига чакиришади. Андропов унга Краснодар улка кумитасининг биринчи котиби вазифасидан озод этилганини айтади. Краснодарда Медуновнинг уйида янги партия раҳбари кучиб келиши муносабати билан ремонт килинади, деган баҳонада тинтув утказилади. Туртта контейнерда мусодара килинган буюмларни Москвага олиб келишади. Фақат Брежневнинг шахсан аралашувигина Медуновни кутқариб колади. У бир амаллаб Мева-сабзавот саноати министри лавозимига илиниб колади. Аммо у келажаги барбод булганини, умридан санокли кунлар колганини яхши тушунади... Москвада кутилмаганда Балик саноати министри Ишков ва унинг муовини Риков камокка олинади. Тинтув

вактида ҳар бирининг уйидан 6 миллион сумдан ортиқ совет пули ва миллион доллардан ортиқ валюта чиқади.

Номенклатура устига тўғридан-тўғри ҳужум давом этмоқда эди.

Дахшатга тушган номенклатурачилар Брежневга илтижо қилишади. Ахир, Бош котиб ҳали хаёт-ку! Ахир, у 16 йил мобайнида уларнинг раҳнамоси ва валинеъмати булмаганмиди? Нима булаяпти узи?

Нима булаётганини Брежневнинг узи ҳам тушуна олмайди. Андропов тавозе ва эҳтиром билан ҳафта сайин Бош котибнинг столига бири-биридан қизиқ маълумотларни қуйиб туради.

«...Операция давомида «яширин иқтисодиёт» корчалонлари билан КПСС Марказкуми Бош котиби урток Л. И. Брежневнинг оила аъзолари уртасида турли-туман алокалар борлиги фош булди. Жуда эҳтиёт булиб қилинган ҳисоб-китобларга кура, урток Л. И. Брежневнинг оила аъзолари фақат сунгги уч йил мобайнидагина тўғридан-тўғри пул билан ва ҳар хил қимматбаҳо тошлар, муйна, ноёб антиқа буюмлар, музейлардан ўмарилган нодир буюмлардан совға тарзида умумий миқдори қуйидагича пора олганлар:

Галина Леонидовна Брежнева-Чурбанова – 3,1 миллион сум ва 600 минг доллар.

Юрий Леонидович Брежнев – 3,4 миллион сум ва 450 минг доллар.

Яков Ильич Брежнев – 1,4 миллион сум ва 500 минг доллар.

Семён Кузьмич Цвигун – 4,2 миллион сум ва 1,5 миллион доллар.

Л. И. Брежнев оиласига мансуб мазкур шахслар жиноий фаолиятга жалб қилинганларидан кейин ҳар хил вазирликлар ва мансабдор шахслар каршисида яширин иқтисодиёт корчалонларига ҳомийлик қилиб, уларнинг давлат фондидан хом ашё, ускуна ва машиналар олишини таъминлаганлар. Шунингдек, жиноятқор унсурларнинг олий партия ва давлат мансабларини эгаллашларига кумаклашганлар...»

Бундай маълумотларни укигач, Брежнев анча вактгача индамай колар, кейин Андроповдан Афгонистондаги уруш качон тамом булишини сурарди. Бу уруш, ахир, уч йилдан бери давом этяпти, ғалабадан эса ҳамон дарак йуқ. Ахир

Андропов бу урушни бир ой мобайнида тугатишга ваъда берган эди-ку!

«Бунинг учун аввал мамлакат ичкарисида тартиб урнатиш керак», – деб жавоб беради Андропов.

Албатта, Андропов келтириб турган маълумотларни укиш Брежнев учун осон кучмас эди – хаста кария сунгги кучлари хам тугаб бораётганини хис киларди. Аммо Андроповга хам осон тутиб булмасди – унга келаётган маълумотлар хам одамни хурсанд киладиган хушхабарлар эмасди. Нима деганда хам, Юрий Владимирович 68 ёшга кирди. У укишга мажбур булган маълумотлар партия ва давлат рахбарларининг уғрисифат оила аъзоларини фош этувчи маълумотлардан баттаррок эди.

Варшава шартномаси барбод буляпти. Польшадаги «Солидарность» Шаркий блокнинг хамма мамлакатларини расво килиб булди. Польшада харбий холат жорий килиниб, давлат тепасига генерал Ярузельский бошчилигидаги харбийлар келгандан кейин, армияда ғалати вокеалар содир була бошлади. Афгонистонда уч йилдан бери ёввойи тоғликларни енга олмай конига беланиб ётган буюк давлат армиясининг маршаллари Польша мисолида кийинчиликларни бартараф этиш имконини кургандай булишди. Бунинг учун Варшава шартномаси мамлакатларининг хаммасида, жумладан, СССРда хам харбий холат жорий килиш керак. Материаллар мунтазам равишда тупланиб турибди, хаддан ташкари эхтиёт булиш керак. Армия билан хазиллашиб булмайди, лекин уни талтайтириб хам юбормаслик зарур. КГБнинг Андроповга буйсунадиган Махсус булимлари саркардаларнинг хар бир харакати ва фикрларини каттик кузатиб турибди. Жиндай шубха тугиладиган булса, улар билан пачакилашиб утирилмайди. «Тусатдан вафот этди», вассалом[1]. Хозир нечундур маршал Устиновнинг чопарлари ва югурдаклари Польша, Венгрия,

---

[1] Армия бутун социалистик лагерь буйлаб харбий тунтариш ясашга тайёрланаётгани тугрисида гувохлик берувчи анчагина далиллар бор. Бу ёмон булармиди, йукми – маълум эмас, чунки бошка мамлакатларнинг тажрибаси шуни курсатадики, тоталитаризмдан демократия сари факат муваккат харбий диктатура оркали утиб борилади. Фитна унгидан келмади — КГБ хушёрлик килиб колди. Бу Андропов вафот этиши биланок содир булди. Бу уринда тафсилотларни келтириб утириш жоиз эмас. Факат расмий маълумотларни келтириш билан чекланамиз:

ГДР ва хатто, Муғулистон буйлаб ғимирлаб колишди. Ҳар эҳтимолга қарши дўстона армиялар ҳаракатини бир-бирига мувофиклаштиришяпти. Лекин бошқа маълумотлар ҳам бор.

Брежнев Ғарбдан яҳудийлар мухожирлиги ва хоин-диссидентларга жазони юмшатиш эвазига бир амаллаб олаётгани қарзлар бериш тухтаб қолди. Тухтаса тухтасин, биз ҳам бошка ҳеч кимни чикармаймиз, биров ғинг деса дарров турмага тиқамиз. Агар бирортасини турмага тикиб булмаса, мамлакатдан ҳайдаб юборамиз ва фуқароликдан маҳрум киламиз. Улуғ машшоқ, дунёнинг биринчи виолончелисти Мстислав Растропович билан унинг хотини, атоқли опера хонандаси Галина Вишневскаяни совет фуқаролигидан маҳрум этишганларини эшитиб, бутун дунё аҳрайиб қолди. АҚШ президентининг ўзи уларни аэродромда кутиб олди ва бундай фуқароларга эга булиш Америка учун буюк шараф, деди. Совет Иттифокида эса алмаштириб булмайдиган одамлар йўқ. Раҳматли Иосиф Виссаринович шунака дейишни яхши курар эди. Ғарбда эса ҳамма жазавага тушган, аксилкоммунизм ва аксилшуровийлик авжида эди. Ғарбий Оврупо компартиялари аллақандай «оврукоммунизм» деган нарсани уйлаб чиқаришди, шу билан улар, бир оз булса-да, ўзларини Москвадан ва унинг жиноятларидан нарирок олишгандай булишди.

65 йил мобайнида уларни ким боқиб келганини ва ҳозир ким боқаётганини унутишган куринади. Қайси пулга боқишган? Ҳатто, Андропов ҳам, КҒБ раиси булишига қарамасдан, мамлакатнинг олтин захираси канча эканини ва бир йилда канча олтин чикарилишини аник билолмади.

«1984 йил 2 декабрида ГБСП Марказкуми Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри, армия генерали Гофман тусатдан юраги тухтаб колиб вафот этди».

«15 декабрда ВСИП Марказкуминнинг аъзоси, ВХР мудофаа министри армия генерали Олах 59 ёшида юраги тухтаб колиб, тусатдан вафот этди».

«16 декабрда 66 ёшида ЧССР миллий мудофаа министри, ЧКП Марказкуми аъзоси, армия генерали Дзур юраги тухтаб колиш окибатида тусатдан вафот этди».

«20 декабрда КПСС Марказкуми Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоки Маршали Устинов вафот этди».

Мудофаа министрларига кирон келганми, нима бало? Ғалати-а, шундай эмасми?

«Мутлако махфий» деган ёзув остида олтита идора мутлако бир-бирига ухшамаган маълумот беришарди. Маълумотларда, бир мингдан ун минг тоннагача рақамлар тилга олинарди. Ҳеч ким ҳар йили нимага ва қанча олтин сарфланишини аниқ айтиб беролмасди. Давлат банки ва Ташки иктисодиёт банкининг маълумотлари ғоятда мавхум эди. Марказкумнинг Халкаро булими ва Ишлар бошқармаси йиғма маълумотларнинг йуклигини рукач килишади. Олий Советнинг молия комиссияси куркувдан кузини пирпиратар, Молия министрлиги эса уз манбаларига таяниб туриб, мамлакатнинг олтин захираси 2100 тонна деб маълумот берди. Шундай деганда юзи кизармади хам. Колган олтинни факат тинтувлар ёрдамида топиш мумкинлиги аён куриниб турарди.

Қимматбаҳо тошлар борасидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмасди. Ёкутистон Министрлар Совети Раисининг муовини Степан Платонов шахсан ташаббус курсатиб, Андроповга олмос ишлаб чикарувчи саноатдаги аҳволни, ҳар йили канча ишлов берилмаган олмос топилишини ва улар сирли равишда каёкка ғойиб булишини айтиб бермокчи булган. Икки кундан кейин у овда отиб улдирилади. Бу котилликни Ёкутистон шаҳар партия кумитасининг котиби Соломов буйнига олади. Суд Соломовни руҳан хаста, деб тан олади ва «жиннихона»га жунатади. Икки ойдан кейин у жиннихонадан чиқади ва Магадан вилоят партия кумитасига булим бошлиғи килиб жунатилади. КГБ уз йули билан тафтиш утказади ва аниқлайдики, Платоновни КПСС Марказий Кумитасининг масъул ходими отиб улдирган экан. Овни махаллий партиявий раҳбарлар шу масъул ходимнинг шарафига уюштирган эканлар. Йулйулакай яна шу нарса аникландики, Платонов овга бормокчи эмас экан, аммо уни КПСС Ёкутистон область кумитасининг биринчи котиби Чиряевнинг буйруғи билан овга олиб кетишган. КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими бамайлихотир Москвага кайтиб келди. Андроповнинг кулидан келгани шу булдики, у «Ёкутолмос» ишлаб-чикариш илмий бирлашмасининг ҳамма сокчиларини алмаштирди ва уларнинг директори килиб генерал Васильевни тайинлади. Андропов генералга шахсан ишонарди. Олмос ишлаб чикарувчи саноат объектларини куриклаш буйича махсус милиция бошкармаси сиёсий ишлар буйича муовинининг хизмат кабинетида, 1981

йил 21 январь куни генерал Васильев Макаров туппончасидан отиб улдирилди. Уни сиёсий ишлар буйича муовин, полковник Целуйконинг узи отган эди. Целуйко Васильев узини узи отди, деб даъво килди. Васильевнинг кабинетида тинтув утказдилар ва у Москвага жунатиш учун тайёрлаб куйган олмосларни уғирлаш хакидаги махфий материалларни олиб кетишди. Шундан кейин яна бир катор котилликлар, уз-узини улдиришлар, баланд каватлардан сирли йикилишлар содир булди, аммо Андропов, барибир, олмосларнинг каёкка ғойиб булишини билолмади. «Тинтувларда топамиз», – дея у уз тобеинларига таскин берарди.

Э-э, олмосни гапирасиз-а! Миллион-миллион тонна нефть аллакаёкка ғойиб буларди ва унинг изини топишнинг иложи йук эди. Аммо мутлако аник ракамлар хам бор эди: улар мамлакатда мехнат самарадорлиги жуда тез суръатлар билан пасайиб кетаётганини, пулнинг кадри тез тушиб бораётганини курсатарди. Йил сайин содир булаётган хосилсизлик борган сари тахдидли куламларга кириб бормокда эди, аммо хозирча, хеч ким Горбачёвнинг мушугини пишт демасди. Кишлок хужалиги билан шуғулланишга унинг вакти йук, унинг бошка заруррок ишлари бор.

Кремлдаги нифок хал килувчи боскичга кутарилади. Андроповни Олий хокимиятдан ажратиб турган энг сунгги тусикни – Брежневнинг узини йукотиш керак.

Андропов билан Горбачёв Сиёсий бюронинг навбатдан ташкари мажлисини чакириб, унда «Брежнев шахсига сиғинишнинг мамлакат учун салбий окибатлари туғрисида» деган масалани кун тартибига куймокчи буладилар. Бу масалада Андроповнинг узи доклад килиши, Горбачёв музокарада уни куллаб чикиши керак эди. Кекса, хаста Бош котиб буйнига Афғонистонни хам, поляклларнинг «Солидарность»ини хам, СССР мавкеининг Якин Шаркда заифлашиб колганини хам, жахонда коммунистик харакатнинг хароб булганини хам, ички ишларда «яхудий, арман ва немис мухожирлигига ижозат беришда ифодаланган» либерализмни хам (бу эса «иттифокдош республикаларда миллатчилик кайфиятларини уйготишга ва СССРдан чикиш тамойилларини кучайтиришга олиб келган»), порахурликни хам, шунингдек, «мехнаткашларни мафкуравий

тарбиялашнинг сусайганини, уларнинг коммунизм ғояларига ишончи деярли таг-туги билан махв этилганини ва мавжуд тузумга ёппасига танқидий муносабат кучайганини» юклаш мулжалланган эди. Шундан келиб чиқиб, иззат-икромини урнига қуйган ҳолда Брежневни нафакага жунатиш ва мамлакатни янги йуналишга солиб юбориш кузда тутилганди. Сиёсий бюро қуйидаги узоқ муддатга мулжалланган давлат сиёсатини тасдиклаши керак эди.

«Ташки сиёсат соҳасида:

1. Афғонистондаги урушни тула ҳарбий ғалаба билан якунлаш.

2. Поляклларнинг «Солидарность»ини буткул ва узил-кесил йўқ килиш.

3. Польша ва Афғонистон мисолида куриниб турибдики, Совет Иттифокининг хатти-ҳаракатларига карши туришда Ғарб мамлакатлари сусткашлик килмоқдалар. Шундан келиб чикадиган устунликлардан тула фойдаланиш керак. Бутун дунёдаги халқ озодлик ҳаракатларига, Якин Шарк, Лотин Америкаси ва Африкадаги коммунистик ҳамда аксилимпериалистик кучларга имкони борича тула даражада ҳарбий ёрдам курсатиш даркор. Афғонистонни узил-кесил советлаштиришдан кейин икки йил мобайнида бутун Урта Шарк минтақаси устидан назорат урнатишни таъминлаш лозим. Бунга Форс султиғининг нефть захиралари устидан урнатиладиган назорат ҳам киради.

4. АҚШ ва НАТО мамлакатлари уртасида вужудга келадиган келишмовчиликлар берадиган ҳамма устунликлардан фойдаланиш керак. Бу мамлакатлар уртасига нифоқ солиш ва капиталистик дунёда АҚШни бутунлай яккалатиб қуйишга эришиш зарур.

Ички сиёсат соҳасида:

1. Диссидентлик ҳаракатини, диний мазҳаблар ва диний жамоаларни аямай бостириш.

2. Мухожирликнинг ҳамма шаклларини тухтатиш.

3. Ишга ярокли барча ахолини тула ҳисобга олиш ва ишчи ҳамда хизматчиларни уларнинг корхоналари, колхоз ва совхозларига доимий биркитиб куйиш. Бу иктисодий ахволни кескин даражада яхшилашга имкон беради ва озик-овкат махсулотларини саноат тақсимлагичлари тармоғи оркали фақат меҳнаткаш ахоли уртасида тақсимлашни кафолатлайди.

4. «Яширин иктисодиёт»ни ва аксилшуровий ҳамда капиталистик кайфиятларнинг бошқа куринишларини буткул маҳв этиш. Бу мақсадда бир қатор намунали суд жараёнларини утказиб, уларда улим жазосини чиқариш ва ҳукмни элу юртнинг куз унгида ижро этиш керак.

5. Янги ички ва ташқи сиёсатнинг вазифалари муносабати билан совет армиясининг сонини купайтириш кузда тутилсин. Бунга муддатли хизмат даврини қурукликдаги кушинларда икки йилдан беш йилгача, ҳарбий-денгиз флотида уч йилдан етти йилгача купайтириш йули билан эришилсин...»

Бу лойиҳа билан танишиб чиққан Горбачёв Андроповга кўрка-писа фикрини айтди: бундай оламшумул ниятларни амалга ошириш учун АҚШдан каттарок қарз олинса яхши буларди. Акс ҳолда лойиҳани руёбга чиқариб булмайди. Пул йук.

Андропов жилмайди: «Пул топамиз. Энг муҳими, кукқисдан ҳаракат қилиш, белгиланган режанинг ҳаммасини катъият билан, изчил ва аёвсиз амалга ошириш керак».

«Албатта, – деб унинг гапига кушилади Горбачёв. – Муҳими бошлаб олиш, кейин жараён юришиб кетади. Аммо лойиҳани ҳали ишлаш, экспертларга кўрсатиш зарур. Хуллас, шошиш ярамайди. Менимча, ҳозирги Сиёсий бюро уни тасдиқламаса керак».

«Брежневми? – дейди Андропов. – Албатта, бу лойиҳа Брежнев учун эмас».

Кутиб туришга қарор қилишди.

Бир ҳафтадан кейин бу лойиҳа Америка матбуотида босилиб чиқди.

Катта жанжал кутарилди.

Материалларнинг босиб чиқарилишини Марказий Разведка Бошқармаси томонидан уюштирилган разил сохтакорлик, деб эълон қилдилар. МРБ аксилшуровий жазаванинг янги тулкинини туғдириш учун шундай килганмиш.

Лойиҳа машинкада турт нусхада босилган эди. Унинг турттала нусхаси ҳам Андроповнинг узида сақланарди. Лойиҳа билан у турт кишини таништириб улгурди. Улардан кайси бири лойиҳани Ғарбга ошириб юбордийкин? Машинкада лойиҳани босган котиби француз разведкасининг жосуси эканини Андропов билганда борми?

Брежнев ҳали тирик. Брежнев Андроповни ҳузурига чақириб: «Бу нимаси?» – деб суради.

Андропов империалистик матбуотда пайдо булувчи ҳамма ёлғон-яшиқлар учун масъулиятни ололмайман, деб жавоб берди.

«Менинг улишим мумкин эмас, – деди кутилмаганда катъий оҳангда Брежнев. – Менинг вафотимдан кейин биронта одам шунака бемаъни режаларни амалга оширмоқчи булса, қандай уласан? Улар бутун мамлакатни узил-кесил ҳалок қиладилар».

Андропов индамади.

Брежнев эса жон таслим килиш у ёқда турсин, аксинча, узини анча бардам ҳис қила бошлади. У узини шу даражада бардам ҳис килдики, ҳатто Тошкентга, дусти Рашидовнинг ҳузурига бориб келмоқчи булиб қолди. Қарияни аҳдидан қайтаришга ҳаракат қилишди, аммо у сузида қатъий туриб олди. Албатта, бу шунчаки бир инжиқлик эмас эди, аммо Брежневнинг кузлаган мақсади номаълумлигича қолди. Шароф Рашидов узининг дусти, ҳимоячиси ва валинеъматини жуда катта дабдаба билан кутиб олди. Брежнев халқ билан гаплашмоқчи эди. Авиация заводининг баҳайбат цехида «фаоллар»нинг митинги булди. Уртадаги минбарга Брежнев генерал Жаровнинг ёрдами билан бир амаллаб кутарилди. Брежнев нуткини одатдагича чайнала-чайнала бошлаганида цехда сиқиқ ҳаво кувури ёрилиб кетди. Қулокларни коматга келтирган гумбурлаш эшитилди, кейин чийиллаган ҳуштак овози янгради. Бу шовқин-суронни портлаш деб уйлашди. «Фаоллар» ва сокчилар куркувдан ҳушларини йукотиб, цех буйлаб югура бошладилар. Хос сокчилардан бири куч билан Брежневни полга йиқитиб, уни пана қилиб, устига ётиб олди. Бу вокеа Брежневни саросимага солиб куйди, хос сокчиларнинг ҳаракатидан у каттиқ азият чекди. Буларнинг бари навбатдаги инсультга сабаб булди. Касалхонага олиб келишганда, Бош котиб клиник улим ҳолатида эди. Куп йиллар давомида хаста доҳийдан бир қадам ҳам жилмаган реанимания гурухи бу гал ҳам унинг жонига ора кирди. Брежнев тирик колди, аммо унинг на тили бор эди, на ҳаракат кила оларди. Лекин унинг сира улгиси йуқ эди. У яна тузала бошлади ва ҳатто, 1982 йилнинг 7 ноябрь куни Мавзолей минбарида охиригача туриб берди.

Икки кундан кейин партия ва давлат бошлиғи бир туда машиналар ҳамроҳлигида Кремлнинг Броневицкий дарвозасидан чиқди. Машиналар Москва яқинидаги Жуковка қишлоғи томон йул олганди. Бу ерда ҳукумат чорбоғлари жойлашган эди. Машиналар тупининг бошида ҳар доимгидек, сигналларини ванг куйиб, чироқларини ялт-юлт қилиб ГАИнинг махсус машиналари борарди. Уларнинг орқасидан сокчилар тушган кора машиналар ва Брежневнинг машинаси. Кейин яна сокчилар тушган икки машина ортидан садоқатли реанимация бригадаси. Сунгги олти йил ичида бу бригада неча марталаб Брежневнинг жонини асраб колди. Машиналар шаҳар ичидан кетиб борар экан, реаниматорлар машинасидаги бир ғилдиракнинг дами чиқиб кетди. Тезлик катта булгани учун машина бир томонга оғиб, бир иморатга бориб урилишига сал колди. Кулланмага кура кетаётган машиналарнинг ҳаммаси тухташи керак эди. Лекин негадир бундай булмади. Тезликни камайтирмасдан ҳамма машиналар тезрок Москвани тарк этишга ошикишди. Бирдан Брежневнинг кунгли айниб, кайт кила бошлади. Машинага чиқишдан аввал у бир стакан сут билан битта кулча нон еб олган эди. Бош котиб сутнинг алланечук ғалати таъми борлигидан зорланибди. Черненко буни эшитибди. Аммо овкат масаласида Брежневнинг инжиклиги маълум эди, шунинг учун ҳеч ким бунга эътибор қилмади. Брежневнинг аҳволи борган сари ёмонлаша бошлади. Машиналар тухтади. Маълум булдики, реаниматорларнинг машинаси йуқ. Уларнинг машинаси аварияга учрагани тўғрисида лоақал радио-телефон орқали ҳам хабар қилишмабди. Бош котибнинг машинасида бирга келаётган навбатчи врачнинг ёнида тез ёрдам чемоданчасидан бошка нарса йуқ экан. Айтишларича, врач кулидан келган ҳамма нарсани қилибди. Чорбоққа олиб келишганда Брежнев оламдан утган эди...

КПСС Марказкумининг янги Бош котиби қилиб, бир овоздан, Андроповни сайлашди. Мамлакат буйлаб бир зумда бу сайловлар қандай утгани ҳақида латифа тарқалди:

«Уртоқлар! Урток Андроповни Бош котиб қилиб сайлашга розилар девор ёнидан узоқлашиб, кулларини ёнларига тушириб, юзларини бизга қаратишлари мумкин!»

Андроповнинг биринчи ошкора фармойиши «Фуқароларга муйнали ҳайвонларни сақлаш ва урчитишни ман этиш

ҳақидаги» фармон булган эди. Фармон суксур ва бошка муйнали ҳайвонларга доир эди (муйна ҳам партиянинг олтинида!), аммо у шундай тузилган эдики, унга қараб мушуклар ҳам муйнали ҳайвонлар каторига кирадими-йукми – билиб булмас эди.

Бепоён мамлакатнинг шаҳару қишлоклари буйлаб эса аллақачон жиддий фармойишлар тарқала бошлаганди.

«Аввалари КГБ назорати остида булган ҳамма шахслар куйидаги фаолиятлари учун қамоққа олинсин:

1. Ёзма, оғзаки ва бошка шакллардаги аксилшуровий тарғиботи ва ташвиқоти учун.

2, Аксилшуровий мазмунга эга булган матбаа нашрларини, видеоматериалларни, кургазмали ташвикот буюмларини ва совет давлати ҳамда ижтимоий тузумини заифлаштиришга йуналтирилган бошка ҳар кандай материалларни сақлагани ва тарқатгани учун.

3. Совет давлати ва ижтимоий тузумини қораловчи ҳар қандай туҳмат ва бухтонлар тарқатгани учун.

4. Махсус белгилаб куйилган жойлардан ташқарида диний тарғибот олиб боргани учун. Бунда, айникса, баптистлар, адвентистлар ва кришнаитларга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Валюта операциялари ва антика буюмлар контрабандаси учун...»

Ишлар кизиб кетди. Қуролли патруллар туғридан-туғри куча-куйларда йуловчиларни тухтатиб, текшира бошладилар, улар ҳаммомлар ва сартарошхоналарга бостириб киришди, пивохоналарни куршаб олиб, у ердаги одамлардан нима учун ишда эмасликларини суриштира бошладилар. Меҳнат интизомини шу йул билан мустаҳкамлашга киришдилар.

Афғон урушининг гулхани янгидан-янги дивизияларни ямлашда давом этарди. Афғон партизанлари урушни Биринчи жаҳон уруши давридан қолган эски инглиз милтиқлари билан бошлаган эди. Эндиликда уларнинг ихтиёрида оғир артиллерия, йирик калибрли пулемётлар пайдо булди. Ҳар бир афғон партизанининг қулида Калашников автомати бор эди. Ҳамма куроллар совет саноати томонидан ишлаб чиқарилганди. Бунақа куп микдордаги курол-аслаҳани жангларда улжа олиш мумкин эмасди. Уни фақат сотиб олиш мумкин эди.

Хуп, кимдан сотиб олади? Излар СССРнинг Кобулдаги элчихонасига олиб келди. Элчихонанинг биринчи котиби, аввал-лари Тожикистонда Адлия министри булган Ражабов ва иккинчи котиб Саидов бадавлат афғон савдогарлари билан тил бириктириб, улардан шунака куп миқдорда олтин олишганки, бу олтинга Афғонистонда ҳаракат қилган 40-армиянинг ҳамма қурол-аслаҳасини сотиб олиш мумкин эди. Иш жуда кенг куламда олиб бориларди – унга 40-армиянинг таъминот билан шуғулланувчи жуда куп ходимлари жалб қилинган эди. Қурол-аслаҳа туғридан-туғри омборлардан келарди. Аскарлар ҳар битта укни аяб эслари кетарди, ҳолбуки, бу уқлар миллионлаб миқдорда душманга сотиларди. Бу ишга партизанларнинг хориждаги ҳомийлари ҳам аралашди. Саудия Арабистонидан Саидовнинг адресига 13 килограмм олтин келди. Саудия савдогарлари ошкора ҳаракат қилиб урганиб колишган. Олтинни тасодифан Шереметьев аэропортидаги божхона ходимлари топиб олишади. Ражабов билан Саидов қулга олиниб, отиб ташланади. Аммо уларнинг иши Афғон урушининг охиригача ҳам яшашда давом этади.

Сокин украин қишлоғида истиқомат қилувчи чолу кампирга Афғонистон чегарасидаги заставада бошлиқ булиб ишловчи уғлидан ғалаба совғаси келади. Унинг баҳоси 15 сўм деб белгиланган эди, аммо очиб қарашса, ичидан 40 минг сўм пул чиқади. Утказилган тафтиш кишини лол қолдирувчи натижалар беради: ҳамма заставалар контрабандачилардан совет пулида ва валютада катта пора олар экан, бунинг эвазига чегаранинг икки томонига ҳам туялар карвонини ва юк машиналар колоннасини бемалол утказиб юбораверар эканлар. Утказиб юборишгина эмас, коронги булса, прожекторлар ёқиб, йулларини ёритиб ҳам туришар экан. Бу машиналарда қандай юклар булган? Туялар қандай юклар оғирлигидан майишиб, оёқлари чалишиб ҳаракат қилган? Қамокка олинган чегарачилар бу саволларга жавоб беришолмади. Улар билишмас эди. Карвонлар билан бу ёқдан у ёққа ва у ёқдан бу ёққа ҳар гал доллар тулаб қанақа одамлар утган? Буни ҳам билишмасди. Ахир, улар ҳақини доллар билан беришган-да! Сураш ноқулай булган.

Москвада Давлат импорт-коммерция бошқармасининг бошликлари қулга тушди. Павлов билан Смеляков ҳам кенг

куламда иш олиб боришган экан. Хорижий фирмаларнинг вакиллари билан шартнома тузганда, улар ҳар бир шартноманинг умумийдан бир фоиз чутал олишган. Хорижийлар бажону дил тулашган, чунки бунинг эвазига узлари учун ҳаддан ташқари фойдали ва СССР учун ута бефойда шартномалар тузишга муваффақ булишган. Алоҳида ҳақ эвазига иккала раҳбар хорижийларни «Чегарада ортиқча текширмаслик ҳақида»ги лицензиялар билан таъминлаб туришган. Бундай лицензиялар фақат КПСС Марказқуми жунатаётган ва олаётган юкларгагина бериларди. (Бу ташкилотнинг номига ҳар куни бутун дунёдан, асосан, чет эл ашёлари билан тулиб-тошган контейнерлар келиб турар ва уларга давлат мулки солиб қайтариб юбориларди. Чегарачилар ва божхона ходимларининг бу контейнерларга кул теккизишга ҳам ҳаклари йуқ эди.) Маълум булдики, бунақа лицензияларни Марказкум аппарати ходимларидан валютага харид қилиш унча қийин эмас экан. Битта лицензия 1000 доллар турар экан. Қизиқ-а! Ажнабийлар бу лицензияларни даста-дасталаб сотиб олишар ва истаган буюмларини СССРга олиб кириш ё ундан олиб чиқиб кетиш имконига эга булардилар. Бундай лицензиялар ёрдамида, ҳатто, узларининг миси чиқиб қолган жосусларини ҳам олиб чиқиб кетишган. Павловнинг уйини тинтишганда, совет пулида миллион сум, валютада ярим миллион доллар чиққан, бир омбор тула Ғарбнинг латта-путталари ва аппаратураси, шунингдек, бир даста қимматбаҳо лицензиялар ҳам топилган. Смеляковнинг уйидан камрок нарса – бор-йуғи уч юз минг доллар пул чиққан. Қолганларга ибрат булсин, деб икковларини ҳам отиб ташлашди. Андропов лицензияларни бекор қилишни ва унинг ҳамма мавжуд нусхаларини йуқ қилиб ташлашни буюрди. Марказкум чуп тиқилган ари инидек ғувиллаб колди. Марказқумнинг иш бажарувчиси Павлов Андроповга лицензияларни бекор қилиб булмаслигини тушунтира бошлади. Фақат уларнинг устидан назоратни кучайтириш керак. «Биз Ғарбдаги уртоқларимизга нималар юбораётганимизни ва улардан нималар олаётганимизни на чегарачилар, на божхона ходимлари билишлари керак». Бу гапда мантиқ кучли эди. Андропов нима деб жавоб беришини билмай колди.

Қамоққа олинган Балиқ саноати министри Ишков ва унинг муовини Риковнинг иши туфайли бутун бошли бир жиноятлар силсиласи очилиб кетди. Бу жиноий ишга мамлакатнинг бутун-бутун минтакалари, улардаги обкомлар, горкомлар, ички ишлар бошқармалари дахлдор экан. Узоқ Шарқдан увилдириқни ва балиқнинг қимматли навларини Ростов-Донга олиб келишган. Бу ерда шаҳаркум ва маҳаллий милиция ҳомийлигида жуда катта яширин база бўлган. Бу базадан маҳсулотлар тўғри хорижга жунатилган, миллион-миллион доллар пул эса жиноятчиларнинг мансабларига караб узаро бўлиб олинган. КГБнинг махсус бўлинмаси Ростов ички ишлар бошқармасини босади. Савдо ходимлари ва қумита аҳли уртасида қамашлар бошланади. Олтин билан валюта вагонларда олиб чиқилади. Ишга Дарё флоти министрлигининг ходимлари хам аралашган экан. Маълум бўлишича, дарё флотининг кемалари белгиланган жойларга увилдириқ ва кимматли балиқни стказиб беришдан ташқари, узининг ҳам сердаромад ишлари билан шуғулланар экан. Амударё буйлаб Афғонистон чегараси оркали денгиз флоти кемаларида Япония, Ҳиндистон ва бошка Шарқ мамлакатларидан келадиган товарлар ташилар экан. Булар нафис шоҳилар, батистлар, электроника ва ҳ. к. Уғирликлар жуда катта ҳажмда содир бўлган. СССР ва Афғонистон ҳудудида махфий омборлар тармоқлари бўлган, у ерлардан товарлар чет элга, валютага сотилган.

Медунов иши иттифоқ буйлаб жуда катта жиноий тармоқларни очиб ташлади. Гушт-сут ва мева-сабзавот министрлигини бутун таркиби билан қамашга тўғри келди. Бирваракайига ликёр-арақ заводларининг директорлари қамоққа олинди. Ленинградда шундай заводлар директорларидан бирининг уйи тинтилганда, нақд пулу тилладан ташқари 8 минг шиша ҳар хил коньяк топилди. Москва савдо бошқармасининг бошлиғи Трегубов ва унинг 130 ходими камалди. Улар Москвадаги «Елисеев» гастрономининг директори, авваврок қамалган ва кейинрок отиб ташланган Соколовнинг курсатмалари асосида ҳибсга олинди.

Андропов, деярли карамай зарба берар ва ҳар гал мулжалга аниқ урарди.

Москвада Дзержинский районидаги сабзавот базасининг директори ва 17 та ходими камалди. 300 минг сумлик уғирлик қилинган. Директор отилди.

Белокаменскда «Межколхозстрой» директори қулга олинди. У 200 минг сумни уғирлаб, узига икки қаватли ғиштин иморат қуриб олган экан. У ҳам отиб ташланди.

Қимматли маъданларнинг иккиламчи хом ашёсини қайта ишлаш заводида миллионлаб сумлик олтин ва кумуш кукунлари уғирлангани очилди. Директор, бош муҳандис ва бош технолог отиб ташланди.

Қанд ишлаб чиқарувчи Кишинёв заводида турт миллион сумлик уғирлик булган экан. Завод директори, унинг муовини ва бош технолог отиб ташланди.

Ички ишлар министри Шчелоков ва унинг муовини, марҳум Брежневнинг куёви Чурбанов ишдан олиндилар. Иккаласини ҳам вақтинча уй қамоғида саклаб турдилар. Тонналаб мусодара қилинган бойликларни министрлик раҳбарлари давлатга топширмай, узлари узлаштирган эканлар. Қамоққа олинишидан аввал Шчелоков узини отиб ташлашга улгурди.

Андропов Ички ишлар министри лавозимига Фёдорчукни тайинлайди, унинг урнига эса КГБ раиси қилиб, узининг кадрдон муовини генерал Чебриковни қуяди. Москвага куп йиллар мобайнида синовдан утгандай куринган кадрлар – Шеварнадзе, Лигачёв, Рижков чақирилади. Горбачёв билан бирга улар Андроповнинг шахсий ҳокимияти аппаратини барпо этадилар.

Кураш эндигина бошланмоқда эди. Куп сонли жиноятлар фош қилинганда маълум булдики, уларнинг изи КПСС Марказқумига, номенклатура мулкининг накд юрагига олиб келар экан. Бу ердагилар сергак тортиб қолишди. Андропов номенклатура мулкининг кириш мумкин булмаган ҳудудларига кириб булди, лекин у хозирча министрлар, бошқарма бошлиқлари, райком котибларидан юкоридагиларга тегаётгани йуқ. Унинг хатти-ҳаракатини ҳушёрлик билан кузатиб туришибди. Лекин жиндай хайрихоҳлик ҳам йуқ эмас. Нима деганингизда у ҳам партиянинг тилласини айрим одамлардан тортиб олиб, партияга қайтаряпти. Бу одамлар уз рутбаларига кура бу тиллаларга эгалик қилиш ҳукуқига эга эмасдилар ёхуд бу миқдордаги бойликни тупламасликлари керак эди.

Агар Андропов ишни шу даражада тухтатганда, шубҳа йуқки, у марксизмнинг мумтоз намояндаси булиб қоларди. Аммо уни мутакаббирлиги нобуд қилди. У партиянинг олтинларини қайтариш пайига тушар экан, бу ишни шундай амалга оширмокчи булдики, охир-пировардида бу олтинлардан унинг узидан бошка ҳеч ким фойдалана олмас эди. Бунака ишни, ҳатто, урток Сталиннинг узи ҳам эплай олган эмас. Бинобарин, бу иш партиявий ҳаётнинг ленинча мезонларидан яна бир кескин чекиниш эди. Нихоят, Андропов яна бир зарба берди. Бу зарбага у анча – 70-йилларнинг бошидан бери тайёргарлик курарди. Бу галги зарба – Урта Осиёга қаратилганди.

1983 йилнинг илик апрель кунларидан бирида Бухорода, туғридан-туғри кучада шаҳар УБХССнинг бошлиғи Ахат Музаффаров қулга олинади. Москвадан келган КГБ бригадаси ҳеч қандай такаллуфсиз унинг қулига кишан уриб, самолётда пойтахтга жунатди. Бир вақтнинг узида маҳаллий милиция раҳбариятидан ва савдо зодагонларидан яна олти киши камокка олинди... Тергов кисқа муддатда туғридан-туғри Бухоро вилояти партия қумитасининг қароргоҳига, «Қизил чорбок» деган жойга, вилоят қумитасининг Биринчи котиби Абдувоҳид Каримовнинг кабинетига олиб келди. Бутун дунёга донғи кетган машҳур «Узбеклар иши» бошланди.

Музаффаров куп ҳам тихирлик қилмасдан, порахурлик ва уғирлик борасида ҳамтовоклар устидан тезгина курсатмалар бера бошлади. Жумладан, Ички ишлар министрининг биринчи муовини Давидовга карши курсатма берди. Давидов сурокни кутиб утирмай узини узи улдирди. Бирок у бироз ғалатирок усул билан бошига пистолетдан уч марта ук узишга улгурган эди. Бутун Узбекистон буйлаб шундай узини узи улдиришлар бошланди. Музаффаров билан Каримовдан бошланган излар Узбекистон Ички ишлар министри Эргашевга ва ундан Шчелоковга, Чурбановга, Сиёсий бюро аъзоларига, мархум Брежневга олиб борарди. Бу ишдан яна бошка катта иш – пахтани қайта ишлаш саноатидаги уғирликлар ҳакидаги иш ажралиб чиқди. Министрликнинг ҳамма аппарати ва бошкармаларнинг ҳамма бошликлари камокка олинди.

Бу ишни СССР Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар буйича терговчи Гдлян ва унинг ёрдамчиси Николай Иванов кабул килиб олди. Уларга Андропов шахсан курсатма

бериб улгурган эди, Андропов уларга фаолият курсатишда тула эркинлик берган эди.

Ишда Узбекистон компартияси Марказкумининг биринчи котиби лавозимида Рашидовнинг урнига келган Усмонхужаевнинг фаолияти ҳам тез-тез тилга туша бошлади. Ҳолбуки, Усмонхужаев бу мансабни Андроповнинг тавсияси билан эгаллаган эди. Бир туркум тинтувлар кишини лол колдирадиган натижалар берди...

Ишда борган сари янги ва янги фамилиялар калкиб чика бошлади: Лигачёв, Соломенцев, Рекунков (Бош прокурор), Теребилов, Гусев, Афанасьев, Георгадзе. Андропов куп нарсани куриб, пишиб кетган эди. Аммо бу фамилиялар уни ҳам ханг-манг килиб куйди.

Энди унинг олдида иккита йул бор эди: ё номенклатура мулкининг қоқ юрагига зарба бериш ёки шу ерда тухташ лозим эди. Бирок бош штабни ва порахурликнинг миясини саклаб колса, бутун кураш бехуда кетарди. Партия номенклатурасининг олий раҳбарларини камаш ва уйларида тинтув утказиш учун ҳафсала билан тузилган руйхатлар тайёрлаб куйилганди.

Георгадзедан бошлашга карор килишди. У кундан бери СССР Олий Совети Президумининг котиби лавозимини эгаллаб келарди. Бу етарли даражадаги юксак мансаб эди, лекин Георгадзе лоакал Марказкумнинг аъзоси ҳам булган эмас. Унинг бутун умри номзодликда утган.

Операцияни утказгунча жуда каттик сир саклашди. Негаки, Георгадзе номенклатура катидан жой олган булмаса-да, уни бир чеккадаги арбоб деб ҳам айтиб булмасди. У урток Сталин замонларидан бери Кремлда утирарди. Дохийнинг узи унга хомийлик килган – уни бир марта ҳам камамаган. Терговчилар Георгадзенинг пулат кутиларидан ва уйининг яширин жойларидан 8 килограмм жавоҳир ва олмос, 100 та олтин ёмби (ҳар бири 20 килограммдан), 40 миллион сум совет пули, 2 миллион доллар, ҳовуч-ҳовуч узук, исирга, маржон, Леонардо да Винчи, Рубенс, Ван-Дейк, Айвазовскийнинг суратларини топишди. Ҳаммаси булиб 6 миллиард сумлик буюм чикди.

Георгадзе нисбатан майдарок амалдор эди. Унга нисбатан рутбаси баландрок одамларникидан нималар чикиши мумкинлигини уйлаганда одамнинг юраги орзикиб кетарди. Ахир, Георгадзе лоакал Марказкум аъзоси ҳам эмас эди-я!

Лекин юраклар орзиқадиган хеч нарса булмади.

Шундан кейин куп утмай Андропов... ғойиб булиб колди. Уни шамоллаб колган деб, анча вақтгача мамлакатнинг ва дунёнинг бошини котиришди. Кейин эса Юрий Владимировични элу юртга тобутда курсатишди.

Михаил Сергеевич Горбачёв йиғлайвериб шишиб кетган беванинг култиғидан тутиб турарди. Хеч ким ҳайрон булмади, негаки у мархумнинг унг кули ва энг якин дусти эди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

УЛЖА БИЛАН ҚОЧИШ

Тилини тиёлмаганлар Андроповни Кореянинг арвоҳлари ўлдирган дейишади. Сабабки, уч юз эллик йўловчини олиб кетаётган Жанубий Кореянинг «Боинг» самолёти унинг буйруғи билан уриб туширилган эди. Арвоҳлар жунбушга келиб, Андроповни маҳв этишди ва бир йула унинг давлатини ҳам йўк қилиб кўя қолишга аҳд қилишди. Америка Президенти Рейган бу давлатни «Ёвузлик империяси» деб атаган эди. Ушандан бери бу ном дунёда кенг тарқалганди. Ҳар ҳолда, мутлақо жиддий тарзда, Сеул газеталари шундай деб ёзишди. Эски ҳисоботларнинг кўрсатишича, 1913 йилда Россия ҳаёт даражасининг турли-туман курсаткичлари буйича 3-дан 12-гача уринни эгаллаган, саноат маҳсулотининг кўпайиши буйича эса мутлақо биринчи ўринда борган. Бунинг устига, бошка мамлакатларни анча ортда қолдириб кетган. 1985 йилда СССР жон бошига ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш буйича дунёда 68-уринда турган, шахсий истеъмол даражасига кўра эса 77-уринни эгаллаган. Болалар улими, абортлар, қўйди-чиқдилар ва ичкиликбозлик буйича эса СССР дунёдаги ҳамма мамлакатлардан ўзиб кетган. Коммунистик тузум ўз халқига карши олиб борган узлуксиз кирғинбарот уруши мамлакатдаги аҳолининг энг яхши, энг ишчан, энг истеъдодли кисмини жисмонан маҳв этишга ёхуд мамлакатдан кочишга олиб келишидан ташкари миллатнинг ирсиятига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Мамлакатда маънавий ва ахлокий маданият даражаси кескин тушиб кетди. Эҳтимол, коммунистлар Россия устида ўзларининг етмиш йиллик мудҳиш тажрибаларини утказар эканлар, худди ана шу максадга эришмокни кузда тутган бўлсалар керак.

Бир муъжиза билан сақланиб ҳолган миллатнинг виждони турмалар ва лагерларга тиқиб ташланган ёхуд мухожирликда талваса ичида ҳаёт кечирмокда эди. Миллатнинг ғайратини

саклаб колган кисми эса, бутун кучини имтиёзли ҳаётга эришишга сарфларди. У жон-жаҳди билан номенклатура мулкига кириб олишга харакат килар, партиявий йул биланми, чекист булибми, илмий, маданий ёки ҳатто, спорт йули биланми – барибир, шунга эришса булди эди. Бу булмаса, узини савдога урар эди. Савдо соҳаси эса мафия ва яширин иктисодиёт соҳаси билан бутунлай чатишиб кетганди. Уз навбатида мафия билан яширин иктисодиёт ҳам партия номенклатураси билан сурбетларча ошкора тарзда тил топишганди. Жамият уз думини юта бошлаган илонга айланиб колганди. Ғалаба козонган номенклатура мамлакатида бир неча хил валюта амал киларди. Бунақа ахвол дунёда бошка бирорта мамлакатда йуқ эди. Бу – улим тушагида ётган ёвузлик империясининг ҳалокатли ахволини ҳар қанақа курсаткичдан яхшироқ ифодалаб берди. Кулларга аталган расмий сум ҳеч нарса билан таъминланмаган булиб, халкаро бозорда тан олинмаган ва ички бозорда жуда тез кувватини йукотарди. Номенклатура хорижий сумни уйлаб топганди. Бу фақат унинг хаёлида мавжуд эди. Уйлаб топилганда ҳам, фақат бир максадда – купрок хорижий валюта умариш учун топилганди. Мамлакатда ҳар хил чеклар ва сертификатлар амал киларди. Уларни Ташки савдо банки чикарган булиб, куйи рутбали номенклатурачиларга ва савдо флотининг денгизчиларига маош сифатида тулашга хизмат киларди. Бу чеклар ва сертификатларда ёпик магазинлар ҳамда таксимлаш шохобчаларида нарса харид килиш мумкин эди. Маошнинг лоакал бир кисмини чек ва сертификатда олиш жуда шарафли ҳисобланар ва маош олувчининг ижтимоий мавкеини жуда кутариб юборарди.

Аммо майнавозчиликка ухшаган бу валюталарнинг ҳаммасини эзиб-янчиб, нимжон социалистик иктисодиётни ва улик мафкурани мажаклаб, одамларнинг онгини уйготиб, мамлакат буйлаб ДОЛЛАР одимлай бошлаганди. Бу пул «булиши мумкин булган, эҳтимолдаги душман»имизнинг пули эди. У аллакачон ҳеч кандай каршиликка дуч келмай номенклатура мамлакатини босиб олган, унинг каналлари оркали эса яширин иктисодиёт ва савдога, барча турдаги моддий-техника таъминоти соҳасига, армияга ва хавфсизлик идораларига ёриб утганди.

Колокликда бугилиб ётган саноат доллар талаб киларди.

Илм-фан ва тиббиёт доллар талаб киларди.

Ҳарбий саноат қурилмаси доллар талаб қиларди.

Доллар аллакачон бутун мамлакатни «Левис» ва «Монтано» жинсиларига, «Адидас» спорт костюмларига, турли куртка-лар ва этикларга кийинтириб улгурганди.

Доллар коммунистик «маданият»ни Ғарб кинофильмлари, ва ўйинлари тулқини билан эзиб қуйди – қашшоқ мамлакатда ҳеч ким улар билан ракобатлаша олмади.

Ҳамма идоралар бор овозда ва бор қатъияти билан ҳукуматдан доллар талаб қилар, акс ҳолда ахвол ёмон булади, деб қуркитарди. Номенклатурани-ку қуяверасиз – унинг долларга муҳаббати ҳеч кандай таърифга сиғмайди.

Фақат чатоқ жойи шунда эдики, сумдан фарқ қилароқ, долларни меҳнат қилиб топиш керак эди. Номенклатура эса купдан бери меҳнатдан чиқиб қолган ва меҳнат қилишни билмас ҳам эди. Ҳозирча унинг кулидан сотиш келарди, холос. Чунки бу мамлакатдаги ҳамма нарса, шу жумладан, аҳоли ҳам ҳозирча унга карашли эди. Бирок долларга сотиш мумкин булган нарсанинг ҳаммаси аллакачон сотиб булинган эди. Халк эса ортик номенклатура учун ишлашни истамасди. Натижада номенклатура мулкидаги хаёт даражаси шармандали даражада пастга тушиб кетди. Олий даражадаги махсус таксимлаш шохобчаларида киш фаслида кулупнай ва тарвуз масаласида узилишлар була бошлади. Бутун мамлакатда эса аллакачон оддий колбасани ҳам унутиб юборишган эди, сут ва ёғ талонлар билан бериладиган булиб қолганди. Оч аҳоли хар томондан Москвага ёпирилиб келар ва у ерда узининг шўр пешона пулига бирон арзигулик нарса харид қилишдан умидвор эди. Халкни лоакал нонга туйдириш учун ҳам яна доллар керак. Шуларнинг ҳаммасига карамай, мамлакат, мана олти йилдирки, Афғонистонда уруш олиб бормоқда. Бу ерда генераллар аллакачон мазахурак булиб, доллар ишлаш йулини урганиб олишган, шунинг учун улар хар кандай қилиб булсада, урушни тухтатмаслик пайида эдилар. Бу урушда долларга ҳамма нарса сотиларди – қурол ҳам, оператив режалар ҳам, ҳарбий сирлар ҳам, олтин, забаржад ва табиийки, аскарнинг хаёти ҳам. Бу жуда ғаройиб уруш эди – улиб бораётган империянинг сунгги уруши. Ана шундай бир шароитда Михаил Сергеевич Горбачёв КПСС Марказкуминининг Бош котиблигига сайланди.

У уз салафларидан уч кишини – Брежнев, Андропов ва Черненкони ерга қуйди. Черненкони ҳисобга олмаганда, улардан жуда куп нарса урганди. Окибатда у шунга амин булган эдики, Брежнев ва Андропов усуллари билан иш юритиб булмайди. Бу йул мукаррар ҳалокат йули – Брежневнинг усули мамлакатни ҳалокатга олиб келади, Андроповнинг усули эса шахсан унинг узини ҳалок қилади.

Партия номенклатураси яширин иқтисодиёт билан шу даражада чатишиб кетганки, мафияга қаратилган ҳар қандай тадбирни буюк Ленин партиясига карши қаратилган иш деб билади. Чунки бу партиянинг узи ҳамиша мафия булган ва мафия конунлари асосида яшаган эди. Хуш, нима бупти? Партия жиноятчилар дунёси билан биргаликда яширин иқтисодиёт барпо этса, бунинг нима ёмон жойи бор? Бу ахир мудхиш мамлакатда омон қолишнинг оқилона бир йули-да! Умуман олганда, Брежнев негадир ёктирган ва Андроповнинг нафратини кузғаган яширин иқтисодиёт деганининг узи нима? Бу – жуда жун нарса. Нимжон ва самарасиз социалистик иқтисодиёт билан бир қаторда иқтисодиётнинг ута махсулдор, самарали, бозор тизими барпо этилади. Ҳа, бу соф капиталистик ишлаб чиқариш! Одамлар бу ерда яхши мехнат қилишади, яхши топишади, шундай нарсалар ишлаб чиқаришадики, ҳатто, Ғарбда ҳам унга талаб бор. Табиийки, бизнинг улушимизни ҳам бериб туришади. Уларга ишлашга имкон берганимиз учун, хом ашё ва асбоб-ускуналар билан таъминлаганимиз учун. Бундай шароитларда, албатта, рэкет деган нарса чиқади. Биз уларни «рэкет»дан ҳимоя қиламиз, баъзан ораларига тушиб қозилик қиламиз. У ёғини суриштирсангиз, бу ишларимиз жамоат фойдасига ҳам хизмат килади, чунки яширин иқтисодиётнинг махсулотлари ички бозорда ҳам таркайди. Унда «кора бозор» деган бир дунё борки, бу аҳолининг купгина қатламларига дурустгина тирикчилик килиш имконини очади. Яширин тизимларнинг Ҳарбий-саноат мажмуасига деярли дахли йуқ, аммо унга уз ишини бемалол қилиш имконини беради. Бироқ расмий иқтисодиётнинг ширасини сузиб олаётган ва шу йул билан уни ҳалок қилаётган ана шу яширин тизимлар эмасми? Ҳа! Бирок бу расмий иқтисодиётимизнинг кимга кераги бор? Купдан бери маълумки, у аслида ҳак туланадиган ишсизликдан бошқа нарса эмас. Одамлар эрталабдан кечгача нима биландир банд булишлари керак. Бунинг учун

улар оладиган ҳақ АҚШдаги ишсиз негр оладиган нафақадан юз баравар камдир.

«Эҳтимол, биз бутун иктисодиётни бозор изларига кучириб, самарали иктисодиётга айлантириб куя қолармиз? Уртоқлар бу масалага қандай карашади? Яширин иктисодиётни ошкора иктисодиётга айлантирамиз, унинг ёнига расмий иктисодиётни кушамиз. Энг мухими – бошламок, чукурлаштирмок, у ёғи ёмон булмайди – жараён бошланиб кетади. Қани, нима дейсизлар, уртоқлар?»

Уртоклар – жим.

«Энг мухими, уртоклар, – деб давом этади яна Бош котиб, – биз иктисодиётни кутармоғимиз керак. Чунки бошка хамма нарса шундан бошланади».

«Бу ишга доллар керак. Куп доллар керак. Уни каердан оламиз?»

«Каердан дейсизми? Империалистлардан оламиз-да!»

«Бошка беришмайди. Сиз – Михаил Сергеевич, Андропов билан бирга шунака ишларни килиб куйдиларингки, энди бошка беришмайди. Мархум Леонид Ильич улар билан тил топишишга уста эди. Андропов хамма ёкни расво килди. Нимани эвазига карз сураймиз энди? Шундок хам 30 миллиардан ортикрок карз булиб колганмиз, кирк миллиард доллардан ортикрок пулнинг кафолатини олганмиз. Жойи жаннатда булгур Леонид Ильич: «Агар карзларини кистайверсалар, уруш бошлаб юбораверса хам булади. Бошка иложи йук», – деган гапни кайта-кайта айтишни бежиз ёктирмаган».

«Шундай булишига карамай, яна бир масала борки, шунинг юзасидан улар карз беради».

Утирганлар хайрон булиб, сергакланиб, сип-силлик узун столнинг турида, Ленининг катта сурати тагида утирган Бош котибга тикилиб колишди.

«Инсон хукуки масаласида. Албатта, беришади. Ошкоралик масаласида хам беришади. Жамиятимизни бошдан-оёк кайта курамиз, десак, беришади».

«Бу ишдаги энг мухим жихат шундаки, – деб шерикларининг гапига якун ясайди Горбачёв, – социализм купрок булсин. Халкимиз 1917 йилдаёк тарихий йулини танлаб олган, ундан кайтиш йук».

«Ким кушилади, ким карши, ким бетараф? Туширинглар. Бир овоздан».

Бадарға килинган академик Сахаровнинг Горькийдаги кичкинагина квартирасида бир йилдан бери телефон ишламас эди. Горький КГБсининг ходимлари ва Москвадан мунтазам келиб турадиган мутахассислар бу уйдан кечасию кундузи кузларини узмасдилар. Сахаровнинг узи якиндагина «хос жиннихонадан» чикарилган эди. Бунака жиннихона мархум Андропов билан бамайлихотир умргузаронлик килган совет психиатрларининг биргаликда яратган дохиёна кашфиётлари эди. Бу ерда Тинчлик учун Нобель мукофотининг лауреати, дунёга таникли олимга кучли таъсир этувчи психотроп дорилардан укол килишган, ёткизиб куйиб, бурнини темир кискич билан кисиб, зонд орқали мажбуран овқатлантиришган. Совет матбуотида Сахаровга ва унинг хотини Елена Боннерга карши йуналтирилган шиддатли хужум бормокда эди. Халкаро жамоатчилик кулдорлик тартиблари хукмрон булган мамлакатда инсон хукуки учун курашишга журъат килган бу мард олимга кумаклашиш учун кулидан келган хамма ишни килмокда эди. АҚШ Президенти Рейган, хатто, Кушма Штатларда «Сахаров куни» эълон килиб, бутун дунёнинг эътиборини унинг такдирига жалб этмокчи булди.

«Горбачёв академик Сахаровни озод килди!» – деб хайкирарди газеталар сайёрадаги хамма тилларда.

«Москванинг бу кадами шубхасиз шундан далолат берадики, СССРда куп йиллар давом этган турғунлик ва узбошимчаликдан сунг яна иликлик фасли бошланди. Бу иликлик пишиб етган иктисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш заруриятидан туғилгандир. Бу ислохотлар Хрушчёв килган ислохотлардан утиб кетадими – йукми? Куп нарса Ғарбга боғлик. Иктисодий таназзулдан, сурункали курғокчиликлардан, порахурликдан, мислсиз мактанчокликлардан ва нихоят, Афгонистондаги адоксиз урушдан силласи куриган хаста совет тузумига Ғарб канча сармоя сарфлашга рози... Аммо нима булганда хам хаммага шуниси аёнки, Москва янги йуналиш сари юз угирмокда».

Аммо Совет империясининг бесунакай, бахайбат, бошкариш кийин булган кемасининг «янги йуналиш сари юз угирмокка» унгланиб олиш учун кучи етмай колганди. Оким уни коялар сари шиддат билан суриб кетиб борарди. Фурсат аллакачон бой берилганди. Кема капитани урнида турган Горбачёв буни аник-равшан куриб турарди! У имкони борича

кояга секинроқ урилиш тадоригини курарди. Акс ҳолда, ядро куроллари билан тулиб-тошган кема портлашидан унинг узи ҳам, бутун жаҳон ҳам ҳалок булиши ҳеч гап эмасди. Бу ҳалдан зиёд оғир вазифа эди, лекин бир амаллаб бажарса буларди.

Овруподаги ҳамма мамлакатларнинг пойтахтларида ва Вашингтонда кутилмаганда Москвадан эсиб колган илик узгариш шамолларига Ғарб ҳукуматларининг муносабатлари қандай эканини дипломатик йуллар билан ургана бошладилар. Қайта куриш ва ошкоралик – бундан буён Москва узининг ички ва ташқи сиёсатида ана шу икки шиорга амал килиш ниятида. Ғарбда унчалик ишонишмади. Брежнев умрининг охиридаги сиёсат, Андропов юргизган сиёсат Ғарбда ҳокимият тепасига коммунизмга карши муросасиз курашчиларни олиб келди. АҚШда Президент Рейган ва Англияда Маргарет Тэтчер шулар жумласидан эди. Уларни ортик курук ваъдалар ва гаплар билан авраб булмасди. Муайян иш керак эди. Бошланиши учун – ҳамма сиёсий маҳбусларни озод килиш ва Афғонистондаги урушни тухтатиш керак. Сирасини айтганда, биз бунга тайёрмиз, лекин пул керак.

Етмиш йилдан бери котиб колган маъмурий-бюрократик машинани кайта куриш учун катта маблағ зарур. Совет матбуоти мутлако туғри кайд килмоқда: ҳамма нарса Ғарбга – унинг кайта куришимиз ва ошкоралигимизга канча пул сарфлашга розилигига боғлик. Аввалги ҳукмдорлар томонидан ва ярамас иктисодий тузум туфайли мамлакат хароб килиниб булинган. Қайта куриш ва ошкоралик – уз-узича максад эмас, балки мамлакатнинг бозор иктисодиётига силлиқ утиши учун бир восита. Лекин пул йуқ. Биронта дастур учун ҳам пул йуқ. Ҳатто, қамоқлар ва лагерлардан сиёсий маҳбусларни озод килиш учун ҳам пул йуқ. Бунда энг муҳими – ишни бошлаб юбориш, жараён уз-узидан юришиб кетади, чунки у куп нарсани бошлаб беради. Ёрдам беринг.

КГБ тус-туполон булиб кетди. Нечук? Қандай килиб? 70 ва 190-моддалар буйича ишларни тухтатиб, сиёсий маҳбусларни озод килиш керакми? Ахир яширин полициянинг бутун-бутун бошқармалари шунинг кетидан тирикчилик килади-ку! Индамай, «ҳе йуқ, бе йуқ» бушатиб юбораверамизми? Йуқ, бунакаси кетмайди. Ундан кура, келинглар, аввалига баъзи бир ишларни қайта куриб чиқайлик, авф этиш йули билан уч-турт одамни бушатсак бушатайлик, уч-турт кишининг муддатини

кискартирайлик (баъзи бировларининг муддатига кушиб берайлик). Генераллар Афгонистонни тарк этиш ҳақидаги гапни эшитишни ҳам истамас эдилар. Уруш ғалабагача давом этиши керак. Партизанларнинг қўлида Америка ва Англиянинг «ерҳаво» типидаги ракеталари пайдо бўлди. Жанубда уларнинг ҳаракатини Покистон авиацияси қуриқлаб турибди. Эрон радиолокацион тармоғи уларнинг хизматини қилмоқда. Ҳамма томонларнинг валютадаги даромадлари ортиб бормоқда эди. СССРга келаётган қурғошин тобутларнинг оқими эса купайгандан-купаймоқда.

Партия курсатмалари КГБ билан армияни жунбушга келтираётган, дипломатлар Ғарбнинг бюрократ маъмурлар томонидан хароб қилинган мамлакатга қандай шартлар билан канча қарз бериши мумкинлигини аниклаб турган ҳолатда янги Бош котиб КПСС Марказқўмининг бепоён ҳужалигини бир кўздан кечиришга ахд қилди. Ниҳоят у, номенклатура деб аталган муъжазгина гўзал мамлакатнинг тож киймаган кироли булиб олгач, бу юртнинг ҳамма сиру асрори унинг кўз олдида намоён бўлди. Қурукликнинг олтидан бирини эгаллаган катта мамлакат хароб булиб, ахлат ичида, қонга беланиб, тиканли симлар ортида ётибди. Кичкина номенклатурада эса, Худога шукур, ҳозирча ҳамма ишлар жойида. Аммо бу ерда ҳам яшаш даражаси кай бир даражада пасая бошлади.

КПСС Марказқўмининг ишлар бошқарувчиси Николай Кручина Бош котибга номенклатурадаги жорий молиявий ва ҳужалик аҳволи ҳақидаги ҳужжатларни ҳафтада икки марта – душанба ва жума кунлари тақдим этарди. Пайшанба кунлари Сиёсий бюро тупланиб, Кручина ва унинг бошкармаси олдидаги вазифаларни белгилаб берарди. Бу бошқарма Граневский кучасидаги жуда катта иморатга жойлашганди. Бош котиб ҳамма молиявий ҳужжатларни шахсан ўзи кўздан кечириб, имзо чекарди. Хорижий валюта билан боғлиқ ҳужжатларни, айникса, синчиклаб кўрарди. Янги Бош котиб ҳамма нарсани ипидан-игнасигача суриштирар, ҳар бир долларнинг тагигача етмокчи бўларди.

КПССнинг Москвадаги ҳужалиги жуда катта булиб, Бутуниттифок қўламида оладиган булса, чиндан ҳам кулоч етмас даражада эди. Фақат пойтахтдагина КПСС умумий майдони 137 минг квадрат метр келадиган 5 минг иморатга эгалик қиларди. КПСС Марказкумига карашли 114 нашриёт

ва 80 босмахонада 80 минг одам меҳнат қиларди. Улар фақат пойтахтнинг узида ҳар йили партия хазинасига 450 миллион сум фойда келтирар эдилар. Марказкум ихтиёрида 19 та ҳашаматли санатория ва 40 та дам олиш уйи, юзлаб поликлиника ва касалхоналар бор эди. Фақат Москва ёнидаги Серебряний Борда Марказкумнинг 1800 дала ҳовлиси ва қасрлари жойлашганди. Марказкумга гаражлар, ошхоналар, магазинлар, кушхоналарда, озик-овқат саноати фабрикаларида махсус цехлар, новвойхоналар, сартарошхоналар, химчисткалар, кийим тикадиган ательелар ва яна бошқа купгина нарсалар қарарди.

Буларнинг бари жуда катта харажатни талаб қиларди, чунки асбоб-ускуналар, станоклар, маиший ва санитария буюмлари чет элдан келтирилган булиб, доимий равишда кисмларини алмаштириб туришни талаб қиларди. Қисмлар куп ишлатилиш натижасида яроксиз ҳолга келиб қолар ёки Ғарб бозорида бунга ухшаш буюмларнинг янгилари муомалага чиқарди. Бутуниттифоқ куламида ҳар йили барча номенклатура хужалигини яхши аҳволда сақлаб туриш учунгина тахминан 5 миллиард сум совет пули ва 1,5 миллиард доллар валюта керак буларди. Бундан ташқари, айни ҳозирги жорий йилда харажатлар жуда купайиб кета бошлади. Негаки, биринчидан, Ғарбда жуда куп буюмлар ва хизматларнинг нархи кескин кутарилиб кетди, иккинчидан эса, узимизда янги дала ҳовлилари куриш дастурлари кенгайди. Нега десангиз, Сталин замонида курилган купгина дала ҳовлилари бутунлай эскириб, яшаб булмайдигаи ҳолга келган эди. Ахир, уларда на ҳовуз бор, на сауна, на теннис майдончаси. Бошқа нарсаларни-ку айтмай қуя қолайлик. Мана, Горбачёв ҳам Қримдаги янги дала ҳовлисининг курилиши қандай бораётганини суриштирти. «Дала ҳовли» деб шунчаки номига айтилади. Аслида, гап бир қагор гараж курилишларига, турли хизматлар биноларига, хизматкорлар ва соқчиларнинг турар жойларига, лифтларга, денгиз сохилига олиб тушадиган мармар зинапояларга, тулкин қайтаргичларга эга булган бутун бошли катта курилиш ҳақида кетяпти. Бундай «дала ҳовли» баланд девор билан ураб олиниши, унга олиб келадиган йуллар бекаму куст, алока воситалари бенуқсон ишлаши зарур. Ишлар Сиёсий бюро тасдиклаган муддат буйича боряпти... Харажатларни

сметада курсатилганича, 3 миллион доллардан оширмасликка ҳаракат киламиз.

Уртокларнинг хорижий хизмат сафарлари ва оилавий тарзда даволаниш учун ёхуд бошка максадларда хорижга чиқиш билан боғлиқ харажатлар ҳам муттасил купайиб бормокда. Бу модда буйича харажатлар йилига тахминан 500 миллион долларни ташкил килади. 500 миллион доллар-а! Куплик килмайдими бу? Бунакада... Мана, варакаларни узингиз куринг, Михаил Сергеевич! Ҳар йилига 50 минг одам, хар бирига бор-йуғи 10 минг доллардан туғри келади. Хорижда бунаҚа пулга унчалик яйраб яшаёлмайсан. Ғарбда нарх-наво жуда кутарилиб кетяпти. Режада курсатилган миқдорни бир амаллаб зурға ушлаб турибмиз. Уртоклар уни ошириш масаласини Сиёсий бюрога куйиш зарурлигини айтишяпти. Энди халкаро ишлар ҳакида.

«Қардош партияларга ёрдам» моддаси буйича харажатлар. Гап фақат капиталистик мамлакатлардаги партиялар туғрисида бормокда. Партиялар ҳокимият тепасида булган жойларда пул Молия вазирлиги ва Давлат банки орқали давлат бюджетидан утказилади. Анъанавий тарзда биз Франция Компартияси билан жуда кенг куламда иш олиб борамиз, негаки айни Францияда солиқ тизими жуда инсофли. Ҳар йили Оврубанк орқали биз Франция Компартияси ҳисобига 2 миллион доллар утказамиз. Бундан ташқари, «Юманите» газетаси ҳисобига ҳам алоҳида пул утказамиз. Афсуски, бу газета муттасил узини қоплаёлмайди. Мана, 1978 йилдан бери унга кетган харажат:

1978 йил – бир миллион 662 минг франк.
1979 йил – бир миллион 751 минг франк.
1980 йил – бир миллион 862 минг франк.
1981 йил – бир миллион 877 минг франк.
1982 йил – бир миллион 878 минг франк.
1983 йил – бир миллион 542 минг франк.
1984 йил – бир миллион 933 минг франк.
1985 йил – бир миллион 974 минг франк.

Мана, Сиёсий бюро томонидан тасдиқланган ҳужжат. Унга сиз имзо чекишингиз керак. Чунки бунака ҳужжатлар сизнинг имзоингизсиз ҳеч қанака кучга эга эмас. Бу коидани ўрток Сталин ўрток Ленининг вафотидан кейин жорий

килган эди. Ушанда маълум булгандики, Владимир Ильичнинг кунгилчанлиги ва етарли даражада талабчанлик курсатмагани сабабли партиянинг жуда катта микдордаги пули аллақайларга ғойиб булган.

«Мутлақо махфий. П 219/7 20.09.85.

Итальян Компартияси раҳбарияти аъзоси урток Коссутанинг илтимоси ҳақида.

1. ИКП рахбарияти аъзоси урт. Коссутанинг илтимоси қондирилсин ва 1985 йилда «Уфқлар» журналини нашр этиш учун 200000 доллар ажратилсин.

2. СССР Давлат банкига (урт. Алхимовга) урт. Б. Н. Пономарёвга махсус мақсадлар учун 200000 доллар ажратиш топширилсин.

3. Маблағни етказиб бериш КГБга топширилсин.

КПСС Марказқуми Бош котиби – имзо».

Мана яна бир ҳужжат:

«Мутлақо махфий. П 157/2390 28.10.85.

АҚШ Компартияси Марказқумнинг илтимоси тўғрисида.

1. АҚШ Компартияси Марказқуминнинг илтимоси қондирилсин ва партия қурилиши ишларига 250000 доллар ажратилсин.

2. СССР Давлат банкига (урт. Фоминга) урт. Б. И. Пономарёвга махсус мақсадлар учун 250000 доллар ажратиш топширилсин.

3. Пулларни етказиб бериш КГБга топширилсин.

КПСС Марказқуми Бош котиби – имзо».

Яна бир ҳужжат:

«Мутлақо махфий П 161/2738 29.10.85.

Урт. Урбанининг илтимоси ҳақида.

1. БКП Марказқуми аъзоси урт. Урбанининг илтимоси қондирилсин ва унга партия матбуоти эҳтиёжлари учун иморат харид қилиш мақсадида 2 миллион 196 минг 650 бельгия франки ажратилсин...»

Горбачёвга Кручина маъкул тушиб колди. Чехраси очиқ, ташқи қиёфаси келишган. Жозибадор табассуми бор. Оқ оралаган сочлари ҳали урнида. Ҳамма нарсани тушунарли қилиб

айтиб беради. Бош котиб баъзи нарсаларни илгари ҳам биларди, лекин баъзи нарсалардан биринчи марта хабардор буляпти.

«Бу 500 миллион нимага мулжалланган?»

Кручина тушунтириб беради:

«Дустларимизнинг шошилинч илтимосларига кура бир йилда шунча миқдор йиғилиб қолади».

«Буниси тушунарли. Хуш, манави, 500 миллион нимани билдиради?»

«Бу урток Саддам Ҳусайнга Эрон билан урушмоғи учун. Шу йул билан Теҳрон бизга нисбатан бетараф тутиб турилади ва бу Афғонистондаги ҳаракатларимизга йул очади».

«Шошманг, биз ҳар йили Ҳусайнга миллиард сум сарфлаймиз-ку! Унга энг янги типдаги курол-аслаҳа, ёнилғи, эҳтиёт қисмлари етказиб берамиз, маслаҳатчиларининг ҳақини тулаймиз. Бундан ташқари, ҳар йили Ирок Компартиясига алоҳида 400000 доллар ажратиб турамиз!»

«Шу уринда бир нарсани аралаштириб юбормаслик керак, Михаил Сергеевич. Курол-аслаҳаю бошқа нарсаларнинг харажати давлат бюджети ҳисобидан копланади. Ҳусайннинг узига бериладиган 500 миллион билан яна 400 минг КПСС фондидан кетади».

«Афғонистон бизга жуда кимматга тушар экан-да?!»

«Ҳа, шунақа, – деб маъкуллайди Кручина. – Ҳозир ҳамма нарса жуда киммат. 120 минг кишилик қушинни сақлаб туриш учун ҳар йили 50 миллион талаб қилинади».

«Долларми?»

«Йуқ, бахтимизга, ҳозирча узимизнинг пулда. Ҳозирча 1985 йилга қадар биз армия эҳтиёжларига 80 миллиард сум сарфладик. Ундан ташқари, амалда Афғонистон шаҳарларидаги аҳолини биз боқяпмиз. Бу йилига яна 70 миллион дегани. Аммо буларнинг бари давлат бюджети ҳисобидан. КПССнинг Афғонистондаги харажати унча катта эмас – йилига бор-йуғи бир ярим миллион долларга туғри келади. Афғонистон учун истисно қиламиз. Аммо боя айтганимдек, ҳукмрон партияларнинг ҳаммаси давлат бюджетидан таъминланади. Мана, қардош партиялар фаолияти учун тулов варақаси. Бу мажбурий туловлар сирасига киради. Рақамлар баркарор. Лекин кейинги пайтларда бу харажатлар ҳам йилига 1–1,5 фоиз ошиб бормокда.

1. АҚШ компартияси – 2.000.000 доллар.
2. Франция компартияси – 2.000.000 доллар.
3. Финляндия компартияси – 1.800.000 доллар.
4. Португалия компартияси – 1.000.000 доллар.
5. Греция компартияси – 900.000 доллар.
6. Исроил компартияси – 800.000 доллар.
7. Чили компартияси – 700.000 доллар.
8. Ливан компартияси – 500.000 доллар. -
9. Венесуэла компартияси – 500.000 доллар.
10. Ҳиндистон компартияси – 500.000 доллар.
11. Италия компартияси – 500.000 доллар.
12. Дания компартияси – 350.000 долдар.
13. Перу компартияси – 350.000 доллар.
14. Салвадор компартияси – 400.000 доллар.
15. Аргентина компартияси – 400.000 доллар.
16. Бразилия компартияси – 330.000 доллар.
17. АКЭП (Кипр) – 300.000 доллар.
18. Испания компартияси – 300.000 доллар.
19. Ирок компартияси – 400.000 доллар,
20. Австрия компартияси – 250.000 доллар.
21. Сурия компартияси – 250.000 доллар.
22. Миср компартияси – 230.000 доллар.

Бунга Фаластинни Озод килиш ташкилотини хам кўшиб хисобласак, ҳаммаси булиб, йилига тахминан 40 миллион доллар булади. Бошқа сарф-харажатлар билан таққосласа, унча куп эмас, шундай эмасми?»

Горбачёв диккат билан тинглайди. Ҳужжатларга имзо чекади. Бахслашади, бир нималарни исбот килади, тушунмаган жойларини суриштиради. Амстердам, Цюрих, Лондон, Париж, Токио ва Сингапур банклари, Хаммер, Максвелл, Симада сингари шахслар хуфия тарзда бизнинг хизматимизни адо этадиган миллиардерлар. Бажону дил шерикчиликка ҳамкорлик киладиган мафия гуруҳлари. Рақамлар, рақамлар ва яна рақамлар. Миллиард-миллиард долларлар. Тонналаб олтин ва бриллиантлар.

Бутун жахон мамлакатларидаги партаппарат ходимларининг КПСС Марказкуми кошидаги Ижтимоий фанлар Академиясида укитиш харажатлари, хорижий компартиялар арбобларининг СССРга келиб-кетиши учун буладиган

сарф-харажатлар (хизмат сафарлари, дам олиш, даволаниш), СССРда вактинча ёхуд доимий истиқомат қилувчи сиёсий мухожирларга сарфланадиган харажатлар... Совет буюртмаларини ўз мамлакатларида жойлаштириш буйича кардош компартияларнинг таклифлари... Бу ишда улар даллоллик қилишади. Қушма корхоналар, «дустона фирмалар», номи бор-у ўзи йўқ фирмалар...

Мамлакатда эса ичкиликбозликка карши кураш авж олган. КПССнинг фикрича, бу кураш меҳнат унумдорлигини кутариши керак.

Янги туғилган ошкоралик газета саҳифалари ва телевизор экранларида юракни орзиқтирувчи хитоблар билан узига йўл очмоқда: «Турт яшар қизалок лейкемия касалига чалинган. Бизнинг мамлакатимизда бу касалликни даволамайдилар. Қизалокнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун 3 минг доллар керак!»

Бепоён мамлакатдан садо чиқмайди. КПССдан бошка кимда доллар бор? Аммо бунака хитоблар ҳеч качон КПССнинг кулоғига кирган эмас, ҳозир ҳам кирмайди. Мабодо, бирор одамнинг валютада яшириб қуйган бир-икки минги булса, у хаста қизалоққа бажону дил ёрдам беришга тайёр, аммо у кўркади. Балки у чекистлар қўйган тузоқдир? Долларингни курсатасан-у, 10 йилга утирасан. Ундан кура индамай куя колган маъкул. «Ғарбий Германия фирмаси... қизни даволаш ишларини зиммасига олади ва уни ота-оналари билан Гамбургга таклиф килади. Аммо қизнинг онаси ГФРга бориш учун зарур хужжатларни расмийлаштириб булгунча (Бу хотин ГФРга нега бормокчи? Ҳакиқатан ҳам қизи касалми? Касал булса, уни шу ерда даволаб булмайдими? Қизнинг ота-оналари давлат сирларидан воқиф эмасмикинлар? Германияга бориб олиб, бизнинг тузумимизни коралашга тутунмасмикинлар?), қизалоқ оламдан куз юмади...»

Кейин Чернобилга навбат келди.

Коммунистик партия ўз халқига карши олиб борган урушлар руйхатида атом уруши етишмас эди. Ниҳоят, у ҳам бошланди. Нагасаки ва Хиросима устига ташланган атом бомбаларинникидан кучлирок радиация юз минглаб одамларни заҳарлади ва Украина, Белоруссия, Болтик буйи, Россияда жуда катта худудларга таъсир килди. Радиактив булутлар

Шаркий ва Марказий Оврупо осмонидан утиб, Швеция сохилларигача етиб борди.

Чернобилдаги портлаш бир катор ходисаларга туртки булди. Улим талвасасига тушган империя одамларнинг куз унгида чок-чокидан сукилиб кета бошлади. Чириш ва парчаланиш жараёнида ошкоралик авж олди. Ҳалок булаётган мамлакат бошига унинг етмиш йиллик ифлос ва қонли тарихи ҳақидаги ҳақиқат бир шоввадай қуйилди. Жамоатчилик кучлари уйғонди. Куп минглаб одамлар иштирок этган митинглар бошланиб кетди. Улар хали унча уюшмаган, таркокрок эди. Лекин шундай булса-да, митингларда мамлакат бошига тушган ҳамма кулфатларнинг бош сабаби КПСС ва унинг томонидан яратилган жамики жиноятқорона давлат ҳокимияти тизимлари экани тилга олина бошланди. КПСС бунга лоқайдрок муносабатда булди – у Горбачёв ваъда қилган Ғарбдан олинадиган қарзларни кутмокда эди. Горбачёв уларнинг умидларини пучга чиқармади. У Ғарбий Оврупо мамлакатлари буйлаб тинимсиз қатнаб қолди. Америкага учиб бориб кела бошлади, президентлар, бош вазирлар, кироллар, кироличалар, жамоат арбоблари, тадбиркорлар ва банкирлар билан учрашди, уларнинг ҳаммасини ҳам узининг «янги тафаккур» ҳақидаги ғоялари билан, узининг «қайта қуриш» ва «ошкоралиги» билан, атом бомбасига миниб утирган жаҳонни узгартириш туғрисидаги таклифлари билан ром этди. Буларнинг ҳаммаси шунчаки қурук гап эмаслигини исботлаш учун мамлакатда Горбачёвнинг буйруғи билан яна бир бор Сталинни фош қилиш кампанияси утказила бошланди. Матбуотда, радиода, телевидение, кино экранларида ва сахналарда – туну кун гинмай деса ҳам бўлади, мархум генералиссимус фош қилинди, кораланди ва лаънатланди. Лекин бу кампания дархол назоратдан чикиб кетди ва унинг бир учи келиб КПССнинг узига тега бошлади. «Купрок демократия! Купрок ошкоралик!» – дея хитоб қилишда давом этарди Горбачёв Вашингтонда, Парижда, Лондонда, Боннда.

«Купрок социализм! Купрок интизом!» – деб таълим берарди у уйга қайтиб.

Ниҳоят, у бу икки хитобни бирлаштирди-да, узимизда ҳам, хорижда ҳам: «Купрок демократия! Купрок социализм!» – дея хайкира бошлади. Бу иш ими-жимида қолиб кетмади. Демократия ва социализм ураннинг иккита карама-карши

массасидек бир-бирига якинлашганда шунака портлаш хосил булардики, унинг олдида Чернобил ип эшолмай коларди.

Горбачёв Ғарбга жуда ҳам манзур булиб колганди. Горбачёвнинг аввалги салафларидан ҳеч ким бу қадар очиккунгил ва самимий булмаганди.

Унинг ҳамма сафарларида хотини ҳамрох буларди (Сталин халқаро майдонда узи пайдо булгандан анча аввал хотини Надеждадан мосуво булган эди, Хрушчёвнинг хотини Нина Петровна одамлар даврасида камдан-кам намоён буларди. Брежнев узининг Виктория Петровнасининг остона ҳатлаб кучага чиқишига йул куймас эди. Андропов масаласига келсак, Ғарб журналистлари унинг хотини бор-йуклигидан, умуман, бехабармиз деб ишонтиришарди. Андроповнинг дафн маросимида хотинини кургандан кейингина, унинг уйланган эканига ишонч хосил килишди). Аммо Раиса Максимовна бошқача аёл эди. У Ғарб давлатларининг пойтахтларида ёнида «Америка – Экспресс» қарз ёрлиғи билан жамики заргарлик магазинларига ва антика буюмлар дуконларига кирон келтириб елиб юрибди. У 70 минг фунт-стерлингга худди Маргарет Тэтчерникига ухшаш исирга буюради, у кимошди савдосида Фаберженинг пасха олтин тухуми безагини харид килади – бутун дунёдан бу кимошдига етиб келган пулдор антикасеварлар оғзи очилганича колаверадилар. (Фаберженинг олтин тухуми чиндан ҳам жуда поёб нарса. Атоқли рус заргари бунака дурдона буюмлардан император хонадонининг буйруғи билан бор-йуғи бир неча дона ясаган, холос. Баҳоси ҳам узига яраша – 2,5 миллион доллар!) Раиса Максимовна Диор ва Карденни буюртмаларга кумиб ташлайди. Бу икки атоқли модельер уз тарихларида биринчи марта буюртманинг умумий қиммати канча эканини мухбирларга айтишдан буйин товлашади: «Буюртмачининг хоҳиши шунака, бу савдо-сотиқ ишининг сири», – деб баҳона қилишади. Аммо йуқни йундирадиган журналистлар бу «сир»ни солиқ тизими орқали билиб оладилар. Етти ҳадли сон экан. Оврупо газеталари бу рақамни кизил буёкларда ҳар харфи бир карич келадиган сарлавҳада босишади. Кийим-кечакка шунча сарфлайдиган Горбачёвлар хонадони овруполиклар назарида бирдан катта салмок касб этиб кетди. (Номенклатуранинг, унинг кетидан эса бутун ахолининг Ғарб латта-путтасига нихоясиз иштиёқи яккол ошкор булди-колди. Худди шу муштарак иштиёк «Партия ва

халқ якдилдир» деган машҳур шиорни тасдиқловчи бирдан-бир далил эди. Ғарбнинг тонналаб лаш-луши ва латта-путтаси Маркс, Ленин, Сталин ғояларини мажаклаб, лойга кориб ташлади.) Ҳа, Горбачёв уз партиясига ваъда килганидек, Ғарб унга қарз берадиган бўлди, аммо оз-оздан ва муайян ишлар учун берадиган бўлди.

«Озод килиб бўлдик», – деб ишонтиради Горбачёв.

Унга руйхат курсатишади – унда жуда нари борса, битта маҳбусга адашилган.

Қаёқдан келиб колди бу руйхатлар? КГБ қаёққа қараяпти? Бирок лагерларда темир дарвозалар очила бошлаган эди, Чернобилдаги портлаш уларни, умуман, ошик-мошиғидан чикариб ташлади. Собик сиёсий маҳбусларнинг қудратли окими мамлакатнинг ижтимоий ҳаётига келиб кушилди. Бу оким йўл-йўлакай сафларини кайтадан тартибга келтириб, янгидан уюша бошлади. Улар ҳамиша нафратга сазовор тузум билан ҳисоб-китоб киладиган фурсат якинлашаётганини ҳис килар эдилар.

Мамлакат эса ўлим тўшагида талвасада ётарди. 30 мингдан ортикрок одамнинг ёстиғини куритган, ярим миллион одамни бошпанасиз колдирган Арманистондаги дахшатли зилзила Чернобилдан кейин улганнинг устига чикиб тепгандек бўлди. Бу зилзила ҳам мамлакатдаги хукмрон партиянинг шўрлик юрт бошига ёмғирдек ёғилаётган ҳалокатлару бошқа кулфатлар селига бутунлай бефарқ эканини яна бир бор намойиш этди.

АҚШ ва НАТОнинг баҳайбат ҳарбий-транспорт самолётларини кора «Геркулеслар» деб аташади. Улар, аслида, советларнинг ҳарбий тахдиди пайдо бўлган ҳудудларга «тез ҳаракат киладиган» Америка ҳарбий кисмларини олиб боришга мўлжалланган. Бу гал шу самолётларга тулдириб озиқ-овкат, кийим-кечак, дори-дармонлар ортишди. Улар Москва, Минск, Ереван ва бошка катта шаҳарларнинг аэродромларига бирин-кетин кўна бошладилар. Улар ҳалок бўлиб бораётган мамлакат аҳолиси чекаётган азоб-укубатларни жиндай бўлсада енгиллатиш истагида келишган эди. Агар «Геркулеслар»га нима ортилганини билмаса, америкаликлар ракиб мудофаасининг орка томонига десант тушириш буйича жуда катта операция утказяпти, деб уйлаш мумкин эди. Америкаликлар

Иккинчи жаҳон уруши вақтларида унақа операциялар утказишнинг кўп машқини олган эдилар.

Нима, Учинчи жаҳон уруши бошландими?

Бошланди. Одатдагидек, мамлакатимиз унинг бошланганини бу гал ҳам пайқамай, яна доғда қолди. Душманнинг бунака кенг куламда «бостириб кириши» бир нарсани курсатди: жуда катта ядровий қудратга эга булган дунёдаги энг катта армия ҳаддан ташқари ночор экан. Дунёдаги ҳамма мамлакатларнинг танкларини жамлаганда советлар армиясининг танкларичалик келмайди. Бу армия қуруқликда, денгизда жойлашган ва самолётлардан учириладиган ракеталарга эга. Ниҳоят, бу армия космик алоқа тизимига ва лазер куролига эга. Ҳатто, ана шундай армия ҳам мутлақо файзсиз ва лаёқатсиз булиб чиқди. Бу армиядан Америка самолётларининг юкини туширишда фойдаланиш мумкин эди, холос.

Президент Тафт айтган эски режанинг якунловчи қисмини амалга ошириш бошланди. Бомбалар ва замбарак уқлари урнига доллар зарба бериб, қолган-кутган каршилик учоқларини ҳам кунпаякун қилиб, ўзи учун ҳали босиб олинмаган янги бозорни эгалламоқда эди.

Хуш, бизнинг жонажон партиямиз-чи?

Телевизор экранларидан бутун мамлакатга Чернобил болалари мўлтираб тикилади. Уларнинг юзлари ҳорғин, кўзлари мунгли, бутун қиёфаларида маҳкумлик муҳри бор. Телевизор экранларида арман болалари. Улар йиқилган уйларнинг вайроналари остидан чиқариб олинган ёки Бокудан олиб келинган. Бокуда уларнинг кўзлари ўнгида ота-оналарини ўлдиришди. Булар – рус болалари. Улар каҳратон киш чилласида иссиқ кийимларсиз, корин тўйиб овқат емай, йиртиқ чодирларда яшамоқдалар. Уларнинг ота-оналари қонли қирғинлар туфайли иссиқ уйларини ташлаб қочишга мажбур булишган. Врачларнинг кўзларида ожизлик алами – дори-дармон йўқ, бир марта ишлатиладиган шприцлар йўқ, кийим-кечак йўқ. Болаларни қутқаринг – улар мамлакатнинг келажаги.

2000 доллар шприцга беринг!

Ғарб дориларига 3000 доллар беринг. Болаларни шу дорилар асраб қолиши мумкин.

Бу болаларни Германия, Голландия ва Англия клиникаларида даволанишга жўнатиш учун 5000 доллар беринг.

Беринг, беринг, беринг...

Ғарб фирмаларидан жавоб бор. Улар пул утказишяпти, кунгилли врачларни жунатишяпти, хусусий хайрия жамғармаларини сафарбар қилишяпти, бемор болаларни ва бошига кулфат тушганларни АҚШ ва Оврупога олиб кетиш учун маблағ ажратишяпти. Аммо бу маблағларга болалар урнига аллакандай хунук башарали олифталар чет элга кетяпти. Ё Чернобил болалари шулармикин?

Айни шу пайтда Эски майдон ичкариларида куйидаги хужжатлар куздан кечириларди:

«Мутлақо махфий. П 180/74 14.1.87.

Ҳиндистон Компартияси раҳбариятининг илтимоси ҳақида.

1. Ҳиндистон Компартияси раҳбариятининг илтимоси кондирилсин ва партия қурилиши эҳтиёжлари учун 1 миллион 258 минг 890 рупий ажратилсин.

2. СССР Давлат банкига (урт. Павловга) урт. Загладинга юқорида курсатилган миқдордаги пулни махсус максадларда ишлатиш учун ажратилсин.

3. Пулни Калькутта банкидаги Ҳиндистон Компартияси хисобига утказилсин.

КПСС Марказкуми Бош котиби – Горбачев М. С.

КПСС Марказкуми иш бошқарувчиси – Кручина Н. Е.»

«Мутлақо махфий. П 159/48 30.1.87.

Дания Компартияси раҳбариятининг аъзоси урт. Енсеннинг илтимоси ҳақида.

1. Дания Компартияси раҳбариятининг аъзоси урт. Енсеннинг инфляция муносабати билан партия бюджетини коплаш учун 357 минг 941 дания крони бериш ҳақидаги илтимоси кондирилсин.

2. СССР Давлат банкига (урт. Павловга) мазкур миқдордаги пулни махсус максадларга сарфлаш учун урт. Загладинга ажратиб бериш топширилсин.

3. Пулни етказиб бериш КГБга топширилсин.

КПСС Марказкуми Бош котиби – Горбачёв М. С.

КПСС Марказкуми иш бошкарувчиси – Кручина Н. Е.»

«Мутлақо махфий. П 157/251 03.02.87.

АҚШ Компартияси Бош котиби урт. Холлнинг илтимоси ҳақида.

1. АҚШ Компартияси Бош котиби урт. Холлнинг АҚШ Компартиясининг булажак юбилейи учун 500 минг доллар ажратиш ҳақидаги илтимоси қондирилсин...»

«Мутлақо махфий. П 161/491 11.02.87.

ИКП раҳбариятининг аъзоси урт. Косубанинг илтимоси ҳақида.

1. Италия Компартияси раҳбариятининг аъзоси урт. Косубанинг шахсий сарф-харажатларини тулаш ҳақидаги илтимоси қондирилсин ва унга 633 минг 765 лира (85 минг доллар) ажратилсин...»

«Мутлақо махфий. П 166/611 13.02.87.

Марокаш Компартиясининг раҳбарияти аъзоси урт. Али Ятанинг илтимоси ҳақида.

1. Марокаш Компартияси раҳбариятининг аъзоси урт. Али Ятанинг илтимоси қондирилсин ва унга партия матбуоти эҳтиёжларини қоплаш мақсадида 548966 килограмм қоғоз сотиб олиш учун 1 миллион 870 минг 762 дирҳам 85 сантин ажратилсин...».

«Мутлақо махфий. П 181/373 18.02.87.

Миср Компартияси раҳбариятининг аъзоси урт. Сайилнинг илтимоси ҳақида.

1. Миср Компартияси раҳбариятининг аъзоси урт. Сайилнинг илтимоси қондирилсин ва даволаниш учун унга 25 минг доллар ажратилсин...»

Қариб қолган Громиконинг урнига ташқи ишлар министри булган Эдуард Шеварнадзе жуда истараси иссиқ, келишган, хушбичим. Турган-битгани «янгича тафаккур одами» эканидан далолат бериб турибди. У Горбачёв борган мамлакатларга унинг кетидан сафар қилиб, хушмуомалалик билан кушимча карзлар беришларини илтимос қилади. Канцлер Колнинг мовий кузлари, Президент Миттераннинг доно табассуми, Маргарет Тэтчернинг майин латофати, Президент Бушнинг ковбойларники сингари тупорилиги. Биз Россия (СССР тушунчаси камдан-кам ҳолларда нохушгина қулланади) ислоҳотлар ва демократик қайта куришлар йулига тушиб олиши учун кумаклашишга розимиз. Лекин сизларда иш жуда суст кетяпти. Ҳолбуки, цивилизацияли яшаш тарзига олиб борадиган йул

жуда осон ва равондир. Сўз эркинлиги. Кўп партиялилик. Давлатни бошкариш тизимларини халкнинг хохиш-иродаси билан, яъни эркин сайловлар ёрдамида амалга ошириш, хусусий тадбиркорлик эркинлиги. Жунрок килиб айтганда, савдо эркинлиги. Эркин конвертация килинадиган валюта ёрдамида иктисодиётни жахон бозорига жалб килиш, хаммаси жуда осон. Айтганча, сизлар карзга пул сурайсизлар-у, узларинг «халк демократияси мамлакатлари» деб аталган мамлакатларни бокишга миллиард-миллиард пул сарфлайсизлар. Сизларга чин ёрдамимиз шу була колсин – биз уша мамлакатларни бокишни зиммамизга оламиз, бушаган маблагни эса сизлар ички ислохотларингга сарфлайсизлар.

«Шаркий Овруподаги армиямиз-чи? Унинг ахволи нима булади?»

«Армиянгиз кимга халакит беряпти. Йигитлар бемалол казармаларда утираверсинлар. Хеч нарсага аралашмасин. Агар истасанглар, армиянгизни бокишни хам зиммамизга олишимиз мумкин. Вактинча, албатта. Аста-секин америкаликлар хам, сизлар хам кушинларингизни Овруподан олиб чикиб кетасизлар, карши туриш урнига хамкорлик шиорини эълон киласизлар».

«Аммо армияни олиб чиксак, уни жойлаштирадиган жойимиз йук. Аскарлар учун казармалар йук, харбий хизматчиларнинг болалари учун мактаблар, богчалар йук».

«Ё Парвардигор-ей! 70 йил мобайнида нима килгансизлар узи? Яхши, бунинг муаммоли жойи йук. Биз офицерларингиз учун хам, уларнинг бола-чакалари учун хам уй-жой ва мактаблар куриб берамиз».

«Аммо Афгонистондан хам армияни олиб чикиш керакда. Ха, имкони борича тезрок. Сиз айтаётган гапларнинг хаммаси тугри, аммо режалаштирилаётган тадбирлар жуда катта харажатни талаб килади».

«Канча?»

«Уч ярим миллиард доллар. Дастлабки пайтларда...» Хорижда бир гал Михаил Горбачёв, хатто, Дизраэлидан парча келтирди. Буни эшитган Ғарб журналистлари ханг-манг булиб колдилар. Ленин камдан-кам насиб буладиган буш вактларида Гегель асарларини немис тилида укиб хузурланар эди. Сталин Макиавеллини жонидан ортик яхши курарди. Михаил Сергеевич эса, уз сузларига караганда, Валентин

Пикул романларини укиб мазза киларди. Лекин Пикулдан эмас, Лениндан парча келтирарди. Буни куриб, унинг Сиёсий бюродаги ҳамкасблари анча хотиржам тортарди. «Социализм купрок булсин! – деб далда берарди Бош котиб бироз довдираб колган ўртоқларига. – Йулимизни Ленинга караб туғрилаб оламиз. Ленин НЭПни жорий килганида нима деган эди?»

«У бундай деган эди, ўртоқлар: «Бу жуда жиддий ва узоққа кетадиган иш». Хуш, Сталин нима килди? У Ленин ғояларини бузди, расво килди. У казарма социализмини кура бошлади. Бу нимага олиб келди, ўртоқлар? Нимага олиб келганини узларинг куриб турибсизлар».

Аслини олганда, СССРда, Ленин асарларини бошдан-оёқ укиб чиққанман, дея оладиган уч-туртта одам топилмаса керак. Биринчидан, шунинг учунки, Владимир Ильич асарларининг чорак қисми махфий ҳисобланади. Бу асарларни укишга муайян одамларга ижозат берилади, бирок бу одамлар уларни ҳеч қачон укимайди. Уларга укишнинг кизиғи йук. Агар борди-ю, сен ошкора нашр килинган 55 жилдни чукурроқ укиб, укмоккa киришсанг, лоакал бошланғич партия ташкилотининг котиби ҳам булолмайсан. Жуда нари борсанг, жиннихонага тушасан. Профессионал ходимлар учун махсус «Ленин тупламлари» нашр килинарди. Уларда ҳозирги дақикада партия турмуши учун зарур булган Ленин ғояларининг моҳияти ифодаланарди. Баъзан ана шу тупламлар буйича номенклатура учун машҳур «ленинча-синовлар» утказиб туриларди. (Бунака воқеалар Сталин даврида ҳам, Андропов даврида ҳам булган.) Умуман, бу тупламлар маълумотни ошириш учун эмас, балки ҳар хил маърузаларда фойдаланиш учун тавсия килинарди. Маълумки, бунака маърузалар Лениндан олинган парча билан бошланиб, яна шунака парча билан хотималаниши керак эди. Парчалар канча куп булса, маруза шунча яхши ҳисобланарди. Ахир Ленин номенклатура аҳлининг ҳар бирининг қалбида эди. Шундай булгандан кейин улар Ленинни укиб нима килади? Ленин Каутский ёхуд Мартов билан нима масалаларда келишмаганини аниклашга нима ҳожат бор? Уларнинг ҳар биттаси шуни яхши билардики, «Лениннинг таълимоти енгилмасдир, чунки у туғридир».

Ленин нима деган эди? Отишни кенгрок кулланг, деган эди. Ҳар галгидек, туғри айтган эди. Отишни кўлламай

куйишган эди – мана, оқибат. Ҳеч ким ишламай куйди. Ҳамма митингда бақириб-чақиришга тушди.

Ленин доимий равишда нималардан огоҳ булиш кераклигини айтиб кетган. Буни уларнинг ҳар бири яхши билади.

«Бизнинг партиявийлик ва социализмни ҳалок килиши мумкин булган ва ҳалок килаётган нарсалар куйидагилардир:

1. Куп партиялилик ва буржуача сохта демократия.

2. Савдо эркинлиги (Ленин образли килиб ифодалаган эди – «У ҳар қанақа Колчагу Деникинлардан кура хавфлироқдир»).

3. Ошкоралик.

4. Суз эркинлиги, матбуот ва мажлислар эркинлиги».

Горбачёв бу гапларни жуда яхши биларди. Аммо бу гапларни ундан ҳам кура партиянинг бош мафкурачиси Вадим Медведев яхширок биларди. Бир вақтлар у КПСС тарихи кафедрасининг профессори булган. Шунинг учун хизмат тақозосига кура Ленининнинг асарларини укиган. Жумладан, унинг «Социалистик мусобақани қандай уюштирмоғимиз керак?» ва «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» деган асарларини укиган. Сирасини айтганда, Ленининг колган ҳамма асарларини ҳам махфийлаштириб куя колганда чакки булмасди. Кераги йуқ уларнинг. Одамни чалғитади, холос. Зиддиятли фикрлари куп. Лекин Ленин таълимотининг асосларини аниқ эсда сақлаш мумкин.

Горбачёв нима килмокчи буляпти ўзи? Партияни ҳалок килмокчими? Совет ҳокимиятини йуқ килмокчими? Ленининг улуғ ишини кукка совурмокчими?

Эркин сайловлар дегани нимаси? Советлар курултойи дегани нимаси? Лекин Горбачёвнинг ҳикилдоғидан олиб булмайди-ку? Бу на ҳамиша ҳадиксираб юрадиган Медведевнинг кулидан келади, на кекирдагини чузаверадиган калтафахм Лигачёв буни эплайди. Горбачёв, аслини олганда, демократ. Ҳеч кимга бақириб-чақирмайди, ҳеч кимга қарши автомобиль ҳалокатларини уюштирмайди, ҳеч кимни ажалидан беш кун бурун гурга жунагмайди. У – кунгилчан ва самимий. У Сиёсий бюро ва Марказкумдаги мухолифатни куриб турибди, аммо унинг фикрича, бу янги тафаккур шароитида оддий плюрализмдан узга нарса эмас. Қуркадиган жойи йуқ. Уртоқлар тушунишмаяпти – мамлакатда тушуниб булмайдиган кушҳокимиятчилик тузуми майдонга келди.

Айтайлик, вилоят қумитаси котиблари ва шуроларнинг раислари. Моҳиятан олганда, қушҳокимиятчилик йўқ, албатта, шуролар партия ташкилотининг қуйи босқичидан бири булиб қолди, холос. Лекин, барибир, яхши эмас-да! Эркин сайловдан максад шуро раислари урнига ҳам партия котибларини утказишдир. Ахир, кандай ажойиб-а? Сен ҳам Биринчи котиб, ҳам шуронинг раиси булсанг. Ҳеч ким ғиринг деёлмайди. Бирок Биринчи котибни Марказкум тайинлайди, шурога эса сайлов орқали утилади. Мукобил номзод асосида. Нега юракларинг така-пука булиб кетди, уртоқлар? Ҳамма нарса уз қулларингда-ку! Ҳокимият ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам, ҳукуқни ҳимоя қилиш органлари ҳам. Наҳотки, сайловдан қурксанглар? Ҳўп, яхши. Олий Советда КПСС учун юзта жойни олиб қоламиз. Номзодлар руйхат билан мукобил номзодсиз шундоқ утаверади. Мен сизлар учун яхши булсин деяман. Ленинга орка қилишнинг ҳожати йўқ. Владимир Ильич нима деб огоҳлантирганини сизлардан ёмон билмайман. Ташвиш қилишнинг ҳожати йуқ. Энг муҳими – бошлаб олиш, чуқурлаштириш керак. Ҳаммаси жойига тушиб кетади, жараён юришиб кетади. (Бу пайтга келиб Горбачёв илгари суриб гапириб юрадиган «чунки у бошлаб беради» деган ибора йўқ булиб кетди. Маълумки, Горбачёв 1987 йилда СССР Олий Советининг раиси ҳам булиб олган эди. У мажлисларда раислик қилганда тез-тез: «Президиумга мактуб ташламанглар, уртоқлар!» – деб хитоб қилиб турарди.)

Горбачёв тушунарли қилиб хотиржам гапирарди.

Сайловлар булди. Уни зур-базур эркин сайлов деса булади. Унда КПСС шармандаларча мағлубиятга учради. Бу маглубият партия ичида катта ғавгони бошлаб берди. Горбачёв ҳеч қанака баҳонаю сабабларни қабул қилмади. Сизлар Биринчи котиблар була туриб, сайловларда уз ғалабаларингни уюштира олмаган экансизлар, биласизларми, уртоқлар, бунинг оқибати ёмон! Демак, сизлар халқ билан чинакам алоқага кириша олган эмассизлар. Эсингиздами, Ленин нима деган эди? «Халқ – бу...» Майли, Ленин нима деганининг унчалик аҳамияти йуқ. Энг муҳими шундаки, бу сизга ҳам, бизга ҳам сабоқ булсин.

Бош котибнинг ҳамма нутқларидан келиб чиқадиган хулоса битта эди: модомики, сиз шуро сайловларида уз ғалабангизни уюштира олмаган экансиз, сиз Биринчи

котибликка ҳам ярамайсиз. Биринчи котиблар иложсиз қолган эди, негаки аллақачондан бери уларнинг урнига Иккинчи котиблар украйиб куз тикиб туришарди. Бир ҳамла билан Биринчи котибларнинг 85 фоизи мансабидан жудо булди, улар уринларини Иккинчиларга бушатиб беришди. «Иккинчилар инқилоби», дея хайкирди матбуот зах арх андалик билан.

Бу орада Москвага чақирилган Свердлов вилоят кумитасининг Биринчи котиби Борис Ельцин Москва шаҳар кумитасига келди. Дасти узун Гришин аллақаёққа ғойиб булди – уни жилдириш, хатто, Андроповнинг ҳам қулидан келмаганди. Ельцин шаҳар кумитасини тор-мор эта бошлади. Номенклатура ғалаёнга келди. У Горбачёв ҳузурида бир неча бор аюҳаннос солиб, Бутуниттифоқ партия конференциясини чақиртиришни талаб қилди. Энг сунгги марта партия конференцияси урушдан аввалги йилларда чақирилган эди. Горбачёв эътироз билдирмади: конференция деяпсизларми? Майли, чакирайлик конференцияни. Якиндагина Биринчиларнинг урнини эгаллаган Иккинчилар ҳали гумонсираб, теварак-атрофга олазарак бокишади, Бош котибга қарши оғиз очишга журъат этишмайди. Сиёсий бюродагиларнинг купига ишонса булади – Шеварнадзе, Яковлев, аъзоликка номзод Ельцин. Марказкумда – Разумовский, Вольский, Фалин, Дзасохов – булар панд беришмайди, чунки ҳамма гапни туғри тушунишади.

Горбачёв хоккей командасининг капитани ва уйновчи тренери, асосий туп урари ва уйинни бошқарувчиси сифатида гоҳ Ельцин ва Шеварнадзе билан инок булиб қолар, гоҳ уларни колдириб, Крючков, Язов ва Пуго билан бирга ракиб дарвозаси томон ташланар, гоҳ анча вактгача майдонни бутунлай тарк этиб, Рейган ва Кол билан маслаҳатга отланар, гоҳ яна Ельцин билан иноклашарди-да, уни майдондан чиқариб юборган булар, кейин уни бошқа бир вазифада яна майдонга кайтарарди. Хуллас, у жуда моҳир ва бекиёс уйинчи эди.

Бу орада аксилкоммунистик инқилоб Шаркий Овруподаги куғирчок тузумларни бутунлай супуриб ташлади. Судсиз ва терговсиз отиб ташланган эр-хотин Чаушескуларнинг корда ётган жасади КПССга раҳбарлик килган Бош котиблар ичидаги энг доноси ва энг маккорининг гапига қулоқ солишни истамаганлар учун дахшатли сабоқдай кўринарди. Берлин девори кулади ва Германия бирлашиб кетди. Ранги кув учган

Эрих Хоннекер халқ ғазабидан қочиб, совет ҳарбий базаларидан бирига яшириниб улгурди. ГДР хужайини роса узига бино қуйган одам эди, у ҳатто, Берлин банкида уз ҳисобида ётган пулларни хорижга утказиб юборишга ҳам улгурмади. Яхшиямки, кадрдон ва садоқатли дусти Ёсир Арофат бор экан – у узининг самолётида уша совет базасига қунди ва Хоннекерга бир чемодан доллар келтириб берди (Албатта, бу пул ҳам СССРдан чиққан). Ёсир Арофат анойилик билан Шаркий Германиянинг собиқ дохийси бу пуллардан ғарбий боскинларга қарши партизанлар урушини, ҳалоскорлик жангларини бошлаш учун фойдаланса керак, деб уйлаган эди. Хоннекер пулни «йуқ» демай олди, лекин уша захотиёқ уни Чилидаги қизининг ҳисобига утказиб юборди. Тузукрок бир уй сотиб олсин деди, шекилли. Чунки Хоннекернинг узи сунгги 30 йил мобайнида шохона қасрларда яшаб урганиб қолган эди-да.

Куни кеча турмада утирган чех дессиденти Гавел куккисдан Чехословакиянинг президенти булиб қолди. Аввал у ҳаммоллик қиларди, президент булиши билан компартияни тақиклаб, хавфсизлик органларини тугатди.

Гданск кема курувчи заводида электрик булиб ишлаган, «Солидарность»га асос солган ва уюштирган, Ярузельский бошчилигидаги ҳарбийлар ҳукумати томонидан ҳибсга олинган тиниб-тинчимас Лех Валенса ҳам Польшанинг президенти булди, компартияни таркатиб, қувиб юборди, коммунистларни мулкдан маҳрум қилди.

Болгарияда Тодор Живков расман қамоққа олинди. У компартиянинг рахбари ва давлат бошлиғи эди. Уни порахурликда, ғазнани талон-торож қилишда, давлатга карши фаолиятда айблашди.

Будапештда эркин сайловлар арафасидаёқ, коммунистларнинг узи тумтаракай қочиб кетишди.

КПСС каршисида ҳам ҳаёт-мамот кундаланг булиб қолганди.

Горбачёв эса Москвада кетма-кет америка, инглиз, француз ва япон бизнесменларини қабул қилиб ётибди. Кенгашлар, ҳуфия учрашувлар, нонушталар, зиёфатлар. Журналистларнинг қийин-қистовига тушиб қолган бизнесменлар мужмалгина жавоб беришади. Улар «совет томонининг» таклифлари қизиқарли ва фойдали булади, деган гапдан нари утишмайди.

Горбачёв эса журналистларни бошка гапга ишонтирмокчи булади – бу музокараларда гап карз ҳакида кетгани йук, балки узаро фойдали, биргаликдаги фаолият масалалари мухокама килинди. Шундай дейди-да, яна Ғарбга жунаворади.

Бу орада совет кушинлари ун йиллик конли ва ҳеч кимга кераги йук урушдан кейин Афгонистондан олиб чикилади. 10 йил мобайнида улар бир миллиондан ортикрок афгонни ўлдирдилар, 3 миллион одамни мамлакатдан кочишга мажбур килдилар, аммо, барибир, орзу килган ғалабаларига эриша олмадилар. Армия тишларини ғижирлатиб, истамайгина, уз талафотлари ҳакида хабар беради: 15 минг одам ўлган, 60 минг киши ярадор ва майиб булган. Аллаканча офицер билан аскар душман кулида асирликда, лекин асирларнинг аник сонини ҳеч ким билмайди. Бу рақамларга ҳеч ким ишонмайди – улар камида уч баравар камайтирилган, деб ҳисоблайдилар. Лекин шундай булса-да, шу рақамларни асос килиб оладилар. Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам шундай булган эди – аввалига «урушда 7 миллион одам курбон булди» деган Сталиннинг гапи асос килиб олинганди, ушандан бери бу рақам 20 миллионга чикди – ҳар йили 2 миллиондан кушилиб туради. Армиянинг Афгонистондан чикиши жуда тантанавор булди. Чегара купригида мусикачилар марш чалади, танкларда ва жанговар машиналарда Кизил байроклар хилпирайди. Куприкдан энг кейин 40-армиянинг кумондони генерал-лейтенант Громов утади. Бу генерал «Магистрал» деган жиноят-корона операцияни амалга оширгани учун Совет Иттифоки Қаҳрамони унвони билан тақдирланган. Уни судга бериш урнига генерал-полковник даражаси билан сийлайдилар. Дарҳол маълум буладики, афгон фахрийларини ватанида ҳеч ким кутмаётган ва улар жиноят дунёсининг аҳлидан бошка ҳеч кимга кераксиз эканлар.

Бу орада Михаил Сергеевич навбатдаги хорижий сафаридан кайтиб келиб, СССРда президент бошкарувини жорий килмокчи эканини айтади. Табиийки, президентлик лавозимига якка-ю ягона номзод сифатида узини курсатади. СССРнинг бошкалардан кам жойи борми? Ҳамма мамлакатда президент бор, бизда ҳам булсин-да! Бунинг нима кераги борлигини ҳеч ким тушунмайди. Баъзи бир андишасизлар пичинг килишади: президент булиб нима киларди, бир йула император булиб олавермайдими? Умумхалк сайлови ҳакида ҳеч ким лом-мим деб

оғиз очгани йук. Горбачёвни съездда депутатлар сайлашади. Шундай килиб, у СССРнинг биринчи (ва сунгги) президенти булиб олади, лекин КПСС Марказқуминнинг Бош котиблиги лавозимини ҳам узида колдиради. Олий Советнинг раислигини эса эски кадрдони (жуда ҳам садоқатлидай куринган), университетда бирга укиган дусти Анатолий Лукьяновга топширади. Хуш, нима руй берди? Ҳаммаси жуда оддий бир гап эди – Горбачёв жонажон партиясидан ими-жимида кутулиб, президент булиб олди. Марказкум каърида, йулаклар ва кабинетларда анчадан бери зоҳарли илондай бир фикр айланиб колган эди: ҳозирги Бош котиб ишончни окламади. Зудлик билан Пленум чакириб, уни алмаштириш керак. Э-э, алмаштиравермайсизларми? Аммо-лекин сайлаб куйилган президентни алмаштириб курингглар-чи? Овора буласизлар.

Шу дакикадан бошлаб партиянинг такдири ҳал булган эди.

Горбачёв президент булиб улгурмай, бутун мамлакат буйлаб КПССни суд килиш ва мулкини тортиб олиш зарурлиги ҳакидаги хитоблар янграй бошлади. Ҳатто СССР Конституциясининг 6-моддасини бекор килиш талаблари борган сари баланд оҳангларда айтилди. Бу моддада КПСС мамлакатнинг бирдан-бир сиёсий ҳукмдори сифатида тасдиклаб куйилганди.

Горбачёв ҳозирча уз партиясини узил-кесил ташлагани йук. У КПССдаги ташкилий ишларни муовини Ивашкога оширган булса-да, ҳамон Бош котиб сифатида деярли чекланмаган ҳокимиятга эга эди.

Садоқатли Кручина ҳам аввалгидек ҳафтада икки марта махфий ва мутлако махфий партия ҳужжатларини кутариб унинг ҳузурига келишда давом этмокда:

«Мутлако махфий. 04.12.89.

Партия мулки муаммолари тугрисида.

Мамлакатдаги сиёсий жараён ривожи, куппартиялиликнинг шаклланиши партия фаолиятини моддий таъминлаш масаласини янгича куйишни такозо этмокда. Совет пулида ҳам, хорижий валютада ҳам молиявий маблағларнинг барқарор манбаларини яратиш керак. КПСС халкаро алокаларининг моддий замини ана шунга боғлик. Зарур ҳолларда хорижий компартияларга лоакал озгина ёрдам курсатишга кобил буламизми-йукми, бу ҳам шунга боғлик. Ҳолбуки, Шаркий

Оврупо компартияларининг сабоқлари шундан далолат бермоқдаки, партия мулкини савдо-сотиқ фаолияти талабларига мос равишда расмийлаштириш буйича уз вактида чоралар курилмаса, бу партия учун мукаррар тарзда жуда оғир оқибатларга олиб кслиши мумкин. Айникса, бозорга утиш шароитида партия мулкини нормал оборотга жалб килишни уйламок керак. КПСС учун хавфли белгилар хозирдаёк намоён булмоқда. Биз ишни бошидан бошламоғимиз керак. Партия урганмаган шароитда иш олиб боришга туғри келади. Шуниси ҳам борки, бир қатор ҳолларда КПСС билан бевосита алокасини сир тутишга мажбур булган айрим фирмалардан фойдаланишда маълум бир даражада хуфиёна иш юритишга туғри келади. Афтидан, асосий мақсад шундан иборат булиши керакки, партиянинг мавжуд мулкини коммерциялаштириш баробарида пухта режа асосида «яширин» партия иқтисодиёти тизимларини яратиб бориш керак. Бу тизимда тор доирага мансуб шахсларнинг ишлашига йул куйилади. Уларни КПСС Марказқуми Бош котиби ёки унинг муовини белгилайди...»

Горбачёв Кручинага маҳлиё булиб қараб колади. Уртоқлар янгича фикр қилишяпти. Туғри фикр юритишяпти. «Партия бутун мамлакат билан бирга бозорга кириб бормоғи керак. Ленин нима деганди-я шу масалада? Ҳа, «Савдо қилишни урганиш керак». Энг мухими – бошлаб юбориш, жараён юришиб кетади. Ҳозир бу ишга жалб қилинадиган уртоқлар руйхатини аниқлаймиз, Ивашко, Шинсн, Фалин, Дзасохов, Лучинёкий, Мананенков, Велелков. Бундан ташқари, Ивашко ҳам уз ихтиёрига кура мутахассисларни жалб қилсин. Уртоқ Крючковнинг идорасида купгина халқаро иқтисодчилар ишлайди. Улар жуда катта ёрдам беришлари мумкин. Ие, буниси нима булди яна?»

«Жойларга юбориш учун мутлако махфий курсатма. Унга Ивашко виза қуйган. Энди сиз имзо чекишингиз керак. Партия мулкини ундан коммерция максадларида фойдаланиш имкониятларини аниклаш нуқтаи назарилан инвентарлаштиришдан утказиш керак; айни чоқда, ҳамма шерик партиялардан тушган коммерция бобидаги таклифларни ҳам инвертарлаштириш керак ва тегишли партиялар билан маслаҳатлашиб олиш лозим. Унча йирик булмаган, чаккон ҳаракат киладиган, узини узи коплайдиган хужалик ташкилотлари тузишга

кириши керак. Бундай ташкилотлар мавжуд партия мулки асосида тузилиб, кушма корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари шаклига эга булади. Уларда «дустона» фирмалар ва шерик партиялар хам иштирок этиши мумкин...»

«Буларнинг ҳаммаси... жуда соз... Айникса, «дустона» фирмалар дегани зур. Лекин бунака ҳужжатларга Ивашконинг узи имзо чекаверсин. Менинг бошқа ишларим тулиб-тошиб ётибди. Яна нима бор?»

«Дустона» фирмалар масаласига келсак, кейинги пайтларда биз улардан анча карз булиб қолдик. Урток Фалин бу масалада маъруза тайёрлаган.

«Шуни эслатаманки, «дустона» фирмалар деганимиз бевосита ва бавосита узлари жойлашган мамлакатлардаги компартияларга мансубдирлар. Улар КПССнинг халқаро фаолиятида муҳим канал ҳисобланади. Буларнинг ҳаммасидан ташқари, бу фирмалар бизга Ғарб товарларини ҳам етказиб бериб турадилар. Улар бизнинг ташки сиёсат бобидаги турли вазифаларимизни баъзан воситали йуллар билан, баъзан эса бевосита бажариб туришади... «Дустона» фирмаларга тааллуқли масалаларни зудлик билан ҳал қилиш зарур. Чунки уларнинг чигаллашган молиявий ахволлари синиш хавфини бошдан кечираётганлари дустона партияларнинг яшаш тарзини бузади, уларнинг бундан кейинги мавжудлигига чинакам хавф туғдиради... Ҳозирги пайтда СССР Ташқи иктисодиёт банки куйидаги фирмаларга миллион хорижий валюта суми хисобида куйидагича пул утказган:

ИТ – «Коммерсио» (Португалия)	– 4,4
«Металким» (Португалия)	– 0,3
«Нумерика» (Португалия)	– 0,6
«Глобус» (Австрия)	– 0,8
«Ланд-оф-Фольк» (Дания)	– 0,3
ОПФ (Франция)	– 0,3
«Пламбанк» (ФРГ)	– 0,1

Ҳозирги пайтда совет ташки савдо ташкилотлари берган маълумотларга караганда «дустона» фирмаларга муддати утиб кетган карзларимиз микдори куйидагича (миллион хорижий валюта пулида):

«Интернэшенел Трайдинг» (Япония)	– 0,6
ОПФ (Франция)	– 0,4

«Тети Эдитори», «Эдитори Риенити»,
«Амилькара Пицца», «Ксилон» (Италия) – 1,9
«Глобус» (Австрия) – 2,2
«Пергамон Прессо» (Англия) – 0,5
«Друкхауз Норден», «Дастим», «Лохер»,
«Барч Интернэшенел» (ФРГ) – 0,4
«Коопи» (Швейцария) – 0,1
«Аванте» (Португалия) – 0,2
«Ланд-оф-Фолька (Дания) – 0,3
«Виг-Трюк» (Швеция) – 0,1
«Пиплз Дейли Уорлд» (АҚШ) – 0,1
«Унита» (Италия) – 0,05
«Морнинг Стар» (Англия) – 0,1
«Ризоспастис» (Греция) – 0,1
«Краус» (Австрия) – 24,6
«Папандопулос» (Греция) – 3,7
«Агалиу» (Греция) – 2,0
«Фидас» (Греция) – 1,5...»

Горбачёвнинг кузлари толиқиб, жимирлаб кетди. У руйхатдан яна икки варағига тезгина кўз югуртириб чиқади-да, Кручинадан сурайди: «Ҳаммаси қанча?»

«Валютада 60 миллион 350 минг сум», – деб жавоб беради иш бошқарувчиси.

«Нима ишкали бор? Туланглар».

«Ишкали шундаки, бу пулларни партия маблағидан эмас, давлат бюджетидан тулаш керак. Ташқи иқтисод банкида эса пул йўқ. Давлат банкида ҳам йўқ».

«Пул йўқ, дегани нима дегани?»

«Давлат бюджетида дефицитимиз жуда катта. Банклар пул тулашдан бош тортаяптилар».

«Яхши, – дейди президент. – Мен Герашченко билан гаплашиб кураман. Ҳал қиламиз».

Мамлакат бўйлаб эса Горбачёвнинг ўз сўзлари билан айтганда, «суверенитетлар паради» содир бўлмоқда. Горбачёвнинг қилиғи юқумли чиқиб қолди. Республика компартияларининг ҳамма собиқ биринчи котиблари президент бўлишни хоҳлаб қолишди. Фақат улар эмас. Россия таркибидаги мухтор республикалардаги Биринчи котиблар ҳам президент бўлгилари келиб қолди. Улар мамлакатда содир бўлаётган

вокеалар моҳиятини дарров илғаб қолдилар. Йиллар мобайнида ўз республикаларини суриб ётган бу одамлар бемалол ҳаракат қилишлари учун Москвага жуда катта улпон тулаб туришга мажбур эдилар. Улар Кремлга ва Эски майдонга келиб хорликлар куришар, «юқорида» Андроповга ухшаган сержаҳл, каттиққул, орқа-олдига қарамай ҳаммаёқни олатасирга олаверадиган биронта катта пайдо булиб колмасин, деб доимо хавотирда юришарди. Ҳозир эса бемалол мустақил булиб олиш, марказга карамликдан қутулиш, узинг «хон» булиб, куланкангни майдон килиб, кайф-сафо суриш имконияти туғилиб колди. Сиёсий бюродан ими-жимида Алиев ғойиб булди. Шеварнадзега ҳам Ташқи ишлар вазири лавозими малол кела бошлади. У энди тез-тез диккат билан Тбилисига назар ташлайдиган булди. Бу чоғларда Тбилисида ҳам ҳамма жойдаги каби аксилкоммунистик шуришлар авжида эди. Ҳа, ҳали бу ерга қайтишга бир оз фурсат бор.

Республика компартияларининг «миллий мустакилликка» утиш жараёнларида табиий равишда «яхши тайёрланган ва маблағ билан таъминланган ашаддий миллатчилик» ҳоллари руй берди. Бу миллатчилик бевосита кушниларга хам, «рус оккупантларига» ҳам қарши йуналтирилган эди.

Вахший кирғинлар Кавказ ва Ўрта Осиёда кучайганданкучайди. Молдовада молдаванлар билан руслар ўртасида отишма бошланди. Ҳатто, Болтиқбуйи республикаларида ҳам русларга карши ашаддий кампания бошланди. Туғри, бу кампанияда хозирча қурол ишлатилгани йуқ. Республикалардан рус кочоклари Россияга окиб кела бошлади. Россияда эса уларнинг хеч кимга кераги йуқ эди. Қочоклар уй-жойларини, мол-мулкларини ташлаб, «ватанлари»га қашшоқ, оч ва ярим ялангоч ҳолда келган эдилар. Уларни таъминлай оладиган одам чиқмади. Уларнинг фарзандларининг укиши учун мактаб йуқ эди. Узларига эса бошпана ҳам, иш ҳам топилмади.

Ҳамма оммавий ахборот воситаларида барча рус кишиларига мурожаат қилиб, мислсиз кулфатга учраган ватандошларига ёрдам беришга чакирилди. «Ким канча имкони булса, пул утказсин», деб ҳисоб рақамлари маълум қилинди. Лекин хеч кимда пул йуқ эди. Янги уйлар, мактаблар, болалар боғчалари куриш, янги иш жойлари пайдо этмок учун миллионлаб пул керак эди. Ишга Халқаро Қизил Хоч жамияти аралашди, кочоклар учун буюмлар, хатто олис Конгодан ҳам

кела бошлади. Бундесвернинг юк машиналарида озиқ-овқат, палаткалар, иссиқ кийимлар келди. Америка, инглиз, француз, ҳатто Исроил самолётлари худди куршовга тушиб қолган уз армияларини таъмин қилаётгандай, кечаю кундуз тинимсиз учиб туришди. Шукур килингки, бунақа учишлар вақтида уларни ҳеч ким уриб туширмади.

Бу орада махфий илтимосларни куриб чикиш давом этаверди.

«Мутлако махфий. П 145/78 07.01.90

ФКП (Финляндия) раҳбариятининг аъзоси урт. Сипсилонинг илтимоси тўғрисида.

1. ФКП раҳбариятининг аъзоси урт. Сипсилонинг илтимоси қондирилсин ва унга партия курилиши эҳтиёжлари учун 1 миллион 298 минг 307 фин маркаси ажратилсин...»

«Мутлако махфий. П 196/31 09.01.90

Ҳиндистон Компартияси раҳбариятининг илтимоси ҳақида.

1. Ҳиндистон Компартияси раҳбариятининг илтимоси қондирилсин ва унга сайлов кампаниясини утказиш учун 2 миллион доллар ажратилсин..»

«Мутлақо махфий 12.01.90

Сиёсий муҳожирларга харажатлар ҳақида

Шу йил 1 январгача булган маълумотларга кура, СССРда 6643 та сиёсий муҳожир ва уларнинг хориждан келган оила аъзолари истиқомат қилади. Улар ҳам муҳожирларга тенглаштирилган... СССРда истиқомат килувчи баъзи бир атоқли хорижий арбоблар ҳам сиёсий муҳожирлар тоифасига тенглаштирилган. Бу арбоблар КПСС Марказкумининг ташаббуси билан кабул килинган қарорлар асосида СССРда истиқомат килади... Уларга моддий ёрдам кўрсатиб турилади ва ижтимоий муаммоларни ҳал килишда (турар-жой, дала ҳовлилари беришда, автотранспорт ва хизмат курсатувчи одамлар билан таъминлашда) кумаклашиб турилади. Бу максадда сарфланадиган пулларнинг умумий миқдори ойига 1,5 миллион сумни ташкил килади. Бундан ташқари, КПСС Марказкўмининг қарорига мувофик партия бюджетидан Иваново шаҳридаги Е. Д. Стасова номидаги байналмилал интернат мактаб ҳам маблағ билан таъминлаб турилади. Бу мактабда сиёсий

мухожирларнинг ва хорижий коммунистик харакат арбобларининг болалари укийди. Сиёсий мухожирлар ва уларнинг оила аъзоларининг дам олиши хамда даволаниши учун мулжалланган «Дустлик» санаторийси хам маблаг билан таъминланади. Бу максадларга сарфланадиган харажатлар 1989 йилда 5,5 миллион сумни ташкил килди. Мазкур маблаглар давлат бюджетидан олинди...»

Республикаларда халк жабхаларининг вужудга келиши КПССни жуда ташвишга солиб куйди. Россияда хам шунга ухшаш ташкилотни барпо этишга уринишлар булди, аммо партия буни хохламас эди. Бунака жабхани антисемитизм йулига буриб юбориш унча кийин эмасди, аммо бу йул билан миллат гайратининг куп кисми бехуда совурилади.

Куча-куйларда кора кийим кийган гурухлар саф тортиб юра бошлади. Баъзилар чор офицерларининг мундирларини кийиб олишди. Уларнинг кукракларида аллакайлардан топилган Георгий нишонлари жирингларди. Кулларида камчи, ёнларига килич осган казак суворийлари майдонга тушди. КГБ хали тирик эди, аммо большевиклар партияси мохиятига кура батамом янги жанговар отрядлар туза бошлади. Уларнинг хаммаси «Сионизмга йул йук!» деган оташин хитобларни кутариб олишганди. Уларнинг кулида авлиё Георгий Музаффарнинг сурати хам бор эди. Унда авлиё Георгий аждарга найза санчиб тургани тасвирланганди: аждарнинг боши урнида эса Довуд пайгамбар юлдузи. «Сионизм нима?» – деган саволга жухудларга кирон солувчиларнинг хаммаси бир овоздан: «Бу – демократия», – деб жавоб беришди. КПСС Мафкура булимининг бундан ортикрок бирон нарса уйлаб топишга кучи етмади. Шу билан бир каторда подшопараст ташкилотлар болалаб кетди. Улар икки бошли бургутлар тасвирини, сунгги император суратларини кутариб олиб, улуг князь Владимир Кириллович сиймосида Романовлар тахтини тиклашга чакирувчи хитобларни айтишди. Мамлакатни узок утмишга кайтариш бошланган экан, бу на мамлакатнинг, на халкнинг келажаги йуклигини курсатади.

Келажаги булмаса-булмасин. Кераги йук. Бу Эски майдондаги хаёлпарастларга жуда маъкул эди.

КПСС мамлакатдаги ахволни синчиклаб кузатиб турарди. Миллий республикаларда содир булаётган жараёнлар

мукаррар тарзда, СССРнинг парчаланиб кетишига ва халокатига олиб келиши аник булиб колди. Шунда КПСС жуда кийналиб, изтироб чекиб булса-да, янги бир ташкилотни – Россия Коммунистик партиясини вужудга келтирди. Янги партия хам узининг Бош котибига эга эди. Бош котиб – Иван Полозков булди. Аввал у Краснодар улка кумитасининг Биринчи котиби булиб ишлаганди. Бу партия хам узининг Сиёсий бюросига ва РКП Марказкуми Ишлар бошкармасига эга эди. Хаммаси коидага биноан. Лекин хамма хам янги партияни тан олмади. Чунки биринчи карашда, бу партиянинг тузилиши КПССнинг парчаланиб кетганини билдирарди. Холбуки, РКП КПССнинг бозор муносабатларига сезиларли говларсиз осонгина кириб олишга ёрдам бериш максадида тузилган эди. Янги компартиянинг Марказкуми ва Сиёсий бюроси аъзоси Виктор Тюлькин тугридан-тугри съезд минбаридан шундай деди: «Р» харфини талаффуз этолмайдиган одамгина РКПнинг тузилишига карши булиши мумкин!» Яъни Тюлькин яхудийларни айтяпти. Съезздда иштирок этаётган КПСС Марказкуми Сиёсий бюросининг аъзоси ва СССР Бош министри Николай Рижковдан Тюлькиннинг большевикча муросасизлик билан айтган гапини шархлашни илтимос килишди. Бош министр аламли тарзда кулларини икки ёнига ёзди: «Бу дахшат... Лекин илож канча?»

Дархакикат, бирор иш килишнинг иложи колмаган эди.

1990 йил 13 март куни мамлакат Конституциясининг 6-моддаси бекор килинди – КПСС СССРнинг ягона мафкуравий-сиёсий рахбари сифатидаги макомини йукотди.

Партия узининг сиёсий хукмронлигидан воз кечди. Номенклатуранинг хозирги ахволи унинг жонига тегиб кетгани учун бу хол руй берди. Марксизм-ленинизм унинг мецъдасига урди, ахир унинг имкониятлари таг-туги билан ишга солиниб булган эди. Гоя тутай бошлади, энди ортик ундан фойда йук эди, аксинча, у борган сари хатарли булиб бормокда эди.

Эндиликда бирон-бир демократик жамиятда буржуазия булиб олмок маъкулрок куринади. Негаки, бунака жамиятда хокимият яна пулдорлар кулида, лекин демократик конунлар ва хусусий мулкнинг устуворлиги эркинрок, бадавлатрок ва бехавотиррок тирикчилик килиш имконини беради.

Горбачёвнинг кайта куришидан кейин номенклатуранинг оёги Гарбдан узилмай колди. Номенклатура у ердаги хаётни

куриб амин бўлдики, у СССРда шунча вақтдан бери ўз халкига карши уруш килиб юриб, ўзи учун яратган турмуш шароити Ғарбдаги ўртача буржуа ҳаётидан, баъзан эса ишчининг турмушидан ҳам пастрок. Магазинларни-ку гапирмай қуя колса ҳам булади. Арканзас штатининг аллақайси бир бурчагидаги исталган кишлок дукони энг олий даражадаги махсус тақсимлагичдагига қараганда купрок ва сифатлирок товарларга эга. Ҳолбуки, бу тақсимлагичга, ҳатто номенклатура аъзоларининг ҳам ҳаммаси киритилавермайди. Ҳамма учун бундай тақсимлагич ўзига хос урнак булиб хизмат киларди.

Партия Конституциянинг 6-моддасидан жуда вақтида воз кечди. Аммо мамлакатда «демократия томир ёйиб кетгани»га қарамай, КПССдан бошка ҳали биронта ҳам сиёсий партия йўк эди. Партия аппарати ҳамон катта кучга эга эди, у ҳамон КГБ билан армияни бошқарар, миллий бойликларга хужайинлик килар, алока воситалари ва оммавий ахборот воситалари ҳамон унинг назоратида эди. Мамлакатда биронта сиёсий гуруҳнинг ана шу кудратли кучга қарама-карши туриши ҳақида гап ҳам булиши мумкин эмасди. Мамлакатда ҳали КПССнинг хужалик ёки молиявий фаолиятини бир колипга соладиган биронта конун бекор килингани йўк эди. Бу эса КПССга ўз рақибларини осонлик билан йулдан олиб ташлашга ва бозорга партиявий байроқларини хилпиратиб, тантанавор кириб боришга имкон берди. Конституциянинг 6-моддаси бекор килинган куннинг ўзида Эски майдондаги телетайплар куйидаги махфий шифрограммани жунатдилар:

«13. 02. 1990. КПСС Марказкуми февраль (1990) пленумининг якунлари билан боғлик равишда партия фаолиятининг баъзи бир ҳуқуқий жиҳатларини куриб чиқиш тўғрисида.

КПСС Марказкуми пленуми СССРда куп партияли тузумга утиш мумкинлигини эътироф этгандан кейин, афтидан, якин кунларда янги партияларни тузиш бошланадиганга ухшайди. КПСС Марказкуминнинг ҳамма ҳуқуқларни белгилашга тааллуқли карорларини инвентаризация килиш максадга мувофиқ булур эди. Ҳуқуқий масалаларни бир колипга солишда муайян кемтикларни тулдириш зарурияти туғилиб колса, янги конунлар чикаришни таклиф килиш ҳуқукига эгалигимиздан фойдаланиш керак ёки тегишли таклифларни СССР Министрлар Советига киритмок лозим... Партиядан унинг мулкини олиб куйиш ҳақидаги талаблар кучайиши

мумкинлигини ҳам назардан соқит қилиш мумкин эмас. Бу мулк, биринчи навбатда, партия қумиталарига, КПССнинг бошқа ташкилотлари ва муассасаларига бериб туриладиган иморатлари, нашриётлар, босмахоналар, дам олиш уйлари, санаторийлар ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари, транспорт воситалари ва ҳоказолар булиши мумкин. Шу муносабат билан шошилинч суръатда бир қатор тадбирлар утказиб, КПССнинг юқорида зикр қилинган мулкка эгалик қилиш ҳукукини мустаҳкамлаш зарур... КПСС Марказқуми, иттифоқдош республикалар компартиялари Марказқуми ва қатор бошқа партия қумиталари ихтиёрида махсус алоқа воситалари (жумладан, шифроалоқа, ВЧ, ҳукумат алоқаси линиялари) мавжуд. Кечиктирмаган ҳолда улардан фойдаланиш асослари ва тартиблари масаласини куриб чиқиш керак булади... Бундан ташқари, партия фаолиятини ахборот билан таъминлаб туриш муаммолари, партия сирларини саклаш, КПСС рахбарларини (олий давлат мансабларини эгаллаб турмаганларни), КПСС иморатларини, иттифокчи республикалар компартиялари Марказкумлари, бошқа партия муассасалари биноларини куриқлаш масалаларини куриб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шуни эътиборга олиш лозимки, янги шароитда бу ишларга СССР КГБ органларини жалб қилиш максадга мувофик эмасдир».

Аммо ҳозирча КГБ ҳали жонажон партиянинг ихтиёрида. Ҳозирча ундан жуда унумли фойдаланса булади. КГБ полковниги Веселовский кутилмаганда КГБ раисининг муовини генерал Бобковнинг ҳузурига чақирилди. Веселовский КГБнинг Биринчи Бош бошқармасида (ташқи разведка) хизмат қилар ва ғоятда ноёб фаолият билан шуғулланарди. У куп йиллар мобайнида компартиянинг фаолияти ҳам, узи ҳам қонун билан тақиқлаб қуйилган мамлакатларга бориб турарди. Веселовский бундай мамлакатларда яширин ҳолатдаги партиялар учун тирикчилик қилишга имкон берадиган ошкора иқтисодий манбалар барпо этар ва СССРдан келган ёхуд оддий талончилик йули билан тупланган яширин партиявий жамғарма пулларини ҳалоллаб олиш йулларини ишлаб чиқарди. Ошкора партиялар-ку ҳеч қачон уз мамлакатларининг конунлари билан ҳисоблашишни истаган эмас. Яширин компартиялар эса, умуман, ҳеч қанака қонунни тан олмаган. Улар ҳатто курол олиб сотаверганлар, гиёҳванд моддалар ва куллар савдоси билан шуғулланишган, фоҳишалардан, киморхоналардан,

кучада савдо киладиган майда чайковчилардан, фермерлардан чутал ундириб туришган. Куйинг-чи, улар хеч нарсадан ҳазар килишмаган. Лекин улар кулга тушиб колганларида ахволлари жуда ночор буларди. Масалан, Францияга ухшаган мамлакатларда миси чиккан коммунистларни суд ва конун ҳимоя килиши мумкин эди, лекин коммунистлар конун билан такиклаб куйилган мамлакатларда улар билан пачакилашиб утирмасдилар. Темир ғулалар билан нозик жойларига уришар ёки тимсохлар бокиб куйилган ховузларга улоқтириб юборишарди. Бошкаларга ибрат булсин учун.

Веселовский узини тажрибали иктисодчи деб ҳисобларди (табиийки, илмий даражаси ҳам бор эди). Узининг ҳамсинф дустларига яширин молиявий-иктисодий тизимлар барпо этишга ёрдам берарди. Бу тизимлар уларнинг кулга тушиб колмай, бехавотир ишлашларини таъминлаши керак эди. Энди Веселовский чет элларда тупланган тажрибасини уз юртида куллаши зарур эди. Генерал Бобков КПСС раҳбариятидан урток Ивашко ва урток Кручинанинг илтимосига мувофик ҳамда Крючков билан келишилганига биноан у, яъни полковник Веселовский, КПСС Марказкумига, Ишлар бошкармасига ишга утказилаётганини айтди. Бу ерда полковник хужалик хизматларининг иктисодий фаолиятини марказлаштириш сектори мудирига муовин булади. Партия аскари унга ишониб топширилган ҳар кандай лавозимда ҳам аскар булиб колаверади.

КПСС Марказкуми Ишлар бошкармаси уз фаолияти мобайнида пул харжлашни жуда яхши урганиб олган эди, аммо бу ерда хеч ким пул ишлаб топишни билмасди, албатта. Шунинг учун Веселовскийга ухшаш мутахассисларни ёрдамга чакиришга карор килишди. Бу хеч кимни хижолат килгани йук. Аслини олганда, КПСС узининг бутун фаолияти давомида моҳияти эътибори билан яширин ташкилот булиб колаверган эди. У бутун ишларини ҳаммадан сир тутарди. КПСС уз шон-шухратининг энг юксак чуккиларига кутарилган кезларда ҳам бирон хужжатни, масалан, Москвада нечта аборт килингани ҳакидаги хужжатни «мутлако махфий» деган мухр билан чикармаса, обрусига путур етади, деб ҳисобларди. Мана шундай хулк-атвор туфайли ғайриконуний барпо этилган номенклатура мулкининг ҳамма ёзилмаган (ва ёзилган) конунлари вужудга келарди.

Веселовский ундан нима кутишаётганини яхши англаб олди. Узининг ғоятда бой хорижий тажрибасидан фойдаланган полковник одатдагича қонунларга осонгина чап бериб, тез орада Кручинага таҳлилий мактуб тайёрлаб берди. Бу мактубга партиявий услубнинг энг яхши анъаналарига мос тарзда шундай деб сарлавҳа қуйилганди:

«Партия мулкидан фойдаланишни мустаҳкамлаш ва самарадор қилиш буйича қушимчи чора-тадбирлар туғрисида».

Мактубда шундай гаплар ҳам бор эди:

«... Молиявий ҳужжатларда аксини топган пул маблағларини ошкора тарзда фақат жамоатчилик, ижтимоий ёки хайрия жамғармаларига утказиш мумкин. Шундай килинса, келгусида уларни мусодара қилиш кийинлашади. Партия кассасига даромад тарзида келиб тушадиган ва молиявий ҳужжатларда акс эттирилмаган маблағлар айрим компаниялар, корхоналар, банклар жамғармаларининг аноним акцияларини харид қилиш учун сарфланиши керак. Шундай килинса, бир томондан, партиянинг кейинги аҳволи қандай булишидан қатъи назар, баркарор даромад таъминланади, иккинчи томондан эса, бу акциялар истаган дақиқада жамғарма биржаларида сотувга чиқарилиши мумкин. Ундан кейин эса, сармояни бошқа соҳаларга харжлаш мумкин булади. Бундан максад – партиянинг иштирокини пинҳона тутиб, назоратни сақлаб қолишдир... Мазкур тадбирларни жорий этиш учун зудлик билан алоҳида ишончга сазовор одамларни танлаб олиш талаб қилинади. Бу одамларга дастурнинг айрим моддаларини бажариш топширилади. Шунингдек, хуфия партия аъзолари тоифасини барпо этиш ҳам эътибордан соқит қилинмайди. Улар исталган вақтда фавкулодда партия фаолиятини таъминлашга киришадилар».

Бу гал уз мамлакати ичига ташланган тажрибали хуфия разведкачининг фикрлари содда ва дохиёна эди. Уларни ўқиб Кручина завкланиб кетди. Азбаройи хурсандлигидан шу захотиёқ КПСС Марказқўми типографиясига қуйидаги тилхатдан 50 минг нусха босиб чиқаришни буюрди.

«КПСС олдида шахсий мажбурият.

Мен, ... йилдан КПСС аъзоси, партия билети № ... мазкур тилхат билан тасдиқлайманки, кунгилли тарзда партиянинг ишонган одами бўлишга карор килдим. Партиянинг ишонган одамлари тоифасига мансублигимни ошкор қилмаган

холда партия томонидан ишониб топширилган вазифани истаган мансабда ва истаган шароитда адо этаман. Менга ишониб бериб қуйилган молиявий ва моддий маблағларни асрашга ва партия манфаатлари йулида тежаб-тергаб сарфлашга ваъда бераман. Партия жамғармалари йулида иқтисодий фаолият курсатиш мобайнида ишлаб топган ҳамма маблағни партиянинг мулки, деб тан оламан ва истаган вактда ҳамда истаган жойда уларни топширишни буйнимга оламан. Менга ишониб билдирилган маълумотларни жуда қатъий тарзда сир тутишга ваъда бераман ва вакил қилинган шахслар томонидан менга етказилган партия топшириқларини бажаришни буйнимга оламан.

КПСС аъзосининг имзоси.

Мажбуриятни қабул килиб олган шахснинг имзоси ...»

Устига қийшиқ қилиб яшил чизиқ тортилган мажбурият коғозлари бир хил эмас эди. Уларнинг баъзи бирлари русча ёзувда, баъзилари эса лотинча ҳарфларда босилганди. Ҳатто арабча ёзувда ёхуд японча иероглифдагилари ҳам бор эди. Николай Кручина уларнинг баъзиларига шахсан узи исмлар, фамилиялар ва партбилет номерларини ёзиб қуйди. Буларни ёзар экан, у тез-тез калин дафтарига караб оларди. Унинг ҳамма саҳифаси номерланган, ип утказилиб, сурғич муҳр билан муҳрланган эди, сарлавҳаси эса «катъйян махфий»лигини курсатадиган ҳар хил яшил, қизил, бинафшаранг муҳрлар урилаверилиб, укиб булмайдиган ҳолга келганди. Ҳолбуки, КГБнинг ҳуфияси – полковникнинг фикрлари баланд парвоз этмоқда эди.

«Гап солиқ бобидаги қонунчилиги юмшоқроқ булган бирор мамлакатда, масалан, Швецияда ахборот-воситачилик фаолиятининг ҳамма турлари билан шуғулланувчи ҳиссадорлик жамияти тузиш ҳақида бормоқда (трейдинг, брокераж, воситачилик, ваколатхонага ухшаш).

Ҳиссадорлар – ишончли шахслар. Бошланғич боскичда булғувси ҳиссадорларнинг руйхатлари аникланади. Ҳиссадорлик жамиятлари урнашиши тахмин қилинаётган банкларда ҳиссадорлар номига ҳисоб очилади ва уларга тегишли миқдорда пул қуйилади. Сунгра Совет Иттифоқи ҳудудида дархол қушма корхона тузилади. Ҳиссадорлик жамияти даромадининг катта кисми (бошқарманинг карори билан) дивиденд сифатида ҳиссадорларга туланиши мумкин. Юқорида

қайд қилинганидек, ҳиссадорлар совет ташкилоти – муассис (КПСС) ишонган шахс. Шундай қилиб, дивидендлардан кейинги фойдаланиш йуллари совет томонидан белгиланади. Айни чоқда бу шуни англатадики, партиядан бошқа ҳеч қайси ташкилот ёки хусусий шахс бу маблағлардан фойдаланиш устидан ҳеч қандай назорат урнатолмайдилар...»

Бошқача айтганда, Веселовский халқаро ҳиссадорлик жамиятининг бутун бир тармоғини барпо этишни таклиф этмоқда эди. Улар «дуст» фирмаларнинг урнини эгаллаши керак. Кейинги пайтларда бу фирмалар уз-узидан камайиб кетяпти, уларга ишонч қолмаяпти. Веселовский партаппаратчилар яширин иқтисодиётнинг мураккаб масалаларини дарров укиб олмасалар керак, деб уйлаган куринади. У уз асарларини Кручинага йуллар экан, унга кичкина бир мактубчани илова қилишни ҳам лозим топибди. «Н. Е. (Николай Ефимович)! Сизга ишониб, 1 нусхада. Агар дастур амалга оширилса, уни фақат КГБ билан амалга ошириш керак». Нима бало, шунча оламшумул қаллобликларни руёбга чиқарган Кручина бу ишларини азиз-авлиёларнинг ҳамкорлигида қилганмиди? Айтиш керакки, тажрибали полковник бир нарсани тахмин қиламан деса ҳамма асосга эга эди: КПСС бутун жаҳон миқёсида узига хос жаҳон инқилоби деб атаса арзийдиган бунақа уйинларни бошлар экан, бу уйинларга КГБнинг кудратли рақиблари Америка Марказий разведка бошкармаси ва Исроилнинг «Моссад»ини ҳам жалб қилишига шубҳа йуқ эди. Аммо полковник Веселовский узи билиши керак булган нарсанигина билар, қолганлари туғрисида эса фақат тахмин килар эди.

Умумий гаплардан аниқ ишга кучар экан, Веселовский «Сеабеко-групп» деган швейцар-канада фирмаси билан ва Афғонистон Фахрийлари уюшмаси билан биргаликда куп киррали ҳиссадорлик компанияси тузишни таклиф қилди. Мамлакатнинг турли минтақаларида бу компания таркибида банклар тизими, авиакомпания, халқаро савдо уйи, хусусийлаштириш жамғармаси, Холдинг компаниялари тармоғи булади. Бу лойиҳанинг муддатини полковник 50 йил деб белгилади. Табиийки, даромаднинг катта кисми КПССга аталган эди. Янги партия иқтисодиётининг «падари бузруквори» узининг айниган ва бадкирдор назарий ғояларидан амалий харакатга кучар экан, кекса разведкачининг ҳиссиётлари бу гал ҳам уни алдамади... Уч палубали ҳашаматли «Леди Гислен»

кемаси Багам оролларининг бири якинида оқ туши билан мовий денгиз сатҳини ёриб борар экан, унинг радистлари Роберт Максвелл номига жунатилган радиограмма қабул қилдилар. Роберт Максвелл инглиз миллиардери булиб, жуда куп газеталар, нашриётлар ва ахборот марказларининг хужайини эди. Куп нарсалар қатори шинам кема ҳам уники эди.

Сирасини айтганда, радиограмма келган булса, келиштирда, бунинг бирон-бир эътиборга сазовор жойи йук, Максвелл ёки «капитан Боб» (уни яқин дустлари ва ракобатчи газеталар шундай деб аташади) махфий телеграммалар орқали дунёнинг ярми билан мулокотда булади. Куп шифрларнинг калитини ёддан билади. Бу галги радиограмма жуда қиска эди: «Учинчи режа буйича трансфертни таъминланг». Имзо йук. Имзонинг Максвеллга ҳожати ҳам йук эди.

Максвелл Словакиядаги қашшоқ яҳудий қишлоғидан чиққан булиб, Иккинчи жаҳон уруши йилларида инглиз разведкасида хизмат қилди. Капитан даражасига кутарилди. Уруш тугагандан кейин «капитан Боб» бир неча муддат Буюк Британияда «Форин офис»да хизмат қилди. Уша йилларда Ғарбнинг разведкачи ва дипломатик хизматлари урток Сталиннинг оламшумул хаёлий режалари тафсилотларига жуда қизиқиб қолишганди. Бу режанинг баъзи бир гомонлари Темир парда оркали утиб, Ғарбга ҳам етиб борганди.

Иосиф Виссарионович узига бино куйган долларга карши зарба тайёрламокда эди. У имкони борича купрок олтин туплаб, унга жуда катта миқдорда Ғарб валютасини сотиб олмокчи ва уни душман устига ташламокчи эди. Бу эса долларнинг кадрини бутунлай тушириб юборар ва Ғарб иқтисодиётини хароб киларди. СССРдаги товарга булган эҳтиёж бу режани амалга оширишга имкон бермасди, албатта. Урток Сталин бу режаларининг бирор жойида хатога йул куйган булар ва бу хато ё унинг режаларини чиппакка чиқарар, ёхуд мутлақо номаълум хомхаёлга айлантириб қуярди. Шунга қарамай, Ғарб анча ташвишга тушиб колганди. Капитан Боб айни шу йуналишда ишлар, халқлар доҳийсининг молиявий режалари ҳакида купрок ахборот туплашга ҳаракат киларди. Дунёдаги энг айёр разведка булмиш инглиз разведкаси бу борада қандай ютуқларга эришганини айтиб бериш қийин-у, лекин Роберт Максвелл уз фаолиятининг авж нуктасида кутилмаганда истеъфога

чиқди ва бор-йўғи 13 минг фунт-стерлингга «Пергамон пресс» нашриётини сотиб олди. КПСС Марказқуми Халқаро булимининг мудири урток Фалиннинг КПСС Марказқуми Бош котиби урток Горбачёв номига ёзган ахборотномасида айтилганидек, бу нашриёт «дуст» фирмалар руйхатида турар ва Совет Иттифокидан 500 минг доллар ундириб олишга даъвогарлик киларди. 1961 йилга келиб Максвелл харид килган нашриёт 10,6 миллион долларга баҳолана бошлади, 80-йилларда эса «капитан Боб» жуда катта нашриёт-ахборот империясининг ҳужайини булиб колди. Беш китъанинг ҳаммасида унинг каргоргоҳлари бор эди. Расман бу империя «Максвелл коммуникейшен корпорейшн» деб аталар ва у кулини чўзса, ҳатто Москвага ҳам бемалол етарди. Москвадагилар эса Максвеллни эркалатиб, «Лондон обкомининг Биринчи котиби» деб аташарди. СССРда Максвелл иложи йуқдай куринган бир ишни руёбга чиқарди. Мустабид бир мамлакатда яҳудийларнинг Исроил ва АҚШга мунтазам муҳожир булиб кетишларини йулга куйди. Яна бунинг устига, Совет Иттифоқи деб аталган улкан қамоқхонадан чиқиб кетишга куп вакт мобайнида фақат яҳудийларгина ҳақли эдилар[1].

Бу ҳодиса Брежнев ва бошқа совет раҳбарларининг асарлари Максвелл ихтиёридаги нашриётларда босиб чиқарила бошланишига туғри келди. Худди шу кезларда Ғарб банклари СССРга қарз беришни ҳам жонлантириб юборди. Аммо бу

---

[1] Яҳудийларнинг СССРдан муҳожирликка кетиш тарихи ҳали ёзилмаган. У купгина сирли саҳифаларга эга. Бирор шурлик яҳудий сартарошга СССРдан чиқиб кетишга рухсат бермай, 20 йиллаб ушлаб туришлари мумкин эди. Чунки у бир вақтлар армияда мирза булиб ишлаган ва ҳарбий хизматдагиларга кунлик овқат нормасини камайтириш ҳақидаги махфий ҳужжатни куриб колган экан. Ҳолбуки, 70-йилларнинг бошларида, Америкага Исроил визаси билан бир гуруҳ ракетачи-инженерлар жунаб кетишган. Уларнинг ярми яҳудий эмас эди. Америкаликлар денгиз авиациясига ишониб, яқин ва урта радиусда ҳаракат қилувчи тактик ракеталар ишлаб чиқаришда анча орқада колишган эди. Уч йил ичида улар бу соҳада СССРдан утиб кетишди. Ҳолбуки, улар аввалдан ҳеч канака текшириш ва тадқиқотлар утказмаган эди. Қуддус шаҳрида Максвеллни дафн этиш маросимида Исроил ҳукматининг расмий вакили марҳумнинг хизматларини санар экан, шундай деди: «Роберт Максвелл Исроилнинг хавфсизлигини таъминлаш учун кўп ишлар килди». Фақат Исроилнинг эмас!..

қарзлар СССРда Ғарбга чикиб кетаётган зукколар эвазига туланаётган ҳак эди, холос. Партия рахбарлари «асарлари»нинг нашр этилиши эса жуда ғалати ва ибратли бир иш булган эди. Бу асарлар мамлакат ичкарисида қанака «зур» таркалганини айтмай қуя қолайлик – ҳар йили уларнинг миллион-миллион нусхалари ҳисобдан чикарилиб, макулатурага топширилади. Бирок нима сабабдандир ҳеч ким, ҳеч качон бу «асарлар» Ғарбда бозор шароитида қандай таркалишини суриштириб кургани ҳам йук. Ҳолбуки, улар Ғарбда ҳам тузукрок сотилган эмас, аммо китобларнинг Ғарбда чоп этилиши бизнинг рахбарларимизга «хорижий валютани қаердан олгансизлар?» – деган саволга унлаб йиллар мобайнида: «Ғарбда босилган китоблар учун», – деб бир хил жавоб беришга имкон туғдирган.

Бу иш қуйидагича амалга ошириларди: Кремль Максвеллга коғоз ва матбаа харажатлари учун жаҳон бозори баҳоларида ҳак тулар, китоблар эса ё Москвада, ё ГДРда, ёхуд Чехословакияда валютасиз ҳисоб буйича босиларди. Валюта номенклатуранинг банк ҳисобларида қолиб кетар, унинг 15 фоизи эса Максвелл ҳисобига утарди. Нима учун деган савол туғилади. Ғарбга пул утказишга имкон берадиган расмий каналга никоб булиб тургани учун. Бу каналдан миллиард-миллиардлаб пул ўтган. «Капитан Боб»ни муттаҳамлик учун жавобгарликка тортилмасин, деб сохта ҳужжатлар расмийлаштириб қуйиларди. Бу ҳужжатларга кура ер юзидаги жамики мамлакатлардаги совет элчихоналари китобларнинг ҳамма нусхасини валютага сотиб олган буларди. Китоблар чиндан ҳам элчихоналарга етказиб бериларди. Элчихоналарнинг чордоқлари ва ёрдамчи бинолари бу китобларга тулиб кетганди. Элчихоналардагилар сочларини юларди-ю, аммо бир иш қилиш қулларидан келмасди. Уларга бу китобларни таркатиш топширилганди. Бу ҳаддан ташқари оғир вазифа эди. Ҳаёт исбот қилдики, бу – мутлақо амалга ошириб булмайдиган иш экан. Сайёрамиз халқларининг ҳамма тилларида қайта-қайта нашр этилган марксизм классикларининг асарларини айтмай қуя қолайлик. Н. С. Хрушчёвнинг «Танланган нутқлари» китобидан Горбачёвнинг «Янгича тафаккур» китобининг нашригача ҳамма ҳужжатлар кутариб қаралса, ғаройиб бир манзара ҳосил бўлади: бу йилларда хорижий китобхон фақат магазинма-магазин югуриб юриб,

ана шу «зур» асарларни харид қилиш билан банд бўлган. Харид қилгану шу заҳотиёқ, у китобларнинг янги нусхалари чоп этилишини талаб қилган.

Максвеллнинг кўп қиррали фаолияти, албатта, бунақа икир-чикирлардангина иборат эмасди. Узининг Ғарб банклари билан алоқаларидан ҳамда бу банклардан анча-мунчасининг акцияларига эгалигидан фойдаланиб, «капитан Боб» вақт-вакти билан дунёдаги биринчи «ривожланган социализм» мамлакатининг номенклатурасига «трансферт операциялари» ёрдамида валюта ишлашга ёрдам бериб турган.

Бу операцияларнинг моҳияти шундан иборат бўлганки, Ғарбга накд совет пулидан жуда катта миқдори долларга сотилган. Пул босадиган станок номенклатура қўлида бўлиб, накд совет пули масаласида ҳеч қандай қийинчилик туғилган эмас. Пулни керагича босавериш мумкин эди.

Истаган совет кишиси болалигидан биладики, бизнинг пулимиз пуч пул, у фақат мамлакат ичкарисидаги муомалага ярайди. Бу – қуллар учунгина шунақа. Номенклатура даражасида оладиган бўлса, унинг мағзи тўқ. Шу даражада тўкки, ҳатто доллар ҳам унинг олдида ип эшолмайди. Қоғоз пулларда: «СССРнинг бутун мулки пулнинг қадрини таъминлашда гаровдир», - деган ёзув бор. Мамлакат ичкарисида бу ёзувнинг мутлақо аҳамияти йўқ, аммо Ғарб банклари учун унинг салмоғи катта. СССРнинг мулки дегани нима? Бу – қуруқликнинг олтидан бир қисмини ташкил қиладиган ер майдони, ўрмонлар, ерости бойликлари, кўпмиллионли меҳнаткаш аҳоли. Бу – истаган бир ғишт... Жуда катта миқдордаги пулларга эваз талаб қилар экан, Ғарб банклари ҳамиша бизнинг «мулк»имиздан шу миқдорга яраша бирон нарса ундириб олиш имконига эга бўлишган. Бу номенклатуранинг кутуриб кетишига йўл қўймасди, чунки трансферт буладиган бўлса, яхши замонларда бир сум учун 10–15 цент тўлашарди. Ҳолбуки, бунақа ишларга Ғарбнинг ҳамма мамлакатларида кунавермас эдилар. Худди шундай ишларда Максвеллнинг шахсий алоқалари қўл келарди. У дунёнинг жуда кўп ишбилармонлари, сиёсат дунёсининг арбоблари билан қил ўтмас даражада яқин эди.

Шундай қилиб, урток Сталиннинг режаси амалга ошди, амалга ошди-ю, фақат тескарисига. Пулларни ҳеч ким ҳеч

каерга кучиргани йўқ. Совет пуллари СССР Давлат банкида турганича тураверди, фақат эгаларининг ҳисоблари ўзгарди, холос. Аллақайларда – Оврупо банклари қаърида номенклатуранинг шахсий ҳисобига долларлар оқиб турарди. Совет банкларида эса жуда катта миқдордаги пул тупланиб бормоқда эди. Бу пул ортиқ СССРники эмасди. Истаган пайтда портлаш содир бўлиши, совет пули расман конвертация қилинмаслиги важидан 1000 фоиз инфляция юз бериши мумкин эди. Доллар эса фақат Ғарб иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қиларди. Совет номенклатурасининг бунақа беҳуда ишларини Ғарбда биладиган Роберт Максвеллга ўхшаган одамлар оз. Лекин улар СССРдаги нақд пулнинг ҳаммасини таг-туги билан сотиб олиш йўлларини ўйлай бошладилар. Шундай қилинса, бу – коммунистик тузумнинг сўзсиз таслим бўлиши билан баробар эди. Бундай аҳволдан қутилишнинг бирдан-бир йўли Учинчи жаҳон урушини бошлаб юбориш бўларди, холос. Ғарбдагилар Кремль сардорларининг анча-мунча масъулиятсизликларидан ва қариб мункиллаб қолганларидан яхши хабардор эдилар. Шунинг учун нақд пул олиб-сотишдаги кутуришлар олдиндан айтиб бўлмайдиган сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин, деб ташвиш чекишарди. Ахир, бир ғал емга ишлатиладиган ғалла стмай қолгани ҳақида хабар қилишганда, Брежнев ўйлаб ҳам ўтирмай: «Уруш бошлаймиз-у, ғаллани Ғарбдан тортиб оламиз», деб жавоб берганди-ку! Тўғри, бу ҳазил эди. Аммо бу ҳазилда КПСС раҳбариятининг ширин тушларига кириб турадиган ардоқли орзуларига шама бор эди. Ҳеч қандай жамоат фикрига эга бўлмаган ва ҳамма нарса жиноятқорона ташкилот томонидан назорат қилинадиган мамлакат билан мулоқотга киришсанг, ҳар ҳолда, эҳтиёт бўлганинг яхши-да! Ҳаммасидан ташқари, бунақа операцияни бошлашдан аввал сўм билан долларнинг курсини шундай бир нисбатга келтириш керакки, жуда кам доллар харжлаб, жуда кўп миқдорда сўм харид қилиш мумкин бўлсин.

Сўнгги вақтларда Максвелл шоша-пиша валюта сотиб ола бошлаган эди. У катта миқдорда қарзга ҳам ботди – қарзи икки миллиард долларга етди. Мутлақо қутилмаганда у узининг тўнғичи «Пергамон пресс»ни ҳам 446 миллион фунт-стерлингга сотиб юборди. Бу пуллар қаёққа кетди? Афтидан, бир замонлар инглиз разведкасининг истеъфодаги капита-

нига КПССнинг «дустона» фирмалари руйхатида турган шу нашриётни харид килишга 13 минг фунт-стерлинг бериб турган одамга сарфланган булса керак. «Учлар режаси»нинг мулжалига кура, эски векселлар буйича узил-кесил хисоб киладиган вактлар якинлашиб келмокда эди...[1]

«Мутлако махфий. Шифр ЗЮДИ.

Хозиргина биринчи манзилдан, бевосита рус банкасидан 100 миллиарддан ортикрок совет пулини сотиб олиш хакида таклиф олдик. 100 суми 6,62 америка долларидан.

Сизда бу пулни оладиган аник харидор борми? Булса, кейинги ишларни батафсил мухокама килиш мумкин».

«Шеригингизга ишонса буладими-йукми, деган важдан харидор хавотир оляпти. Манфаатлар доирасидан Интерпол хам хабардор булиб колиши мумкин, шекилли. Олди-берди йулини узгартириб булмасмикин?»

«Бизнинг шеригимиз рус Давлат банкининг бевосита вакилидир. У хамма ишни Цюрихда туриб шахсан кузатади ва назорат килади. Кузда тутилган тартиб-коидалардан чекиниш жуда кийин. Бунинг окибатида хар хил муаммолар чикиши мумкин...»

«Вакиллар Интерполнинг назорати остида булса керак», – деган хавотирларингиз асоссиз. Улар томонидан таклиф килинаётган жуда катта микдордаги пул тегишли суратда расмийлаштирилган хужжатлар ва сизга маълум дивидендлар Давлат банки, Молия вазирлиги ва СССР хукуматининг розилигисиз олиниши мумкин эмас».

СССР Молия вазири КПСС Марказкуминин аъзоси Валентин Павлов эди. Давлат банкининг бошкарувчиси – КПСС Марказкуми аъзолигига номзод Леонид Герашченко.

Бош вазир – КПСС Марказкуми Сиёсий бюросининг аъзоси Николай Рижков.

---

[1] Максвелл Горбачёв билан жуда илик муносабатларга эга эмасди. Сунгги Бош котиб унча-мунча нарсани андиша килиб утирмасди. У жуда куп фирмаларга, жумладан, «Икэгами Цусинки» фирмасига ўз суратидан рекламада фойдаланишга рухсат берганди. Албатта, бепул эмас. Максвеллга тегишли «Би-Би-Си» янгиликлар телеканали эса бир куни: «Бизнинг дастуримизнинг директори СССР президентидир, – деган гапни айтиб юборди. Бабелнинг яхши курган гапи буларди: «Хеч ким билмайди – каерда Беня тамом булади-ю, каерда полиция бошланади?»

Давлат бошлиғи КПСС Марказқуми Бош котиби Михаил Горбачёв.

«Сизнинг маълумотларингизни шубҳа остига олмаган ҳолда бевосита Москвага уз одамларимиздан бирини йуллашни истар эдик. Бундай таклифлар бизнинг молиявий ҳонадонимиз бошига кулфатлар ёғдириши мумкин булган тизимлардан эмас, балки чиндан ҳам мамлакат ҳукуматидан чиқаётганига ишонч ҳосил қилишимиз керак...»

Юқори доираларда ана шундай ғаройиб воқеалар тобора қанот ёзиб бораётган экан ва «Леди Гослен» радиостанцияси овчиларнинг бурғуси каби бутун дунёдаги молиявий куппакларни Совет Иттифокини бурда-бурда килиб ташлашга ундаётган, аммо фурсат етиб келганига тула ишонқирамай тараддудланиброк турган бир фурсатда КПСС эвакуация буйича тадбирларни амалга оширишда давом этарди. Негаки, у ҳамон, ҳар галгидек ташкилотчи ва илҳомчи эди.

Ленининг «Таланган буюмларни тала» деган классик шиори аллақачон «Таланган одамни тала!» шиорига айланиб булган эди.

«Махфий. Бажарилиши шарт. 23.08.1990

...Қозоғистон Компартияси Марказқуми, КПСС Москва ва шаҳар қумитаси ва КПСС Ленинград вилоят қумитаси биргаликда учта тижорат банкнинг муассислари (Олма-отада «Компартбанк», Москвада «Главмостстрой банк» ва Ленинградда «Россия» тижорат банки) булишди... Турли даражадаги партия ташкилотлари депозит маблағларини тижорат банкида жойлаштира бошладилар. Аммо партиянинг марказий органлари даражасида бу муҳим ишда муайян сусткашликка йул қуйилмоқда...»

Муайян сусткашлик шу билан изоҳланар эдики, ҳар томондан ракобатчилар чикиб, ишлашга халақит бера бошлашди. Турли-туман жамоатчилик гуруҳлари ва хусусий одамлар, корхоналар, кооперативлар банклар оча бошладилар, ҳатто хориж билан мустақил алоқалар урнатишга киришдилар. Эндиликда КПСС бор-йуғи мамлакатдаги жамоат ташкилотларидан бири ҳисобланарди, холос. У, ҳатто, расман руйхатдан ҳам утмаганди. Бинобарин, эндиликда у ҳеч нарсага аралашмаслиги керак эди. Шундай булса-да, унинг садоқатли

жанговар отряди булмиш КГБ жонажон партиясини хафа қилдириб қуймади. Ҳолбуки, КГБ жамоат ташкилоти эмас, қудратли давлат идораси эди. Тадбиркорларни камаш бошланди. Бу шу қадар авж олдики, ундан янги қирғиннинг ҳиди кела бошлади. «Шепелиха» кооперативининг иши, Альфред Шопенбергнинг иши, Коробочкиннинг иши, Магадандаги «Спарк» кушма корхонасининг иши, тинтувлар, мусодаралар, КГБ пулларига ташкил қилинган рэкетчи бандитларни тадбиркорларга карши солиш, порахурликнинг янги тулкини – буларнинг бари сиёсий қирғинни эслатса-да, аслида ракобатчиларни гумдон қилишдан ўзга нарса эмас эди. Ниҳоят, КГБ партиянинг расмий рэкетчиси булиб олиб ўзининг муносиб қиёфасини топди. Аммо бу роль КГБни ортик каноатлантира олмасди. Ҳар кандай рэкетчи ҳам калбининг бир пучмоғида тадбиркор булишни, катта савдогарларга хос салмок ва салобат билан иш юритишни истайди, кооператорларнинг юрагини вахимага тулдириб, уйма-уй изғиб юриш унинг ҳам жонига тегади.

КГБнинг Биринчи Бош бошқармаси полковник Веселовскийга ухшаган мутахассисларга тула булганидан КПСС Марказкуми Ишларбошкармасинигояларбилан озиклан гириб туриш билан чекланиб колмокчи эмас эди. Бу бошқарма жаҳон миқёсида яширин ишларда орттирган бой тажрибасини ўзи мустақил равишда ҳаётга татбиқ қилиб қуришни истарди. Биринчи Бош бошқарма АНТ концернини тузади, унинг директори қилиб ўз офицери Ряшенцевни тайинлайди. Буни тузишдан максад ўзининг махфий омборларидаги куролни мустақил сотиб, йигирма миллиард доллар ишлаб олиш эди. Аммо КПСС ўзининг жонажон жанговар отрядини жуда яхши билади, унинг лаёкати нималарга кобил эканидан ҳам яхши хабардор. Ахир 70 йилдан ортикрок муддат давомида улар биргаликда ҳар хил синфий жангларда ва ўзаро ихтилофларда бекорга жон чекиб курашишганми? КГБнинг 6-бошкармаси Новороссийскда Биринчи бошкармаининг танкларини ушлаб колади. Улар калбаки ҳужжатлар билан кишлок ҳужалик асбоб-ускуналари сифатида хориждаги аллакандай абжир даллолга жунатилаётган экан. Жуда катта ғалва кутарилади. Маълум буладики, Биринчи Бош бошқарма ўзининг ишларига аллаканча катта одамларни, шу жумладан, Бош министр

Рижковни ҳам жалб қилиб улгурибди. Бошкармалараро ҳаётмамот жанги бошланади. КГБнинг 6-бошкармаси суданлик бир иғвогарни бушатиб ҳам юборди. Бу одам Биринчи Бош бошкарма одамларига 140 минг доллар пора бериши, бу иш Будапештда амалга оширилиши керак экан. Аммо Биринчи Бош бошқармадагилар ҳам анойи эмас эдилар. Суданликни КГБнинг айғокчиси, деб фош қилишиб, ишни Олий Советга олиб чиқишди ва унга жуда ғаройиб тус беришди – маълум буладики, ҳаммасига кооператорлар айбдор экан. Ахир АНТ кооператив эди-да! Аммо бу ишнинг пачаваси чикди, чунки КПСС ҳаваскорликни ёктирмас эди. Ҳамма нарсани партия интизоми талабларига мос равишда келишиб олиш керак. Масалан, ленинградлик ўртокларга ухшаб. Уларга ҳам осон тутиб булмайди.

«27.09.1990. КПСС Ленинград вилоят кумитасига

Мутлақо махфий.

1990 йил 27 июнь куни СССР Давлат банкида 328-рақам остида 31 миллион сум устав жамғармасига эга бўлган «Россия» тижорат банки руйхатга олинди. КПСС Марказкуми билан келишилганига кура, банкнинг асосий муассиси КПСС Ленинград вилоят кумитасининг Ишлар бошкармаси булди. Ҳаммуассисларнинг жуда юксак интеллектуал, профессионал ишлаб-чикариш ва молиявий имкониятларини инобатга олиб айтиш мумкинки, бу банкка қуйилган маблағлар юкори даражада маънавий ва моддий даромад беради. Лицензия олгандан кейин банк хорижий валютада кредит-ҳисоб ва бошқа операцияларни бажариши мумкин булади. Устав жамғармасидаги ҳиссасига мувофиқ унинг муассисларига берилиши керак булган даромаднинг асосий кисми партия кассасига тушади. Шу билан бирга мамлакатдаги иктисодий вазиятнинг ёмонлашуви ва сиёсий вазиятнинг кескинлашуви муносабати билан «Россия» банкининг депозитига партиянинг захира жамғармасидан уч йил муддатга, йилига 3–4 фоизлик даромад билан 500 миллион сум микдоридаги кредит маблағини утказиб туришни мумкин деб ҳисоблайман. Бу марказ партия органларининг тадбирларига молиявий маблағ ажратиш учун баркарор пойдевор яратишга имкон беради.

КПСС Ленинград вилоят қумитасининг
котиби: Б. Гидаспов».

Гидаспов ҳамиша жуда серғайрат ва жушқин фаолият кишиси булган. Якиндагина Ленинградга шахсан Горбачёвнинг узи келган эди. У вилоят қумитасининг аввалги котиби Соловьевни кайта куриш мохиятини тушунмагани учун ишдан олиб, урнига Гидасповни куйиб кетганди. Гидасповнинг бирдан бурни кутарилиб кетди – йилига 3–4 фоиз даромад билан куйиладиган 500 миллион сум ҳазил гапми? Горбачёв Гидасповни ёктирган булиши ҳам мумкин, лекин у Кручинага маъкул эмасди – уни ғур деб ҳисобларди. Кручина Ленинград вилоят қумитасининг Ишлар бошқарувчиси Крутихинни ҳам ёқтирмасди. Нима учун дейсизми? Сабаби – номаълум. Ёктирмас эди, тамом-вассалом.

«КПСС Марказкуми Ишлар бошқармаси Ленинград партия вилоят кумитасининг илтимосига кисман рози булиш мумкин деб хисоблайди ва «Россия» тижорат банкининг депозитига КПССнинг суғурта жамғармасидан икки йилга йилига 6 фоизлик даромад билан 50 миллион сум утказиши мумкин.

КПСС Марказкуми Ишлар бошқарувчиси Н. Кручина».

Ленинград вилоят кумитасининг ҳакалак отган иштахасини жиндай урнига тушириб куйгач, Кручина бошқа мухимроқ ишларга шунғиб кетди. Трансферт йули билан якин фурсатлар ичида 280 миллиард сумни долларга айлантириш керак эди. Тахминан бир долларга 15–18 сумдан тўғри келади. Буни кечиктириб булмайди, чунки якин келажак ичида сумга нисбатан долларнинг курси кескин ошиб кетади. Шунинг учун Ғарб банкларидаги хисобларда жуда катта миқдордаги валюта йиғилиб колган булиши керак. Токи бу валюта билан нафақат бутун партия мулкини, балки бутун Совет Иттифоқини ҳам хусусийлаштириб олиш мумкин булсин. Шундай килинса, ҳамма нарса партиянинг кулида колади. Якиндагина – 1990 йилнинг июль ойида Кручина КПССнинг XXVIII съездида оташин нутқ сузлади. Тўғри, у ҳали XXVIII съезднинг энг охирги съезд эканидан вокиф эмас эди. У КПССнинг хориждаги валюта операциялари масаласида тухматчилар айтган ҳамма бухтонларни рад этди; Кручина қасамлар ичиб, партия фақат аъзолик бадаллари хисобига яшаётганини айтди: «КПССнинг хорижда хеч кайси банкда

жамғармаси йуқ, хеч кайси мамлакатда мулкка эга эмас. Бизга тушадиган валютанинг факат битта манбаи бор: бу – хорижда ишлайдиган коммунистлар тулайдиган аъзолик бадалларидир. Улар маошларининг валютада олинадиган кисмидан валютада аъзолик бадали тулайдилар. Бу пуллар давлатнинг валюта даромадига кушилади. Партия бюджетига бу пуллар сумга айлантирилиб утказилади. Партия органларининг валюта эхтиёжлари учун маблаг бизга хам бошка министрликлар ва муассасалар каби умумий асосларда утказилади. Кейинчалик биз Минфинга унинг киймагини совет пулларида кайтариб берамиз...»

Хулласи калом, агар бизда бирон-бир имтиёз булса, бу – пулемётчиларга карши биринчи булиб кукрак кериб бориш имтиёзидир.

70 йил мобайнида партия ёлгон гапиравериб шу даражага етган эдики, эндиликда унинг гапларига ишониш кийин булиб колганди.

«Мутлако махфий. П 286/72 30.10.1990

АҚШ Компартияси Бош котиби урт. Гесс Холлнинг илтимоси тугрисида.

1. АҚШ Компартиясининг Бош котиби урт. Гесс Холлнинг илтимоси кондирилсин ва унга 1991 йилда 2 миллион доллар утказилсин...»

Горбачёв нигохини коғоздан узиб, Кручинага каради: «Нима учундир Гесс Холлга тез-тез пул утказадиган булиб колдикми?»

«Бу унга эмас, – деб тушунтирди Кручина, – бу узимизга. Узаро ёрдам тарикасида».

«Дустона фирмалар учунми?» – деб кизиксинди Бош котиб. У узига фойда келтирадиган булса, хамиша хеч нарсани тушунмаганга олар эди.

Айтгандай, «дустона» фирмалар тугрисида. Улар кетма-кет синяпти. Уларга тулашга пулимиз йук. Давлат бюджетидан олмаса булмайди. Герашченко билан Павлов эса беришмаяпти. Уларнинг нималаргадир катта харажати бор эмиш. Урток Фалин бу масалада яна ахборотнома тайёрлаган:

«1989 йилнинг охиридан бери «дустона» фирмалар (Франция, Португалия, Греция, Кипр, Австрия, Швеция, Уругвай) борган сари зурайиб бораётган тусикларга дуч

келмокдалар. Бунинг асосий сабаби шундаки, совет вакиллари бизнинг мамлакатимизга жунатилган товарлар учун пул тулашмаяпти. Бир неча марта шу сабаб билан фирмалар синиш ёкасига бориб колди, факат уртоклар А. Куньял, Г. Плисанье, Г. Христофиас, Д. Зильмермаерлар, Греция Ишчи партияси рахбарияти, Швеция Ишчи партияси рахбариятининг КПСС Марказкумига бевосита мурожаат килишига жавобан М. С. Горбачёвнинг шахсан аралашувигина таназзул вазиятини вактинча юмшатишга имкон берди.

Сунгги хафталар ичида карзларимизни тулаш борасида, айникса, Франция, Австрия, Швециядаги «дустона» фирмаларнинг ахволи кескин тарзда оғирлашиб кетди. 1990 йил 10 октябрь кунига «дустона» фирмаларга карзимиз борасидаги ахвол куйидагичадир:

Франция Компартияси – «Интерагра» компанияси (СССРга махсус савдо тармоғи учун ғалла, ёғ, гушт ва гушт махсулотлари етказиб беради). Бу компания тулов учун 138 миллион долларга коғоз жунатган. Бундан 60–70 миллион доллари муддати утиб кетган карзлардир. Бу масала шу йилнинг 8 октябрь куни М. С. Горбачёвга етказилган. «Ташки иктисодиёт банки»га тезлик билан чора куриш тугрисида курсатма берилган. Банкнинг маълумотига кура (Ю. С. Московский), 9 миллион доллар Парижга 11 октябрда утказилган ва яна 15 миллион доллар бугун утказилади. Колганлари Франциядан олинадиган карз хисобидан туланади. Аммо Франциядан олинадиган карз хакида хали музокаралар бошланганича йук.

Швеция Ишчи партияси – «Виг Трюк продукт АБ» партия матбааси «Ташки савдо нашриёти»дан 3 миллион швед крони микдоридаги карзини ундириб ололмаяпти. Совет элчисининг маълумотига кура карзни тулаш яна чузиладиган булса, матбаа 7–10 кун ичида буткул синади. У гакдирда «Норшенсфламман» деган партия органини нашр этиш хавф остида колади.

Австрия Компартияси – «Краус ва Ко» компанияси (махсус савдо тармоклари учун кенг истеъмол моллари етказиб беради). Муддати утиб кетган карзимиз 30 миллион доллар ва яна 31 миллион Австрия шилингини ташкил килади.

Португалия Компартияси – «Коммерсио интернационал», «Эсиор/Эхосуа» (Испания), «Металиме», «Тагол» компаниялари (усимлик ёғлари, пойабзал, қулқоплар, полиэтилен қоплар ва пулат тасмалар етказиб беради). Қарзимиз қисман туланган, қолгани ҳозирги пайтда 11 миллион долларни ташкил қилади.

Греция Компартияси – «ВЕК» фирмаси (махсус савдо тармоқлари учун пойабзал етказиб беради). Июль ойида қарзимиз қисман туланган (3 миллион долларгача), ҳозирги пайтда қолган қарзимиз 8 миллион доллар ҳажмида.

Қарзимизнинг бу жиҳатининг узига хослиги шундаки, гап, одатда, давлат миқёсида олинадиган булса, арзимаган пул миқдори устида боради; бироқ ана шу арзимаган миқдор «дустларимиз» учун ҳаёт-мамот масаласини ҳал килади. (Эсингиздами, Чернобил болалари учун зудлик билан 3000 доллар керак, Афғонистон ветеранлари учун аравача ва протезлар керак, зилзила қурбонлари учун бир марта ишлатиладиган укол игналари зарур. Бор-йуғи арзимас 10000 доллар керак, холос. Аммо қани уша пул? Уни қаердан олиш мумкин? Ёки ғарбий фирмалар хайр-эҳсон қилармикин? Қилишмаса-чи? Йуқ булса, йук-да! Уртоқ Фалин бу масалада илтимос қилиб утирмайди. – И. Б.)

«Ташки иқтисодиёт банки» доимий равишда «дустона» фирмаларга қарзимизни навбатдан ташқари тулашга рози булса яхши буларди. Бу масалаларни ҳал қилишга аралашинг, деб ҳар гал М. С. Горбачёвга мурожаат қилиб булмайди-ку! В. Фалин».

Фалиннинг мактубига куйидаги мазмундаги мухтасар маълумотнома ҳам илова қилинган:

«Шу йилнинг 17 июль куни «ВЭК» деган Греция фирмасининг вакили Москвада магазинлар очиш борасидаги режалари билан уртоқлашган ва бу масалада ёрдам сураб партияга мурожаат қилиб шундай ёзган эди:

«Имкониятдан фойдаланиб, биз КПССнинг бу соҳа учун масъул булими савдо-сотиқ масаласида ҳамкорлик қилишга тайёр эканимизни изҳор этмоқчи эдик. Ишончимиз комилки, узаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида жуда куп муштарак манфаатлар мавжуддир.

Уртоқлар, партиянгиз томонидан бизга курсатилган ёрдам учун чин юракдан миннатдорлик билдирамиз. Бу ёрдам туфайли Москвадаги ваколатхонамиз партиямизнинг даромадларини таъминловчи асосий манба булиб қолди».

Горбачёв Фалиннинг мактубини синчиклаб укиб чикди. «Мактуб менга йулланганми ё Павловга?»

«Павлов пул бермайди», – деб жавоб берди Кручина,

«У бермаса, менда пул нима килади?» – деб сурайди Горбачёв.

«Бизда пул йук, – деб рози булади Кручина. – Бу харажатларнинг хаммаси хамма вакт давлат бюджети хисобидан копланарди».

Куп йиллар мобайнида «дустона» фирмалар номенклатурани товарлар ва озик-овкат махсулотлари билан арзон бахоларда гаъминлаб келарди. Хатто, сувни хам махсус идишларда жунатишарди, чунки номенклатура мутлако хакли равишда ватанимизнинг захарланган сувидан истеъмол килишни истамасди. Товарлар, албатта, Ғарбнинг каричи билан улчаганда, иккинчи навли эди, аммо совет мезони билан улчанса, бениҳоя юксак эди. Табиийки, улар халкнинг тушига хам кирмаган. Факат Австриядан келтирилган алланимабало аёллар этигининг бир жуфти махсус таксимлагичда 18 сумдан сотилаётгани тугрисида овозалар юрарди. Эндиликда эса бозорга триллион сумлик сармоя билан кириб бораётган, узининг хиссадорлик жамиятларини, савдо фирмаларини, банкларини ташкил килаётган партияни «дустона» фирмалар каноатлантира олмай колдилар. Пайдо булган янги имкониятлар шуъласида кечаги валинеъматлар аянчли ва жуда ночор курониб колди. Бошка карзларни уларга туламай куя колишди. Оддий одамлар тилида буюмни олиб, пулини туламай кетган одамни «фирибгар» дейишади. Одатда бунака холлар йирик жанжалларга сабаб булади, хатто, отишмалар, портлатишлар, ўт куйишлар юз беради. Бу жанжалларда одамлар нобуд булади, болалар угирланади. Фирибгарлик тулкинлари порахурлик ва бошбошдоклик тулкинлари билан кушилиб, бутун мамлакатни туфондай боса бошлади. Партия мамнун булиши мумкин эди. Ун йиллар мобайнида КПСС узи урнак булиб, халкини шу рухда тарбиялади. Хали биронта мамлакат бунака паст даражадаги маънавият билан бозор муносабатларига кадам куймаган эди. КПСС Марказкумидан энг сунгги кооператив дуконигача шу ахволда эди. Шундай булгандан кейин «дустона» фирмалар унча укинмасалар хам булади – тарих гилдираклари тагида янчилиш уларнинг кисматида бор экан. Ёлгиз Валентин Фалингина гох Кручинадан, гох

Павловдан пул сураб, уларни эслатиб турди (буни у беминиат қилган деб ишонамиз).

Айтиш керакки, Павловда пул бор эди. Аммо у бу пулларни халқаро ишчилар ҳаракатига совурмоқчи эмасди. Худди шу кезларда Молия министри Павлов (орадан куп утмай, у Бош министр булади), унинг биринчи муовини Орлов ва Давлат банки бошқарувининг раиси Герашченко бир хилват гушада Цюрихдан учиб келган Шмид деган одам билан дустона дастурхон геварагида утиришарди. Шмид Херигисвиль деган жойда унча машхур булмаган «Бюрогемайншафт» фирмасида хизмат қиларди. Херигисвиль Швейцариядаги соликлар тартиби энг юмшоқ жой сифатида доврук таратганди. «Бюрогемайншафт» фирмаси эса бутун дунё микёсида энг бадкирдор ишларда даллоллик қилиши билан маълум эди. Шмид маълум мақсадларда Москвага учиб келганди. Москва ҳаддан ташқари фантастик тарздаги бир трансфертни тахт қилган – бу чиндан ҳам шундайми ёхуд Интерполдаги устаси фаранглар қуйган тузоқми – Шмид шахсан узи бунга ишонч ҳосил қилиши керак эди. Амалдаги ишлар унинг кутганидан ун чандон ортиқ булиб чиқди. Унга 280 миллиард сумни харид қилишни таклиф этишди. Шмид гап тахминан бирор юз миллиард устида борса керак, деб уйлаган ва бунақа таклифни кутмаганди. Бундай миқдордаги пулни сотишга ақл бовар қилмайди – бу СССРга Ғарб томонидан дахшатли молиявий зарба беришга йул очади. Шмид молиячи эди ва СССРнинг молиявий ахволидан озмикупми хабардор эди. Жумладан, у бутун СССР буйлаб муомалада 139 миллиард сум юришидан хабардор эди.

«Сизлар бу пулларни муомаладан чиқариб олмоқчимисизлар?» – деб суради у Павловдан. «Қисман, – деб жавоб берди Молия вазири лабларини чуччайтириб. – Лекин сиз бизни ахмоқ экан, деб уйламанг. Биз бадавлатмиз. Бизнинг ташвишимизни қилмай қуя қолинг».

Шмид елкасини қисди.

Турт боскичда ҳаракат қилишни келишиб олишди.

Биринчи боскич – 1990 йил декабрида 100 миллиард сум. Баҳоси 5,5 миллиард доллар.

Иккинчи боскич – 1991 йилнинг январида – 25 миллиард сум.

Учинчи боскич – 1991 йилнинг майида – 15 миллиард сум.

Иккинчи ва учинчи боскичлар – баҳоси 2 миллиард доллар.

Ниҳоят, тўртинчи боскич – 1991 йил июлида 140 миллиард сум. Баҳоси 4,5 миллиард доллар.

Ҳаммаси булиб 280 миллиард сум. Баҳоси – 12 миллиард доллар.

«Сиз юборган одамлар, – деб кенгашни ёпди Павлов, – ҳисоб рақамларини билишади. Сунгги боскичда ишнинг ҳолатини жаноб Орлов шахсан назорат қилади. Шу билан ҳамма иш бигади, деб ўйламанг. Ҳали пулимиз жуда куп».

Павлов рост гапирган эди. Пул босиб чикарадиган ускуна тўлалигича унинг ихтиёрида. Агар зарур булиб қолса, аҳолининг пулидан ҳам бир қисмини олиш мумкин. Ҳечкиси йуқ, улиб қолишмайди. Мабодо улиб қолишса, начора, кисматлари шу экан-да!

Бу гапларга лол қолиб, ҳанг-манг булган Шмид юртига учиб кетди. У ўз ҳаётида куп нарсани курган, лекин ҳали бунақасига дуч келмаганди. Сирасини айтганда, у бор-йуғи 12 миллиард долларга бутун Совет Иттифоқини сотиб олади-я!

Николай Кручинанинг ҳам пули бор эди. Аммо у ҳар гал фурсат келганда давлат бюджетидан умаришини қуймасди. Гарчи у Ленинград вилоят қумитасидаги арбобларни жини суймаса-да, уларга суралган 500 миллион урнига 50 миллион сум берган экан, буни очкузлигидан килгани йуқ. Павлов унга бунақа арзимас пулни беришдан ҳеч қачон буйин товламасди. Кручина Гидаспов ва унинг иш бошкарувчиси Кругихинга нисбатан купроқ нарса биларди. Ленинградлик уртоқлар «Россия» банкининг муассислари булишди. Бир томондан бу яхши, албатта. Аммо иккинчи томондан – партия банклари яхши урнак курсатишаётгани йуқ. Уларни куриб эринмаган ҳар бир одам банк очиш ҳаракатига тушиб қолади. Бунақаси кетмайди. Сиёсий бюрода жамоат ташкилотларига банклар очишни ва воситачилик фаолияти билан шуғулланишни такиқлаш масаласи куриб чикилди. Лекин КПСС ҳам жамоа ташкилоти-ку! Бу тақиқ КПССга тааллуқли эмас. Ҳар нима деганингизда ҳам партия ҳар қандай махфий ташкилотга караганда яширин фаолият олиб боришга мохиррок. Шунинг учун ленинградликлар сураган 500 миллионни ҳозирча уларга бермай турган маъқулроқ. Бирдан сирлари очилиб қолса, нима булади? Ҳар ҳолда, шунча пул бекор кетса, алам

килади-да! Ленинградлик уртоқлар ҳамиша биринчи сафда юришни исташади. Ундан кура Москвада уртоқ Веселовскийнинг иш услубидан жиндай урганишса буларди.

Разведкачи-иктисодчининг ижодий фикри эса муттасил олға парвоз килиб, аниқ ишларда уз тажассумини топа бошлади. Буни куриб Кручинанинг боши осмонга етарди. У, ҳатто, Веселовскийга генерал-майор унвонини бериш туғрисида тавсияномалар езди, аммо бу масалаларда Крючков жуда тепса-тебранмас чиқиб қолди – у буш лавозимлар йуклигини, пул такчиллигини баҳона килиб кунмади. Кручина уринсиз бир гарзда КГБ ҳисобида сақланаётган 50 тонна олтинни эслатди ва ҳатто, календарь варағига «бу масаланинг тагига етиш керак» деб кайд килиб ҳам қуйди.

Веселовский полковниклигича қолди, лекин бундан заррача озурда булгани йуқ. Генераллар, адмираллар... буларнинг бари уткинчи. Янги замонлар келяпти. Веселовский бор-йуғи бир соат ичида совет миллионерларининг намунали оиласини барпо этди, бу оилага партиянинг пулидан 400 миллион сум «совға» килиш зарурлигига Кручинани ишонтирди. Бунинг натижасида Веселовскийнинг қалин ошнаси, «Каучук» Илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг собиқ бош технологи М. Хотимский кутилмаганда бирваракайига турғта фирманинг: «Галактик» кичик корхонаси, «Жобрус» деган масъулияти чекланган уюшма, «Холдинг ЛТД» фирмаси ва Москва муниципал ассоциациясининг бошлиғи булиб олди. Унинг хотини М. Хотимская «Галактик»нинг муассиси, унинг укаси В. Кравец эса «Жобрус»нинг бош директорига айланди. Кравецнинг хотини раққоса булишига қарамай, ҳар иккала фирмага муассис булди. Бу оилага қарашли энг йирик фирманинг бош директори КГБ подполковниги Гребеншчиков эди. У расман КГБ идорасидан бушатилса-да, ёнида пистолет билан юрар, КГБ гувоҳномасини ҳам топширмаганди. Унинг асосий вазифаси янги милиционерларни кузатиб юриш ва кутилмаганда бирон кори ҳол килиб куйишларига йул қуймаслик эди. Табиийки, фирмалар ҳеч нарса ишлаб чиқармас эдилар. Улар турфа сувлар ва пиво олиб сотиш билан шуғулланишган, шу туфайли даромади ҳам жуда катта булган.

Веселовский Кручинага шундай ахборот беради: «Ҳар хил хорижий компаниялар билан алоқа урнатиш натижасида

менда янада жиддийроқ хужалик вазифаларини ҳал қилиш имконияти пайдо бўлди. Жумладан, хусусий молиявий гуруҳлардан молиявий қарз олишим мумкин (10–12 йилга 100 миллиард долларга қадар)... Қисман бу масалалар тўғрисида мен оғзаки ва ёзма шаклда Павловга, Ситарянга, Знаменскийга, Примаковга, Герешченкога ахборот берганман ва оғзаки шаклда бу шахсларнинг розилигини олганман...»

Полковник Веселовскийнинг тула-тукис маъкулланган услуби бутун мамлакат буйлаб жорий қилина бошлади. Борйуғи бир неча ой ичида КПСС хуфия разведкачининг услуби асосида уз маблағларига 1453 та хорижий фирмалар билан биргa кушма корхона, аралаш сармояга эга булган ҳиссадорлик уюшмалари ташкил қилди. КПСС тижорат тизимларига 14 миллиард сум ва 5 миллиард доллар сарфлади. Аммо иктисодчи Веселовский узининг КГБ полковниги эканини бир лаҳза ҳам унутгани йуқ. Мабодо унутишни истаганида ҳам, бунга йул қуйишмас эдилар. У жонажон партиясининг Марказкуми каврида ҳам разведкачилик вазифасини уташда давом этди. Партия эса унинг куз унгида ишчилар синфи партияси либосини счиб ташлаб, миллатлараро картелга айланиб бормоқда эди. Полковникнинг зиммасига партия сирларини имкони борича купроқ билиб олиш вазифаси юкланганди. Аммо у бунга муваффақ булмади. Чунки ё Марказкум уз ишларини дунёдаги ҳамма разведкаларга караганда яхшироқ тарзда махфий сақлашга эришган булиб, КГБни лақиллатувчи ёлғон ахборотлар бериб турарди, ёхуд Кручина Веселовскийни уз фойдасига ёллаб олганди. Ҳар ҳолда, Веселовскийнинг бевосита уз бошлиғи генерал Грушко (Бобковнинг урнига келган) номига ёзган ахборотлари борган сари аянчли тус ола бошлади. Бу хабарлар Веселовский даражасидаги профессионал разведкачига муносиб эмасди. «Марказкумда ишлаш давомида менга бир қатор муҳим масалалар аён бўлди:

1. КПСС мулки ҳар хил даражадаги ташкилотларга таркатиб юборилган. Шунинг учун тезлик билан қарор қабул қилишнинг иложи булмади... Марказкум Ишлар бошқармасида уз партиясидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида тугал тасаввур йуқ.

2. Молиявий маблағлар ҳам таркатиб юборилгаи. Ишлар бошқармаси фақат марказий бюджетни назорат қилган.

Ундаги такчиллик 1991 йилнинг уртасига келганда 500 миллион сумга етиб борган.

3. Партиянинг валюта маблағлари масаласида ҳам ҳеч қандай аниқлик йўқ. Уларни қисман Марказкўмнинг халқаро фаолият билан шуғулланган рахбарияти назорат килган. Аммо шундай таассурот туғиладики, на Дзасохов, на Фалин бу масала буйича аниқ ахборотга эга булган. Эски рахбарларда куп нарса махфий колган. Баъзи бир маълумотларга қараганда, уларнинг орасида хориждаги баъзи бир хисобларни Брутенц (Горбачёвнинг маслаҳатчиси) назорат қилган».

Веселовскийга берилган алохида топшириқ шундан иборат булганки, у Илмий-саноат уюшмаси ва «Симако» концернига оид тафсилотларни аниқлаши керак эди. Бу уюшма ва концернга КПСС Марказкумининг рахбарияти ва шахсан Кручинанинг узи алоҳида мехр билан қараган. Партия уюшма ва концернга жуда катта миқдорда маблағ сарфлаган, чунки улар аслида Ҳарбий саноат комплексининг айнан узи эди. Совет саноатининг бу сохаси қурол-яроғлар ишлаб чиқарар ва ҳамон самарали ишламокда эди. Илмий-саноат уюшмаси ва «Симако» концернига КПСС Марказкуми аъзоси Аркадий Вольский рахбарлик киларди. Утмишда партаппаратда майда амалдор булган бу одам нимаси биландир Андроповга маъқул келиб колганди. У Вольскийни узига ёрдамчи этиб тайинлади, кейин у Горбачёв билан ишлай бошлади.

Эндиликда Уюшма ҳам, концерн ҳам қандайдир шубҳали, лекин кўлами кенг ишлар билан шуғулланмокда эди. Бош Вазир булиб олган Павловнинг ёрдамида улар мамлакатнинг ҳарбий сирларини сота бошладилар. Бунинг окибатида акл бовар қилмайдиган баҳода, яъни бир долларга 1,8 сум қимматида сумларни алмаштириб олишди. Улар бошка ғирром ишларда ҳам иштирок этишган. Масалан, куплаб миқдорда қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар сотишган. Концерн уз хавфсизлик хизматига эга эди. Бу ерда КҒБнинг захирага чиқарилган офицерлари хизмат қилишарди. Улар хизмат гувохномаларини сақлаб колган булиб, курол олиб юришга ҳам ҳақли эдилар.

Булар тўғрисида Веселовский Грушкога ҳам, Крючковга ҳам маълумот берганди. Уларнинг иккови ҳам бу маълумотларни совуккина тинглаб, «ҳаддан ошиб кетмаслик»ни маслаҳат беришди, оламшумул масалалар билан шуғулланмай, фақат

услубий курсатмалар яратиш устида ишлаш кераклигини уктиришди. Бир неча кундан кейин Вольский КПСС Марказкуми Ишлар бошкармасига шахсан узи келиб Кручина билан каттик жанжаллашади ва партиянинг энг нозик жойидан «жосус» Веселовскийни дарҳол йукотишни талаб қилади. Веселовский икки ут орасига тушиб қолганини англайди: уни на КГБ раҳбарияти, на Марказкум раҳбарияти қулламай қуйган эди. Бунақа ишлар совет разведкачисининг бошига тез-тез тушиб турарди. Полковник уз ҳаёти учун хавотир олиб, яшириниб олди. Аммо Веселовский услуби партия мулки борасида ғолибона юришда давом этарди. Ҳамиша бутун мамлакатнинг энг олдинги сафларида булишга ошиккан ленинградлик уртоқлар полковник Веселовский услубига муносиб баҳо бердилар. Аввалига синаб кўриш учун ВЛКСМга қарашли тижорат тизимини соликдан озод қилишди. Шундан кейин бутун вилоят кумитаси тижорат дардига чалиндиқолди. Укалари – комсомол олдида юзлари ерга қарамаслиги учун партия аппарати ходимлари тижорат бобида уз йулларини излай бошладилар. Ҳамма нарса хамирдан қил суғургандай жунгина ҳал булди. КПСС бениҳоя кудратли, таъсир кучи жуда зур ташкилот эди, шунинг учун янги пайдо булаётган купгина фирмалар мамнуният билан узларини унинг қаноти остига олардилар.

Смольний аҳли билан анча салмоқли маблағларга шартномалар тузиларди, бунинг эвазига эса, улар бошқа ҳамма учун гап-сузсиз «қизил чироқ» ёниб турган жойда, «уз» фирмалари учун «яшил чироқ» ёқиб берардилар. Иморатларни қулга киритиш борасидами, яхши буюртмаларга эга булиш, банкдан кредитлар олиш, солиқ юзасидан имтиёзлар бериш масаласидами, хуллас, керакли ишларнинг ҳаммасида вилоят кумитаси муаммони жуда тез самарали ҳал қиларди. Пулни вақтида тулаб, фойдани баҳам кўриб туришса булди! «Россия» банкини барпо этар экан, КПСС вилоят кумитаси унга пайчилар сифатида уз мижозларини жалб этди. Уларнинг қаторида «Рус видеоси» деган Ишлаб чиқариш техника уюшмаси булиб, унга, ҳатто, Смольнийнинг узидан жой ажратиб беришганди. Бундан ташқари «Русь» деган суғурта жамияти ва Политехника институтининг проректори профессор Шлепков ҳам жалб қилинганди. Банк таъсис этилаётганда устав

жамғармасидаги асосий хиссани, яъни 15 миллион сўмни, табиийки, КПССнинг вилоят қўмитаси берди (Кручина ҳали ўзининг 50 миллионини юборгани йўқ эди). «Рус видеоси» 13 миллион сўм қўшиши керак эди, аммо у бу маблағни туплай олмади ва вилоят қўмитасидан қарз олишга мажбур бўлди. Ўз-ўзидан равшанки, янги банк кенгаши раиси қилиб КПСС вилоят қўмитаси Ишлар бошқармасининг мудири Крутихин тайинланди.

Ҳамма нарса силлиқ кетаётганди, аммо шу чоғларда банк ҳақида қонун чиқиб қолди. Бу қонунни полковник Веселовский услубини яхши ўзлаштирган Кручина зўр матонат ва қатъият билан олға сурганди. РСФСР Банклари ҳақидаги қонун КПСС вилоят қўмитасига қўшган хиссасини қайтариб беришни талаб қиларди.

Вилоят қўмитасига 15 миллион сўмни қайтариб беришдан аввал банк кенгаши таркибидан кенгаш раиси – вилоят қўмитаси ишлар бошқармасининг мудири Крутихинни чиқариб юборишди. Бу, албатта, табиий эди, пуллар гум бўлганидан кейин унинг фармонбардори ҳам гум бўлади-да! Айни чоқда кенгаш таркибига «янги одам»ни киритишади ва уни кенгаш раиси қилиб сайлашади. У «Дайнемик Трансфер» компанияси бошқарувининг раис муовини А. Л. Крутихин эди. Бу одам банкка аввалги «партиявий» 15 миллион сўм ўрнига янги «партиясиз» 15 миллион сўмни олиб келди. Бу «Дайнемик Трансфер»нинг улуши эди. Банк кенгаши раиси Крутихиннинг бир зумда КПСС вилоят қўмитаси Ишлар бошқармаси мудиридан «Дайнемик Трансфер» даврасига мансуб бизнесменга айланиб қолиши сеҳр-жоду билан амалга ошгандай бўлди. «Партиявий» 15 миллион сўмнинг ҳам янги тусга кириши шундай содир бўлди. Бу орада Кручина жунатган 50 миллион сўм ҳам келиб қолди-ю, ишлар янада жадаллашиб кетди. Маблағларнинг бир қисмини Совет – Бельгия қўшма корхонаси «Дайнемик Трансфер»га утказди. Унинг хусусий манзили Политехника институтида эди. (Шунинг учун ҳам профессор Шлепков муассислардан бири бўлганди.) Қўшма корхона, ўз навбатида, «Русь» суғурта жамиятини тузиш учун маблағ ажратди, бизнесмен Крутихин эса айни шу жамият ҳисобидан мунтазам равишда Бельгияга қатнай бошлади. Крутихин у ерда янги қўшма корхоналар тузиш билан

шуғулланди, даромадларни эса Бельгия банкларига қуйди. Бу компанияни ҳаракатга келтириб турган асосий сиймо КПСС мафкурачиси Виктор Ефимов бўлган эди. У халқ депутати бўлиш учун уринишлари зое кетгандан кейин сиёсатни йиғиштириб қуйди-да, узини бизнесга бағишлашга аҳд қилди.

КПССнинг Москва шаҳар қумитаси устомонлик билан иш юритди ва фаолият қуламини кенгайтирди. Албатта, унинг тажрибаси каттарок эди-да! Гришин даврида қанақа ишларни қилмади бу қумита?! Ҳатто Ельцин шаҳар қумитасида партия интизомини тартибга келтиришга уриниб қурганида, унинг узини ҳам ямламай ютишди. Москва шаҳар қумитасининг Биринчи котиби Юрий Прокофьев табиатига кура ғалвалардан нари юрадиган, лекин жуда маккор ва ақлли одам эди. Худди шу сифати билан у узининг ленинградлик ҳамкасабаси Борис Гидасповдан ажралиб турарди. Гидаспов кимё профессори булса ҳам, худди оддий бир фельдфебелдай олди-кетига қарамай ҳаракат киларди. Прокофьев КПСС Москва вилоят қумитасининг котиби Балашов билан ҳамжиҳат иш олиб борарди. КПСС Москва шаҳар ва вилоят кумиталарининг олисни кура оладиган бу икки котиби мутлако уринли тарзда ваҳимага тушиб колишди. Улар ҳадемай конунни ва ғайриконуний йуллар билан тупланган партия мулкини мусодара килиш бошланади, деган ташвишда эдилар. Шу муносабат билан улар юкорига батафсил мактуб йуллашди ва унда имкони бор нарсанинг ҳаммасини қандай қилиб тез ва самарали яшириб қуйиш йулларини баён этиб бердилар. Юқори доираларга Прокофьев ва Балашовнинг ташаббуси маъкул бўлди. КПСС Марказкуми Ишлар бошкармасининг мудири Кручина мутлако махфий буйруғида «Ҳиссадорлик жамияти» тузиш ғоясини маъқуллади ва партия органларининг 116,6 миллион сумлик асосий фондини унинг ҳисобига утказиш ҳакида кўрсатма берди. Орадан турт кун утгандан кейин эса Марказкум Котибияти тегишли карор кабул килди:

«Мутлако махфий.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказкуми Котибиятининг ҚАРОРИ.

Урток Ю. А. Прокофьев ва Б. И. Балашовларнинг мактуби тўғрисида.

1. Партиянинг Москва шаҳар кумитаси ва вилоят кумитаси Биринчи котиблари урток Ю. А. Прокофьев билан Б. И. Балашовларнинг шаҳар ва вилоят партия ташкилотларининг асосий жамғармаларини ана шу партия кумиталари иштирокида тузилаётган ҳиссадорлик жамияти ҳисобига утказиш ҳақидаги таклифига рози булинсин. («Истисно тарикасида» деган сузлар устидан учирилган).

2. Курсатилган ҳиссадорлик жамияти акцияларининг 60 фоизи партия Москва шаҳар кумитаси ва вилоят кумитаси сиймосида КПССники булажаги эътиборга олинсин.

3. Ҳиссадорлик жамияти барпо этиш ва ишлатиш билан боғлик масалаларни ҳал килишда КПССнинг мулкий манфаатлари ва ҳукукини таъминлаш учун жавобгарлик урток Ю. А. Прокофьев ва Б. И. Балашовга юклатилсин».

Аммо КПСС вилоят кумиталари ва улка кумиталаридаги вокеалар ҳар канча шиддатли тус олмасин, улар партия-давлат тизимининг энг юксак нукталарида содир булаётган вокеалар каршисида хеч нарсага арзимай коларди. Юксак нукталардан хамма нарса равшан куриниб турарди. Партия уз мулки учун ҳаддидан ошган жамоатчиликка карши кақшатқич уруш олиб бормокда эди. Бу урушда у мунтазам равишда КГБнинг махсус кисмлари, десантчилар, ички кушинлар ёрдамига таянар, мулк кулдан кетадиган даражага етганда эса хатто, танкларни ишга солишдан хам тоймас эди. Аллақачон Вильнюс ва Ригада уклар гумбурлади – бу шаҳарларда партия мулкига каттик хуружлар булганди. Жанубий республикалардан эса янада мудҳиш хабарлар кела бошлади. Туғри, бу ерларда хеч ким партия мулкига куз олайтиргани йуқлай эди, бирок партия аппаратидагиларнинг узлари Москвага ўлпон туламай қуйдилар, миллий мустақиллик ҳақидаги таваллолар эшитилди, Лениннинг номини куйиб, купрок Қуръонни тилга ола бошлашди.

Империяпараст кучларнинг сунгги қолдиклари КГБ раиси Крючков ва бир туда ҳарбийлар ҳамда тепса-тебранмас партия раҳбарларининг атрофига тупланиб олиб, бепоён империя устидан уз ҳокимлигини сақлаб колиш учун жон-жаҳдлари билан коммунизмни мафкура сифатида ушлаб туришга уриндилар. Ҳолбуки, унинг ҳалокати мукаррар булиб колганди. Ночорликдан улар яна Саддам Ҳусайнни эслашди. Совет кушинлари Афғонистондан олиб чиқиб кетилгандан сунг Ирок билан Эрон

ўртасидаги урушга эҳтиёж қолмади ва у ўз-ўзидан барҳам топди. Ҳар иккала томон тахминан бир миллиондан одам йўқотди. Ҳусайн Исроилни эринибгина сўкишдан нари ўтмагани учун бекорчиликдан сиқилиб кетганди. Унга иш топиб беришди. Ўйланган режанинг истиқболи порлоқ кўринди. Ҳусайн қўшини Кувайтга ҳужум қилиб, уни босиб олади. Кувайт амирининг гвардияси номигагина мавжуд булиб, табиийки, у Саддамнинг миллион кишилик армиясига дурустроқ қаршилик кўрсата олмайди. Саддам армияси тиш-тирноғигача энг янги совет техникаси билан қуролланган ва бундан ташқари Эрон билан салкам ун йиллик уруш тажрибасига эга. Саддам Кувайтнинг бениҳоя бой нефть майдонларини босиб олади, Кувайт Ироққа бир вилоят сифатида қўшилади. Бу режа бир нарсага асосланган эди: Қўшма Штатлар бунақа халқаро босқинчиликка индамай қараб туролмайди ва Ироққа қарши уруш очишга мажбур булади, агар шундай қилмаса, АҚШ жаҳондаги қудратли давлат сифатида обруйини йўқотиб қуяди. АҚШ Ироқ билан уруша бошласа, худди Вьетнамдаги каби узоқ давом этадиган қонли уруш боткоғига ботиб колади. СССР билан Ироқ ўртасида эса дўстлик ҳақида битим бор. Шундай экан, Қўшма Штатлар бундан буён СССРда «демократик ислоҳотлар»ни изчиллик билан амалга оширилгани учун эмас, СССР бетарафлик мавкеида тургани учун ҳақ ўлайдиган булади. Бу эса бир зумда Ғарбнинг СССРга курсатаётган иқтисодий ва молиявий тазйиқини сусайтиради ва Горбачёв бошлаган ислоҳотларни бир чеккага суриб қўйишга имкон беради.

Ҳусайн бажону дил рози булди. Унинг ўзи анчадан бери Кувайт ва Саудия Арабистонининг беҳисоб бойликларига кўз олайтириб юрарди.

Ҳусайн СССРдан маънавий жиҳатдан ёрдам беришга ваъда олди ва шахсан ўзи учун «хизмат ҳаки» тарзида 2 миллион доллар ундирди. Сунг армиясига Кувайтни босиб олиш тўғрисида буйрук берди. Армия бу буйрукни 30 соат ичида ҳеч қанака талафот курмай бажо келтирди. Бошдан кутилганидай АҚШ дарҳол ўз қўшинларини Саудия Арабистони томон кучира бошлади. Бу мамлакатнинг қўркиб кетган киролн Вашингтондан ёрдам сураган эди.

Саддам Ҳусайн панасида партия ҳандаклардан чиқди ва мамлакатда ўзининг аввалги ҳокимиятию шон-шуҳратини тиклашга уриниб кўрди.

Аммо бу вокеалар Горбачёв билан Шеварнадзе АҚШ ҳамда Европадан қарз олиш тўғрисидаги музокаралари айни авжга чиққанда руй берди. Уларнинг иккови ҳам дарҳол Қувайтнинг босиб олинишини қоралаб чиқдилар. Саддам Ҳусайн ҳаддан ташқари бемаъни аҳволга тушиб қолган эди. Тепса-тебранмас раҳбарлар Горбачёвга тазйиқ утказа бошладилар, матбуотда ва Олий Советда унга қарши жанжал кутардилар, ҳатто, Саддам Ҳусайннинг суратлари билан намойишлар уюштирдилар. Ҳар нима қилиб булса-да, АҚШдан ва Ғарбдан юз угириб, бошқариб булмай қолган совет кемасини яна эски Ленин – Сталин йўлига буриб юборишга ҳаракат қилинди.

Аммо Горбачёв ҳам анойи эмасди – у умумий емирилиш ва таназзул давридаги йирик сиёсатчи эди. У узининг ҳалокатини ҳис қилиб чуввос солаётган партия раҳбарларининг киёфасиз оломонидан бир неча бош юкори турарди. У уртамиёначилик мухитида йўлини топиб юришни жуда яхши урганган ва буронларни ҳам, туфонларни ҳам уз измига солиш машқини олган эди. Дадиллик билан ҳаракат қилиб, у ҳар бир қадами билан жон талвасасида ётган тузумга сунгги зарбаларни берди ва номенклатурани салафлари олиб кириб қуйган боши берк кучадан қуткариб олиб чиқди. Шунинг учун номенклатуранинг купчилиги сунгги Бош котиб сиймосида уз халоскорини кура бошлади ва ҳеч нарсанинг фахмига бормайдиган тепса-тебранмасларни тарих ахлатхонаси томон суриб қуйиб. Горбачёвнинг сиёсий найрангларини қуллаб-кувватлай бошлади.

Ана шу вокеалар авжга минганда, ҳатто, Шеварнадзе ҳам ортиқ чидаёлмади – у тўғридан-тўғри съезд минбаридан туриб истеъфо берди. У ҳадемай СССРнинг кунпаякун булишини кўриб турарди. Ҳалок булаётган давлатнинг Ташқи ишлар вазири булиш энди уни қаноатлантирмасди. Унинг бутун фикри-зикри жонажон Грузиясида эди.

Бу орада америкаликлар «урток Ҳусайн»нинг армиясини шу қадар тез ва қатъият билан тор-мор келтирдиларки, Москвада ҳеч ким нима вокеа руй берганини дабдурустдан пайқамай ҳам қолди. Жангларда чиниққан минглаб Ироқ аскарлари асирга тушдилар, Қувайт бир кеча-кундуз давомида озод қилинди, америка танклари учун Бағдодга йул очиқ эди. Аммо энг муҳими бунда эмасди. Инкироз шунда эдики, АҚШ мутлако янги куроллар тизимини намойиш этди. У электрон

урушга хос янги услубларни кўрсатди, ҳар хил кўшин турларининг бошини жуда зур махорат билан ковуштирди. Бунака харбий санъат ва харбий куроллардаги мукаммалликни совет генераллари ҳамда Ҳарбий-саноат комплекси етакчилари етти ухлаб тушида ҳам кўрмаганди.

Вашингтон иктисодий ва молиявий ҳужум воситаларидан ташқари долларни совет тафаккури яхшироқ тушунадиган бошқа усуллар билан ҳам кўллаб-кувватлаши мумкинлигини кўрсатиб кўймокчидай эди. Бутун дунёда молиявий ҳукмронликни урнатиш ҳакидаги режанинг охирги босқичи бошланди: бу босқичда АҚШ узининг пулат мускулларини намойиш килди. Кўшма Штатларни узоқ давом этадиган урушга тортиш режаси барбод булди. Бу эса мамлакат ичида ва бутун жаҳонда содир бўлаётган воқеалар окибатида бир туда булиб уюша бошлаган Горбачёвга карши мухолифат кучларини ҳанг-манг қилиб кўйди. Мухолифат саросимада юрар экан, Борис Ельцин РСФСРга президент килиб сайланди. У Россиядаги жамики давлат тизимини партиядан ҳоли килишга ваъда бериб, бу мартабага эришди. Ельцин президент булиши биланоқ, партиядан ҳоли килиш ҳакида махсус фармон чиқариб, ваъдасини бажарди. Шу вактнинг узида Горбачёв Умумкўшин партия кўмитасини тузди ва Кручинага бу янги партия ҳисобига 600 миллион сўм утказиш ҳакида буйрук берди.

Кручина янги вазир Орлов бошчилигидаги СССР Молия вазирлиги билан яқиндан ҳамкорлик килиш тўғрисида келишган эди. Молия вазирлигининг ёрдами билан КПСС амалда жуда йирик «Автобанк»нинг хўжайини булиб олди. Шу туфайли унинг ҳисобига бир миллиард сўм утказди. «Автобанк» бошқаруви раиси Молия вазирининг биринчи муовини В. Раевскийнинг хотини Н. Раевская булди. Икки томондан бундай кучли ҳимояга эга булган «Автобанк»нинг пичоғи мой устида. СССР Молия вазирлиги Бош бюджет бошқармасининг бошлиғи В. Барчук (кейинчалик Россия Иктисодиёт ва молия вазирининг биринчи муовини) партия ҳомийлигидаги «Автобанк»га ҳеч қайси давлатда булиши мумкин булмайдиган бир совға килди: унга давлат ташкилотларидан қарзларни ундириб олиш ҳукуки берилди. Бу ҳукукка эришиш ҳар кандай банкирнинг ҳам энг ардоқли ор-

зуси эди. (Ҳозир 1994 йилда уша В. Барчукнинг узи қандай қилиб шундай вокеа руй бериши мумкинлигини текширувчи тергов комиссияси раисларидан бири.)

Аммо «Автобанк» денгиздан томчи эди, холос. Кручина КПСС тасарруфидаги ёхуд унга карам булган банкларнинг махфий руйхатини синчиклаб куздан кечириб чикди. Партиянинг пулларини шоша-пиша шу банкларга тиқиштиришган эди.

1. Автобанк – йилига 7 фоизлик даромад билан бир миллиард сум.

2. СССР Касаба уюшмалари банки – 500 миллион сум, йилига 4,5 фоиз даромад билан.

3. Токобанк – 150 миллион сум, 7 фоизлик даромад билан +70 миллион сум ҳиссадорлик бадали.

4. Ёшлар тижорат банки – 275 миллион сум, 9 фоиз даромади билан.

5. Уникомбанк – 500 миллион сум, 10 фоизлик даромад билан.

6. Соат саноати банки – 50 миллион сум, 7 фоизлик даромад билан.

7. Станкинбанк – 50 миллион сум, 10 фоиз даромад билан.

8. «Россия» банки (КПСС Ленинград вилоят кумитаси оркали) – 50 миллион сум, 6 фоиз даромад билан.

9. Главмостстройбанк (Қозогистон компартияси Марказкуми оркали) – 90 миллион сум, 10 фоиз даромад билан.

10. Козоккомпартбанк (Қозоғистон компартияси Марказкуми оркали) – 100 миллион сум, 10 фоиз даромад билан.

11. Кичик корхоналарни куллаб-кувватлаш ва ривожлантириш Совет жамғармаси – 40 миллион сум, 10 фоиз даромад билан.

12. «Логос» экспериментал бирлашмаси – 40 миллион сум, 15 фоиз даромад билан.

13. «Шива» савдо ишлаб чикариш корхонаси – 5 миллион сум.

14. Янги хужалик шакллари ва ижтимоий ташаббуслар Бугуниттифок уюшмаси – 60 миллион сум, 10 фоиз даромад билан.

15. «Иттифок – В» корпорацияси – 200 миллион сум, 6 фоиз даромад билан.

16. «Галактик» кичик корхонаси» – 250 миллион сум, 12 фоиз даромад билан.

17. Троицк Инновацион ва термоядро тадқиқотлар институти («Галактик» кичик корхонаси орқали) – 50 миллион сум.

18. «Жобрус» масъулияти чекланган жамият – 50 миллион сум, 6 фоиз даромад билан.

19. «Холдинг ЛТД» ишлаб чиқариш – тижорат фирмаси – 50 миллион сум, 6 фоиз даромад билан.

20. Москва муниципал ташкилоти – 50 миллион сум, 6 фоиз даромад билан.

21. «Ватан» Россия ижодий уюшмаси – 1,125 миллион сум (кинофильм яратиш учун), фильмни намойиш этишдан тушадиган 25 фоиз даромад билан.

22. «Ўчоқ» ижодий уюшмаси – 10 миллион сум (кинофильм яратиш учун), 25 фоиз даромад билан.

Ҳаммаси бўлиб 3 миллиард 634 миллион 125 минг сум.

Бу биринчи рўйхат бўйича. Бундан кейин № 2, № 2А, № 2А–6, № 3–В... рақамли рўйхатлар келади.

Бу миллиарду миллионлардан калла шишиб кетади. Аммо ҳали булар хамир учидан патир.

Юқорида зикр этилганидек, КПСС қариган чоғида Россия Компартияси деган ғайриқонуний бола кўрди. Бола бўлгандан кейин, албатта, унинг харажати ҳам булади. Айниқса, бола Россия Компартиясидек нимжон ва очофат туғилган бўлса...

РКП Ишлар бошқармасининг мудири Игорь Головков маккора онасининг иш услубини дарров ўзлаштириб олди ва 1991 йилнинг февраль ойидаёқ «РСФСР Компартияси Марказкуминнинг ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятидаги асосий йўналишлар бўйича таклифлар тўғрисида» деган махфий доклад тайёрлади. «РСФСР банклари тўғрисидаги» Қонун жамоа ташкилотларига банклар таъсис қилишни тақиклаб қўйганди. Головков шу Қонунни ушлаб олиб, ҳамкасб дўстларига насиҳат қилади: «... Муассислар изламоқ керак. РСФСР Компартиясининг корхоналари ва ташкилотлари шундай муассис бўлмоғи мумкин».

Шундай дейилгандан кейин бошланди-кетди...

«Сўнгги пайтларда жойларда партия қумиталари бюджетнинг даромад қисмини тўлдирадиган катта хўжалик шартномалари туза бошладилар: улар иморатларни, транспорт

воситаларини ва бошқа партия мулкини ижарага бера бошладилар. Партия қўмиталарининг ўзи томонидан ёхуд бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъсис қилинган ўз-ўзини таъминловчи бир қатор ташкилотлар руйхатга олинди. Ленинграднинг Приморе районида ўз-ўзини таъминловчи ижтимоий марказ ташкил қилинди. У райком биносида жойлашган. Марказ район аҳолисининг манфаатлари йўлида ижтимоий тадқиқотлар ўтказади ва ўз фаолияти натижасида курган фойдасининг бир қисмини КПСС ва Россия компартияси район қўмиталари ҳисобига ўтказади... ЭҲМ, бир марта ишлатиладиган тиббиёт игналари, телемаҳсулотлар, қурилиш материаллари ва бошқа буюмларни биргаликда ишлаб чиқариш ҳақида, шунингдек, ташқи савдо фаолиятини, туризмни, меҳмонхоналар қурилишини ривожлантириш борасида ҳам анчагина, шу жумладан, хорижий фирмалардан таклифлар бор. Бу соҳада пайдо бўлаётган ҳамма ташкилий-техник ва иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун Марказкўмнинг Ишлар бошқармаси қошида ўз-ўзини таъминлаш асосида бюро таъсис этишни зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу бюро марказий тижорат биржаси сифатида фаолият курсата оладиган бўлиши лозим...»

Навқирон ва гуллаб-яшнаётган Россия Коммунистик партияси тез орада болалай бошлади. Даставвал у жамиятга ўзининг тўнғичи – Жириновскийнинг Либерал-демократик партиясини тухфа этди. Янги партиянинг туғилиш гувоҳномасида шундай ёзилган:

«РСФСР Компартияси Марказкўмининг Ишлар бўлими ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият ҳақидаги қоидалар асосида ҳаракат қилиб, бир томондан Марказкўм Ишлар бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Головков сиймосида, иккинчи томондан, «Завидия» фирмасининг президенти Андрей Федорович Завидия сиймосида (бундан кейин у «фирма» деб аталади) қуйидагилар ҳақида битим тўздилар:

Бошқарма «фирма» ихтиёрига вақтинча бўш бўлган маблағдан 3 (уч) миллион сум ўтказади (фоизсиз қарз)».

Бу битимнинг сиёҳлари қуриб битмасдан Жириновскийнинг партияси дунёга келди. Жириновский бир зумдаёқ ўзини Россия президентлигига номзод қилиб курсатди, вице-президентликка эса битимда «фирма» деб аталмиш Андрей Фёдорович Завидияни танлади.

Шунга ухшаш Россия Миллий ватанпарварлик ишчи-партияси хам тузилди: РСФСР Компартияси Марказкуми Ишлар бошкармаси бир томондан бошкарма бошлиги М. И. Головков сиймосида ва иккинчи томондан Давлат экспериментал илмий техник ишлаб чикариш маркази «Картель» (у Бош директор А. Ю. Ванкович сиймосида низомнома асосида харакат килади) куйидаги масалаларда мазкур битимни тузишади:

«Бошкарма марказ ихтиёрига вактинча буш турган маблагидан 3 (уч) миллион сум утказади. Бу пул кайдномада баён килинган максадларга сарф килинади... Мазкур битим 2-сонли махфий кайдномага риоя килинганидагина амалга киради».

Россия Компартияси миллатчилик ва фашистик рухдаги гуруҳларнинг туғилишига йул очиб берди, лекин шунга карамай, «коммунистик партия» деган номи колаверди. Бу партия хам номенклатура конун-коидаларига тула амал киларди, яъни хамма парсадан купрок уз рахбариятининг шахсий фаровонлиги туғрисида ташвиш чекарди. Бу пайтга келганда бутун мамлакат талон тизимининг асоратида колган эди – худди уруш йилларидаги каби махсулотларнинг хамма турлари талон билан бериладиган булганди. Россия Коммунистик партияси хозирча узининг кекса опаси КПССнинг махсус таксимлагичларидан ем еб юриб, зур бериб номенклатура чегараларини кенгайтирар ва узининг махсус таксимлагичлар тизимини барпо киларди.

«РСФСР Компартияси Марказкуминнинг Ишлар Бошкармаси бир томондан, бошкарма бошлиги – коидалар асосида иш олиб борувчи Игорь Михайлович Головков (бундан буён «Бошкарма» деб аталади) сиймосида ва Кунцево район советининг «Нур» савдо-саноат бирлашмаси куйидаги масалаларда мазкур битимни туздилар:

...Бошкарма Бирлашмага 500 минг сум микдорида фоизсиз карз беради. Бирлашма бу маблагини савдо ва маиший хизмат идораларини, шу жумладан, РСФСР Компартияси Марказкуми аппарати ва Бошкарма ходимларига хизмат курсатадиган магазинларни таъмирлашга сарфлайди. Бирлашма РСФСР Компартияси Марказкуми аппарати ходимларига уч йил мобайнида хар хафтада озик-овкат махсулотлари билан, шу жумладан, «Монгрифлес» кушма корхонасининг

маҳсулотлари билан таъминлаш борасида, шунингдек, уч ой мобайнида бир марта саноат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида хизмат курсатишни зиммасига олади...»

Янги туғилган фарзанди тез улғайиб бораётганини мамнуният билан кузатар экан, КПСС узининг угай фарзандларини, яъни Шаркий Овруподаги компартияларни ҳам унутгани йук. Бу компартиялар ҳокимиятдан ва молу мулкдан маҳрум булгач, янги социалистик ва социал-демократик либосларга ураниб олиб, бутунлай савдо-сотик ишларига берилиб кетдилар. Улар ҳам Ғарбда махфий равишда узларининг кушма корхоналарини туза бошладилар. Шунинг учун КПССдан узаро манфаатдорлик асосида доллар олиб, корхоналарга сарфлашга тайёр эдилар.

Тажриба билан уртоқлашиш учун Варшавага Кручинанинг муовинини жунатишди. Поспелов эса шунақа сафардан қайтиб келиб, ҳисоботида ёзди: «Баъзи бир мамлакатлардаги мавжуд конунлар партиянинг уз корхоналари булишига йул қуяди. Бу қонундан яхши фойдаланишмоқда. Шу билан бирга расман партия билан боғлиқ булмаган тизимларни барпо этишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Шу максадда партия маблағига хусусий фирмалар тузишдан фойдаланилмоқда. Улар узаро ишонч асосида тузилади, бу ишда чет эл сармояси ҳам жалб қилинади. Бу борада купроқ ҳиссадорлик жамияти, жамғарма, масъулияти чекланган жамият каби ташкилий шакллардан фойдаланилади. Бундай шакллар сиёсий мулоҳазалар асосида мулкни узлаштириб олиш имкониятларини анча чеклайди».

Шаркий Оврупо компартиялари ҳам маккорликда узларининг Москвадаги ҳужаларидан қолишмас эдилар, аммо улар кушни капиталистик мамлакатлардаги турли-туман майда фирмалар билан купдан бери изга тушиб колган анъанавий алоқаларга эга эдилар. Бу алоқаларнинг эса фойдаси катта булиши мумкин эди.

Николай Кручина бир зумда «Ишлаб чикариш ҳужалик фаолияти масалаларида Марказий ва Шаркий Оврупо мамлакатларининг сул партиялари билан КПССнинг ҳамкорлиги тўғрисида» деган ҳужжатни тайёрлади.

Унинг кетидан дархол КПСС Марказкуми Котибиятининг карори чикди.

«КПСС Марказқуми Ишлар бошқармасига белгиланган тартибда Марказий ва Шарқий Оврупо мамлакатларининг сул партиялари билан ҳамкорликда хорижда қушма хўжалик қурилмалари барпо этишда иштирок қилишга рухсат берилсин. Бунда эътиборга олинсинки, Совет томонидан муассис сифатида КПСС Марказқуми Ишлар бошқармаси тасарруфидаги юридик шахс булган корхоналар иштирок этади... Социал-демократик ишчи партияси раҳбариятига Польшада қушма Совет – Польша фирмаси очишга розилик берилсин. Бу фирма савдо-сотиқ ва воситачилик ишлари билан, шу жумладан, чегарага яқин жойлардаги савдо-сотиқ, хорижий туризмни ривожлантириш, маслаҳатлар бериш, маркетинг соҳасида хизматлар курсатиш билан шуғулланади... КПСС Марказқуми Ишлар бошқармасининг хориждаги хўжалик фаолиятидаги, шу жумладан, қушма корхоналар тузишдаги иштироки молиявий жиҳатдан қардош партияларнинг фирмалари орқали сумга харид қилинган товарларни сотиш ҳисобига таъминлансин.

Польша республикаси социал-демократияси ихтиёрига 1991 йилда ёрдам тариқасида КПСС Марказқуми Ишлар бошқармасининг санаторийлари ва дам олиш уйларига 30 та йулланма ажратилсин. Унга бу йулланмаларни уз аъзолари уртасида ёки Ғарбдаги туристик фирмаларнинг ваколатхоналари орқали эркин тижорат асосида тарқатиш ҳуқуқи берилсин...»

Маълумки, туризм соҳаси дунёдаги энг даромадли бизнесдир. Шунинг учун КПСС уз тасарруфидаги сон-саноқсиз меҳмонхоналар, отеллар, дам олиш уйлари, кемпинглар ва мамлакатнинг энг яхши дам олиш минтакаларида жойлашган санаторийларни балансдаги қийматлари нархида, яъни аслига караганда 10 баравар арзонроқ нархда турли-туман қалбаки ҳиссадорлик жамиятларига ошириб юборди. Бу жараён партия тасарруфидаги меҳмонхоналар саноатининг байроқдори – КПСС Марказқумининг «Октябрская» деган улуғвор меҳмонхонасидан бошланди. Бунинг учун 1991 йил 17 апрель куни КПСС Марказқуми Ишлар бошқармаси билан «Кенгуру» деган Америка фирмаси (аслида АҚШ Компартияси томонидан тузилган қалбаки фирма) «Арбат» деган қушма корхона таъсис этдилар. КПСС Марказқуми номидан «Октябрская» меҳмонхонаси мажмуи муассис бўлди, ҳолбуки, бу мажмуа ҳуқуқий шахс эмасди. Бу операцияни масъул

шахс Кручининанинг муовини В. Лешчинский амалга оширади. Иш жараёнида меҳмонхона мажмуининг баҳоси баланс қимматига кура 3 миллион 450 минг 419 сум деб белгиланди ва шу баҳода «Арбат» қушма корхонасига топширилди. Ҳолбуки, фойдали майдони 5700 квадрат метр булган мажмуанинг ҳақиқий баҳоси 25 миллион доллар эди.

Бундан бир бахя пастрок даражада иш юритган КПСС Ленинград вилоят қумитасининг толмас Ишлар бошқарувчиси (айни чоқда, у – Бельгия бизнесмени) Аркадий Крутихин Кручинадан фармон тарзидаги ҳужжатларни олиши биланоқ, дарҳол Ленинградда чекланган масъулиятли «Рейсмереж Лимитед» хусусий компаниясини руйхатдан утказди. Унга «Росбри Интернэшенел» ва «Атчерли Интернэшенел» фирмалари кирди. Орадан ун кун утар-утмас янги жамиятнинг учинчи аъзоси булиб КПСС вилоят қумитасининг Ишлар бошқармаси қушилди. У хиссадорлик бадали сифатида уз меҳмонхоналаридан бирини – Таврия кучасидаги мухташам «Меркурий» меҳмонхонасини берди. Уч ойдан кейин – 1991 йилнинг июлида Ленинград вилоят қумитаси «Рейсмереж Лимитед» таркибига узининг иккинчи меҳмонхонаси «Смольненская»ни ҳам қушишга қарор қилди, шунингдек, унинг ёнига вилоят қумитасининг гаражини ва Тошоролдаги резиденциями қушиб берди. Иморатлар, иншоотлар, аслаҳаанжом ва бошқа буюмларнинг умумий баланс киммати 13,5 миллион сум булди. Ҳақиқий баҳоси эса бундан 10 баравар юқори булиб, долларда улчанарди.

Бир бахя юқорида ишлар бундан ҳам авжида эди. КПСС Марказий Қумитасининг Халқаро булими Бош Вазир Павловга ва Ташқи ишлар министри Бессмертнихга Ангола Ташқи ишлар вазири Ван-Дунем билан музокараларда бу минтакада советлар таъсирини мустаҳкамлашга қаратилган баъзи бир хатти-ҳаракатлар қилиш туғрисида курсатма берди. Махфий тавсияларнинг мазмуни қуйидагича эди: Ангола ва қушни Мозамбикда ҳокимият тепасига коммунистлар келгандан кейин ҳар иккала мамлакат ҳам қушниларига ва ички мухолифатга карши узлуксиз уруш олиб борди. Улар қуроласлаҳани СССРдан олишди ва қурол эвазига бири 9 миллиард, иккинчиси 3,7 миллиард доллар карз булиб қолди. Аммо вакт-соати келиб, бу қарзни узишларидан ҳеч қанака умид йук. Бу мамлакатларнинг иккаласида ҳам мустамлакачилик

замонларида португалияликлар деразаларидан Атлантик ва Ҳинд океанларининг манзаралари куриниб турадиган жуда мухташам меҳмонхоналар қурилган. Ҳокимият вакилларига қарз эвазига ана шу меҳмонхоналарни талаб қилиб олиш ва уларни коммунистик партиянинг мулкига қушиш ҳақида курсатма берилди.

КПСС Марказкумининг Халкаро булими ва КПСС Марказкумининг Ишлар бошкармаси тарихдаги энг кудратли жиноятчорлар ташкилоти эди. Улар ҳамма нарса билан: миллиард-миллиард долларлик ишлардан тортиб энг оддий, энг хашаки котилликкача шуғулланганлар. Улар қалбаки пуллар, паспортлар, мухрлар, чек дафтарчалари, сертификатлар ясашган, хориждаги террорчи ва жиноятчи ташкилотларнинг бошини қовуштириб турган, дунёдаги ҳамма мафиялар билан алоқа урнатган, бундан фойдаланиб, мамлакатлар уртасида урушлар чиқарган, халқлар орасида низолар туғдирган. Агар вакт-соати келиб тарихчиларга бу коммунистик ташкилотларнинг архивларига йул очилиб колса, улар томонидан Эски майдонда содир этилган жиноятларни жаҳон аҳлига етказиш учун камида 500 йил вакт керак булади.

Ўзларининг жасоратли режаларини амалга ошириш учун КПСС Марказкумининг Москва вилоят кумитаси ва Ишлар бошқармаси на КГБ, на Давлат разведка бошқармаси кучларига таянган. Бу борада шунақа нарсалар мавжуд эдики, уларни, хатто, КГБ ҳам мутлақо билмасди. Ишлар бошқармаси ихтиёрида махсус оператив гуруҳ булиб, унинг расмий номи ҳам йуқ эди. Ҳозирча у ««Зет» махсус булинмаси» деб аталарди. Бу гурух КГБга қараганда бир неча баравар купрок ҳуқуқ ва ваколатга эга эди. Уни уз вақтида Ленин ЧКга ва аппаратга карши курашиш учун тузганди. Сталин уни мустаҳкамлади ва шу булинмани уз шахсий ҳокимиятининг куролига айлантирди. Айни шу махсус гуруҳ истаган номенклатурачи кабинетига бостириб кириш ҳақли эди ва унинг бурнини қисқичлар билан қисиб, килган жиноятларини чин юраклан тан олишини талаб кила оларди. Ҳатто, хавфсизлик вазирлари ҳам исталган вактда кулларига кишан уриб ҳовлига судраб чикиш ва у ерда отилиб кетиш хавфидан холи эмас эдилар. Уларнинг бундай гумонсирашлари бежиз булмаганлигини тарих исбот килди. Ҳозир бу ««Зет» махсус булинмаси» нисбатан тинч иш билан машғул – мамлакатдан хорижга олтин захираларини

ташимокда. Бу ишни КГБдаги лақмаларга сира-сира ишониб булмасди.

Аммо КГБ ҳам бекор утиргани йуқ. Туғри, содир булаётган вокеаларнинг ҳаммасига Крючков ута салбий муносабатда эди. У собиқ хужайини ва валинеъмати Юрий Андропов ижод заҳматларини торта-торта, «халқ душмани» деган эскириб сийқаси чиқиб кетган ибора урнига янгисини уйлаб топганини яхши эслайди. Янги ёрлиқ шундай эдики, уни фаррош хотиндан тортиб маршалгача истаган одамга ёпиштириш мумкин булаверарди. У «Ғарб таъсирининг агенти» деб аталарди. Бироз чузилиброк кетган. Шунинг учун уйлаб куриб «ғарб» деган сузни олиб ташлашга ва жунгина «таъсир агенти» ёхуд «ТА» деб қолдиришга ахд қилишди. Шу қисқартма сузни ҳисоб варақаларига ва жиноий ишларнинг устига ёзиб куймоқчи булишди. Жуда зур чикди. Таъсир агенти. Таъсир агентининг хотини ТАХ, таъсир агентининг оила аъзолари ТАОА, таъсир агентининг болалари ТАБ, таъсир агентларини кулловчилар ТАҚ булади. (Эсингиздами – Ленинда ҳам бу ибора бор эди –«кулловчилар, қуллашга қобил булганлар отиб ташлансин!» Лениндан андоза олиб яшанг – хато қилмайсиз.)

Мархум Андропов шунака чоралар билан босиб келаётган долларга карши курашмоқчи эди, лекин улгурмади. Крючков эса бутун мамлакат баҳайбат «таъсир агенти»га айланиб қолганини куриб, бир оз кечикиб булса-да, бу новаторона атамани одамларнинг онгига сингдиришга уринди. Аммо унинг уринишини, ҳатто, қули остидаги хизматчилари ҳам қулламади. Лубянканинг узида «таъсир агентлари» Нью-Йорк биржасидагига қараганда ҳам купрок уруғлаб кетганди. КГБнинг ҳамма олий ва урта рутбали рахбарияти аллакачонлардан бери совет сумига ижирғаниб карашарди – улар маошни валютада олишарди. Буни айтмаёқ қуяқолайлик. КГБнинг бутун бошли булимлари бозор муносабатларига шунчаки кириб боришмади, балки, ракобатчиларини эзиб-янчиб, жонжаҳдлари билан ёриб киришди. Улар уз хатти-ҳаракатлари лоақал зоҳиран қонуний куринишга эга булиши кераклигини ҳам хаёлларига келтиргани йуқ.

Кооператив, кичик корхона ёки булмаса, худо курсатмасин, бирон кушма корхона ташкил қилишга уринган, лекин бирон йирикроқ партия ташкилотида суянадигани булмаганларнинг ахволи вой эди – дархол таъқиб остига олинар,

корхоналари ёпиб қуйилар, қамоққа ташланар, хонавайрон қилинар, мулклари мусодара этилар, таланар, баъзи бир мулк эгаларининг устига рэкетчилар қуйиб юборилар ёки 1918 йилдагидай, инкилобий шижоат билан шилинар эди. Ҳатто, Россия Бош вазири муовини Фильшин 140 миллиард рус сумини аҳоли учун товарларга алмаштириб, қонуний «трансферт» операциясини амалга оширмоқчи булганида, КГБ катта жанжал кутариб, бу ишнинг белига тепди. Бу борада битим тузиш учун Россия ҳукуматига Колин Гиббинс деган инглизни рўпара қилдилар. Уз ватанида бу одам совет жосуси сифатида яхши маълум эди. Уни энг янги ҳарбий технология сирларини СССРга бермоқчи булган вақтида тўрт марта қамоққа олишганди. Жанжалнинг олдини олиб булмади. Бош вазир муовини Фильшин истеъфога чиқишга мажбур булди. Пишиб турган ишнинг пачаваси чиқди. Хусусий тадбиркор Артём Атальянц ҳам худди шундай ишга қул урганида, ади-бади айтишиб утирмасдан уни турмага тиқишди. [1986 йилдан 1991 йилгача 172 минг тадбиркор қамалди – буларнинг бари КПСС учун рақобатчи сифатида хатарли эди. Уларнинг купчилиги хозирга қадар (*яъни 1994 йилгача – таржимон*) турмада.]

КҒБда аллақачон «иқтисодиётни ҳимоя қилиш» буйича бутун бошли янги бошқарма тузилган эди. Бу бошқармада «Янги иқтисодий қурилмалар» булими булиб, унга генерал Александр Стерлигов рахбарлик қиларди. Булим бир замонлар НЭПнинг оёғига болта урилган чоғларда ГПУ амал қилган эски усуллар асосида иш олиб бориб, партия таъсиридан чиқиб бирон-бир иш қилмоқчи булган ҳар қандай тадбиркорнинг таъзирини берди. Айникса, дадиллик билан иш юритган биринчи совет миллионери Артём Тарасов теварагида жуда катта жанжал қузғалди.

Коммунистлик вақтида бир гал Тарасов 90 минг сум миқдорида ойлик партия бадали тулабди. Демак, Тарасовнинг бир ойлик даромади 270 минг сум булган. Совет замонида ҳали ҳеч ким бунақа даромад қурмаганди. Тарасов СССР халқ депутати сифатида депутатлик дахлсизлигига эга эди, шунга қарамай, КГБ қутурган бурини овлагандай унинг пайига тушди. КГБ унинг идораларига бостириб кирди, ҳуфия ва ошкора тинтувлар утказди, ҳисоб рақамларини тухтатиб қуйди, товарларини мусодара қилди, битишган ишларини

йукка чиқарди. Натижада, «СССР Президентининг номус ва шарафини таҳкирлагани учун» Артём Тарасовга қарши жиноий иш қузғатилди – Тарасов кайсидир интервьюсида Горбачёвни 200 миллион долларга Курил оролларидан бирини сотиб юбормокчи булганликда айблаган экан. Бу Горбачёвга қилинган туҳматмиди ёхуд давлат сирини фош қилишмиди – бу масала ечилмай, номаълумлигича қолаверди, лекин Артём Тарасовни тала-тала қилишга СССР Прокуратураси ҳам аралашди. СССР Бош Прокурори Трубининнинг шахсан ўзи Тарасовни депутатлик дахлсизлигидан маҳрум этиб, қамоққа олишни талаб қилди.

Худди шу пайтнинг ўзида, Артём Тарасов «Алиса» фирмасига уч миллион сўм утказган, деган гап ҳам оралаб қолди. Бу фирмага генерал Стерлиговнинг жияни, йигирма уч ёшли Герман Стерлигов бошчилик киларди. Якиндагина МГУ талабаси булмиш Герман Стерлиговнинг иши терговда эди – у улпон тулашни истамагани учун кооператив дуконлардан бирига ут куйиб юборганди. Тергов авжи кизиган бир пайтда тусатдан ишни тухтатадилар ва ношуд рэкетчи, сирасини айтганда, биринчи совет биржасининг бошлиғи булиб колади. Бу биржа, албатта, «ихтиёрий ионалар» ҳисобига булса керак, жуда тез ривож топиб, бир неча биржалар тизимига айланди ва биринчилардан булиб, мамлакат чегарасидан ҳатлаб утиб, Европага кириб борди.

Шундан кейин Артём Тарасов ғойиб булиб колди. Бировлар уни турмада дейишди, бошкалар суиқасддан кейин касалхонада улим тушагида ётибди дейишди, яна кимлардир уни хорижга кочиб кетди, деб гап таркатди. Ҳеч ким бирон тайинли нарса билмасди. Ҳатто, ғойиб булган миллионерни кидиришга тушган прокуратура билан милиция ҳам вокеадан мутлако хабарсиз эди. Кутилмаганда президент Ельциннинг номига Франциядан Артём Тарасов номидан мактуб келади. У Россия президентига ўзининг депутатлик гувоҳномасини қайтариб юборибди, мактубда эса Горбачёв менинг ҳаётимни расво қилди, шунингдек, миллионлаб бошка совет кишиларининг ҳам турмушини издан чиқарди деб, уни роса чангитиб сукибди. Бир зумда Тарасов ўлдирилган, мактуб сохта, депутатлик гувоҳномаси эса илгари ўғирлаб олинган деган мишмиш таркади. Орадан кўп ўтмай, мамлакатни ларзага солган бошка дахшатли вокеалар бошланиб кетди. Улар туфайли

биринчи совет миллионерининг саргузаштлари секин-аста унутила бошлади. Кейин Артём Тарасовнинг дараги тусатдан Лондондан чикиб колди – бу ерда у «Алиса» фирмасининг хорижий вакили сифатида иш олиб бораётган экан. Бу пайтга келганда «Алиса» биржалар тизими миллиардлаб сум билан муомала киладиган кудрат касб этган эди. Шундай булгандан кейин Бабелнинг машхур ибораларини яна бир марта эсламай буладими? «Беня қаерда тугайди-ю, полиция қаердан бошланади? Ёки полиция каерда тугайди-ю, Беня каердан бошланади?» Бизнинг хикояларимизда эса «Беня» ким-у, «полиция»[1] ким деган масаланинг узи коронги.

Бошка томондан, КГБ бир иш қилдики, уни миллиардлаб совет сумини долларга алмаштириш ишига халакит бериш

---

[1] «Полиция» дегани – бу уринда КГБ генерали Александр Николаевич Стерлигов булиб, у – хатто, бизнинг давримизда хам гоят ноёб нусха. «Фитна» вактида у Ок уйнинг энг фаол химоячиларидан булди ва хатто, узининг бошлиги Крючковни шахсан камокка олди. Кейинчалик Стерлигов сон-саноксиз интервьюларда хар не килиб булса-да, Крючковни ёмонотлик қилишга куп уринди. У, айникса, КГБнинг собик бошлиги «таъсир агентлари»ни овлашга бошламокчи булганини куп таъкидлади. Финча енги калта куйлак кийган ёхуд оёгида немис крассовкаси булган одамлар хам «таъсир агенти» хисобланиши хеч гап эмас эди. Бундан кейин Стерлигов вице президент Руцкойнинг маҳкамасига раҳбарлик кила бошлади. Бу ишда хизмат килар экан, у унгдан хам, сулдан хам сукиш эшитди: Суллар унинг утмишда «чекист» булгани учун гуноҳидан утмадилар, унглар эса хусусийлаштириш ишларига иштиёки баланд булгани учун кечирмадилар. Уларнинг гапларига караганда, киска муддат ичида Стерлигов давлатга карашли иккита чорбоғни ва хар бири 50 квадрат метрли иккита квартирани хусусийлаштириб, узлаштириб олган. Охир-окибатда генерал Стерлигов хаммага тупуриб, узининг «Рус партия»сини тузган. Бу партиянинг гоявий дастурида сионизмга карши гула ғалабага эришгунга кадар курашишдан ташкари хокимият тепасига келгандан кейин хар бир рус оиласига бир миллион доллардан бериш ваъда килинган (афтидан «Алиса»нинг жамгармаларидан булса керак). Истаганларини хаммасига тегишли тарздаги сертификатлар берилди (улар хозиргача берилмокда). Невзоровга берган интервьюсида генерал Стерлигов турмада утирган хужайининнинг «хаммасига» таъсир агентлари «айбдор» деган тахминини кувватлади. Денгизчилар тили билан айтганда, КГБ генерали Стерлигов сулга «координат» килиб, яна аввалги йулига тушиб олди. Бу кувонарлидир. Қашшоқ ва лекин муттаҳам булгандан кура балавлат ва ҳалол булган яхши-да!

истагидан бошқа нарса эмас, деб аташга туғри келди. «Обсервер» деган Англияда чиқадиган ҳафталик кутилмаганда Диана Миллер деганнинг мақоласини эълон қилди. Унда Американинг унта йирик компанияси жуда катта миқдорда совет сумини сотиб олгани ва бу пулларни совет иктисодиётини издан чиқаришга сарфламоқчи экани айтилганди-ю, лекин ҳеч ким ишонмади. Негаки, орадан куп утмай Диана Миллернинг якин утмишда АПНда мухаррир булиб ишлагани маълум булиб қолди. АПН эса КГБнинг бир булими сифатида донг чиқарган эди. Диана Миллер мақоласини эълон қилган кезларда «Дайнемик Трансфер» қушма корхонасининг бош директори булиб ишлар экан. Қушма корхонага эса КПСС Ленинград вилоят қумитаси Ишлар булимининг бошлиғи Аркадий Крутихин асос солган эди. Совет разведкасининг доимий ходжиаси шунақа. Тарихнинг энг қалтис дақиқаларида унга ҳеч качон ҳеч ким ишонмаган.

КГБнинг бир бошқармаси «Обсервер»да Диана Миллернинг мақоласини уюштирар, бошқа бир бошқармаси эса уни КГБнинг агенти сифатида фош қилар экан, Люцерн деган Швейцария шаҳрининг бир чеккасида СССР Молия вазири Владимир Орловнинг узи пайдо булиб қолди. У 140 миллион сумлик «трансферт»нинг туртинчи боскичини шахсан назорат қилиш ва келишилган миқдордаги долларни тегишли банк ҳисобларига утказилганига амин булиш учун келган эди.

Бу орада Михаил Горбачёв Лондондан кайтиб келди. У ерда Горбачёв «еттилар» кенгашида иштирок этган ва дусти Роберт Максвелл билан анча масалалар туғрисида сухбатлашиб, келишиб олган эди. Узининг олий мансабида утирган Горбачёв фурсат стиб келганини курди. Шундан кейин у: «Кемани тарк этинглар», – дея буйрук берди: унинг ёнида бутун дунё байроклари остидаги кемалар сузиб борарди. Улар ғарқ булиб бораётган кемани, ундаги одамлар ва юкларни шатакка олишга тайёр эдилар. Қоялар тобора якинлашиб келарди. Горбачёв капитанлик урнини тарк этмай, шароитни диккат билан кузатиб бормоқда. 1991 йилнинг августи етиб келди. КПСС амалда мамлакат ҳаётидан ғойиб булди. Вакти-вакти билан телевизор экранларида гоҳ урток Дзасоховнинг нуроний башараси куриниб қоларди – у миллий (!) маданиятни сақлаб колиш учун Ленин ҳайкалларини олиб ташламасликка ундарди, гоҳида эса Ленинград вилоят қумитасининг мафкура

бошлиғи Беловнинг қаҳру ғазабдан буришиб кетган афт-башараси куринарди – у кимда-ким партия мулкига кўз олайтирадиган булса, бу мукаррар равишда фуқаролар урушига олиб келишини айтиб пуписа киларди.

КПСС Марказкуми Ишлар бошқармасида шоша-пиша қолган пулларни таксимлашга киришдилар: 10 миллион сумни Ижтимоий фанлар академиясига, бир миллиондан ортикроқ пулни бир нечта Ленин музейига беришди. Сиёсий бюрода ҳали ҳам кимларнидир ишга тайинлаш, кимларнидир иш жойини узгартириш, элчилар айирбошлаш, шартномаларни ратификация килиш, вазирликка ва Марказкум инструкторлигига номзодлар мухокама килинарди. Сиёсий бюродагилар чунонам ишга берилиб кетиб, уз капитанларининг: «Кемани тарк этинглар!» – деган буйруғини эшитмай қолишди. Баҳайбат кема уткир қоялар сари тезлагандан-тезлаб борарди. Америкалик ва овруполик куткарувчилар жуда катта кийинчилик билан шатакка оладиган занжирнинг бир учини ҳалок бўлаётган кемага боғлашга муваффак бўлдилар, улар кеманинг тезлигини лоақал секинлатишга ва қояга урилишини жиндай булса-да, камайтиришга умид килишганди. Бир туда тентаклар кеманинг трюмига бикиниб олиб жон сакламоқчи булишган эди. Шу пайт улар трюмдан отилиб чиқишди-да, шатакка олган занжирни узиб ташлашди ва Горбачёвнинг кулидан кемани бошкарадиган чамбаракни тортиб олишди. Улар ҳамон кемани куткариб колиш мумкин, деб ҳисоблашарди. Улар кема мачталарида урок-болғали кизил байрокни кутариб, шитоб билан олға ташландилар. Дунёнинг олтидан бир кисмига туғри келадиган кема зарб билан қояга урилди. Урилди-ю, тарак-турук, даранг-дурунг килиб булакбулакларга ажралиб кетди. Ҳамон капитанлик урнида нима киларини билмай суратдай котиб турган Горбачёв йиқилиб тушди. Бирок апил-тапил урнидан турди-ю, узини сувга отди. Шу сабабдан кутулиб колди. Куплар, «капитан булатуриб, кемани хаммадан аввал тарк этдинг», дея уни айблашди. Лекин бу туғри эмас эди. У ҳақикий капитанлар каби узига керакли одамларнинг хаммаси хатарсиз жойга чиқиб олганига, юклар ҳам куткариб колинганига ишонч ҳосил килгандан кейингина кемадан кетган эди. Бу вокеа «август фитнаси» деб ном олди.

Шу вокеалардан турт кун утгач – 19 август куни КПСС ва РКП фаолияти расман тақиқланди, уларнинг молу мулки

мусодара қилинди, банклардаги ҳисоблари хатлаб қуйилди. 14 киши қамоққа олинди. Бу жуда вақтида қилинган эди. Жамики номенклатура битта қолмай янги ҳокимият тизимларига кўчиб улгурган эди. Бу билан улар узларининг анойи эмаслигини ва мангу яшашларини исбот қилганди.

Николай Кручина «Дурадгорлар» торкучасидаги номенклатура уйининг бешинчи қаватида жойлашган хонадони балконидан тушиб кетиб ҳалок булди.

Унинг кетидан Кручинадан аввал Ишлар бошқармасининг бошлиғи булиб ишлаган Георгий Павлов ҳам уйининг балконидан йиқилиб улди.

Сунгра ун иккинчи қаватдаги уйидан Марказкумнинг Халкаро булимининг масъул ходими Дмитрий Лисоволик узини ташлаб юборди.

Ҳар бир ишда, айниқса, ишнинг охирида катъий тартиб булмоғи керак. Бу қоида РСДРПнинг III съездидаёқ тасдиқланган эди.

Дунёнинг нариги бурчида узининг бежирим кемасида Роберт Максвелл жонсиз (ёки ҳали жони узилмай) йиқилди. Ҳатто, у ҳам дунёнинг бунака ишларига дош беролмади. Миллиардернинг жасадини уч кундан кейин денгиздан топишди ҳамда хукумат аъзолари ва ҳарбийлардан таркиб топган фахрий коровул иштирокида Куддуси шарифда тантана билан дафн килишди. Кам билсанг, купрок яшайсан!

Номенклатура устидаги эски коммунистик терини улоктириб ташлаб, томирларида янги ижодий куч жуш урганини ҳис килди. Бу кучни марксча-ленинча таваллолар хиралаштирган эмасди.

Давлат банки дархол совет суминнинг долларга нисбатан янги курсини эълон қилди, унга кура бир долларнинг қиммати 100 сўмга тўғри келарди.

Номенклатура томонидан тупланган долларлар валютани кон какшатиб, ҳалок булиб бораётган мамлакат устига ёпирилди. Дунёнинг ҳар хил томонларидан турли валюталар бизга кўмакка кела бошлади. Ҳалок булган мамлакатнинг миллий бойлиги арзимаган пулга сотиб юборилди. Абжир номенклатура ҳамма нарсани хусусийлаштира бошлади. Бу ҳозиргача давом этмоқда. Номенклатура фуқароси 73 йил мобайнида ғайриконуний тарзда нимагаки эгалик килиб келган булса, ҳаммасини хусусийлаштириб, узиники килиб олди.

Эндиликда, албатта, хеч канака воситалар билан бу бойликни кайтариб олиб бўлмайди. Аскотса, фақат Ленин қуллаган восита аскотиши мумкин. Хусусий мулкнинг дахлсизлиги – бозор иктисодиётининг асосидир. Аслида узи шу максад кузланган эди. Узининг деярли бир аср мобайнида тўплаган тажрибасига таяниб, номенклатура жами озик-овкат омборларини эгаллаб олди-да, товарнинг хаммасини якка узи эгалик килаётган валюта биржаларига жунатди. 800 тадан ортик биржа (АКШда бор-йуғи еттита биржа мавжуд) жазавага тушиб товарларни бир-биридан олиб, бир-бирига сотиб ётибди, ҳар гал олиб сотганда уларнинг нархини осмонга чикариб қуяди ва бу билан миллий иктисодиётни улдириб, тамом килади. Ички савдонинг деярли ярми долларга утди. Коммунистик орзу урнини доллар орзуси эгаллади, аммо мамлакатдаги миллион-миллион кашшоқ аҳоли учун бу орзу эришиб бўлмайдиган чўкки бўлиб қолди. Бепоён, ядровий, ута қудратли давлат бўлган СССР долларнинг босқини остида парчаланиб кетди ва бутунлай барбод бўлди. Дунёдаги энг катта армия, минглаб стратегик ракеталар, ун минглаб ута замонавий танклар ва жанговар самолётлар, баҳайбат авианосецлар ва ракеталар билан куролланган сув ости кемалари ҳалокатнинг олдини олишга қурблари етмади. Эндиликда ҳалок бўлган мамлакатнинг пучмоқларида бекорга занг босиб ётибди. Биронта ҳам ук узмай, биронта ҳам аскарини йўқотмай Америка Қўшма Штатлари тор-мор келтиришнинг батамом янги усулларини намойиш этиб, Учинчи жаҳон урушида ажойиб ғалабага эришдилар, жаҳон харитасидан узларининг асосий ракибларини буткул учириб ташладилар, уни тор-мор келтириб, парча-парча этиб, ер билан яксон қилдилар. Бугунги кунда, у, энди узининг кечаги душманига ялинибёлвориб, ундан ёрдам беришини утиниб сурамоқда. Аслида бутун ҳаракат шунга қаратилган эди.

* * *

Қўшма Штатлар уз уйинини, номенклатура узиникини уйнаган эди. Улар ҳам, булар ҳам ғалабага эришди. Навбатдаги қурбон – Россия ютқазди.

1991 йилнинг ёзида яхши изга солинган, ҳозирги ҳокимият билан коррупция туфайли чамбарчас боғланиб кетган, кузга

куринмайдиган жуда катта партиявий бир юрт – Номенклатура ва унинг иқтисодиёти яширин ҳолатга кучди. Кечаги сиёсий ва мафкуравий зулмнинг урнини иқтисодий зулм эгаллади ва халкка карши дархол эски замонлар рухидаги иқтисодий террор амалга оширила бошланди. Партия уз кулларини бир амаллаб боқиб туришга чор-ночор рози эди, аммо узини эркин деб била бошлаган одамларни зинҳор-базинҳор бокмас эди. Номенклатура эса аввалгидай узини узи таъминлайди ва Ғарбнинг кулига караб туради. Фикрлаш ва ишлашни унутишга мажбур этилган халк эса кирилса кирилиб кетар. Эндиликда халк кандай сифатга эга булмасин, ҳеч кимга керак эмас.

Коммунистлар бизнинг мамлакатга 1917 йилда боскинчилар сифатида келган эди, етмиш йилдан ортикрок муддат давомида улар истилочилар сифатида иш юритишди. Давронлари утиб кетганига акллари етгандан кейин эса, яна бир марта халкни какир-кукуригача талаб, давлатни барбод этиб, оддий хашаки уғрилардай тумтарақай қочиб колишди. Ҳатто, жуғрофий жихатдан ҳам Россия жойи жаннатда булгур подшо Иоанн IV Васильевич замонларига, яъни XVI асрга улоктирилди. Ҳолбуки, ҳадемай XXI аср бошланади.

Биз унчалик чукур кетганимиз йук, фақат сиртдангина назар ташладик. Аммо ана шу сиртда ётган нарсани ҳам собиқ КПССдан ҳеч ким тортиб олиш ниятида эмас.

Фитнадан кейин маълум булдики, давлат хазинасида бор-йуғи 240 тонна олтин колибди. Россия парламент комиссиясининг аъзолари булган қай бир абжир йигитлар фитнадан кейинги кутаринки кайфият билан партия олтинларини кидириб, Ғарбга отландилар. Ғарбда уларни совуккина кутиб олишди.

«Кулингизда КПССнинг жиноятқорона ташкилот экани ва унинг олтинлари жиноятқорона йул билан кулга киритилгани тўғрисида суднинг карори борми? Йукми? Ундай булса, сизларга хайр. Ҳеч кандай ахборот бермаймиз. Демократияга урганинглар, йигитлар. 1918 йил аллақачон утиб кетган!»

Улар Европани кезиб чиккунларича, у ёкка СССРдан яна 6 тонна олтин «учиб кетди». Ана шунақа! Кетиш жафосига, ҳикоямизнинг баъзи бир қаҳрамонлари бошига тушган ишлар билан танишайлик.

Николай Кручина ҳалок булди. (1991 йилнинг августидан октябригача СССР худудида номенклатура амалдорларидан 1746 киши сирли равишда уз-узини улдирди. Бу рақам – КПСС тузган қушма корхоналарнинг сонига яқинлашиб қолади. Аммо уларнинг ҳар бири туғрисида гапириб беришга имкон йуқ.)

Кручинанинг ёрдамчиси В. Леишинский эса «Октябрская» меҳмонхонасини хусусийлаштириб олган «Арбат» ҳиссадорлик жамияти кенгашига аъзо булди.

Тарихдаги бекиёс «Трансферт» қаҳрамони, собиқ молия вазири В. Орлов Бутунроссия биржа банки бошқарувининг аъзоси булди. Бу банк эгасининг исми ёзилмайдиган депозит сертификатлар чиқаради. Бундай сертификатлар эса шахсиятини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат курсатмай, даромад манбалари ҳақида ҳеч қандай декларация ёзмай валютани дунёнинг истаган мамлакатига олиб чиқиб кетишга имкон беради. Шу тарзда ҳеч қандай назоратсиз олтинни давлатдан олиб чиқиб кетишга ёхуд олиб киришга йул очилади. Иосиф Виссарионович замонларидан бери номенклатуранинг орзиқиб орзу қилгани шу эмасмиди? Ҳа, чиндан ҳам большевиклар воқеликка айлантиролмайдиган ҳеч қандай муаммо йуқ!

КПСС Ленинград вилоят Қумитаси Ишлар бошқармасининг бошлиғи Аркадий Крутихин, узининг Москвадаги ҳужайинидан фарқ қилароқ, сиҳат-саломат юрибди. Туғри, уни «Россия» банкининг бошқарувидан яна бир марта ҳайдаб юборишди. Банк бир марта ҳатга тушиб, эси оғиб қолай деди ва шу аҳволида Крутихинни вилоят қумитаси Ишлар бошқармасининг бошқарувчиси сифатида эмас, «Дайнемик – Трансфер» фирмасининг вице-президенти сифатида банк бошқаруви кенгашига раис қилиб олишганини унутиб қуйди. Аммо ҳушлари жойига келгач, адолат тикланди. Аммо «Россия» банки ҳушидан оғиб қолгани билан Крутихиннинг узи совукконлигини бир зум ҳам йуқотгани йуқ. Унинг бошлиғи Гидаспов туғридан-туғри фитна кунининг узида вилоят Қумитаси бюро аъзоларини туплаб, коммунистлар армиясини оёкка турғазишни ва ГКЧПни қуллаб-кувватлашни буюрди. Крутихин эса шу куни «Чайка» деган соғломлаштириш мажмуини ва Солнечноедаги дам олиш базасини узи ташкил этган «Вартемяки» ширкати (масъулияти чекланган ширкат)

балансига утказди. Уларнинг баланс киммати 22 миллион сум. Ҳозирги пайтда Крутихин уларни хусусийлаштириш билан банд.

Юрий Прокофьев ҳам Москвада айни шундай киляпти.

КПСС Марказкумининг Халқаро бўлимида терговчилар нафасларини ичларига ютиб, Валентин Фалиннинг темир сандиғини очишди, бироқ унда ярми ичилган коньяк шишадан бошқа ҳеч нарса топмадилар.

Урток Дзасохов «менда, умуман, темир сандиқнинг ўзи бўлмаган» деди-да, аллақандай қудратли миллатлараро картелга маслаҳатчи бўлиб урнашиб олди.

Горбачёв «Горбачёв жамғармаси»ни тузиб, дусти академик Яковлевни ўз паноҳига олди. Айтишларича, академик янги китоб ёзаётган эмиш. Унинг 1986 йилда нашр этилган охирги китоби «Капитализмнинг суниши» деб аталарди. Горбачёвнинг ўзи хусусий ташрифлар билан дунёни кезиб юрибди, шу юришида жамғармасига ионалар тўплаш билан бирга ҳар хил фахрли унвонларни ҳам йиғяпти. Унга ҳавас килмай қўя қолинг – ҳаммаси қилмишига яраша!

Бутун бошли коммунистик тузумни маҳв этиб, нафақат омон қолиш, балки турмани ҳам четлаб ўтиш, ишонаверинг, осон иш эмас.

Партиянинг олтини эса ишончли қўлларда қолди.

Уни излаб овора бўлманг, чунки уни, мабодо топганингизда ҳам, ҳеч нарса килолмайсиз. Нега дейсизми? Шунинг учунки, Ильич билан Парвус орзу қилган жаҳон инқилоби аллақачон амалга ошиб бўлди. Доллар бутун дунёни босиб олди. Унга қарши курашда биз билган воситаларнинг ҳаммаси ожиз. Уни танклар билан янчиб ташлаёлмайсиз ёхуд партизан отрядлари билан силласини қуритолмайсиз. Уни фақат ундан кучлироқ валюта билан енгиш мумкин. Фақат шундай валютагина долларни кукунга айлантириб юбора олади. Доллар сўмни кукунга айлантирганидек. Аммо ўзининг ҳамма олтинини партия амалда Қўшма Штатларга утказиб юборган бўлса, бунақа валютани кандай килиб барпо этиш мумкин? Ишлаш керак. Аммо ҳеч ким ишлашни билмайди ва хоҳламайди ҳам. Мабодо биров хоҳласа, унинг ишлашига йўл қуйишмайди. Йўл қуйишса, ишлаганни хонавайрон қилишади. Албатта, буни онгли равишда атайин қилишади.

Гуманитар ёрдам ниқоби остида мамлакат устидан халқаро ҳомийлик урнатилган. Сирасини айтганда, мамлакат мустақиллиги йуқолиб булди.

Ҳозир унинг истиқболини ким ва қаерда белгилаяпти?

Большевиклар қандай қуккисдан пайдо булган булсалар, шундай ғойиб булдилар. Муайян жаҳон тизимлари бир вақтлар уларни Россиянинг устига улоқтирган эдилар. Ҳозир большевиклар шу тизимларга сингиб кетди.

Россиянинг ҳозирги ҳукумати – ё яширин ҳолатга кучган номенклатуранинг арьергарди ёхуд яширин ҳолатдан чиқиб келаётган янги номенклатуранинг илғор отряди. Тушуниб булмайди. Бирдан-бир хурсанд буладигани шуки, ҳеч ким ортиқ коммунизм курмайди.

Шунисига ҳам раҳмат!

Санкт-Петербург,
январь-март 1992 йил.

МУНДАРИЖА

Асрни хоритган ходиса.....3
Биринчи қисм
Босқин 8
Иккинчи қисм
Истило 122
Учинчи қисм
Улжа билан кочиш 296

Адабий-бадиий нашр

ИГОРЬ БУНИЧ

ПАРТИЯНИНГ ОЛТИНЛАРИ

Тошкент «Маънавият» 2016

Мухаррир *Д. Исмоилова*
Рассом *М. Аглямов*
Мусаҳҳих *С. Тошқулова*
Компьютерда тайёрловчилар: *И. Аҳмедов, Г. Хужамова*

Лицензия AI №189, 10.05.2011 йилда берилган.
Босишга 20.06.2016 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 $^{1}/_{12}$.
Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи. 20,16. Нашр табоғи. 21,43. 5000 нусха.
Буюртма № 16-35. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти босмахонасида чоп этилди.
100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома 16-16.

ISBN 978-9945-05-703-2
9 789945 069022